ISSN 2181-6883

PEDAGOGIK MAHORAT

Ilmiy-nazariy va metodik jurnal

№ 3 (iyun, 2018)

Jurnal 2001-yildan chiqa boshlagan

Buxoro, 2018

PEDAGOGIK MAHORAT
Ilmiy-nazariy va metodik jurnal
№ 3, 2018

Jurnal O`zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi OAK Rayosatining 2016-yil 29-dekabrdagi qarori bilan **pedagogika** va **psixologiya** fanlari bo`yicha dissertatsiya ishlari natijalari yuzasidan ilmiy maqolalar chop etilishi lozim bo`lgan zaruruiy nashrlar ro`yxatiga kiritilgan.

Jurnal 2001-yilda tashkil etilgan.

Jurnal 1 yilda 4 marta chiqadi.

Jurnal O`zbekiston matbuot va axborot agentligi Buxoro viloyat matbuot va axborot boshqarmasi tomonidan 2016-yil 22-fevral № 05-072-sonli guvohnoma bilan ro`yxatga olingan.

Muassis: Buxoro davlat universiteti
Tahririyat manzili: O`zbekiston Respublikasi, Buxoro shahri Muhammad Iqbol ko`chasi, 11-uy
Elektron manzil: ped_mahorat@umail.uz

TAHRIR HAY'ATI:

Bosh muharrir: Adizov Baxtiyor Rahmonovich – pedagogika fanlari doktori, professor
**Bosh muharrir o`rinbosari:** Navro`z-zoda Baxtiyor Negmatovich – iqtisod fanlari doktori, professor
Mas'ul kotib: Hamroyev Alijon Ro`ziqulovich – pedagogika fanlari nomzodi, dotsent

To`laganov Abduqobil Abdunabiyevich, texnika fanlari doktori, professor
Begimqulov Uzoqboy Shoyimqulovich, pedagogika fanlari doktori, professor
Mahmudov Mels Hasanovich, pedagogika fanlari doktori, professor
Ibragimov Xolboy Ibragimovich, pedagogika fanlari doktori, professor
Choriyev Abdushukur Choriyevich, pedagogika fanlari doktori, professor
Yanakiyeva Yelka Kirilova, pedagogika fanlari doktori, professor (N. Rilski nomidagi Janubiy-G`arbiy Universitet, Bolgariya)
Qahhorov Siddiq Qahhorovich, pedagogika fanlari doktori, professor
Barotov Sharif Ramazonovich, psixologiya fanlari doktori, professor
Jabborov Azim Meyliqulovich, psixologiya fanlari doktori, professor
Sunnatova Ra'no Izzatovna, psixologiya fanlari doktori, professor
Kozlov Vladimir Vasilyevich, psixologiya fanlari doktori, professor (Yaroslavl davlat universiteti, Rossiya)
Morogin Vladimir Grigoryevich, psixologiya fanlari doktori, professor (Xakassiya davlat universiteti, Rossiya)
Belobrikina Olga Alfonsasovna, psixologiya fanlari nomzodi, professor (Novosibirsk davlat pedagogika universiteti, Rossiya)
Chudakova Vera Petrovna, psixologiya fanlari nomzodi (Ukraina pedagogika fanlari milliy akademiyasi, Ukraina)
Chuprov Leonid Fedorovich, psixologiya fanlari nomzodi, RAE professori (Abakan, Rossiya)
Kozubsov Igor Nikolayevich, pedagogika fanlari nomzodi, RAE professori (Kiyev, Ukraina)
Sidorova Lyudmila Pavlovna, falsafa fanlari nomzodi, dotsent ("Oliy iqtisodiyot maktabi" milliy tadqiqot universiteti (Rossiya)
Tadjixodjayev Zokirxo`ja Abdusattorovich, texnika fanlari doktori, professor
Amonov Muxtor Raxmatovich, texnika fanlari doktori, professor
O`rayeva Darmonoy Saidjonovna, filologiya fanlari doktori, professor
Axmedova Shoira Ne'matovna, filologiya fanlari doktori, professor
Durdiyev Durdimurod Qalandarovich, fizika-matematika fanlari doktori, professor
Hayitov Shodmon Axmadovich, tarix fanlari doktori, professor
To`rayev Halim Hojiyevich, tarix fanlari doktori, professor
Mirzayev Shavkat Mustaqimovich, texnika fanlari doktori, professor
Mahmudov Nosir Mahmudovich, iqtisod fanlari doktori, professor
Bo`taboyev Muhammadjon To`ychiyevich, iqtisod fanlari doktori, professor
Bo`riyev Sulaymon Bo`riyevich, biologiya fanlari doktori, professor
Olimov Shirinboy Sharofovich, pedagogika fanlari doktori, professor

ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО
Научно-теоретический и методический журнал
№ 3, 2018

Журнал включен в список обязательных выпусков ВАК при Кабинете Министров Республики Узбекистан на основании Решении ВАК от 29 декабря 2016 года для получения учёной степени по **педагогике** и **психологии**.

Журнал основан в 2001г.
Журнал выходит 4 раза в год
Журнал зарегистрирован Бухарским управлением агентства по печати и массовой коммуникации Узбекистана.
Свидетельство о регистрации средства массовой информации ПИ № 05-072 от 22 февраля 2016 г.
Учредитель: Бухарский государственный университет
Адрес редакции: Узбекистан, г. Бухара, ул. Мухаммад Икбол, 11.
e-mail: ped_mahorat@umail.uz

РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ:

Главный редактор: Адизов Бахтиёр Рахманович – доктор педагогических наук, профессор
Заместитель главного редактора: Навруз-заде Бахтиёр Нигматович – доктор экономических наук, профессор
Ответственный редактор: Хамраев Алижон Рузикулович – кандидат педагогических наук, доцент

Тулаганов Абдукабил Абдунабиевич, доктор технических наук, профессор
Бегимкулов Узакбай Шаимкулович, доктор педагогических наук, профессор
Махмудов Мэлс Хасанович, доктор педагогических наук, профессор
Ибрагимов Холбой Ибрагимович, доктор педагогических наук, профессор
Чориев Абдушукур Чориевич, доктор педагогических наук, профессор
Янакиева Елка Кирилова, доктор педагогических наук, профессор (Болгария)
Каххаров Сиддик Каххарович, доктор педагогических наук, профессор
Баратов Шариф Рамазанович, доктор психологических наук, профессор
Джаббаров Азим Мейликулович, доктор психологических наук, профессор
Суннатова Рано Иззатовна, доктор психологических наук, профессор
Козлов Владимир Васильевич, доктор психологических наук, профессор (Ярославль, Россия)
Морогин Владимир Григорьевич, доктор психологических наук, профессор (Абакан, Россия)
Белобрыкина Ольга Альфонсасовна, кандидат психологических наук, профессор (Новосибирск, Россия)
Чудакова Вера Петровна, PhD (Психология) (Киев, Украина)
Чупров Леонид Федорович, кандидат психологических наук, профессор РАЕ (Абакан, Россия)
Козубцов Игорь Николаевич, кандидат технических наук, профессор РАЕ (Киев, Украина)
Сидорова Людмила Павловна, кандидат философских наук, доцент (Нижний Новгород, Россия)
Таджиходжаев Закирходжа Абдусаттарович, доктор технических наук, профессор
Аманов Мухтор Рахматович, доктор технических наук, профессор
Ураева Дармоной Саиджановна, доктор филологических наук, профессор
Ахмедова Шоира Негматовна, доктор филологических наук, профессор
Дурдыев Дурдымурад Каландарович, доктор физико-математических наук, профессор
Хаитов Шадман Ахмадович, доктор исторических наук, профессор
Тураев Халим Хаджиевич, доктор исторических наук, профессор
Мирзаев Шавкат Мустакимович, доктор физико-математических наук, профессор
Махмудов Насыр Махмудович, доктор экономических наук, профессор
Бутабоев Мухаммаджон Туйчиевич, доктор экономических наук, профессор
Буриев Сулаймон Буриевич, доктор биологических наук, профессор
Олимов Ширинбай Шарапович, доктор педагогических наук, профессор

PEDAGOGICAL SKILLS
The scientific-theoretical and methodical journal
#3, 2018

The journal is submitted to the list of the scientific journals applied to the scientific dissertations for **Pedagogic** and **Psychology** in accordance with the Decree of the Presidium of the Ministry of Legal office of Uzbekistan Republic on Regulation and Supervision of HAC (The Higher Attestation Commission) on December 29, 2016.

The journal was founded in 2001.
The journal is published 4 times a year

The journal is registered by Bukhara management agency for press and mass media in Uzbekistan.
The certificate of registration of mass media № 05-072 of 22 February 2016

Founder: Bukhara State University

Publish house: Uzbekistan, Bukhara, Muhammad Ikbol Str., 11.
e-mail: ped_mahorat@umail.uz

EDITORIAL BOARD:

Chief Editor: Ph.D. of Pedagogy, Prof. Bakhtiyor R. Adizov. **Deputy Editor:** Ph.D. of Economics, Prof. Bakhtiyor N. Navruz-zade. **Editor:** Ph.D., Asst. Prof. Alijon R. Khamraev

Ph.D. of Technical Sciences, Prof. Abdukabil A. Tulyaganov
Ph.D. of Pedagogical Sciences, Prof. Uzakbai Sh. Begimkulov
Ph.D. of Pedagogical Sciences, Prof. Mels Kh. Mahmudov
Ph.D. of Pedagogical Sciences, Prof. Holby I.Ibrahimov
Ph.D. of Pedagogical Sciences, Prof. Abdurashid Ch. Choriev
Ph.D. of Pedagogical Sciences, Prof. Yelka K. Yanakiyeva (Bulgaria)
Ph.D. of Pedagogical Sciences, Prof. Siddik K. Kahhorov
Ph.D. of Psychology, Prof. Sharif R.Baratov
Ph.D. of Psychology, Prof. Azim M. Jabbarov
Ph.D. of Psychology, Prof. Rano I.Sunnatova
Ph.D. of Psychology, Prof. Vladimir V. Kozlov (Yaroslavl, Russia)
Ph.D. of Psychology, Prof. Vladimir G. Morogin (Abakan, Russia)
Ph.D. of Psychology Sciences, Prof. Olga A. Belobrikina (Novosibirsk, Russia)
Ph.D. of Psychology, Vera P. Chudakova (Kiev, Ukraina)
Ph.D. of Psychology, As.prof. Leonid F. Chuprov (Abakan, Russia)
Ph.D. of Psychology, Prof. Vladimir G. Morogin (Abakan, Russia)
Ph.D. of Technical sciences, As.prof. Igor N. Kozubsov (Kiev, Ukraina)
Ph.D. of Philosophycal science, As. prof. Lyudmila P. Sidorova (Russia)
Ph.D. of Technical sciences, Prof. Shavkat M. Mirzaev
Ph.D. of Technical sciences, Prof. Mukhtor R.Amanov
Ph.D. of Technical sciences, Prof. Zakirkhodja A. Tadjikhodjaev
Ph.D. of Philology, Prof. Darmon S. Uraeva
Ph.D. of Philology, Prof. Shoira N. Akhmedova,
Ph.D. of Physical and Mathematical Sciences, Prof. Durdimurod K. Durdiev
Ph.D. of Historical Sciences, Prof. Shadman A. Khaitov
Ph.D. of Historical Sciences, Prof. Halim H. Turaev
Ph.D. of Economics, Prof. Nasir M. Mahmudov
Ph.D. of Economics, Prof. Mukhammadjon T. Butaboev
Ph.D. of Biological Science, Prof. Sulaymon B. Buriev
Ph.D. of Pedagogical Science, Prof. Shirinboy Sh. Olimov

MUNDARIJA-СОДЕРЖАНИЕ-CONTENTS

Б. Азимов. Миллий урф-одатлар инвестицион ва инновацион трансформациялашга муҳтожми?.. 7

PEDAGOGIKA VA PSIXOLOGIYA

**O`. Qurbonova.** Yusuf xos Hojibning "Qutadg`u bilig" asarida ta'lim-tarbiya masalalari…….. 11

И.Арзиматова, Б.Рахмонов. Глобаллашув жараёни ва ёшларни маънавий таҳдидлардан ҳимоя қилиш масаласи..... 15

Н.Ҳақназарова. Олий таълим муассасаларида кадрлар тайёрлашни прогноз қилишнинг аҳборот таъминоти..... 18

Д.Ахатова, Ф.Ходжиева. Педагогик кейслар педагогик маҳоратни шакллантириш воситаси сифатида..... 23

М. Ахмеджанов. Бола тарбиясида оила намунаси..... 30

Т.Степанова. Ресурс досугового события в развитии эмоциональной культуры личности…… 33

Ш.Нарзиев, З.Рахимов, У.Хазратов. Эффективность новой педагогической технологии в формировании знаний студентов..... 37

Ш.Улуғова. Бозор шароитига хотин-қизлар мослашувининг ижтимоий-психологик хусусиятлари..... 42

Б.Хўжаев. Ўқувчиларда фуқаролик туйғуси асосларини тарбиялаш..... 45

М.Нигматова. Устоз-шогирд муносабатларида Ҳусайн Воиз Кошифий таълимотининг аҳамияти..... 49

В.Козлов. Возврат к фронезису..... 53

Е.Пшибес. Телесное прикосновение размышляя об этике…….. 62

А.Расулов. Психологик-педагогик ташхис – ўқитувчи шахсий-касбий камолотини баҳолаш мезони... 66

Ш.Абдуллаева. Педагогик фаолияти ва профессионал компетентлик: тушунчалар уйғунлашуви..... 70

Н.Валиева. Оммавий ахборот воситаларининг болалар руҳиятига таъсири..... 73

Д.Ильхамова. Психосоциальные детерминанты, влияющие на развитие и течение хронических соматических заболеваний у детей и подростков…….. 76

Д. Бегматова. Шарқ мутафаккирларининг касб ва ҳунар ҳақидаги маънавий-маърифий қарашлари.... 80

Г.Тоирова. Намунали оиланинг замонавий мезонлари..... 83

Н.Халилова. Субъектив олам мустақиллигини шахсда ривожланишининг психологик механизмлари 89

К.Қодиров. Функционал асимметрия қиёфаси ва когнитив стиль хусусиятларининг ўзаро боғлиқлиги..... 93

D. Sayfullayeva. Jismoniy imkoniyati cheklangan yoshlarni kasb-hunarga tayyorlashda "O`z-o`zini boshqarish" ta'lim texnologiyasidan foydalanishning imkoniyatlari va nazariy jihatlari…… 100

Х.Жабборов. Ўсмирларда мафкуравий иммунитет шаклланишининг психологик омиллари..... 106

D. Safarova, G.Begmanova. O`qituvchi mahoratining ayrim psixopedagogik jihatlari…….. 112

Н.Атабаева. Шахсда альтруистик хулқни тарбиялашнинг миллий хусусиятлари..... 115

М.Асранбоева. Ҳиссий зўриқишларнинг пайдо бўлишига таъсир этувчи субъектив ва объектив омиллар..... 119

Д.Мирзабдуллаева. Таълим ва тарбия жараёнида ўсмирлар муҳитидаги низолар..... 125

N. Maqsudova. O`zbekiston Respublikasida inklyuziv ta'lim…….. 129

У.Файзиева, Н.Қурбонов. Ватанга эътиқоднинг тарихий илдизлари..... 132

BOSHLANG`ICH VA MAKTABGACHA TA'LIM

N.Ruziqulova. Boshlang`ich sinflarda matematika fanidan DTSlarning malaka talablari bo`yicha axborotlar bilan ishlash kompetensiyasini shakllantirish…… 136

N.Rajabova. Boshlang`ich sinf "O`qish" kitoblarida istiqlol va vatan tushunchasining poetik talqini…… 140

О.Аслонова. Бошланғич синф ўқувчиларида тафаккур тезлигини ривожлантиришнинг педагогик шарт-шароитлари..... 143

Г.Юнусова. Мактабгача ва бошланғич таълимнинг узвийлигини таъминлашнинг педагогик асослари 146

N.Mamatxanova. Boshlang`ich sinf o`quvchilarida intizomlilikni tarbiyalashning o`ziga xos xususiyatlari... 150

ANIQ VA TABIIY FANLAR

Ҳ.Артиков. Бўлажак физик мутахассисларни ўқитишда инновацион технологиялардан фойдаланиш компетентлигини шакллантириш..... 153

X. Tajiboyeva, Sh.Usmanova. Kundalik turmushda fizik hodisalarning ahamiyati va ularni his qilishda namoyish tajribalarning o`rni…….. 156

Э.Атоев, Х.Гайбуллаев. Методика определения количество тестовых заданий в субтесте…….. 159

A. Karimov, B.Izbosarov, O.Karimova. Elektromagnit va mexanik tebranishlarning o`xshashligini tushuntirishda interfaol metodlardan foydalanish…… 162

H.Suyarova. Kimyo fani bo`yicha ekskursiya mashg`ulotlarini tashkil qilish va o`quvchilarning ekologik madaniyatini shakllantirishdagi ahamiyati…….. 165

A.Ahmedov, A.Sattorov. Astronomiya kursini o`qitish uslubiyotini takomillashtirish omillari…….. 168
X.Hasanova. Barkamol avlodni tarbiyalashda hozirgi zamon o`qituvchisining o`rni…… 171
TIL VA ADABIYOT, XORIJIY TILLAR
Sh. Hayitov, X.Barotova. "Boburnoma"da tarixiy, ilmiy va badiiy talqin uyg`unligi…….. 174
Z.Ahmadova. Odam alayhissalom tarixi..... 180
A.Рахмонов. Нутқ маданиятини такомиллаштириш – долзарб услубий муаммо сифатида..... 183
З.Қодирова, Н. Рахимова. Чет тилларини ўқитишда мулоқот маданиятини ривожлантириш..... 186
Н.Авезова. Инглиз тили дарсларида таълим методларидан фойдаланиш самарадорлиги..... 189
M.Kahharova. Appreciated good manners in foreign and in our country..... 194
M.Niyazova. The characteristic features of some methods in teaching English…… 198
A.Sharipova. Technology of development critical thinking through reading and writing. What is "technology of teaching"?..... 202
D.Axmedova. Akademik litseylarning tabiiy fanlar ta'lim yo`nalishlarida «Yordamchi so'z turkumlari. Ko'makchilarning uslubiy xususiyatlari» mavzusini o`tish tajribasi…….. 207
MUSIQIY TA'LIM VA SAN'AT
И.Моянов. Ёш авлод маънавий-маърифий тафаккурини шакллантиришда мусиқа санъатининг ўрни (Қорақалпоқ халқ мусиқаси асосида)..... 213
Т.Утебаев, А.Ережепов. Место музыкальных инструментов в развитии народной культуры каракалпаков…….. 216
A.Rajabov. Sharq mutafakkirlarining cholg'u sozlari rivoji va takommillashuviga qo'shgan hissalari…… 219
С. Дўстов, Б.Мадримов. Мусиқа маданияти дарсини ўтишда қўлланиладиган айрим методлар..... 223
О.Каримов. Бошланғич синф ўқувчиларининг мусиқий билиш имкониятлари..... 227
J.Yarashev. Musiqiy ta'limda aksiologik yondashuv…… 230
А.Мусинова. Мис кандакорлиги санъатини ўргатиш орқали ўқувчи-ёшларни ахлоқий-эстетик тарбиялаш..... 233
IQTISODIY TA'LIM VA TURIZM
Н.Махмудов, М.Бўтабоев. Бизнес жараёнларида молиявий менежмент..... 237
М.Зарипова, М.Қўлдошев, С. Раҳимова. Касб-ҳунар коллежи ўқувчи-ёшларида иқтисодий билим ва кўникмаларни ривожлантириш омиллари..... 243
INFORMATIKA VA AXBOROT TEXNOLOGIYALARI
D.Fayziyeva. Kompyuter grafikasi fani bo'yicha dars jarayonini tashkil etishda ta'lim texnologiyalaridan foydalanish…….. 248
Ш.Рустамов. Применение статистического пакета анализа данных SPSS Statistics в психологических исследованиях на примере факторного анализа…… 252
N.Sayidova, M.Xoliqova. "Tumblr" ijtimoiy tarmog`i va undan foydalanish tartibi…… 256
JISMONIY MADANIYAT VA SPORT
М.Ибрагимов. Футболчилар жароҳатининг олдини олиш ва профилактикаси..... 267
С.Акрамов. Футболчининг психологик тайёргарлиги..... 271
М.Аҳмедов. Болалар ва ўсмирлар спортининг илмий-методик асослари..... 275
A.Ibragimov, Sh.Qurbonov. Oliy ta'lim muassasalarida innovatsion ta'lim jarayonini tashkil etishning nazariy asoslari…… 278
О.Фармонов, Ғ.Салимов. Кичик мактаб ёшидаги болалар жисмоний тарбиясининг педагогик ва психологик асослари..... 281
Z.Yadgarova, Y.Fayziyev. Islom, sport va salomatlik…….. 284
З.Юсупова. Она ва бола соғлигини мукаммаллаштиришда айланма ҳаракат машқларининг ўрни..... 286
А.Иноятов. Саломатлик жамғармасининг аҳамияти ҳамда физиологик кексайиш билан боғлиқ ижтимоий муаммолар..... 290
R.Shukurov. Turon yakkakurashi bilan shug'ullanuvchi talaba qizlarni musobaqa oldi psixologik tayyorlashning afzalliklari…….. 294
Q.Arslonov. Milliy kurash turlari va uni o'qitish metodikasi fanini o'qitishda qo'llaniladigan ta'lim texnologiyalari…… 297
А.Афраимов. Спорт гимнастикаси билан шуғулланишнинг организмга таъсири..... 301
Ш.Кадыров. Этапы формирования мотивации на достижения в спорте..... 306
TADBIRLAR
М.Ибрагимов. «Талаба спорт ҳафталиги" мусобақаси иқтидорли талабаларни каф этишнинг муҳим омили сифатида..... 310
QUTLOV
В.В. Козлов. Великий ученый и светлый человек. Профессору В.Ф. Петренко 70 лет..... 312



Бобир АЗИМОВ
Бухоро муҳандислик-технология институти
Илмий тадқиқотларни интеграциялаш ва инновациялар маркази директори,
иқтисод фанлари номзоди

МИЛЛИЙ УРФ-ОДАТЛАР ИНВЕСТИЦИОН ВА ИННОВАЦИОН ТРАНСФОРМАЦИЯЛАШГА МУҲТОЖМИ?

Мақолада Ўзбекистон фуқаролар турмуш фаровонлигининг юқори суръатлар билан ошиши натижасида миллий урф-одатларни нотўғри талқин қилиш ҳолатлари келиб чиққанлиги ва эндиликда урф-одатларни инвестицион ва инновацион трансформациялаш зарурияти тўғрисидаги фикрлар келтирилган.

Таянч тушунчалар: *ўзбек миллий урф-одатлари, урф-одатларнинг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар, турмуш фаровонлиги, турмуш фаровонлиги кўрсаткичлари, инвестициялар, инновациялар.*

В статье приведены мнения о появившихся нелепых ситуациях в следствии неправильной интерпретации национальных обычаев в процессе резкого улучшения благосостояния граждан Узбекистана, и мнения о необходимости инвестиционной и инновационной трансформации национальных обычаев в современных условиях.

Опорные понятия: *национальные узбекские обычаи, факторы, влияющие на изменения национальные обычаи, благосостояние граждан, показатели благосостояния граждан, инвестиции, инновации.*

In this article is presented the views about facts originated from the wrong interpretation of customs in pro-cess of rapidly improvement of Uzbek citizen welfare, and opinions in appearing needs for investment and innovative transformation of national customs in modern conditions.

Supporting concepts: *Uzbek national customs, the factors what influence to changing of national customs, public welfare, welfare indicators, investments, innovations.*

Барча халқларнинг урф-одатлари, анъана ва маросимлари муайян тарихий даврнинг маҳсули бўлиб, у маълум турмуш тарзи ҳамда турмуш фаровонлигининг таъсири натижасида пайдо бўлган, вақт ўтган сари улар тобора мустаҳкамланиб аждодлардан авлодларга мерос бўлиб келган. Ўзбек халқига ўтмиш авлодларимиздан етиб келган қадимий урф-одатлар, тантаналар, расм-русумлар билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Ўзбек халқининг урф-одатлари асрлар оша миллатнинг шаклланишида иштирок этган барча қабилалар ва элатларнинг маданий малакалари ва анъаналарининг уйғунлашувидаги мураккаб жараёнлар оқибатида таркиб топган. Улар ўта ўзига хос, ёркин ва турлитуман бўлиб, юзлаб-минглаб йиллар давомида сайқалланиб бизгача етиб келган.

Миллий ва анъанавий байрамларнинг биргаликда нишонланиши кишиларда ҳамжиҳатлик, бир-бирини қўллаб-қувватлаш, бағрикенглик, ўзаро ёрдам, меҳр-оқибат каби фазилатларни юксалтиришга хизмат қилади. Бундай тўй, тадбир ва маросимлар барча қариндош-уруғ, маҳалла-кўй, дўсту биродарлар билан баҳам кўрилиши ижобий психологик иқлимни тарбиялайди. Азалдан ўзбек халқининг тўй-маросимлари аслида жуда гўзал, мазмунан ранг-баранг бўлган. Ҳар бир тантана эса унгача, тўй давомида ва маросимдан сўнг ўтказиладиган расм-русумларга ҳам бой саналади.

Қадимдан тўй-базмларда ўйин-кулги, шеърхонлик, кураш, кўпкари, аскиябозлик қилинган, бахшиларнинг баҳслари тўйларга нафис ва латиф кайфият бағишлаган. Бу каби тантаналар орқали халқнинг миллий қадриятлари тарғиб этилиб, сайқал топган, ёш авлоднинг маънавияти шаклланиб борган. Тўйга одатда, маънавий озиқ олиш, қариндош-уруғ, ёру-биродарлар билан учрашиш, дийдорлашиш, хонадон соҳибларининг хурсандчиликларига шерик бўлиш мақсадида борилади.

Ўзбекларнинг анъана ва маросимлари анча-мунча консерватив кўринишга эга бўлган, айрим қирралари диний негизга эга бўлганлиги боис аждодлардан қарийб ўзгармасдан ўтиб келган. Шу жиҳатдан олиб қараганда, урф-одат, анъана, маросим ва удумларимиз узоқ вақт давом этган тарихий тараққиётнинг маҳсулидир, десак хато бўлмайди. Тарихан таркиб топган миллий анъана, урф-одат, расм-русум, таомил, маросимларнинг шаклланиши, ривожланиши ва асрлар ошиб аждодларга етиб

келишига бир қанча омиллар бевосита ва билвосита таъсир кўрсатган бўлиши мумкин. Кишиларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжлари қондирилиши билан анъана, урф-одат, расм-русум ва маросимларнинг сони кўпайиб ва сифати ўзгариб боради. Шунинг учун ҳар бир халқнинг турмушида унинг ўзига хос белги ва хусусиятларни ҳосил қилади. Тарихий ўзгаришлар маълум вақт мобайнида вужудга келади, давр ўтган сари уларнинг айримлари турмуш амалиётидан тушиб қолади, уларнинг ўрнига янгилари пайдо бўлади. Миллий урф-одатларни сезиларли ўзгартиришга қодир омиллардан бири аҳолининг турмуш фаровонлигидир.

Аҳоли турмуш фаровонлиги — бир қанча жараёнлар йиғиндиси таъсирида ўзгариб турадиган омилдир. Биринчидан, аҳолининг турмуш фаровонлиги мунтазам ўзгариб турадиган турли неъматларга бўлган эҳтиёжларнинг таркиби ва даражаси билан, иккинчидан, эҳтиёжни қондириш имкониятлари, товарлар ва хизматлар бозоридаги ҳолати, аҳоли даромадлари, меҳнаткашларнинг иш ҳақи даражаси билан белгиланади. Бизга маълумки, аҳолининг даромади, иш ҳақи миқдори, турмуш фаровонлиги, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳалари самарадорлиги, илмий-техник тараққиёт даражаси, аҳолининг маданий-маърифий савияси ва бошқа шунга ўхшаш соҳаларнинг тараққий топиши, асосан, давлат тизими ва давлатнинг олиб бораётган сиёсати билан чамбарчас боғлиқ.

БМТ тавсиясига кўра аҳоли турмуш фаровонлигини ҳар томонлама тўлиқ тавсифлаш учун 12 та гуруҳ кўрсаткичлари бўлиши лозим. Булар жумласига қуйидагилар киради:

1. Мамлакатдаги демографик шароит: туғилиш, вафот этиш ва бошқалар.
2. Турмуш шароитида санитария – гигиеник ҳолат.
3. Озиқ-овқат товарлари истеъмоли.
4. Уй-жой билан таъминланиш даражаси.
5. Фан ва маданият.
6. Меҳнат шароити ва бандлик.
7. Аҳоли даромадлари ва харажатлари.
8. Турмуш қиймати ва истеъмол баҳолари.
9. Транспорт воситаларининг мавжудлиги.
10. Дам олишни ташкил этиш.
11. Ижтимоий таъминот.
12. Инсон ҳуқуқи.

Айтиб ўтиш керакки, мустақилликка эришилгандан сўнгги босиб ўтилган тарихан қисқа даврга қарамасдан, Ўзбекистонда аҳоли турмуш фаровонлиги кескин ижобий ўзгаришларга юз тутди. Биринчи Президентимиз И.А. Каримов таъкидлаганидек: “2015 йилда иқтисодиётимизни юқори суръатлар билан барқарор ривожлантиришга эришганимиз аҳоли даромадларини янада кўпайтириш, одамларимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш учун мустаҳкам асос яратди” [1].

Аҳоли таркибида иш билан банд бўлган аҳоли улушининг кўпайиб бориши, аҳоли реал даромадларининг доимий равишда ўсиб бориши, мамлакатимизда аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган ислоҳотларнинг самарали амалга оширилаётганлиги сабабли Ўзбекистонда аҳоли сонининг ортиб бориш суръатлари аҳоли тўлов қобилиятининг ошиб бориш суръатларидан орқада қолмоқда. Дунёдаги саноқли давлатлар қаторида Ўзбекистонда мустақил тараққиёт йилларида иқтисодиёт қарийб 6 баробар, аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал даромадлар 9 баробардан зиёд ўсди. Фақатгина 2010 ва 2015 йиллар оралиғида 2,5 баравардан ортиқроққа ўсганлигини кузатишимиз мумкин. Биринчи Президентимиз И.А. Каримов мамлакатни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида “Тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромадлар улуши 2010 йилдаги 47,1 фоиз ўрнига, 52 фоизга ўсгани ва бу Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларидаги кўрсаткичлардан сезиларли даражада юқори эканини алоҳида таъкидлашни истардим”, – деган эди.

Ишонинг, чорак аср ҳам бўлиб улгурмаган ривожланиш йўли Ўзбекистон тарихи чархпалагини бир неча асрларга олдинга суриб юборди. Мустақиллик туфайли ҳаётимизнинг фаровон бўлиши, тўкин-сочин турмушнинг рўёбга чиқиши аҳоли турмуш фаровонлигининг юқори суръатлар билан ўсиши натижасида фуқароларимиз ўзининг бахт-иқболини, яшаб турган замондан шукронасини турли маросимлар, базмлар, тўйлар, расм-русумлар, удумлар орқали намойиш қилмоқда. Афсуски, бу расм-русумлар, удумларни кўр-кўрона талқин қилиш, қийинчилик билан топилган даромадларни бир пасда кўкка совуриш, асл урф-одатларни кўп ҳолларда унутиш, бизга мутлақо ёт бўлган сохта қадриятларни ҳаётимизга киритиш ҳолатлари авж олиб бормоқда. Бунинг натижасида дабдаба ва

шуҳратпарастликка ўралган одатлар ўзининг ҳақиқий қиёфасини йўқотиб, жамият негизида ўсиб, номаълум томонга қараб ҳаракатланаётган кенг кўламли иллатга айланиб бормоқда, десак хато бўлмайди. Бундай салбий иллатларнинг олдини олиш мақсадида қабул қилинган "Тўй-ҳашамлар, маросимлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонида "...кейинги вақтларда тўйлар, маърака ва маросимларни ўтказишда мамлакатимизнинг кўп жойларида шуҳратпарастлик, дабдабабозлик, исрофгарчиликка йўл қўйиш, эл-юрт одатлари ва анъаналарини менсимаслик, ўзини кўз-кўз қилиш, атрофида яшаётган одамларнинг ҳол-аҳволини инобатга олмаслик каби зарарли одатларга йўл қўйилаётгани, манманликка берилиб кетган ҳавойи мансабдорларнинг номақбул ҳаракатлари соғлом муҳитнинг бузилишига сабаб бўлаётгани ва оддий одамларнинг нафсониятларига тегаётгани, уларнинг адолат тантанасига, умуман, ҳокимиятимизга бўлган ишончига зиён етказаётгани..." ҳақида келтириб ўтилган. Оддий мисол сифатида замонавий тўй ва маросимларнинг номларини бир ёдга олайлик-а: бешик тўйи, суннат тўйи, никоҳ тўйи, фотиҳа тўйи, аскар тўйи, уй тўйи, битирув маросимлари, турли иншоотлар ёки бизнес масканларининг очилиши маросимлари, диплом тўйи, мучал тўйи, эсда қоларли ёшга етгандаги юбилейларни нишонлаш тўйлари, уч, етти, йигирма, қирқ, йил аза маъракалари ва яна саноқсиз бир қанча. Халқнинг "никоҳ тўйи" атамаси билан юритиладиган барча анъаналари, урф-одат ва удумлари шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг кундалик турмушига азалдан сингиб кетган бўлиб, халқнинг эзгу истаклари хамда интилишларини ўзида тўлиқ акс эттиради, деб ишониб келамиз. Биргина никоҳ тўйига боғлиқ "нон синдириш", "маслаҳат оши", "куда чақирди", "қиз базми", "юз очди", "келин салом", "тахурар" (кўрпа-ёстиқларни супага тахлаш), "сарпо кўрар", "қиз оши", "сабзи тўғраш", "куёв навкар" каби одатлари алоҳида-алоҳида тадбир-маросимларга айланиб кетаётганини эслаш фикримиз далилидир. Бунинг устига халқимизнинг бир одати тўйга тўёна билан келишдир. Албатта, бу тўй соҳибларига нисбатан ҳурмат-эътибор рамзи, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш демакдир. Ҳадянинг моддий ва маънавий таъсири, аҳамияти катта бўлиб, бу ҳамиша инсонпарварлик нуқтаи-назаридан амалга оширилмоғи керак.

Ҳудудларимизда ўтказилаётган тўй-маросимларда ортиқча дабдабабозликка йўл қўймаслик, миллий анъаналаримизга ёт бўлган "одатлар"га барҳам бериш бугуннинг муҳим масалаларидан бирига айланган. Шундай экан, бу масалада ким ўзарлик, ўзини кўз-кўз қилиш, бировларни қарздор қилиб қўйишни ўйлаш бориб турган калтабинлик эканлигини ҳам англаш лозим. Юқоридаги фикрлар халқ орасида келажакни рационал режалаштириш, кейинги ёш авлоднинг яшаши, фаровон турмуш кечириши учун шарт-шароитлар яратиб беришга асос бўлувчи иқтисодий билим ва савиянинг кам ривожланганлиги сабаб бўлмоқда. Бу иллатнинг илдизига болта уриш учун иқтисодий билимдонликни яхшилаш зарур. Фикримизча, қуйида келтириладиган одатлар эндиликда халқимизнинг замонавий ижтимоий-маданий савиясидан орқада қолиб, жамият сифатида унинг яхлит тараққиётига раҳна солибгина қолмасдан, миллий бозоримизнинг микроиқтисодий субъектлари ҳисобланган жисмоний шахслар, оилалар, ўртоқлик асосида бирлашган инвесторларнинг инвестицион фаоллигини ҳам чеклаб қўяётган омиллардир. Улар қуйидагилар: "нон синдириш", "маслаҳат оши", "куда чақирди", "қиз базми", "юз очди", "келин салом", "тахурар", "сарпо кўрар", "қиз оши", "сабзи тўғраш", "куёв навкар" каби тадбир-маросимлар, туғилган кунларга ўйинчоқ машина, ўйинчоқ қуроллар, компьютер ўйинлари, "қиз кўрди"га қимматбаҳо қандиллар, қимматбаҳо мебеллар, ортиқча пардоз-андоз ашёлари, қимматбаҳо тақинчоқлар, той, қалин, сеп ва ҳоказо. Масаланинг нозик томони шундаки, назарий, амалий, этнографик характердаги аниқ илмий изланишларсиз тўй-тантаналарнинг сонини, такрорланувчанлигини, кўламини ва меъёрларини чеклаб-чегаралаб қўйиш халқимизга хос урф-одатларга ҳурматсизлик бўлган бўлар эди. Умуман, барчага бирдек маъқул келадиган, ҳамманинг орзу-ўйларини рўёбга чиқарадиган аниқ бир ўлчов, мезон бормикан? Бизнингча, бу масалада фикрларни юритиш тавсиявий характерда бўлиши керак. Қай бир урф-одатларимиз, анъаналаримизни келажак авлодга мерос қилиб ўтказишимиз, уларнинг Ватанимиз иқтисодий қудратини юксалтиришдаги аҳамиятини инвестицион ва инновацион тафаккур чиғириғидан ўтказган ҳолда танқидий қайта кўриб чиқишимиз талаб этилади. Масалан: юқорида тилга олиб ўтилган иллатларга харжларни амалга оширгандан кўра, фарзандларимиз туғилган кунларига, суннат тўйлари ва никоҳ тўйларига атаб турли конструкцияларга айланувчи ўйинчоқ, интеллектуал ўйинлар созланган дисклар, хўжаликни стратегик бошқариш талаб қилувчи ўйинлар, тикув машинасини, металлга ишлов берувчи станок, акциялар, технологик линияни патент, фойдаланишга тайёр бизнес объектлар, бизнес-режалар, қуёш батареялари, сув ёки шамол генератори, энергия тежовчи лампалар, маҳсулот реклама ролиги кабиларни совға қилсак уларнинг келажагини ўйлаган бўламиз. Қўшимча қилиб айтадиган бўлсак, кимошди савдолари, ярмаркалар ва кўргазмалар харажатларини

қоплаб бериш, янги маҳсулотлар, хизматлар ва уларни ишлаб чиқариш (етказиб бериш)нинг янги методларини ўзлаштириш, янги ишлаб чиқариш жараёнлари бўйича тадқиқотлари ва ишланмалар учун харажатларни қоплаб бериш, патентдан, ихтиродан, саноат намунасидан, фойдали моделдан фойдаланиш бўйича лицензиялар, бинолар ижараси, сертификатлаш ва патентлаш харажатлари, тадбиркорлик ҳақ–ҳуқуқларини билиш ҳамда қонунчиликдаги янгиликлар тўғрисида семинарлар ўтказиб бериш, юридик шахсни рўйхатдан ўтказиш харажатларини қоплаб бериш ёрдамида фарзандларимизнинг тадбиркорлик уқувларини оширишга, мол-мулкни оқилона бошқариш қобилиятларини ўстиришга, уларнинг инновацион ва инвестицион тафаккурларини ўстиришга кўмаклашган бўламиз. Бу чораларни қўллаш авваламбор, аждодлар урф-одатларига содиқликни намоён этса, иккинчидан, урф-одатлардан инвестицион ва инновацион салоҳиятни янада юксалтиришда фойдаланган бўламиз, учинчидан, энг асосийси, авлодларга ўз урф-одатларимизни шахс, жамият, халқ манфаатларига бирдек хизмат қиладиган “намуна”да трансформациялаб ўтказиб беришимиз мумкин. Зеро, XXI асрда яшаётган эканмиз, фақатгина биз – ўзбекларнинг ўзлигимизни намоён этиб келаётган маданиятни, урф-одат, маросим, адабиёт, санъатни билиш, сақлаш ва кейинги авлодларга бус-бутун етказиш муқаддас инсоний бурчимиз бўлиб қолмоғи зарур.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президент И.А. Каримовнинг “Мамлакатни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси.// “Халқ сўзи” газетаси.

2. “Тўй-ҳашамлар, маросимлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 1998 й., 10-11-сон, 203-модда.

3. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – 176 б.

4. Каримов И.А. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Т.: “Янги авлод”, 2001.

5. Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: “Ўзбекистон”, 1997.

6. Бойқобилов Б. Ўзбекнома. – Т.: “Шарқ”, 1999.

7. Маънавият. Асосий тушунчалар изоҳли луғати. – Т., 2009.

8. Электрон манбалар: www.press-servise.uz, www.ziyonet.uz, www.gov.uz

PEDAGOGIKA VA PSIXOLOGIYA



O'lmas QURBONOVA
Buxoro davlat universiteti pedagogika kafedrasi
katta o'qituvchisi

YUSUF XOS HOJIBNING "QUTADG'U BILIG" ASARIDA TA'LIM-TARBIYA MASALALARI

Maqolada Yusuf xos Hojibning "Qutadg'u bilig" asarida ta'lim-tarbiya masalalari yoritilgan.

Tayanch tushunchalar: *ta'lim, tarbiya, madaniyat, axloq, jamiyat, davlat, rahbar, an'ana.*

В данной статье освящаются вопросы образования и воспитания в произведение Юсуфа хос Хожиба "Кутадгу билиг".

Опорные понятия: *образование, воспитание, культура, мораль, общество, государство, правитель, традиция.*

In this article is consecrated the issues of education and upbringing in work of Yusuf Khos Khozhib, "Kutadgu bilig".

Supporting concepts: *education, upbringing, culture, morality, society, state, ruler, tradition.*

Xalqimiz madaniyatini, milliy istiqlol mafkurasini rivojlantirishda madaniy merosimiz va ular mazmunida ilgari surilgan ilm-fan, ijtimoiy-siyosiy, ta'lim-tarbiyaga oid fikrlarni o'zlashtirish va amalga tatbiq qilish ham nazariy, ham amaliy ahamiyatga ega.

Mamlakatimiz Prezidenti Sh.M. Mirziyoyev o'z nutqida doimo xalqimiz boy madaniy merosini izchillik bilan o'rganishga, undan yoshlar ma'naviyatini shakllantirish va rivojlantirishda foydalanishga da'vat etib kelmoqdalar. "Yoshlarimizning mustaqil fikrlaydigan, yuksak intellektual va ma'naviy salohiyatga ega bo'lib, dunyo miqyosida o'z tengdoshlariga hech qaysi sohada bo`sh kelmaydigan insonlar bo'lib kamol topishi, baxtli bo'lishi uchun ajdodlarimizning madaniy-ma'naviy boyligini chuqur va har tomonlama o'rganishimiz darkor" [1,14].

Hozirgi jamiyat madaniyatining shakllanishi va uning ma'naviy hayotida o'tmish madaniy merosi juda katta ahamiyat kasb etadi. Ana shunday nodir asarlardan biri Yusuf xos Hojibning "Qutadg'u bilig" asari turkiy xalqlar ma'naviy merosida muhim o'rin egallaydi. U haqidagi dastlabki ilmiy maqola XIX asrning birinchi yarmida e'lon qilingan bo'lib, "Uyg'ur yozuvidagi turkiy qo'lyozma haqida qaydlar" [2,67-68] deb nomlangan.

Yusuf xos Hojibning "Qutadg'u bilig" asarini tadqiq qilishda Jober, Herman Vamberi, Muhammad Kuprilazoda, Rizo Nur, Faxri Funduk o'g'li, Notiq Orkin, Sodiq Oran, R.R. Arat, A. Dilachar, P.M. Melioranskiy, A. Samoylovich, K.K. Yudaxin, N.A. Baskakov, E.E. Bertels, A.A. Valitovalarning alohida xizmatlari bor.

XIX asrning 90-yillaridan mazkur asarni o'rganishga rus olimi V.V. Radlov kirishdi va olim asar bilan deyarli 25 yil shug'ullandi. V.V. Radlovning buyuk xizmati shundaki, u asarning yangi va nisbatan mukammal nashrini amalga oshirdi [3]. Hozirda "Qutadg'u bilig" ning Hirot, Vena, Qohira va Namangan nusxalari keng o'rganib kelinmoqda.

Birinchi bo'lib professor A. Fitrat 1924-yilda Namangan nusxasini olib, maqola e'lon qildi. "Qutadg'u bilig"ning mukammal nashri o'zbek olimi Q. Karimov tomonidan amalga oshirildi va tadqiq etildi. Uni tahlil etishda S.M. Mutalliboyev, N.M. Mallayevlarning xizmati katta. "Qutadg'u bilig"ning hozirgi o'zbek tilidagi bolalarbop bayoni Boqijon To'xliyev tomonidan nashr etilgan.

Mazkur asarning shuhrat topishi bejiz emas. Chunki Yusuf xos Hojib o'z davrining yetuk mutafakkiri, chuqur bilimli, donishmand kishisi edi. Buni asarning mundarijasi va mazmunidan ham bilsa bo'ladi. U o'z asarida tarix, handasa, falsafa, ta'lim-tarbiya, tibbiyot, tabiyot, falakiyot, geografiya, riyoziyot, adabiyot, fiqhga oid fikrlarni bayon etib, faylasuf va qomusiy olim sifatida o'zini namoyon eta olgan. Chunonchi, u

barcha ijtimoiy tabaqalar o'rtasidagi o'zaro muomala, munosabatlarni yoritish bilan diplomatiyaga oid qoidalar tizimini yaratdi, turli kasb egalarining kasb-koriga oid talablar va jamiyatning axloqiy tamoyillarini ko'rsatish orqali ta'lim-tarbiya sohasida o'ziga xos uslubni yaratdi.

"Qutadg'u bilig", – deb yozadi A.A. Valitova, – haqiqatda ham yorqin ifodalangan axloqiy asar bo'lib, hukmdor bo'lishga tayyorlanayotgan yosh vorisga pand-o'gitlar tariqasida yozilgan [4,129].

I. Barolina esa bu asar o'zida axloqiy o'gitlar zanjirini mujassamlashtirib, falsafiy, ijtimoiy hamda axloqiy muammolarning katta doirasini qamrab olganini qayd etadi [5,102].

Akademik A.N. Kononov: "Qutadg'u bilig" didaktik asardir. Bu janrning ildizlari uzoq o'tmish davrlariga borib taqaladi. Bu janr qadimgi misrliklar va hindlarga ma'lum edi. So'ngra uyg'onish davrida, ya'ni, "Qutadg'u bilig" yaratilganidan qariyb besh asr keyin, bu janr yevropaliklarga ham ma'lum bo'ldi va ular xuddi o'sha "Qutadg'u bilig"dagidek didaktik g'oyalarni ifodalashda o'z hayotlarini aks ettiruvchi "ko'zgu" shaklidan foydalanadilar, – deb ko'rsatadi [6,11-12].

Yusuf xos Hojibning "Qutadg'u bilig" asari ta'limiy-axloqiy mavzuda yozilgan barcha asarlarning tamal toshi desak mubolag'a bo'lmaydi.

Asar Sharq kitob tuzilish usuliga ko'ra tartib berilgan bo'lib, dastavval, unvon (basmala), so'ng qisqa nasriy muqaddima, bunda tangriga hamd, yalavoch (payg'ambar)ga na't aytiladi, so'ngra kitobning qimmati, nomi, xonga tortiq qilinishi, muallifning taqdirlanishi bayon etiladi. Nasriy muqaddimadan so'ng 77 baytdan iborat she'riy muqaddima mavjud. Undan keyin 73 bob mundarijasi beriladi. So'ng yana unvon bilan mavzuga o'tiladi, 73 faslning dastlabki o'n biri debocha bo'lib, hamd, na't, Qoraxonga madhdan, sababi ta'lif, yetti kavokib va o'n ikki burj, til foydasi, muallif uzri, ezgulik, bilim hamda zakovat manfaati, kitobga nom berilishi, qarilikka o'kinishdan iborat.

O'n ikkinchi fasldan boshlab bevosita voqealar bayoniga o'tiladi. Lekin asarda ma'lum bir syujet yo'q. Asarda to'rt qahramon – Kuntug'di – adolat ramzi, vazir – Oyto'ldi – davlat va baxt ramzi, vazirning o'g'li O'g'dulmish – aql ramzi sifatida, O'zg'urmish – vazirning qarindoshi – qanoat timsoli o'rtasidagi munozara asosida hayotiy masalalar bir-biriga bog'langan holda bayon etilib, kitobni yozishdan o'z oldiga qo'ygan maqsadga bo'ysundiriladi.

"Qutadg'u bilig"dagi bosh g'oya – insonni hayotda baxt-saodatga eltuvchi asosiy qarashlari to'rt ramziy qahramon: Kuntug'di – elig podsho – adolat timsoli, Oyto'ldi – vazir – davlat timsoli, O'g'dulmish – vazir – aql timsoli, O'zg'urmish – vazirning qarindoshi – qanoat timsolining hayoti va davlatni boshqarish jarayonidagi xatti-harakatlari va fikrlari orqali berilganki, bular inson kamolotining muhim mezoni sanaladi.

Kuntug'di ismli Elig podsho bo'lib, u adolatda dong taratgan edi. Eligning shuhrati butun olamga yoyiladi. U ishlarini saxovat va himmat bilan yuritar, mamlakatda osoyishtalik va farovonlik hukm surar edi. Shunga qaramay, u tadbirkor va oqil, hozirjavob va ishbilarmon yordamchiga ehtiyoj sezadi. Xuddi shu paytda Oyto'ldi ismli donishmand yigit Elig xizmatiga kirishni orzu qilib poytaxtga keladi. U musofirlikda ko'p aziyat chekadi, qiynaladi, xushmuomala va tadbirkorligi sababli tezda tanish-bilish orttiradi. U Ko'samish ismli yigit bilan do'stlashib poytaxtga kelishidan maqsadini bayon etadi. Ko'samish Eligning Xos hojibi bilan uchrashadi va uni Oyto'ldi bilan tanishtiradi.

Yigitdagi qobiliyat va zakovatni ko'rgan hojib uni Kuntug'di suhbatiga yo'llaydi. Oyto'ldining o'zini tutishi, fe'l-atvori, aql-zakosini ko'rgan Elig uni yoqtirib qoladi va saroy xizmatiga oladi. Xizmatdagi sobitqadamligi, sadoqati tufayli Oyto'ldining martabasi kundan-kunga orta boradi. Nihoyat u vazirlikka tayinlanadi.

Saroyda uzoq muddat vazirlik qilgan Oyto'ldining aql-idroki, xizmatdagi mas'uliyati, har ishning ko'zini bilishi Eligni shodlantiradi, biroq u o'zining tug'ilgan vatani va oilasini qo'msab ketishga ruxsat so'raydi. O'z yurtiga qaytgandan so'ng bir muddat o'tgach vafot etadi. Oyto'ldi vafoti oldidan o'g'li O'g'dulmishga Kuntug'di Elig xizmatiga kirishni vasiyat qiladi. O'g'dulmish otasining pand-nasihatlariga amal qilib Elig xizmatiga kiradi. O'zining sermazmun faoliyati va donishmandligi bilan Eligning davlatni tashkil etish va boshqarish ishlariga ko'maklashadi. Bundan Elig juda xursand bo'ladi. Elig bilan O'g'dulmish o'rtasida qator savol-javoblar, munozaralar bo'lib o'tadi. Bu savol-javob va munozaralarda davlat, uni boshqarish, boshqarishning turli shakl va usullari, jamiyat, jamiyat bilan bog'liq axloqiy-ma'naviy va boshqa masalalar ko'tariladi.

Kuntug'di olim va dono kishilardan beqiyos darajada katta naf ko'rilishi mumkinligiga shaxsan ishonch hosil qilganligi uchun O'g'dulmishning qarindoshi, donishmand O'zg'urmishni ham poytaxtga taklif etadi. O'zg'urmish zohidlikni afzal bilib tarki dunyo qilgan, xilvat bir go'shada – g'or ichida yashayotgan edi. U taklifni qabul etmaydi. Nihoyat Elig yuborgan xatlar va O'g'dulmishning olib borgan oqilona suhbatlari natijasidagina u poytaxtga keladi.

O'zg'urmish Elig bilan davlat ishlari, axloq-odob qoidalari haqida munozara qiladi, Eligga pand va nasihat beradi, so'ng yana o'z makoniga ketadi va u yerda qattiq betob bo'lib qoladi. Uning huzuriga yetib kelgan O'g'dulmish qattiq qayg'uradi, O'zg'urmish vafot etadi. O'g'dulmish va Kuntug'di uning vasiyatiga amal qilishadi.

Yusuf xos Hojibning "Qutadg'u bilig" asarida bilimli buyuk, uquvi ulug' deb ta'riflaydi. Chunki zakovatli inson ulug' bo'ladi, bilimli kishi buyuk bo'ladi, deb ilmli kishilarni asl toifadagi kishilarga qo'shadi. Olim ezgu ishlarning barchasi ilm tufayli amalga oshirilishini aytadi. O'sha davrdayoq olim "Bilim hatto osmon sari yo'l ochur" deb bashorat qiladi.

U dunyoda odam paydo bo'libdiki, faqat bilimli kishilargina ezgu ish qilib, adolatli siyosat yurgizib kelgan, ana shu bilim va zakovati tufayli kishilar razolatdan poklanganligini ta'riflaydi. Hatto hukmdorlar ham yurtni, davlatni aql, ilm, zakovat bilan idora etsa, el-yurt farovon bo'ladi, to'q va tinch hayot kechiradi, deydi. U kuch va qurolni aql va bilimdan keyingi ikkinchi o'ringa qo'yadi.

Sechu (ya'ni har yerda ma'lum xudo) insonni yaratti, tanladi,
Unga unar, bilim va uquv berdi.
Unga ko'ngil (ya'ni aql) berdi, tilini yo'riq (ravon) qildi,
Andisha, xulq hamda go'zal fe'l ato qildi,
Bilim berdi, (shu tufayli) inson bu kun ulug'likka erishdi.
Uquv berdi, so'ng (shu tufayli berk) tugunlar yozildi [7,84-85].

Yusuf xos Hojib ilmli, ma'rifatli kishilarni qadrlash kerak, chunki ular mash'al kabi yo'lni yoritib, to'g'ri yo'l ko'rsatadi, yaxshi-yomonni farq etishni o'rgatadi, deydi. Shuning uchun olimlarni hurmat qilish lozimligini ta'kidlab, ilm ahlini o'ta qadrlasa, ilmsizlarni johil kishilar deb biladi. Agar shunday johillar mansab va amalga ega bo'lsa, ular egallagan to'rni poygak deb biladi.

Dunyoda inson bilim va zakovati tufayli orzu-tilaklarga, ulug'likka erishishi mumkinligini aytadi. Lekin shunday bilim va zakovatning qadriga faqat xuddi o'zlariga o'xshagan donolar va zakovatlilar yetadi, johil va telbalar bunday xislatlarga ega emas, deydi. Chunki, jamiyatdagi barcha xatolar nodonlik, bilimsizlik, jaholat tufayli sodir bo'lishidan qayg'uga tushadi, hayotda nodon va johillar ko'payib ketganligidan afsuslanadi.

U yurtni idora etuvchilarni va xalqni boshqaruvchilarni ikki toifaga bo'lib, birinchisi adolatli siyosatni yurituvchi beklar va ikkinchisi dono olimlar deydi. Chunki siyosatchilar yurtni boshqarsa, olimlar ma'rifiy yo'l-yo'riq ko'rsatadi.

Yusuf xos Hojib ilm, aql-idrok, ma'rifat va ma'naviyatni inson hayoti va jamiyat taraqqiyotidagi ahamiyatini tushuntirish bilan cheklanmay, bilim va zakovatni amalda ishlatish, inson manfaatlari yo'lida xizmat qildirish masalasiga alohida ahamiyat beradi: "Bilim va zakovatni egallab, uni kishilar uchun xizmat qildirmasdan kishilardan yashirib, sir tutib yurish yaramaydi, mumkin ham emas. Chunki dengiz tubidagi injuni odam olib chiqmasa, uning soy toshidan farqi yo'q, yer qobig'idagi oltin tosh kovlab olingandagina shohlar boshidan o'rin oladi. Xuddi shuningdek, o'rganilib, amal qilinmagan bilim ham u yillar o'tgani bilan zimziyolikda, ro'yobga chiqmasdan befoyda yotaveradi" [7,101].

Yusuf xos Hojib ta'lim-tarbiyaning uzviy bog'liq holda bo'lishini tavsiya etadi, ayniqsa, o'g'il bolalarning bir necha san'at turini va hunarni mukammal o'rganishi, bu ularning kelajak hayoti hamda jamiyat rivoji uchun asqotishini aytadi.

O'g'il topsin san'at-hunarda kamol,
Bu hunar bilan u tera berar mol.
O'g'ilni tergab tur: bo'sh qo'yma zinhor,
Benaf, bebosh bo'lar, yugurar bekor [7,97].
Bolam tutsin desang donolik yo'lin,
Kichiklikdan tegiz bilimga qo'lin [7,41].

Shuningdek, alloma bola tarbiyasida ota-onaning mavqei alohida ahamiyat kasb etadi, ota-ona nazoratida bo'lgan bolalarda mas'uliyat hissi rivojlanadi, ular tanlagan yo'l farzand kamoloti uchun muhimligini ta'kidlaydi:

Bolaga otaning mehnati singgan bo'lsa,
So'ng u bolaning xulq-atvorida bilinadi.
(Ota) bolani nazoratda tutsa, u yaxshi ezgu bo'ladi,
Otasi va onasining yuzi yorug' bo'ladi [7].

Yusuf xos Hojib o'g'il-qizning tarbiyasi haqida fikr yuritar ekan, ularning o'zlariga xos xususiyatlariga alohida e'tibor berishni va ta'lim bilan tarbiya uzviy bog'liq holda olib borilishini tavsiya etadi. Buning

uchun farzand tarbiyasi erta boshlanib maxsus tayyorgarlikka ega bo'lgan, ezgu niyatli va pokiza murabbiyga topshirish lozim:

O'g'il-qiz tug'ilsa, yaxshi bilki, bas,
Uyda tarbiya qil, boshqa yerdamas.
Ustozning yaxshisin tanla albatta,
O'g'il-qiz pok o'sar, yomondan chetda.
O'g'il-qizga o'rgat bilim ham odob,
Baxtga yor bo'lar u, bo'lmagay xarob [7,97].

Yusuf xos Hojib oila tarbiyasiga diqqatni qaratib, ota-onalarni bolani oilaviy tarbiyasiga e'tibor berishga da'vat etadi, bolaning erka, tantiq, yaramas xulqli bo'lishida uning aybi yo'q, hamma ayb – ota-onasida. Shuning uchun ham ota-ona, ayniqsa, ota bunga katta e'tibor bermog'i lozim, deydi:

Bolali kishi nima deydi, eshitgin,
Yoshi yetilgan va boshidan o'tkazgan kishi.
Kimning o'g'il-qizi erka bo'lsa,
Unga shu kishining o'zi mungli bo'lib yig'laydi.
Ota-bolani kichikligidan boshlab bebosh qilib qo'ysa,
Bolada gunoh yo'q, barcha jafo otaning o'zida.
O'g'il-qizning xulq-atvori yaramas bo'lsa.
Bu yaramas ishni ota qilgan bo'ladi [7]

Sharq pedagogik merosining nodir namunasi sanalgan ushbu asarda barkamol inson tarbiyasining mazmunini, shakl va metodlari o'zining yorqin ifodasini topgan. Shuningdek, asarda inson tafakkurini rivojlantirish, aqliy kamolot axloqiy etuklik, jismoniy barkamollik, estetik madaniyatni tarkib toptirish masalalari ilmiy va amaliy jihatidan o'z yechimini topgan.

Ilm-fan taraqqiyoti insonning axloqiy kamolga yetishida beqiyos ahamiyatga ega. Darhaqiqat, bolada xulq-odob qoidalarini tarkib toptirishga "Qutadg'u bilig" asarida alohida e'tibor qaratiladi. Har bir shaxsning, shu bilan birga jamiyatning ravnaq topishida axloqning asosiy roli tavsiflanadi. Yusuf xos Hojib axloqiy fazilatlar sifatida adolatli bo'lish, kamtarlik, vijdonlilik, bilimdonlik, donolik, mulohazali bo'lish, ko'pchilik manfaatini yuqori qo'yish, haqiqiy ma'naviy yuksalikka intilish kabi xislatlarni tushunadi. Ammo bu xislatlardan eng muhimi har bir insonning bilimli, ma'rifatli bo'lishidir. Shuning uchun ham alloma axloq tushunchasini aql bilan uzviy bog'liq holda, tafakkurga asoslangan axloq sifatida qaraydi. Bundan biz Yusuf xos Hojibning axloqni xulq me'yorlari ifodasi sifatidagina emas, balki kishilarning aqliy faoliyatining natijasi sifatida ham talqin qilganini ko'ramiz.

Zero, o'zi yashab turgan jamiyat a'zosi bo'lgan har bir kishining axloqsizligi jamiyatga qay darajada zarar yetkazsa, go'zal axloqli kishilar uning gullab yashnashiga ulkan hissa qo'shadilar.

Adabiyotlar

1. Erkin va farovon demokratik O'zbekiston davlatini birgalikda barpo etamiz. // Sh.M. Mirziyoyevning O'zbekiston Respublikasi Prezidenti lavozimiga kirishish tantanali marosimiga bag'ishlangan Oliy Majlis palatalarining qo'shma majlisidagi nutqi. – T.: "O'zbekiston", 2016.

2. Насилов Д.М., Радлов В.В. Изучение древнеуйгурских памятников. // Тюркологический сборник, 1971.

3. Радлов В.В. Кутадгу билиг. Факсимиле уйгурской рукописи императорской и королевской придворной библиотеки в Вене. – СПб., 1890.

4. Валитова А.А. К вопросу о классовой природе краханидского государства. //Труды Киргизского филиала АН. Вып. 1. Фрунзе, 1943.

5. Баролина И. Поема "Кутадгу билиг" Юсуф Хас Хаджиб. Наука быть счастливым. Пер. Н. Гребнева. – Ташкент, 1963.

6. Кононов А.Н. Слово о Юсуфе из Баласагуна и его поеме "Кутадгу билиг" //Советская тюркология. 1970. – № 4.

7. Юсуф хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. – Т.: "Юлдузча", 1990.





Иноятхон АРЗИМАТОВА
Фарғона давлат университети доценти,
фалсафа фанлари номзоди

Ботирали РАХМОНОВ
Фарғона давлат университети талабаси

ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИ ВА ЁШЛАРНИ МАЪНАВИЙ ТАҲДИДЛАРДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШ МАСАЛАСИ

Мақолада глобаллашув жараёнининг мазмун-моҳияти ҳамда ёшларни маънавий таҳдидлардан ҳимоя қилиш масаласи ҳақида сўз юритилган.

Таянч тушунчалар: *глобаллашув, ёшлар, маънавий таҳдидлар, оммавий маданият, баркамол авлод, мафкуравий иммунитет.*

В статье рассказывается о сути процесса глобализации и вопросы защиты молодёжи от духовных угроз.

Опорные понятия: *глобализация, молодёжь, духовные угрозы, массовая культура, гармонично развитая личность, идеологический иммунитет.*

In this article is told about the essence of globalization process and the issues about how to protectyouth from the spiritual threats.

Supporting concepts: *globalization, the youth, spiritual threats, mass culture, harmoniously developed personalityand ideological immunity.*

Ҳозирги даврда инсоният ривожланишининг асосий хусусиятларидан бири бу глобаллашув жараёнининг кучайиб боришидир. Умумий маънода, глобаллашув бу замонавий илмий техника тараққиёти асосида, техника, технологиялар ҳамда халқлар орасида алоқаларнинг ривожланиши негизида бутун жаҳонда ягона сиёсий, иқтисодий маконнинг шаклланиш жараёнидир. Биринчи Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, “глобаллашув” атамаси бугунги кунда илмий-фалсафий, ҳаётий тушунча сифатида жуда кенг маънони англатишини таъкидлаш лозим. Умумий нуқтаи назардан қараганда, бу жараён мутлақо янгича маъно – мазмундаги хўжалик, ижтимоий-сиёсий, табиий-биологик глобал муҳитнинг шаклланиши ва шу билан бирга, мавжуд миллий ва минтақавий муаммоларнинг жаҳон миқёсидаги муаммоларга айланиб боришини ифода этмоқда” [1].

Инсоният бир қатор глобал муаммоларни – экологик, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий йўналишдаги таҳдидларни ҳал қилиш йўлини топиши, уларга қарши тура олиш усул ва воситаларини ишлаб чиқиши мумкин. Лекин маънавий таҳдид, ёшлар тарбиясини бузишга йўналтирилган ҳаракатларга қарши кураш бутун жамият олдида турган энг муҳим вазифа эканлиги барчамизга аёндир. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев айтганидек: “... “оммавий маданият” кўринишида кириб келаётган турли таҳдидлар, гиёҳвандлик, диний экстремизм, миссионерлик каби бало-қазолардан ёшларимизни асраш, уларнинг таълим-тарбиясига ҳар биримиз масъул эканимизни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак” [2].

Мустақил давлатимизнинг келажаги бўлган, ижтимоий ҳаётда фаол қатнашувчи, идрокли, қобилиятли, юртига, Ватанига, халқига чексиз меҳру-муҳаббат ҳис-туйғулари билан тўлиб-тошган авлодни камол топтириш, уларнинг онгида миллий истиқлол тафаккури ва ватанпарварлик ғояларини шакллантириш ҳозирги даврнинг муҳим вазифаларидан биридир. Зеро, “томирида миллий ғурур, Ватан ишқи жўш урмаган одамдан жасорат кутиб бўлмайди. Биз шундай муҳит яратишимиз керакки, юртимизнинг ҳар бурчагида ҳар бир фуқаро қиёфасида Озод ва Обод Ватандан фахрланиш ҳисси кўзимизни яшнатиб турсин”.

Бугунги кунда давлат ва жамият ўзининг тараққиёти билан бевосита боғлиқ бўлган, кенг қамровли мақсадларни амалга оширишда ҳал қилувчи ўринни, оғир синов ва қийинчиликларни енгишга қодир, униб-ўсиб келаётган ёшларнинг ҳар томонлама баркамол авлод бўлиб етишиши учун асосий эътиборни замонавий билим ва тажрибага, ўз мустақил фикрига эга, маънавий юксак, мафкуравий иммунитетга эга комил инсонлар этиб вояга етказишга қаратиб келмоқда. Шундан келиб чиқиб, баркамол авлодни тарбиялашда унинг ақлий, ахлоқий, жисмоний, эстетик жиҳатлари билан биргаликда уларни ёт ғояларга қарши тура оладиган, кенг дунёқарашли, ўз ватанига садоқатли, ўз келажагини ўзи барпо эта оладиган, мафкуравий иммунитетга эга бўлган етук мутахассис этиб тарбиялашга катта аҳамият беришимиз зарур.

Шу ўринда глобаллашув терминининг мазмун-моҳиятига тўхталадиган бўлсак, “глобаллашув” французча “global” – умумий, лотинча “globus” – шар, яъни ер юзига оид, бутун ер шарини қамраб олувчи [3] деган маънони англатади.

“Глобаллашув” атамаси дастлаб америкалик олим Т. Левиттнинг 1983 йили “Гарвард бизнес ревью” журналида чоп этилган мақоласида тилга олинган эди. Муаллиф йирик трансмиллий корпорациялар ишлаб чиқарадиган турли-туман маҳсулот бозорларининг бирлашув жараёнини шундай деб атаган эди [4].

Ҳозирги пайтда инсоният ҳаётига катта хавф туғдираётган халқаро терроризм, диний экстремизм, наркоагрессия ва СПИД сингари офатлар ҳам одамлар ҳаётига реал офат эканлиги ҳаммамизга маълум. Лекин бугунги кунда ҳамма ҳам билавермайдиган, ошкора кўзга ташланмайдиган, маънавий ҳаётимизни издан чиқаришга қаратилган жиддий хатарлар ҳам борки, улар инсонни ўзлигидан айиришга, маънавий дунёсини тубанлик, жаҳолат иллатлари билан тўлдиришга, ҳатто инсон ҳаётини издан чиқариб юбориши билан хавфлидир. Инсон маънавиятини ўз измига солишга қаратилган турли таҳдид, хавф-хатарлар ялпи глобаллашув жараёнлари таъсирида, ахборот оламидаги янгиликлар билан ниқобланган ҳолда жамият ҳаётига шу қадар шиддат ва катта куч билан кириб келмоқдаки, уларнинг тузатиб бўлмайдиган зарарини ҳамма ҳам англай олмайди, буни фақат кенг фикрлайдиган, бу бузғунчи, хавфли офатнинг моҳиятини англай оладиган одамларгина тушуниб етадилар.

Бугун инсониятга бўлаётган таҳдидларнинг энг хатарлиси ҳарбий ёки иқтисодий таҳдидлар эмас, балки маънавий-мафкуравий таҳдидлардир. Зеро, инсон маънавиятини эгаллашга қаратилган ҳар қандай мафкура инсонни бемалол ўз таъсирига бўйсундира олади.

Глобаллашув жараёнлари жадаллашиб бораётган бугунги кунда мафкуравий, ғоявий, маънавий таҳдидлар мамлакатимиз келажаги учун энг катта хавф-хатарлардан бири бўлиб қолмоқда. Илм-фан, техника ютуқлари ривожланиб бораётган бугунги кунда бундай таҳдидлар янада хавфлироқ бўлиб бормоқда. Миллий маънавиятга қарши қаратилган таҳдидлар ҳақида гапириб, Биринчи Президентимиз И.А.Каримов шундай деган эди: “Бинобарин, маънавиятга қарши қаратилган ҳар қандай таҳдид ўз-ўзидан мамлакат хавфсизлигини, унинг миллий манфаатларини, соғлом авлод келажагини таъминлаш йўлидаги жиддий хатарлардан бирига айланиши ва охир оқибатда жамиятни инқирозга олиб келиши мумкин” [1].

Мафкуравий, ғоявий, маънавий таҳдидларни ўз вақтида сеза олмаслик ёки унга эътиборсизлик тузатиш қийин бўлган ҳолатларга олиб келиши мумкин. Табиатда бўшлиқ бўлмагани сингари жамиятнинг маънавий ҳаётида ҳам бўшлиқ бўлмаслиги керак, қарамлик йилларида босқинчиларнинг миллий маънавиятимизни йўқотишга қаратилган сиёсати оқибатида юзага келган бўшлиқни инсоний фазилатларнинг ўрнига қабиҳлик, бузуқлик, ваҳшийлик сингари иллатлар тўлдирган эди. Бундай иллатларнинг илдиз отиб кетиши, маънавий қашшоқлик халқимиз орасидаги меҳр-оқибатлилик, миллатпарварлик, фидоийлик сингари фазилатларнинг йўқолиб боришига сабабчи бўлаётган эди. Мафкуравий, ғоявий, маънавий таҳдидлар олдини олишнинг асосий йўли миллий-маънавий тикланишга эришиш, миллий маънавиятни юксалтиришдир.

Атрофга назар ташлар эканмиз, бундай таҳдидлар оқибатида дунёнинг айрим ҳудудларида маънавий йўқотишлар содир бўлаётганлигини, кўплаб миллатларнинг асрлар мобайнида тўплаб келган маънавий мерослари йўқолиб бораётганлигини, уларнинг турмуш тарзлари, миллий менталитетлари издан чиқаётганлигини кўриш мумкин. Мафкуравий, ғоявий, маънавий таҳдидларнинг энг хавфли томони шундан иборатки, у жамият аъзоларини, авваламбор, ёшларни ўз ватанига, халқига, миллатига бўлган муҳаббатини сўндиради, улардаги миллатпарварлик, ватанпарварлик ғояларидан чалғитиб, уларни бефарқ кишиларга айлантиради.

Мамлакатимизнинг Биринчи Президенти И.А. Каримов миллий-маънавий тикланиш йўлидаги таҳдид тўғрисида гапириб шундай деган эди: “Маънавий таҳдид деганда, аввало, тили, дини, эътиқодидан қатъи назар, ҳар қайси одамнинг том маънодаги эркин инсон бўлиб яшашига қарши қаратилган, унинг айнан руҳий дунёсини издан чиқариш мақсадини кўзда тутадиган мафкуравий, ғоявий ва информацион хуружларни назарда тутиш лозим, деб ўйлайман” [1].

Маънавиятга бўлаётган таҳдидларнинг хавфли томони шундаки, бузғунчи кучлар ўзларига нишон қилиб, авваламбор, барчамизнинг энг азиз, энг катта бойлигимиз, кўзимиз қораси бўлмиш ёшларимизни танламоқда, турли ниқоблар билан уларнинг фикрини чалғитишга, замонавий усул ва воситалар орқали уларнинг ҳали мурғак қалбларини эгаллашга интилмоқдалар. Улар иложи борича, ёшлар онгида асрлар давомида шаклланиб келган миллий қадриятларга нисбатан беписандлик, ҳурматсизлик кайфиятини уйғотиб, ўз мафкураси ва ғоясини сингдиришга интилмоқдалар.

Юқоридагилардан хулоса қилиб шуни таъкидлашимиз лозимки, бугун Ўзбекистон ўз олдига улкан мақсадларни қўйган. Ана шу буюк масадлардан келиб чиқиб, фуқаролик жамияти қуриш шароитида вояга етаётган ҳар бир фарзандимизни маънавий баркамол, иродаси бақувват, иймони бутун, турли таҳдидларга қарши тура оладиган, кучли мафкуравий иммунитетга эга шахс сифатида тарбиялаш бугунги кунда барчамизнинг асосий вазифамиздир.

Адабиётлар

1.Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т., 2008. – 176 б.

2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – Б. 89.

3. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2006. – Т.I. – Б. 507

4. Мировая экономика и международные отношения.// Ж. 1998. – №1. – с.13.



Нилуфар Ҳақназарова
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
бош илмий-методик марказининг (Phd) докторанти

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШНИ ПРОГНОЗ ҚИЛИШНИНГ АХБОРОТ ТАЪМИНОТИ

Мақола олий таълим тизимида кадрларни тайёрлашни прогнозлаштиришда замонавий тажрибани ўрганиш ва унинг ахборот таъминотини яратишга бағишланган.

Таянч тушунчалар: *прогноз қилиш (прогнозлаш), замонавий тажриба, олий таълим, олий таълимни ривожлантириш, кадрларни тайёрлаш, олий таълим муассасалари.*

Статья посвящена изучению современной практики прогнозирования подготовки кадров в системе высшего образования и созданию информационного обеспечения.

Опорные понятия: *прогнозирование, современный опыт, высшее образование, развитие высшего образования, подготовка кадров, высшие образовательные учреждения.*

The article is based on the study of modern practice of personnel training forecasting in the system of higher education and the creation of information support.

Supporting concepts: *forecasting, modern experience, higher education, development of higher education, personnel training, higher educational institutions.*

Ўзбекистон Республикаси томонидан босиб ўтилган мустақил ривожланиш босқичи, шунингдек, глобаллашув шароитида жаҳон иқтисодиётининг ўзгарувчан конъюнктурасининг ҳар томонлама таҳлили мамлакатни янада барқарор ва илғор ривожланиши учун тубдан янги ғоялар ва тамойилларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишни талаб қилади. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича “Ҳаракатлар стратегияси”га асосан амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самарадорлигини тубдан яхшилаш, давлатни комплекс, жадал ривожлантириш, мамлакатни модернизация қилиш ва ҳаётнинг барча соҳаларини эркинлаштириш учун шарт-шароитларни яратишнинг муҳим тамойиллари белгилаб олинди.

Ўз моҳиятига кўра Ҳаракатлар стратегияси давлат, жамиятнинг ижтимоий ривожланишини истиқболли режалаштириш тизими, фан ва таълимни ривожлантириш соҳасида давлат сиёсатининг йўналишига нисбатан сифат жиҳатидан янги ёндашув, шунингдек, илмий, маърифий, илмий ва техник фаолиятни рағбатлантирадиган тадбирлар тизимини ўзида акс эттиради. Шу билан бирга, ушбу ҳаракатларнинг таълим йўналишида амалга оширилиши самарадорлиги кўп жиҳатдан иқтисодиётнинг инновацион ривожланиши ва Ўзбекистон Республикасининг иқтисодиёт соҳалари ва минтақаларини инновацион ривожланиши асосида олий таълим муассасаларида кадрлар тайёрлашни прогнозли ҳисоб-китобларини амалга оширишнинг шарт-шароитлари ва ахборот базасига боғлиқ бўлади. Бундай ҳолда, дастлабки ва иккиламчи (биринчи ва иккинчи даражали) маълумотлардан фойдаланиб олинган ахборотлар прогнозлаш объекти сифатида хизмат қилиши керак [1].

Олий таълим муассасалари, илмий ташкилотлар, технологик ва лойиҳа-конструкторлик ташкилотлари, ишлаб чиқариш тармоқлари фаолиятининг йиллик таҳлили кўрсаткичларини прогнознинг бирламчи кўрсаткичларига киритиш мумкин. Олий таълим муассасаларида таълим ва илмий тадқиқот соҳасида кўрсаткичлар тизими, одатда: олий таълим ривожланишининг ташкилий ва ўқув таркиби; талабалар ва педагогик таркибнинг сони, ҳаракати; илмий кадрлар тайёрлаш; таълимнинг моддий-техник базаси ва бошқаларни акс эттиради.

Дастлабки маълумотлар илмий тадқиқотлар, статистик ва иқтисодий ривожланиш ва экспериментал ишлар натижасида олинади. Улар одатда умумий ечимлар тайёрлаш учун таҳлил қилинади.

Иккиламчи маълумотлар тегишли синовларни амалга оширишда, яъни бошқарув тузилмалари ва олий таълим муассасаларининг барча даражаларида таълим муассасаларининг идоравий, молиявий, статистик ва бошқа ҳисоботлари ва ишланмалари бўлган прогнозлаш ва режалаштириш учун зарур

бўлган ахборотни олишда қўлланилади. Ахборотнинг ички манбасини, шунингдек, олий таълим муассасалари раҳбарларининг ҳисоботлари, кафедралар мажлисининг баённомалари, илмий анжуманлар, методик семинарлар, давра суҳбатлари ва шу кабиларнинг қарорлари ҳамда таклифларини ўз ичига олиши мумкин [2].

Ташқи муҳитдан олинган иккиламчи ахборот жуда хилма-хил бўлиб, одатда кўплаб манбаларда тарқалган бўлиб, уларни ҳаммасини санаб ўтиш мумкин эмас. Кўпгина халқаро ва республика миқёсидаги ташкилотлар прогнозлаш таҳлили пайтида фойдали бўладиган ушбу турдаги маълумотларни мунтазам равишда нашр этадилар. Ташқи манбаларга шунингдек халқаро ташкилотларнинг маълумотлари, қонунлар, фармонлар, ҳукумат қарорлари, давлат, сиёсат ва жамоатчилик вакиллари бўлган шахслар нутқи, расмий статистика, илмий симпозиумлар ва конференциялар нашрлари ҳам киради [3].

Прогнозлаш жараёнида иккиламчи ахборот манбаларини аниқлашда қуйидаги тартибларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ: қандай маълумот мавжуд ва яна қайсилар зарур эканлигини аниқлаш; иккиламчи ахборот манбаларининг мазмунини белгиловчи асосий атамалар рўйхатини тузиш; босма нашрлар ва компьютер тармоқлари каталогларидан бошлаб иккинчи даражали ахборот манбаларини қидириш.

Агар ахборот прогнозлаш талабларига жавоб бермаса, унда унинг шаклланиш манбаларини аниқлаш, керакли маълумотларни танлаш ва таҳлил қилишга нисбатан қатъий ёндашиш зарур [4].

Ташқи ахборотни расмий равишда чоп этилган, ҳамма учун очиқ бўлган, махсус тўпланадиган ва қайта ишланадиган бирламчи маълумотларга ажратиш мумкин.

Иккиламчи ахборотни олиш усуллари асосан ҳужжатларни таҳлил қилишга асосланган. Амалиётда иккита таҳлил тури ажратилган: анъанавий (классик); расмийлашган.

Таҳлил турларининг ўзига хос хусусиятларига қарамай, улар бир-бирларини ўзаро тўлдиришни истисно қилмайди.

Прогнозлаш жараёнида анъанавий таҳлил деб аталган таҳлил шакли олдинги планда қолади. Мазмунига кўра, у таълим соҳасида таҳлил қилинадиган материалнинг моҳиятини намоён қилишга қаратилган мантиқий тузилмалар занжирини ўзида акс эттиради. Амалиётга асосланиб шуни ёдда тутиш лозимки, прогнозлаш учун зарур бўлган ахборот кўп ҳолларда аниқ тадқиқотлар мақсадларига тўлиқ мос келади. Шу сабабли, анъанавий таҳлилни ўтказишда таҳлил қилинган ҳужжатнинг асосий мақсади, унинг ишончлилиги ҳисобга олиниши лозим [5].

Олий таълим тизимида кадрлар тайёрлашни ривожлантириш прогнозини яратиш учун ахборот базасини шакллантириш қуйидаги асосий тамойилларга асосланиши лозим:

- илмий-маърифий ва техник инновациялар соҳасидаги кўрсаткичларни прогнозлаш жараёни илмий, таълим ва техник-инновацион фаолиятнинг ўзаро боғлиқ ва мувофиқлаштирилган хусусиятларининг яхлит тизими сифатида қаралиши керак;

- прогнозларни ишлаб чиқишда, мақсадлар, вазифалар ва ресурслар таъминоти бўйича фарқланувчи ривожланишнинг муқобил йўллари таҳлил қилинади;

- прогнозларда илм-фан, таълим, технологияларни ривожлантиришнинг мавжуд бўлган ва истиқболдаги тенденцияларини ҳисобга олган моделлардан фойдаланиш (шу жумладан мумкин бўлган оғишларни инобатга олган ҳолда) назарда тутилади;

- прогнозларни ҳисоблаш ва прогнозлаш моделларининг мослашувчан тизими учун маълумотларни танлашни шакллантиришда қарор қабул қилувчи шахслар (бошқарувчи тузилмалар) фаол роли инобатга олиниши лозим.

Иқтисодиёт ва минтақаларнинг инновацион ривожланиши асосида олий таълим муассасаларида кадрлар тайёрлаш жараёнини прогноз қилиш моделини танлаб олиш ва амалга ошириш жорий ва кейинги вазифаларнинг ўзига хослиги, шунингдек, реал воқеалар ва бир қатор омиллар таъсири остида юзага келадиган маълумотларнинг ўзига хослиги билан белгиланади. Бунга қуйидагилар киради:

- фан, таълим, технология соҳасида жаҳонда юз берган ўзгаришлар (бу ўринда жаҳон иқтисодиёти ривожланиш суръати ва сиёсий конъюнктурадаги ўзгаришиларига боғлиқ бўлган олий таълим муассасаларининг илмий, таълим ва инновацион-технологик фаолият соҳаларига таъсирлар назарда тутилади);

- прогнозлашда мамлакат ичидаги иқтисодий ва сиёсий вазият эҳтиёжларини акс эттирувчи ахборотни ҳамда илмий ва таълим соҳасининг унга боғлиқлигини, олий таълим ривожланиши динамикасининг миқдор ва сифат кўрсаткичларини прогнозлаштиришнинг зарурлигини инобатга олиш;

- таълим соҳасида прогноз ҳисоб-китобларини ишлаб чиқиш ушбу муаммо билан боғлиқ ташқи ва ички омилларга оид ахборотларни жамлаган маълумотларга асосланган бўлиши керак.

Дунёдаги иқтисодий вазиятнинг беқарорлиги, бозор муносабатларининг динамикаси, мамлакатдаги таркибий ўзгариш ва трансформациялар, ислоҳотларнинг инновацион табиати давлат статистика ҳисоботларини тўлақонли равишда қўллаш имкониятини бермайди.

Олий таълим соҳасидаги прогнозларни ишлаб чиқишга жалб этиладиган мутахассислар анъанавий таҳлилни жорий этиш икки - ташқи ва ички жиҳатни ўз ичига олишини ҳисобга олишлари лозим. Ташқи таҳлил кўплаб юридик шахслар, жумладан, олий таълим муассасалари билан боғлиқ бўлган ҳужжатлар контекстини ўрганишни инобатга олади. Ички таҳлил вертикал бўйсунувда бўлган таълим тузилмалари маълумотларини ҳисобга олиш учун мўлжалланган. Баъзи ҳужжатлар ва материаллар (шу жумладан, статистика) таҳлилнинг махсус усулларини талаб қилади.

Таълим соҳасидаги прогнозли қарорлар тайёрлаш жараёнида юқорида айтиб ўтилганидек, энг аввало, бирламчи маълумотни олиш учун илмий методлардан фойдаланиш керак. Улар миқдорий ва сифатли деб таснифланиши мумкин. Миқдорий тадқиқотларга келсак, улар одатда олий таълим муассасаларидан йўналтирилган маълумотлар, университетлар, кафедралар, илмий-тадқиқот бўлинмаларининг йиллик ва чораклик ҳисоботларидан фойдаланиш билан айнанлаштирилади. Бундай таҳлилнинг характерли хусусияти маълумотлар ва уларни олиш манбаларининг аниқ белгиланиши, тўпланган маълумотларнинг тартибга солинган миқдорий процедуралар ёрдамида қайта ишланиши ҳисобланади. Прогностик жараёнларни сифатли ўрганиш, педагогик илмий жамоаларни кузатиш ва ўрганиш орқали олий таълим муассасаларининг фаолиятига доир маълумотларни тўплаш, таҳлил қилиш ва шарҳлашни ўз ичига олади. Сифатли ва умумлаштирилган хулосалар, эксперт баҳолар кўпинча истиқболли ғояларнинг манбаи ҳисобланади. Сифат таҳлили усулларига таълим муассасалари илмий кенгашлари, кафедралар, илмий бўлимларнинг йиғилишлари баённомалари, шунингдек эксперт методларини киритиш мумкин.

Прогноз ҳужжатларини тайёрлаш учун зарур бўлган асосий маълумотларга, белгиланган саволларга жавоб шаклидаги сўров методини ҳам киритиш керак. Сўров прогнозлаш жараёнини тайёрлашда зарур бўлган ўз фикр ва тажрибаларини бўлишишлари мумкин бўлган олий мактаб бўлинмалари, жамоалар, олим ва мутахассислар хусусиятидан келиб чиқиб структуралашган ва структуралашмаган бўлиши мумкин. Ушбу методнинг афзаллиги қуйидагилардир: стандартлаштирилганлиги, яъни барча респондентларга айни бир хилдаги савол берилиши; респондентлар билан бевосита мулоқот қилишнинг зарурияти йўқлиги сабабли, жараённинг тезлашиши, сўров интернет тармоғидан фойдаланган ҳолда ўтказилиши мумкинлиги; мунтазам равишда аниқланадиган саволлардан фойдаланиш имконияти бўлганлиги учун чуқур таҳлил қилиш имкониятининг мавжудлиги; шахсий компьютерлар учун тегишли дастурлар ва математик методлардан фойдаланган ҳолда статистик таҳлил ўтказиш имкониятининг мавжудлиги [6].

Сўров давомида респондентлардан олинган маълумотлар учта асосий усул ёрдамида тўпланиши мумкин: интервью берувчилар саволларга жавобларни мустақил белгилайдилар; саволлар компьютер ёрдамида берилади; сўров иштирокчилари анкеталарни мустақил тўлдирадилар [6].

Прогноз қилиш назариясида, айнан бир танлов гуруҳида маълум бир белгиланган кўрсаткичлар бўйича такрорий ва танловли сўров ўтказиш панелли тадқиқот методи деб аталади. Панел аъзолари доимий фаолият кўрсатадиган ташкилотлар, олий таълим муассасалари бўлинмалари, экспертлар, олимлар бўлиши мумкин. Сўровнинг панел услуби анъанавий бир марталик сўровлардан афзалликларга эга бўлиб, чунки кейинги интервьюлар натижаларини олдинги сўровлар натижалари билан таққослаш ва олий таълимдаги жараёнлар ривожланиши тенденциялари ва қонуниятларини аниқлаш имконини беради. Барча панелларни мавжуд бўлган вақтга нисбатан белгилаш мақсадга мувофиқ: қисқа муддатли – бир йилгача мавжуд бўладиган; узоқ муддатли - беш йилдан ортиқ эмас. Узоқ муддатли панеллар мунтазам ёки даврий ахборотни тақдим этиши мумкин, бу маълумотлар статистик таҳлилдан сўнг батафсил таҳлил қилиниши керак.

Прогноз қилишни ахборот билан таъминлаш жараёнида статистик баҳоларнинг асосланганлиги ва аниқлигига катта эътибор берилиши лозим. Чунки маълумотга статистик ишлов бериш жараёнида олинган натижалар аниқлиги ва ишончлилиги даражаси бўйича фарқланиши мумкин. Прогнозлар, натижаларнинг аниқлиги ва ишончлилиги аниқланган бўлсагина статистик маълумотларга асосланган бўлиши мумкин. Бундай тарзда асосланмаган прогнозлар ишончли бўла олмайди. Натижаларнинг ҳақиқийлиги ва аниқлиги маълумотларнинг миқдори, хусусияти, уларни қайта ишлаш

методикаси, таълим жараёнларининг вертикал ва горизонтал ўлчамларга мувофиқлиги даражасига боғлиқдир.

Ишончлилик талабларига жавоб берадиган адекват прогнозларни ишлаб чиқиш учун қуйидаги амалий тавсияларга риоя қилиш мақсадга мувофиқ:

- таълим тизимларини тавсифловчи турли кўрсаткичлар ўртасидаги алоқадорликни аниқлаш ва баҳолашда, мисол учун, нопараметрик корреляцияли таҳлил (Спирмен, Кендел ва бошқалар) методларидан фойдаланиш;

- прогнозлашнинг амалий муаммоларини ҳал қилишда экспериментал маълумотларни ўзгарувчан ва ўзгармас кўрсаткичларини инобатга олган ҳолда акс эттириш муҳим аҳамиятга эга;

- прогнозлаш жараёнида маълум тенг вақт оралиғида ўтказилган кетма-кет ўлчовлар мажмуини акс эттирувчи вақт қаторлари динамикасини прогнозлаш муҳим ўрин эгаллайди;

- таълим тузилмаларидан етарлича маълумотлар келмаганлиги натижасида юзага келган ноаниқлик ҳолатлари шароитида эксперт баҳолаш методларини қўллаш керак. Шу билан бирга олинган баҳоларнинг ишончлилиги мутахассислар сонига, компетентлигига боғлиқ бўлади;

- ғояларни жамоавий яратиш усулини қўллаш бизга кўплаб конструктив ғояларни олиш имконини беради. Экспертлар малакали таҳлилни амалга ошириш учун зарур бўлган ривожланган ижодий таффаккурга ҳамда тегишли тажрибага эга шахслар бўлиши керак.

Ўтказилган тадқиқотлар ва ўрганилаётган муаммога бағишланган кўплаб манбаларни ўрганиш асосида, бизнинг фикримизча, олий таълим муассасаларида кадрлар тайёрлашни прогноз қилиш учун ахборот базаларини шакллантиришнинг босқичларини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга.

Шундай қилиб, бирламчи босқичда умумий ички эҳтиёжлар ва уларни қондириш манбалари ҳажмини прогнозлаштириш амалга оширилиши керак. Бундай манбалар сифатида: давлат органлари, тадбиркорлик сектори, олий таълим тизими, хусусий манбалар ва бошқалар бўлиши мумкин.

Иккинчи босқичда олий таълим муассасаларида кадрларни тайёрлашга бўлган эҳтиёжларни қондириш мақсадида турли манбалардан келиб тушадиган маблағлар миқдорини прогноз қилиш имконини берадиган маълумотни тайёрлаш керак.

Учинчи босқичда олий таълим муассасалари ходимларининг сонини ҳисоблаш учун ахборот базасини тайёрлаш бир қатор параметрларга асосланган бўлиши керак, хусусан: олий таълим муассасасининг кадрлар салоҳиятини шакллантириш ва ривожлантиришга таъсир қилувчи ижтимоий-иқтисодий омилларни аниқлаш; бозор шароитларига мос келиши нуқтаи назаридан олий таълим муассасасининг ўқув ва кадрлар тузилмасини ривожлантириш тенденцияларини таҳлил қилиш ва аниқлаш; олий таълим тизимининг кадрлар салоҳиятини истиқболда ривожлантириш моделини ишлаб чиқиш; олий таълим муассасасининг талаба, илмий ва техник ходимларининг ривожланиш динамикасини прогностик ҳисоб-китобларини амалга ошириш; олий таълим муассасаси ходимларининг мақбул тузилмасини шакллантиришга таъсир кўрсатадиган механизмни ишлаб чиқиш.

Тўртинчи босқичда истиқболли даврда олий таълим муассасаси фаолиятининг моддий-техник базасини ривожлантириш учун прогнозлар ишлаб чиқиш учун асос бўлувчи маълумотлар тайёрланади. Бунда ички харажатлар ҳажми прогнози, шу жумладан асбоб-ускуналарни, компьютер техникасини, ўқув хоналари ва лабораторияларни жиҳозлаш, ўқув адабиётларини сотиб олиш, жорий капитал харажатларга эга бўлиш ҳиссаси асос сифатида олиниши керак.

Бешинчи босқичда ишлаб чиқилган ва тасдиқланган дастурлар асосида илмий тадқиқотларнинг самарадорлиги прогнози учун хизмат қилувчи ахборот базаси ишлаб чиқилади.

Бозор муносабатларини ҳисобга олган ҳолда, таълим соҳасида прогнозлаш муаммоси тўлиқ маълум бўлмаган муаммолар сирасига киради. Чунки бу жараёнларнинг сабаб-оқибат муносабатлари мутлақ моделни яратиш учун анча мураккабдир. Шунинг учун ҳақиқий тузилмани ишлаб чиқиш бир қатор тахминларни ўз ичига олади. Дарҳақиқат, динамик бозор шароитида иқтисод ва таълимнинг амалда унинг соҳаси сифатида ривожланиши, прогнозлаштириш қарорларини амалга оширишда юзага келадиган муайян оғишлар таъсири остида шаклланади. Шу муносабат билан таълим тизимининг ривожланиш хусусиятини ўзгартиришга таъсир қилувчи бир қатор омилларни ажратиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

- илмий-техник тараққиётнинг ютуқларини амалга ошириш вақт ва маконларда юзага келади ва олий таълим тизимининг ривожланиш жараёнларидан алоҳида тарзда кўрилиши мумкин эмас;

- жамият ва шахс эҳтиёжларини қондирадиган тизимли ва моддий ислоҳотларни амалга ошириш, касбий тайёргарлик сифатини яхшилаш, индивидуал ёндашувни мустаҳкамлаш, ижодий қобилият-

ларни ривожлантириш, бўлажак мутахассисларнинг барқарор ҳаётий позициясини шакллантириш, фаолият юритаётган ишлаб чиқариш билан алоқани мустакамлаш;

- олий таълим тизимини меъёрий, ўқув-услубий ва илмий-техникавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни такомиллаштириш;

- олий таълим тизимининг моддий-техника базасини замонавий техника ва технологиялар билан сифатли янгилаш;

- жамиятдаги умумий ижтимоий-иқтисодий вазият, қонун ва меъёрий-ҳуқуқий асосла рўзгариши, глобал таълим макони билан алоқаларни ривожлантириш билан боғлиқ ҳамда якуний натижага таъсир кўрсатиши мумкин бўлган омилларни ҳисобга олиш.

Таълим жараёнини моделлаштиришда ушбу омилларнинг тўлиқ инобатга олинганлиги уларнинг прогнозлаш сифатига ҳам боғлиқ бўлади. Жараённинг моҳияти, прогнозлашнинг мақсадига қараб, прогнозлаштириш моделлари синфи танланади. Шу билан бирга, прогнозлаш тизими ва унинг таркибий элементларининг табиатини ҳисобга олмасдан таълим жараёнларини прогнозлаш мумкин эмас. Прогнозланадиган тизим тушунчаси остида, прогнозлаштирилган ахборот ҳажмини ҳисобга олган ҳолда, прогнозлаш объектини ишлаб чиқиш учун аниқ мақсадли вазифани прогноз қилиш имконини берадиган методлар, техникалар ва процедуралар мажмуасини тушуниш мақсадга мувофиқ бўлади. Прогнозлаш тизими иккита асосий операцияни ўз ичига олади: объектларни прогноз қилиш учун муқобилларни шакллантириш; таққослаш ва муқобил танлаш. Ушбу операцияларнинг комбинацияси тизимли прогнозлашнинг мажмуавий муаммосини белгилайди, унинг ечими воситаси прогнозловчи тизими бўлади.

Адабиётлар

1. Ванькина И.В. Маркетинг образования: учеб.пособ. / Ванькина И.В., Егоршин А.П., Кучеренко В.И. – М.: Унив. книга; Логос, 2007. – 336 с
2. Ищук Т.Л. Организационно-экономические подходы к развитию европейской высшей школы // Экономика образования. – 2011. – № 1. – С. 68-76.
3. Адлер Ю.П. Восемь принципов, которые меняют мир / Ю.П. Адлер // Стандарты и качество. – 2001. – № 5–6.
4. Гайнутдинов Э.М. Бизнес-планирование: Учебное пособие / Э.М. Гайнутдинов. – Минск: Вышэйшая школа, 2011. – 207 с.
5. Кларин М.В. Инновационные модели обучения в зарубежных педагогических поисках. М., 2010. – 238 с.
6. Аваков Б. К вопросу о прогнозировании образования / Экономические науки, 2014. – № 6. – С. 52–59.
7. Ахмедова М.А. Обеспечение занятости и создание новых рабочих мест в Республике Узбекистан / Режим доступа: http://www.demoscope.ru/weekly/2014/0583/analit05.php
8. Кратт О.А. Сегментация рынка услуг высшего образования: использование системного подхода / А.А. Кратт, М.Г. Слоква. – Донецк: ООО «Юго-Восток ЛТД», 2005. – 295 с.





Дурдона АХАТОВА
Навоий давлат педагогика институти
умумий педагогика кафедраси
доценти, педагогика фанлари номзоди

Фароғат ХОДЖИЕВА
Навоий давлат педагогика институти
умумий педагогика кафедраси
доценти, педагогика фанлари номзоди

ПЕДАГОГИК КЕЙСЛАР ПЕДАГОГИК МАҲОРАТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВОСИТАСИ СИФАТИДА

Мақолада юксак малакали педагог кадрлар тайёрлаш, бу жараёнда педагогик ва ахборот технологияларидан, жумладан, педагогик кейслардан фойдаланишнинг аҳамияти ва моҳияти ёритилади, педагогика дарсларида кейслардан фойдаланиш намуналари келтирилади.

Таянч тушунчалар: *олий таълим, педагогик фанлар, педагогик маҳорат, педагогик технология, таълим методлари, ўқув жараёни, халқаро таълим стандартлари, кейс стади, педагогик вазият, Беҳбудий, Фитрат, Авлоний.*

В данной статье приводятся примеры применения кейсов на занятиях педагогики,освещены значение и сущность применения педагогических кейсов, педагогических и информационных технологий, в подготовке высококвалифицированных педагогических кадров.

Опорные понятия: *высшее образование, педагогические науки, педагогическое мастерство, педагогические технологии, методы обучения, учебный процесс, международный образовательный стандарт, кейс стади, педагогическая ситуация, решение проблем, Бехбудий, Фитрат, Авлоний.*

In this article is given the sample of case studymethodat the lessons ofPedagogy, it is elucidatedthe significance to use the pedagogical case and information technologies in training the highly qualified personnel.

Supporting concepts: *higher education, pedagogical sciences, pedagogical skills, pedagogical technologies, teaching methods, educational process, international educational standard, case study, pedagogical situation, problem solving, Behbudiy, Fitrat, Aulony.*

Жамиятимиз тараққиётининг муҳим шарти бўлғуси кадрларни тайёрлаш тизимининг мукаммал бўлиши, замонавий фан-техника ва технологиялар асосида ривожланиши ҳисобланади. “Таълим тўғрисида”ги Қонун ҳамда “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да баён этилганидек, ҳозирги даврнинг долзарб масалаларидан бири, ўқитувчи – тарбиячи ходимлар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш масаласидир. Зеро, халқимизнинг келажаги, мустақил Ўзбекистоннинг истиқболи кўп жиҳатдан ўқитувчига, унинг савияси, тайёргарлиги, фидойилиги, ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялаш ишига бўлган муносабатига боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари” тўғрисидаги №ПҚ-2909-сонли Қарорида олий таълим тизими таълим жараёнини, ўқув режа ва дастурларини янги педагогик технологиялар ва ўқитиш усулларини кенг жорий этиш асосида янада такомиллаштириш, ўқув жараёнига халқаро таълим стандартларига асосланган илғор педагогик технологиялар, ўқув дастурлари ва ўқув-услубий материалларни кенг жорий қилишга алоҳида урғу берилган.

Юксак малакали педагог кадрларни тайёрлашда педагогика фанининг ўқитилиши муҳим аҳамият касб этиб, бу жараёнда бўлғуси ўқитувчиларни ижодий фикрлашга, ўзгарувчан вазиятларга ўргатиш, эркин рақобат асосида фаолиятни ташкил этиш ҳамда уларни педагогик технологиялар билан қуроллантиришга эришилади.

Ҳозирги кун ўқитувчиси педагогик ва ахборот технологияларини мукаммал билиши ва улардан самарали фойдалана олиши лозим. Амалий йўналтирилган кўникма ва малакаларни мустаҳкам-

ловчи технологиялардан бири “Case-study”дир. “Case-study” – аниқ иқтисодий ва ижтимоий вазиятларнинг тавсифидан фойдаланган ҳолда ўқитувчиларда аниқ кўникмаларни шакллантириш техникасидир.

Ҳозирги кун ёшлари мустақил фикрлайдиган, муаммоли вазиятларда мустақил қарорлар қабул қила оладиган бундай вазиятларни тўғри баҳолаб, улардан чиқиб кета оладиган сифатларга эга бўлишлари зарур.

Бўлғуси ўқитувчиларда ана шундай сифатларни ўқув-тарбия жараёнида педагогик вазиятли масалаларни ечишга қаратилган – кейслардан фойдаланилган машғулотларда шакллантириш ва ривожлантириш мумкин.

Кейс — бирор ташкилотдаги қандайдир аниқ реал вазиятнинг ёзма тавсифидир. Ундан фойдаланиш мобайнида талабалардан вазиятни таҳлил қилиш, муаммонинг моҳиятини кўриб чиқиш, мумкин бўлган вариантларни таклиф этиш ва улардан энг мақбулини танлаш сўралади.

Педагогик вазият – тарбиячи ўзининг кундалик ҳаётида дуч келган ва ечим талаб этиладиган педагогик масалаларни туғдирган далил, ҳаётий тарихдир. Бир хил педагогик вазиятлар кўп учрайди, улар ўқувчиларнинг ҳаракатларини таҳлил этиш жараёнида педагогик масалаларни тезликда ифодалаш, уларни ечиш ва бу вазиятларни йўқ қилиш имкониятини беради. Бошқа турдаги вазиятлар кам учрайдиган мураккаб, такрорланмайдиган, ўзининг ечими учун узоқ вақт талаб этадиган, баъзан эса, умуман ечилмайдиган вазиятлар бўлиши мумкин.

“Case-study”нинг асосий мақсади – турли вазиятли, шу жумладан, педагогик вазиятли масалаларни ҳал қилиш мобайнида ўқувчиларнинг концептуал схема ва моделларидан амалий фойдаланиш малакаларини, шунингдек, муаммоларни гуруҳда таҳлил қилиш ва қарор қабул қилиш кўникмаларини ишлаб чиқариш орқали билимларини мустаҳкамлашдан иборат.

Умумий педагогика фанининг барча мавзуларини, айниқса, таълим ва тарбия назариясини ўқитишда кейс-педагогик вазиятлардан кенг фойдаланиш мумкин. Шунингдек, педагогика тарихи бўлими мавзуларини ўқитишда ҳам кейслар самарали таълим-тарбия воситаси бўлиб ҳисобланади. Жумладан, “XIX асрнинг охири XX аср бошларида Туркистон ўлкасида тарбия, мактаб ва педагогик фикрлар” мавзусини ўқитишда қуйидаги кейслардан фойдаланиш мумкин.

1-кейс

1. Кейс (муаммо)нинг баёни.

Беҳбудий Туркистоннинг келажагини ўйлар экан, миллатимизнинг тараққиёти борасида турли йўлларни қидирди. Янги усул мактаблар очди, дарсликлар яратди, газета ва журналлар нашр эттирди.

У драматургия соҳасида ҳам муваффақиятли ижод қилди. Беҳбудийнинг 1913 йилда босилган “Падаркуш” драмаси унга жуда катта шуҳрат келтирди. Бу драма қисқа вақт мобайнида Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Қўқон, Андижон, Наманган, Каттақўрғон ва бошқа шаҳарларда илк театр труппаларида оммавий тарзда саҳналаштирилди. Бу соҳада ҳам Беҳбудий карвонбоши бўлди.

Беҳбудий “Падаркуш” драмасида ўғилнинг отасини ўлдиришига нима сабаб деб ҳисоблайди.

2. Кейс топшириғи ёки саволи.

1. Сизнинг фикрингизча ўғилнинг отасини ўлдиришига нима сабаб бўлди?

2. Беҳбудийнинг фикрича бунга сабаб нима? “Падаркуш” драмасидан олинган фикрлар билан асосланг.

3. Фойдаланиш учун манбалар.

1. Ҳошимов К., Очил С. Ўзбек педагогикаси антологияси. – Т.: Ўқитувчи, 2010.

2. Ахророва З.Б. Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг педагогик қарашлари. Педагогика фанлари номзодлиги диссертацияси. – Т., 1997. – 152 б.

3. Беҳбудий М. “Падаркуш” драмаси.

4. Талабалар учун методик кўрсатмалар.

Иш босқичлари	Маслаҳатлар ва тавсияномалар
1. Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан	Аввало кейс билан танишинг. Жадидчилик, уларнинг фаолиятлари ва ғоялари ҳақида тушунча ҳосил қилиш учун бор бўлган бутун ахборотни хамда муаммоли вазиятни диққат билан ўқиб чиқиш лозим. Ўқиш пайтида вазиятни таҳлил қилишга шошилманг.

танишиш.	
2. Берилган вазият билан танишиш.	Кейс маълумотларни яна бир маротаба диққат билан ўқиб чиқинг. Сиз учун муҳим бўлган сатрларни белгиланг. Кейсдаги муҳим фикрларни қалам ёрдамида остини чизиб қўйинг. Вазият тавсифида берилган асосий тушунча ва ибораларга диққатингизни жалб қилинг. Беҳбудий яшаган даврни кўз олдингизга келтиринг. “Падаркуш” драмасини ўқиб чиқинг.
3. Муаммоли вазиятни таҳлил қилиш.	Асосий муаммо ва кичик муаммоларга диққатингизни жалб қилинг. ***Асосий муаммо:*** жадидлар жамият ҳаётини, халқ турмушини қандай йўллар билан яхшилаш ғоясини илгари сурди? Қуйидаги саволларга жавоб беришга ҳаракат қилинг: 1. “Падаркуш” драмасининг асосий ғояси нима? 2. Драмадаги ўғилнинг саводлилик даражасига эътибор қаратинг. 3. Илмсизлик оқибатларини кўрсатинг.
4. Муаммоли вазиятни ечиш усул ва воситаларини танлаш ҳамда асослаш.	Ушбу саволларга жавоб топиш мақсадида қуйида тақдим этилган “Муаммоли вазият” жадвалини тўлдиришга киришинг. Муаммони ечиш учун барча вазиятларни кўриб чиқинг, муқобил вазиятни яратинг. Муаммонинг ечимини аниқ вариантлардан танлаб олинг, муаммонинг аниқ ечимини топинг. Жадвални тўлдиринг. Кейс билан ишлаш натижаларини ёзма шаклда илова этинг.

Гуруҳларда кейсни ечиш бўйича йўриқнома

- Индивидуал ечилган кейс вазиятлар билан танишиб чиқинг.
- Гуруҳ сардорини танланг.
- Ватман қоғозларда қуйидаги жадвални чизинг.

Муаммони таҳлил қилиш ва ечиш жадвали

Муаммони тасдиқловчи далиллари	Муаммонинг келиб чиқиш сабаблари	Муаллиф томонидан таклиф қилинган ечим	Гуруҳ ечими

- Ишни якунлаб, тақдимотга тайёрланинг.

5. Ўқитувчи (кейсолог)нинг ечими.

Барча жадидлар, жумладан, Беҳбудий ҳам ўша пайтдаги халқнинг оғир турмушини маърифат, илм орқали ўзгартириш ғоясини илгари суриб, маорифни, маданиятни, санъатни, илм-фанни юксалтириш йўлида фаолият олиб борадилар. Беҳбудий “Падаркуш” драмасида ҳам ўғилни илмсизлик ва тарбиясизлик оқибатида ўз отасини ўлдирди деб кўрсатади. Отаси ўлади, ўғли қамалади, уйда ёлғиз қолган онага домла тасалли бериб қуйидаги фикрларни айтганлиги асарда келтирилади: “Онажон, сизга сабрдан бошқа чора йўқ, бу бадбахтлик ва мусибатга сабаб, жаҳолат ва нодонликдир, беилмлилик ва тарбиясизликдир. Уйингизни нодонлик бузди. Сизни беилмлилик хонавайрон қилди. Ўғлингизни беилмлилик Сибирга юборади. Жонингиздан азиз фарзандингизни тарбиясизлик балоси сиздан умри айритадур. Болангизнинг отаси тарбия этмади, ўқитмади. Охири балога учради, ёмон рафиқлар (одамлар) йўлдан чиқардиларки, қурбони жаҳолат бўлдингиз.

Номаъқул ўғил ота-онанинг эркалатишларидан талтайиб, бекорчиликдан ёмон кишиларга қўшилиб, ёмон йўлларга юриб, охир-оқибатда ўзининг ва қолган оила аъзолари умрини хазон қилади. “Бизларни – деб ёзади Беҳбудий, – хонавайрон... беватан ва банди қилган тарбиясизлик ва жаҳолатдир, беватанлик, дарбадарлик, асорат, фақирлик, зарурат ва хорликлар – ҳаммаси илмсизлик ва бетарбияликнинг меваси ва натижасидир... Модомики, бизлар тарбиясиз болаларимизни ўқитмаймиз, бу тариқа ёмон ҳодисалар ва бадбахтликлар орамизда доимо ҳукмрон бўлса керак. Бу ишларни йўқ бўлмоғига ўқимоқ ва ўқитмоқдан бошқа илож йўқдир”.

Беҳбудий ижодий фаолиятидаги бош масала Туркистонда маориф тараққиётидир. У “... дунёда турмоқ учун дунёвий фан ва илм лозимдир. Замона илм фанидан бебаҳра миллат, бошқа миллатларга паймол бўлур” – деган шиорга содиқ ҳаракат қилди.

Мустамлака Туркистонни илмсизлик жаҳолатидан қутқариш учун эски мактабни ислоҳ қилиш зарурлигини исботлаб, усули жадидияга асос солди.

6. Кейс билан ишлаш жараёнини баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари.

Аудиториядан ташқари бажарилган иш учун
баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари

Талабалар рўйхати	Асосий муаммо ажратиб олиниб, тадқиқот объекти аниқланган макс. 2 б	Муаммоли вазиятнинг келиб чиқиш сабаби ва далиллари аниқ кўрсатилган макс. 3 б	Вазият ечими аниқ кўрсатилган макс. 5 б	Жами макс.10 б

Аудиторияда бажарилган иш учун баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари

Гуруҳлар рўйхати	Гуруҳ фаол макс. 1 б	Маълумотлар тақдим этилиши макс. 4 б	Жавоблар тўлиқ ва аниқ берилиши макс. 5 б	Жами макс. 10 б
1.				
2.				
3.				

2-кейс.

1. Кейс (муаммо)нинг баёни.

Йирик жадид маърифатпарварларидан бири Абдурауф Фитрат Туркистон маорифини ривожлантириш ва уни миллат эҳтиёжига хизмат қилдириш соҳасида маърифатчилик фаолиятини олиб боради.

Фитрат ўзининг бир мақоласида ўзбек йигити тилидан шундай фикрларни ёзади: “Ётсам тушимда, уйғонсам ёнимда, кўз юмсам миямда, кўз очсам қаршимда мунгли бир хаёл келиб турадур. Бу бир хотун хаёли... Бир хотунки, эгнида ипакли, лекин йиртиқ ва эски бир кўйлакдан бўлак бир кийим йўқ. Бош-оёқлари ялонғоч, тирсакларигача қоп-қора лойқадан ботган, бақирурга товуши, қутилурга кучи қолмаган!..

Эй мунгли хотун, сен кимсан? Эй ғамгин она, нечук мундан айрилмайсан?.. Оҳ... Билдим... Билдим... Англадим! Сен ----------сан, ----------нинг мунгли хаёлисан”.

Фитрат ушбу сатрларда нимани (ёки кимни) кўзда тутмоқда?

2. Кейс топшириғи ёки саволи.

1. Абдурауф Фитрат юқорида нима ҳақида фикр юритмоқда?
2. Фитратнинг қандай асарларини биласиз?
3. Фитратнинг "Юрт қайғуси" мақоласини ўқиб, фикрингизни билдиринг.

3. Фойдаланиш учун манбалар.

1. Ҳошимов К., С. Очил. Ўзбек педагогикаси антологияси. – Т.: Ўқитувчи, 2010.
2. Фитрат А. Асарлар. – Т., 2001 й., 1-2-қисм.
3. Фитрат А. Оила. – Т., 2009 й.

4. Талабалар учун методик кўрсатмалар.

Иш босқичлари	Маслаҳат ва тавсиялар
1. Кейс билан танишиш.	Фитратнинг “Юрт қайғуси” мақоласини ўқиб чиқиш лозим.
2. Вазият билан танишиш.	Вазият тавсифида берилган асосий тушунча ва ибораларга диққатингизни жалб қилинг.

3. Муаммоли вазиятни таҳлил қилиш.	***Асосий муаммо.*** Мақолада нима ҳақида фикр юритилган? 1. Фитратнинг қандай асарларини биласиз? 2. Фитратнинг “Юрт қайғуси” мақоласини ўқиб, фикрингизни билдиринг.
4. Муаммоли вазиятни ечиш.	Ушбу саволларга жавоб топиш мақсадида қуйида тақдим этилган “Муаммоли вазият” жадвалини тўлдиришга киришинг.

5. Ўқитувчи (кейсолог)нинг ечими.

Йирик жадид маърифатпарварларидан бири Абдурауф Фитрат алломалар ватани бўлган буюк бир юртнинг ўз (Фитрат яшаган) даврига келиб аянчли аҳволга тушиб қолганлигидан ғам чекади, бунинг сабабларини излайди. Юртини Амир Темур каби миллий қаҳрамонларга муҳтож эканлигини қуйидагича тасвирлайди: “Эй Чингизларнинг, Темурларнинг, Ўғузларнинг оилаларининг шонли бешиклари! Қани учиқдигинг юксак ўринлари? Қуллик чуқурларига недан тушдинг?!

... Дунёни “урхо”лари билан титратган йўлбарс юракли болаларинг қани?... Қани у чақмоқ чалишли ботир ҳақонларинг? Қани у аввал ўқ юрушли отли бекларинг?

Инсонлик оламини қанотлари остинда олган ҳақонлигинг нечун кучи ўлди? Кучингми кетди? Кимсасиз қолди?” [Фитрат А. Юрт қайғуси// Ҳуррият. 1917. 23 июл; 10 август; 31 сентябрь].

Фитрат ўзининг “Юрт қайғуси” мақоласида ватанининг оғир эзилган, қашшоқ аҳволини бир ўзбек йигити тилидан шундай тасвирлайди: “Ётсам тушимда, уйғонсам ёнимда, кўз юмсам миямда, кўз очсам қаршимда мунгли бир хаёл келиб турадур. Бу бир хотун хаёли... Бир хотунки, эгнида ипакли, лекин йиртиқ ва эски бир кўйлакдан бўлак бир кийим йўқ. Бош-оёқлари ялонғоч, тирсакларигача қоп-қора лойқага ботган, бақирурга товуши, қутилурга кучи қолмаган!..

Эй мунгли хотун, сен кимсан? Эй ғамгин она, нечук мундан айрилмайсан?.. Оҳ... Билдим... Билдим... Англадим! Сен менинг ватанимсан, Ватанимнинг мунгли хаёлисан”.

Фитрат бу ерда Ватанини мунгли бир аёлга қиёслайди. У аёлнинг йиртиқ, юпун кийимлари, танасидаги жароҳат ва яралар, зулм занжири билан боғланган қўллари мисолида Ватанининг оғир ва қашшоқ аҳволини, мустамлакачилар ўтказаётган зулмларни, юртнинг эрксиз, золимларга қарам бўлиб қолганлигини кўрсатмоқчи бўлади.

Адибнинг ўзи ҳам қандай аҳволда бўлмасин, Ватанини ҳамма нарсадан устун қўяди, усиз яшай олмаслигини ҳақиқий ватанпарвар сифатида шундай таъкидлайди: “Юртим, Туроним, сендан айрилмоқ менинг ўлимим. Сенинг учун ўлмоқ менинг тириклигимдур”.

Фитрат ватанини паноҳим, умидим, тилагим, истагим, саодатим, суюнчим, овунчоғим, ўчоғим деб улуғлайди. У ватанининг гуллаб-яшнаши, шарафга бурканишини истайди. Ватанни каъбам, қиблам, саждагоҳим деб ҳамма нарсадан устун қўяди.

Адабиётшунос олим Н. Каримов таъкидлаганидек, Фитрат ўзбек шеърияти тарихида биринчи бўлиб Ватанни онага қиёс қилиб ёзади:

Онам! Сени қутқармоқ учун жонми керакдур?
Номусми, виждон билан иймонми керакдур?
Темур била Чингиз қони тошди томиримиздан,
Айтгил! Сени қутқармоқ учун қонми керакдур.
Ёв суққали келгач қиличини юрагингга,
Туш олдига, ол кўксимни – қалқонми керакдур.

Ватанпарвар аллома ўзининг жони ва бутун борлиғини Ватан озодлиги учун курашга бағишлайди.

3-кейс

1. Кейс (муаммо)нинг баёни.

Абдулла Авлоний меҳнатсиз кун кечиришни барча ёмон сифатларнинг ибтидоси, деб ҳисоблайди. Шунинг учун ҳам у, меҳнатни улуғлайди, меҳнат кишининг энг гўзал фазилатидир, дейди. Бу жиҳатдан унинг “Ақлли боғбон” ҳикояси характерлидир.

Ҳикояда айтилишича: “Бир боғбоннинг уч ўғли бўлиб, улар дангаса ва ишёқмас бўлганлар. Ота-да уларга мерос қоладиган тангатилло йўқ. Ота умри тугаётганини сезиб, фарзандлари тақдиридан ташвишга тушади. Ўйлаб-ўйлаб шундай йўл тутади. Ҳар уччала ўғлини ёнига чорлайди. “Кўзим очиқ экан, васиятимни сизларга айтиб кетай. Меҳнату машаққат ила бир кўза олтин йиққанман. Уни

мана шу боққа, токларнинг бирини тагига кўмганман. У – сизларники. Бироқ бу ишга кўп йил бўлди. Ҳарчанд уринсам ҳам кўмилган жойни хотирлай олмадим. Уни ўзларингиз излаб топинглар ва ўзаро бўлишиб олинглар", дейди. Бир кўза тилла дарагини эшитиб уч ишёқмас уни излашга тушиб кетади. Боғнинг ҳамма ерини ковлаб чиқишади. Сирли кўза чиқмайди. Яна эринмай ковлашга тушадилар. Кутилган натижа эса ҳамон йўқ. Шу тахлит боғ ичи бир неча қайта ағдар-тўнтар қилинади...". Ҳикояни давом эттиринг. Авлоний ушбу ҳикоя орқали қандай ғояни илгари суради?

2. Кейс топшириғи ёки саволи.

1. Абдулла Авлонийнинг қандай асарларини биласиз? "Туркий гулистон ёхуд ахлоқ" қандай асар ҳисобланади?

2. Ҳикоянинг давомини Авлоний асаридан топиб тўлдиринг, ҳикояда қандай ғоя илгари сурилганлигини ёритиб беринг.

3. Фойдаланиш учун манбалар.

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008.
2. Авлоний Абдулла. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. – Т.: 1999. – 392 б.
3. Ҳошимов К., С. Очил. Ўзбек педагогикаси антологияси. – Т.: Ўқитувчи, 2010.

4. Талабалар учун методик кўрсатмалар.

Кейсни ечаётган талабаларга услубий кўрсатмалар:

1. Машғулотда жамоавий ишлаш мобайнида, имкон қадар, сизни кузатиб турган тенгқурларингизга эътибор қилманг. Натижа учун ишланг!

2. Фаол бўлинг, ўзингизни кўрсатинг.

3. Танқидни ўзингизга оғир олманг. Ўз фикрингизни аниқ тушунтиринг. Нуқтаи назарингизни асосланг ва уни ҳимоя қилинг.

4. Вақт бошқарувини ёддан кўтарманг. Ҳар бир вазифани бажариш муддати чегараланган. Ўз ресурсларингизни муқобил тақсимлашга ҳаракат қилинг.

5. Жамоада ишлашга қодир ва тайёр эканлигингизни кўрсатинг.

Гуруҳларда кейсни ечиш бўйича йўриқнома.

1. Индивидуал ечилган кейс вазиятлар билан танишиб чиқинг.
2. Гуруҳ сардорини танланг.
3. Ватман қоғозларда қуйидаги жадвални чизинг ва тўлдиринг.

Муаммони таҳлил қилиш ва ечиш жадвали

Муаммони тасдиқловчи далиллари	Муаммони келиб чиқиш сабаблари	Муаллиф томонидан таклиф қилинган ечим	Гуруҳ ечими

5. Ўқитувчи (кейсолог)нинг ечими.

Абдулла Авлонийнинг педагогикага оид асарлари ичида "Туркий гулистон ёхуд ахлоқ" асари XX аср бошларидаги педагогик фикрлар тараққиётини ўрганиш соҳасида катта аҳамиятга моликдир.

"Туркий гулистон ёхуд ахлоқ" асари ахлоқий ва таълимий тарбиявий асардир. Асарда инсонларни "яхшиликка чақирувчи, ёмонлардан қайтарувчи" бир илм-ахлоқ ҳақида фикр юритилади. Шу жиҳатлардан қараганда бу асар Юсуф хос Ҳожибнинг "Қутадғу билиг", Носир Хисравнинг "Саодатнома", Саъдийнинг "Гулистон" ва "Бўстон", Жомийнинг "Баҳористон", Навоийнинг "Маҳбуб ул-қулуб", Аҳмад Донишнинг "Фарзандларга васият" асарлари шаклидаги ўзига хос тарбиявий асардир.

Абдулла Авлоний педагог сифатида бола тарбиясининг роли ҳақида фикр юритиб "Агар бир киши ёшлигида нафси бузулиб, тарбиясиз, ахлоқсиз бўлиб ўсдими, Аллоҳу акбар, бундай кишилардан яхшилик кутмоқ ердан туруб юлдузларга қўл узатмак кабидур", — дейди. Унинг фикрича, болаларда ахлоқий хислатларнинг таркиб топишида ижтимоий муҳит, оилавий шароит ва боланинг атрофидаги кишилар ғоят катта аҳамиятга эга.

Абдулла Авлоний меҳнатсиз кун кечиришни барча ёмон сифатларнинг ибтидоси, деб ҳисоблайди. Шунинг учун ҳам у, меҳнатни улуғлайди, меҳнат кишининг энг гўзал фазилатидир, дейди. Бу нарса унинг "Ақлли боғбон" ҳикоясининг бош ғояси ҳисобланади.

Ҳикояда айтилишича: "Бир боғбоннинг уч ўғли бўлиб, улар дангаса ва ишёқмас бўлганлар. Ота-да уларга мерос қоладиган танга тилло йўқ. Ота умри тугаётганини сезиб, фарзандлари тақдиридан ташвишга тушади. Ўйлаб-ўйлаб шундай йўл тутади. Ҳар учала ўғлини ёнига чорлайди. "Кўзим очиқ экан, васиятимни сизларга айтиб кетай. Меҳнату машаққат ила бир кўза олтин йиққанман. Уни мана

шу боққа, токларнинг бирининг тагига кўмганман. У — сизларники. Бироқ бу ишга кўп йил бўлди. Ҳарчанд уринсам ҳам кўмилган жойни хотирлай олмадим. Уни ўзларингиз излаб топинглар ва ўзаро бўлишиб олинглар", дейди. Бир кўза тилла дарагини эшитиб уч ишёқмас уни излашга тушиб кетади. Боғнинг ҳамма ерини ковлаб чиқишади. Сирли кўза чиқмайди. Яна эринмай ковлашга тушадилар. Кутилган натижа эса ҳамон йўқ. Шу тахлит боғ ичи бир неча қайта ағдар-тўнтар қилинади... Ерлар қазилавериб, тупроғи упага айланиб кетади ҳамки, олтинли кўза топилмайди. Бу орада узумзордаги токларнинг энг чуқур илдизларигача очиб кўрилади. Боғда ўша йили чунонам ҳосил бўладики, ундан бир неча кўзани тўлдиргулик олтин оладилар". Уч дангаса ўғиллар ота гапларининг асл маъносини, олтин – меҳнатда эканлигини тушуниб етадилар".

Адиб бу ҳикояси билан меҳнатни улуғлайди, ўқувчи қалбида меҳнатга муҳаббат уйғотади. Киши бахт ва саодатга фақат меҳнат орқалигина етишишини уқтиради.

Хулоса қилиб айтганда, педагогик кейслардан фойдаланиладиган машғулотларда талабалар турли вазиятларни кўриб чиқадилар ва жамоада ишлашни, вазиятларни таҳлил қилишни, қарорлар қабул қилиш, мустақил фикрлаш, ўз-ўзини танқид қилиш ва баҳолашни ҳамда ижодий фикр юритишни ўрганадилар. Талаба ва ўқитувчи ҳамда талабаларнинг ўзаро ҳамкорлиги йўлга қўйилади.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни.// Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т., 1997.
2. Ўзбекистон Республикасининг "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури". // Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т., 1997.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари" тўғрисидаги №ПҚ-2909-сонли Қарори.// "Халқ сўзи" газетаси. 2017 йил 20 апрель.
4. Абдуқодиров А.А., Астанова Ф.А., Абдуқодирова Ф.А. "Case-study" услуби: назария, амалиёт ва тажриба. – Т.: "Tafakkur qanoti", 2012. – 134 б.
5. Беҳбудий М. Падаркуш драмаси.
6. Фитрат А. Асарлар. – Т., 2001 й., 1-2-қисмлар.



Мансур АХМЕДЖАНОВ
Бухоро муҳандислик – технология институти
профессори, педагогика фанлари номзоди

БОЛА ТАРБИЯСИДА ОИЛА НАМУНАСИ

4. Ишмухамедов А.Э., Эшов М.П., Суннатов М.Н. Бозор иқтисодиёти ва бизнес асослари: Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2006.

5. Как сбалансировать работу и личную жизнь / Пер. с англ. – М.: Альпина Бизнес Букс, 2006.

6. Каримова В.М. Ижтимоий психология ва ижтимоий амалиёт (Университетлар ва педагогика институтлари учун ўқув қўлланма. – Т.: “Университет” нашриёти, 1999.

7. Ҳайитов О.Э., Очилова Г.О. Тадбиркорлик психологияси. Ўқув қўлланма. – Т.: “Фан ва технология”, 2008.



Болта ХЎЖАЕВ
Бухоро давлат университети педагогика
кафедраси доценти, педагогика фанлари номзоди

ЎҚУВЧИЛАРДА ФУҚАРОЛИК ТУЙҒУСИ АСОСЛАРИНИ ТАРБИЯЛАШ

Мақолада оилада ва бошланғич синфларда ўқувчи-ёшларнинг фуқаролик туйғусини шакллантиришнинг педагогик-психологик хусусиятлари очиб берилган.

Таянч тушунчалар*: фуқаролик, оила, бошланғич синф, туйғу, фуқаролик туйғуси, мафкура, иммунитет, инсонпарвар, меҳнатсевар, миллий қадрият, умуминсоний қадрият, демократик давлат, фуқаролик жамияти, фаол.*

В статье раскрываются педагогические и психологические особенности гражданского чувства у учащейся молодежи в семье и в начальных классах.

Опорные понятия: *гражданство, семья, начальный класс, чувство, гражданское чувство, идеология, иммунитет, человеколюбие, трудолюбие, национальная ценность, общечеловеческая ценность, демократическое государство, гражданское общество, активный.*

In article is revealed the pedagogical and psychological characteristics of students-youth's civil feelings in family and primary classes.

Supporting concepts: *citizenship, family, primary class, feeling, civic sense, ideology, immunity, philanthropy, diligence, national value, universal value, democratic state, civil society, active.*

Ўқувчиларнинг фуқаролик туйғуси, фуқаролик маданиятининг муҳим компонент (таркибий қисм)ларидан бири ҳисобланиб, у ҳар бир инсоннинг ўзи туғилиб ўсган ерига, маҳалласига, она тупроғига, қолаверса, Ватанига, жуғрофий-ҳудудий сарҳадларига бўлган фарзандлик туйғусини, унга эътиқод ва садоқатини, унинг тарихи, маданий тили, маънавияти, анъаналари, урф-одатлари ва меросига инсонпарварлик, ватанпарварлик нуқтаи назаридан муносабатда бўлишни назарда тутади. Зеро, "ҳуқуқий мавқеи қонун билан мустаҳкамланган шахснинг давлат ичкарисида ва ташқарисида бўлишидан қатъий назар, маълум бир давлатга қарашлилигига фуқаролик дейилади, шундай ҳуқуққа эга шахс фуқаро деб аталади" [2, 4]. Шу боис, фуқаролик туйғуси миллий онг, миллий тафаккур, фуқаролик маданиятининг юксак намунаси бўлиб, ҳар бир инсонда ахлоқий-ҳуқуқий меъёрлар, қонун-қоидалар, тартиб-интизом, бурчга онгли муносабатда бўлиб яшашни иқтисодий-сиёсий фаолиятда фаол иштирок этишга тайёрланишни ифодалайди. Дарҳақиқат, ҳозирги глобаллашув шароитида, фуқаролик туйғусини тарбиялаш муҳим ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий зарурият касб этиб, у аввало, ўқувчи-ёшларда ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг ҳуқуқий ва ахлоқий меъёрларига онгли муносабатда бўлишини, фуқаролик бурчи, маънавияти, мажбурияти тўғрисидаги маъмурий ва дедуктив маълумотларни эгаллашни, фуқаролик позициясини эгаллаш кўникмаларини ҳосил қилиш, жамиятнинг бўлажак фаол қурувчиларида ватанимиз, халқимиз, миллатимизнинг ўтмиш маънавияти, тарихи, тили, маданияти билан яқиндан таништириш, уларда бу мерос билан ғурурланиш ҳис-туйғусини уйғотиш, қадриятлар, анъаналар, урф-одатлар, маросимларга ҳурмат, давлатимиз рамзларига эътиқод ҳиссини вужудга келтириш бугунги даврнинг муҳим вазифаларидан саналади. Чунончи, "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг Ҳаракатлар Стратегияси"да назарда тутилган: "…жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, ватанга содиқ, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқоролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларни ижтимоий фаоллигини ошириш" масаласи бугунги тарбиямизнинг бош мақсад қилиб белгиланган" [1]. Ҳар бир инсон шахсий фазилатининг дастлабки муҳим омили сифатида унинг фуқаролик маданиятини таркибий қисмларидан бири ҳисобланмиш фуқаролик туйғусини тарбиялаш муаммоси кўпгина ватанимиз, МДҲ ва хорижий мамлакатлар олимларининг илмий-тадқиқот ишларининг асосий мавзусини ташкил этган. Уларни бир неча илмий гуруҳларга ажратиш мумкин. Жумладан:

- биринчи гуруҳдаги тадқиқотчи олимлардан И.В. Анисимов, Ю.Р. Вишневский, И.Н. Иванова, И.С. Каган, Э.В. Соколова, П.А. Сорокин, В.Т. Шапко, С.Ш. Шермуҳаммедов, М. Абдуллаев, И. Рустамов, Ҳ. Каримов ва бошқалар маданият, унинг инсоният ҳаётидаги ўрни, моддий ва маънавий бойликлар йиғиндиси сифатида тадқиқ қилганлар ҳамда фуқаролик маданияти, фуқаролик маъсулияти, фуқаролик туйғуси шаклланишининг ижтимоий-фалсафий асосларини ўз ишларида ёритганлар;

- иккинчи гуруҳ олимлари фуқаролик маданиятининг ижтимоий йўналишлари В.Н. Амелина, С. Верт, А. Казакова, Ю.М. Резник, У. Розенбаум, Ф. Эргашеев, А. Алимухаммедов, Б. Холматова, Г.Хамидова кабиларнинг ижтимоий фалсафий тадқиқотларида ўз ечимини топган;

-учинчи гуруҳ вакиллари муаммони ижтимоий-демографик нуқтаи назардан тадқиқ қилиб, бунда ўқувчиларнинг педагогик-психологик хусусиятлари ва уларда фуқаролик туйғуси муаммоларини тадқиқ қилганлар. Бундай олимлар сирасига Ю.Р. Вишневский, И.М. Ильинский, А.В. Петровский, А.И. Крутецкий, М.Г. Давлетшин, Э. Ғозиев, З. Исмоилова, Ҳ. Каримов, И.С. Кон, А.Д. Лазарев, Л.С.Таранина, Қ. Абдуллаев, И. Рустамов, С. Мўминов, А.В. Шаранов ва бошқаларни киритиш мумкин.

Ижтимоий-маънавий ҳаёт тажрибаси ва илғор педагогик назариянинг таъкидлашича, ҳар бир ёшнинг фуқаролик туйғуси ижтимоий воқеликнинг барча омиллари – оила, узлуксиз таълим, давлат ва нодавлат ташкилотлар, ижтимоий институтларнинг тарбиявий ташвиқотлари таъсирида шаклланиб боради. Чунончи, О. Сафаров ва М. Маҳмудов ёзганидек, “Оила инсон учун муқаддас даргоҳ, у инсонларнинг иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий ва маънавий муносабатлари замирида юзага келган. Оила тақдири унинг расмий тус олишидан бошланади. Хотин эр олдида, улар ота-она сифатида фарзандлару қавм-қариндошлар, маҳалла-кўй ҳиссаси, жамият олдида, ўз навбатида, фарзандлар ҳам ўз ота-оналари ва эл-юрти олдида масъулият сезадилар ва бурчли эканликларини ҳис қилиб яшайдилар” [3, 19]. Бу яшаш ва ҳаёт болаларда дастлабки фуқаролик туйғуларининг шаклланишига асос бўлади. Бу эса, ота-онага, қариндош-уруғларга, ўзидан катта бўлган кишиларга ҳурмат кўрсатиш туйғусини, катталарнинг чақириғига “лаббай” деб жавоб қайтаришни назарда тутади. Шу маънода болалар оилада қуйидагилар таъсирида:

-уй тутишни билиш;

-ахлоқ, интизом ва кийиниш одобларини ўрганиш;

-ораслик меъёрларига риоя қилиш;

-уй-рўзғор хўжалигини билиш, уларни асраш;

-меҳмонлар ва катталарга мулозамат кўрсатиш;

-инсон меҳнати ва фаолияти турларини англаш;

-оилада фарзандлик бурчи ва маъсулиятини ҳис қилиш каби дастлабки фуқаролик туйғусининг маълумотларини эгаллайдилар. Шунингдек, ота-оналари, опа-акалари кўмагида ўрганадиган урф-одат ва эшитган мақол, эртак, ривоят, ҳикоят, достонларнинг қарамонлари таъсирида мардлик, жасурлик, инсонийлик, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, адолат тушунчаларининг мазмун-моҳиятини билиб оладилар. Шуни инобатга олиб, болаларга “Ўзбек халқ эртаклари”, “Ўзбек халқ достонлари”, “Қобуснома”, “Ҳикматнома” каби манбалар бўйича китобхонлик тадбирларини ташкил қилиш, Абу Наср Форобий, Ибн Сино, Юсуф хос Хожиб, Алишер Навоий, Муҳаммад Заҳириддин Бобур, Аҳмад Дониш, Садриддин Айний, Абдулла Авлоний, замондош шоирлар, ёзувчиларнинг ҳаёти ва ижод намуналари ҳақида маълумотлар бериш мақсадга мувофиқ бўлиб, уларда фуқаролик туйғуси, фуқаролик ғурури, фуқаролик ифтихори каби фазилатларни тарбиялашга ёрдам беради.

Бугунги боғча, умумий ўрта таълим мактаби, коллеж, академик лицей ва олий таълим ўқув юртлари ўзини англаган, ўз-ўзини бошқара оладиган, ижодкор, ишбилармон, тадбиркор, маънавий ва маърифий жиҳатдан етук инсонларни вояга етказиши, уларнинг иқтидори, фуқаролик ҳис-туйғусини ривожлантиришга бутун ўқув-тарбия жараёнини қаратиш лозим.

Оилада бошланган фуқаролик туйғусини шакллантириш ишлари бошланғич синфларда, яъни кичик мактаб ёшдаги ўқувчилар билан давом эттирмоқ лозим. Айниқса, кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда қизиқувчанлик, ишонувчанлик, тақлидчилик, беғуборликнинг юксак даражада бўлишини инобатга олиб, бошланғич синфларнинг (I-IV) ўқув режасидан ўрин олган “Алифбе”, “Ўқиш”, “Она тили”, “Одобнома”, “Табиатшунослик” ўқув предметларининг мазмунидан ўрин олган мавзулар ёрдамида ўқувчиларда инсонпарварлик, ростгўйлик, ҳалоллик, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик каби фуқаролик туйғусининг мезонларини тарбиялаш мумкин. Жумладан, 1-2-синфларда “Ўқиш китоби”даги “Ўзбекистон” матни, “Ўзбекистон” шеъри, “Ватан”, “Истиқлол” матнлари, 3-синфдаги

“Ўқиш китоби”даги “Ватанни севмоқ”, “Ватан мўътабардир”, “Она юрт – олтин бешик”, “Ўзбекистон давлат герби”, “Байроқ нима?” каби мавзулар, “Одобнома” (1-4-синфлар) курсидаги матнлар, 4-синф “Ўқиш китоби”даги шеър ва матнлар ёрдамида бепоён Ватанимиз сарҳадлари, у ердардаги инсонлар, уларнинг жасурлиги, мардлиги, меҳнатсеварлиги, ишбилармонлиги, тадбиркорлиги, бепоён боғлари, мевазорлар, полиз, пахта, дон майдонларини тасвирловчи маълумот орқали ўқувчиёшларимизда ижтимоий фаолликни меҳнатсеварликни, ватан туйғусини тарбиялаш учун имкон бисёрдир. Шунингдек, юқорида қайд этилган ўқув предметлари машғулотларининг таъсирчанлигини ошириш учун фаолиятнинг қуйидаги илмий-методик йўналишини амалга татбиқ этиш фойдадан холи бўлмайди. Булар:

1. Ҳар бир фан мазмунидаги мавзуни танлашда ўқувчиларнинг қизиқиши, ўзлаштириш даражаси, ёши, ҳаёт тажрибаси каби психологик омилларни ҳисобга олиш.
2. Муаммони мавзулар кесимида узвийлиги, тизимлилиги, ягона мақсадга йўналганлигидан келиб чиқиш.
3. Машғулотнинг таъсирчанлигини ошириш мақсадида маҳаллий маълумотлар, педагогик ва ахборот технологияларидан кенг фойдаланиш.
4. Машғулотда ўқув предметлараро, ўқув бўлимлараро, мавзулараро алоқадорлик, боғлиқликни таъминлашга эътибор қаратиш.
5. Таълим олувчиларни фаолиятга кенг жалб қилиш мақсадида машғулотнинг таълимий, тарбиявий ривожлантирувчи функцияларига эътиборни қаратиш ва ҳк.

Фуқаролик туйғусини ўқувчиларда тарбиялаш – бу ўқувчиларда фуқаролик маданиятининг дастлабки мезонларини шакллантириш демакдир. Жамиятимизнинг ҳозирги тараққиёт босқичининг талабларига кўра фуқаролик маданиятига эга бўлган инсон қандай шахсий фазилатларни ўзида тарбиялаган бўлиши лозим.

Қуйида фуқаролик маданияти шаклланган шахс чизмасини келтирамиз.

1-чизма.



Бошланғич синфларда бошланган ўқувчиларда фуқаролик туйғусини тарбиялаш ишлари ўрта синфлар (V-VIII синфлар)да давом эттирилиб, бу давр (ўсмирлик ёши) ўқувчиларда фаол фуқаролик позициясини, яъни, “шу Ватан, шу ер, шу халқ меники, шу заминдаги ютуқ ва ўзгаришлар ҳам меники, лекин ҳаётимиз, амалга тез кириб келаётган тараққиётимиз йўлидаги тўсиқларни енгиб ўтишда, даставвал мен масъулман, бурчлиман, деган эзгу ниятлар, “интилиш”ни эътиқодга айлантирадиган давр ҳисобланади. Зеро, бу даврда ахлоқий хатти-ҳаракатлар, қизиқишлар, ирода кучлари, фикрлаш қобилияти интенсив ривожланадиган, ўз хатти-ҳаракатларига, маънавий-ахлоқий эътиқодлар, ахлоқий-эстетик ғоялар таркиб топишининг бошланиш даври ҳисобланади. Фанларнинг ўқув предмети сифатида алоҳида-алоҳида ўтилиши, шахсий сифатларнинг шаклланишини таъминловчи “Ватан туйғуси”, “Маънавият асослари”, “Ватан адабиёти”, “Ўзбекистон тарихи” ва ҳ.к. фанларнинг ўқитилиши ўқувчиларнинг фуқаролик позициясининг мустаҳкамланиши учун аниқ маълумотларни тақдим эта олади. Ўсмирлик даврида фуқаролик туйғусини шакллантиришнинг қулайлиги шундаки, бу ёшдагиларда ўзини англашининг таркиб топиши бошланишидан, ўзини шахс сифатида англаш эҳтиёжининг таркиб топиши ҳамда катталик ҳиссининг шаклланиши ва ўз “мен”и фаолиятнинг етакчи омилига айланганлигидир. “Ўзини англашнинг, – деб ёзади психолог Б.А Крутецкий, – дастлабки таркиб топиши ва бундан кейинги тараққиёти ўсмирнинг бутун психик ҳаётига, ўқиш фаолиятининг характерига, теварак-атрофга бўлган муносабатларининг таркиб топишига, унинг бошқа одамларга бўлган муносабатларига таъсир қилиб, чуқур из қолдиради”. Бу ҳол албатта ўсмирда фуқаролик туйғусининг дастлабки компонентларининг шаклланишини таъминлай олади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, дарс машғулотларида бошланган, ўқувчиларда фуқаролик туйғусини шакллантириш ишларини, дарсдан ташқари ишлар жараёнида яъни “Тарбия соатлари”да, “Маънавият соатлари”да, “Дарсдан ташқари ўқув соатлари”да давом эттириш мақсадга эришишни тезлаштиради. Бундай соатларда “Одоб саломдан бошланади”, “Одамийлик – инсон зийнати”, “Ватан остонадан бошланур”, “Ватанни севмоқ иймондандур”, “Менинг Ватан ва халқ олдидаги бурчим”, “Мен ота-онам халқим учун нима қилдим?”, “Ватан ягонадир – Ватан биттадир”, “Жасорат ва мардлик – муддат танламайди”, “Савоб ишни ҳар доим, ҳамма қилмоғи даркор”, “Ҳеч қачон савоб иш унутилмайди” каби мавзуларда суҳбатлар, мунозаралар, савол-жавоб кечалари, анжуманлар ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўқувчи-ёшларда фуқаролик туйғусини тарбиялашни чуқурлаштириш, уларнинг ижодий тафаккурларини ривожлантириш учун қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

-Ватан, ватанпарварлик, Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир деган тушунчаларни мазмун-моҳиятини ўқувчилар онгига етказиш;

-фуқаро, фуқаролик, фуқаролик туйғуси, фуқаролик позицияси тўғрисида ҳар бир ўқувчида аниқ тасаввурлар ҳосил қилиш;

-давлат рамзлари, уларнинг халқ, Ватан, миллат учун аҳамиятлилигини англаб етишга ўргатиш;

-ҳуқуқий-ахлоқий бурчга садоқат, инсоний фазилатларга эга бўлиш, фуқаролик эътиқоди ҳар бир фуқаронинг Ватан, халқ олдидаги бурчи эканлигини ҳар бир ёш қалбига сингдириш;

-мамлакатда содир этилаётган ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий, ислоҳотларни жадал ривожлантириш жараёнига ҳар бир ёшнинг ташаббус билан иштирокини таъминлашга эришиш.

Шундай қилиб, мамлакатда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш шароитида ҳар бир ўқувчи-ёшларда фуқаролик туйғусини тарбиялаш муҳим ижтимоий-педагогик ҳодиса ҳисобланиб, бу, ўз навбатида, ўқувчиларда қонунлар устуворлиги, уларга ҳурмат ҳисси ва заруриятини шакллантириш баробарида, она-юрт, Ватан, халқ, ҳамкасблар, дўстлар ютуғидан ғурурланиш каби юксак туйғуни ривожлантиришга кўмаклашади.

Адабиётлар

1. “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси”. //Т.: Ўзбекистон овози. 2017 й.
2. Ибрагимов Х. ва бошқ. Ватан туйғуси – Т.: Шарқ, 1991.
3. Сафаров О., Маҳмудов М. Оила маънавияти. – Т.: Маънавият, 2009.



Мавжуда НИГМАТОВА
Бухоро давлат университети
мактабгача таълим кафедраси
катта ўқитувчиси

УСТОЗ-ШОГИРД МУНОСАБАТЛАРИДА ҲУСАЙН ВОИЗ КОШИФИЙ ТАЪЛИМОТИНИНГ АҲАМИЯТИ

Мақолада Ҳусайн Воиз Кошифий асарларида устоз-шогирд муносабатлари хусусида фикр юритилган. Ҳусайн Воиз Кошифий Ҳирот мадрасаларида талабаларга таълим-тарбия берган, Хуросон шаҳарларида ахлоқ-одобдан ваъз айтган. Кошифий ўз асарларида ижтимоий-ахлоқий ҳаёт, маънавият масалаларига катта ўрин ажратади. Сиёсат, давлатни бошқариш, шоҳ билан фуқаролар ўртасидаги муносабат, жамоани идора этиш, етук инсонни тарбиялаш муаммолари унинг ижодида катта ўрин эгаллайди.

Таянч тушунчалар: *устоз-шогирд муносабати, таълим, тарбия, маънавий мерос, қадриятлар, мураббий, одоб-ахлоқ.*

В статье размышляются об отношениях «Наставник-ученик» в произведениях Хусайна Воиз Кошифи. Хусайн Воиз Кошифи преподавал в медресах Хирата, в городах Хуросана читал лекции об этике и морали. Кошифи в своих произведениях уделяет большое внимание вопросам духовности в социально-нравственной жизни. Политика, управление государством, отношения между правителем и народом, править общество, проблемы воспитания совершенного человека занимают огромное место в его творчестве.

Опорные понятия: *отношения "Наставник-ученик", образование, воспитание, духовное наследие, ценности, воспитатель, мораль.*

In article are reflected on the relations inworks of Husayn Voiz Koshifi,"Mentor and disciple". Husayn Voiz Koshifi taught disciples in madrassah ofHirat, hegave lectures about ethics and morals in the cities of Hirat. Koshifi gavean important attention tothe questions of spirituality, social and moral life in his works. Policy, government, the relations between the governor and the people whorules the society, the problems of education of wise person take the huge place in his creativity.

Supporting concepts: *relations "Mentor and disciple", education, spiritual heritage, values, tutor, morals.*

Баркамол ёш авлодни тарбиялаш, унинг онги, тафаккурини жаҳон андазалари даражасига кўтаришда халқимизнинг асрлар давомида яратган бой маънавий мероси, умрбоқий қадриятлари, эътиқодий удум-анъаналари ҳал қилувчи аҳамиятга молик. Булар ҳозирги кунда бизни икки жиҳати билан ўзига жалб қилади. Биринчидан, улар бир вақтлар жаҳон цивилизацияси фанининг айрим тармоқларининг пайдо бўлиши ва ривожланишига туртки ва пойдевор бўлган бўлса, ҳозирги мустақиллик шароитида ёш авлодни миллий ғурур руҳида тарбиялашда муҳим маънавий омил ҳисобланади.

Иккинчидан, биз XIX-XX асрнинг суронли алғов-далғовида шўро тузуми шароитида ўзлигимизни унутиб, бутун бир авлод тарбиясида миллий қиёфа, ўзига хос ахлоқ-одобимизни унутиб юборганимиз ҳам бугунги кунда уларни эъзозлаб ўрганишимизни тақозо қилади. Истиқлол йўлидан дадил одимлар билан илгарилаб бораётган республикамизда маънавий-ахлоқий, илмий-ирфоний меросга сидқу садоқат билан қаралаётганлигига бутун жаҳон жамоатчилиги тан бермоқда. Бунинг ифодаси сифатида Имом Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий, Ал-Фарғоний, Бурхониддин Марғиноний, Ал-Мотрудий, Жалолиддин Мангубери, Соҳибқирон Амир Темур, Баҳоуддин Нақшбанд каби улуғ шахсларнинг таваллуд кунларини мамлакатимизда ва жаҳонда кенг нишонланиши, уларга бағишлаб пурвиқор зиёратгоҳларни тиклаш ҳамда уларнинг илмий меросини ўрганиш, асарларини нашр қилишга давлат миқёсида эътибор берилиши миллий меросимизни ўрганишга улкан туртки бўлди. Шунинг учун ҳам эндиликда мамлакатимизда миллий меросни ва унинг ажралмас қисми бўлган педагогик меросни ўрганишга жиддий эътибор берилмоқда. Бунинг исботи сифатида А. Фитрат,

А. Авлоний ҳамда таълим-тарбияни ислоҳ қилишга кўп куч сарфлаган жадидлар меросини ўрганишга бўлган улкан қизиқишлар миллий меросимизни ўрганиш, унинг илғор ғоялари руҳида ёшларимизни тарбиялашга кенг йўл очилиши қувонарли ҳолдир.

Таълим соҳасида олиб борилаётган кенг қамровли ислоҳотлар, айниқса, “Таълим тўғрисида” ги Қонун ва “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”нинг қабул қилиниши билан таълим-тарбия соҳасида муҳим стратегик йўналишлар белгилаб берилди. Ана шу стратегик йўналишлар асосида кадрлар тайёрлаш сифатини янада яхшилаш, касбий жиҳатдан рақобатбардош, маънавий жиҳатдан баркамол, миллий қадрият ва анъаналарга содиқ, ватан туйғуси билан йўғрилган комил инсонни тарбиялаш йўлида бир қанча ишлар қилинмоқда.

Олий ўқув юртларида кадрларни маънавий баркамол, касбий етук қилиб тарбиялашда мураббийлар муҳим роль ўйнайди. Шуни инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги “Устоз-шогирд” мураббийлик тизимини олий таълим муассасаларида шу даврга ча амалиётда бўлиб келган куратор-мураббийликнинг ўрнига жорий этишни таклиф қилмоқда. Шундан келиб чиқиб, халқимиз тарихида “Устоз-шогирд” тизими ўзининг узоқ тарихига эгалигини эътиборга олиб, бизлар мумтоз меросимизнинг йирик намоёндаси Ҳусайн Воиз Кошифий таълимотини, унинг бу борадаги қимматли ғоялари “Устоз-шогирд” тизимини бизнинг кунларимизга мос шаклини ишлаб чиқишга назарий манба вазифасини ўтайди.

Ҳусайн Воиз Кошифий бошланғич маълумотни Сабзаворда олган. У араб, форс, туркий тили, математика, астрономия, кимё, мусиқа, адабиёт, фиқҳдан тўлиқ маълумотга эга бўлган. Ёшлигиданоқ воизлик – сўз санъати билан шуғулланган. Кошифий Сабзаворда тез орада кўзга кўринган воиз – нотиқ бўлиб танилган. Кейинчалик Нишопурда, 1455-1468 йилларда эса Машҳадда яшаб, воизлик қилган. 1468 йилнинг охирларида Абдураҳмон Жомийнинг тавсияси билан Ҳусайн Воиз Кошифий Ҳиротга келади ва қолган умрини Ҳиротда Темурийлар раҳнамолигида ўтказади.

Маълумки, XV асрнинг иккинчи ярмида Темурийлар, хусусан Ҳусайн Бойқаро даврида Ҳирот Шарқнинг маданият маркази эди. Тарихчи олим Саййид Нафисийнинг айтишича, Кошифий умрининг охирида Ҳиндистонга қилган сафари ҳақида ҳам деярли маълумот йўқ. Ҳусайн Воиз Кошифийнинг икки қизи ва бир ўғли бўлиб, ўғли Фаҳриддин Али ас-Сафий ўз даврининг катта шоири, ёзувчиси ва олими ("Рашоҳоти айн ал-ҳаёт" асари билан машҳур) бўлиб етишган. Али ас-Сафийнинг ислом тарихига, пайғамбарлар ҳаётига, адабиётга, Хўжа Аҳрорга, ахлоқда, кимёга бағишланган ўндан ортиқ илмий ва бадиий асарлари бор. Ҳусайн Воиз Кошифий 1505 йилда Ҳиротда вафот этади.

Камолиддин Ҳусайн – алломанинг исм-шарифи, воиз (нотиқ) – лақаби, Кошифий (кашф қилмоқ, яратмоқ) – адабий тахаллусидир. Ҳусайн Воиз Кошифий асарларини ўз даврининг илмий тили – форс тилида ёзган бўлиб, ундан кўпгина илмий, бадиий таржима асарлари ҳам мерос қолган. У фалсафа, ахлоқ, тилшунослик, адабиётшунослик, сиёсат, тарих, кимё, астрономия, математика, мусиқа, воизлик, шеър санъати, дин тарихи, фиқҳ, тиббиёт каби фанларга оид 200 дан ортиқ асар ёзганлиги манбалардан маълум. Кошифийнинг Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик ва Ҳ.Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар институтларида 45 номдаги асарларининг 197 қўлёзма ва 75 тошбосма нусхалари сақланмоқда.

Бундан ташқари, у ўз даврининг кўзга кўринган илоҳиётчи олими бўлиб, ҳадисни, Қуръони Каримни ёддан билган, ҳатто Қуръонга тўрт китобдан иборат шарҳ ҳам ёзган. Кошифийнинг “Ахлоқи Муҳсиний”, “Рисолаи Хотамия”, “Анвори Сухайлий”, “Футувватномаи Султоний”, “Тавсири Ҳусайний”, “Жавоҳирнома” каби ундан ортиқ асари араб, татар, эски ўзбек, ўрду, турк, немис, инглиз, француз ва бошқа тилларга таржима қилинган. Ҳозирги кунда Кошифий асарлари Париж, Лондон, Берлин, Санкт-Петербург, Москва каби шаҳарларда, Ироқ, Туркия, Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон, Бангладеш ва бошқа Шарқ мамлакатларининг кутубхоналарида сақланмоқда. Чет мамлакатларда Кошифий асарларига қизиқиш XVIII-XIX асрлардаёқ кучли бўлиб, Ғарбий Оврўпонинг Х. Г. Кин, М. Дуайт, Д. Д. Дональсон, Э. Браун, А. А. Арберри, Э. С. Кеннеди, Э. Розенталь, Х. Массе, К. С. Ламбтон, Р. Леви, А. М. Шастери каби машҳур олимлари Марказий Осиё ва Эроннинг XIV-XV асрлардаги маданияти тарихини атрофлича ўрганишга ҳаракат қилганлар ва Кошифийнинг ижоди, меросига юқори баҳоо берганлар.

Кошифий ижодини ўз даврининг йирик тарихчиси Хондамир “Хулосат ул-ахбор” асарида: “Ул жаноб нужум илмида ҳам зўр маҳоратга эга эди. Чунончи, унинг таъбирлари Қазо ўқи сингари бехатар бўларди. Унинг балоғатоётлик ҳамда фасоҳатсифатлик китоблари кўп ва беҳисоб бўлиб, уларнинг кўпи олиймақом амир Алишернинг атоқли номи билан зийнатланган. Амир Алишернинг ино-

яти ва илтифоти ул жанобнинг ҳол саҳифасига ҳамма вақт тушиб турарди...” – деб таърифлайди. Алишер Навоий “Мажолис ун-нафоис” асарининг тўртинчи мажлисида: “Мавлоно “Ҳусайн Воиз – “Кошифий” тахаллус қилур, Сабзаворликдур. Йигирма йилга яқин борким, шаҳардадур ва Мавлоно зуфунун ва рангин ва пуркор воқеъ бўлубтур. Он фан бўлғайким, даҳли бўлмагай. Хусусан ваъз, иншо ва нужумки, анинг ҳақидадур ва ҳар қайсида муттаййин ва машҳур ишлари бор...” – деб юксак баҳолаган.

Ҳусайн Воиз Кошифий инсонпарварлик, халқпарварлик, юқори маънавиятга эга бўлиш, маданий юксалиш ғояларини илгари суради. Унинг “Ахлоқи Муҳсиний”, “Рисолаи Ҳотамия”, “Анвори Сухайлий”, “Ахлоқи Карим”, “Жавоҳирнома”, “Луббо ул-маънавий фи-интихоби маснаъвий”, “Искандар ойнаси”, “Тафсири Ҳусайний”, “Футувватномаи Султоний” каби асарлари шулар жумласидандир. Бу асарлардан Хуросон мамлакатида, Ҳиротда ва бошқа шаҳарлардаги мадрасаларда талабалар учун дарслик сифатида фойдаланилган. Мутафаккир бу асарларида ўзининг ҳаётдан олган сабоқлари, тажрибалари асосида халқчиллик, инсонпарварлик, ижтимоий ҳаёт, адолат, ҳалоллик, софдиллик, поклик, тўғрилик, ростгўйлик ҳақидаги фикрларини ўқимишли, қизиқарли ҳикоятлар, ривоятлар ёрдамида баён этади. Бу асарлар Кошифий тили билан айтганда “Ҳикмати амалий” асосида ёзилганлигидан бугунги кунда жуда катта тарбиявий аҳамиятга эгадир.

Унинг «Футувватномаи Султоний ёхуд жавонмардлик тариқати» асари панд-насиҳат тарзида бўлиб, юқори маҳорат ва ахлоқий талабларига мос ёзилган. Унда муаллиф Х асрда қадимий Хуросон, Мовароуннаҳр шаҳарларида кенг ёйилган жавонмардлик ёки футувватчилик ҳаракатининг муайян қоида-талаблари, маънавий-жисмоний ва ахлоқий етуклик асосларини инсонларнинг биргаликдаги яшашлари жараёнида риоя қилишлари лозим бўлган талабларини баён этади. Футувватчилар қаерда бўлмасинлар, нима иш қилмасинлар, мардлик ва олижаноблик намунасини кўрсатар, зулм ва ҳақсизликка қарши курашардилар.

Мазкур тариқат йўли мураккаб ва қийин. Шунинг учун бу йўлни ихтиёр этган ёшлар адашмасликлари, уларни ҳар хил кишилар чалғитмасликлари учун, пир раҳнамолик вазифасини бажаради. Кошифий ёзади: “Билгилким, тариқат йўлининг қароқчилари кўпдир, улар нодон ва калта фаҳмларни ҳийла–найранг доноси билан макру фириб домига тушириш пайидадирлар. Шунинг учун раҳнамо бўла оладиган, пирлик (шайхлик) шарт-шароити ва рукнлари (асослари)ни яхши биладиган одамни пир”, – деб танлаш лозим [5].

Пир мурид (шогирд)нинг тариқат бўйича ҳар турли саволларига, қийинчиликларига жавоб бериши, унинг мушкилотини осонлаштириши керак бўлади. Устоз (пир) ўз сўзида, аҳдига турадиган ва тариқат қоидаларини сақлашда собитқадам, шогирд тарбиясини маромида олиб борадиган инсон бўлиши лозим. Ўз навбатида сахий, шогирдга ҳар томонлама моддий ва маънавий ёрдам бера оладиган, сўзида қатъий турадиган шахс бўлиши керак. Устозлик қиладиган пир пок ва покдоман, ҳаёли – диёнатли, олийҳиммат ва таъмагирлик иллатларидан холи бўлмоғи даркор. Пир мушфиқ – меҳрибон, мурид(шогирд)дан марҳаматини дариғ тутмайдиган, ҳалим, босиқ ва кечиримли бўлиши муҳимдир. Энг муҳими моҳир мураббий бўлиб, “муридни тарбиялай олсин”. Пир “муридга аста-секин, оҳиста таъсир этиб, уни ўз иродасига бўйсундирсин”. Пир ўзининг хушхулқ, одоб-ахлоқи чуқур билими билан мурид қалбига йўл топиб,” токи мурид ҳам унинг ҳозиру ғойибида ҳурматини бирдай сақлайдиган бўлсин”.

“Мурид” сўзининг маъноси истовчи, хоҳловчи деган маъноларни беради, – деб ёзади адиб. Чунончи, “ботинда хоҳиш бўлмаса, зоҳирда ҳеч бир амал кўзга ташланмаган”. Жавонмардлик тариқатига кириш ёки пирга мурид бўлиш шунчаки бир жўн нарса эмас, балки маълум талаб ва сифатларга эга бўлган кишигина мурид бўлиши мумкин. Кошифий ўз асарида муриднинг хислату-сифатларини бирма–бир баён қилади. Ўқувчига ишонарли бўлиши учун унинг фикрларини айнан келтирамиз: “Агар муриднинг нечта сифатлари бўлиши керак, деб сўрасалар, ўнта деб айтгил. Аввал шуки, у балоғат ёшига етган бўлиши керак. Чунки балоғатга етмаган кишини тавбага келтириб бўлмайди ва тавба қилмаган одам муридликка муносиб эмас. Иккинчидан, у оқил одам бўлиши лозим, чунки ақлли бўлмаса, сўзнинг пасту баланди, рамзий –ботиний маъноларини англамайди. Учинчидан, муслим бўлсин, зеро агар мусулмон бўлмаса, тавба келтириши мумкин эмас. Тўртинчидан, талабгор бўлсин, яъни талаб йўлига жиддий жаҳд билан қадам қўймаса, тараққий этмайди. Бешинчидан, садоқатли бўлсин, чунки агар сидқи дилдан киришмаса, пирнинг маърифати кўнгилдан жой олмаган ва агар пирнинг сўзи дилига таъсир этмаса, у мақсадига етолмайди. Олтинчидан, тобеъ бўлсин, яъни пирнинг ихтиёридан бир қадам ҳам чекинмасин. Еттинчидан, баланд идрокли бўлсин, яъни ўткир зеҳн ва зийраклик билан тўғри йўлни топиб олсин. Саккизинчидан, қабул

этувчи бўлсин, яъни пирнинг сўзларини рост деб қабул қилсин ва пирга мақбул тушсин. Тўққизинчидан, қаноатли бўлсин, яъни фақат зарурий эҳтиёжга яраша нарсалар (еб-ичиш, кийиниш) билан қаноатлансин, ортиқчасини талаб қилмасин. Зеро, ортиқча талаблар кишини тариқат йўлидан четлаштиради. Ўнинчидан, солим (бутун) бўлсин, яъни бошқа пирга қўл бермаган бўлсин, бошқа киши билан келишиб, аҳд қилмаган бўлсин, чунки аҳду паймон битта бўлади [5].

Унинг тилга олинган асаридан олий ўқув юртларида "Устоз-шогирд" мураббий муносабатларини йўлга қўйишга дахлдор айрим томонларини ҳозирги даврда шогирднинг вазифаси, масъулият, мажбурияти сифатида мослаштириш мумкин.

-танлаган ихтисослиги бўйича юқори малакали мутахассис бўлиб етишишга;

-маънавий-ахлоқий тарбиясига масъулиятини ошириб, баркамол инсон бўлиб етишиш учун ўз турмуш тарзини шахсан назорат қилишга, дўстлари, ҳамкасблари, жамоа билан хушмуомалали бўлиб ҳар жиҳатдан ўрнак кўрсатишга;

-ўзлаштириш даражаси, давомати ҳамда ихтисослиги бўйича изланишларини мунтазам кенгайтиришга, миллий қадрият ва анъаналарни чуқур ўрганиб, уларни давом эттиришга;

-Ватан, институт, унинг жамоаси ҳамда устози ва ўз шаънини, миллий ғурур ва эътиқод рамзларини кўз қорачиғидай асрашга;

-мустақил таълимга чуқур эътибор бериб танлаган ихтисослигини ҳамда бошқа фанлар бўйича чуқур билим ва кўникмаларни эгаллаб талабалик давридаёқ ишлаб чиқаришда ўз ўрнини топишга;

-талабалар уйи ва институт ички тартиб қоидаларига қатъий амал қилишга ҳамда атрофдагиларни тартибли, интизомли бўлишга ва қонун қоидаларни ҳурмат қилишга чақиришга;

-Ватан, жамият, устоз ва ота-она олдидаги мажбуриятларини тўла-тўкис бажаришга ўргатиб бориш лозим.

Талабалар билан тарбиявий ишлар олиб боришда кўпроқ миллийликка, миллий меросимизга эътиборни қаратиш лозим. Истиқлол туфайли бунинг учун кенг имкониятлар очилди. Ватанимиз келажаги бўлган бўлажак мутахассисларни одобли ва олийжаноб инсон қилиб тарбиялашда миллий меросимизнинг имконияти, унинг кишилармизга яқинлиги, таъсирчанлиги билан характерланади. Тарбияда миллийлик, бу энг аввало, талаба психологияси билан боғлиқ ички кечинмаларни ҳис этиш, ташқи ўзига хос хусусиятлар, таълимда унинг ғурурини поймол қилмай муомала қилиш, шарқона усуллардан кенг фойдаланишни тақозо қилади. Шу асосда таълим тарбияда дунё маданияти хазинасидан муносиб ўрин олган ота-боболаримизнинг олийжаноб мероси асосида ўз миллий тизимимизни тиклаймиз.

Миллий меросда ташқи кўринишга эмас, балки кўпроқ ахлоқ, маънавий дунёсига асосий эътибор берилган. Мамлакатимиз равнақи ва келажаги шу жамиятда яшовчиларнинг ҳам моддий, ҳам маънавий камолотига боғлиқ.

Адабиётлар

1. Ёшлар тарбиясида миллий қадриятлардан фойдаланишнинг айрим масалалари. Мақолалар тўплами. Муҳаррир К. Зарипов. – Бухоро: Муаллиф босмахонаси, 1994. – Б. 87.

2. Зарипов К. Ёшларнинг таълим-тарбиясида ҳадислардан фойдаланиш – Бухоро: Муаллиф босмахонаси, 1994. – Б. 27.

3. Зарипов К. Таълим-тарбияда ҳадислардан фойдаланиш. – Бухоро: Бухоро нашриёти, 1996. – Б. 64.

4. Сухомлинский В. А. Болаларга жоним фидо. – Тошкент, 1991.

5. Ҳусайн Воиз Кошифий. Футувватномаи султоний ёхуд жавонмардлик тариқати. Н. Комилов таржимаси. – Тошкент, 1994. – Б. 112



Владимир КОЗЛОВ
Президент Международной Академии Психологических наук,
доктор психологических наук, профессор
заведующий кафедрой социальной и политической психологии ЯрГУ
им. П.Г.Демидова, Ярославль (Россия)

ВОЗВРАТ К ФРОНЕЗИСУ

Мақолада назарий ва амалий психологиянинг муаммолари, шунингдек, инсоният маданияти эволюциясида психотехниканинг роли очиб берилади. Асосий эътибор психотехниканинг қисмларига, назарий ва амалий психологиянинг умумий тушунчалари муаммоларига қаратилади.

Таянч тушунчалар: *инқироз, классик фан, назария, амалиёт, донолик, фалсафа, психотехника, маданият.*

В статье раскрываются проблемы предмета практической и теоретической психологии, а также роли психотехники в эволюции человеческой культуры. Особое внимание уделяется холонам психотехники и проблеме разработки общего языка прикладной и теоретической психологии

Опорные понятия: *кризис, классическая наука, теория, практика, мудрость, философия, психотехника, культура*

In article is revealed the subject problems of practical and theoretical psychology, as well as the role of psych technics in the evolution of human culture. The particular attention is paid to holons of psych technics and the problem of developing a common language of applied and theoretical psychology.

Supporting concepts: *crisis, classical science, theory, practice, wisdom, philosophy, psyches technics, culture.*

Вопрос о кризисе гуманитарных наук, об их неспособности корректно описывать феномены духовной культуры, психики, сознания обсуждаются в гуманитарных науках неоднократно. Всякий раз этот кризис был связан с тем, что классический научный подход "срезал" специфику гуманитарных явлений, уподобляя их явлением природы, а предполагаемые новые подходы, стремящиеся сохранить эту специфику, оказывались недостаточно научными, в смысле их соответствия критериям классической науки - объективности, рациональности, повторяемости, предсказуемости и т.д.

В последние 150 лет психология выбирала множество тем для теоретического и экспериментального исследования, а в практическом приложении занималась и катарсисом, и адаптацией поведения, и ценностями, и мотивацией, и улучшением когнитивной сфера, нейролингвистическим программированием и сотней других предметов и задач [1, 3, 7, 14]

В этой статье мы предлагаем глобальную перенастройку психологии в предметно-тематическом отношении.

Основателем европейской психологической традицией, как многократно об этом писал М.С. Роговин, является Аристотель [14].

Аристотель проводил различие между теоретическими , практическими и поиётическими ди с-цип-линами: первая связана со знанием (episteme – эпистема), вторая – с практическоиґ мудростью (phro-nesis – фронезис), третья – с искусством или техническим умением (techne – технэ). Целью практи-ческих дисциплин является обеспечение мудрости , разумных деиґствииґ, основанных на приобретен-ной этической компетенции . Психология обошлась двумя категориями для рационального постиже-ния человека – «наука» и «практика» (episteme и techne).

Психология утеряла аристотелевскую категорию фронезис– практической мудрости, которая была третьим членом в ряду понятииґ, описывающих всю сферу человеческих занятииґ в целом в древ - ней Греции.

Обращение к античной философии дает богатый материал в связи с размышлением о мудрости. Так, один из признанных семи греческих мудрецов, Фалес провозглашает «Познай самого себя». Гераклит, развивая этот тезис и поясняя истоки своей учености, отвечает «Я выспросил самого себя». Таким образом, одна из сторон мудрости – это умение поставить вопросы самому себе и давать на них определенные ответы.

Пифагорейцам мало лишь речевой формы ответа, для них важен поступок в соответствии с познанными добродетелями. В результате, высшая мудрость – это согласование мысли, слова и действия. Демокрит утверждает в таком целостном состоянии достижение автономности.

На втором этапе развития античной философии происходит усиление и дальнейшее раскрытие трех ключевых идей: разумности, нравственности и целостности. Сократ обращает внимание на важность самообладания. Последнее – это не только знание самого себя, это управление собой, способность подчинить свои импульсы более существенной цели.

Платон предлагает путь гармонизации устремлений человеческой души – развитие интереса к духовному, прежде всего – к философии. Согласно Аристотелю, мудрость состоит в обладании серединой, уравновешивающей крайние состояния выбора человека.

На третьем этапе античной философии мудрость наполняется новым содержанием, в ней усиливаются такие грани, как независимость, автономность, самодостаточность. В средневековой философии мудрость осмысливается в связи с устремленностью человека к высшему существу – богу, как средоточию всех самых совершенных свойств.

На новом витке возрождения в ряду связанных с мудростью античных категорий появляется понятие свободы (свобода человека). Идея свободы сохраняет свое звучание и в Новое время, но острее встает вопрос о ее границах в связи с существованием человека в обществе. Жизнь человека не может сводиться только к преследованию собственных интересов, она вплетена в систему интересов государства [10,14, 15, 17].

Осмысление человека как автономной творческой единицы, способной самостоятельно выбирать цели, ставит перед мыслителями Нового времени вопрос о том, какова должна быть эта конечная цель. Мудрый поступок не может быть следствием личностного произвола. Спиноза предлагает решением познание необходимости как внешней детерминации действий человека. В эту необходимость включаются совокупность внешних связей, в которые встроен человек и которые задают направление его жизни. Гельвеций определяет в качестве конечного ориентира действий человека – общественное благо.

В немецкой классической философии продолжается осмысление системы человек – мир, которое выходит на более обобщенный и абстрактный уровень. И. Кант формулирует максиму человеческого поведения, главный императив нравственности, где максима индивидуальной воли имеет силу всеобщего закона. Г.Ф. Гегель утверждает человека как проявление и объективацию мирового разума. Мудрый человек, таким образом, действует в высшей степени сознательно, соизмеряя свои силы с неким высшим управляющим принципом.

На новом витке философской мысли отмечаются тенденции к иррациональным трактовкам сущности человеческой жизни. Категории разума, воли, свободы, органичная вязь между которыми в образе мудрого человека, достигающего вершин, подвергаются критике и переоценке. Последствиями этого становятся такие решения вопроса о том, что считать мудрым: занять пассивную отшельническую позицию (А. Шопенгауэр), перестать рассуждать и подчиниться высшей силе (С. Кьеркегор), слушать лишь голос собственных желаний и следовать им, сметая многое на своем пути (Ф. Ницше) [10, 15, 17].

Представители экзистенционализма вновь задаются вопросом о конечности существования человека. Этот вопрос выступает в качестве отправного для мудрого и зрелого отношения к жизни [8].

Вневременное в представлении о мудрости человека – это идея целостности, согласовании познавательной, реагирующей и действующей сторон личности. Такая согласованность достигается в выборе осмысленной цели существования. В зависимости от преобладающего умонастроения эпохи в содержании представлений о мудрости усиливается какой-то из ее компонентов, но решение вопроса о самосовершенствовании для конкретного человека остается делом его сознательного выбора[8, 12].

Многочисленность проектов новых гуманитарных подходов, а также “новой науки”, способной адекватно познавать и природу, и человека, завидное постоянство поисков в этом направлении и отсутствия решающей новой научной парадигмы – все это в совокупности наводит на мысль, что ситуация кризиса связана с наиболее фундаментальными предпосылками и ограничениями классического научного познания мира [10].

Занимаясь изучением традиционных психотехнических культур, мы также сталкиваемся с трудностью их научного описания на языке психологии, лишь иногда усматривая в отдельных аспектах какое-то подобие структуры. Мир психотехники – это мир практического психологического знания,

искусства, мастерства, это традиционные методы саморегуляции, управления психическими и психосоматическими процессами и состояниями сознания. Традиционные – значит существующие в контексте практической, духовной или религиозно-философской традиции. В более широком смысле психотехника может рассматриваться как основа любого психического процесса, поскольку невозможна даже произнести осмысленное предложение без наличия техники порождения речи или совершить моторное действие без сформированных функций управления движениями [5].

Таким образом можно зафиксировать три основных взгляда на психотехнику:

1) как на фундамент любого человеческого опыта;

2) как на традиционную психокультуру вообще;

3) как на традиционную психокультурусаморегуляции и самосовершенствования. Следует также различать психотехнику и психотехнологию. Психотехника в большей степени является искусством, мастерством. Психотехнология же является конкретным методом для конкретной ситуации [7].

В процессе изучения психотехнических культур мы постоянно натыкаемся на границы собственных возможностей выражения, осмысления, понимания. Дальнейшее размышление показывает нам, что эти границы не связаны, по-видимому, лишь со способностями отдельного человека, но более фундаментальны. Они укоренены в общечеловеческих, более того, в онтологических характеристиках сознания и возможностях его описания в существующем научном языке.

Ситуацию, наглядно демонстрирующую это, можно назвать ситуацией зазора между двумя мирами: миром научной психологии и миром психотехники. Известно, как мало психология может помочь в ряде наисущественнейших областей человеческой жизни, сколь велика нужда в элементарной психологической помощи, консультации, психологической культуре отношений. А эта культура закладывается с раннего детства и развивается таинственными путями, которые очень сложно воспроизвести намеренно, и очень трудно получить знание об этих путях, на основе которого можно было бы излечить болезни человеческих отношений, восполнить, скажем, отсутствие любви. Мы также знаем, что многие вещи в человеческом мире не возникают от желания этих вещей: требуются какие-то другие фундаментальные условия для их осуществления.

Вспомним ситуацию, которая уже много столетий очерчивает проблему взаимосвязи научной психологии и практических психологических знаний в европейской культуре. Известно, что Декарт – великий философ и один из основателей европейской науки, европейского рационализма - считал, что такой науки как психология нет и быть не может. Наше знание о душе имеет принципиально вненаучную природу и не может стать предметом теоретического научного мышления. Источником этого знания, по Декарту, является практический опыт, мы набираем его, "вращаясь в свете, путешествуя и т.д. Другой великий мыслитель – Кант, считал, что научная психология либо невозможна, либо неинтересна, бессодержательна. Такая психология способна выражать столь ничтожную часть человеческого опыта, что не имеет никакой практической пользы. Опуская множество менее известных имен, напомню позицию Фрейда, который утверждал, что психоанализу невозможно научиться: настоящий психоаналитик столь же редок, как настоящий художник, ученый, и т.д. И наконец, приведем свидетельство Э. Берна, известного современного психолога, основателя трансакционного анализа. Он писал, что практические психологические знания пятилетнего ребенка намного превышают теоретические познания профессора психологии.

Итак, ничтожество наших научных психологических знаний, с одной стороны, и безбрежная область практической психологии, с другой.

Ситуация зазора между двумя мирами – научной психологии и психотехники – очерчивает необъятную область практических умений которые наука неспособна адекватна описать в своем понятийном аппарате. Научная психология мало что может дать для понимания ряда ключевых практических задач, стоящих перед человеком: самосовершенствования, самоизменения, осмысления мира и своего места в нем. Эта диспропорция принципиальна и связана с основополагающими установлениями классической науки, в том виде как мы ее понимаем сегодня. Дело в том, что эти установления были проведены так, что все наши знания о природе с этих пор имеют цену: незнание о мире души, сознания и самое жуткое – не умение самих психологов решать свои внутриличностные, межличностные, материальные, социальные и духовные проблемы [9].

Ситуация радикального зазора между двумя мирами создана тем, что можно назвать картезианским бумерангом (от латинизированного имени Декарта – Cartesius). Она прослеживается с XYII века, когда Декарт узаконил разрыв между "вещью протяженной" (миром природы) и "вещью мыслящей" (миром разума) и установил, что языки описания этих вещей, или субстанции, не пересекают-

ся. Именно Декарт сконструировал классические понятия субъекта и метода научного познания и наложил запрет на все естественные связи между субъектом и объектом и языками их описания. По Декарту эти языки принципиально взаимонепереводимы и не допускают взаимооднозначного соответствия. Как следствие, в рамках классической науки научные знания о мире природы возможны ценой научного незнания о мире психической жизни. Разделение "протяженного" и "мыслящего" проводит к тому, что целостные феномены человеческой жизни теперь описываются как два ряда параллельных явлений без возможности и формального права говорить об их связи: с одной стороны, физико-химические процессы на языке классической науки, с другой - процессы внутренних переживаний на языке символов и метафор. Разумеется, глубиной основной этой ситуации является более давний, идущий от христианства дуализм тела (плоти) и сознания (духа), который, в свою очередь, имеет еще более глубокие корни. Однако особый, принципиально вненаучный статус психотехника как практическое знание получает начиная с Декарта. Классический рационализм отсекает то, чем мы можем владеть практически, от того, что мы можем знать научно. Это и есть возвратившийся удар картезианского бумеранга, или плата за научное знание мира природы [7].

Каким же образом сознание вносится в основание классической науки, которая, как задумывалось, даст объективную картину мира независимо от индивидуального сознания и присущих каждому человеку установок, ценностей, иллюзий, ограничений? Как уже отмечалось, первый необходимый шаг на этом пути - узаконивание разрыва между субъектом и объектом, дуализмом материи и сознания. При таком подходе каждая субстанция не содержит ничего от другой и никак не связана с ней. Важнейшее следствие из этого - возможность уподобления всего мира гигантскому неодушевленному механизму, совершающему повторяющие движения при равных начальных условиях. Все законы этого механизма известны лишь "небесному геометру" - Богу, который зрит их непосредственно. Но и человеку даны проблески божественного усмотрения, когда он, руководствуясь правильным методом, уподобляет свой интеллект божественному. Таким образом, второй необходимый шаг - постулат абсолютной истины, созерцаемой всеведающим, всеприсутствующим существом. На третьем шаге качество всеприсутствия, всеведения, всемогущества божественного интеллекта проецируются в объективный внешний мир как абсолютность, однородность и непрерывность пространства и времени. Этот перенос, наряду с постулатом о механистичности мира, позволяет совершить следующий шаг – математизацию естествознания и ввести понятия геометрического пространства и линейного времени, исчисляемых количественно в системе трех взаимоортогональных направлений декартовых координат и оси времени. Таким образом, атрибуты абсолютного субъекта постепенно и незаметно становятся свойствами внешнего мира и необходимыми предпосылками его познания. “Абсолютное время”, “абсолютное пространство”, “абсолютная истина”, “непрерывность”, “однородность”, “геометрическое пространство”, “линейное время”, “количество”, “мир как механизм” – уберите эти постулаты, и классическая наука распадается одномоментно.

Вся совокупность этих постулатов удерживается вместе в методе научного познания. Следовать такому методу, начиная с Декартовых "Правил для руководства ума" и "Рассуждения о методе, чтобы верно направлять свой разум и отыскивать истину в науках", означало освободиться от ошибок, заслоняющих "естественный свет" божественного интеллекта. Научению методу неотъединимо от практического освоения всех предпосылок и идеализаций познания, вхождения в действующую научную парадигму. Метод дает человеку органы познания, не данные ему от природы, и - как это ярко выразил М.К.Мамардашвили - переводящие его в космическое, божественное измерение. Но этим методом уже невозможно познавать жизнь и сознание, не уподобив их прежде механическому объекту перед взглядом божественного ока [15]. В этом смысле классическая наука способна познавать только мертвое, и научная картезианская психология по необходимости имеет дело лишь с тенью человека, пытаясь разгадать жизнь души по механическому подергиванию гальванизируемого трупа. Здесь коренится тот грандиозный искус иллюзорного знания, которому подвергалась и подвергается бихевиористская, когнитивная и прочие позитивистские психологии, когда знания о тени переносятся на живого человека. Так возникают мифы: человек - это машина, это - социальное животное, это - компьютер, это - социобиосущество и т.д.[13]

Однако вновь и вновь гуманистическая, экзистенциально-феноменологическая и трансперсональная психология, наряду с другими гуманитарными науками, ищет неклассические пути познания человека, способы постижения живого и сознательного, несводящие их к механическому.Для того чтобы лучше представить перспективы и суть этих поисков рассмотрим несколько модернизированную типологию знания, первоначально предложенную А.И. Неклесса. Руководствуясь

формальными критериями, мы можем различать знание по способу представления как рациональное и иррациональное, по степени отчетливости как явное и неявное, по характеру функционирования как отчуждаемое и неотчуждаемое. Таким образом, согласно этой типологии возможно восемь базисных типов знания. Например, классическая наука является рациональным, явным и отчуждаемым знанием и процедуры ее первоустановления создают субъект, объект и метод получения но такого знания. Остальные семь типов знания классической наукой не конструируются, не охватываются и отвергаются как ненаучные. Однако они - тоже знания! Скажем, любой человек ся носителем знания, которое принципиально неотделимо, неотчуждаемо от его деятельности. Ни он сам, ни кто-либо другой не в состоянии полностью объективировать, отделить и прояснить, пример, его актерское мастерство или педагогический талант. Человек может и не знать, что он знает нечто, пока это знание не актуализируется в какой-либо ситуации, допустим, в результате са. То есть человек знает нечто, но неявно. Это характерный парадокс дуалистически ного знания: мы познаем то, что уже каким-то образом знаем, как в случае припоминания неземного опыта у Платона или механизма психологической защиты в психоанализе, где для невосприниманияя травмирующих переживаний необходимо уже как-то опознавать их как таковые, воспринимать до восприятия.

Сўнгги йилларда педагог шахсига қўйиладиган талаблар унинг касб малакаси, касбий маҳорати, касбий тайёргарлиги, ўз касбининг барча жиҳатларини ҳар томонлама тўлиқ ва пухта эгаллаган устасига хос сифатлари даражасини ошириб боришни тақозо этади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, касб малакаси, касбий маҳорат, касбий тайёргарлик даражаси, касб устаси каби тушунчаларнинг ҳар бирига психологик таъриф ва изоҳ келтирилган. Шу билан бирга, мазкур тушунчаларнинг мазмун-моҳияти бир-бирига жуда яқин ва умумий ўзакка эга эканлигини ҳисобга олган ҳолда уларни умумлаштириб ифодаловчи тушунча сифатида профессионализм деб номлаш мақсадга мувофиқ эканлиги жуда кўп муаллифлар томонидан эътироф этилади. Педагогика учун фундаментал характерга эга бўлган педагогнинг амалий фаолияти, авваламбор, психик акс эттириш орқали тақозо этилган ҳаёт бирлиги бўлиб, унинг ҳаққоний функцияси шундаки, у субъектни предметли дунёда йўналтиради. Бошқача қилиб айтганда, фаолият – бу реакция эмас, балки қурилиш, ўз ички ўтишлари ва айланишлари, ўз ривожланишига эга тизимдир.

К.К. Платонов таърифида фаолиятнинг асосий белгилари англанганлиги ва мақсадга йўналганлигидир. Г.В.Суходольский нуқтаи назаридан фаолиятнинг асосий тушунчавий аппарати ўз ичига қуйидагиларни олади:

- “фаолият субъектини”;
- “фаолият морфологиясини”;
-“фаолият мотивацияси ва функциясини;
- “фаолият динамикасини”;
- “фаолиятлар хилма-хиллиги”.

Муаллиф фикрича, умумпсихологик категория сифатида фаолият иерархик даражага эга. У ўз ичига типларни, синфларни, синфости тузилмаларини, соҳаларни (шуғулланиш тури), ихтисосликларни, предметни (ихтисослашув) қамраб олади. Айтилганлардан келиб чиқадики, педагог касбий фаолияти – меҳнат фаолияти синфи бўлиб, мақсадлар йиғиндисига эришиш учун мўлжалланган ҳамда маълум хусусиятларига эгадир.

Кейинги тадқиқотлар мантиқи “касбий фаолият”, “касб”, “ихтисослик” тушунчаларининг ўзаро алоқадорлигини кўриб чиқишни талаб этади, уларнинг берилиши турли муаллифлар томонидан турлича талқин этилган.

К.К. Платонов касбни яшаш манбаи бўлган ва мос ўқув юртларидаги таълим билан таъминланувчи, маълум билимлар, кўникма ҳамда малакалар мавжудлигини талаб қилувчи меҳнат фаолияти сифатида аниқлайди. Бу таърифга Ю.В. Котелова томонидан берилган таъриф яқинроқ бўлиб, унга кўра касб – бу фаолиятнинг типик, тарихан шаклланган шаклидир, у ижтимоий маънода зарур, уни бажариш учун касб эгаси маълум билимлар, кўникма ва малакалар йиғиндисига, шунингдек, мос қобилиятлар ва шахслилик хусусиятларига эга бўлиши зарур. “Касбий тайёргарлик” тушунчаси мазмунини қараб чиқиб, Т.П. Водолазская ва Г.С. Никифоров шуни таъкидлайдики, ихтисослик фаолият предмети орқали очилади. У истаганча тор ёки кенг бўлиши мумкин. Лекин ҳар қандай ҳолатда – бу мос илмий предмет орқали акс этувчи объектив реалликнинг бирмунча бўлимлари ҳақидаги билимлар йиғиндисидир. Касб – объектив зарур, мақсад орқали аниқланган, реалликнинг мазкур бўлими билан боғланган фаолиятнинг алоҳида туридир. Мазкур таърифларга таянган ҳолда муаллифлар шундай хулосага келадиларки, бир ихтисослик доирасида реал тарзда ҳар бири ўз мақсадига жавоб берувчи мустақил касблар мавжуд.

Г.М. Богословский тадқиқотларида таъкидланишича, “конкрет инсон нуқтаи назаридан касб – бу шундай фаолиятки, унинг ёрдамида мазкур шахс жамият ҳаётида иштирок этади ҳамда у яшашнинг моддий воситалари асосий манбаидир. Е.А. Климов томонидан очиб берилувчи “касб” тушунчаси янада тўлароқ характерга эга. Касб бу:

- шундай соҳаки, унда инсон меҳнат субъекти сифатида ўз функцияларини амалга оширади;
- маълум турдаги меҳнат вазифаларини амалга оширувчи кишилар жамоаси;
- инсонга хос тайёргарлик (билимлар, кўникмалар, малакалар), улар туфайли инсон маълум турдаги меҳнат функцияларини бажариш имкониятига эга бўлади;
- фаолият, профессионал иши, яъни меҳнат ва касбий бажариладиган функцияларни амалга ошириш жараёнининг ўзи.

Педагог касбий фаолияти, машғулотлар тури каби, педагогика соҳасига тааллуқли бўлиб, бир нечта соҳалар (ихтисосликларни) ва фаолиятнинг турли-туман предметлари – ихтисослашувни ўз ичига олади. Педагог касбий фаолияти таҳлили профессионализм категориясини қўллашни тақозо этади. А.К. Маркова профессионализм талқинининг бир нечта жабҳаларини кўрсатиб ўтади. Биринчиси – бу “норматив профессионализм” бўлиб, меҳнатни муваффақиятли бажариш учун зарур бўлган инсондаги шахслилик хусусиятлари йиғиндиси сифатида қаралади. Бошқа маънода профессионализм тушунча сифатида психик сифатлар зарурий норматив тўпламига эга бўлган меҳнат субъекти характери стикасини акс эттиради. Ва ниҳоят, профессионализм меҳнат субъекти юқори баҳога лойиқ бўлгандаги норматив функцияларини бажариш сифати тушунилади [4, 128]. А.К. Маркова шахс профессионализмининг икки томони ва еттита мезон гуруҳлари, ўзига хос босқичлари ва поғоналарини, шунингдек, ички ўзаро алоқадорлиги касбий фаолиятнинг объектив жараёнлари сифатида шартланган бешта профессионализм даражасини ажратиб кўрсатади. Бу даражалар қуйидагилар:

- профессионализмгача бўлган даража;
- профессионализм;
- суперпрофессионализм;
- профессионал бўлмаган ёки қалбаки профессионализм;
- профессионализмдан кейинги даража.

Педагог фаолияти таҳлилига нисбатан олиб қараганда шунга асос борки, биринчи даражада касбий танлаш ва ўқитиш шаклланади – мутахассисликни ва педагог малакасини эгаллаш жараёни

амалга оширилади, иккинчи босқичда касбий-шахслилик фаоллик билан мотивлаштирилган педагог фаолиятига профессионалнинг мослашуви юз беради, у касбнинг конкрет предметига эга бўлади ва касбий-шахслилик жиҳатидан ўзини-ўзи долзарблаштиришга интилади. Профессионализмнинг кейинги даражаларида педагог фаолиятнинг индивидуал маромига эга бўлади ва ижтимоий касбий жиҳатдан тан олинади, шахснинг ўзини ўзи долзарблаштиришга, касбий "акме"га эришишга интилишига мос келади. Ўз касбий салоҳиятини очган педагог, ҳаттоки нафақа ёшига етганда ҳам профессионализмдан кейинги босқичдаги фаолиятнинг турли кўринишларида тўпланган ажойиб касбий, шахслилик салоҳиятини амалга оширишга имконият топади (консультация, консилиумларда иштирок этиш, ўқитувчилик фаолияти ва ҳк.).

Касбий фаолиятга мослашувнинг индивидуал шаклларини таҳлил этиш кенглиги ва педагог непрофессионализми феномени психологик жабҳаси касбий дезадаптация, шахсдаги деформация ёки "ёниш", шунингдек, узлуксиз касбий таълим жараёнидаги маълум нуқсонлар, касбий тажрибанинг етишмовчилиги сифатида қараш мумкин.

Е.А. Климов тадқиқотларида инсон тараққиёти ёш даврлари ва унинг профессионализация жараёнининг ўзаро алоқадорлиги асосланган, "оптант", "адепт", "адаптанта", "интернал", "уста", "об рў", "мураббий" тушунчаларини ҳам киритади.

Бевосита профессионализм категорияси билан психик сифатлар йиғиндиси, мустақил ва масъулият билан ҳаракат қилиш имкониятини берувчи психик ҳолат, инсон томонидан маълум меҳнат функцияларини бажариш малакасига эга бўлиш" сифатида таърифланувчи профессионал компетентлик тушунчаси боғлиқ. Бир қатор муаллифлар фикрига кўра, профессионал компетентлик мустақил ва масъулият билан ҳаракат қилиш имкониятини берадиган психик ҳолат, маълум бир меҳнат вазифаларини бажаришдаги инсоннинг қобилияти ва малакалари сифатида қаралади. "Компетенция" ва "компетентлик" тушунчаларини таърифлаган ҳолда И.А. Зимняя компетентликни билимларга асосланган, интеллектуал ва шахслилик орқали шартланган ижтимоий-профессионал ҳаёт фаолияти сифатида талқин этади. Педагог компетентлигига келсак, компетентликнинг умумий феноменологияси ва унинг турлари ҳақида жуда кўп манбалар мавжуд. Таъкидлаш жоизки, мазкур тадқиқотларда "педагогнинг профессионал компетентлилиги", "психологик компетентлилик", "педагогик компетентлилик", "ижтимоий-педагогик компетентлик каби тушунчаларнинг мазмунан ўхшаш эканлиги эътироф этилади. Педагогнинг профессионал компетентлиги маълумотга эга бўлиш, педагогик малакалар, педагогик ижод, ўқув-тарбиявий вазифаларни маҳсулдорлик билан ечиш имконини берадиган шахс хусусияти сифатида таърифланса, унинг психологик компетентлиги психология бўйича билим, кўникма ва малакалар йиғиндиси, педагог касбий фаолиятида психологиянинг роли ҳақида аниқ позицияга эга бўлиш, педагогик ўзаро таъсир субъектларига нисбатан психологик вазиятни баҳолай олиш, йўналиш танлай билим қобилияти тушунилади.

Шундай қилиб, педагог профессионал компетентлигини педагогик вазифаларни бажаришга тайёрлик ва қобилият орқали ифодаланадиган шахснинг интеграл характеристикаси сифатида қараш мумкин. Профессионал фаолият инсоннинг етуклик даврида етакчи фаолият тури ҳисобланади, лекин профессионал компетентликка эга бўлиш жараёни болаликдан бошланади. Психологик-педагогик тадқиқотларда профессионал компетентлик шаклланиш жараёни ҳақида яхлит ва мувофиклаштирилган тасаввурларнинг мавжуд эмаслигига қарамай, касбий шаклланишнинг ҳар бир босқичида профессионал компетентликка эришиш педагог фаолияти муваффақиятининг гарови сифатида баҳоланади.

Адабиётлар

1. Бельская Е. Г. Основы психологического консультирования и психотерапии. Учебное пособие. – Обнинск: ИАТЭ, 1998. – 80 с.
2. Капустин С. А. Границы возможностей психологического консультирования// Вопросы психологии. – 1993. – №5. – С.50-56.
3. Климов Е.А. Развивающийся человек в мире профессий. – Обнинск: РУСЬ, 1993. – 342 с.
4. Маркова А.К. Психология профессионализма. – М.: Дрофа, 1996. – 298 с.
5. Ғозиев Э.Ғ. Психология методологияси. – Т. 2013.



Нозима ВАЛИЕВА
Ўзбекистон Миллий университети магистранти

ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ БОЛАЛАР РУҲИЯТИГА ТАЪСИРИ

Мақолада оммавий ахборот воситалари орқали тарқалаётган ахборотларнинг болалар руҳиятига таъсир кўрсатиши муаммолари муҳокама қилинган. Бугунги кунда информацион ахборотлар кўламининг кенглиги ва турли туманлиги инсон руҳиятига кўрсатадиган таъсири ҳар доим ҳам ижобий бўлавермаслиги таъкидланган. Болаларни турли зарарли ахборотлардан ҳимоялашда таълим-тарбия масалаларига алоҳида эътибор қаратиш, уларда мустақил фикрлашни шакллантириш зарурлиги кўрсатиб ўтилган.

***Таянч тушунчалар**: оммавий ахборот воситалари, информацион таҳдид, реклама, болалар, психология, шахс, ижтимоий реклама, таъсир кўрсатиш.*

В статье обсуждены проблемы воздействия информаций, передаваемых средствами массовой информации на психику детей. Отмечается, что на сегодняшний день широкий объем и разнообразность информационных сообщений не всегда оказывают на психику человека положительное влияние. Показано, что при защите детей от различных вредоносных информаций особое место нужно уделять вопросам обучения и воспитания, формированию у них самостоятельного мышления.

***Опорные понятия**: средства массовой информации, информационная угроза, реклама, дети, психология, личность, социальная реклама, воздействие.*

In article is discussed the impact of information transmitted on the children's psyche by media. It is noted that nowadays, the wide volume and variety of information messages does not always have a positive impact on human psyche. It is shown that protecting children from different harmful informationshould be given a special place to the issues of education and upbringing to form their independent thinking.

***Supporting concepts:** mass media, information threat, advertisement, children, psychology, personality, social advertising, impact.*

Мустақиллигимизнинг илк кунлариданоқ жисмонан соғлом ва маънан етук баркамол авлодни тарбиялаш устувор вазифа этиб белгиланган ижтимоий йўналтирилган давлат сиёсатининг мантиқий давоми бўлди. Она ва бола, Ёшлар, Баркамол авлод, Оила ва бошқа номлар билан аталган йилларда амалга оширилган ишлар халқимизнинг эзгу орзуси бўлган соғлом бола тарбиялашдек олийжаноб мақсадга ҳамоҳангдир. Ҳеч шубҳасиз, фарзандларини соғлом ва ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялаш, уларнинг бахт-саодати, ёруғ келажагини кўриш ҳар бир ота-онанинг ниятидир. Ўтган даврда кенг миқёсли ва теран мазмунли улкан ишлар, мамлакатимиз ва жамиятимиз тараққиёти учун учун ғоят муҳим аҳамият касб этувчи вазифаларни бажаришга йўналтирилган қатор умуммиллий дастурлар фарзандлар ва халқимиз бахти учун, келажагимиз учун қилинаётган эзгу ишлар изчиллик билан давом этиб, тобора кенгайиб бораётгани, юксак самаралар бераётгани қувонарлидир.

Бизга маълумки, сезги органлари орқали қабул қилинган ахборот миямиздаги тафаккур жараёнида таҳлил қилинади, бўлакларга бўлинади, аввалги мавжуд ахборот билан таққосланади ва сўнгра хулоса чиқарилиб фикр билдирилади. Мана шу яратилган шахсий фикр мустақил фикрлашни ўргатади, дунёқарашни кенгайтиради, сўз бойлигини оширади. Ватанга, ота-онага, ўз яқинларига, дўстларига бўлган ижобий сифатларни шакллантиради. Тарихимизни билишга, ўзлигимизни англашга имкониятлар яратади. Лекин афсуски, айрим ахборотлар бизнинг руҳиятимизга, тинч ҳаётимизга раҳна солмоқда. Биз буларни “Информацион таҳдидлар” деб атаймиз. Айниқса, бугунги кунда бизнинг Мустақил Ўзбекистонимиз дунё билан бўйлашган, ҳар соҳада ўз ютуқларига эришган бир пайтда бундай таҳдидлар сони кўпайиб бормоқда. Информацион таҳдидлар таъсирига тушиб қолиш ёки виртуал макондан нотўғри файдаланиш, асосан, ёшлар ўртасида кўпроқ кузатилади. Бунинг сабаблари бор, албатта. Инсон мияси ўзига тегишли бўлган ва тегишли бўлмаган ҳар қандай информа-

цияни бир хилда қабул қилади ва муносабат билдиради, шу билан бирга хотирада сақлаб қолади. Фойдаланиш керак бўлганда эса мия ўзини зўриқтиришни ҳоҳламайди. Шунинг учун ҳам илмий ахборот ўрнини ҳаётий тушунчалар, турли миш-мишлар, интернет ўйинлари эгаллайди. Чунки бизга психология фанидан маълумки, илмий ахборотни тушуниш, таҳлил қилиш учун инсонда илмий билимлар йиғиндиси етарли бўлиши керак. Шу билан бирга, ирода мустаҳкам бўлиши муҳим ҳисобланади. Ҳозирги пайтда ўсмир ва ўспирин ёшдаги болалар ўртасида маънавий сифатларнинг нотўғри шаклланишида оила аталмиш муқаддас даргоҳда бошқариш тизимининг бузилганлигини кўришимиз мумкин. Шахс етук даражада жамият тўғрисида, ривожланиш ҳақидаги фикрлар шаклланмагунга қадар унинг таълим-тарбиясига ота ва она жавобгар хисобланади. Шу борада ахборот маълумотларини қабул қилишда қуйидаги тавсияларни беришимиз мумкин. Айниқса, 14-18 ёш даврида фарзандингизга алоҳида эътибор талаб этилади. Энди унга катта одамларга нисбатан қандай муносабатда бўлсангиз шундай муносабатда бўлишингизни хоҳлайди. Унда мустақил фикр ва "Мен" образи шакллана бошлайди. Шу жараёнда, унга нисбатан тўғри ижобий муносабатда бўлишингиз унинг ўзига бўлган ишончини оширади ва сиз билан бевосита дўстона муносабат ўрнатади. Чунки инсон психологияси шуниси билан қизиқ-ки, у ўзини тинглаган, қўллаб қувватлаган инсонларни қадрлайди. Энди сизнинг фарзандингизга бошқа муҳитнинг, гуруҳнинг кераги йўқ. Шу ўринда оилада илмий давра суҳбатлари ташкил этилиши, бу суҳбатлар жараёнида кириб келаётган ахборотлар ҳақида ўз фикрларингизни билдириш мақсадга мувофиқ бўлади. Шу билан бирга, компьютердан, интернетдан фойдаланишнинг муқобил вариантини танлаш керак бўлади.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда информацион ахборотлар кўламининг кенглиги ва турли туманлиги инсон руҳиятига ўз таъсирини кўрсатади. Бундай ҳолатнинг олдини олиш учун шахс таълим-тарбиясига, унинг кун тартибига ва фаолият кўрсатадиган гуруҳларига қатъий эътибор бериш керак. Мустақил фикрини шакллантириш учун имкониятлар яратиш зарур.

Бугун бутун дунёда реклама ҳар бир хонадон, ҳар бир инсоннинг ажралмас бир қисмига айланган. Маълумки, сублимациялаштирилган реклама, масалан сигареталар рекламаси одамларда мазкур одатни мустаҳкамланишига олиб келади, деб бирдек айта олмаймиз. Агар инсон чекишнинг зарарини англаб етса, чекишни ташлашга қарор қилса реклама унинг муносабатини ҳеч қандай йўл билан ҳам ўзгартира олмайди. Бироқ бошқа бир томондан инсон ёш бўлса ва энди чекишни бошламоқчи бўлиб турган бўлса ҳамда чекиш тўғрисида унда қатъий шаклланган фикр бўлмаса, реклама унга кучли таъ-сир кўрсатиши мумкин. Ёки инсон илгари ашаддий чекувчи бўлган бўлса, лекин бу одатни ўзида бос-тирган бўлса, реклама уни яна чекишни қайтадан бошлашига ишонтириши мумкин.

Реклама аниқ ифодаланган лаёқатга эга бўлмаган одамларга таъсир кўрсатиши мумкин. Масалан: агар сиз спиртли ичимликларни яхши кўрмасангиз, хаттоки кучли рекламалар оқими ҳам сизни спиртли ичимлик истеъмол қилишга ва унинг кетидан югуришга мажбр қила олмайди. Бироқ сиз спиртли ичимликни ёқтирсангиз, бироқ унинг навлари фарқига бормасангиз, унда реклама сизга у ёки бу навини танлашингизга мажбур қилади.

Ижтимоий рекламаларга келсак, бундай рекламалар ҳаттоки қаҳри қаттиқ инсонларда ҳам кўз ёшланишига олиб келади. Ижтимоий реклама фақат бизнинг онгимиз ва ҳис-туйғуларимизга таъсир кўрсатади, агар тижорат рекламалари даромад манбаи ҳисобланса, ижтимоий рекламалар даромад учун эмас, аксинча, ҳеч қандай моддиятни кўзламаган ҳолда яратилади. Баъзи мутахассислар ижтимоий рекламани антиреклама деб ҳам атайдилар. Чунки бундай реклама роликларида сигарета ва спиртли ичимларни харид қилиш натижасида чекишнинг зарари, алкоголизмнинг салбий оқибатлари кўрсатилади. Бундай роликларни кўргандан кейин, инсонда ижтимоий рекламаларда тилга олинган маҳсулотларга нисбатан нафрат уйғонади. Реклама болалар руҳиятига алоҳида таъсир кўрсатади. Экрандаги ёркин образлар, мусиқанинг қўлланилиши болалар хотирасида қолади ва уларни экранга жалб қилади. Олимларнинг исботлашича, тез-тез такрорланадиган ёркин манзаралар ва иборалар болаларда руҳий бузилишларнинг юзага келишига олиб келиши мумкин. Биз биламизки, психика мактабгача ёшдаги ва кичик мактаб ёш даврларида шаклланади, айнан шу даврда инсон ҳамма нарсани жиддийроқ қабул қилади, шунинг учун унга ниманидир сингдириш унчалик қийин эмас. Худди ана шундан реклама ишлаб чиқарувчилар фойдаланадилар. Болалар доим телевизорда кўрсатилган нарсаларга ишонадилар ва рекламалар кўрсатилгандан кейин ота-оналар ҳамёнларини ковлашга мажбур бўладилар. Жуда кўп ота-оналар телевизорда қандайдир реклама ролики кетаётганида фарзандлари телевизорга "михланиб" қолаганини сезадилар. Бундай пайтда ҳаттоки мультфильмлар ҳам уларни чалғита олмайди. Болалар ўзларига тегишли рекламаларни ёркин суратлар ва таниш

мусиқа товушлари орқали яхши танийдилар. Ўғил ва қиз болалар рекламадаги алоҳида гапларни такрорлайдилар, мусиқа ёки қўшиқларини айтадилар. Шунингдек, жуда кўп реклама роликлари қизиқарли ва кўпинча мультфильмларга ўхшаб кетади: улар кўпинча сюжетли қисқа ҳикоялар бўлиб, уларни сериялаб диққатни жалб этиш учун бир неча эпизодларда кўрсатадилар. Реклама қаҳрамонлари худди фильмлар ва мультфильмлар қаҳрамонлари каби симпатия ва антипатия чақиради, болалар бу қаҳрамонларда кўпинча ўзларини кўрадилар (шўрва ичишни истамаган, онасидан шарбат сўраган қизча). Болаликдаги таассуротлар – энг кучли таассуротлардир. Жажжи болакай ўз табиатига кўра стереотипларни идрок қилишга йўналган. Бироқ реклама тақлид қилиш учун ахлоқий маънода мутлақо мумкин бўлмаган хулқ-атвор намуналарини беради – унинг қаҳрамонлари худбин, агрессив бўлади.

Рекламаларнинг болаларга салбий таъсири ҳақида гап кетганда, мутахассислар видеокадрларнинг тез ўрин алмашиши, тасвир масштаби ва товуш кучининг ўзгариши, стоп-кадрлар ва аудиовизуал махсус эффектлар бола асаб тизимига жароҳат етказиши, айниқса, илк болалик давридаги болаларда юқори даражадаги қўзғалувчанликни келтириб чиқаришини таъкидлайдилар.

Хулоса қилиб айтганда, рекламаларнинг болалар руҳиятига таъсири психологияда етарлича ўрганилмаган. Бинобарин, болалар учун яратилаётган рекламалар бугунги кунда жуда кўпайиб бормоқда ва улар жуда хилма-хил. Шунинг учун ўйлаймизки, бугунги ўзгарувчан дунёда рекламалар, айниқса, телерекламалар ва бугунги кунда долзарб аҳамиятга эга бўлган ижтимоий рекламалар болаларда қай тарзда “ишлаяпти” ва қандай натижа бермоқда – бу масалаларни ҳал этиш кейинги тадқиқотлар мавзусидир.

Адабиётлар

1. Авдеева Н.Н., Фоминых Н.А. Психологическое воздействие телерекламы на детей // Психологическая наука и образование. – М., 2004. – № 4
2. Джайнотт Х.Д. Родители и дети. – М., 2006.
3. Мокшенцев Р.И. Психология рекламы. – М., 2000.
4. Смолян Г.А., Зараковский Г.М., Розин В.М. Информационно-психологическая безопасность. – М., 2007.



Дильфуза ИЛЬХАМОВА
Доцент Национального университета
Узбекистана им. М.Улугбека,
кандидат психологических наук

ПСИХОСОЦИАЛЬНЫЕ ДЕТЕРМИНАНТЫ, ВЛИЯЮЩИЕ НА РАЗВИТИЕ И ТЕЧЕНИЕ ХРОНИЧЕСКИХ СОМАТИЧЕСКИХ ЗАБОЛЕВАНИЙ У ДЕТЕЙ И ПОДРОСТКОВ

Мақолада психосоциал детерминантларнинг таъсири муаммолари, жумладан, оилавий вазиятларнинг болалар ва ўсмирларда сурункали соматик касалликларнинг содир бўлиши ва ривожланишига таъсири муҳокама қилинади. Турли ёш даврларида сурункали соматик касалликлар билан касалланган беморларда асосий эътибор уларнинг оилавий шароитлари ва ота-оналар, қариндошлар билан боғлиқ муаммоларга қаратилиши лозимлиги қайд этилади. Мазкур нозологик касалликка чалинган болалар учун муаммоли сабаб бўлгани учун уни ота-оналар билан низо, ака-ука ва опа-сингиллар ўртасидаги қониқарсиз муносабатлар билан боғлайдилар. Касал болалар мавжуд оилаларда оиладаги шахслараро муносабатларни тадқиқ этишга ёндашувларни аниқлаштириб, уларнинг оптимал ечими сифатида ота-онанинг болага муносабати турли мураккаб омиллар қаторида таъсири кўзланади: ота-оналарнинг болаларга муносабат усули, уларга нисбатан ота-оналарнинг позицияси (ўрни) ва установкаси.

Таянч тушунчалар: *болалар, сурункали соматик касалликлар, психосоматика, ижтимоий-психологик омиллар, оилавий ўзаро муносабатлар, ота-оналар муносабат типи.*

В статье обсуждаются проблемы влияния психосоциальных детерминант, в частности, семейной ситуации на развитие и течение хронических соматических заболеваний у детей и подростков. Отмечается, что при любом возрастном периоде у больных с хроническими соматическими заболеваниями особое внимание должно быть уделено семейной ситуации, взаимоотношению родителей и других родственников, поскольку проблемные причины для больных детей этой нозологии коррелируют с родительскими конфликтами, неудовлетворительными отношениями с братьями и сестрами. Определяя подходы к исследованию межличностных отношений в семье, имеющей больного ребенка, предполагается, что их оптимальное развитие определяется сложным взаимодействием многих факторов, в числе которых одним из важнейших являются особенности родительского отношения к ребенку: стиль отношений родителей к детям, их позиции и установки по отношению к ним.

Опорные понятия: *дети, хронические соматические заболевания, психосоматика, социально-психологические факторы, семейные взаимоотношения, тип родительского отношения.*

In article is discussed the problems of influence of the psychosocial determinant in particular of family situation on the development in course of chronic somatic diseases among children and adolescents. It is noted that the patients with chronic physical illnesses at any age period should be paid a special attention to the family situation, the relationship of parents and other relatives, because the problem causes for sick children of this nosology correlate with parental conflicts, unsatisfactory relationships between brothers and sisters. Defining approaches to the study of interpersonal relationships in a family with a sick child, it is assumed that their optimal development is determined by the complex interaction of many factors, such as the most important features are the parent attitudes toward the child: the style of parental relationship to children and also, their positions and attitudes to them.

Supporting concepts: *children, chronic somatic diseases, psychosomatics, socio-psychological factors, family relationships, type of parental relationship.*

В последнее время все больше специалистов приходят к мнению, что для успешного лечения ребенка необходима оценка его эмоциональной сферы, которая включает в себя изучение поведения ребенка с родителями дома, в школе, среди друзей и взрослых, оценку реакций ребенка на непосредственное окружение и на стресс [2,3,4]. Длительные хронические соматические заболевания

обуславливают задержку эмоционального развития, эмоциональную незрелость детей и подростков. Хроническая физическая и психическая астения тормозят развитие активных форм деятельности, способствуют формированию таких черт личности как робость, боязливость, неуверенность в себе. Эти же свойства в значительной степени детерминируют и создание для больного ребенка режима ограничений и запретов. Так, к явлениям, связанным непосредственно с болезнью, относится искусственная инфантилизация, вызванная условиями гиперопеки. Задержка эмоционального развития проявляется в формировании эгоцентрических установок, неспособности к волевому усилию к труду [2,4].

В последнее десятилетие проведено много исследований, направленных на изучение психологических факторов, лежащих в основе тех или иных хронических заболеваний у детей [1, 2, 3,5]. Выявлено, что психологические факторы, одним из которых является фон семейных отношений, не только создают предпосылки для развития хронического заболевания, но и влияют на его течение [1,3,4]. Дети настолько тесно связаны с родителями, что практически любое нарушение семейных отношений ставит ребенка на грань риска возникновения заболевания. Поэтому особенностям семейной организации как фактору, влияющему на возникновение и течение соматических заболеваний, уделяют особое внимание многие исследователи, представляющие различные психологические направления [2]. В исследованиях, посвященных проблемам психосоматики, основная роль, как правило, уделяется эмоциональному фону в семье, конфликтам и потребностно-мотивационной сфере больного, а также особенностям семейного воспитания (Е.Т. Соколова, В.В. Николаева, А.Б. Холмогорова, Н.Г. Гаранян, А.И. Захаров, Ю.Ф. Антропов, Ю.С. Шевченко, Д.Н. Исаев и др.). С позиций семейного системного подхода психологические симптомы и проблемы, в том числе и психосоматические, рассматриваются как результат неоптимальных, дисфункциональных взаимодействий членов семьи, как специфическая коммуникация, выполняющая функции защитного маневра, прагматически «выгодного» всем участникам коммуникации (П. Вацлавик, Дж. Бивин, Д. Джексон, С. Минухин и др.). С точки зрения когнитивно-бихевиорального подхода (А. Бек, А. Эллис, Дж.Т. Вильсон) психосоматические расстройства являются следствием неточной оценки событий, то есть соматические и психические симптомы рассматриваются как заученная форма поведения, возникшая под воздействием иррациональных суждений на фоне тревоги. Выявлено множество причин детской тревожности. В качестве основного источника рассматриваются нарушения родительского отношения к ребенку, которые приводят к постоянным психологическим микротравмам детей (В.И. Гарбузов, А.И. Захаров, А.М. Прихожан, А.С. Спиваковская). Рассмотрение причин появления и фиксации тревожности у детей в дошкольном возрасте, возможностей ее коррекции в связи с особенностями семейной среды, представляется актуальным и соответствующим задачам теории и практики психологии развития [2].

Известно, что семья является главным инструментом социализации ребенка, где в отношениях со взрослыми происходит формирование личности (Л.С.Выготский, А.Н. Леонтьев, С.Л. Рубинштейн и др.). Поэтому без анализа родительско-детских отношений невозможно целостное понимание развития личности. Тем не менее, без внимания оставлен вопрос об участия родительского отношения к часто болеющему ребенку в формировании его личности, и возможности коррекции детской тревожности путем оптимизации родительско-детских отношений. Ряд авторов [1,4] считают, что особое внимание должно быть уделено семейной ситуации, взаимоотношению родителей и других родственников, поскольку проблемные причины для больных соматическими заболеваниями коррелируют с родительскими конфликтами, неудовлетворительными отношениями с братьями и сестрами, а также с другими проблемами здоровья в детстве. Большое внимание в зарубежной литературе уделяется описаниям психосоматической семьи, в которой болезнь ребенка, являясь способом разрешения жизненных конфликтных ситуаций, «условно необходима» для поддержания баланса в семейной системе. F.J. Thomas, M.A. Koss (1988). S.Minichin (1990) среди факторов, обуславливающих формирование психосоматического симптома, выделил особый тип семейной организации и функционирования, который характеризуется сверхпротекцией (члены семьи слишком пекутся о благополучии каждого), ригидностью (в семье приняты слишком жесткие правила, любое изменение одного из членов семьи встречает сопротивление), более высокой значимостью семейного союза по сравнению с отдельными его членами. Многие ученые предполагали, что у неуверенных в себе детей и подростков заторможенность возникает в процессе научения, когда их наказывают за нежелательное неадаптивное поведение. Быть уверенным в себе означает уметь определять и выражать свои желания, потребности, любовь, раздражение, критику. У больных с психосоматическими

расстройствами часто неуверенность является переживанием, составляющим часть механизма, лежащего в основе заболевания. Одним из эффективных лечебных средств может оказаться тренинг самоутверждения.

М.В. Булыгина (2007) подчеркивает, что семьи детей с хроническими заболеваниями пищеварительной системы характеризуются более закрытыми границами по отношению к внешнему миру и наличием ограничений на выражение эмоциональных состояний. Отношения матери и ребенка в семьях детей с хроническими заболеваниями пищеварительной системы характеризуются дефицитом совместно переживаемых эмоций, частыми расхождениями в оценке предметов и явлений, значимых для ребенка, нечувствительностью к эмоциональным состояниям друг друга. Для матери и ребенка с хронической гастропатологией характерны неэффективные типы коммуникации – хаотичная и ригидная. Ригидная коммуникация определяется жестко структурированными правилами, обычаями, замещающими чувствительность к настроению и состоянию партнера, запретом на метакоммуникацию, хаотичная – отсутствием семейного языка, правил, норм, ритуалов, регламентирующих и регулирующих процесс коммуникации.

Обсуждая результаты своих исследований, проведенных у часто болеющих детей дощкольного возраста Е. Дубовик подчеркивает, что преобладающими типами родительского отношения являются симбиоз, гиперсоциализация. Симбиотическая связь проявляется в чрезмерной тревожности, заботе о здоровье ребенка. Родители стараются делать все для того, чтобы ребенок был здоров, обращаются за помощью к специалистам. Гиперсоциализация отражает форму и направление контроля за поведением ребенка. В родительском отношении отчетливо просматривается авторитаризм. Родитель требует от ребенка безоговорочного послушания и дисциплины, старается навязать ему во всем свою волю, не в состоянии принять его точку зрения. Родитель пристально следит за социальными достижениями ребенка, его индивидуальными особенностями, привычками, мыслями, чувствами. Определение взаимосвязей между некоторыми социально-психологическими факторами семьи и уровнем тревожности часто болеющего ребенка младшего, среднего, старшего дошкольного возраста показало, что существует прямая тесная связь между высоким уровнем тревожности и типом родительского отношения, составом семьи (полная, неполная), материальным положением, образованием родителей, удовлетворенностью родителей своей работой. В тоже время отсутствует функциональная связь между такими факторами семьи, как жилищные условия, наличие в семье брата, сестры и уровнем тревожности часто болеющего ребенка – дошкольника.

Результаты клинической беседы, проведенной нами с детьми и подростками с хроническими соматическими заболеваниями (хронический вирусный гепатит, язва желудка и 12-перстной кишки, гастродуоденальная патология) и с их родителями выявили, что у 60,4% больных имели место неблагоприятный климат в семье, т.е. частые ссоры взрослых, плохие взаимоотношения между родителями и развод родителей, злоупотребление отцом алкоголя. 68,2% детей и подростков предъявляли жалобы на нарушения в межличностной сфере с братьями и сестрами или друзьями. В беседе с родителями и больными детьми было выяснено, что хронические соматические заболевания значительно затрудняют социальную контактность детей с холистатической формой хронического вирусного гепатита. Таких детей взрослые и дети очень часто избегают, боятся «заразиться», что приводит в конечном итоге к отгороженности ребенка от общества людей и формированию комплекса неполноценности.

Анализ межличностных отношений ребенка по результатам методики “Кинетический рисунок семьи” выявил превалирование автократического типа воспитания у 95,5% (из общего числа детей) больных на ранних сроках заболевания, причем это явление было характерно для всех возрастных групп соответственно у детей дошкольного возраста в 97.4%% случаев, и у детей младшего и старшего школьного возраста по 93,3% в обоих случаях ($p<0,05$ к контрольной группе). При прогрессировании болезни автократический тип сменялся либеральным типом (73,3% из общего числа детей) воспитания, которые превалировали у детей старшего школьного возраста. У таких детей выявлены негативные явления, связанные с проблемами взаимоотношения с членами семьи. Необходимо отметить, что при выраженной степени активности заболевания независимо от возраста в рисунках детей превалировала тема болезни. В рисунках здоровых детей также можно обнаружить элементы семейных конфликтов, автократического отношения родителей к детям, плохого психологического климата в семье, но эти явления связаны не с болезнью, а в основном с социально-психологическими проблемами.

Отношение родителей к ребенку, страдающему с хроническим соматическим заболеванием, имеет большое значение по оценкам различных специалистов (Э.П. Касаткина, М.А. Жуковский). Результаты методики изучения типа родительского отношения (тест PARI) выявило, что в целом по вы-борке у родителей детей дошкольного и младшего школьного возраста, встречалось чаще “принятие”. Это объясняется тем, что у маленьких детей родители ответственны за управление заболеванием, и успех зависит от их исполнительности, знаний и навыков. Здесь нужно отметить, что тип родительского отношения также зависит от многих факторов и играет значительную роль в развитии типа отношения к болезни у ребенка.

В клинических условиях приходится сталкиваться со следующим феноменом. Оказывается, критичность родителей, чьи дети проходят лечение, не только не уменьшается, но напротив, возрастает. В этой ситуации родители с особой требовательностью относятся к тому, как ребенок ест, разговаривает с врачом, подчиняется лечебным процедурам. Повышенная требовательность родителей сказывается и в ситуациях, не связанных напрямую с лечением – например, при прохождении психологического теста. У детей развивается ощущение, что родители почти все время ими недовольны. Возможно, это обострение родительской назидательности объясняется вполне понятным родительским страхом за ребенка. Но детям, от этого, к сожалению, не легче. К детям начинают относиться как к больным. В нашем исследовании было доказано, что негативное отношение родителей формирует не оптимальную адаптацию в социуме.

Как мы видим из результатов исследования хроническая соматическая болезнь препятствует нормальному личностному росту и развитию. Социально-психологические проблемы, связанные с хронической болезнью, встречается во всех возрастах. Мы считаем, что при любом возрастном периоде у больных с хроническими соматическими заболеваниями особое внимание должно быть уделено семейной ситуации, взаимоотношению родителей и других родственников, поскольку проблемные причины для больных детей этой нозологии коррелируют с родительскими конфликтами, неудовлетворительными отношениями с братьями и сестрами. Определяя подходы к исследованию межличностных отношений в семье, имеющей больного ребенка, мы предполагаем, что их оптимальное развитие определяется сложным взаимодействием многих факторов, в числе которых одним из важнейших являются особенности родительского отношения к ребенку: стиль отношений родителей к детям, их позиции и установки по отношению к ним.

Как показывает опыт работы и проводимые исследования в педиатрической клинике реализация методов комплексных коррекционных воздействий, направленных на оптимизацию соматического и психологического состояния детей и подростков, способствует совершенствованию социально-психологической адаптации, а также сохранению и укреплению психического здоровья детей и подростков с психосоматическими заболеваниями.

Литература

1. Антропов Ю.Ф. Психосоматические расстройства у детей и подростков, М.,1997. – 197 с.
2. Дубовик Е.Ю. Родительское отношение к часто болеющему ребенку дошкольного возраста как фактор формирования тревожности//Автореф. дис. канд.психол.н. Казань, 2006. С.4.
3. Исаев Д.Н. Психосоматические расстройства у детей: руководство для врачей. – СПб: Издательство «Питер», 2000. – 512 с.
4. Николаева В.В. Влияние хронической болезни на психику. Психологическое исследование. – М.1988.
5. Булыгина М.В. Особенности коммуникации между матерью и ребенком с хроническим соматическим расстройством (на материале гастропатологии). //Автореф. дис. канд.психол.н. М., 2007.



Дилноза БЕГМАТОВА
Самарқанд давлат чет тиллар
институти катта ўқитувчиси

ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИНИНГ КАСБ ВА ҲУНАР ҲАҚИДАГИ МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ҚАРАШЛАРИ

Мақолада Шарқ мутафаккирларининг касб ва ҳунарга оид қарашлари тизими таҳлил қилинади. Касбга эга бўлишнинг ижтимоий-маънавий омиллари, уларнинг инсон ҳаёти таъминотини таъминлаши, инсоннинг ўзини англаши, жамият учун керакли бўлиши, фойда келтириши, иқтисодий ўсиш учун хизмат қилиши каби мезонлари кўриб чиқилади.

Таянч тушунчалар: *Шарқ мутафаккирлари, касб, ҳунар, ижтимоий-маънавий омил, инсон, жамият, иқтисодий ўсиш.*

В статье рассматривается система взглядов великих учёных Востока на предмет овладения специальностями и ремеслом. Систематизируются такие критерии, как социально-нравственные основы владения специальностями и ремеслом, что специальность и ремесло обеспечивает человека жизненно важными потребностями, помогает человеку осознать свое место в жизни и в обществе, об их значимости в жизни общества, о том, что люди ремесла помогают экономическому процветанию и стабильности.

Опорные понятия: *великие учёные Востока, специальность, ремесло, социально-нравственные основы, человек, общество, экономическое процветание.*

In the articleis examined the system of views of the great scholars of the East on the subject of mastering specialties and craft. Are systematized such criteria of having specialties and craft as social and moral bases of possession of specialties and craft, that specialty and craft provides a person with vital needs, helps a person to realize his place in life and in society, about their importance in the life of society, that craftspeople help in the economic prosperity and stability.

Supporting concepts: *the great scholars of the East, specialty, craft,social and moral bases, person, society, the economic prosperity .*

Касбу кор, касбий малакалар ва ҳунар эгаллаш лозимлиги тўғрисидаги ақидалар, ҳунарнинг қадри ҳақидаги тасаввурлар Ўрта асрлар Шарқ мутафаккирлари ижодида кенг ривожлантирилган. Бизнинг заминимиздан ҳам жуда мўътабар ва улуғ мутафаккирлар, энциклопедист олимлар, давлат арбоблари, мутасаввуф уламолар, ислом маданиятига улкан ҳисса қўшган дин пешволари ва арбоблари, шоиру адиблар, тараққийпарвар инсонлар етишиб чиққан. Уларнинг адабий-илмий ва ахлоқий меросида касбий билим ва малакаларни, ҳунар ва меҳнат қилиш сирларини эгаллаш бўйича ўз замонасининг маънавий ақидалари ифода этилган.

Мутафаккир олимларнинг касбу кор сиру-асрорини ўрганиш, ҳунар эгаси бўлиш борасидаги қарашлари умумбашарий тамаддуннинг ўчмас ва ардоқли қадриятларидан ҳисобланиб, бу борада энг қадимги даврларда шаклланган ҳаётий тажрибалар асосида замонамиз тафаккури юзага келган.

Инсоният маънавий қадриятларига айланган “Калила ва Димна”, “Синдбоднома”, “Минг бир кеча”, “Қобуснома”, “Гулистон” ва “Бўстон”, “Баҳористон”, “Шоҳнома”, “Донишнома”, “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”, “Саодатнома”, “Сиёсатнома”, “Руҳнома”, “Қутадғу билиг”, “Девону луғотит турк”, “Ҳибат ул-ҳақойиқ”, “Ахлоқи Жамолий”, “Хамса” каби асарларда инсоният этик-эстетик қадриятлари тизимида меҳнат тарбияси, касбу ҳунарни эгаллаш талаби ва уларнинг жамият ҳаётида тутган аҳамияти, фарзандларни касбий тарбиялаш мажбурияти каби масалалар эътиборли ўрин олган.

Шарқнинг буюк энциклопедист олимлари ва мутафаккирларидан Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий (782-847), Абу Наср Форобий (870-910), Абу Райҳон Беруний (973-1048), Абу Али ибн Сино (980-1037) кабилар ҳаётга реалистик назар ташлаб, касбу ҳунарга эга бўлишликни энг муҳим ҳаётий эҳтиёжлардан бири сифатида баҳолашган. Уларнинг қарашларига кўра, касбу ҳунар эгаллашда ус-

тоз ўрни ва нималарни ўрганиш муҳим бўлиб, касб ва ҳунар танлашда жамоа эҳтиёжлари ва оила анъаналарини эътиборга олиш даркор.

Турк тилини назарий англашни бошлаб, унинг тарихини ёритган Юсуф хос Ҳожиб (XI аср), илк туркий тилдаги асар яратган Маҳмуд Қошғарий (XI аср) ва Аҳмад Югнакий (XII-XIII асрлар) каби уламолар касбу ҳунарни ўрганишнинг ҳар бир йигит ва қиз учун зарур эканлигини таъкидлаш баробарида, касбу ҳунарни эгаллаш инсондан кўним, қаноат, шижоат талаб этишини таъқидлашган.

Паҳлавон Маҳмуд (1247-1325) фалсафий-ижтимоий қарашларида инсонни инсонга айлантирувчи омиллардан бири унинг меҳнат қила олиш малакасида жамланганлиги эътироф этилган бўлиб, меҳнат инсон ҳаётини таъминлаш воситаси саналиши уқтирилган.

Ўзбек адабий тилининг асосчиси, буюк мутафаккир шоир Алишер Навоий (1441-1501) айтадики:

Илм уқуб қилмаган амал мақбул,

Дона сочиб кўтармади маҳсул. Яъни, илмни олиб, олган илмига тўғри амал қилмаган инсон, ерга дон уруғи сочилганидан сўнг, унинг униб ўсиши учун ҳеч бир тадбир қилмаган инсонга ўхшайди, дейилади. Илм олиш, ҳудди ҳунар олиш, касбга эга бўлиш каби инсондан маълум жисмоний, ақлий, руҳий ва иродавий меҳнатни талаб қилиши таъкидланади.

Маърифатпарвар уламо ва адиблар илмий-назарий қарашларида ҳар бир авлодни касбли, ҳунарли қилиб тарбиялаш мезонлари, касбнинг инсон маънавияти ва ҳаёт тарзидаги ўрни, касбий билимлар асослари, касб ва ҳунарли бўлишнинг инсон баркамоллигида тутган ўрни масалалари дидактик асосда кўриб чиқилган.

Шарқ уламолари касбий малакалар ва ҳунар борасида ўзларининг маълум талаблари силсиласини ишлаб чиқишган бўлиб, унда касбий таълимнинг бош мезонлари намоён бўлади. Мазкур дидактик-ахлоқий талаблар куйидагича белгиланган:

а) ҳар бир қобил ва мўмин мусулмон инсон бирор касб кор ёки ҳунар эгаси бўлмоғи лозим;

б) касбу кор ва ҳунар инсонга ўз ҳалол меҳнати орқали кун кечириши учун имконият яратади ва бундай инсонни Аллоҳга яқин этади;

в) икки олам яратувчиси касбу корни, ҳунарларни инсонга унинг ҳаётини тартиблаштириш учун берган ва қобил инсон мана шу берилган имкониятдан фойдаланиб яшаши даркор, касбу кор ва ҳунар асосида покиза ҳаёт кечирмаслик жазоланади;

г) ҳар қандай касбу кор, ҳунарни эгаллаш илмдан бошланади. Илмлар дунёда кўп. Зарур илмларни эгаллашда қунт қилган одам илмнинг самарасини кўришга албатта мушарраф бўлади;

д) меҳнат, илмларни эгаллашда, касбу кор эгаси ва ҳунарли бўлишда инсондан энг талаб этиладиган зарур нарса бу қунт ва сабр ҳисобланади, қунтсиз одам бирор бир нарсанинг моҳиятини англашдан маҳрум инсондир;

е) ҳаётда билишдан кўра, амал қилиш муҳимроқдир. Билиб туриб, ўз билимига амал қилмаган инсон, мева бермаган дарахт каби ҳосилсиздир;

ё) илм устоз орқали олинади. Касбу кор, ҳунарга ҳам устоз орқали эришилади. Шунга кўра, инсоннинг униб, ўсишида устозларнинг ўрни ва аҳамияти жуда катта. Устозлар меҳнатига доим миннатдор бўлмоқ жоиз. Устозларни сийлаш, уларга марҳамат кўрсатиш, улар меҳнатини улуғ деб билиш даркор.

Ҳунарни эгаллаш, касбга эга бўлиш, ўз меҳнати орқали унинг самараларини кўриб яшаш қадимги таълимотларнинг барчасида улуғланган.

Агар Ўрта асрлар мутафаккирларининг касбга доир айтган фикр ва қарашларини таҳлил қиладиган бўлсак, уларда ҳунарли бўлиш, касбга эга бўлиш бевосита илм ва илм ортидан эргашиш, илмли бўлиш учун зарур бўлган хислатларни эгаллаш билан узвий боғланган ҳолда тарғиб қилинган.

Касбий таълим ва ҳунарга ўргатиш жараёнида фарзандларда куйидаги инсоний хусусиятлар, ахлоқий сифат ва малакалар шакллантирилиши зарурлиги доимий равишда уқтирилган:

- ҳар бир касбга доир маълум тартиб-қоидаларига риоя қилишни ўрганиш;
- фарзандларни сабр, қаноат ва чидамлиликка ўргатиш;
- фарзандлар ҳаётини мазмун билан бойитиш;
- фарзандлар ҳаётини мақсад билан бойитиш асосида улар келажагини таъминлаш;
- фарзандларда ўз-ўзини бошқариш малакаларини тарбия қилиш;
- фарзандларда мустақиллик малакалари ва ўз имкониятларига ишончни тарбиялаш;
- фарзандларда ўз сўзида туриш, берган ваъдаси устидан чиқишни тарбия қилиш;
- ўз мажбуриятларини бажаришда қатъийлик кўникмаларини ҳосил қилиш;

- фарзандларда қўним, мулоҳазакорлик, фикрлаш, фикрий топқирлик, янгиликларни яратишга бўлган қизиқишни тарбия қилиш;
- фарзандни жамоа билан мулоқот ўрнатишга, жамоа ичида ўз мавқеига эга бўлишга ўргатиш;
- атрофдаги инсонларни ҳурмат қилишга ўрганиш, айниқса, устозлар меҳнатига миннатдор бўлиш.

Ўрта асрлар маънавий қарашлари тизимида касб, ҳунар сўзлари ҳар вақт илм, илмли бўлиш зарурияти, устоз илмини олиш, устоз измига бўйсуниш, устозларни чуқур ҳурмат қилиш, сабр ва тоқатли бўлиш, қатъият кўрсата олиш, ўз амаллари орқали ўз ижтимоий мавқеини юқори тутиш каби хислатлар мажмуасига тенг келтирилган. Бинобарин, ўзбек миллати қадриятлари тизимида касбу ҳунар эгаллаш зарурий эҳтиёж ва талаб сифатида тараннум этилган. Шу билан бир қаторда, улуғланган қадриятлар ичида устоз, илм, маърифат, олиму фозиллик ҳамда устозларга чуқур ҳурмат тараннум этилган. Чунки устоз ва шогирд муносабатларида ҳам ақлий, ҳам руҳий-психологик англаш жараёни юз бериши, мазкур жараёнда на фақат шогирд учун, балки устоз учун ҳам жуда катта қалб ва юрак меҳнати юзага келиши тушунилган. Устоз ўз қалбини шогирдига берсагина, шогирди устоз даражасидаги инсонга айланиши инобатга олинган. Устоз ўз "жигар қони"дан шогид яратиши, устознинг сабрли, қаноатли, бағрикенг бўлиши лозимлиги айтилган. Шунга кўра, ҳар бир мутафаккир устоз ва унинг меҳнати аслида жамият учун шахс, инсонни тарбия қилиб етиштириб беришга тенг эканлиги алоҳида уқтирилган. Устоз сўзи ҳар вақт устоз илм билан боғлиқликда, илм сўзи эса олим сўзи билан камарбасталикда, илм, олим, устоз сўзлари эса сабр, қаноат, чидам, бардош, бағрикенглик, меҳр сўзлари билан узвий боғлиқликда талқин қилинган. Мана шу саъй-ҳаракатлардан келадиган самара эса шогирд, яъни маълум касб эгаси ёки ҳунар эгаси эканлиги алоҳида уқтирилган. Масалан, Маҳмуд Қошғарий айтадики,

Олим кишини эзгу тутиб сўзин эшит,
Ҳунарини ўрганибон амал қилғил.

Бинобарин, илм олим ва устозлардан олинади, улардан турли ҳунарлар ўрганилади, аммо ҳунар ўрганишнинг ўзи камлик қилади, ҳунарни олгандан сўнг, унга амал қилиб яшамоқ жоиз. Маҳмуд Қошғарийнинг фикрига кўра:

Олим киши сўзидан олгил ўғит,
Яхши сўзлар таъсири дилга сингар.

Олимлар сўзларига қулоқ тутмоқлик, аслида мазкур тўғри сўзлар орқали қалбни безатмоқлик эканлигини шоир таъкидлаб ўтади.

Форс адабиётининг улуғ намоёндаси Фаридиддин Атторнинг таъкидлашига кўра:

Кимда бўлса донишу, ақлу, тамиз,
Илм ила ҳилм аҳлини тутган азиз.
Сен хатолардан ўзингни тут узоқ,
Эй ўғил! Оқил эсанг солгил қулоқ!

Мазкур тўртликда илгари сурилаётган ғоя шундаки, энг аввало, ўзини донишманд, ақлли деб англаган инсон илм аҳлининг этагини тутмоғи даркор. Илм аҳлига яқин юрмоқлик инсонларни турли ҳаётий хатоликлардан асрайди, шунга кўра, ўзини оқил деб англаган инсон олимларга таъзим бажо айлаб, уларга қулоқ тутмоғи жоиз.

Адабиётлар

1. Хайруллаев М.М. Абу Али ибн Сино меросини ўрганиш – долзарб вазифалардан бири. // Ибн Сино халқаро ўқишлари. – Т., 2000.
2. Абу Али Ибн Сино. Тиб қонунлари. Уч жилдлик сайланма. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1992.
3. Комилов Н. Тасаввуф. Биринчи китоб. – Т.: Ёзувчи, 1996.
4. Комилов Н. Тасаввуф. Иккинчи китоб. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1999.
5. Буюк алломаларимиз // Таҳрир ҳайъати: Ҳ.С. Кароматов, З. Ҳуснитдинов, А. Мансуров ва бошқ.; масъул муҳаррир: З. Исломов. – Т.: Тошкент ислом университети, 2002.



Гули ТОИРОВА
Бухоро давлат университети
ўзбек тилшунослиги кафедраси доценти,
филология фанлари бўйича фалсафа доктори

НАМУНАЛИ ОИЛАНИНГ ЗАМОНАВИЙ МЕЗОНЛАРИ

Ушбу мақолада оиланинг вазифалари хусусида тўхталиб ўтилади. Оиланинг умумий мезонлари санаб ўтилади. Ушбу мезон асосида замонавий намунали оила мезони эътиборга ҳавола этилган. Ҳақиқатдан ҳам, жамиятдаги ҳар бир оиланинг, оила аъзоларининг ўз вазифалари ва масъулиятлари бор.

Таянч тушунчалар: *оила, иқтисодий, репродуктив, тарбиявий, рекреатив, коммуникатив, регулятив, мезон, оилани сақлаш, оиланинг шакли.*

В данной статье обсуждаются обязанности семьи. Перечислены общие критерии для семьи. Исходя из этого критерия, доступен современный типовой семейный критерий. Фактически, каждая семья в общине имеет свои обязанности и ответственность.

Опорные понятия: *семья, экономический, репродуктивный, образовательный, развлекательный, общительный, регламентированный, критерий, сохранить семью, форма семьи.*

This article discusses the responsibilities of the family. The general criteria for the family are listed. Based on this criterion, a modern family criterion is available. In fact, every family in the community has responsibilities and responsibilities.

Supporting concepts: *family, economic, reproductive, educational, entertaining, sociable, regulated, criterion, to save family, family form*

Оила – нафақат бир юртнинг, балки умуминсониятнинг катта сиёсати. Айтиш керакки – давлат сиёсати. Нега деганда, башариятнинг тириклиги, узлуксизлиги – оиладан! Ахир оиланинг энг бирламчи ва бевосита вазифаси, маънавият тили билан айтганда, муқаддас вазифаси – инсониятнинг занжирини соғлом ва иқтидорли авлодлар билан улаб боришда ибрат-ку! Бу – ҳамма миллат, ҳамма давлат, ҳамма халқлар зиммасидаги шарафли вазифа. Борди-ю оила тузук бўлмаса, тарбияга ҳам эътибор берилмаса, қанча буюк бўлса ҳам, бундай миллат дунёда узоқ яшай олмайди. Донишмандларимиз таъкидлаганидек, “Миллатлар шарафини юқори мартабага кўтарадиган нарса миллионлар ила саналадиган аскарлар-у дунёда энг катта ва зўр бўлган кемалар эмас, балки энг оз эътибор бераётганимиз ё бўлмаса, ҳеч бир замон эътибор бермасдан қолдирганимиз – оиладир. Оила низомсиз бўлса, унинг ёмон оқибати бутун миллатга таъсир этади ва шу сабабдан фазилат ерига разолат, тараққиёт ўрнига тубанлик негиз қуради... Агар бир миллатга бундай ҳол рўбарў келса, у миллат китобининг сўнгги варағи очилади...”

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2018 йил 7 февраль куни республика хотин-қизларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва оила институтларини мустаҳкамлаш масалаларига бағишлаб ўтказилган йиғилишида Президентимиз Ш.М. Мирзиёев: “Оила муқаддас биз учун. Оилани сақлаб қолмасак, биз ўзлигимизни йўқотамиз", деб таъкидладиларки, бу барчамизга жамиятнинг энг кичик ячейкаси бўлган оила қўрғонини мустаҳкам тутишимиз юртимиз равнақи учун қўшган бебаҳо ҳиссамиз эканлигини яна бир бор эслатиб қўйди.

Зеро, оиланинг мустаҳкамлиги унинг аҳиллигига, фаровонлигига, хотиржамлигига, қаноатлилигига, оила аъзоларининг ўзаро ҳурмат-эътиборига, аниқроғи, соғлом турмуш тарзига боғлиқ. Буни янги оила қурадиган ёшларимиз чуқур англаб етишлари ва жамият олдидаги ўз бурч ҳамда масъулиятларини дилдан ҳис эта олишлари ўта муҳимдир.

Оила, юртбошимиз тўғри таъкидлаганларидек, муқаддас тушунча?! Жамиятдаги ҳар бир оиланинг, оила аъзоларининг ўз вазифалари, бурч ва масъулиятлари ҳам борлигини (буларнинг баъзилари ўзбек жамияти учун ёзилмаган, аммо бажарилиши зарур бўлган қонунлар даражасига етганлигини) жуда яхши биламиз.

Оила, энг аввало, инсонларнинг табиий, биологик, никоҳ, қон-қариндошлик, иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий муносабатларга асосланган турмуш бирлиги ва ўзаро жавобгарлик орқали боғланган ижтимоий гуруҳдир. Оиланинг *иқтисодий, репродуктив, тарбиявий, рекреатив, коммуникатив, регулятив (бошқарув), фелиоцитологик* турдаги вазифалари мавжуд [1]. Қуйида шу вазифалар хусусида бир оз маълумот бериб ўтамиз.

Оиланинг *иқтисодий* вазифаси унинг асосий функцияларидан бири бўлиб, унда оиланинг иқтисодий бюджети, даромади, улардан режали фойдаланиш, кундалик харажатларга, зарур буюмлар сотиб олишга маблағ ажратиш; оиланинг эртанги кун балансини оқилона ҳал этиш, тежаб рўзғор юритиш каби жиҳатлар кўзда тутилади. Табиийки, бунга эришиш, яъни рўзғорни иқтисодий танглик, нохуш вазиятлардан сақлаб қолиш учун оиланинг ҳар бир аъзоси тадбиркорона ҳамда ҳисоб-китоб билан ҳаракат қила олиши зарур. Бу борада эр-хотиннинг роли жуда каттадир. Улар ҳам оила бюджетини тўғри юрита олишлари, ҳам ўз тажрибаларини оилада ўсаётган фарзандларга ўргатиб боришлари керак.

Оиланинг *репродуктив* вазифаси. Оиланинг муҳим бўлган функцияларидан яна бири унинг *репродуктив* (жамиятнинг биологик узлуксизлигини таъминлаш, болаларни дунёга келтириш) *вазифасидир.*

Оиланинг *тарбиявий* вазифаси. Оиланинг муҳим аҳамиятга эга бўлган яна бир вазифаси *тарбиялаш* вазифасидир. Болаларнинг ақлий, жисмоний, ахлоқий, эстетик тарбиясига оилада асос солинади. Оила инсон деб аталувчи бинони фақат пойдеворини қўйиш билан чекланмасдан, балки унинг сўнгги ғишти қўйилгунча жавобгардир. Ота-она – санъаткор, бола– санъат асари, тарбия жараёни эса санъатнинг ўзидир. Мустақилликка эришганимиздан сўнг миллий қадриятларимизнинг тикланиши ва халқимиз азалдан муқаддас санаб, амал қилиб келаётган миллий урф-одатларимиз, анъаналаримиз (бола тарбиясида ота-онадан ташқари, буви-бува, қариндош-уруғ, қўни-қўшни, маҳалла, мактаб, ёшлар билан шуғулланувчи жамоат ташкилотларининг таъсири) бу борада катта аҳамиятга эга.

Оиланинг *коммуникатив* вазифаси. Оиланинг *коммуникатив* вазифаси оила аъзоларининг ўзаро мулоқотлари ва шу мулоқот жараёнида уларнинг бир-бирларини ўзаро ҳурмат, ҳамжиҳатлик асосида тушуна олишлари назарда тутилади. Демак, коммуникатив вазифа оиланинг ўзаро мулоқот жараёнини тартибга солади, уларнинг ахборот етказиш ва ахборот қабул қилишга бўлган эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилади.

Оиланинг *рекреатив* вазифаси. Никоҳ–оила муносабатлари юзага келган дастлабки, ибтидоий замонлардан буён унга характерли бўлиб келган хусусиятлардан бири, ундаги шахслараро муносабатлар талабларидан бири уни ўз аъзоларининг ахлоқий-психологик ҳимояланишини таъминлаш, шунингдек, болаларга ва меҳнатга яроқсиз ёки кекса қариндошларга моддий ва жисмоний ёрдам кўрсатиш кабилардан иборат бўлиб келган.

Оиланинг рекреатив – ўзаро жисмоний, моддий, маънавий ва психологик ёрдам кўрсатиш, бир-бирининг саломатлигини мустаҳкамлаш, оила аъзолари дам олишини ташкил этиш вазифасидир.

Оиланинг *фелицитологик* вазифаси. Ҳозирги замон оиласининг тобора аҳамияти ортиб бораётган функцияларидан бири унинг фелицитологик (итальянча «фелиците» – бахт) вазифасидир. Шахсий бахтга эришишга интилиш оилавий муносабатлар тизимида кўп жиҳатдан ҳал қилувчи бўлиб бормоқда. Бахт нима ўзи? Ҳозирги замон оиласи ўз аъзоларининг бахтини таъминлашда қандай роль ўйнайди? Бахтга интилиш ҳар бир инсон учун табиийдир ва айни шу бахтга интилиш уларни оила қуришга ундайди. Инсон ўзига ато этилган бахтнинг тўртдан уч қисмини оиладан, чорактага етар-етмас қисмини бошқа нарсалардан топади.

Оилани сақлаш ва унинг мустаҳкамлигини асрашнинг турли мезонлари бор. Масалан, никоҳ бирлигига асосан оила қуйидагиларга бўлинади:

1) полигам, яъни кўп никоҳли оила. Бундай оилада бир эркак, бир нечта аёл билан никоҳда туриши, оила қуриши мумкин;

2) моногам – бир никоҳли оила, яъни бир эркак бир аёл билан никоҳда туради:

3) қайта тузилган – иккинчи никоҳли оила.

Ўз навбатида оилалар унда яшовчи оила аъзоларининг таркибига қараб қуйидагича бўлинади:

1) оддий (нуклеар) оила. Бундай оила тури энг кўп тарқалган. Унда эр-хотин никоҳга кирмаган, яъни оила қурмаган фарзандлари билан яшайди;

2) мураккаб (кўп бўғинли) оила. Бундай оилада икки ёки ундан ортиқ авлод вакиллари бирга яшайди. Хусусан, ота-она оила қурган фарзанди билан яшайди[3].

Оила ядросини ташкил этган эр-хотин ҳаётлигига, шу оилада бирга яшаш ёки яшамаслигига қараб ҳам оилалар турлича бўлади. Чунончи, тўлиқ оила, яъни эр-хотин ҳаёт бўлган ва бирга яшаган оилалар ҳамда нотўлиқ оила, эр-хотиндан бири вафот этган ёки улардан бири оилада яшамайди.

Оилаларни оила аъзоларининг миқдорига кўра уч гуруҳга бўлиш мумкин: кичик оилалар (2–4 кишилик), ўрта оилалар (5 – 6 кишилик) ва катта оилалар (7 ва ундан кўп кишилик). Шунингдек, оилаларни ҳудудий жиҳатдан шаҳар ва қишлоқ оилаларига ҳамда икки миллатдан ташкил топган аралаш оилага ва бошқа турларга ажратилади.

Ўзининг ижтимоий мақоми жиҳатидан оилалар ишчи ва хизматчи, дехқон (фермер), тадбиркорлар оиласига бўлинади. Моддий таъминланишига кўра оилалар бой, ўртаҳол ва кам таъминланган бўлиши мумкин. Ёши бўйича оилаларни "ёш оилалар" ва "комил ёшидаги оилалар" турига ҳам бўлиш мумкин. Шунингдек, оиланинг иқтисодий салоҳияти бўйича уларни юқори, ўрта ва паст иқтисодий салоҳиятли оилаларга бўлиш мумкин. Иқтисодий нафлиги тамойилига кўра иқтисодий заиф, иқтисодий салоҳиятли, иқтисодий етук, иқтисодий кучли ва иқтисодий фаровон оила турларга ажратилади.

Оилада фарзандларнинг мавжудлиги кўра: фарзандли оилалар, фарзанд асраб олган оилалар, фарзандсиз оилалар ажратиш мумкин [1].

Намунали оила – ҳуқуқий, ахлоқий, репродуктив, тарбиявий, иқтисодий, аксиологик, иммунитетлилик, психологик мезонларга бўйсиниши билан бир қаторда оила аъзоларининг инсоний фазилатлар: сабр, ҳаё, иффат, покизалик, собитқадамлик, сахийлик, ростгўйлик, шижоат, камтарлик, ҳушёрлик, олийҳимматлилик, диёнатлилик, аҳдига вафолик, андишалилик, иззат-ҳурматни билиш, сир яшира олиш каби ўнлаб ижобий фазилатлари сингдирилган бўлиши лозим.

Оилани "Намунали оила" деб айтиш учун, аввало, у оила "бахтли оила" ва "фаровон турмуш" ни таъминловчи муҳим жиҳатлар эга бўлган оила бўлиши лозим. Демак, бахтли оиланинг қуйидаги 11 та энг муҳим шарт-шароитлари мавжуд бўлиши етакчи социолог ва психолог олимлар томонидан аниқланди:

1. Эр-хотиннинг ўзаро бир-бирини тушуниши.
2. Алоҳида уй-жойнинг мавжудлиги.
3. Моддий жиҳатдан яхши таъминланганлик.
4. Фарзандлар.
5. Никоҳ мустаҳкамлигига ишонч.
6. Оилада бўш вақтни қизиқарли ўтказиш.
7. Ўзига ёққан иш билан таъминланганлик.
8. Маълумотнинг мослиги.
9. Иш жойининг қулайлиги.
10. Яхши дўстларнинг мавжудлиги.
11. Эр-хотиннинг эркинлиги [6].

Ҳозирги жамиятда кўпроқ оиланинг 2 хил кўриниши: Анъанавий (асимметрик) оила модели ва замонавий (симметрик) оила кўриниши учрайди. Анъанавий (асимметрик) оилада эр сўзсиз оиланинг иқтисодий таъминотчиси ва унинг бошлиғи саналади. Оиладаги иттифоқ мавқеини у белгилайди. Оила ҳаётига хос ташкилий ва бошқа муҳим муаммолар ечимини у белгилайди. Шу боис, эр оиладаги бошқа ташвишлардан озод қилинади. Аёл эса анъанавий оилаларда унча кўп даромад келтирмайди ёки нисбатан оз даромад келтиради. Унинг учун энг муҳими фарзанд кўриш (туғиш) ва оила хўжалигини намунали юритиш, болаларни назорат қилиш ва уларнинг камолоти билан шуғулланишдир. Шунга кўра, оила юритиш жавобгарлиги кўп жиҳатдан унга боғлиқ бўлгани учун ундаги микро муҳитни яратиш ва шакллантириш ташвиши, асосан, унинг мажбуриятига киради. Замонавий (симметрик) оилада эр-хотин ўзаро муносабатлари анъанавий оиладагидан фарқли ўлароқ (ёки бу оила эгалитар (французча – тенглик) оила ҳам дейилади) ундаги барча роллар хоҳ у иқтисодий, хоҳ у тарбиявий бўлсин ҳаммаси эр-хотиннинг ҳамкорлигида, биргалигида амалга оширилади. Улар оила хўжалигини бирга юритадилар, унинг масалалари ва муаммоларини бирга ҳал қиладилар ҳаттоки, то тарбиявий масалаларгача.

Қуйида намунали оила моделини эътиборингизга ҳавола қилмоқчимиз:



Оиланинг умумий мезонларидан келиб чиққан ҳолда, **замонавий намунали оиланинг мезонлари** сифатида қуйидагиларни киритиш мумкин:

1. Никоҳ бирлигига асосан моногам – бир никоҳли оила, яъни бир эркак бир аёл билан никоҳда туради:

2. Ўз навбатида оилалар унда яшовчи оила аъзоларининг таркибига қараб қуйидагича бўлинади:

1) оддий (нуклеар) оила. Бундай оила тури энг кўп тарқалган. Унда эр-хотин никоҳга кирмаган, яъни оила қурмаган фарзандлари билан яшайди;

2) мураккаб (кўп бўғинли) оила. Бундай оилада икки ёки ундан ортиқ авлод вакиллари бирга яшайди. Хусусан, ота-она оила қурган фарзанди билан яшайди.

3. Оила ядросини ташкил этган эр-хотин ҳаётлигига, шу оилада бирга яшаш ёки яшамаслигига кўра: тўлиқ оила, яъни эр-хотин ҳаёт бўлган ва бирга яшаган оилалар.

4. Оилаларни оила аъзоларининг миқдорига кўра уч гуруҳга бўлиш мумкин: кичик оилалар (2 — 4 кишилик), ўрта оилалар (5 — 6 кишилик) ва катта оилалар (7 ва ундан кўп кишилик).

5. Оилаларни ҳудудий жиҳатдан: шаҳар ва қишлоқ оилалар.

6. Икки миллатдан ташкил топган аралаш оила.

7. Ўзининг ижтимоий мақоми жиҳатидан оилалар ишчи ва хизматчи, деҳқон (фермер), тадбиркорлар оиласи.

8. Моддий таъминланишига кўра оилалар бой ва ўртаҳол оила.

9. Оиланинг иқтисодий салоҳияти бўйича: иқтисодий салоҳиятли, иқтисодий етук, иқтисодий кучли ва иқтисодий фаровон оила.

10. Оилада фарзандларнинг мавжудлиги кўра: фарзандли оилалар, фарзанд асраб олган оилаларга ажратиш мумкин.

Мустаҳкам оила формуласига амал қилган оилагина замонавий намунали оила бўла олади. Мустаҳкам оила формуласига қуйидагилар киради:

МО = ЖИМ + ЭК + АА + ҚБМ. Бу ўринда: **МО** – мустаҳкам оила;

ЖИМ – жуфтликларнинг ишқу муҳаббати (жисмоний интилиш, дид ва фикрларнинг ўхшашлиги);

ЭК – эркак каттароқ (қиз ва йигитларнинг биологик балоғатга етиш хусусиятларидан келиб чиқиб никоҳда эркак аёлдан 2-5 йил катта бўлиши мақсадга мувофиқдир);

АА – аёл ақллироқ (аёлнинг маълумот даражаси эркакдан юқорироқ бўлса, оила манфаати учун мақсадга мувофиқ бўлади);

ҚБ – қариндош бўлмаганлиги.

Намунали оила никоҳ тўйининг маросим саналарини қуйидагиларга ажратиш мумкин:



Замонавий оиланинг намунали шаклини қуйидагича белгилаш мумкин:

1. Никоҳнинг 25 йиллиги: “Кумуш тўйи”ни нишонлаётган, оддий, тўлиқ, кичик (2-4 кишилик), шаҳарлик, бир миллатли, ўқитувчи, иқтисодий салоҳиятли, фарзандли оила.

2. Никоҳнинг 30 йиллиги: “Марварид тўйи”ни нишолаётган, оддий, тўлиқ, кичик (2-4 кишилик), шаҳарлик, бир миллатли, тадбиркор, иқтисодий салоҳиятли, фарзандли оила.

3. Никоҳнинг 35 йиллиги: “Маржон тўйи”ни нишонлаётган, оддий, тўлиқ, ўрта (5-6 кишилик), қишлоқлик, бир миллатли, дехқон (фермер), иқтисодий салоҳиятли, фарзандли оила.

4. Никоҳнинг 40 йиллиги: “Ёқут тўйи”ни нишонлаётган, оддий, тўлиқ, ўрта (5-6 кишилик), қишлоқлик, турли миллатли, зиёли, иқтисодий салоҳиятли, фарзандли оила.

5. Никоҳнинг 50 йиллиги: “Олтин тўйи”ни нишонлаётган, мураккаб, тўлиқ, катта (7 ва ундан кўп кишилик), шаҳар, бир миллатли, ишчи, бой, иқтисодий фаровон, фарзандли оила.

6. Никоҳнинг 55 йиллиги: “Зумрад тўйи”ни нишонлаётган, мураккаб, тўлиқ, ўрта (5-6 кишилик), қишлоқлик, бир миллатли, ишчи, бой, иқтисодий салоҳиятли, фарзандсиз оила.

7. Никоҳнинг 60 йиллиги: “Бриллиант тўйи”ни нишонлаётган, мураккаб, тўлиқ, ўрта (5-6 кишилик), қишлоқлик, бир миллатли, ишчи, бой, иқтисодий салоҳиятли, фарзандли оила.

8. Никоҳнинг 65 йиллиги: “Темир тўйи”ни нишонлаётган, мураккаб, тўлиқ, катта (7 ва ундан кўп кишилик), қишлоқлик, бир миллатли, ўқитувчи, бой, иқтисодий салоҳиятли, фарзандли оила.

9. Никоҳнинг 70 йиллиги: “Фароғат тўйи”ни нишонлаётган, мураккаб, тўлиқ, катта (7 ва ундан кўп кишилик), қишлоқлик, бир миллатли, фермер, бой, иқтисодий салоҳиятли, фарзандли оила.

10. Никоҳнинг 75 йиллиги: "Шоҳона тўйи”ни нишонлаётган, мураккаб, тўлиқ, катта (7 ва ундан кўп кишилик), қишлоқлик, бир миллатли, ишчи, ўрта, иқтисодий салоҳиятли, фарзандли оила [3].

Шундай қилиб, замонавий намунали оиланинг негизида ахлоқийлик, маърифатлилик, собитлилик, сабр-қаноатлилик, аксиологик (миллий қадрият), тотувли каби бир неча мазмун-моҳият мужассам бўлмоғи шарт.

Адабиётлар

1. Каримова В.М. Оила психологияси: Дарслик. Педагогика олийгоҳлари талабалари учун. – Т., 2007. – 316 б.

2. Karimova O.A. Qonun, oila, farzand va jamiyat. – T., 2000. – 38 b.

3. Наврўззода Б. Н., Тоирова Г. И. Оила мустаҳкамлигининг сир-асрорлари. – Тошкент, 2016. – 34 б.

4. Сафаров О., Маҳмудов М. Оила маънавияти. – Т.: “Маънавият”, 1998. – 160 б.

5. Фитрат А. Оила ёки оила бошқариш тартиблари. Масъул муҳаррир: Д.А.Алмова. 2-нашр. – Тошкент: “Маънавият”, 2000. – 112 б.

6. Замонавий оилада эр-хотин муносабатларини мувофиқлаштиришнинг этнопсихологик аспектлари. https://referat.arxiv.uz/index.php?do=files&op.



Наргиза ХАЛИЛОВА
Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети психология кафедраси доценти, психология фанлари номзоди

СУБЪЕКТИВ ОЛАМ МУСТАҚИЛЛИГИ ШАХСДА РИВОЖЛАНИШИНИНГ ПСИХОЛОГИК МЕХАНИЗМЛАРИ

Мақолада шахсда субъектив олам мустақиллиги намоён бўлишининг психологик жиҳатлари тадқиқ этилган. Унда субъектив олам мустақиллигининг мазмуни, таркибий қисмлари, ривожланиш хусусиятлари батафсил баён қилинган. Айниқса, шахс камолотида ўзини-ўзи англаш, "Мен"-концепцияси ва субъектив олам мустақиллиги ўртасидаги алоқадорлиги кўрсатиб ўтилади.

Таянч тушунчалар: *шахс, субъектив олам мустақиллиги, мустақиллик, қадрият, одат, ижтимоий алоқа, ҳаётий олам, ўзини ўзи тасдиқлаш, эътиқод, ўзини ўзи англаш, мослашиш.*

В статье исследованы психологические аспекты проявления независимости субъективного мира личности. В ней подробно излагаются содержание независимости субъективного мира личности, составные части ее и свойства развития. Особенно, показывается взаимосвязи между независимости субъективного мира личности и "концепцией – Я" и самопознание в развитие личности.

Опорные понятия: *личность, независимость субъективного мира, независимость, ценность, привычка, социальная связь, жизненное пространство, самоподтверждение, вера, самопознание, адаптация.*

In article it is investigated psychological aspects of manifestation of independence of the subjective world of the personality. In him the content of independence of the subjective world of the personality, her components and properties of development are in detail stated. Especially, is shown to interrelation between independence of the subjective world of the personality and "a kontsetion – I" and self-knowledge in development of the personality.

Supporting concepts: *personality, independence of the subjective world, independence, value, habit, social communication, vital spaces, self-confirmation, belief, self-knowledge, adaptation.*

Шахснинг субъектив олам муаммоси ва унинг мустақиллиги хусусияти масаласи қатор ривожланган давлатлар психологиясида ўрганиб келинмоқда. Айниқса, ташқи олам билан турли жабҳаларда ўзаро таъсирда бўладиган субъектга бўлган кучли эътиборнинг зарурлиги кўплаб рус психологлари, жумладан, Л.С.Виготский, А.Н. Леонтьев, В.А. Петровский, С.Л. Рубинштейн тадқиқотларида таъкидлаб ўтилган. Таъкидлаш жоизки, рус психологиясида фундаментал муаммолардан бири психиканинг детерминацияси, ички ва ташқи оламнинг ўзаро таъсири масаласи ҳал қилиниши билан боғлиқ тарзда субъект тушунчасига алоҳида эътибор берилган. Инсонпарварлик ва экзистенциал психологияда ҳам инсон ҳаётининг мукаммаллиги, руҳий қулайликни таъминлайдиган борлиғининг мустақиллиги ва суверенлиги феноменига алоҳида эътибор қаратилган. Инсон психологиясининг архитектори Гордон Оллпортнинг ёзишича [5], "Ҳар бир инсон ўз "Мен"и ва олам ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг ўзига хос турини шакллантиради. Унинг мотивлари ўзигагина тегишли бўлиб, ҳар доим "шахсий лойиҳа" шаклига эга бўлади. Унинг ирсияти ноёб, у томонидан идрок қилинаётган борлиқ ноёб шу боис, унинг бутун борлиқ билан ўзаро муносабатлари ҳам ноёбдир".

Маълумки, хорижда аллақачон илмий тушунчалар сирасига "ҳаётий олам", "психологик вақт ва олам" (К. Левин), "кўчувчи объект" (психоанализ), "шахсий олам" (Р. Соммер), "алоқа чегаралари" (Ф. Перлз) каби атамалар киритилган.

Курт Левин ҳаётий олам тушунчасини, шахс мавжудлигининг асосий муҳити табиий борлиқ ёки ижтимоий муҳит эмас, балки уларнинг инсон миясида акс этувчи, хулқ-атворида асос қилиб олинган фрагментлари – кўриниши ёки лавҳалари эканлигини кўрсатиш мақсадида киритган. Шу муносабат билан муаллиф, инсон ва унинг муҳити яхлитликни таъминлайдиган ўзаро боғлиқ омиллар,

ҳамда ушбу омилларнинг йиғиндисини эса ҳаётий олам сифатида қарашни таклиф этади. Ҳаётий олам К. Левин томонидан овал шаклида тасвирланиб унинг марказида шахс ички оламини ифодаловчи айлана мавжуд. Ҳаётий олам икки асосий чегарадан иборат: ташқи ҳаётий оламни реал табиий ва ижтимоий макро оламдан, ичкиси эса ҳаётий олам ҳудудидаги психологик муҳит чегараларидан шахснинг ички оламини ажратиб туради [1].

Сўнгги ўн йилликда Россия психологиясида ушбу йўналишда янги чуқурлаштирилган тадқиқотлар намоён бўла бошлади ва уларда психологик олам, субъектив олам мустақиллиги деган тушунчалар шаклланди. Суверенлик феномени мустақил ва тор ихтисослашганлик контекстида: субъективлик шакли сифатида вужуднинг ривожланиши ва сақланиши жиҳатидан талқин этилган. Жумладан, А.Я. Варга тадқиқотларида эътиқодларнинг нонконформлилиги ва мустақиллиги ота-она ҳамда бола муносабатларида, В.С. Мухина ишларида эса индивид ва социум ўртасида идентификация ҳамда мослашиш механизми сифатида ўрганилган. В.С. Мухина томонидан мослашиш тушунчаси умумий яхлит оламдан ажралиб чиқиб, ташқи оламда ўзининг алоҳида ўрнини эгаллаш сифатида тушунилади [2].

“Алоҳида индивиднинг ўз табиий ва инсоний моҳиятини сақлаб қолиш механизми мувофиқлашиш деб аталади. Мувофиқлашишни индивиднинг бошқалардан ўзини четга олиши, кўпчиликдан ажралиб туришга, мулоқот объектидан яширинишга интилиши сифатида кўриб чиқиш мумкин. Мувофиқлашиш субъект томонидан мувофиқлашиш объектидан қай даражада четлашганини бевосита ҳис қилиши, шахс индивидуаллашувининг механизмидир”.

Оилани ота-оналар ва болалар осттузилмасидан ташкил топган тизим сифатида тушунишда, унинг соғлом ва тўлақонли фаолият олиб бориши учун зарур бўлган кўрсаткич сифатида ҳар бир аъзосининг мустақиллиги деб қаралади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган тадқиқотларда мустақиллик конструкти чуқур назарий мушоҳадаларнинг предметига айланган эмас. Шахснинг субъектив мустақиллиги феномени операционал тизим эканлигини С.К. Нартова-Бочавернинг мустақил ёндашувида ўз аксини топган. Унга кўра, субъектив (шахсиятли) мустақиллик асосида кишининг муваффақиятли автоном хулқ-атворини умумлашган тажрибаси асосида пайдо бўладиган ўзининг субъектив оламни назорат қилиш, ҳимоялаш ва ривожлантириш қобилияти сифатида тушунилади [4].

С.К. Нартова-Бочавер шахснинг субъектив оламини унинг мустақиллиги билан боғлиқ бўлган яхлит тизимли тузилма сифатида таърифлайди. Субъектив мустақилликка яқин тушунчалар тезаруси: ҳаётий олам, ҳаётий дунё, идентиклик, ўзлик, алоқа, чегаралар, ўзини ўзи тасдиқлаш, мувофиқлашув, мустақиллик, автономия, нонконформлик.

Мустақиллик шахсий борлиқнинг аутентлигини у ўзининг хоҳиш ва эътиқодларига мос ҳолда ҳаракат қилаётганлигида, ўзи яратган ёки қабул қилган ҳаётининг фазовий-даврий қадриятли вазиятларида ўзининг муносиблигини ҳис қилишига ишонганда намоён бўлади.

Мустақиллик шахснинг тадрижий ва ижтимоий шаклланган хусусияти бўлиб, унинг нормал фаолият олиб бориши ва ривожланишининг зарурий шартидир. Конструктнинг қарама-қарши қутбини депривацияланганлик (инглиз тилида deprive – маҳрум қилмоқ) деб аталади. Депривацияланганлик тобеликни, бегоналашувни, шахсий ҳаётининг текис эмаслигини ҳис қилиш, инсон ўзини идентификация қиладиган муҳит объектларини қидиришдаги қийинчиликларда, ноқулай вақтда ва “бегона ҳудудда” ҳис қилишида ифодаланади.

Ўз тадқиқотларида С.К. Нартова-Бочавер мустақилликнинг юқори ишонганлик, меъёрий (кучсиз) мустақиллик, депривация ва жароҳатланганлик каби даражаларини кўрсатиб ўтган [3].

Шахснинг субъектив олам мустақиллиги динамик ҳодисадир. Курт Левин субъектив олам тушунчасини киритиб, кишининг шахсиятли олами турғун эмас, у ҳар доим айни дамда инсон мавжуд бўлган олам ва замон бирлигига тегишли деб билади. С.К. Нартова-Бочавер ҳам мустақилликни психологик енгиб ўтишлар воситасида ҳал қилинадиган психологик вазиятлар тизимида кўриб чиқади [6].

Унинг тадқиқотлари натижасига кўра, енгиб ўтишдаги фаол хулқ-атвор усуллари мустақилликка эришиш билан, пассивлик эса депривация билан қўшилиб кетади. Фрустрация субъектив оламнинг баъзи ўлчамида мустақилликка интилиш сифатида бу ўлчовни бошқаси билан алмаштиришга ёки мустақиллик даражасининг пасайиши ёки унинг ҳаддан зиёд кучайиб кетишига олиб келади. Депривацияланганлик ёки ҳаддан зиёд мустақиллик шаклидаги бузилишлар табиий ҳаёт фаолияти ёки борлиқнинг турли соҳаларида шахсий назоратнинг кучайишига мос келувчи мақсадга йўналтирилган психологик ривожланиш таъсири билан компенсацияланиши (ўрнини тўлдириш) мумкин.

Мустақиллик шахснинг субъектив олам чегараси- бир кишига тегишли нарсаларни бошқалардан ажратиб турувчи психологик (когнитив, ҳиссий, хулқ-атвор) маркерлари билан тавсифланади. Чегаралар инсон идентиклиги (мансублиги) ни белгилайди ҳамда ўзаро таъсирнинг тенг ҳуқуқли воситаси ва ташқи таъсирлар селекцияси ҳамда шахсий масъулиятлиликни ташкил қилади. Чегараларнинг бузилиши каби унинг қўллаб-қувватланиши ҳам "Мен" концепциясида мустаҳкамланади, натижада инсоннинг объектив хулқ-атворида намоён бўлади. С.К. Нартова-Бочавернинг фикрига кўра, шахснинг субъектив олам мустақиллиги ҳақидаги модул мустақилликнинг ҳар хил турлари йиғиндисидан иборат:

- инсон жисмоний танасининг мустақиллиги – унинг соматик қулайлиги, бузилишга нисбатан уринишнинг йўқлиги билан изоҳланади. Депривация эса табиий эҳтиёжлар томон йўналтирилган туйиш, ҳид билиш ва бошқалар натижасида вужудга келган ноқулайлик (дискомфорт)ни ҳис қилишдир;

- ҳудуд мустақиллиги – инсон ўзи мавжуд бўлган табиий олам (алоҳида хонага ёки уйнинг бир бурчагида ўзининг ҳудудига эга бўлиши) хавфсизлиги, депривация ҳудудий чегараларнинг йўқлигидир;

- буюмлар оламининг мустақиллиги – фақат ўзи тасарруф қиладиган буюмларга эга бўлиш, шахсий мулкка ҳурматни билдирса, депривация эса хусусий мулкка эга бўлиш ҳуқуқининг йўқлигидир;

- одатлар мустақиллиги – бу инсоннинг ўз ҳаётини ташкил этишнинг вақтинчалик қабул қилиниши, депривация мажбуран инсон учун ёқимли ва қулай бўлган тартибни ўзгартиришдир;

-ижтимоий алоқалар мустақиллиги- яқин кишилар томонидан тақиқланишига ҳам қарамай ўзининг дўст ва танишларига эга бўлиш, депривация- инсон ҳаёти устидан ижтимоий назоратни билдиради;

- қадриятлар мустақиллиги дид ва дунёқараш эркинлигини, депривация эса мажбуран яқин бўлмаган қадриятларни қабул қилишни ифодалайди.

Шунингдек, субъектив олам мустақиллигининг тузилиши ва даражаси билан боғлиқ индивидуал-психологик хусусиятлари сифатида шахсиятли хавотирлик, сензитивлик, интроверсия, "Мен" концепцияси, характер акцентуациясининг у ёки бу типига мансублиги, инсоннинг муваффақияти ва моддий ҳолати, жинси ва ёши кабилар ҳам намоён бўлиши мумкин.

Хусусан, субъектив олам мустақиллигида сезиларли гендер тафовутлар мавжуд яъни эволюцион тараққиёт маҳсули сифатида эркакларда мустақилликка интилиш аёлларникидан юқори даражада намоён бўлади. Шунинг билан бирга мустақилликнинг бузилишида ҳам сезиларли тафовутларни кузатиш мумкин. Аёлларда бу мустақилликнинг пасайиши ва депрессив ҳаётий позициянинг шаклланиши билан боғлиқ бўлса, эркакларда, аксинча, мустақилликнинг ўта кучайиши ва тажовузкор хулқ-атворнинг ривожланиши билан узвий равишда пайдо бўлади.

Таъкидлаш жоизки, субъектив мустақиллик даражаси "Мен" концепцияси билан ижобий алоқадорликка эга бўлиб, у кишининг ижтимоий ҳолати, академик ўзлаштириши, касбий ўзини ўзи намоён этиши, ҳаёт мазмунини англаши, қийинчиликларни енгиб ўтишнинг фаол шаклларига йўналганлиги, эркаклар гуруҳида гипертимликнинг, аёллар гуруҳида эса эмотив ва экзалтирлашган типларда кузатилиши мумкин.

Субъектив мустақилликнинг салбий даражаси эса реактив хавотирлик, нейротизм, дистим характер акцентуацияси билан боғликдир.

Мустақиллик инсон психик тараққиётининг қайсидир босқичида тасодифан пайдо бўладиган янги тузилма эмас. Шу боис, С.К. Нартова-Бочавернинг фикрича, меъёрдаги мустақиллик онтогенезда инсон ҳаёти давомида ҳар бир босқичдаги субъектнинг мавжуд эҳтиёжлари ва уни қондириш имкониятлари ўртасидаги қарама-қаршиликларни енгиб ўтиш билан боғлиқ вазифаларни амалга ошириш жараёнида ривожланиб боради. Бунда ҳар бир ёш даврида ёшни даврлаштириш ва субъектив олам мустақиллиги у ёки бу типининг шаклланиши ўртасидаги ўзаро алоқанинг мавжудлиги тўғрисида фикр юритиш имконини беради [4, 30].

Мустақиллик соҳаси шаклланади, кенгаяди ва психик ҳамда табиий оламнинг кўпдан кўп объектларини қуйидаги тартибда қамраб олишда давом этади. Шу нуқтаи назардан олганда, шахс шаклланишининг турли босқичларида субъектив олам мустақиллиги ўзига хос тарзда кечиши кузатилади:

- гўдаклик даврида ўз танасининг мустақиллиги пайдо бўлади, бола ўзини бошқалардан ажратиб ўз танаси чегарасини англай бошлайди;

-илк болалик ва мактабгача ёш даврида шахсий ҳудуд ва буюмларига эга бўлиш мустақиллиги шаклланади;

-мактабгача ёш даврида одатлар мустақиллиги пайдо бўлади;

-кичик мактаб ёшида ижтимоий алоқалар, дид ва қадриятлар мустақиллиги намоён бўлади;

-ўсмирлик даврида дастлаб ўзлаштирилган ижтимоий алоқалар, дид ва қадриятлар мустақиллиги фаол ривожланади ҳамда хулқ-атворнинг бошқарувчиси сифатида намоён бўлади.

Айниқса, С.К. Нартова-Бочавернинг субъектив олам мустақиллиги генезиси ҳақидаги тадқиқотлари бола тараққиётида сензитив бўлган омилларни ва мустақилликка хавф солувчи манбаларни аниқлаш имконини беради [4, 32].

Инсон камолоти давомида ўзини ўзи ифодалаш, субъектив оламнинг олтита адекват ўлчови ва долзарб вазиятларда улардан фойдалана олишни ўрганиб боради.

Шахснинг субъектив олам мустақиллиги борасидаги назарий маълумотларни тизимлаштириш орқали қуйидаги **хулосаларни** келтириб ўтиш мақсадга мувофиқ:

-шахс ривожланишида мустақилликни намоён бўлиши уларда фикр эркинлиги, қарашларда саботлиликни таркиб топишига олиб келади;

-шахсда эътиқод, дунёқараш, атроф-воқеликка нисбатан адекват муносабатни қарор топтириши субъектив олам мустақиллигини шаклланишида устувор аҳамият касб этади;

-оилавий муносабатлар тизими бола шахсида субъектив оламни ривожлантирувчи омил сифатида гавдаланади;

-шахс камолотида субъектив олам мустақиллигини таркибий қисмлари ўзаро алоқадорликда намоён бўлиши кузатилади.

Адабиётлар

1. Левин К. Теория поля в социальных науках. – С-Пб.: Речь, 2000. – 368 с.

2. Мухина В.С. Возрастная психология: феноменология развития, детство, отрочество: Учебник для студ. вузов. – 4-е изд., стереотип. – М.: Издательский центр "Академия", 1999. – 456 с.

3. Нартова-Бочавер С.К. Понятие "психологическое пространство личности": обоснование и прикладное значение // Психологический журнал, 2003. – №6. – С. 27-36

4. Нартова-Бочавер С.К. Опросник "Суверенность психологического пространства" // Психологический журнал, 2004. – №5. – С.77-89

5. Оллпорт Г. Становление личности: Избранные труды. – М.: Смысл, 2002. – 462 с.

6. Погольша В.М. Социально-психологический потенциал личного влияния. Дис. …канд. психол. наук. – СПб., 1998.



Камолиддин ҚОДИРОВ
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети психология кафедраси доценти, психология фанлари номзоди

ФУНКЦИОНАЛ АСИММЕТРИЯ ҚИЁФАСИ ВА КОГНИТИВ СТИЛЬ ХУСУСИЯТЛАРИНИНГ ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИГИ

Ушбу мақола ўспирин ёшидаги ўғил ва қиз болаларда қўл асимметрияси ва когнитив стиль орасидаги ўзаро боғлиқлик қонуниятлари ва уларнинг механизмларини тадқиқ этишга бағишланган. Тадқиқотда Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети қошидаги Компьютер технологиялари академик лицейининг 357 нафар ўқувчиси иштирок этган. Синалувчиларда мануал асимметрияни аниқлаш мақсадида синалган ва миллий муҳитга мослаштирилган қатор методикалардан фойдаланилган. Ўтказилган тадқиқотлар натижасида "кафт ва бармоқларни бирлаштириш" функционал синови фақат ўғил болалар гуруҳида бир қанча статистик аҳамиятли фарқларни намоён қилганлиги, "қарсак чалиб олқишлаш" функционал синови натижалари эса, аксинча, фақат қиз болаларнинг у ёки бу когнитив стиль хусусиятлари билан боғлиқ эканлиги кўрсатиб берилган. "Наполеонга тақлид" функционал синови эса, ҳам қиз болалар, ҳам ўғил болаларнинг когнитив стиль хусусиятлари билан боғлиқ эканлиги аниқланган. Олинган маълумотлар фаолият муваффақиятини таъминлайдиган қобилият ва стилларнинг ташхисида фойдаланиш имкониятини беради.

Таянч тушунчалар: *мия функционал асимметрияси, ҳаракат ва сезги аъзоларидаги асимметрия, мануал асимметрия, психик асимметрия, сигналлар тизими, когнитив стиль, фаолият стиллари, репрезентатив тизимлар, жинсий тафовутлар, индивидуал фарқлар.*

Данная статья посвящена изучению механизмов взаимосвязи функциональной асимметрии и когнитивного стиля у юношей и девушек. В исследовании принимали участие 357 учащихся Академического лицея компьютерных технологий при Ташкентском государственном техническом университете имени Ислама Каримова. Для выявления мануальной асимметрии у исследуемых были использованы функциональные пробы "Сплетение пальцев рук", "Поза Наполеона" и "Аплодисменты", для диагностики когнитивного стиля – опросник Б.Р. Кадырова для выявления соотношения двух сигнальных систем, тест на определение ведущей системы восприятия мира и типологический опросник Майерс-Бриггс. Было показано, что функциональная проба "Сплетение пальцев рук" демонстрирует статистически значимые связи с некоторыми особенностями когнитивного стиля только в группе юношей, а результаты функциональной пробы "Аплодисменты", наоборот, связаны с особенностями когнитивного стиля только у девушек. Обнаружена взаимосвязь результатов функциональной пробы "Поза Наполеона" с выраженностью некоторых когнитивных стилей в зависимости от половых особенностей юношей и девушек.

Опорные понятия: *функциональная асимметрия мозга, моторная и сенсорная асимметрия, мануальная асимметрия, психическая асимметрия, сигнальная система, когнитивный стиль, стили деятельности, репрезентативные системы, половые различия, индивидуальные различия.*

This article is devoted to investigation of mechanisms of the relationship between manual asymmetry and cognitive style at male and female young adults. 357 pupils of Computer technologies academic lyceum at Tashkent state technical university named after Islam Karimov took part in this research. For the purpose of revealing manual asymmetry of the subjects functional tests "Interlacing of hand fingers", "Napoleon's pose" and "Applause" were used. For diagnostics of cognitive style B.R. Kadyrov's Questionnaire for revealing of parity of two signal systems, Test for identification of key system of world perception and Myers–Briggs Type Indicator were used. It was shown that functional test "Interlacing of hand fingers" demonstrates statistically significant relationship with some cognitive style features only in the male sample, but results of functional test "Applause", on the contrary, are related to some features of cognitive style only in the female sample. The relationship of the results functional test "Napoleon's pose" and some cognitive styles depending on sex peculiarities of male and female young adults was discovered.

Supporting concepts: *brain asymmetry, motor and sensory asymmetry, manual asymmetry, mental asymmetry, signal system, cognitive style, styles of activity, representative systems, sex differences, individual differences.*

Муаммо ва унинг долзарблиги. Инсон хатти-ҳаракатларидаги индивидуал фарқларнинг ўнг ёки чап мия яримшарларининг етакчилик қилишига боғлиқлиги ва, умуман, миянинг функционал асимметрияси билан боғлиқ муаммолар кўп йиллардан буён ўрганилиб келинмоқда. Мия функционал асимметриясининг асосий кўрсаткичи сифатида фақат мануал асимметрия, яъни қўл асимметриясини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга бўлиб келган [11]. Аслини олганда эса миянинг чап ва ўнг яримшарлари функциясини ҳар томонлама ўрганиш учун инсон танасидаги барча жуфт аъзоларининг ўзаро муносабати, яъни чап ва ўнг томонда жойлашган ҳаракат (мотор) ва сезги (сенсор) аъзоларининг алоҳида хусусиятлари ҳисобга олиниши зарур [1]. Н.Н. Брагина ва Т.А. Доброхотоваларнинг фикрига қараганда, асимметрия типларининг фарқланиши тасодифий ҳолат эмас. Зеро, тананинг барча жуфт аъзолари миядаги функционал марказларнинг ўзаро ҳамкорликдаги мураккаб фаолиятини амалга оширадиган яхлит тизимини ташкил этади [5]. Шу билан бирга алоҳида қайд этиш лозимки, мия функционал асимметриясининг инсонда когнитив стиль шаклланишидаги ўрни ҳамда бу борадаги жинсий тафовутларни ўрганишга бағишланган тадқиқотларда турли-туман, баъзан зиддиятли маълумотлар олинган. Бу борадаги мавжуд ёндашувларни бирлаштирувчи умумий фикр шундан иборатки, инсоннинг барча ҳаракат, нутқ аъзолари фаолияти унинг барча индивидуал хислатларида, шахсий фазилатлари тизимида бир бутунликни, яхлитликни ҳосил қилади [3], [15].

Н.А. Розенинг фикрича, қўл–ҳаракат фаоллиги энг полифункционал (кўп функцияли) тизим ҳисобланади. Ф.Б. Березин ва бошқа муаллифларнинг маълумотларига қараганда, кўпчилик одамларда ўнг қўл куч, тезлик, эпчиллик бўйича чап қўлдан устунлик қилади [15]. Индивидуал кўникмани шакллантириш жараёнида ўнг қўлнинг роли жуда катта бўлиб ҳисобланади. Аксарият ҳолда ўнг қўлнинг ҳаракатланиш тезлиги, чап қўлникига қараганда юқорироқдир [7]. Шу ва шунга ўхшаш мисолларни яна давом эттириш мумкин. Умуман, инсон психикаси ва хатти-ҳаракатларидаги асимметрия феномени фанлараро муаммо бўлиб, бу борада нейропсихолог А.Р. Лурия ва унинг издошлари, нейрофизиологлар, невропатологлар ҳам кўплаб тадқиқотларни амалга оширганлар [4], [9].

Функционал асимметрия муаммосини, хусусан, мануал асимметрия билан боғлиқ масалаларни тадқиқ этишга бўлган бундай катта қизиқишнинг боиси шундаки, у қандайдир маънода шахс индивидуаллигининг асосини ташкил этади. Кўпгина назарий ёндашувларга кўра шахснинг индивидуал ўзига хослиги, яъни эмоционал реакциялар, билиш жараёнлари, иродавий хусусиятлар миянинг функционал асимметрияси билан боғлиқ тарзда шаклланади, тараққий этади. Шу нуқтаи назардан қараганда, фикримизча, мия функционал асимметриясини қайсидир маънода шахс индивидуаллигининг келиб чиқиш манбаи деб ҳисоблаш мумкин. Демак, пировард натижада шахснинг асимметрия қиёфасини аниқлаш орқали индивидуал фарқларни янада чуқурроқ ўрганишга, янада аниқроқ ташхис этишга эришиш мумкин.

Инсоннинг қўл асимметриясини аниқлаш ёки тўлиқ малумот олиш учун хилма-хил тестлар, махсус функционал синовлар (пробалар), электроэнцефалограф ва электромиограф каби турли электрон ускуналардан фойдаланиш мумкин [8].

Умуман олганда, нафақат қўл, балки барча ҳаракат ва сезги аъзоларидаги функционал асимметрияни аниқлаш унчалик катта қийинчилик туғдирмайди, бироқ инсоннинг психик асимметриясини ўрганиш анча мураккаб муаммони ташкил этишини эътироф этиш жоиз. Психик асимметрия биринчилардан бўлиб Н.Н. Брагина, Т.А. Доброхотовалар томонидан ўрганилган [2]. Маълумки, мия бирбирига кўзгудек симметрик жойлашган икки яримшардан иборат, аммо қизиғи шундаки, айнан ана шу симметрик анатомик шакл тирик миянинг функционал асимметриясини ўрганишга бўлган хилма-хил ўзига хос ёндашувларнинг пайдо бўлишига олиб келди. “Модомики мия симметрик анатомик шаклга эга экан, мия ва психика ўртасидаги муносабатларда қандай қилиб пировард натижада психик асимметрия вужудга келиши мумкин?” деган савол, табиийки, кўплаб олимларнинг диққат-эътиборини ўзига тортди. Демак, айнан симметрия тамойили психик асимметрияни ўрганиш бўйича амалга оширилган аксарият тадқиқотларнинг назарий-методологик асоси бўлиб ҳисобланади деб эътироф этишимиз мумкин [5].

Шуни таъкидлаш ўринлики, мия асимметрияси таъсирида юзага келувчи психик асимметриялардан энг салмоқлиси ва кенг кўламлиси, шубҳасиз, етакчи сигналлар тизимидир. Ҳали 1975 йилдаёқ В.В. Суворова ҳамда унга боғлиқ бўлмаган ҳолда В.Л.Деглин томонидан илк маротаба яримшарлар

устунлиги у ёки бу сигнал тизимининг етакчилик қилишини таъминлаши аниқ кўрсатиб берилган [8], [4]. Дарҳақиқат, когнитив психология соҳаси намояндалари томонидан таклиф этилган когнитив стиль тушунчаси ҳам мазмун ва моҳият жиҳатдан сигналлар тизимига анча яқин бўлиб, бу тушунчалар мия функционал асимметриясининг умуман психикада ва қисман билиш жараёнларида акс этишини тушунтиришга, очиб беришга ёрдам беради.

Шундай қилиб, психик асимметриянинг муҳим йўналишларидан бири когнитив стиль тушунчаси билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, бу атама дихотомик характерга эга бўлган бир қатор билиш хусусиятларини ўзида мужассам этади. Аниқроғи, ҳар бир инсоннинг маълумотни қайта ишлаш бўйича индивидуал, ўзига хос ва ўзига мос услуби мавжуд бўлиб, бу услуб, авваламбор, инсоннинг ақлий тараққиёти йўналишида ва унинг маълумотларни танлаш ва таҳлил қилиш хусусиятларида намоён бўлади [10]. Демак, когнитив стиль – турли ҳаётий муаммоларнинг ечимини излашда юзага келади ёки намоён бўлади ва ўзига хос билиш жараёнлари хусусиятларидан иборат бўлади. Шу билан бирга, когнитив стиль шахснинг интеллектуал имкониятлари даражасини, ақлий салоҳияти ва ютуқларини баҳоламайдиган, балки ақлий фаолиятнинг формал-динамик жиҳатларини ифода этадиган хусусият эканлигини ҳам унутмаслик керак. Субъект турли ҳаётий вазиятларда когнитив стилнинг бирор бир ўзида шаклланган туридан фойдаланади ва бу – тегишли муаммонинг ечимини топишда муайян натижаларга эришишда ёрдам беради.

Ғарб мамлакатларида олимлар томонидан когнитив стилнинг ўрганилиши асносида инсон имкониятлари, унинг индивидуаллиги, билиш жараёнларининг бошқаларникига ўхшамаслиги, бетакрорлиги каби янги янги фактлар қўлга киритилмоқда. Хусусан, когнитив стилни ўрганишда Г. Уиткин “Майдонга боғлиқлик/майдондан озодлик”, “Импульсивлик/рефлективлик”, “Когнитив соддалик/мураккаблик” каби бир қатор тушунчаларни фанга киритган. “Майдонга боғлиқлик/майдондан озодлик”ни аниқлашда у “Ўзак–ҳошия”, “Гавданинг ҳолатини бошқариш”, “Қўшилган фигуралар” каби методикалардан фойдаланган.

Бизнинг фикримизча, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, когнитив стилнинг асосини, ўзагини етакчи сигналлар тизими ташкил этади. Когнитив стиль ўз навбатида шахснинг етакчи фаолият услубида (назарий ёки амалий фикрлашга мойиллик, рефлексияга мойиллик ёки амалиётга йўналганлик ва ҳ.), етакчи репрезентатив тизимларида (визуал, аудиал, кинестетик, дискретик ва ҳ.), шунингдек, экстраверсия-интроверсия, сенсорика ёки интуиция орқали маълумот тўплашга мойиллик, тафаккур ёки ҳиссиёт асосида қарор қабул қилишга мойиллик, маълумот тўплаш ёки қарор қабул қилишга йўналганлик каби кўпгина шахс хусусиятларида ўз аксини топади.

Ушбу **тадқиқотимизнинг мақсади** мануал асимметрия ва когнитив стиль тизимлари орасидаги боғликларнинг жинсий-психологик тафовутларга таъсирини ўрганишдан иборат.

Тадқиқот объекти. Барча тадқиқотлар Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети қошидаги Компьютер технологиялари академик лицейида олиб борилди ва жами бўлиб 357 нафар ўқувчидан эмпирик маълумотлар олинди.

Тадқиқот методикалари. Мануал асимметрияни аниқлаш мақсадида барча синалувчиларга қуйидаги учта савол билан мурожаат қилинди.

1. Иккала кафтингиз бармоқларини бирлаштиринг (чирмаштиринг). Қайси қўлингизнинг бош бармоғи энг тепада жойлашди: ўнгми (Ў), чапми (Ч)? Натижани ёзиб қўйинг.

2. Наполеонга тақлид қилиб, икки қўлингизни кўксингиз устида боғлаб чатиштиринг. Қайси қўлингиз бошқасининг устига жойлашди: ўнгми (Ў), чапми (Ч)?

3. Гулдурос қарсаклар билан олқишлаш ҳаракатини ифодалаб беринг. Қайси кафтингиз юқоридан ўрин олди: ўнгми (Ў), чапми (Ч)?

Берилган саволларга жавобан синалувчилар тегишли хатти-ҳаракатларни бажариб кўриб, жавоб варақасида “Ў” ёки “Ч” тарзида қайд этдилар. Мазкур саволлар орқали турли хатти-ҳаракатларни бажаришда ўнг ёки чап қўлнинг етакчилик қилиши аниқланди.

Эмпирик тадқиқотимизда когнитив стилни кенгроқ тарзда тадқиқ этиш мақсадида Б.Р. Қодировнинг икки сигнал тизимининг шаклланганлик даражасини аниқлаш сўровномаси, Фаолият стилини аниқлаш сўровномаси, Оламни идрок этишнинг етакчи тизимини аниқлаш тести ва Майерс-Бриггс типологик сўровномаси методикаларидан фойдаландик.

Б.Р. Қодировнинг етакчи сигнал тизимини аниқлашга қаратилган сўровномаси 52 та саволдан иборат бўлиб, текширилувчиларда биринчи ва иккинчи сигнал тизимларининг қай даражада етакчилик қилишини қуйидаги 7 та шкала ёрдамида аниқлашга ёрдам беради: 1) фаоллик; 2) эмоционаллик; 3) образли хотира; 4) хаёл; 5) ўз-ўзини бошқариш; 6) ирода;) таҳлилий фикрлаш [6].

Шунингдек, ушбу тадқиқот мақсадларидан келиб чиқиб, А.Д. Ишков ва Н.Г. Милорадованинг 4 та шкала ва 36 та саволдан иборат "Фаолият стили (СД-36)" сўровномасидан фойдаланилди. Ушбу методика ёрдамида синалувчиларда қуйидаги фаолият стилларининг устуворлик қилиши ташхис этилди: 1) прагматиклик; 2) рефлексияга мойиллик; 3) назарий фикрлашга мойиллик; 4) фаолиятга йўналганлик [13].

Синалувчиларда қайси сезги аъзосининг етакчилик қилишини, яъни визуал, аудиал ва кинестетик аъзоларнинг ташқи таъсиротларга тезроқ ва осонроқ жавоб беришга тайёрлигини аниқлаш мақсадида "Оламни идрок этишнинг етакчи тизимини аниқлаш тести"дан фойдаланилди [14]. Тест 48 та саволдан иборат бўлиб, учта кўрсаткични аниқлашга мўлжалланган: кўриш сезгиси, тери туйиш ва эшитиш сезгиси.

Шу билан бирга, ушбу тадқиқотимизда АҚШлик психологлар Катарина Бриггс и Изабель Майерслар томонидан К. Юнг ғояси асосида тузилган 94 та саволдан иборат Майерс-Бриггс типологик сўровномасидан ҳам фойдаланилди [12]. Ушбу методика Экстраверсия-интроверсия, Сенсорика-интуиция, Тафаккур-ҳиссиёт ҳамда Қарор қилиш-маълумот тўплаш шкалаларини ўз ичига олади.

Олинган натижалар ва уларнинг таҳлили. Ушбу методикалар ёрдамида ўтказилган тадқиқотларнинг гувоҳлик беришича (1-жадвалга қ.), "кафт ва бармоқларни бирлаштириш" функционал синови натижаларига асосан чап қўли етакчи бўлган ўғил болаларга нисбатан ўнг қўли (чап яримшари) етакчи бўлган болалар Фаолият стилини аниқлаш сўровномасидаги рефлексияга мойиллик шкаласи бўйича ишонч даражасида юқори қийматларга эга бўлган эканлар (U=7748,5, p<0.01). Бошқача айтилса, бу функционал синов бўйича ўнг қўли (мия чап яримшари) етакчи бўлган ўғил болалар ҳар қандай қарорни қабул қилишдан олдин вазиятни ҳар томонлама обдон ўрганиб, чуқур таҳлил қилишга мойил эканлар, яъни уларни, образли қилиб айтганда, "етти ўлчаб, бир кес" кабилида иш юритадиганлар тоифасига киритиш мумкин бўлса керак.

1-жадвал

Когнитив стиль хусусиятларининг "Кафт ва бармоқларни бирлаштириш" функционал синови кўрсатгичларига боғлиқлигини жинс кесимида ўрганиш (Манн-Уитни мезони асосида)

Кўрсаткичлар	Ўғил болалар				Қиз болалар			
	Ўртача ранглар		U	P	Ўртача ранглар		U	p
	Чап (N=117)	Ўнг (N=166)			Чап (N=25)	Ўнг (N=49)		
Рефлексияга мойиллик	125,2	153,8	7748,5	0,004**	36,7	37,9	592,5	0,818
Прагматиклик	154,7	133	8223,5	0,026*	40,1	36,2	547,5	0,453

Изоҳ: *p<0.05 ишонч даражасида **p<0.01 ишонч даражасида

Аксинча, "кафт ва бармоқларни бирлаштириш" функционал синови бўйича чап қўли (мия ўнг яримшари) етакчи бўлган ўғил болалар "Прагматиклик" шкаласи бўйича юқорироқ балларга эга бўлган эканлар (U=8223,5, p<0.05). Яъни чап қўл функцияларининг етакчилик қилиши ўғил болалардаги тез қарор қабул қилиш, мияда пайдо бўлган ғояларни тезлик билан амалиётга жорий этиш, муаммони осон ва самарали йўл билан ҳал қилиш каби фазилатларнинг ички психофизиологик механизмлари билан умумий бир йўналишни ташкил этади, дейиш мумкин (1-жадвал).

2-жадвалда келтирилган маълумотларга қараганда, "Наполеонга тақлид" сўровнома натижаларига асосан чап қўли етакчи бўлган қизларга нисбатан ўнг қўли (чап яримшари) етакчи бўлган қизлар Майерс-Бриггс типологик сўровномасидаги Экстраверсия-интроверсия шкаласи бўйича ишонч даражасида юқори қийматларга эга бўлган эканлар (U=468, p<0.05). Бошқача қилиб айтганда, "Наполеонга тақлид" функционал синови бўйича ўнг қўли (мия чап яримшари) етакчи бўлган қиз болалар экстраверт хулқ-атворни кўпроқ намоён қилар эканлар, яъни улар ташқи оламга бўлган муносабатларидан, атрофдаги инсонлар билан мулоқотдан куч ва завқ олишга интилишларини эътироф этиш мумкин.

2-жадвал

Когнитив стиль хусусиятларининг "Наполеонга тақлид" функционал синови кўрсатгичларига боғлиқлигини жинс кесимида ўрганиш (Манн-Уитни мезони асосида)

Кўрсаткичлар	Ўғил болалар				Қиз болалар			
	Ўртача ранглар		U	p	Ўртача ранглар		U	p
	Чап (N=112)	Ўнг (N=171)			Чап (N=31)	Ўнг (N=43)		
Экстраверсия-интроверсия	145,8	139,5	9145	0,522	31,1	42,1	468	0,03*
Хаёл	156,1	132,8	7998	0,019*	35,6	38,9	607,5	0,517

Изоҳ: *p<0.05 ишонч даражасида

“Наполеонга тақлид” сўровнома натижаларига асосан чап қўли етакчи бўлган ўғил болаларга нисбатан ўнг қўли етакчи бўлган болалар Б.Р. Қодиров сўровномасидаги “Хаёл” шкаласи бўйича ишонч даражасида паст қийматларга эга бўлган эканлар (U=7998, p<0.05). Ушбу методиканинг ўзига хос хусусиятига кўра ундаги барча шкалаларнинг қийматлари тескари мазмунни англатишини эслатиб ўтган ҳолда таъкидлаш лозимки, бу функционал синов бўйича ўнг қўли (яъни миянинг чап яримшари) етакчи бўлган ўғил болаларда хаёл ва фантазиянинг кучлилиги бир қарашда кутилмаган, қизиқарли натижадир. Лекин биз адабиётларга мурожаат қилиб шу нарсани аниқладикки, аслида чап қўлнинг етакчилик қилиши мия ўнг яримшарининг пешона бўлими билан боғланган бўлиб пассив, ихтиёрсиз эмоционал жараёнлар билан боғлиқ экан. Ўнг қўлнинг устунлиги эса, аксинча, мия чап яримшари пешона қисмига боғланган ва бу бўлим умумий фаоллик, мотивацион жараёнлар, онгли ҳаракатлар учун жавобгар экан. Б.Р. Қодиров методикасидаги “Хаёл” шкаласига тегишли саволларни мазмун жиҳатдан таҳлил қилиб кўриб, уларнинг аксарияти келажакка йўналтирилган хаёлий орзулар, илмий-фантастик жанрдаги китобларни ўқиш ёки қийин материалларни образлар ёрдамида эслаб қолишга ҳаракат қилиш каби ихтиёрий ва ҳаттоки иродавий жараёнлар билан боғлиқ саволлар эканлигига гувоҳ бўлдик. Биз ушбу саволлар мазмунида хаёл жараёнлари билан боғлиқ элементларнинг мавжудлигини мутлақо инкор этмаган ҳолда уларнинг айни вақтда мотивацион ва иродавий соҳага ҳам тегишли эканлигини қайд этмоқчимиз. Эҳтимол, айнан шу сабабли бизнинг тадқиқотда ўнг қўли (аниқроғи, унинг чап яримшардаги маркази) устунлик қилган ўғил болаларда узоқни кўзлайдиган “Хаёл” шкаласининг юқори қийматлари қайд этилган бўлса, ажаб эмас.

“Қарсак чалиб олқишлаш” функционал синови натижаларига кўра эса (3-жадвал) чап қўли етакчи бўлган қизларга нисбатан ўнг қўли (чап яримшари) етакчи бўлган қиз болалар Б. Қодиров сўровномасидаги Эмоционаллик шкаласи бўйича ишонч даражасида паст қийматларга эга бўлган эканлар (U=390,5, p<0.05). Бу ерда ҳам методика шкалаларининг қийматлари тескари мазмунни англатишини қайд этган ҳолда таъкидлаш мумкинки, “қарсак чалиб олқишлаш”да ўнг қўлнинг (яъни чап яримшарнинг) функционал доминантлиги қиз болаларда эмоционаллик хусусиятининг ривожланишига маълум маънода асос бўлиб хизмат қилар экан. Албатта, айрим мутахассислар бу натижага эътироз билдириб, эмоционаллик чап эмас, балки кўпроқ ўнг яримшар фаолиятига тегишли хусусият деб таъкидлашлари мумкин. Лекин биз методикадаги “Эмоционаллик” шкаласининг таркибига кирувчи саволларнинг мазмунини таҳлил қилганимизда, уларнинг аксарияти айнан ижобий эмоционал кечинмаларни англатувчи саволлар эканлигига гувоҳ бўлдик. Ижобий эмоционал ҳолатлар эса кўпгина замонавий тадқиқотларнинг гувоҳлик беришича, миянинг айнан чап яримшари функционал фаоллиги билан узвий боғлиқдир. Демак, эмоционаллик хислатининг ижобий ва салбий йўналишлари миянинг ҳам чап ва ҳам ўнг яримшарлари томонидан таъмин этилишини ҳисобга олган ҳолда уларни алоҳида тарзда баҳолаш ёки ижобий ва салбий ишорали эмоционалликни аниқроқ ташхис этиш мақсадга мувофиқ деган хулосага келиш мумкин [4].

“Қарсак чалиб олқишлаш” саволи бўйича олинган натижаларга кўра чап қўли (ўнг яримшари) етакчи бўлган қизлар Шахснинг етакчи репрезентатив тизимини аниқлаш тестидаги “Кўриш сезгиси” шкаласи бўйича ишонч даражасида юқори қийматларга эга бўлган эканлар (U=377,5, p<0.05). Демак, бу функционал синов бўйича чап қўли етакчи бўлган қиз болалар ўзларидаги образли тасаввурларнинг кучлилиги билан, “юз марта эшитгандан кўра бир марта кўрган афзал” кабилида иш тутишлари билан ажралиб турсалар керак, яъни “баъзан, ўз кўзим билан кўриб, қўлим билан ушлама-

гунимча ишона олмайман”, деб ўзларини таърифлайдиган кишилар тоифасига кирсалар ажаб эмас.

3-жадвал

Когнитив стиль хусусиятларининг "Қарсак чалиб олқишлаш" функционал синови кўрсатгичларига боғлиқлигини жинс кесимида ўрганиш (Манн-Уитни мезони асосида)

Кўрсаткичлар	Ўғил болалар				Қиз болалар			
	Ўртача ранглар		U	p	Ўртача ранглар		U	p
	Чап (N=150)	Ўнг (N=133)			Чап (N=45)	Ўнг (N=29)		
Эмоционаллик	155,5	137,8	6334	0,123	45,8	34,0	390,5	0,031*
Кўриш	145,4	141,0	7011,5	0,696	46,3	33,8	377,5	0,019*

Изоҳ :*p<0.05 ишонч даражасида

Энди юқорида тавсифлаб берилган барча тадқиқот натижаларини умумлаштириб, яхлит тарзда тақдим этишга ҳаракат қиламиз (4-жадвал). Жадвалдан кўриниб турганидек, тадқиқот натижаларига кўра “кафт ва бармоқларни бирлаштириш” функционал синови фақат ўғил болаларда рефлексияга мойиллик ва прагматиклик хусусиятларини белгилаб берувчи омил бўлиб хизмат қилар экан. “Қарсак чалиб олқишлаш” функционал синови эса, аксинча, фақат қиз болаларда эмоционаллик хусусияти ва кўриш сезгисининг устунлик қилиши билан боғлиқ эканлиги аниқланган. “Наполеонга тақлид” функционал синови бўйича ўнг ёки чап қўлнинг етакчилик қилиши ўғил болаларда Хаёл шкаласининг юқори ёки пастлиги билан боғлиқ бўлса, қиз болаларда экстраверсия-интроверсия хусусияти билан боғлиқликни намоён этар экан. Ушбу маълумотлар шундан гувоҳлик бермоқдаки, “кафт ва бармоқларни бирлаштириш” функционал синови, асосан, ўғил болаларда у ёки бу когнитив стилнинг шаклланишига ёрдам берса, “Қарсак чалиб олқишлаш” функционал синови, аксинча, фақат қиз болалардаги когнитив стилнинг шаклланиши билан боғлиқ экан. “Наполеонга тақлид” функционал синови эса ҳар иккала жинс вакилларида ўзига хос тарзда ҳар хил когнитив стилларнинг шаклланиши билан боғлиқликни намоён этмоқда.

4-жадвал

Мануал асимметрия ва когнитив стиль орасидаги статистик боғлиқликларнинг жинс хусусиятларини ўрганиш натижалари

ФУНКЦИОНАЛ СИНОВЛАР	Қиз болалар *(эмоционал-перцептив хусусиятлар)*	Ўғил болалар *(ақлий фаоллик билан боғлиқ хусусиятлар)*
Кафт ва бармоқларни бирлаштириш	–	Рефлексияга мойиллик (ўнг қўл), Прагматиклик (чап қўл)
Наполеонга тақлид	Экстраверсия (ўнг қўл)	Хаёл (ўнг қўл)
Қарсак чалиб олқишлаш	Эмоционаллик (ўнг қўл), Кўриш сезгиси (чап қўл)	–

Бу ерда эътиборга лойиқ бўлган яна бир муҳим ҳолат шундан иборатки, “кафт ва бармоқларни бирлаштириш” функционал синови рефлексивлик, прагматиклик каби у ёки бу ақлий фаолият услубига доир хусусиятларнинг тараққий этганлиги билан боғлиқ бўлса, “Қарсак чалиб олқишлаш” функционал синови эмоционаллик, кўриш сезгисининг устунлиги каби эмоционал-перцептив хусусиятлар шаклланиши билан ҳамоҳангликни намоён этмоқда. Маълумки, ақлий фаоллик билан боғлиқ хусусиятлар кўпроқ ўғил болаларга хос бўлса, эмоционал-перцептив хусусиятлар асосан қиз болаларда яхшироқ тараққий этган бўлади ва айнан шу сабабли, ўғил болаларда “кафт ва бармоқларни бирлаштириш” функционал синови, қиз болаларда эса “қарсак чалиб олқишлаш” функционал синови муайян когнитив стиллар билан ўзаро статистик боғлиқликни намоён этган бўлса, ажаб эмас.

Ҳар иккала жинс вакилларида турли когнитив стиль хусусиятлари билан статистик боғлиқликни намоён қилган “Наполеонга тақлид” функционал синови бўйича ҳам қизиқарли натижалар қўлга киритилганлигини эътироф этишимиз мумкин. “Наполеонга тақлид” функционал синови бўйича ўнг қўлнинг етакчилик қилиши қиз болаларда ташқи оламга йўналганлик, атрофдаги инсонлар билан

мулоқотдан қувват ва завқ олишга мойилликнинг кучли ифодаланганлиги (яъни экстраверсия) билан боғлиқ эканлиги аниқланди. Худди шу тоифадаги ўғил болаларда эса ижодий фаоллик, келажакка йўналтирилган тасаввурлар асосида ётган фаол хаёлий образлар қуришга мойилликнинг кучлилиги (Хаёл шкаласи тимсолида) кузатилар экан. Яъни ушбу натижалар, умуман олганда, ўнг ёки чап қўлнинг етакчилик қилиши ўғил болаларда ақлий фаоллик билан алоқадор хусусиятларнинг тараққий этиши билан, қиз болаларда эса эмоционал-перцептив хусусиятлар шаклланганлиги билан боғлиқ эканлигини тасдиқламоқда.

Табиийки, мануал асимметрия типлари билан когнитив стиллар орасидаги бундай статистик боғлиқликларнинг аниқланиши "мануал асимметрия когнитив стилга бевосита таъсир кўрсатади", деган хулосага келишимизга мутлақо асос бўла олмайди. Адабиётлар таҳлилида таъкидлаб ўтилганидек, мануал асимметрия ҳам, когнитив стиль ҳам мия функционал асимметриясининг инсон танаси ва психикасида ўзига хос тарзда намоён бўлиш шакллари бўлиб ҳисобланади. Ўнг қўл ҳаракатларини бошқарувчи функционал марказлар миянинг чап яримшарида, чап қўл ҳаракатлариники эса, аксинча, ўнг яримшарда жойлашганлиги ҳақидаги маълумотлардан келиб чиқиб, тадқиқотимизда иштирок этган қиз ва ўғил болаларда турли когнитив стиль тизимларининг қайси мия яримшари фаолияти билан кўпроқ боғлиқ эканлиги ҳақида мушоҳада юритишимиз ва тегишли тахминларни илгари суришимиз мумкин (5-жадвал).

5-жадвал

Қиз ва ўғил болаларда когнитив стиль шаклланишининг мия яримшарлари фаолияти билан ўзаро алоқадорлиги бўйича умумлаштирувчи маълумотлар

Мия яримшарлари	Қиз болалар	Ўғил болалар
Чап яримшар	Ижобий эмоционаллик, ташқи оламга йўналганлик	Рефлексив мулоҳаза юритиш, хаёл ва образли тасаввурларни бошқариш
Ўнг яримшар	Кўриш аъзолари ва образли тасаввурларнинг етакчилик қилиши	Амалиётга йўналганлик, турли ғояларни тезлик билан амалиётга жорий этишга интилиш

Демак, эмпирик тадқиқотимиздан келиб чиқадиган умумий тахминимиз шундан иборатки, миянинг чап яримшари фаоллиги қиз болаларда асосан ижобий эмоционаллик, ташқи оламга йўналганлик хислатлари билан, ўғил болаларда эса рефлексив мулоҳаза юритиш, хаёл ва образли тасаввурларни бошқариш имкониятларининг юқорилиги билан боғлиқ экан. Ўнг яримшарнинг фаоллиги эса, бизнинг назаримизда, қиз болаларда кўриш аъзолари ва образли тасаввурларнинг етакчилик қилиши билан, ўғил болаларда амалиётга йўналганлик, турли ғояларни тезлик билан амалиётга жорий этишга мойилликнинг кучлилиги билан боғлиқликни намоён этмоқда.

Хулоса ва таклифлар. Ушбу тадқиқотимизда ўғил ва қиз болаларда когнитив стиль шаклланиши уларнинг жинс хусусиятлари орқали мануал асимметрия билан боғлиқ эканлиги кузатилди. Жумладан, "кафт ва бармоқларни бирлаштириш" функционал синови фақат ўғил болалар гуруҳида бир қанча статистик аҳамиятли фарқларни намоён қилган бўлса, "қарсак чалиб олқишлаш" функционал синови натижалари, аксинча, фақат қиз болаларнинг у ёки бу когнитив стиль хусусиятлари билан боғлиқликни намоён қилар экан. Шу билан бирга, "Наполеонга тақлид" функционал синови, ҳам қиз болалар, ҳам ўғил болаларнинг когнитив стиль хусусиятлари билан боғлиқ эканлиги аниқланди. Демак, мануал асимметрияни аниқлашга қаратилган функционал синовлар ёрдамида у билан боғлиқ бўлган шахснинг муайян когнитив стиль хусусиятларини ҳам ташхис этиш мумкин ва бунда албатта ташхис этилувчининг жинси эътиборга олиниши шарт экан. Мазкур натижаларга асосланган ҳолда мануал асимметрия ва когнитив стиль ўртасида узвий боғлиқлик ва бу боғликликни таъминлайдиган умумий асос мавжуд эканлиги ҳақидаги тахминларимиз маълум даражада ўз тасдиғини топганлигини таъкидлаш мумкин.

Умуман олганда, ушбу тадқиқотда олинган натижалар шу соҳада амалга ошириладиган келгуси тадқиқотлар учун ҳам муайян маънода асос бўлиб хизмат қилади, деган умиддамиз.

Адабиётлар

1. Ананьев Б.Г. Билатеральное регулирование как механизм поведения // Вопросы психологии. 1963. – С. 83-98.

2. Брагина Н. Н., Доброхотова Т. А. Функциональная асимметрия человека. – 2-е изд., перераб. и доп. М.: Медицина, 1988. – 240 с.

3. Геодакян В.А. Эволюционная теория пола. Журнал «Природа», 1991. N 8, с. 60-68.

4. Деглин В.Л. Функциональная асимметрия – уникальная особенность мозга человека. Наука и жизнь. – 1975. – №1, С. 104–115.

5. Доброхотова Т.А., Брагина Н.Н. Методологическое значение принципа симметрии в изучении функциональной организации человека // Функциональная межполушарная асимметрия. Хрестоматия. Под ред. Н.Н. Боголепова, В.Ф. Фокина. – М: Научный мир, 2004. – 728 с.

6. Ильин Е.П. Психология индивидуальных различий. – СПб.: Питер, 2004. – 701 с.

7. Райгородский Д.Я. «Практическая психодиагностика. Методики и тесты». Самара: Издательский дом "Бахрах-М", 2008.

8. Суворова В.В. Функциональная асимметрия полушарий как проблема дифференциальной психофизиологии // Вопр. психол. 1975. No5. С. 26–33.

9. Суворова В.В., Матова М.А., Туровская З.Г. Генетическая обусловленность леволатеральных признаков // Новые исследования в психологии. 1998. – С.28-33.

10. Холодная М.А. Когнитивные стили как проявление своеобразия индивидуального интеллекта. – Киев: УМК ВО. 1996.

11. Қодиров К.Б. Қўл устунлиги ва унга таъсир этувчи омиллар. Низомий номли ТДПУ. “Педагогик таълим” журнали №1. Тошкент, 2001. – Б. 46–48.

12. Библиотека Ихтика: http://ihtik.lib.ru/2013.05_ihtik_psychology/2013.05_ihtik_psychology_6553.rar (Методическое пособие Шалаевой Т.И. – Использование типологического опросника Майерс-Бриггс в практике работников службы занятости) (Мурожаат қилинган сана: 28.07.2015 й.).

13. Психологические тесты: http://psysphera.narod.ru/Test/Test.html (Опросник стилей деятельности СД-36) (Мурожаат қилинган сана: 24.07.2015й.).

14. Твоя Йога: http://youryoga.org/tests/test7.htm (Тест на определение ведущей системы восприятия мира) (Мурожаат қилинган сана: 26.07.2015й.).

15. Функциональная межполушарная асимметрия: http://cerebral-asymmetry.narod.ru/hrestomatia1.pdf (Хрестоматия по межполушарной асимметрии (учебник, выпущенный в 2004 год, под. ред. Н.Н. Боголепова, В.Ф. Фокина) (Мурожаат қилинган сана: 20.07.2015й.).



Dilafro`z SAYFULLAYEVA
Buxoro muhandislik-texnologiya instituti tayanch doktoranti

JISMONIY IMKONIYATI CHEKLANGAN YOSHLARNI KASB-HUNARGA TAYYORLASHDA "O'Z – O'ZINI BOSHQARISH" TA'LIM TEXNOLOGIYASIDAN FOYDALANISH IMKONIYATILARI

Ushbu maqolada imkoniyati cheklangan o'quvchilarni kasb-hunarga tayyorlashda maxsus fanlarni o'qitish jarayonida o'z-o'zini boshqarish texnologiyasidan foydalanishning imkoniyatlari nazariy jihatlari yoritilgan.

Tayanch tushunchalar: *imkoniyati cheklangan, kasb-hunarga tayyorlash, ishlab chiqarish, o'qituvchi, o'quvchi, obyekt, subyekt.*

В данной статье раскрываются теоретические аспекты и возможности использования технологии "Самоуправление" в процессе преподавания специальных дисциплин при подготовки к профессии молодёжи с ограниченными физическими возможностями.

Опорные понятия: *ограниченная возможность, подготовка к профессии, производить, учитель, ученик, объект, субъект.*

This article illuminates the theoretical aspects of the use of self-management technology in the teaching of special subjects in vocational training for children with disabilities.

Supporting concepts: *limited by an opportunity, preparation for a profession to make, the teacher, the pupil, an object, the subject.*

Mamlakatimizda imkoniyati cheklangan yoshlarni tarbiyalash va o'qitishga alohida e'tibor qaratilmoqda. Jismoniy va ruhiy rivojlanishida nuqsoni bo'lgan, shuningdek, ko'zi ojiz yoshlarni ixtisoslashtirilgan maktab va kollejlarga jalb etish, hunar egallash va ishlab chiqarish muhitida mustaqil kasbiy faoliyat olib borish huquqini ta'minlash tizimi yaxshi yo'lga qo'yilgan. Ta'lim sohasidagi islohotlar borasida belgilangan "Imkoniyati cheklangan shaxslarni davlat tomonidan qo'llab-quvvatlashni kuchaytirish, ijtimoiy xizmat ko'rsatishni yaxshilash, sifatli ta'lim xizmatlari imkoniyatlarini oshirish" [1] hamda "Nogironligi bo'lgan shaxslarning ijtimoiy moslashuviga ko'maklashishni ta'minlash" [2] kabi ustuvor vazifalarni amalga oshirishda jismoniy imkoniyati cheklangan yoshlarni kasb-hunarga o'rgatish jarayonini takomillashtirish, ilg'or tajribalar va pedagogik texnologiyalardan samarali foydalanish zarurati yuzaga kelmoqda. Xususan, jismoniy imkoniyati cheklangan yoshlarni kasb-hunarga o'rgatishda maxsus fanlarni o'qitish jarayoniga individuallashtirilgan texnologiyalarni tatbiq qilish muhim ahamiyat kasb etadi. Hozirgi paytda ixtisoslashtirilgan kollejlarda maxsus fanlarni o'qitish an'anaviy ta'lim asosida amalga oshiriladi. An'anaviy ta'lim xuddi tosh otish trayektoriyasiga o'xshab soddalashtirilgan pedagogikaga bo'ysunadi, ya'ni toshning boshlang'ich tezligi bir xil bo'lib, uning qayerga va qanchalik uzoqqa tushishini hal qiladi. Maxsus pedagogikada esa bunday yondashuv yaxshi natija bermaydi. Imkoniyati cheklangan yoshlarni kasb-hunarga tayyorlashda individual yondashuv talab etiladi.

Ixtisoslashtirilgan kollejlarda hamda umumta'lim maktablar huzuridagi o'quv ishlab chiqarish kombinatlarida imkoniyati cheklangan o'quvchilarni kasb-hunarga tayyorlashda maxsus fanlarni o'qitish jarayonida individual yondashuvdagi o'z-o'zini boshqarish texnologiyasini qo'llash yaxshi samara beradi.

O'z-o'zini boshqarish ta'limida dars jarayonini tashkil qilish nazariy jihatdan yondashuvni talab etadi. Bu holatni uning didaktikaning asosini belgilovchi funksiyalardan biri sifatida quyidagicha ta'rif berishganini ko'rish mumkin: "O'qish, o'rganish, o'qitish va o'rgatish hamda tarbiya bu didaktikaning o'zaro bog'langan doimiy faoliyat ko'rsatish funksiyasi bo'lib hisoblanadi". O'z-o'zini boshqarish ta'limi an'anaviy texnologiyalaridan farqli ravishda imkoniyati cheklangan o'quvchilarga kasbiy amallarni o'rganishda o'z-o'zini namoyon qilishning juda yuqori darajasini belgilaydi va bilimlarni uzatish nazariyasidan va o'z-o'zini boshqarish ta'limiga o'tishni bildiradi.

Ixtisoslashtirilgan kollejlarda maxsus fanlarni o‘qitishda o‘z-o‘zini boshqarish ta’limini tashkil etish, asosan mustaqil o‘rganish jarayoniga va o‘quv harakatlariga tayanadi, hamda uning belgilari bo‘lib quyidagilar hisoblanadi:

- faoliyatga yo‘naltirilgan;
- o‘z-o‘zini boshqaradigan;
- faol mustaqil harakat;
- kompetensiyani rivojlantiruvchi;
- o‘qitishning texnik vositalaridan samarali foydalanish.

Jismoniy imkoniyati cheklangan yoshlarni kasb-hunarga o‘rgatish jarayonida “O‘z-o‘zini boshqarish ta’limi”ni joriy qilish yangi o‘quv madaniyatini talab etadi va o‘quv jarayonidagi o‘zgarishlarni ko‘zda tutadi. Bu esa tizimli yondashuvni talab qiladi. Maxsus fanlarni o‘qitish jarayoniga keladigan bo‘lsak, o‘qituvchi subyekt sifatida obyekt bilan ya’ni o‘quvchi bilan hamkorlikdagi faoliyati “o‘qitish” shaklida ekanligini ko‘rish mumkin. Harakat nazariyasi nuqtayi nazaridan qaraydigan bo‘lsak, o‘quvchining fanni o‘zlashtirishda “subyekt-obyekt” tarzida aloqa o‘rnatiladi (1-chizma). Ikkinchi faoliyat esa “o‘qitish-o‘qish” shaklida namoyon bo‘ladi.



1-chizma. Asosiy didaktik harakatlar

Asosiy didaktik harakatlar orqali o‘qituvchi faoliyatining maqsadi va vazifasi aniqlanadi. O‘qituvchining vazifasi o‘qitish jarayonini tashkil qilishda shart-sharoitlar yaratish hamda ikkinchi darajali “subyekt-obyekt” aloqasini o‘rnatishdan iborat bo‘lishi kerak.

O‘qituvchining faoliyatidagi jarayonlar ushbu modelning obyektiv mazmunini tashkil etadi. Shaxsninng rivojlanishiga asosiy ta’sirni muhit ko‘rsatadi, “faoliyat” tushunchasi ega insonning atrof-muhitda o‘z shaxsiy ehtiyojlarini qondirishi deb tushinish mumkin.

O‘z-o‘zini boshqarish texnologiyasida faoliyat harakatlar orqali amalga oshadi. Shu sababli, maxsus fanni o‘qitishda jismoniy imkoniyati cheklangan o‘quvchi faoliyatini butun harakat modeli sifatida ko‘z oldimizga keltirishimiz kerak. Agar o‘qituvchi nuqtayi nazaridan qaraydigan bo‘lsak, bu o‘quv harakatlari hisoblanadi. Shu bilan birga, o‘quv harakatlari o‘z yo‘nalishini yo‘qotishi mumkin, ayniqsa, jismoniy imkoniyati cheklangan o‘quvchiga maxsus fanlarni o‘qitishda bu jarayon kuzatilishi mumkin. Shuning uchun ham bu harakatlarni doim tuzatib va nazorat qilib turish kerak. Bu model bo‘yicha har bir mashg‘ulotidagi holat boshqa darslarda qaytarilmasligi kerak. Shuningdek, o‘qituvchi o‘ziga xos chalg‘ituvchi sharoitlarni yaratmasligi kerak ya’ni “to‘ldiruvchi harakatlar” qilishiga xalaqit bo‘lmasligi lozim. O‘qituvchi shu talab asosida ishlashi lozim.

Bizning kuzatishlarimiz shuni ko‘rsatdiki, bugungi kunda an’anaviy o‘qitish texnologiyasi o‘z faoliyatini to‘xtatdi. An’anaviy o‘qitishda faqatgina o‘qituvchi tomonidan rejalashtirilgan o‘quv materialini o‘zlashtirish talab etiladi. Shuning uchun biz taklif etgan texnologiya bo‘yicha pragmatik fikr g‘oyalarni nazariy jihatdan asoslab berishga harakat qilamiz. Bizning fikrimizcha, pedagogik jarayon bu uzoq davom etuvchi katta darajadagi jarayon hisoblanib, ko‘pchilik holatlarda uzoq davom etish bilan o‘z ta’sirini ko‘rsatadi. Shu tariqa pedagogik jarayonning harakat nazariyasiga katta ahamiyat beriladi, chunki bu mustaqil harakatlarning asoslanishiga imkon beradi.

Biz maxsus fanlarni o‘qitish jarayonida mustaqil harakatlarni o‘z-o‘zini tashkil qilish tizimiga to‘xtalamiz.

Shaxsning rivojlanishini sabablardan qidirmaslik kerak. Majmuaviy tizim butun holda narsa barchaga ta’sir qiladi va qaytma aloqa sifatida asta-sekin namoyon bo‘ladi. Yevropa pedagog olimlari F. Kremer fikriga ko‘ra “Amalda barcha jarayonlarning qaytma aloqasi bo‘ladi”.

Olimning bosh miya faoliyati yuzasida tajribalari shuni ko‘rsatdiki, fikrlash bu hissiyot bo‘lib, qabul qilishning majmuaviy xaotik bog‘lanishidan boshlab, qaytma aloqa bilan bog‘langan holda limbik tizimlarning bosh miya qovug‘idan o‘tadi. Bosh miya qovug‘i ma’lumotini qabul qilish orqali tanlaydi yoki tasavvur qiladi. Bu qabul qilingan axborot esa qaytma aloqa yordamida jo‘natiladi. Natijada bunday ko`p sonli takrorlanish orqali axborotlar fikr yoki tasavvur sifatida shakllanadi. H. Horsch va Volfram [5] fikriga ko‘ra fikrni qabul qilishning qisqartirilgan turi sifatida ko‘radi. “Bu” fikrlar bilan qaytma aloqa jarayonida boshqa qabul qilish turlari topiladi. Bunday aylanishlar natijasida hosil bo‘lgan boshqa qabul qilishlar fikrni shakl sifatida inkor qiladi. Shuningdek, Piaje [4] fikriga ko‘ra “Biologiya va anglash” nomli ilmiy ishida buni qo‘yidagicha aniqlaydi: “Tashkil qilishning tuzilishini yetarli darajada tahlil qilish uchun bizga *davriy* ketma-ketlik ma’nosi yetishmaydi, bu esa yana bir aniq belgi hisoblanadi. Iyerarxik ketma-ketlikning o‘ziga xos jihatlarining barcha taniqli xususiyatlari bo‘lishiga qaramay buni differensiyalash orqali tushunish mumkin. Iyerarxik ketma-ketlikda tizimlarning ochilishi va atrof-muhit bilan almashinuvi shaklni saqlab qolishda yetarli emas. Shakllar, qiyofalar qaytma aloqa sharofati bilan saqlanadi va e’tirof etiladi.

Keyingi savol esa bizni muammomizning yechimiga olib keladi. Shaxsning rivojlanishini saqlash va ta’minlash uchun fundamental jarayonlarning qaysi biri qaytma aloqa orqali jarayon hisoblanadi?

O‘z-o‘zini tashkil qilishni materiyaning xususiyati deb hisoblagan Kremerga qaytamiz. Uning fikricha, “inson materiyasi” tashkil qilgan faoliyat, bu qaytma aloqa jarayonidir!

Insonning o‘z-o‘zini tashkil qilishidagi ehtiyoji “turtki” bo‘ladi. Shuningdek, qaytma aloqani ishga tushiruvchi omil hisoblanadi. Agar insonning ichki va tashqi ehtiyojlari sharoitlar orqali faollashtiradigan bo‘lsa, unda ular faoliyat uchun qiziqish hisoblanadi. Insonda yangi ehtiyojlarni vujudga kelishi bilan harakat natijalari paydo bo‘ladi.

O‘z mavqeyini bilish nazariyasiga binoan qiziqish insonda ichki (tug‘ma) xohish, o‘z dunyosini tadqiqot qilish, tushunish va o‘ziga olish kabilar borligini aytadi. “Dunyo bilan faol muloqot qilish motivatsiyasi inson rivojlanishining boshlang‘ich davrida beriladi va tashqi turtkiga muhtoj” bo‘ladi. Yuqorida aytilganlarni quyidagi chizma orqali ko‘rish mumkin:



2-chizma. Faoliyat - qaytma aloqa jarayoni

Agar aniqroq ko‘rib chiqadigan bo‘lsak, bu model to‘liq emas. Faoliyat maqsadi va yo‘nalishi aniq harakat orqali namoyon bo‘ladi. Harakatning bajarilishi va to‘g‘rilanishi sharoit va ehtiyojlarni o‘zgartiradi yoki ta’sir ko‘rsatadi.



3- chizma. Faoliyat va harakat - qaytma aloqa jarayoni sifatida.

3-chizmada qaytma aloqaning quyidagi tanlangan bir necha turi keltirilgan bo‘lib, unda barcha xususiyatlar va muloqotlar to‘liq ko‘rsatilmagan. Biz qaytma aloqani turlarining har birini nazariy jihatdan talqin qilamiz. Unda ko‘rsatilgan qaytma aloqa ko‘p energiyani talab qiladi. Bunday turdagi tizimda kutilmagan o‘zgarishlar yuzaga kelishi yoki shaxsning shakllanishiga qaratilgan holda tartib hosil bo‘lishiga olib keladi. Bunday taxminlar esa juda chegaralangan. Qaytma aloqani orqaga qaytarib bo‘lmaslik bu harakat yo‘nalishini o‘zgartirish emas. Bu xususiyat o‘z-o‘zidan trivial hisoblanadi. Chunki faoliyatning vaqt funksiyasi, mavjud bo‘lib vaqtni esa orqaga qaytarib bo‘lmaydi. Biz esa, chizmada ko‘rsatilgan jarayonning tuzilishini gipersikl nazariyasi yordamida ko‘rsatilgan deb hisoblaymiz. Gipersikllar nazariyasi bu molekulalarning o‘z-o‘zini tashkil qilishni ta’riflaydi. Ushbu nazariya bo‘yicha ikkita sharoit nomlanishi “faoliyat – harakat” qaytma aloqa jarayonida aniq namoyon bo‘ladi. Bir tomondan mavjud bo‘lgan faoliyat jarayonidagi axborot saqlanadi va natija olingan bo‘lsa o‘zgarishsiz uzatilish kuchiga ega bo‘ladi, ikkinchi tomondan esa energetik minimumga kirmay turib muloqotga kirishish kuchiga ega bo‘ladi.

Imkoniyati cheklangan o‘quvchilarni kasb-hunarga tayyorlash jarayonida ularning harakatidagi mustaqillikni shakllantirish murakkab jarayon bo‘lib, ularda bu qobiliyat bir necha darajali qaytma aloqalar natijasida asta-sekin shakllanadi. Bu holatni tushuntirish uchun quyidagi nazariyasiga murojaat qilamiz: imkoniyati cheklangan yoshlar mustaqil harakatlarning rivojlanish darajasining faolligini barcha harakatlarning mustaqil bajarilishida deb tavsiflash mumkin. Agar o‘qituvchi o‘quvchining rivojlanish darajasida ish olib borsa, bu rivojlanishda turg‘unlik bo‘ladi, ya’ni shaxsning rivojlanishi operatsiya yoki harakatning shakllanishiga bog‘liq bo‘lib qolishi mumkin. Shuning uchun faoliyatlar va amallarni rivojlanishning keyingi nuqtasiga e’tibor qilgan holda bajarish kerak. Bu nuqtada kamida bitta harakat bo‘lib, o‘quvchilar uni mustaqil bajara olmaydi. O‘qituvchining asosiy pedagogik vazifasi jismoniy imkoniyati cheklangan o‘quv-

chilarning mustaqil ishlash harakatlarini tashkil etish va boshqarish hisoblanadi. Didaktik talablar esa o‘quv harakatlarini ishga tushirish mexanizmidir. Maxsus fan o‘qituvchisining o‘quv maqsadiga muvofiq didaktik talablarni qabul qilishi hal qiluvchi ahamiyatga ega. Talab darajalari oshirilgan vazifalar, yangi harakatlarning rivojlanishdagi dolzarb darajalariga va ularni ishlab chiqish rivojlanishga olib keladi. Maxsus fan o‘qituvchisida harakatlarni yo‘naltirish, to‘g‘rilash va nazorat qilish vazifalari bor. O‘quv harakatlarini bajarishning o‘cishi bilan harakat darajalari ham oshadi. Rivojlanish jarayonining dastlabki bosqichida vazifalar aniq ifodalangan bo‘ladi, keyinchalik o‘zining ahamiyatini yo‘qotmaguncha orqada qoldiriladi. Bu barcha rejalashtirilgan harakatlarning o‘quvchi tomonidan mustaqil bajarilish ko‘rsatkichi hisoblanadi. Shu bilan birga jismoniy imkoniyati cheklangan o‘quvchilar ham o‘z harakatlarining yuqori darajasiga etganligini bildiradi. U o‘z rivojlanishining yuqori darajali talablariga nisbatan rivojlanishning dolzarb darajasida joylashgan bo‘ladi. Bu darajadagi navbatdagi harakatlar rivojlanishga turtki bo‘ladi. Shu bilan birga jismoniy imkoniyati cheklangan o‘quvchilarning yangi yuqori darajali rivojlanish darajasidagi o‘zgarmas o‘lchamiga tegishli pedagogik jarayon boshlanadi. Bu esa maxsus fan o‘qituvchisining pedagogik maqsadlarini jamlab, harakatlar rivojlanishning keyingi zonasini aniqlashtirishini taqoza etadi. Afsuski, o‘qituvchi bunga erishishi uchun o‘quv rejalarini takomillashtirish talab etiladi. O‘quv rejalari kasbiy-nazariy didaktikaga asoslangan tuzilmalarga ega. Albatta, agar o‘quv rejalari harakat nazariyasiga asoslanib ishlanganda bu o‘qituvchi uchun bebaho yordam bo‘lgan bo‘lar edi. Bunda o‘quv rejalariga harakatlarning shakllanishi to‘g‘risida guvohlik ham kirishi kerak edi.

Rivojlanishning dolzarb darajasi jismoniy imkoniyati cheklangan o‘quvchilar tomonidan mustaqil ravishda o‘qituvchining oldindan o‘ylab qo‘ygan va rejalashtirilgan harakatlari orqali amalga oshishini ham albatta ko‘rsatish maqsadga muvofiq. Maxsus fan o‘qituvchi faoliyatining ko‘p qirrali tajribasi shuni ko‘rsatadiki, pedagogik jarayonda jismoniy imkoniyati cheklangan o‘quvchilarning rivojlanishida ko‘zda tutilmagan holatlar ham yuz berishi mumkin. O‘z navbatida ularni o‘quvchi shaxsining rivojlanishiga nisbatan va undan ham muhimroq shakllangan va o‘ylab bajarilgan harakatlarda ko‘ramiz!

Yuqorida aytilganlarni shunday xulosalash mumkin:

1. Imkoniyati cheklangan yoshlarning kasb-hunarga o‘rgatish jarayonida mustaqil harakatlarning shakllanishi ta’riflangan barcha xususiyatlar mavjud bo‘lib, bu 4-rasmdagi ko‘rsatilgan faoliyat jarayoni hisoblanadi.

2. Jismoniy imkoniyati cheklangan o‘quvchi mustaqilligi qaytma aloqa orqali shakllanadi va uni oldindan rejalashtirish va taxmin qilishning iloji yo‘q.

3. Maxsus fan o‘qituvchisining vazifasi jismoniy imkoniyati cheklangan o‘quvchi mustaqil harakatlarni tashkil etish uchun shart-sharoitlar yaratishdan iboratdir. Jarayon o‘zi o‘z-o‘zini boshqarish tartibida kechadi.

Adabiyotlar

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. – Т., 2017. – Б. 39.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони // ҚҲММБ: 06/17/5270/0348-сон 04.12.2017 й.

3. Olimov Q.T. va boshqalar. Pedagogik texnologiyalar. – T.: “Fan va texnologiyalar”, 2011.

4. CRAMER, F.:Chaos und Ordnung.Frankfurt a.M.;Leipzig, 1993.

5. EIGEN,H;SCHUSTER, P.: The Hypercycle – a Principle of Natural Self –Organization.Heidelberg; New York, 1979.

6. PIAGET, J.: Biologie und Erkenntnis. Frankfurt a M., 1974.

7. HORTSCH, H.; WOLFRAM; P.: Nichtlineare Welt und Padagogik In: Wissenschaftliche Zeitschrift der TU Dresden.42(1993) 3.S



Хазрат ЖАББОРОВ
Мирзо Улуғбек номидаги
Ўзбекистон Миллий университети
таянч докторанти

ЎСМИРЛАРДА МАФКУРАВИЙ ИММУНИТЕТ ШАКЛЛАНИШИНИНГ ПСИХОЛОГИК ОМИЛЛАРИ

Мақолада ўсмирларда мафкуравий иммунитет шаклланишида психологик ҳимоя механизмлари, таянч эътиқодлар, ва субъектив назорат локуси каби психологик омилларнинг таъсири илмий тадқиқ қилинади.

Таянч тушунчалар: *мафкура, мафкуравий иммунитет, психологик ҳимоя механизми, таянч эътиқод, субъектив назорат локус, "сиқиб чиқариш", "регрессия", "ўрнини алмаштириш", "инкор этиш", "проекция" (кўчириш), "компенсация", "реактив образ", "интеллектуализация".*

В статье исследуются воздействия психологических факторов как локус субъективного контроля, опорное убеждение, психологический защитный механизм в формировании идеологического иммунитета у подростков.

Опорные понятия: *идеология, идеологический иммунитет, психологический защитный механизм, опорное убеждение, локус субъективного контроля, «сжимать», «регрессия», «обмен местами», «отрицание», «проекция», «компенсация», «реактивный образ», «интеллектуализация".*

In article are investigated influence of psychological factors as a locus of subjective control, basic belief, the psychological protective mechanism in formation of ideological immunity at teenagers.

Supporting concepts: *the ideology, ideological immunity, the psychological protective mechanism, basic belief, a locus of subjective control "to squeeze", "regression", "exchange the place", "denial", "projection", "compensation", "a jet image", "intellectualization".*

Маълумки, ўсмир ҳаётида ва унинг баркамол бўлиб тарбияланишида ҳамда ҳар қандай ёт, бузғунчи, вайронкор ғоя ва мафкуралардан сақланиш, ҳимояланишда мафкуравий иммунитет шаклланишининг психологик омилларни илмий жиҳатдан тўғри тадқиқ қилиш жараёни ўсмир ва унинг хулқ-атвори, маънавий тараққиётидаги ижтимоий-психологик уйғунликни таъминлаш учун зарур бўлган илмий-амалий тадбирлар кўламини ишлаб чиқиш имконини беради.

Мафкуравий иммунитет шаклланишининг психологик омиллари ҳар бир шахсдаги фаолият жараёнида содир бўлувчи ижтимоийлашув жараёни, шахс компонентлари когнитив, хулқ-атвор белгилари, иродавий эмоционал ҳолатлари, психологик ҳимоя механизмлари, таянч эътиқодлар тузилмаси, субъектив назорат локуси, қадриятлари тизими, мотивацион йўналишлари, эҳтиёжлар иерархияси билан мувофиқлаштириладиган ва бир-бирига яқинлаштириб "тенглаштириладиган" жараёнларининг кечиши билан бевосита боғлиқ. Юқорида таъкидлаб ўтилган психологик тузилмаларга асосланиб, тадқиқотимизда ўсмирларда мустаҳкам мафкуравий иммунитет шаклланишининг ижтимоий-психологик мезонлари тизимини ишлаб чиқдик ва шу тизим асосида ўсмирларда мафкуравий иммунитет шаклланганлик даражаларини ўргандик, таҳлил қилдик ва тегишли хулосалар чиқаришга ҳаракат қилдик.

Биз тадқиқотимизда мафкуравий иммунитет шаклланишининг психологик омилларини ёш, жинс ва ҳудуд жиҳатдан ҳам ўргандик ва қуйидагича эмпирик натижаларни қўлга киритдик.

Биз мафкуравий иммунитет шаклланишининг психологик омилларидан бири психологик ҳимоя механизмларини йигитлар ва қизларнинг орасидаги тафовутлар мавжудми ёки йўқ деган ҳолатларга қуйидагича жавоб олдик. Регрессия шкаласи бўйича ишонч даражасидаги фарқларни кузатдик ($t=3,619$; $p>0,001$). Регрессияга мойиллик қизларда юқори экан. Психологик ҳимоя механизмида регрессия ҳолатлари мослашиш ҳолатларини онгсиз ҳолатда идрок қилиниши билан боғлиқдир. Қизларда эмоционал ҳолатлар регрессив характерга эга экан. Қизларда эмоционал ҳолатларни ўзига олиш ва эмоционал ҳолатлардан фойдаланиш юқори экан. Улар маълум бир муаммога дуч келиб

қолсалар регрессия даражасининг ошиши билан чиқиб кетар эканлар. Масалан: ёш болаларга хос бўлган хусусиятларни намоён қилиши билан. Йигитларда эса бу ҳолатлар қизларга нисбатан паст экан, яъни улар регрессияга мурожаат қилмас эканлар.

	жинси	N	Ўртача қиймат	Стандарт оғиш	t	Ишонч даражаси
регрессия	кизлар	490	6,5633	2,29454	3,619	,000
	йигитлар	510	6,0235	2,42114		



Синалувчиларимизнинг реактив образ шкаласида ҳам ишонч даражасидаги жинс тафовутлари кузатилди (t=1,963; p>0,05). Бу ҳимоя механизми қизларнинг кўрсаткичда юқори эканлигини кузатишимиз мумкин. Бу механизм ўзи икки босқичда амалга оширилади. Биринчи исталмаган ҳолатлари сиқиб чиқарилади, сўнгра инкор қилинади. Масалан: ҳимояни кучайтириш инкор этиш ҳолатлари билан боғлиқ бўлиши мумкин. Қиз болаларда бу ҳолатлар йигитларга нисбатан яққолроқ кўринар экан. Маълумотлар таҳлил қилинганида қиз болаларда психологик ҳимоя йигитларга нисбатан юқорироқ экан. Бу қизларга нисбатан юқори назорат билан боғлиқ бўлиши мумкин.

	жинси	N	Ўртача қиймат	Стандарт оғиш	t	Ишонч даражаси
реактив образ	кизлар	490	6,6245	1,66947	1,963	,050
	йигитлар	510	6,4137	1,72563		



Йигит ва қизларнинг натижаларини таҳлил қилганда бошқа шкалалар бўйича ишонч даражасидаги фарқлар кузатилмади. Яъни психологик ҳимоя, таянч эътиқодлари, таҳдидлардан хабардорлик ҳолатлари жинс билан фарқланмас экан, яъни йигитлар ҳам қизлар ҳам бу фикрларга бирдек муносабатда бўлар эканлар.

Синалувчиларимизнинг ҳудудлар бўйича фарқлари ўрганилганда қуйидаги ҳолатларни кузатдик: биз ҳудудлар бўйича иккита шаҳарни қамраб олдик: Бухоро ва Тошкент. Ҳудудлар бўйича бир қатор ишончли фарқлар кузатилди. Психологик ҳимоя механизмини кузатганимизда тошкентлик ўсмирларда бухоролик ўсмирларга нисбатан сиқиб чиқариш юқори экан (t=6,513; p>0,001). Бу жараён

онгсиз равишда қабул қилинмайдиган ғояларни инкор қилади. Тошкентдаги ўсмирлар ўзларини сиқиб чиқаришга мойил деб ҳисоблашар экан.

Проекция шкаласи бўйича ҳам ишонч даражасидаги фарқларни кузатдик (t=7,689; p>0,001). Проекция бу бошқа инсонга ёки объектга нисбатан фикрларнинг кўчишидир. Масалан: ҳиссиёт, мотивлар, истаклар буни индивид онгли ҳолатда инкор қилиши мумкин. Проекциянинг ноаниқ шакллари одатий ҳаётда намоён бўлиши мумкин. Кўпгина ўсмир йигит ва қизлар ўзларининг камчилик ва нуқсонларига нисбатан танқидий назар ташлай олмайдилар. Бироқ бошқаларнинг камчиликларини осонлик билан аниқлайдилар. Проекция зарар келтирувчи бўлиши мумкин, чунки таҳлил вақтида нотўғри тавсифлаш мумкин. Проекциянинг юқорилиги бухоролик ўсмирларда Тошкентлик ўсмирларга нисбатан юқорироқ эканлиги аниқланди. Уларда кўр-кўрона хулоса чиқариш ва бунга ўз изоҳини бериш юқори эканлигини кузатдик. Тошкентлик ўсмирларда асосан далилларга таяниш ҳолатлари устун экан.

Реактив образлар ҳам бухоролик ўсмирларда юқори экан (t=5,072; p>0,001). Бухоролик синалувчиларда исталмаган ҳолатлари сиқиб чиқарилар экан. Сўнгра инкор қилинади. Масалан: ҳимояни кучайтириш инкор этиш ҳолатлари билан боғлиқ бўлиши мумкин. Бу айнан яшаш ҳудудига боғлиқ бўлиши тасодифий эмас, яъни психологик ҳимоя механизми Тошкентда эмас, балки Бухородаги ўсмирларда юқорироқ эканлиги яққол намоён бўлди.



	ҳудуди	N	Ўртача қиймат	Стандарт оғиш	t	Ишонч даражаси
Инкор этиш	Тошкент	465	8,1333	2,14844	-,577	,564
	Бухоро	535	8,2037	1,70853		
Сиқиб чиқариш	**Тошкент**	**465**	**5,6688**	**2,19570**	**6,513**	**,000**
	Бухоро	**535**	**4,7981**	**2,02983**		
регрессия	Тошкент	465	6,3462	2,28246	,727	,468
	Бухоро	535	6,2374	2,45211		
компенсация	Тошкент	465	6,6473	1,89723	-,129	,897
	Бухоро	535	6,6617	1,56493		
проекция	**Тошкент**	**465**	**8,9312**	**2,11001**	**-7,689**	**,000**
	Бухоро	**535**	**9,8991**	**1,87060**		
Ўрин алмаштириш	Тошкент	465	5,6409	2,34935	,909	,364
	Бухоро	535	5,5103	2,19281		
интеллектуализация	Тошкент	465	7,2731	1,58951	-1,599	,110
	Бухоро	535	7,4449	1,78010		
реактив образ	**Тошкент**	**465**	**6,2280**	**1,61475**	**-5,072**	**,000**
	Бухоро	**535**	**6,7682**	**1,73489**		

Янов Булманнинг “Таянч эътиқодлар” методикаси бўйича барча шкалалари ишонч даражадаги фарқлар мавжудлигини кузатишимиз мумкин. Демак, таянч эътиқодларнинг шаклланишига синалувчиларимизнинг қайси ҳудудда яшаётганлиги таъсир кўрсатар экан. **Инсонларни яхшилигига**

(t=4,251; p>0,001) ишониш Бухородаги ўсмирларда юқори экан, улар инсонлар ҳар доим яхшилик қилади деб кўпроқ ишонишар экан, Тошкентлик ўсмирлар бунга шубҳа билан қарар эканлар.



Юқоридаги чизмадан кўриниб турибдики, **ҳаётнинг одиллиги**а ҳам бухоролик ўсмирлар тошкентлик ўсмирларга нисбатан кўпроқ ишонишар экан (t=2,998; p>0,01). Тошкентлик ўсмирларда бу ҳолатга нисбатан ўз шубҳа гумонлари мавжуд экан. **Ҳаётнинг бошқарилувчанлиги бўйича ҳам** бухоролик ўсмирларнинг натижалари юқори чиқди (t=7,882; p>0,001). **Тасодифларга ҳам** бухоролик ўсмирлар кўп ишонишар экан (t=4,888; p>0,001). Синалувчиларимиз қанчалик кичик ҳудудда яшасалар, уларнинг таянч эътиқодлари шунчалик собит бўлар экан. Улар қанчалик катта ҳудудда яшасалар, уларнинг эътиқодларида суст муносабатлар шаклланиши мумкин экан. Бу ҳолатларни кейинги жадвалда яққолроқ кузатишимиз мумкин.

	ҳудуди	N	Ўртача қиймат	Стандарт оғиш	t	Ишонч даражаси
дунёни билиш	Тошкент	465	3,0925	,61417	-,738	,461
	Бухоро	535	3,1252	,76757		
инсонларни яхшилиги	Тошкент	465	2,8989	,83078	-4,251	,000
	Бухоро	535	3,1308	,88563		
ҳаётнинг одил-лиги	Тошкент	465	2,8473	,83325	-2,998	,003
	Бухоро	535	3,0000	,77653		
ҳаётнинг бошқарув-чанлиги	Тошкент	465	2,8452	,89641	-7,882	,000
	Бухоро	535	3,2561	,75192		
тасодиф бўлаётган воқеалар	Тошкент	465	2,8753	,76390	-4,888	,000
	Бухоро	535	3,1252	,84203		
ўз мени қадр қиммати	Тошкент	465	2,9591	,96067	-3,408	,001
	Бухоро	535	3,1570	,87497		
ўзини-ўзи бошқариш	Тошкент	465	3,1290	,74605	-2,583	,010
	Бухоро	535	3,2486	,71623		
омад даражаси	Тошкент	465	2,8645	,93364	-5,660	,000
	Бухоро	535	3,1813	,83623		

Биз “**Аҳолини таҳдидлардан хабардорлик даражасини аниқлаш”** саволномасини ишлаб чиқдик бу саволномани ишлаш ҳолатларини барча ҳудудларда текширдик. Саволнома 36 та саволдан иборат бўлиб, биз уларни 14 та шкалага ажратдик. Натижалар қуйидаги кўринишга эга бўлди.

Эл-юрт тақдирига лоқайдликни тушуниш даражаси Бухоро ҳудудида юқори экан (t=2,824; p>0,01), эрта турмуш қуриш тушунчасига таъриф бериш ҳам бухоролик ўсмирларда юқори экан (t=3,645; p>0,001). “Оммавий маданият” тушунчаси ҳам Бухоро ҳудудидаги ўсмирларда юқори экан (t=2,26; p>0,05). Натижалар таҳлилида Бухоро вилоятидаги ўсмирларнинг таҳдидлардан хабардорлиги юқори чиққанлигини кузатишимиз мумкин.



	ҳудуди	N	Ўртача қиймат	Стандарт оғиш	t	Ишонч даражаси
эл-юрт тақдирига лоқайдлик	**Тошкент**	**465**	**3,8516**	**1,24461**	**-2,824**	**,005**
	Бухоро	**535**	**4,0916**	**1,41852**		
оилавий қадриятлар ва ёшлар тарбиясига эътиборсизлик	Тошкент	465	4,1398	1,43232	-,291	,771
	Бухоро	535	4,1664	1,44836		
маҳаллийчилик	Тошкент	465	4,1355	1,42065	-,339	,735
	Бухоро	535	4,1664	1,44836		
эрта турмуш қуриш	**Тошкент**	**465**	**3,8473**	**1,30496**	**-3,645**	**,000**
	Бухоро	**535**	**4,1664**	**1,44318**		
оилавий ажралишлар	Тошкент	465	4,2043	1,40626	-,118	,906
	Бухоро	535	4,2150	1,44194		
миллий қадриятларга эътиборсизлик	Тошкент	465	4,1957	1,49077	,154	,878
	Бухоро	535	4,1813	1,46713		
“Оммавий маданият”	**Тошкент**	**465**	**3,8946**	**1,31621**	**-2,264**	**,024**
	Бухоро	**535**	**4,0916**	**1,41852**		
халқаро терроризм, диний экстремизм	Тошкент	465	4,2602	1,43952	,332	,740
	Бухоро	535	4,2299	1,43962		
одам савдоси	Тошкент	465	4,1742	1,43456	,127	,899
	Бухоро	535	4,1626	1,44360		

наркобизнес	Тошкент	465	4,1183	1,43426	-,322	,747
	Бухоро	535	4,1477	1,44002		
мафкуравий билимлари	Тошкент	465	4,1785	1,28166	,151	,880
	Бухоро	535	4,1664	1,24837		
мафкуравий иммунитет	Тошкент	465	4,0710	1,39477	-,231	,817
	Бухоро	535	4,0916	1,41852		
мафкуравий иммунитет шаклланганлиги	Тошкент	465	4,0366	1,12990	-1,470	,142
	Бухоро	535	4,1439	1,17074		
мафкуравий иммунитет шаклантиришга	**Тошкент**	**465**	**4,2559**	**1,25477**	**-8,188**	**,000**
	Бухоро	**535**	**4,9327**	**1,34469**		
мафкуравий иммунитет шаклантиришда	**Тошкент**	**465**	**4,5957**	**1,28317**	**-4,572**	**,000**
	Бухоро	**535**	**4,9776**	**1,34619**		

“Ўсмирларда мафкуравий иммунитет шаклланишининг психологик омиллари” мавзусидаги диссертация бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилади:

1. Ўсмирларда мафкуравий иммунитет шаклланиши ва ривожланишида психологик омил ҳисобланган сиқиб чиқариш, регрессия, инкор этиш ва ўрин алмаштириш психологик ҳимоя механизмларига нисбатан проекция, компенсация, интеллектуализация ва реактив образ каби психологик ҳимоя механизмларининг ижобий таъсири кўпроқдир.

2. Таянч эътиқодлар атроф-муҳитга, дунёга бўлган ижобий ҳамда ҳаётнинг гўзаллиги ва инсонларнинг яхшилигига бўлган муносабат, ҳаётни англашга, воқеаларнинг адолатлилигига бўлган ҳамда ҳаётни бошқариш ва тасодифларга бўлган ёндашув ва шахс қадриятлари, омадга, “Мен”нинг қадрига ва ўзини-ўзи назорат қилишга бўлган муносабатларнинг барқарор шаклланиши ўсмирларда мустаҳкам мафкуравий иммунитет шаклланишини таъминлайди.

3. Мафкуравий иммунитет муаммосига оид илмий манбаларнинг таҳлил қилиниши ва тизимлаштирилиши мазкур ишларни бир бутун тасаввур қилинишини осонлаштиради.

4. Ўсмирларда мафкуравий иммунитет шаклланганлик даражаларини баҳолашда шахснинг психологик механизмлари, таянч эътиқодлари, локус назорат каби психологик хусусиятларини ўрганувчи методларни қўлланиши мақсадга мувофиқ.

5. Ўсмирларни таҳдидни билмаслиги, уни танимаслиги оқибатида унга чалиниш эҳтимолини оширади ва тезлаштиради**.** Ички ва ташқи таҳдидларнинг умумий мазмун моҳиятини тўғри англамаслик ўсмирларда мафкуравий иммунитетни суст шаклланганлиги билан тавсифланади.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 июлдаги “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш” тўғрисидаги ПҚ-3160-сон Қарори.// https://nrm.uz/

2. Баратов Ш., Жабборов Х. Ёшларда мафкуравий иммунитет шаклланишининг психологик механизмлари./ Монография. – Бухоро, “Дурдона” нашриёти, 2017. – Б.190.

3. Қуронов М., Жабборов Х. Ёшларда барқарор мафкуравий иммунитет шакллантиришнинг педагогик-психологик тренинглари. – Тошкент: “Муҳаррир нашриёти”, 2017. – Б. 48.

4. Жабборов Х. Ўқувчиларда мафкуравий иммунитет шаклланишида онг остининг психологик механизмлари / “Мактаб ва ҳаёт” илмий журнали. Тошкент. 2/2017-у. – Б. 2-5.



Dilafruz SAFAROVA
Navoiy davlat pedagogika instituti
umumiy pedagogika va psixologiya kafedrasi
katta o`qituvchisi



Gulsara BEGMANOVA
Navoiy davlat pedagogika instituti
umumiy pedagogika va psixologiya kafedrasi
katta o`qituvchisi

O`QITUVCHI MAHORATNING AYRIM PSIXOPEDAGOGIK JIHATLARI

Maqolada o`qituvchi mahoratining psixopedagogik jihatlari yoritilgan. Bunda o`quvchilarning aqliy jarayonlarining o`ziga xosligi, individual xususiyatlari, o`rta, yaxshi, past o`zlashtiruvchi o`quvchilarning imkoniyatlariga mos ravishda darsni tashkil etishi xususida fikr bayon etilgan.

Tayanch tushunchalar: *o`qituvchi, dars, yuqori malakali kadr, pedagogik mahorat, nutq madaniyati, nazorat, ta'lim.*

В статье освящаются психопедагогические аспекты мастерства учителя. В ней излагаются размышления о своеобразности умственных процессов учеников, индивидуальные свойства, об организации уроков соответствующе со средними, хорошими и плохими успевающими.

Опорные понятия: *учитель, урок, высококвалифицированный кадр, педагогическое мастерство, речевая культура, контроль, образование.*

In article psychopedagogical aspects of skill of the teacher are consecrated. In him reflections about originality of intellectual processes of pupils, individual properties, about the organization of lessons corresponding with average, good and bad in time are stated.

Supporting concepts: *teacher, lesson, highly skilled shot, pedagogical skill, speech culture, control, education.*

Malakaviy amaliyot nazariy bilimlarni amalda qo`llash imkonini beradi. Bunda puxta bilim bilan birgalikda uni tushunarli, ta`sirli qilib o`quvchiga yetkazib berish uchun bir qancha psixopedagogik jihatlar e`tiborga olinishi kerak. Quyida bo`lajak o`qituvchilar uchun pedagogik mahoratning ayrim jihatlarini eslatib o`tamiz. Ta`lim-tarbiya jarayoni har bir o`qituvchidan aql-zakovat, sabr-matonat, o`z kasbiga sadoqat, o`quvchisiga mehr-muhabbatli bo`lishni talab etadi. O`qituvchi jamiyatning nafaqat bugungi, balki kelajakdagi taraqqiyotini ta`minlashda asosiy vazifani bajaradi. Zero, ta`lim tizimidagi tub islohotlar, o`zgarishlar, yangiliklar, zamonaviy qulayliklarning barchasi, yuqori malakali kadrlar tayyorlashga erishish mamlakatimiz taraqqiyotini ta`minlovchi asosiy omillardan biridir. Bugungi kunda mamlakatimizda o`tkazilayotgan demokratik va huquqiy islohotlar, fuqarolik jamiyatini shakllantirishning talablari va zamonaviy xalqaro andazalarga javob beradigan yuqori malakali kadrlarni ta`yyorlash tizimini tubdan isloh qilish va modernizatsiya jarayonlarini chuqurlashtirish, ilg`or texnologiya, innovatsiyalarni ta`lim-tarbiya jarayoniga tadbiq etishni talab etmoqda. Buni Prezidentimiz Sh.M. Mirziyoyev "O`zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo`yicha Harakatlar strategiyasi to`g`risida" PF-4947-son farmonida uzluksiz ta`lim tizimini yanada takomillashtirish, umumiy o`rta ta`lim sifatini tubdan oshrish, oliy ta`lim tizimini isloh qilish ishlarini amalga oshirish borasida o`qituvchilar zimmasidagi mas`uliyatini yanada oshirdi. Bunday mas'uliyatni his qilgan o`qituvchi bilimli, ijodkor, fidoiy, kamtarin va mehrinbonlik singari sifatlatlarga ega bo`lishi lozim. Xo`sh bu sifatlar ta`lim-tarbiya jarayonida qanday namoyon bo`ladi: ko`pgina o`qituvchilar maktabdagi shovqindan, o`quvchilarning tartibsizligidan shikoyat qiladilar. Bu o`qituvchining bolalarni yoqtirmasligi, ularning yosh xususiyatlari bilan bog`liq ehtihojlarini tan olmasligidan dalolat beradi. O`quvchi kamolotini ko`rishni maqsad qilgan o`qituvchi bu shovqin va tartibsizlikdan cho`chimaydi. "Shogirdim qulog`ingga aytaman ishni chiroyli boshlash to`g`risida emas, ish yakuni haqida, vaziyatdan muvaffaqiyatli chiqish haqida o`yla" (Vitello). Agar o`qituvchining o`zi tartibli bo`lsa, sinfga ilk kirgan kunidanoq xonaning saranjomligi, zarur ashyolarning o`z o`rnida ekanligini nazorat qilsa (doskaninig tozaligi, bo`r, sochiq, daftar,

ruchka, kitoblar), o`quvchilarning salomiga salom bilan javob bersa, o`quvchiga uning ismi, familiyasini aytib murojaat qilsa o`qituvchining xulqidagi bu alomatlar uning o`quvchilariga ham ko`chib boradi. Darsga kechikuvchilarni nazorat qilish muhim e`tibor talab qiladi. O`quvchining o`qituvchini sinab ko`rish uchun qo`llaydigan ilk qadami darsga ozgina kechikib kelish. Agar kechikkan o`quvchiga indamay ruxsat berilsa, undagi bu holat odatga aylanadi. Shuning uchun kechikuvchilarga besh daqiqa e`tibor bermay darsni davom ettirish lozim. Shu vaqt ichida o`quvchi o`z xatosini anglab oladi. Keyin kechikish sabablini so`rab, uni ogohlantirib, darsga kirishiga ruxsat bering. Bu bilan siz o`quvchida vaqtni e`tiborga olish, uni qadrlash, tartib-intizomga rioya qilish, mas'uliyat va javobgarlik hissini mustahkamlab borasiz. O`quvchi nigohida ideal bo`ling. Ular beradigan savollarga aniq va asosli javob bering, agar o`quvchi qoniqmaganligini sezib qolsangiz, savol yuzasidan izlanishni davom eting. O`quvchi savolingizga javob bera olmasa, savolni darrov boshqa oquvchiga yo`naltirmang. Savol yuzasidan izlanishga imkon bering. Shunda, o`quvchida ishonch hissi, ishtiyoq diqqati, irodaviy sifatlarni tarkib toptirib borgan bo`lasiz. O`quvchiga ismi familiyasini aytib murojaat qilish, savolni eslatib qo`yish orqali unga e`tiborli ekanligingizni va xotirangiz yaxshiligini sezdirib qo`yasiz.

Ma`lumki, diqqatni uzluksiz boshqarib bo`lmaydi. Shuning uchun diqqatni qayta jamlab turish lozim. Buning uchun o`quvchiga savol berib turing. Shunda hamma o`quvchilar diqqatliroq bo`lishga harakat qilishadi. Zinhor sinfga "tinchlaning", "gaplashmang" singari tanbehlarni qo`llab, ularni tinchlantirishga urinmang. Bu mavqeyingizning susayishiga olib keladi. "Meni tinglang" iborasi o`rniga "Siz ayting" iborasini ko`proq qo`llang. Eng to`polonchi sinfni ham qo`lga olsa bo`ladi. Tartibbuzarlarning ashaddiysini qo`lga oling. Shunda qolganlari ham tinchlanadi. Tartibbuzarlar yoki bilimi "zo`r"ligidan, yoki "kuchli"ligidan, yoki tan olinmaganligi uchun ko`pincha axloqiy sifatlar tarbiyalanmaganligidan o`zini ko`rsatib qo`yishni xohlaydi. Bundaylarning birinchisi uchun topshiriqni murakkablik darajasini biroz oshiring, ya`ni L.S.Vigotskiy bo`yicha real zonadan, yaqin zonaga olib o`ting. Shunda o`quvchi o`qituvchining hamkorligi va yordamiga ehtiyoj sezadi va foydali faoliyat bilan band bo`ladi. Ikkinchi va uchinchisiga biror tashkilotchilik vazifasini yuklab qo`ying. To`rtinchisi bilan esa tez-tez alohida suhbatlashib turing. Uning shaxsiyatiga tegmay qiziqishlari va muammolarini o`rganing. O`qituvchida xarakterning plastiklik sifati yuqori darajada bo`lsa, u har bir bola bilan adekvat munosabat o`rnata oladi.

O`qituvchi mas'uliyatni his etishi, iste`dodi, ixtisosligi layoqatiga qarab ular shartli ravishda uch toifaga ajratiladi. Birinchi toifani izlanuvchan, ijodkor o`qituvchilar tashkil etsa, ikkinchi toifaga o`z ishini nimadan boshlashni bilmay qiynalayotgan o`qituvchilar, ta`lim-tarbiya sohasiga tasodifan kirib qolgan o`qituvchilar esa uchinchi toifaga kiradi. Dars muqaddasligini his qilgan mohir pedagog doimo izlanib, har bir darsga puxta tayyorlanib, uni mazmunan boyitadi. Yangi bilimlar va axloqiy fazilatlarni o`quvchilar ongiga singdirib boradi.

Ta`lim-tarbiya mahoratining muhim ko`rsatkichi nutq madaniyatidir. Notiqlik, mazmundorlik, ifodali va ta`sirchan nutq o`qituvchi kasbining zarur sifatidir. Bunda fikrlarni ixcham (iloji boricha gaplar o`n bitta so`zdan oshmasin), mazmunli bo`lsinki, uni o`quvchilar jon qulog`i bilan tinglasin. Buning uchun ko`p kitob o`qish, zamon yangiliklaridan muntazam boxabar bolish, turli fanlar va sohalarga oid bilimlarga ega bo`lish (akadem qobiliyat) zarur. "Agar sen keragidan ortiq bilmasang, hech qachon yetarlicha bilmaysan" (B. Paskal).

Darsda turli pedagogik texnologiyalar, axborot texnologiyalaridan, ko`rgazmali vositalardan unumli va o`rinli foydalaning. Bu bilan ixtiyorsiz diqqat asosida ixtiyoriy diqqat yuzaga keladi hamda o`quv materialining oson va mazmunli o`zlashtirilishi ta`minlanadi. An`anaviy ta`limda qisqa muddatda katta ma`lumot uzatilsa va bu o`quvchining xotirasiga yo`naltirilgan bo`lsa, zamonaviy pedagogik texnologiyalarga asoslangan ta`lim o`quvchining tafakkuriga yo`naltirilgan bo`lib, bu usul ijodiy qobiliyatni, mustaqil fikrlash va faollikni ta`minlaydi.

O`qituvchi bilimi va tajribasini muntazam orttirib borishi lozim. "Hayot so`qmoqlarida tajribasiz bilimnotanish yo`ldan borayotgan ko`zi ojiz kishi singari, bilimsiz tajriba esa so`qir kishining tanish ko`chadan borishiga o`xshaydi. Biroq har qanday o`zgarish uni yo`ldan adashtiradi" (Sh. Perman).

O`qituvchi har bir o`quvchisining holati, bilim darajasini, o`zlashtirish imkoniyatini, yashayotgan muhiti, o`ziga, atrofdagilarga o`qishga munosabatini, qadriyatlarni bilishi (perseptiv qobiliyat) kerak. O`quvchining imkoniyatlarini, kelajagini oldindan tasavvur qila olishi (gnostik qobiliyat) muhim ahamiyat kasb etadi. Chunki o`qituvchi shaxsning nafaqat bugunini, balki ertangi kamoloti uchun mas`ulligini his qilishi zarur. Eng muhimi o`qituvchi o`quvchining sinfdagi mavqeyini belgilab berishi kerak. Har bir o`quvchining o`z qobiliyati va imkoniyatiga mos o`rni bo`lsa, u o`zini munosib baholashni o`rganadi. Sinfda hammaning o`z o`rni bo`lsa jamoa jipslashadi. Masalan: kimdir tashkilotchi, kimdir bilimli, yana biri qiziqchi. O`z o`rni

va obro`yiga ega bo`lgan o`quvchi hamma vaqt faol guruhlar a`zosi bo`ladi. Aks holda o`quvchilar yuqori sinfga borganda assotsial yoki antisotsial guruh a`zosiga aylanadi. O`qituvchi talabchanlik bilan birga mehribon va g`amxo`rligini so`zda, amalda ko`rsatib turishi kerak. Shunda o`quvchi muammolarini o`qituvchiga yashirmay ishonib ayta oladi.

Fidoyi o`qituvchi jamiyatdagi faol pozitsiyadagi shaxs sifatida nafaqat o`z o`quvchisining, balki ko`chakuy, mahalladagi hamma bolalarga e`tiborli murabbiy, atrofdagilar uchun esa namunali xulq egasidir. Bunday fidoyi, ziyobaxsh qalb egalari bilimi, ijodiy qobiliyati va boy tajribasi bilan kelajak taraq-qiyoti uchun o`zining munosib hissasini qo`sha oladi.

Adabiyotlar

1. O`zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 7-fevraldagi “O`zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo`yicha Harakatlar strategiyasi to`g`risida” PF-4947-son Farmoni. // O`zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to`plami, 2017 yil, 6-son, 70-modda.

2. Topildiyev V.R. Ta`lim va tarbiya jarayonlarini tashkil etishning normativ-huquqiy asoslari. – T.: O`zbekiston Milliy universiteti, 2016.

3. Xoxlova L.P. Pedagogik praktika davrida talabalarga psixologiyadan beriladigan topshiriqlar. – T.: “O`qituvchi”. 1992.



Наргис АТАБАЕВА
Низомий номидаги Тошкент давлат
педагогика университети таянч докторанти

ШАХСДА АЛЬТРУИСТИК ХУЛҚНИ ТАРБИЯЛАШНИНГ МИЛЛИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Альтруизм – бу шахс хулқ-атворининг шакли бўлиб, ўзгалар манфаатларига йўналтирилганлиги ва ҳеч қандай шахсий қизиқишлар кўзланмаслиги билан тавсифланади. Ушбу мақолада маҳаллий ва хорижий психологларнинг альтруизм ҳақидаги ғоялари ва шахсда альтруизмни тарбиялашнинг миллий жиҳатлари таҳлил қилиб берилган.

Таянч тушунчалар: *альтруизм, беғараз, қадрият, эмпатия, когнитив, ижтимоий.*

Альтруизм — форма поведения человека, характеризующаяся ориентацией на удовлетворение потребностей других людей без ожидания ответных действий, имеющих смысл вознаграждения, и часто вопреки собственным интересам. В статьи проанализированы разные концепции отечественных, зарубежных психологов об альтруизме и национальные особенности воспитания альтруизма у личности.

Опорные понятия: *альтруизм, бескорыстность, ценность, эмпатия, когнитив, социальная.*

Altruism – form of human behavior, characteristic's of preparing to help to others disinterestedly. In that article were discussed theoretical ideas of foreign and world psychologists about altruism and analyses the national features of making altruism in a person.

Supporting concepts*: altruism, disinterestedly, value, empathy, cognitive, social.*

Шарқ мамлакатларида фарзандни қандай қилиб вояга етказиш, уларнинг камолоти учун нималарга эътибор бериш керак деган масала доимо муҳим аҳамият касб этиб келган. Шу боисдан, энг қадимги қўлёзмалардан тортиб замонавий манбаларга қадар баркамол авлод тарбияси масалаларига жиддий аҳамият қаратилган. Хусусан, баркамол авлодни тарбиялашда шахсдаги ахлоқий, когнитив, мотивацион компонентлар ва уларга таъсир этиш механизмлари Шарқ алломаларининг дурдона асарларида ёритиб берилган.

Биз тадқиқ этишни мақсад қилиб белгилаган альтруизм ҳам айнан ўзида шарқона миллий характерни белгилаб берувчи реал хатти-ҳаракатларда рўёбга чиқадиган муайян хулқий нормалар ва қадриятлар тизими мажмуидан (А.О. Бороноев, П.И. Смирнов) [6] иборат хулқ-атвор шаклидир.

Миллий характер фақатгина шахснинг психологик қадриятларида мавжудлигини ва улар орқали у миллатнинг маънавий фаолиятида ўз аксини топиши мумкинлигини эътиборга оладиган бўлсак, альтруизм айнан шахс қабул қилган қадриятлар йўналиши бўлиб, бунда унинг маънавий мезони ва негизида ўзга одамнинг ёки ижтимоий гуруҳнинг қизиқишлари ётади. Ушбу миллий ўзига хослик турли Шарқ мамлакатлари вакилларининг одатларига, ижтимоий-маиший реакцияларига, дидига, хулқига алоҳида жило беради.

Шахсда альтруизмдек миллий характерга асосланган хулқ-атворни шакллантириш бугунги кунда муҳим аҳамият касб этмоқда. Боиси, "оммавий маданият" хуружлари кучайган, инсонлар хулқ-атворидаги кескин ўзгаришлар кузатилаётган даврда "лоқайдлик иллатига қарши иммунитет"ни ҳосил қилишда албатта, альтруизмдек хулқ-атворни шакллантиришга эҳтиёж сезилмоқда.

Бизнинг республикамиз олимлари томонидан шахсда альтруизмнинг шаклланиши ва унга таъсир этувчи омилларни тадқиқ этишга қаратилган илмий тадқиқот иши мавжуд эмас. Лекин кейинги йилларда шахсда ахлоқий тушунчалар, эмоционал интеллект ва миллий ўзликни англашнинг шаклланишига оид илмий тадқиқот ишларига эътибор кучаймоқда. Хусусан, ўзбекистонлик психологлар томонидан ўқувчиларда ахлоқий тушунчаларнинг шаклланиши (З.Э. Усманова), талабаларда миллий ўзликни англашнинг психологик хусусиятлари (Н.С. Сафаев), ўзбек миллий характери шаклланишига қадриятларнинг таъсири (Б.М. Ботиров), мактабгача тарбия ёшидаги болаларда бурч ҳисси муаммоси (М.Ш. Расулова) чуқур тадқиқ этилган.

Альтруизмнинг бош ғояси – ўзгалар қизиқишларига йўналтирилган ва ҳеч қандай манфаат кўзланмайдиган хулқ-атвордир. Альтруизм шахс хулқ-атворини тўлиқлигича акс эттирсагина у англанган қадриятлар тизимига айланиши ва шахснинг ҳаёти мазмунига сингиб кетиши мумкин. Альтруизм кишиларнинг кундалик мулоқот ва фаолиятида ижтимоий-психологик воқелик сифатида намоён бўлиши мумкин [3].

Инсон умрининг дастлабки даврларида альтруистик уринишларни нисбатан камроқ содир этади. Бунинг асосий сабаби уларнинг бошқа инсонларга қандай ёрдам бериш мумкинлиги ҳақида кам маълумотга эгаликларидадир. Бола ўзгаларга ёрдам бериш стратегияларини қанчалик кўп ўзлаштирса, унда альтруистик хулқ шунчалик кўп намоён бўлади. Онтогенетик тараққиётда инсон ёши катта бўлгани сари ахлоқий тушунчалар шаклланиб боради ва ўзгаларга ёрдам кўрсатиш самарадорлиги ортиб боради. Ҳар бир шахснинг хулқ-атворининг шаклланишида у туғилиб ўсган оила ва миллатнинг этник ментал хусусиятлари, миллий қадриятлари ўз таъсирини ўтказмасдан қолмайди.

Болани альтруистик руҳда тарбиялашнинг миллий ментал хусусиятларини таҳлил қилишдан аввал ментал тузилма ўзи нима эканлигига тўхталиб ўтсак. Ментал тузилмалар ментал тажрибанинг психик негизи ҳисобланади. Ментал тузилмалар ўз хусусий ўрнига эга уч ментал қатламдан иборат:

1) когнитив тажриба – билиш субъекти психикасида теварак-атрофидаги нарсаларнинг барқарор жиҳатларини қайта тиклашга кўмак берадиган, ахборотни идрок этиш, сақлаш ва тартибга солинишини таъминлайдиган ментал тузилмалардир. Уларнинг асосий вазифаси – турли даражадаги актуал таъсирлар хусусидаги ахборотни тезкор қайта ишлашдан иборат. Когнитив тажриба архетипик тузилмалар, ахборотни кодлаштириш усуллари, когнитив лойиҳалар, семантик тузилмаларда намоён бўлади.

2) метакогнитив тажриба – бу ахборотни қайта ишлаш жараёнини ихтиёрсиз ва ихтиёрий равишда идора қилишни амалга ошириш имконини берадиган ментал тузилмадир. Унинг вазифаси – индивидуал интеллектуал заҳиралар ҳолатини назорат қилиш ва интеллектуал фаолият йўналишини коррекция қилишдан иборат. Метакогнитив тажриба ихтиёрий ва ғайри ихтиёрий интеллектуал назорат, метакогнитив огоҳлик каби тузилмаларда намоён бўлади.

3) интенционал тажриба – бу интеллектуал фаолликнинг танланувчанлик негизида ётадиган ментал тузилмалардир. Уларнинг асосий вазифаси – муайян предметли жабҳа танловининг субъектив мезонларининг шаклланишида, ечим йўналишини аниқлашда, ахборотнинг маълум бир манбаларига таянишга мойилликда иштирок этишдир. Интенционал тажриба эътиқод, дунёқараш, муносабатларда мавжуд [2].

Бизга маълумки, шахсни миллий ментал руҳда тарбиялашда, албатта, идиомалар, фразеологизмлар, миллий фольклор, мақоллар ва маталларнинг ўрни беқиёсдир. Миллий фольклор, америкалик лингвист Теодорсон фикрига кўра, бу – даврларни изчиллик билан енгиб келувчи анъаналарнинг мустаҳкам ва жилодор аравасидир. Хусусан, ўзбек миллий муҳитида азал-азалдан қиз болаларда атрофдагилар учун қайғуриш сифатларини ва уларда “меҳрибон она, ғамхўр умр йўлдоши” тимсолини тарбиялашга асосий эътибор қаратилган бўлса, ўғил болаларда эса мардлик, қатъиятлилик сифатларини шакллантиришга урғу берилган. Шу боисдан, қизлар тарбиясида “аёл уйнинг фаришташи”, “она – меҳр манбаи”, ўғил болалар тарбиясида “эркак уйнинг қўрғони”, “йигитликдаги мардлик ва жасорат” ғояларини тарғиб қилишга қаратилган мақол, матал ва эртаклардан фойдаланиб келинган. Онтогенетик тараққиётнинг дастлабки даврларида альтруистик руҳдаги миллий характерни тарбиялашда фойдаланиладиган мақол, матал ва эртакларни тушуниш орқали болада ментал когнитив тажриба шаклланишида муҳим ўринга эгадир. Ўзбек миллий ментал хусусиятидаги тарбиянинг бу жиҳати натижасида шахсдаги альтруистик хулқнинг шаклланиши ўзига хос тарзда кечган, яъни альтруизм қиз болаларда бу кўпроқ “ғамхўрона ёрдам бериш” кўринишида кузатилади ва бу уларнинг бошқаларни шахсий, ҳиссий эҳтиёжлари ҳақида қайғуриши ҳамда уларга ўз мақсадларига эришишларига ёрдам бериши сифатида намоён бўлади. Ўғил болаларда эса бу “қаҳрамонлик ёрдами” кўринишида бўлиб, ғайриоддий ва тавакқал ҳаракатларни бажариш, ўзларини ҳақиқий қаҳрамондек тутиш ҳолатларини ўзида мужассам этади.

Альтруистик хулқ-атворнинг бу каби ахлоқий омиллар негизига қурилган мотивлари умуминсоний, миллий қадриятларга ва ижтимоий меъёрларга мувофиқ ҳаракатланиш истаги билан боғлиқ. Шахсдаги альтруизмнинг онтогенезда пайдо бўлиши ва ифодаланиши масаласини Л.Кольбергнинг ахлоқий ривожланиш назарияси орқали таҳлил этиш мумкин. Болада “яхши” ва “ёмон” орасидаги фарқни англаш билан боғлиқ равишда ахлоқий тушунчалар шакллана бошлайди. Болалар психологиясидан маълумки, тарбияда жазолаш ва рағбатлантиришнинг қўлланилиши боланинг “яхши” ва

“ёмон” ҳақидаги ахлоқий мушоҳадаларига ўз таъсирини ўтказади. Натижада болада метакогнитив тажриба таркиб топа бошлайди. Энди бола ўзгаларга “қандай ёрдам бериш”, дўстлари ва яқинларининг мушкул вазиятида уларга ҳамдард бўлиш кераклигини, чунки “дўст билан кўнгил уйи ободлиги”ни билади. Масалан: бошқа тенгдошларининг беморларга қандай ғамхўрлик қилаётганини ёки онасига стол устини йиғиштиришга ёрдам бераётганини кўрган болаларда альтруистик хулқ-атворни амалга оширишга мойиллик юқори бўлади. Ушбу когнитив сценарийда ота-она ва дўстлар асосий модел вазифасини бажарадилар. Масалан: ўзгалар ҳақида қайғуришни биладиган, ижтимоий масъулияти юқори бўлган онанинг фарзандида эмпатия хисси юқори даражада шаклланади. Агар она бошқаларга ёрдам беришга ташна бўлса, унинг зуриётида ҳамкорлик қилишга, ўзгаларга ёрдам беришга интилиш хисси юқори бўлади. Бизга маълумки, юқори даражадаги эмпатия ҳисси альтруистик хулқнинг ички мотивацияси бўлиб хизмат қилади.

Б. Бейтсоннинг фикрича, биз ўз яқинларимиз, севимли инсонларимиз қийналгандагина эмпатияни ҳис қиламиз. Ҳаттоки, гўдаклар ўз атрофидаги болаларнинг йиғисини эшитса, уларнинг ўзи ҳам йиғлай бошлайди. Эмпатия болалик давридан бошлаб шаклланади. Шундай экан, боладаги альтруистик хулқни илк болалик давриданоқ моделлаштириб бориш баркамол авлодни тарбиялашга хизмат қилади.

Юқоридаги фикрларга асосланиб, шахсни альтруистик руҳда тарбиялашнинг миллий хусусиятлари қуйидаги уч усулда мужассам бўлган десак бўлади:

- тушунтириш усули – бола томонидан содир этилган ҳар бир хатти-ҳаракатнинг ахлоқий негизларини мисолар, жумладан, эртак қаҳрамонлари, турли маталлар, халқ оғзаки ижоди намуналари орқали изоҳлаб берилишига қаратилган усулдир. Бунда боланинг ёш хусусиятларига мос мисоллардан фойдаланилади. Асосий эътибор бола томонидан содир этилган хатти-ҳаракатнинг ижтимоий сабаб ва оқибатларини майда деталларигача тушунтириб берилишига қаратилади.
- ота-она хулқ-атворини моделлаштириш усули – бола ота-онасининг хулқ-атворига тақлид қилиш орқали унда маълум бир хулқ позициялари шаклланади. Буни биз тарбияда “Қуш уясида кўрганини қилади” мақолига риоя қилиш тамойили десак бўлади. Халқимизнинг кўп йиллик тажрибаси ва психологларнинг (З. Фрейд, Дж. Уотсон, А. Бандура, Л.С. Выготский, Б.Р. Қодиров, Э.Ғ. Ғозиев ва бошқалар) илмий изланишлари шуни кўрсатадики, бола ота-она хулқ атворини ўзлаштиради ва индивидуал тажрибаси орқали уни моделлаштиради. Шундай экан, ота-онанинг хулқ-атвори болага кучли таъсир этувчи моделдир. Агар ота-она ўз яқинларига нисбатан ўта ғамхўр, меҳрибон бўлса, албатта уларнинг фарзандларида эмпатияга мойиллик кучлироқ бўлади. Бизга маълумки, эмпатия альтруистик хулқнинг ҳиссий компонентидир.
- рағбатлантириш усули – бола томонидан содир этилган “яхши хулқ” категориясига кирувчи ҳар қандай хатти-ҳаракатни ота-она томонидан қўллаб-қувватланилиши ва рағбатлантирилишига асосланадиган усулдир. Халқимизнинг қадимги қўл ёзмаларидан ҳисобланмиш “Авесто”да ҳам боладаги “эзгу фикр, эзгу сўз ва эзгу амал”ни тарбиялаш учун боланинг яхши амалларини уни руҳлантирувчи “офарин, баракалли” деб қўллаб-қувватлаш лозимлиги таъкидланган. Чунки бундай рағбатлантириш боладаги альтруистик мотивларнинг шаклланишига хизмат қилиши мумкин (Миллс, Грусек).

Демак, бизнинг миллий тарбиямиз болада альтруизмни шакллантиришда мақсадли тушунтириш, ўз шахсий намуналарини кўрсатиш, боланинг позитив хулқини рағбатлантириш самарали фойда беради.

Миллий менталитетимизга хос бўлган ўзгаларга ҳурмат, сахийлик, меҳмондўстлик, ватанпарварлик, меҳр-мурувватли қилиб, бошқача айтганда А. Навоийнинг таъкидлаганларидек, “болаларни яхшилик, карам – бир жабрланганнинг қаттиқчилик юкини кўтармоқ ва ўша қийинчиликлардан қутқармоқдир. Карам бировнинг машаққат тикани оғирлигини кўтармоқ ва тикан учидан гулдек очилмоқ ва ўша қилинган ишни қайтиб тилга келтирмаслик, оғзига олмаслик, кишига миннат қилмаслик ва унинг юзига солмаслик” [4] руҳида тарбиялаш альтруистик хулқни шакллантиришнинг муҳим мезони ҳисобланади.

Ўз асарлари орқали миллий тарбиянинг ижтимоий-психологик моҳиятини ёритиб берган маърифатпарвар аллома Абдулла Авлоний яхши хулқлар қаторига фатонат, диёнат, сабр, идрок, нафосат, хилм, риёзат, интизом, муҳаббат кабиларни киритиб, ожизларга озор бермаслик, уларга қўлдан келганча беғараз ёрдам бериш яхши, яъни альтруистик хулқ-атворга эга бўлган кишиларга хос бўлган хусусиятдир, – дейди [1].

Шарқ мутафаккирларининг “Одамнинг энг бахтли вақти – бошқаларга эзгулик қилган онларидир” [5] ёки Абдулла Бахтоний таъбири билан айтганда:

“Ҳаётда сен курашсанг, фойда ё зиён учун,
Ўйламагил ўзингни, дегил: “Бу жаҳон учун”,
Жонингни фидо қилиб, ёрит ўзгалар уйин,
Шунда инсон бўласан, яшайсан инсон учун” [5].

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, шахсдаги альтруистик хулқ-атворнинг шаклланишида миллий хусусиятларнинг, жумладан, миллий тарбиянинг ўрни беқиёсдир. Ота-она томонидан тарбиявий таъсир воситаси сифатида қўлланиладиган турли мақоллар, халқ оғзаки ижоди намуналари, эртак қахрамонларининг хатти-ҳаракатлари ва энг асосийси ота-онанинг шахсий намунаси боладаги хулқ моделини, шу жумладан, альтруистик хулқ – атворнинг шаклланишига хизмат қилади.

Адабиётлар

1. Авлоний А. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. – Т.: Ўқитувчи. 1996, Б. 16-40.
2. Ботиров Б.М. Ўзбек миллий характери шаклланишига қадриятлар таъсирининг психологик хусусиятлари дисс.автореферати. – Т.: ТДПУ, 2011. – Б 6-8.
3. Головин С.Ю. Словарь психолога-практика. – Минск: Харвест, 2001. – 27 с.
4. Навоий А. “Маҳбуб ул-қулуб”. Асарлар 15 томли. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1966. 13-том. – Б. 77-80.
5. Оз-оз ўрганиб доно бўлур. Донишмандлар бисотидан ўгитлар, ҳикоятлар, масаллар, ҳикматлар. – Т.: Sharq, 2006. – Б. 82, 244-249.
6. Шониёзов Карим. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни / Таҳрир ҳайати: Д.А. Алимова, Э.Х. Арифханова, У.С.Абдуллаев ва бошқ.– Т.: “Шарқ”, 2001. – 464 б.



Муножот АСРАНБОЕВА
Наманган давлат университети катта ўқитувчиси

ҲИССИЙ ЗЎРИҚИШЛАРНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ СУБЪЕКТИВ ВА ОБЪЕКТИВ ОМИЛЛАР

Мақолада ҳиссий зўриқишларнинг пайдо бўлишига таъсир этувчи сабабларнинг субъектив ва объектив омиллари, ҳиссий зўриқишлар даражасини баҳолаш йўллари ҳақида маълумотлар ёритилган.

Таянч тушунчалар: *ҳиссий зўриқиш, сабаб, субъект, объект, даража, баҳолаш, маълумот.*

В статье освящаются сведения об объективных и субъективных факторах воздействующих на проявление эмоционального стресса, пути оценивания ее уровня.

Опорные понятия: *эмоциональный стресс, причина, субъект, объект, уровень, оценка, сведения.*

In article the data on objective and subjective factors influencing displays of an emotional stress, a way of estimation of her level are consecrated.

Supporting concepts: *emotional stress, reason, subject, object, level, assessment, data.*

Ҳиссий зўриқишларнинг пайдо бўлишига таъсир этувчи сабабларнинг субъектив ва объектив турларини ажратиш мумкин. Ю.В. Шербатых ҳиссий зўриқишнинг вужудга келишига сабаб бўладиган субъектив омилларни қуйидагича ифодалайди:

1. Узоқ муддат амал қилувчи дастури билан боғлиқ сабаблар – генетик дастур, ота-оналик дастурлари, шахс установкалари, Маслоунинг эҳтиёжлар пирамидасидаги юксак эҳтиёжлар.

2. Хулқ-атворнинг динамик жиҳатдан ўзгарувчи дастурлари билан боғлиқ сабаблар: шартли рефлекслар, тафаккур хатолари, Маслоунинг эҳтиёжлар пирамидасидаги “физиологик эҳтиёжлар”.

Кўриниб турибдики, Ю.В. Шербатых ҳиссий зўриқишнинг вужудга келишига таъсир кўрсатувчи сабабларни доимийлик ва ўзгарувчанлик табиатига кўра ажратади. Ҳар икки ҳолатда ҳам ҳиссий зўриқиш кутилаётган ҳодисалар билан реаллик ўртасидаги келишмовчилик сабабли юзага келади.

Олимларнинг эътироф этишларича, инсонларнинг биологик ва физик таъсирларга жавоб реакциялари рефлектор табиатига эга бўлиб, генетик жиҳатдан дастурлаштирилган ҳамда ДНКда ёзилган бўлади.

Ўз табиатига кўра инсон табиат омилларига – очлик, оғриқ, жисмоний зўриқишлар ва бошқаларга нисбатан жуда чидамлидир. Шу билан бирга, ижтимоий омилларга нисбатан туғма ҳимоя реакциялари шаклланган бўлса ҳам уларга нисбатан кучли сезувчанликка эгадир.

Аждодларимиз кучли антибиотик ва иситгичларга эга бўлишмаган бўлса ҳам уларнинг организми ҳиссий зўриқишдан сақланишнинг кучли табиий механизмига эга бўлган. Замондошларимиз эса фан ва техниканинг энг сўнгги ютуқларига эга бўлсалар-да, минглаб кишилар инфаркт, инсульт ва онкологик касалликлардан ўлиб кетишмоқда. Бу касалликлар турли даражадаги ҳиссий зўриқишлар фонида вужудга келмоқда.

Хулқ-атворнинг бир қисм дастури боланинг миясига унинг ота-оналари, устозлари ва бошқалар томонидан сингдирилади. Бу дастурларни “англанмаган установкалар”, “ҳаётий тамойиллар”, “ота-она стереотипизацияси” деб аташ мумкин. Мазкур установкалар бола учун унинг кичиклигида жуда кўп фойда бериши мумкин, лекин улғайганда эса улар ҳаётини қийинлаштиради, хулқ-атвори реаликка мос келмайди ва ҳиссий зўриқишни юзага келтиради.

Таъкидлаб ўтилганидек, кўпгина стрессларнинг манбаи эмоциялар ҳисобланиб, у ақлга қарама-қарши ўлароқ у ёки бу вазиятни хотиржам ва тўғри баҳолашга ҳалақит беради. Баъзан ақл ҳиссиётлардан устун келиши, инсоннинг оқлаб бўлмайдиган хатти-ҳаракатларини хаспўшлаб тушунтириши мумкин, ҳар бир инсон уни ўраб турган борлиқ ҳақида ўзига хос тасаввурга эга бўлади. Лекин ҳар доим ҳам инсоннинг тасаввуридаги образ билан реал ҳаёт бир-бирига мос кел-

майди. Бундай қарама-қаршилик ҳам инсонда стрессни юзага келтиради. Биринчи бу ҳодисани Леон Фестингер кашф этган бўлиб, уни когнитив диссонанс деб атаган. Бу инсон миясидаги виртуал образ билан борлиқ ўртасидаги қарама-қаршиликдир. Ҳиссий зўриқишлар ёки стресснинг келиб чиқишига таъсир этувчи сабаблар сифатида шахснинг ноадекват установка ва эътиқодларини келтириш мумкин.

Онгнинг умумий установкаларидан бири оптимизм ва пессимизмдир. Оптимизм ва пессимизм – атроф-муҳит ҳодисаларида яхши ёки ёмон жиҳатларни кўра олиш анъанасидир. Аслида яққол ифодаланган оптимист ва пессимистлар мавжуд эмас, инсонлар кўпинча ўртача ўринда туришади.

АҚШнинг Гарвард университетида ўттиз икки йил мобайнида 2280 нафар эркак ўрганилган. Кўп сонли психологик ва илмий текширишлар натижасига кўра, пессимистлар оптимистларга қараганда 4,5 марта кўпроқ қон-томир тизими бузилишларига дучор бўлишган. Оптимистлар турли вазият ва уларнинг қаршиликларига чидамли бўладилар. Стресснинг олдини олиш учун ўзларида етарлича куч-қувват топа оладилар.

Кўп ҳолларда ҳиссий зўриқишнинг манбаи сифатида сиёсий ва диний дунёқарашлар ҳам намоён бўлиши мумкин. Бундай ҳиссий зўриқишлар оммавий табиатга эга бўлиб, ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар даврида юз бериши кузатилади. Сиёсий ва диний қарашларга мос бўлмаган ҳолат ҳиссий зўриқишни вужудга келтиради. Инсонда шундай установкалар борки, улар таъсирида ҳатто муваффақиятсизлик, зўриқиш, ҳафсаласизликка дуч келинса ҳам онг остидаги дастурлар орқали ҳаракат қилинади. Бу дастурлар оилада ота-оналар томонидан, мактаб ўқитувчилари томонидан ёки шахснинг ўзи томонидан сингдирилган, ўзлаштириб олинган бўлиши мумкин. Бундай хато установкалар у ёки бу даражада ҳар бир кишида бўлиши мумкин. Ю.В. Шербатых томонидан ана шундай воқеликка мос бўлмаган установкаларни ўрганиш ва уларнинг таъсирини пасайтириш йўллари қуйидаги жадвалда акс этган:

Ноадекват установка ва маркер - сўзлар моҳияти	**Кўринишлари**	**Бартараф этиш**
Мажбурий установка – бошқа одамлар учун кимдир, нимадир қилишга мажбурлиги ҳақидаги ғоя. Маркер-сўз, шарт, мажбур, нима бўлишидан қатъий назар, нима қилиб бўлса ҳам уни қилиш керак.	Ота-онам менга ёрдам беришга мажбурлар, болалар ҳурмат қилишлари, ҳокимият солиқларини камайтириш, об-ҳаво мен хоҳлагандай бўлиши керак, мен яхши ходим бўлишим, яхши умр йўлдоши, меҳрибон ота-она, маъсулиятли фуқаро бўлишим керак.	Ҳеч ким ҳеч кимга 100% мажбур эмаслигини англаш. Бизнинг яқинларимиз билан муносабатларимиз ижтимоий келишув натижасидир. Агар сиз астойдил хоҳласангиз айни вақтда атрофдагилар сиздан нимани кутишаётган бўлса шуни бера оласиз. Бироқ баъзан буни уддасидан чиқа олмаслигингиз мумкин.
Салбий установка – агар бирор омадсизлик бўлса, қолганлари ҳам худди шундай муваффақиятсизлик бўлиши мумкин деган фикрнинг кучайиши. Маркер сўз-ҳеч қачон, ҳар доим, ҳамма, ҳеч ким.	Мен ҳеч қачон ўйланмайман, қарзга пул бермайман, конькида учишни ўрганмайман. Барча одамлар ёмон, улар бошимга чиқиб олишга уринишади, мени ахмоқ қилишади, мени ғазаблантиришади.	Битта фактни умумлаштириб юбориш мумкин эмас, эслаб кўринг, қачондир ишингиз аввалига юришмаган бўлсада, кейинчалик ўз мақсадингизга эришгансиз. Бошқаларнинг сизга ижобий муносабатда бўлган ҳаракатларини эслаб кўринг.
Қатъий муқобиллик установкаси дунёни оқ ва қорага, яхши ва ёмонга ажратиш мумкинлиги ҳақидаги фикрларнинг мавжудлиги. Маркер сўзлар - ёки ҳаммаси ёки ҳеч қайсиси.	Сен агар менинг дўстим бўлсанг, мен учун овоз берасан, агар душман бўлсанг сени кўришни хоҳламайман.	Ойнинг 15и қоронғу бўлса, 15и ёруғ бўлади. Дунёда жуда ҳам ёвуз ёки фаришта инсонлар йўқ. Барчани бир қолипда ўлчаб бўлмайди. Дунёнинг барча гўзалликлари турли-туманликлари билан кўра билинг.

Ҳиссий зўриқишларнинг пайдо бўлишига долзарб эҳтиёжларни қондириш имкониятининг йўқлиги ҳам сабаб бўлади. Абрахам Маслоу инсоннинг эҳтиёжларини пирамида шаклида ифодалайди. Пирамиданинг қуйи қисмида "биологик эҳтиёжлар", ундан юқорида ижтимоий эҳтиёжлар, энг юқорида эса маънавий эҳтиёжлар туради. Уларга мувофиқ тарзда ҳиссий зўриқишнинг асосий турларини фарқлаш мумкин. Физиологик эҳтиёжларга боғлиқ ҳолда очлик, чанқоқлик, уйқунинг камлиги, жисмоний ва ақлий чарчаш, ҳаёт темпининг тезлиги ва кескин бурилишлари ҳам у ёки бу даражадаги зўриқишларни вужудга келтиради.

Қўрқув ва хавотирланиш билан боғлиқ ҳиссий зўриқишларга – йўқотиб қўйишдан қўрқиш, имтиҳондан ўта олмасликдан қўрқиш, ўлимдан қўрқиш, шахсий ҳаётидаги салбий ўзгаришлардан қўрқиш, яқинларининг саломатлигидан, севги ва дўстлик, маънавий ва жисмоний ёлғизлик, яқинларини йўқотиб қўйиш, жавобсиз муҳаббат билан боғлиқ ҳиссий зўриқиш. Ҳурмат ва юқори мавқега эришиш лавозимини йўқотиш, ўз имкониятларини тўла намоён эта олмаслик, жамиятда кўпчиликнинг назаридан қолишдан қўрқиш. Орзу-умидларига эриша олмаслик, яхши кўрмаган иши билан шуғулланиш билан боғлиқ ҳиссий зўриқишлар.

Мавжуд эҳтиёжларни қондириш имкониятининг йўқлиги фрустрацияга олиб келади. Кўплаб клиник тадқиқотларнинг кўрсатишича, фрустрация кўплаб психосоматик касалликлар – қон босимининг кўтарилиши, ошқозон яраси, бронхиал астма ва бошқаларнинг пайдо бўлишига қулайлик туғдиради. Фрустрация тажовуз ва жамиятга зид бўлган ҳаракатлар, ўз қобиғига ўралиб олиш, ўзини айблаш ҳисси, психологик ҳимоя механизмлари ёрдамида эҳтиёжларнинг қадрсизлантирилиши, ўзидаги ҳиссий зўриқиш ҳолати сабабларини таҳлил қилиш шаклларида намоён бўлади

Биринчи ва иккинчиси ҳиссий зўриқишни чуқурлаштириб юборса, учинчи ва тўртинчиси ҳиссий зўриқишни минимумга келтиради. Кишилар ўртасидаги муомала жараёнида ҳам ҳиссий зўриқишни вужудга келтирадиган истаганича сабабларни топиш мумкин. Мулоқот жараёнида пайдо бўлувчи ҳиссий зўриқишларнинг энг муҳим манбаларидан бири низолар (зиддият) бўлиб, у муносабатга киришувчилар эҳтиёжларининг бир-бирига мос келмаслигидир.

Физиологларнинг тадқиқотларида аниқланишича, узоқ муддат давом этувчи ҳиссий зўриқишлар организм фаолиятига жиддий таъсир этиши мумкин. Н.В. Судановнинг фикрича, низоли вазият таъсирида инсон ўзининг энг муҳим биологик ва ижтимоий эҳтиёжларини қондириш имкониятига эга бўлмайди. Низоли вазиятлар стресс ва бошқа ҳиссий зўриқишларнинг жадаллашишига олиб келувчи қуйидаги хусусиятларга эга:

- низонинг келиб чиқишида асосий масъулиятни бошқаларга ўтказиш билан ўз масъулиятини минимумга келтириш;
- бошқа кишига нисбатан салбий эмоцияларнинг намоён бўлиши ва кучайиши, ҳатто низоли вазиятдан ташқарида ҳам салбий эмоцияларнинг сақланиб қолиши;
- ўз нуқтаи-назарини ўзгартириш ва шерикнинг фикрини қабул қилишни хоҳламаслик.

Сўнгги йилларда тадқиқотчилар томонидан ишлаб чиқариш ва турмуш билан боғлиқ ҳиссий зўриқишларнинг салбий оқибатларини ўрганишга алоҳида эътибор берилмоқда. Инсон саломатлигининг бузилишига олиб келувчи асосий сабаблар сифатида стресслар: оиладаги шахслараро муносабатлар, зўриқишли ишлаб чиқариш муносабатлари ҳам кўрсатиб ўтилмоқда.

Кўп ҳолларда ҳиссий зўриқишларнинг пайдо бўлишига вақт билан тўғри муносабатда бўлишни билмаслик ҳам сабаб бўлади. Баъзан инсон маълум вақт оралиғи чегарасини тўғри баҳолай олмайди. Бундай ҳолат ўтмиш ёки келажакка жуда катта эмоционал муносабат билдириш билан боғлиқдир. Ўтмишда бўлган бирор бир руҳий изтиробга солган воқеани эслаш ҳам ҳиссий зўриқишни вужудга келтириши мумкин.

Ҳар бир киши ўз ўтмишидан бундай салбий кечинмаларни эслатадиган ҳолатларни такрор ва такрор ёдга олаверса ҳиссий зўриқиш ва стресслардан батамом халос бўла олмайди. Айрим ҳолларда энди рўй бериши мумкин бўлган воқеа-ҳодисаларни ўйлаб ҳам хавотирланиш мумкин. Бунда инсон ўз миясида ёқимсиз келажак образини қайта-қайта акс эттиради, уни ёқимсиз деталлар билан бойитиб "жонлантира" бошлайди. Борган сари ўзи ҳам унга ишона боради. Мазкур ҳиссий зўриқишнинг хавфлилиги шундаки, инсон ўзи учун омадсиз келажак дастурини тузиб олади, ўзига бўлган ишончи ва баҳоси пасайиб боради.

Бундай турдаги ҳиссий зўриқишларни бартараф этиш учун инсон ўзини қум соатнинг ўртасида деб тасаввур қилиши мақсадга мувофиқ. Қум соатнинг оқиб тушиб бўлган томони ўтмишни орқага қайтариб бўлмаслигини, ҳеч нарсани ўзгартириш мумкин эмаслигини англатса, энди оқиши мумкин бўлган томонига қараб ҳам ўзгариш учун кичик бир имконият мавжудлигини эслаш

керак. Келажак ва ўтмиш ўртасидаги кичик бир лаҳзада инсон вақтнинг қадрига етиши, ўзи учун ягона реаллик келажак борлигини тасаввур этиши керак.

Машҳур америкалик психолог А.Элкиннинг шундай фикри бор, "Агар сиз вақтни бошқаришни ўрганмасангиз, вақт сизни бошқаради" [1]. У вақтни тўғри бошқара олмаслик оқибатида намоён бўладиган ҳиссий зўриқишларнинг – севимли машғулот билан шуғулланиш ёки оила аъзолари билан мулоқотга вақтнинг етмай қолиши; мунтазам чекиниш; вақтни тақсимлашнинг аниқ режасига эга бўлмаслик; кўп вақтини олаётган кишиларга рад жавобини бера олмаслик вақтни бекор ўтказишни ҳис этиш каби белгиларини ажратиб кўрсатади.

А. Элкиннинг таъкидлашича, мазкур белгиларнинг ярмиси мавжудлиги ҳамда вақтнинг етишмаслиги жиддий ҳиссий зўриқишларга олиб келади.

Бошқарув психологияси бўйича мутахассис Питер Друкернинг фикрича, инсон вақтдан тўғри фойдалана олмаслиги оқибатида ҳам ҳиссий зўриқишни ҳис қилиши мумкин. Вақтдан самарали фойдаланиш кўникмаси – ўз вақтини таҳлил қилиш; вақтни тақсимлашни режалаштириш; самарасиз ўтадиган вақтни қисқартиш; вақтни яхлитлаш каби босқичлардан иборат. Вақтдан тўғри фойдаланиш нафақат ишни тез ва сифатли бажаришга, балки самарасиз ўтган вақт билан боғлиқ ҳиссий зўриқишлардан қочишга ҳам ёрдам беради.

Психологик ҳиссий зўриқишни вужудга келтирувчи объектив сабабларга яшаш ва иш билан боғлиқ шароит; одамлар билан ўзаро муносабат; муҳитнинг ижтимоий омиллари; фавқулотда ҳолатларни киритиш мумкин. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, объектив омил тушунчаси нисбий аҳамиятга эга. Чунки объектив омилларга ҳам инсон субъектив тарзда таъсир этиб туради. Яшаш ва ишлаш шароити билан боғлиқ омиллар кўплаб ҳиссий зўриқишларнинг вужудга келишига сабаб бўлади. Масалан: уйнинг сув ва иссиқлик билан таъминланмаганлиги, транспорт билан боғлиқ ҳолатлар, экологик муаммолар ва бошқалар ҳам ҳиссий зўриқишни вужудга келтиради. Нархнавонинг кўтарилиши, иш вақтининг камлиги, кутилмаган харажатлар, пул йўқолиши, шартномаларнинг бекор қилиниши, иш жойини йўқотиш ва бошқалар ҳиссий зўриқишни вужудга келтирувчи омиллар сифатида намоён бўлади.

Ҳар қандай фавқулотда ҳолатлар у ёки бу даражадаги ҳиссий зўриқишларнинг манбаи бўлиб хизмат қилади. Кутилмаган қор, ёмғир, ер силкиниши, имтиҳон, кўпчилик олдида нутқ сўзлаш, ўғирлик, товламачилик, моддий зарар кўриш, ўткир ва сурункали касалликлар, яқин кишисини йўқотиш кабилар фавқулотда ҳиссий зўриқишни вужудга келтиради. Булардан энг кўп таъсир қиладигани, ҳар бир кишида тез-тез намоён бўладигани – бу соғлиқ билан боғлиқ ҳиссий зўриқишлардир.

Агар шахс томонидан касаллик ҳиссий зўриқиш сифатида идрок қилинса, унинг кучайишига олиб келади. Оптимизм, позитив тафаккур ва касалликка ижобий муносабат орқали ҳиссий зўриқишни минимум шаклга келтиришга эришилса, касалликнинг соматик белгиларини камайтириб, уни даволашга ижобий таъсир этиши мумкин. Психотерапевтларнинг тажрибалари шуни кўрсатадики, инсонлар ҳиссий зўриқишни пайдо бўлишига таъсир кўрсатадиган ташқи муҳит омилларини нотўғри баҳолайдилар.

Ҳиссий зўриқишни вужудга келтирувчи омиллар ҳақиқатдан ҳам объектив табиатга эга бўлиш ёки индивид онгининг маҳсули бўлиши мумкин. Объектив воқеликдаги ҳиссий зўриқишларни тартиб билан жойлаштирилса, ташқи муҳит билан омиллар шкаланинг бир томонига, субъектив омиллар иккинчи томонига жойлашади.

В.Л. Маришук ва В.И. Евдокимовлар томонидан шахснинг ҳиссий зўриқиш ҳолатига чидамлилигини аниқлаш мақсадида спорт ва ҳарбий психологияда ғалабага бўлган юксак мотивация ва мусобақа кайфиятини яратиш; кутилмаган кучли қўзғатувчилар таъсир эттириш, руҳий зарба берувчи сурат, кадрларни кўрсатиш, реал ҳиссий зўриқишни келтириб чиқарадиган таъсир этувчи ҳаракатларни бажариш ва бошқа усуллар қўлланилади [2,3]. Шундай қилиб, шахснинг турли ҳиссий зўриқишлари даражаси, уларнинг хулқ-атвори ва физиологик жараёнларига таъсирини кўплаб методлар ёрдамида ўрганиш мумкин. Ҳиссий зўриқишларни намоён бўлиши кўплаб олимлар томонидан тадқиқ этилган. Ҳиссий зўриқишлар даражасини баҳолашнинг объектив ва субъектив методлари мавжуд.

Объектив методларга – юрак қон-томир ва нафас олиш тизимини баҳолаш, вегетатив асаб тизими фаоллигини баҳолаш, стресс вақтидаги организмнинг психомотор реакцияларини баҳолаш ва бошқа методлар киради.

Юрак қон-томир ва нафас олиш тизими ҳолатини баҳолашда энг кўп қўлланиладиган физиологик методларга: юрак қисқаришлари частотасини қайд қилиш; артериал босим кўрсаткичларини аниқлаш; электрокардиография; нафас олишнинг чуқурлиги ва частотаси.

Сўнгги йилларда ҳиссий зўриқиш ва стрессларни комплекс ўрганиш методидан фойдаланиш оммалашиб бормоқда. Бунинг сабаби шуки, стрессни вужудга келтирадиган таъсирларга организм комплекс ва тизимли ҳолда жавоб беради. Шунинг учун ҳам асаб, гуморал, юрак қон- томир, мускул тизимларининг ўзаро таъсирини ўрганиш жуда катта қизиқиш уйғотади. Шу ўринда Болгариянинг гигиена институти олимлари томонидан келтирилган фикрлар диққатга сазовордир. Унга кўра, алоҳида ўрганилган реакциялар, комплекс ўрганилган реакцияларга нисбатан камроқ маълумот беради. Стресс вақтида функционал ҳолатларни баҳолашнинг энг оддий ва тезда ўтказиш мумкин бўлган методлардан бири юрак қисқаришлари частотасини (пульсни) ўлчаш усулидир.

Тадқиқотларда аниқланишича, имтиҳонлар вақтида биринчи курс талабаларида пульс бир минутда 79 тадан 98 тагача зарба берган. Имтиҳон пайтида юрак уриши нормадан фарқ қилади. Имтиҳонлар пайтида 3,8% талабаларда пульс 120-150 тагача етган, ҳатто айрим талабаларда тахикардия ва брадикардия кузатилган. Айниқса, асаб тизими кучсиз бўлган талабаларда симпатик ва парасимпатик асаб тизимининг таъсири яққол кузатилади ва стресс жуда оғир кечади.

Субъект учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳодисани хавотир билан кутиш, артериал босимнинг кўтарилишига олиб келади. Артериал босимнинг ортиши ҳис-туйғуларнинг табиатига боғлиқ. Психомотор реакцияларга асосланиб психологик зўриқишларни баҳолашнинг асосий методлари:

- миограмма ёрдамида алоҳида мушаклар гуруҳининг зўриқиш даражасини аниқлаш;
- тремор (ихтиёрсиз титраш) кўрсаткичларига асосланиб мушакларни ҳаддан зиёд зўриқиш даражасини аниқлаш;
- оддий ва мураккаб сенсомотор реакциялар тезлигини аниқлаш.

Юқорида таъкидлаб ўтилган хулқ-атвордаги бузилишларни тремор (мушакларнинг ихтиёрсиз қисқариши)нинг ифодаланиш даражасига қараб аниқлаш мумкин.

Мушаклар қисқаришининг жадаллиги тремометр деган асбоб ёрдамида аниқланади. Тремометр бир неча тешиклардан иборат бўлиб, махсус чўп билан улар орасидан ўтиб ҳаракат қилинади. Махсус ҳисоблагич тешик қирғоқларига тегиб кетишлар сонини ёзиб боради.

Пўстлоқ қисмининг ҳаракат маркази томонидан назорат қанчалик кучли бўлса тегиб кетишлар сони шунчалик кам бўлади, аксинча, стресс даражаси ортган сайин қўл титраши кучаяди ва тегиб кетишлар сони ҳам ортади.

Тадқиқотларнинг аниқлашича, нормада тремор кўрсаткичи 4.7±0.7 ни ташкил этса, имтиҳон олдидан бу кўрсаткич 8.7±10 га кўтарилади. Олиб борилган тадқиқотлар натижаларига кўра, текширилувчиларни бешта гуруҳга ажратиш мумкин:

- “треморнинг йўқлиги” (тегиб кетишлар сони -0) – мушаклар устидан тўлиқ назорат ўрнатилган;
- “кучсиз тремор” – (1-5 та тегиш), мушаклар устидан етарлича назорат;
- “ифодаланган тремор” (6-10 та тегиш) ҳаракат координацияси устидан қийинлик билан назорат ўрнатиш;
- “кучли тремор” – (11-20 та тегиш) – етарли даражада назорат қила олмаслик;
- “жуда кучли тремор” – (21 тадан ортиқ) – мазкур ҳолатда қўлни бир жойда тутиб туриш имкониятининг йўқлиги.

Имтиҳонлар даврида 35% талабаларда кучли ва жуда кучли тремор кузатилади. Тадқиқотларда аниқланишича, ҳиссий зўриқишлар даражаси нафақат уни вужудга келтирган омилларнинг кучига, балки уни ҳис қилаётган инсон олий нерв фаолиятининг типига ҳам боғлиқ бўлади.

Ҳиссий зўриқишлар даражасини баҳолашнинг субъектив методларига психологик (варақли ва проектив) тестлар, интроспекция, ўз ҳиссий ҳолатлари кечишини назорат қилиб ёзиб бориш ва бошқалар киради.

Ҳозирги замон психологиясида стресс ва бошқа ҳиссий зўриқишларнинг турли таркибий қисмларини ўрганишнинг жуда кўплаб тестларидан фойдаланилмоқда. Баъзи тестларда безовталикнинг субъектив таркибий қисмлари ўрганилса, бошқаларида уларнинг вегетатив кўринишлари тадқиқ этилади.

Варақли тестлардан фойдаланиш ҳиссий зўриқишларнинг сабабларини тўла таҳлил қилиш имконини бермаслиги мумкин. Бундай вазиятда интроспекция методидан, яъни зўриқишнинг сабабларини аниқлашда у давом этаётган пайтда ўзини-ўзи таҳлил қилишдан фойдаланиш кўпроқ маълумот

беради. Ҳиссий зўриқишнинг дастлабки белгилари намоён бўлиши билан ва қуйидаги стандарт саволларни бериш мақсадга мувофиқдир.

- Мени салбий эмоциялар қамраб олмаяптими?
- Ҳозир мен нима ҳақида ўйлаяпман? (муаммони қандай ҳал этиш тўғрисидами ёки нима учун ҳаммаси бундай тус олаётгани ҳақидами?)
- Менинг мушакларим қандай ҳолатда? Уларда ортиқча зўриқиш мавжуд эмасми?
- Мен қандай нафас оляпман? (хотиржамми ёки қийналиб?)

Стрессни таҳлил қилишда бутун эътиборни нафақат муаммога қаратиш, балки вазиятни чуқур таҳлил қила олиш керак. Бунда унинг ривожланиш имкониятларига, стресс вақтидаги ўзининг ҳаракати сифатларига, асосий ҳаракатлар тугагач, вужудга келадиган оқибатга эътибор бериш зарур.

Ҳиссий зўриқишга олиб келган ҳолат – зўриқиш билан боғлиқ реакцияларни вужудга келтириши мумкин бўлган воқеа ёки ҳодисани аниқлаш учун ўзига қуйидаги саволларни бериши керак.

- Ҳиссий зўриқишнинг ривожланишига нималар таъсир кўрсатди?
- Бу қачон рўй берди?
- Мен нима қилдим?
- Ёнимда ким бор эди?
- Зўриқиш бошланмасдан олдин менда қандай фикр бор эди?

Стресс қандай кечаётганлигини билиш учун қуйидаги саволларни бериш керак:

- Стресс вақтида қандай ҳис-туйғу ва кечинмалар намоён бўлди?
- Стресс вақтида қандай физиологик ҳислар пайдо бўлди?
- Шу вақтда нималар ҳақида ўйладим? Миямда қандай фикрлар бор эди?
- Бу пайтда қандай ҳаракат қилдим ва нималарни қилишдан тўхтаб қолдим?

Оқибат – бевосита реакциядан кейин пайдо бўладиган ҳолат (ёки бу реакция қўзғатувчининг кучига мос ёки мос эмаслигини баҳолаш). Уни аниқлаш учун қуйидаги саволларга жавоб бериш зарур:

- Зўриқиш ўтиб кетгандан сўнг нима бўлди?
- Мен вазиятни қандай баҳоладим?
- Қанча вақт зўриқиш оқибатини ҳис қилиб юрдим?
- Мен ўзимни, бошқаларни ёки вазиятни айбладимми?

Ўзини-ўзи кузатиш ҳиссий зўриқишни вужудга келтирувчи омиллар ва уларни бартараф этиш йўлларини ўрганиш калитидир. Агар инсон ўз муаммоларини таҳлил этишга астойдил ҳаракат қилса, бу уни бартараф этиш йўлида қўйилган биринчи қадам ҳисобланади.

Адабиётлар

1. Элкин А. Стресс для "чайников" Stress Management For Dummies. – М.: «Вильямс», 2006. – С. 320.

2. Марищук В.Л., Евдокимов В. И. Поведение и саморегуляция человека в условиях стресса. – СПб., 2001. – с. 81–101.

3. Щербатых Ю.В. – Психология стресса и методы коррекции. ВУЗ: ТГУ. – СПб.: Питер, 2006. – 256 с.



Дилхумор МИРЗАБДУЛЛАЕВА
Наманган давлат университети катта ўқитувчиси

ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯ ЖАРАЁНИДА ЎСМИРЛАР МУҲИТИДАГИ НИЗОЛАР

Таълим ва тарбия жараёнидаги низолар ўзига хосликка эга бўлиб, мактаб учун турли низолар характерлидир. Педагогик соҳа шахсни мақсадли шакллантиришнинг барча соҳаларини қамраб олади, унинг моҳияти ижтимоий тажрибани ўзлаштириш ва етказиб бериш фаолиятидан иборат.

Таянч тушунчалар: *таълим, тарбия жараёни, низо, мактаб, педагог, соҳа, шахс, мақсад, шакллантириш, фаолият.*

Конфликты в процессе образования и воспитания своеобразны и для школ различные конфликты характерны. Педагогическое поприще охватывает все отрасли целевого направления личности, ее сущность и состоит из освоения и доведения ее в социально практическую деятельность.

Опорные понятия: *образование, процесс воспитания, конфликт, школа, педагог, отрасль, личность, цель, формирование, деятельность.*

The conflicts in process of education and education are peculiar, various conflicts are characteristic of schools. The pedagogical field covers all branches of the target direction of the personality, her essence consists of development of socially practical activities and to finish her.

Supporting concepts: *education, education process, conflict, school, teacher, branch, personality, purpose, formation, activity.*

Кўпгина тадқиқот ишларида ўқув-тарбия жараёнини ташкил этиш хусусиятлари, ўсмирларнинг низоли вазиятни субъектив идрок этиши, низо асосида ётувчи қарама-қаршиликлар орасида муайян бир узвийлик борлиги ҳақида кўрсатиб ўтилган.

Ўсмирлик даври муаммоларига тавсиф беришда қўлланиладиган "ўтиш ёшининг қийинчиликлари" ибораси ҳаммага маълум. К. Левин ўсмирни икки ўт орасида турган, яъни болалар дунёсидан чиққан ва ҳали катталар дунёсига етиб бормаган маргинал одам деб ҳисоблайди. Ушбу ўхшатишда ўсмирлик ёшининг "ўтиш даври" эканлиги ва унга хос психологик муаммолар яққол кўзга ташланади: энди у бола бўлишни хоҳламайди, лекин шу билан бирга, атрофдагилар ва ўзининг наздида катта одам бўла олмайди (Н.В.Гришина). Айнан шу ўсмир ривожланишидаги асосий қарама-қаршилик бўлиб, у бу даврда бошидан кечирилаётган типик қийинчиликлар, аввало, катталар билан муносабатлардаги муаммолар, ўзидаги "катталик ҳисси "ни тасдиқлашга қаратилган девиант хулққа олиб келади. К. Левиннинг фикрича, мазкур низолар ва уларнинг кечиши, иккита гуруҳ – катталар ва болалар олами ўртасидаги чегаранинг кескинлигига боғлиқ бўлади.

Нима бўлганда ҳам, эмансипация, яъни ота-онадан йироқлашиш ва ўз тенгдошлари гуруҳига интилиш хисси, ўсмир хулқининг энг асосий хусусиятларидан бирига айланади. Бу ёшдаги низолар, ўсмирларнинг улар учун янги бўлган ўзаро биргаликдаги ҳаракат шаклларини, жадаллик билан, баъзан ноадекват тарзда эгаллаб боришининг табиий оқибати бўлиши мумкин (Н.В. Гришина).

Мактаб муҳитидаги низоли вазиятлар, даставвал иштирокчиларнинг маълум бир сабабга кўра бир-бирига қарши позицияда туриши, мақсад ва унга эришиш воситалари қарама-қаршилиги, қизиқишлар, истак-хоҳишлар ва мойилликларнинг ўзаро мос келмаслиги туфайли юзага келади. Ҳар бир низода субъект ва объектни фарқлаш мумкин.

Маълумки, шахс сифатида камол топишнинг манбаи ички ва ташқи қарама-қаршиликларни енгиб ўтиш ҳисобланади. Шу билан бирга, ташқи қарама-қаршиликларнинг ичкига кўчиб ўтиш хусусияти мавжуд бўлиб, бу психологик дискомфорт (нохушлик) ва чарчоқни пайдо қилади. Шу сабабли, ўсмирлик ёшидаги ўқувчилар билан ишлаётган педагог, ўз раҳбарлигини ўқувчиларнинг ўзаро муносабатларидаги ички қарама-қаршиликларни ҳал этишга йўналтириши муҳимдир. Бу эса уларнинг эмоционал ҳолатини доимо тушунишни талаб этади.

И.И. Ридановнинг таъкидлашича, низоларларни оқилона ҳал этиш, ўсмирлик ёшида оғриқли нуқта бўлган низоларнинг олдини олади, ўқитувчи ва ўқувчини яқинлаштиради, бир-бирини тушунишга олиб келади.

Низоларлар чуқур ва юзаки, узоқ муддатли ва қисқа муддатли бўлиши мумкин. Низоларнинг туғилиши ҳақида дарак берувчи сигналларни кузатиб бориш педагогик аҳамиятга эга. Таъкидлаб ўтилганидек, ўсмирлик ёшидаги низолар интрасубъектли, интраперсонал характерга эга бўлиб узоқ давом этади (Н.В.Гришина).

Педагогик амалиётда кўпчилик учун юзага келган ҳодисани бартараф этишдан кўра, ундаги низоли вазиятни муҳокама этиш қизиқарли туюлади. Фавқулодда пайдо бўлган ҳодисани куч билан бостириш мумкин. Бироқ низоли вазият, ўз шаклини ўзгартирган ҳолда сақланиб қолади ва ўсмирга ҳамда бутун жамоа фаолиятига салбий таъсир кўрсатади.

Ўсмирлар муҳитидаги низолар масаласига ҳозирги кунда нафақат психология, балки педагогика фанида ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Мактабдаги низолар контекстидаги таълим ва тарбия жараёнида шуни қайд этиш лозимки, на жамоа, на алоҳида шахс низоларсиз ривожлана олмайди, низоларнинг мавжудлиги, нормал ривожланиш кўрсаткичидир (С.И. Михайлова).

Низони ўсмир шахсига тарбиявий таъсир кўрсатишнинг самарали воситаси сифатида баҳолаган Д.Б. Морецкийнинг кўрсатишича, ўсмирлар муҳитидаги низоли вазиятларнинг олдини олиш ва енгиб ўтиш, махсус психологик-педагогик билимлар ва унга мос бўлган кўникмалар орқалигина амалга оширилади. Шуниси эътиборга моликки, кўпгина ўқитувчилар ҳар қандай низоли вазиятга салбий баҳо беришади. Деярли барча педагогларда “низо” сўзининг ўзига нисбатан ҳам эҳтиёткор муносабат билдириш сақланиб қолган. Уларнинг онгида ушбу тушунча, педагоглар ва ўқувчилар орасидаги муносабатларнинг дарз кетиши, интизом бузилиши, тарбиявий жараёнга зиён келтирувчи ҳодиса сифатида муҳрланган. Улар турли воситалар ёрдамида низолардан қочишга ҳаракат қилишади, агар низо мавжуд бўлса, унинг ташқи жиҳатини бостиришга интилишади.

Аксарият кўпгина олимларнинг кўрсатишича, низо – шахснинг қабул қилинган меъёрларга амал қилмаслиги оқибатида юзага келадиган тўқнашув натижаси бўлиб, ўсмирлик муҳитининг ёшга доир хусусиятларида акс этади (А.Я. Анцупов, А.И. Шипилов).

Кишиларнинг ўзаро биргаликдаги фаолияти давомида низолашган томонлар бир-бирини инкор этган ҳолда, ўз қадриятли йўналишлари ва меъёрларини ўтказишга ҳаракат қилишади. Бу эса ҳар қандай ўқувчилар жамоасида, айниқса, юқори синф ўқувчиларида салбий ҳиссий кечинмаларни бошдан кечиришига сабаб бўлиб, ўта мураккаб психологик иқлимни вужудга келтиради.

Илмий адабиётларда низонинг олдини олиш, заифлаштириш, ҳал қилиш каби масалалар кенг ёритилган бўлса, уни бошқариш ҳақида кам тўхталиб ўтилган. Д.И. Фельдштейн ва Л.И. Воробьеванинг таъкидлашича, мактаб педагоглари низо масаласига назоратдан чиқиб кетган, бошқариш қийин бўлган нохуш ҳодиса сифатида қарашади. Узоқ йиллар мобайнида мактаб педагог ходимлари учун масаланинг ташқи (кўркам) жиҳатлари муҳим ўрин тутган. Шунга кўра, тарбиянинг сифати ва даражаси ҳақида фикр юритилган. Агар мавжуд низолар билан узоқ иш олиб борилса, бошқалар хабардор қилинса, мактабда тартибсизликлар кўп деган фикр уйғонади, ёмон мактаб тушунчаси ҳосил бўлади (Г.М. Андреева).

Юқоридаги фикрлардан шундай хулоса чиқариш мумкинки, узоқ давр мобайнида низоларнинг пайдо бўлиш сабаблари ва уларнинг табиати ҳақида якдиллик бўлмаган, низо ва қарама-қаршиликларнинг мавжудлиги инкор этилган. Низолар педагогик тизимнинг нормал ишлашига халақит берувчи салбий ҳодиса деб эътироф этилган.

Аниқланишича, ўсмирлар орасида юзага келадиган низоларлар ҳар доим ҳам низога олиб келмайди. Низоларларнинг низога айланиб кетиши ёки баҳс ва мунозараларда ҳал этилиши, педагогик раҳбарликнинг моҳирона ташкил этилишига боғлиқ. Кўп ҳолларда низонинг муваффақиятли ҳал этилиши, педагогнинг унга нисбатан билдираётган муносабати доирасида эгаллаб турган ўрнига (авторитар, бетараф, низодан чекиниш, низога оқилона ёндашув) ҳам боғлиқ бўлади. Низони бошқариш, унинг ривожланишини тахминлаш ва ҳал қила олиш – педагогик фаолиятнинг ўзига хос “хавфсизлик техникаси” ҳисобланади. (Д.Ф. Морецкий).

Низоларни ҳал этишга тайёргарлик борасида иккита ёндашув фарқланади:

- мавжуд педагогик тажрибларни ўрганиш;
- низоларнинг ривожланишига хос бўлган психологик қонуниятларни, улардан огоҳ этиш ва бартараф қилиш воситаларини эгаллаш.

Низоларга педагогик жиҳатдан тўғри ёндашиш ва уларни ҳал қилиш катта имкониятлар яратади. Ушбу имкониятларни рўёбга чиқариш, фактлар ва юзага келган ҳолатни таҳлил қилиш, ўқувчиларнинг фаолият мотивларини аниқлаш орқали амалга оширилади (В.В. Давидов). “Низоли вазият, пе-

дагогик мақсадга мувофиқдир ва у педагогик таъсир кўрсатишнинг фаол воситаси сифатида майдонга чиқади"(Л.С. Виготский).

В.М. Афонькованинг тасдиқлашича, ўсмирлар орасидаги низоларга педагогик аралашувнинг муваффақияти, педагог эгаллаб турган позицияга боғлиқдир. Унинг фикрича, бундай позициялар камида 4тани ташкил этади:

- низога авторитар аралашув позицияси – педагогнинг ишончи комилки – низо ёмон ҳодиса, у билан курашиш керак деб ҳисоблайди ва уни бостиришга интилади;
- бетарафлик позицияси – педагог ўз тарбияланувчилари ўртасидаги тўқнашувларни кўрмаганликка олишга ва аралашмасликка интилади;
- низодан қочиш позицияси – педагогнинг ишончи комилки, низо унинг болаларга тарбия беришдаги муваффақиятсизликлари кўрсаткичи ҳамда у вазиятдан чиқа олмаганлиги туфайли юзага келган;
- низога оқилона аралашув позицияси – педагог ўз тарбияланувчилар жамоасини яқиндан билиши ҳамда ўзидаги билим ва кўникмаларга таянган ҳолда, низонинг вужудга келиш сабабларини таҳлил қилади, уни бартараф этиш ёки муайян бир чегарагача ривожланишига имкон бериш қарорини қабул қилади. (В.М. Афонькова, В.П. Беспалько).

Тўртинчи позициядаги педагогнинг ҳаракатлари низони назорат қилиш ва бошқаришга имконият яратиб беради. Низоларнинг ижтимоий-психологик сабабларига ўсмирларнинг ўзаро биргаликдаги фаолияти, уларнинг гуруҳга, хусусан, мактаб жамоасига қўшилиши кабиларни киритиш мумкин. Юқорида кўрсатиб ўтилган низолар гуруҳининг ўзаро сабабий боғланишлари, ҳали тўла аниқланмаган. Низоларнинг ижтимоий-психологик, ташкилий-бошқарув ва шахсий сабаблари орасида қатъий чегара белгиланмаган. Низоларни ўрганиш, соф ижтимоий-психологик характерга эга бўлган бир қатор сабабларни аниқлаш имконини берди (Е.С. Романова).

Шундай сабаблардан бири шахслараро ва гуруҳлараро коммуникация жараёнида ахборотларнинг етишмаслиги ва бузиб кўрсатилишидир. Кишиларнинг бир-бирларини нотўғри тушуниши низоларнинг асосий сабаби бўлиши мумкин ва у бошқа масалада юзага келган ижтимоий ихтилофларни ҳал этишни ҳам мураккаблаштиради.

Шахслараро низоларнинг иккинчи, типик ижтимоий-психологик сабаби, икки кишининг ўзаро биргаликдаги фаолиятида ролларнинг мувофиқ келмаслиги бўлиши мумкин. Шахслараро мулоқот вазиятида ҳар бир одам ёки ҳар иккалови ҳам, ўз шериги кутаётган ролни бажармаслиги мумкин. Э. Берн назарияси шахслараро низоларнинг мазкур сабабини таҳлил қилишнинг назарий асоси саналади (А.Б. Белинская).

Роллар ҳар доим ҳам бирдек муваффақиятли "ижро этилмайди". Шахслараро низоларнинг вужудга келиш хавфини туғдирувчи роллар сирасига, юқори психологик статус(мақом)га эгалик, ўзаро тенглик ва ёши кичиклик кабилар мисол бўла олади. Бу, айниқса, ўсмирлар орасидаги низоларда ўта муҳим аҳамият касб этади.

Шахслараро низоларнинг типик ижтимоий-психологик сабабларидан бири, юзага келган муаммо (айниқса чигал муаммо)ни ҳал этишга турлича томондан ёндашиш бўлиши мумкин. Чунки бир қарашда оддий кўринган муаммо, ҳар-хил нуқтаи назарга кўра турлича намоён бўлади.

Ўсмирларнинг, баъзан катталарнинг ҳам ўзаро биргаликдаги фаолияти давомидаги низоларнинг сабаби, уларнинг бир-бирларини ва фаолият натижаларини турлича баҳолашлари хисобланади. Ҳар қандай баҳонинг замирида таққослаш ётади (А.Я. Анцупов).

Шахслараро ва гуруҳлараро низоларнинг яна бир қатор ижтимоий-психологик сабаблари бор. Улардан бири гуруҳ ичидаги фаворитлик (пешқадамлик), яъни ўз гуруҳ аъзоларини бошқа гуруҳдагилардан устун қўйишдир, бунга мактабдаги "А" ва "Б" синфларнинг ўзаро қарама-қаршилиги мисол бўла олади.

Ўсмирлар орасидаги низоларни ўрганишнинг қуйидаги иккита жиҳатини фарқлаш мумкин:

- биринчидан, низо – бевосита кузатиш мумкин бўлган ўзаро биргаликдаги ҳаракат ва ижтимоий-психологик ходиса;
- иккинчидан, низо – иштирокчиларнинг низоли вазиятнинг турли томонларини субъектив равишда акс эттириши, англаб етиши ва ҳис қилишидан иборат (А.Б. Белинская).

Сўнгги аспект низоларни ўрганишда алоҳида аҳамиятга эга: агар кўпгина ижтимоий-психологик ходисалар, унинг иштирокчилари томонидан қандай идрок этилиши ва ҳис қилишидан қатъий назар содир бўлса (масалан, мактаб шароитида конформизм ёки гуруҳий босим), низо – иштирокчиларда

қизиқишларнинг мос келмаслиги, эгаллаган ўрни туфайли пайдо бўлган қарама-қаршиликларни англаб етишдан бошланади.

Ўқув фаолияти шароитларидаги низолар турли хилдаги низолар бўлади. Педагогика соҳаси шахсни мақсадга мувофиқ шакллантириш бўйича барча турлари тўпламидан иборат бўлади, унинг моҳияти эса ижтимоий тажрибани ўргатиш ва ўзлаштириш бўйича фаолияти ҳисобланади. Шунинг учун айнан мана шу ерда педагог, ўқувчи ва ота-оналар кўнгил хотиржамликлари учун қулай ижтимоий-психологик шароитлар яратиши зарур.

Низонинг ривожланиб боришида қатор босқичлар мавжуд:

1. Тахмин қилувчи босқич – манфаатлари тўқнашуви юзага келиши мумкин бўлган шароитлар билан боғлиқ.

2. Низонинг пайдо бўлиш босқичи – турли гуруҳлар ёки алоҳида инсонлар манфаатларининг тўқнашуви.

3. Низонинг етилиши босқичи – манфаатлари тўқнашуви муқаррар бўлиб қолади.

4. Низони англаб етиш босқичи – жанжаллашувчи томонлар манфаатлари тўқнашувини фақатгина сезибгина қолмай, балки англаб ҳам ета бошлайдилар.

Низоларни ҳал қилишга икки хил ёндашув мавжуд:

– мавжуд илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш;

–иккинчиси – низолар ривожланиши қонуниятлари билимларини ва уларнинг олдини олиш ва бартараф қилиш усулларини эгаллаш (анча қийин йўл, аммо анча самарали, чунки турли низолар барчасига бартараф қилиш йўлларини кўрсатиш мумкин эмас).

В.М. Афонькова низоларга педагогик аралашишнинг муваффақиятлилиги педагогнинг қарашларига боғлиқ бўлади деб таъкидлайди. Бундай қарашлар камида тўртта бўлиши мумкин:

- *низога авторитар аралашиш ёндашуви* – педагог низо – бу ҳар доим ҳам ёмон эмаслиги ва у билан курашиш кераклигига ишончи бўлмаган ҳолда уни бостиришга ҳаракат қилади;
- *нейтралитет ёндашиш* – педагог тарбияланувчилари ўртасида юзага келадиган тўқнашувларни сезмасликка ва аралашмасликка ҳаракат қилади;
- *низодан қочиш* – педагог низо – бу юзага келган вазиятдан қандай чиқишни билмаслиги сабабли болалар билан унинг муваффақиятсиз тарбиявий ишлари кўрсаткичи деб ишонади;
- *низога мақсадга мувофиқ аралашиш* - педагог тарбияланувчилари жамоасини яхши билишига, тегишли билим ва малакаларига таяниб низо келиб чиқиши сабабларини таҳлил қилади, уни бостириш ёки маълум даражагача ривожланишига бериш тўғрисида қарор қабул қилади.

Низоли вазиятда унинг ривожланиши ёки ижобий якуни учун ижтимоий перцепция, рефлексия каби ижтимоий – психологик феноменлар қўшилади.

Адабиётлар

1. Обухова А.Ф. Возрастная психология: Учебник. – М.: Высшее образование, 2006. – 460 с.

2. Лисенко Ю. Н. Эффективность профессиональной деятельности / Монография / Ю. Н. Лисенко; М-во обш. и проф. образования РФ. Самар. гос. пед. ун-т, 1998.

3. Психология и учитель / Пер. с англ. Гуго Мюнстерберг. 3-е изд., испр. – М., 1997. – 385 с.



Nodira MAQSUDOVA
Namangan davlat universiteti doktoranti

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASIDA INKLYUZIV TA'LIM

Inklyuziv ta'lim nogiron bolalarni ta'lim jarayoniga integratsiya qilish hamda umumta'lim maktablarini nogiron bolalarga moslashtirishni ko'zda tutadigan, ijtimoiy adolat va tenglikni bosh maqsad qilib olgan jarayondir.

Tayanch tushunchalar: *ta'lim, intellektual rivojlanish, innovatsiya, ta'lim metodlari, korreksion ta'lim, maktabgacha ta'lim.*

Инклюзивное образование - это процесс, главной целью которого является равность и социальная справедливость, а также адаптирование общеобразовательных школ под нужды детей с ограниченными возможностями и интеграция их в образовательный процесс.

Опорные понятия: *образование, интеллектуальное развитие, инновация, методы образования, коррекционное образование, дошкольное образование.*

Inclusive education it is process having a main goal flatness and social justice and also adaptation of comprehensive schools under needs of children with limited features and their integration into educational process.

Supporting concepts: *education, intellectual development, innovation, education methods, correctional education, preschool education.*

Har qanday jamiyatda kelajak vorislari bo'lmish farzandlarni mas'ulayatni his etadigan, ularni davlat taraqqiyoti va gullab-yashnashiga salmoqli ulush qo'shadigan munosib fuqarolar bo'lib yetishishlariga katta umid bilan qaraladi. Dunyoga "O'zbek modeli" deb nom olgan rivojlanish yo'li bilan tobora ko'proq tanilayotgan O'zbekistonda ham bolalar huquqlarini himoya qilishga juda katta e'tibor berilmoqda. "Nogironlarni davlat tomonidan qo'llab-quvvatlashni ta'minlash, tug'ma va nasliy kasalliklarni barvaqt aniqlash hamda ularning oldini olish sohasidagi qonunchilikni va huquqni qo'llash amaliyotini yanada takomillashtirish, shuningdek, aholining keng qatlamlari o'rtasida sog'lom turmush tarzini targ'ib qilishni, shu jumladan, erta va qarindoshlar o'rtasidagi nikohlarning oldini olish ishlarini tubdan kuchaytirish bo'yicha chora-tadbirlar ishlab chiqish" to'g'rida O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M. Mirziyoyevning "**Nogironlarni davlat tomonidan qo'llab-quvvatlash tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari" to'g'risida farmoyishida ham keng ko'lamda yoritib berildi** [1]. O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha harakatlar strategiyasi to'g'risida O'zbekiston Respublikasi Prezidentining Farmoniga binoan 2017-2021-yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha harakatlar strategiyasining 4.4 yo'nalishi ta'lim va fan sohasini rivojlantirish qismida quyidagilar aytib o'tilgan:

- uzluksiz ta'lim tizimini yanada takomillashtirish, sifatli ta'lim xizmatlari imkoniyatlarini oshirish, mehnat bozorining zamonaviy ehtiyojlariga mos yuqori malakali kadrlar tayyorlash siyosatini davom ettirish;
- ta'lim muassasalarini qurish, rekonstruktsiya qilish va kapital ta'mirlash, ularni zamonaviy o'quv va laboratoriya asboblari, kompyuter texnikasi va o'quv-metodik qo'llanmalar bilan jihozlash orqali ularning moddiy-texnika bazasini mustahkamlash yuzasidan maqsadli chora-tadbirlarni ko'rish;
- maktabgacha ta'lim muassasalari tarmog'ini kengaytirish va ushbu muassasalarda bolalarning har tomonlama intellektual, estetik va jismoniy rivojlanishi uchun shart-sharoitlarni tubdan yaxshilash, bolalarning maktabgacha ta'lim bilan qamrab olinishini jiddiy oshirish va foydalanish imkoniyatlarini ta'minlash, pedagog va mutaxassislarning malaka darajasini yuksaltirish;
- umumiy o'rta ta'lim sifatini tubdan oshirish, chet tillar, informatika hamda matematika, fizika, kimyo, biologiya kabi boshqa muhim va talab yuqori bo'lgan fanlarni chuqurlashtirilgan tarzda o'rganish;
- bolalarni sport bilan ommaviy tarzda shug'ullanishga, ularni musiqa hamda san'at dunyosiga jalb qilish maqsadida yangi bolalar sporti obyektlarini, bolalar musiqa va san'at maktablarini qurish, mavjudlarini rekonstruksiya qilish;

- kasb-hunar kollejlari o'quvchilarini bozor iqtisodiyoti va ish beruvchilarning ehtiyojlariga javob beradigan mutaxassisliklar bo'yicha tayyorlash hamda ishga joylashtirish borasidagi ishlarni takomillashtirish;

- ta'lim va o'qitish sifatini baholashning xalqaro standartlarini joriy etish asosida oliy ta'lim muassasalari faoliyatining sifati hamda samaradorligini oshirish, oliy ta'lim muassasalariga qabul kvotalarini bosqichma-bosqich ko'paytirish;

ilmiy-tadqiqot va innovatsiya faoliyatini rag'batlantirish, ilmiy va innovatsiya yutuqlarini amaliyotga joriy etishning samarali mexanizmlarini yaratish, oliy o'quv yurtlari va ilmiy-tadqiqot institutlari huzurida ixtisoslashtirilgan ilmiy-eksperimental laboratoriyalar, yuqori texnologiya markazlari va texnoparklarni tashkil etish kabilar bayon etilgan [2].

Fuqarolarni itjtimoiy himoyalash va ta'lim olish huquqi "Ta'lim to`g`risida"gi Qonun, "Bola huquqlari kafolatlari", "Nogironlarning ijtimoiy himoyalanishi to`g`risida"gi Qonun "Ishga qabul qilishning minimal yoshi to`g`risidagi Konvensiyani ratifikasiya qilish" to`g`risidagi Qonun hujjatlarida kafolatlangan.

Inklyuziv ta'limni rivojlantirish, umumta'lim jarayonini imkoniyati cheklangan bolalar bilan integratsiyalash O`zbekistonda 1996-yilda boshlangan. Shu vaqt davomida Xalq ta'limi vazirligi "Sen yolg'iz emassan" respublika bolalar jamoatchilik fondi, respublika bolalar Ijtimoiy moslashuv markazi va boshqa davlat va nodavlat tashkilotlari bilan hamkorlikda har yili konferensiyalar, seminar-treninglar o`tkazib kelmoqda. Ijobiy tajribalar asosida inklyuziv ta'limni bosqichma-bosqich rivojlantirish, uning innovatsion modelini yaratish, alohida yordamga muhtoj bolalar bilan ishlashning shakl va metodlarini ishlab chiqishga erishishga asosiy e'tibor qaratilmoqda.

O`zbekistonda 70 dan ortiq Qonun hujjatlari xotin-qizlar va bolalarning asosiy huquq va erkinliklarini bevosita himoya qilinishini ta'minlaydi. Ayniqsa, 2008-yilda "Bola huquqlari kafolatlari to`g`risida'ti Qonunning qabul qilinishi, BMT Bola huquqlari bo`yicha qo`mitasining ko`plab me'yoriy-huquqiy hujjatlari va tavsiyalarida ko`rsatilgan holatlarni o`z ichiga olgan yangi qonun hujjatlaridan biri bo`ldi.

"Imkoniyati cheklangan bolalar va o'smirlar uchun inklyuziv ta'lim to'g'risida muvaqqat Nizom" asosida respublikamizda inklyuziv ta'lim tizimining huquqiy-ijtimoiy asoslari yaratildi. Nizomning 4-bandida inklyuziv ta'lim tizimida o'quv tarbiya jarayonini tashkil etishning quyidagi masalalari qayd etilgan:

- inklyuziv ta'lim tashkil etilgan barcha umumta'lim maktablarida imkoniyati cheklangan bolalar va o'smirlarga nisbatan do`stona munosabat shakllanadi;

- inklyuziv ta'lim amalga oshirilayotgan umumta'lim maktablarida Davlat ta'lim stanhartlariga ilova sifatida imkoniyati cheklangan bolalar va o'smirlar uchun korreksion dasturlar ham inobatga olinadi, maxsus korreksion ishlarni amalga oshirish uchun shart-sharoitlar yaratiladi (maxsus jihozlangan korreksiya xonasi, maxsus infrastruktura);

- inklyuziv ta'lim amalga oshirilayotgan umumta'lim maktablarida tayyorlov guruhi va birinchi sinflarida 35 daqiqa va boshqa sinflarda darslar 45 daqiqadan olib boriladi;

- imkoniyati cheklangan bolalar va o'smirlar bilimlari, ularning shaxsiy xususiyatlari va qobiliyatlariga asoslangan holda belgilangan tartibda baholanadi;

-ta'lim jarayonida zamonaviy umumdidaktik tamoyillar bilan bir qatorda maxsus tamoyillar ham e'tiborga olinadi;

- korreksion ta'lim o'quvchilarning ehtiyojlariga ko'ra taqadalashtirilgan holda tashkil etiladi;

- inklyuziv ta'lim amalga oshirilayotgan umumta'lim maktabiga o'quvchilar ota-onalarining arizasi hamda "Tibbiy-psixolog-pedagogik komissiya"lari xulosalari asosida qabul qilinadi va ta'lim muassasalari rahbarlari buyrug`i bilan tasdiqlanadi [5];

- inklyuziv ta'lim amalga oshirilayotgan umumta'lim maktabidagi sinflarida integratsiya qilingan o'quvchilar soni 2-3 nafardan oshirilmaydi hamda o'quvchilar umumiy soni 25 nafargacha deb belgilanadi". Shuningdek, mazkur Nizomda inklyuziv ta'lim ishtirokchilari, inklyuziv ta'lim mutaxassislarining ota-onalar yoki boshqa qonuniy vakillari bilan hamkorligi, xalqaro hamkorlikda qatnashish xususiyatlari batafsil bayon etilgan. Biroq shunday bo`lsa-da, davlat va jamoat tashkilotlari tomonidan qabul qilingan qonun-qoidalarning sifatli va to`la amaliyotga tatbiq etilishini ta'minlash; bolalarning huquqiy himoya qilinishini ta'minlash ustidan uzluksiz monitoring olib borish kabi ustuvor vazifalarning bajarilishini ta'minlash maqsadga muvofiqdir.

Yosh avlodni uzluksiz himoyalashda ular hayotlarini ta'minlashning qulay muhiti sifatida oilani qo`llab-quvvatlash muhim ahamiyatga ega. Shu bois, yuritilayotgan jarayonda oilalarning farovonligi darajasini ko`tarish, ularda sog`lom psixologik muhitni qaror toptirish, oila a'zolari o`rtasida o`zaro ruhiy birlikni shakllantirishga, bolalar huquqlarini himoyalovchi davlat, nodavlat va jamoat tashkilotlari tomonidan alohida e'tibor qaratilishi lozim.

Adabiyotlar

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "Nogironlarni davlat tomonidan qo'llab-quvvatlash tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risi"dagi Farmoyishi. 2017-yil 1-avgust, F-5006.

2. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha harakatlar strategiyasi to'g'risida"gi Farmoni (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2017-y., 6-son, 70-modda)

3. Shomaxmudova R. Maxsus va inklyuziv ta`lim. (Xalqaro va milliy tajribalar). – T. "Chashma print", 2012.

4.Abdulla Qodiriy nomidagi Jizzax davlat pedagogika instituti pedagogika-psixologiya fakulteti defektologiya, maxsus psixologiya nazariyasi va texnologiyalar" kafedrasi talabasi Toshpo'latova Feruzaning «O'zbekiston Respublikasida inklyuziv ta'limni joriy qilinishi» mavzusidagi bitiruv malakaviy ishi. 2011-yil.

5. Alisher Navoiy nomidagi Samarqand davlat universiteti 5A110901 – "Pedagogika" magistrlik akademiklik darajasini olish uchun Abdurahmonova Charos Burhonovnaning "Bolalarni inklyuziv o'qitish muammolari" mavzusidagi dissertatsiya ishi. 2014-yil.

6. ЮНЕСКО. Руководство по инклюзии: обеспечение доступа к образованию для всех. Париж 2005.

7. ISSA. Documenting Educational Reform: the Step Case Stady project. Open Society Institute. Soros Foundations Network, 2006.



Умида ФАЙЗИЕВА
Бухоро давлат университети
педагогика кафедраси ўқитувчиси



Нуржаҳон ҚУРБОНОВ
Бухоро давлат университети чақириққача
ҳарбий таълим факультети талабаси

ВАТАНГА ЭЪТИҚОДНИНГ ТАРИХИЙ ИЛДИЗЛАРИ

Мақолада ўқувчиларда ватанга эътиқодни шакллантириш масалалари тарихий фактлар асосида ёритилган.

Таянч тушунчалар: *ватанга эътиқод, ватанпарварлик, муқаддас бурч, панд-насиҳат, ватан, ватан тарихи, ғоя, миллат.*

В статье освящены вопросы формирования веры в Родину у учеников на основе исторических фактов.

Опорные понятия: *вера в Родину, патриотизм, священный долг, нравоучения, родина, история Родины, идея, нация.*

In article it is consecrated questions of formation of belief to the Homeland at pupils on the basis of historic facts.

Supporting concepts: *belief to the Homeland, patriotism, a holy duty, morals, the homeland, Homeland history, the idea, the nation.*

Ватанпарварлик юксак эътиқод, ватан ва миллат олдидаги масъулият, юксак бурчни англашдир. Аждодлардан авлодларга ўтиб келаётган “Ватанни севмоқ иймондандир” – деган ҳадис замирида ҳам худди шундай мазмун мужассам. Агар узоқ тарихимизга назар ташлайдиган бўлсак, ватанга эътиқод туйғуси халқимиз томонидан қадимдан эъзозланиб келинганининг гувоҳи бўламиз. Аждодларимиз орасидан етишиб чиққан машҳур инсонларнинг хатти-ҳаракатлари, ватан равнақи йўлида чеккан заҳматларини, бизгача етиб келган асарлари ҳамда халқ оғзаки ижоди орқали билиб олишимиз мумкин.

Ал-Хоразмий, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Умар Хайём, Юсуф хос Ҳожиб, Ат-Термизий, Аҳмад Яссавий, Имом Бухорий, Баҳоуддин Нақшбанд, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур, Увайсий, Нодирабегим, Абдулла Авлоний, Абдурауф Фитрат, Анбар Отин, Беҳбудий, Чўлпон кабиларнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти, айниқса, ватанга эътиқод ҳақидаги ғоялари бугунги янги жамиятимиз тараққиёти учун ниҳоятда аҳамиятлидир.

Миллатимизни дунёга машҳур қилган адабий ва илмий мерослар сирасига “Авесто”, Имом Ал-Бухорийнинг “Ал-жомеъ ас-саҳиҳ”, Форобийнинг “Фозил одамлар шаҳри”, Берунийнинг “Осор ал-Бақия”, Ибн Синонинг “Тиб қонунлари”, Юсуф хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асари, Маҳмуд Кошғарийнинг “Девони луғатит турк”, Амир Темурнинг “Темур тузуклари”, Алишер Навоийнинг “Хамса”, “Лисонут тайр”, “Маҳбуб-ул-қулуб”, Бобурнинг “Бобурнома”, Аҳмад Яссавийнинг “Девони ҳикмат” каби ноёб асарларини киритиш мумкин.

Шарқ халқлари орасида кенг тарқалган одоб-ўгитлар, панд-насиҳатномалар, диний-фалсафий китобларда ватанга эътиқод қилишга кенг ўрин берилган. Кейинги йилларда юртимизда бўлаётган ўзгаришлар туфайли бу манбаларни ўрганишга ва таълим-тарбия жараёнига татбиқ этишга эътибор кучайди. Айниқса, асрларга тенгдош ёзма битиклар ва халқ оғзаки ижодида, яъни афсоналар, эртак-

лар, ривоятлар, мақолларда юксак инсоний туйғулар улуғланади. Бу манбаларнинг ёш авлодни ватанга эътиқод руҳида тарбиялашда аҳамияти ниҳоятда каттадир.

Ўқувчиларда ватанга эътиқодни шакллантиришни педагогик илмий муаммо сифатида таҳлил этар эканмиз, энг аввало, "Авесто"нинг асрлар давомида инсонларни поклик, илм эгаллаш, меҳнатсеварлик, табиатни асраш каби инсонпарварлик ғояларига даъват этиб келганлигига гувоҳ бўламиз. Бу битикда ватанни севиш, ўзлари яшаб турган заминни асраб-авайлаш, унга эътиборли бўлиш, ватанга эътиқод ҳақидаги ғоялар ҳам мавжудки, шубҳасиз, бу ғоялар бошланғич синф ўқувчиларида ватанга эътиқодни шакллантиришда катта аҳамиятга эга. "Авесто"да она замин, оила, ватан тушунчалари муқаддас саналган, шунингдек, улар заминни соф сақлаш учун мурдаларни ерга кўмишни қаттиқ қоралаганлар. Улар мурдаларни махсус мис идишларда дафн қилишни йўлга қўйишган. Шубҳасиз, бу каби қоидаларга аждодларимиз риоя қилганлар, она ерни муқаддас деб билганлар ва уни ифлосланишдан асраганлар.

"Авесто"да ватан деб ўзлари яшаб турган замин, қабила, оила ва чорва тушунилган: "Бундай жой Ашавон уй тиклаган макондир. Ўша уйда рўзғор тебратади. Сигирлар галаси ва уй бекаси, фарзандлар ва сурувлар яшайди бу уйда. Сигирлар галаси яхши парвариш қилинади. Тевалар хўраки фаровон, яхши итларнинг ризқи сероб, уй бекаси бахтиёр, фарзандлар шодмон. Ҳамиша олов гуриллаб туради. Тирикликнинг гўзал ҳар бир ҳодисаси яхшиликка қовушади" [1].

Бундан кўриниб турибдики, бу ёзма битикда инсон оила бўлиб яшаши, фарзандлар тарбиялаб вояга етказиши, ризқ ва насиба ҳисобланмиш сигир сақлаши, шу оилани қўриқчиси итларни парвариш қилиш каби оила анъаналарини давом эттириш ғоялари илгари сурилади. Демак, "Авесто"да оила муқаддас саналган, оила эса ватан демакдир, ватандагина инсонлар бахтиёр яшайдилар.

"Авесто"нинг бугунги давримиз учун қадрият ҳисобланишининг боиси ҳам ундаги ғояларнинг инсонпарварлигидадир, шу жумладан, бошланғич синф ўқувчиларида ватанга эътиқодни тарбияловчи манбалардан бири ҳамдир.

Халқимизнинг узоқ ўтмиши, дунёқараши, ватанга муҳаббати ва садоқати, босқинчиларга қарши нафратидан бизга дарак бериб келаётган салномаларидан бири **Урхун-Енисей ёдгорликларидир.** Бу туркий тилда битилган ёзма битик VI-VIII асрларда яратилган. Ушбу битикда туркийларнинг душман қабилаларига қарши мардонавор курашлари, Тунюкук каби туркий бекларнинг довюраклиги, халқ олдидаги хизматлари, жасур ва мардлиги, ақлли, тадбиркор инсон эканлиги ҳақида ҳикоя қилинади.

Дарҳақиқат, диннинг халқимиз маънавияти, руҳиятига ўтказаётган ижобий таъсири ниҳоятда каттадир, чунки ислом дини доимо барча миллат халқларини чин эътиқод, эзгулик, ахлоқий поклик ва маънавий етукликка даъват этади. Ўзбек халқи тарихига назар ташлайдиган бўлсак, аждодларимиз орасидан етишиб чиққан ҳақиқий ватанга эътиқодли инсонларнинг сиймосини кўрамиз. Масалан, Тўмарис ва Широқ, Муқанна, Спитамен, Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик, Беҳбудий, Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирий, иккинчи жаҳон уруши йилларида ҳалок бўлган кўплаб йигитларнинг номларини келтириш мумкин. Бугунги кунда мустақиллик шарофати туфайли, уларнинг номларини ғурур ва ифтихор ила тилга олмоқдамиз, ўзбек халқи озодлиги йўлида чеккан заҳматларини юксак қадрламоқдамиз. Бугун биз қадрига ета бошлаган ватанимизни ота-боболаримиз, жаҳонга машҳур саркардалар, маърифатпарвар кишилар кўз қорачиғидай асрашган, миллат шаъни ва ор-номуси учун жанг қилишган. Шунинг учун уларнинг унутилмас номлари тарихда қолиб, оғиздан-оғизга ўтиб, афсонага айланган бўлса ажаб эмас.

Тўмариснинг енгилмас Кир II дай қонхўр подшоҳ устидан ғалаба қозониши ўз халқи, ватанига бўлган муҳаббати, чин эътиқодининг натижасидир. Бу каби воқеалар икки ярим минг йил олдин юз берган бўлса-да, ёш авлодни ватанга эътиқод руҳида тарбиялашда ўз қадрини йўқотган эмас.

Аслида ватан туйғуси ҳар биримизнинг қонимизда бор. Қаерда бўлмайлик, аввало, ватан соғинчидан ўртанамиз. Ота-онамиз, опа-сингилларимиз, ака-укаларимиз, қишлоғимиз, шаҳримиз, ватанимиз томон талпинамиз, уларнинг бариси ватанимиздир, ватанимизнинг бир бўлагидир. Қадимда сафарга отланган, ватандан қувғин қилинган кишилар доимо ватанининг азиз тупроғини ёнларида олиб юрганлар. Бу ҳол бошқа халқларда ҳам мавжуд. Масалан: Ҳинд афсонаси «Рамаяна»да ҳам ватан энг азиз нарса сифатида тилга олинади. Дарвешлик сари отланган Рам ўзи яшаб турган салтанат тупроғидан бир сиқим олиб, уни доимо ёнида сақлайди.

Юқорида эътироф этганимиздек, Шайх Нажмиддин Кубро, Амир Темур, Улуғбек, Алишер Навоий ва Бобур сингари мутафаккирларимизнинг ватанга эътиқод, ватанпарварлик ҳақидаги кўплаб

фикр-мулоҳазалари, ватан тараққиёти учун қилган эзгу ишлари бугунги кунда ҳар бир ватандошимиз, айниқса, ёшларимиз учун катта тарбиявий аҳамиятга эгадир.

Миллат тақдири билан яшаш, ватанга эътиқод, адолат, инсонийлик туйғуси юксак даражада шаклланган, миллий ғурур ва ифтихоримизга айланган буюк бобокалонларимизнинг ўгитларида ўз аксини топди. Буни биз ҳақиқий ватанга эътиқодли юртдошларимиздан бири Шайх Нажмиддин Кубро фаолиятида кўришимиз мумкин. Шайх Нажмиддин Кубро ёшларнинг ватанга муҳаббатини ошириш билан биргаликда, бир-бирларига меҳр-оқибатли бўлишга ундади. У ҳақиқий ватанга эътиқодли, эл ва халқини ардоқловчи, бутун Хоразм халқини ўзининг жигарбандлари қаторида кўрувчи инсон эди. Шайх Нажмиддин Кубро ҳаёти ва асос солган "Кубровия" тариқати орқали унинг ватан, миллат қадриятларига нақадар содиқ инсон эканлигига гувоҳ бўламиз. Шайх ўз эътиқодида мустаҳкам туриб, ислом тариқатидаги "оғир кунда ватанни ташлаб кетган киши иймонсиздир" деган ақидага амал қилди.

Ўз ватани озодлиги йўлида қўлига қилич олиб, душманга қақшатқич зарбалар келтира олган Хоразмнинг мард ўғлони Жалолиддин Мангубердидир. Жалолиддин Мангубердининг ҳаёти ва ватанга эътиқод йўлидаги фаолиятини чуқур таҳлил асосида ўрганиш бошланғич синф ўқувчиларининг ватанга эътиқод, она-Ватанга чексиз муҳаббат, ғурур ва ифтихор, ватан ва халқ тинчлиги йўлида жон фидо этиш, инсонпарварлик каби қарашларини таркиб топтириш ва такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади. Жалолиддин Мангуберди бутун ҳаёти давомида ўз халқи ва ватанини севди, тарихи ва маданиятини юксак қадрлади, она табиат гўзалликларини қалбан ҳис қилди, ардоқлади. Ривоят қилишларича, Жалолиддин ҳайқириб оқаётган Жайхунга кесак отган укасининг чаккасига тарсаки қўйиб юборади, – сувга кесак отмоқ, тупроққа тупурмоқ гуноҳи азим, сен Хоразмни онанг ўрнида кўр! – деб хитоб қилади. Бу ривоят орқали Жалолиддин Мангубердининг ватан, она заминга бўлган меҳри, эътиқоди юксак эканлиги кўриниб турибди. Жалолиддин болалигига хос юқорида келтирилган хулқ-атвор, одоб, ахлоқ кўринишлари, гўзал фазилатлари ҳозирги ва келгуси авлод учун намуна сифатида хизмат қилади. Унинг бу каби фазилатлари; танлаган йўлидан қайтмаслиги, маърифатпарварлиги, ватанни қалбан севиши, ислом дини, устозларини қадрлагани, мардлиги, ҳалоллигини тарғибот қилиш, ёш авлод учун ҳар томонлама намунали инсон эканини кўрсатиш бугунги кунда ўқитувчиларининг муҳим вазифаларидан биридир.

Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти ва хотираси халқимиз учун буюк қадрият саналади. Унинг ибратли ҳаёти, миллати ва ватанига бўлган чексиз муҳаббати, мустаҳкам эътиқоди ҳар биримиз учун намуна ва ўрнакдир. Жанговор салоҳияти ва лашкарбошилик маҳоратини ўрганиш, уларни келгуси авлодга тарғиб этиш таълим-тарбиявий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга. Унинг ватан озодлиги йўлида чеккан заҳматларини тарғиб ва ташвиқ қилиш ёш авлодни ватан, эл-юртга эътиқод томон етаклайди.

Ўзбек миллатини дунёга танитган бобомиз Амир Темурдир. У нафақат миллатни дунёга машҳур қилди, ватаннинг сарҳадларини кенгайтириб, марказлашган, чексиз ҳудудга эга бўлган мамлакат барпо этиб, илму маърифатни ривожлантирди, ажойиб ва гўзал боғу роғлар, тоғлардек юксак минора, обидалар барпо этди. Ўз миллати қадриятларини улуғлади, уларнинг қадрига етди. Миллат тақдири билан яшаш, ватанга эътиқод, адолат, инсонийлик унинг бутун ҳаётий фаолиятини ташкил этди. Шу боис Амир Темур «Куч адолатдадир» деган ҳукмни чиқарди. Бу ҳикмат асрлар давомида халқимиз учун асосий йўриқнома бўлиб келмоқда. Амир Темур ўз васиятини ҳам миллат ва ватан қадр-қимматини ўйлаб баён қилган, фарзандлари, набираларига миллат ва ватан равнақи ҳақида қайғуриш, камбағал, йўқсилларнинг бошини силашни васият қилди, сўнгги дақиқаларида ҳам ўз халқи ва ватанининг тақдирини ўйлади:

"Ўғилларим, миллатнинг улуғ мартабасини, саодатини сақламоқ учун сизларга қолдираётган васият ва тузукларни яхши ўқинг, асло унутманг ва татбиқ этинг. Миллатнинг дардларига дармон бўлмоқ вазифангиздир. Заифларни қўринг, йўқсилларни бойлар зулмига ташламанг. "Адолат ва Озодлик» дастурингиз, раҳбарингиз ўлсун. Мен киби узун салтанат сурмак истасангиз, қиличингизни яхши ўйлаб чекингиз. Бир даъфа чеккандан сўнграда уни усталикла қўллангиз. Орангизга нифоқ тухумлар экилмаслиги учун кўп диққат бўлинг. Баъзи нодимларингиз ва душманларингиз нифоқ тухумлари сочмакка, бундан фойдаланмакка чалишажакдурлар. Фақат васиятимда сизга идора шаклини, унинг илкуларини кўрсатдим. Буларга содиқ қолсангиз тож бошингиздан тушмас" [2].

Амир Темур бу ўринда миллат деганда ватанни, унда яшайдиган элатларни назарда тутган эди.

Шоир Алишер Навоий ватан тушунчасини она юрт, ўрин, туғилиб ўсган жой, маскан, манзил маъноларида қўллаган. У ўзининг "Ҳайрат ул-аброр" достонида ватанга бўлган эътиқодини, меҳр-

муҳаббатини намоён этган. Шоир туғилиб ўсган ватани Хуросонни ватанлар ичра тенгсиз ватандир, дея таърифлайди:

Зийнат аро равзаи ризвондир ул,
Равзани қўй, мулки Хуросондир ул [3].

Шунингдек, шоир она шаҳрини жаннатга қиёслайди. Хуросон жаҳоннинг кўкси, Ҳирот эса унинг юрагидир деб таъкидлайди. Ҳирот шаҳрининг мафтункорлиги, гўзал табиатининг тасвири шоир қаламида ўз жилвасини топади. Шоир ватанининг тасвирини келтирар экан, унинг гўзаллиги олдида ҳайрати янада ошади:

Аллоҳ-Аллоҳ, не Ҳири, бу Ҳири.
Бир-биридан турфа анинг ҳар бири [3].

Навоий бутун ҳаёти давомида халқ ғами, дарди, ватанни ободонлаштириш қайғуси билан яшади, ижод қилди. Шу сабаб унинг барча асарларида ватанга муҳаббат, эътиқоднинг юксак намунасини кўриш мумкин.

Ватан соғинчи, мусофирлик дардида куйиб-ёнган, буюк инсонлардан бири шоҳ ва шоир Бобурдир. Бобур рубоийларидаги нола, аламли фарёд, она юртидан олисда ғурбат азобларини тортган кишининг соғинч-изтиробларидан дарак беради:

Ёд этмас эмиш кишини ғурбатда киши,
Шод этмас эмиш кўнгилни меҳнатда киши.
Кўнглим бу ғарибликда шод ўлмади, оҳ,
Ғурбатда севинмас эмиш, албатта киши [3].

Бобур асарларини ўқиганда, ватан, ҳаётга бўлган муҳаббат ифодаланганлигига гувоҳ бўламиз. У ватанпарвар шоир сифатида, ҳар доим инсон ва унинг эрки, ватанга муҳаббат ва садоқатни куйлади, илм-маърифат ва юртга эътиқодни тарғиб қилди. Бобур асарлари ва унинг ҳаёт йўли билан танишар эканмиз, ҳар бир мисрада унинг ватанга эътиқоди ифодаланганлигини кўрамиз.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, инсоният тарихида ватанга эътиқодни шакллантириш ўзининг муайян тарихий йўлига эга бўлган масаладир. Бу масала ҳар доим таълим ва тарбия жараёнининг етакчи вазифаларидан ҳисобланган.

Адабиётлар

1. Маҳмудов Т. Авесто ҳақида.– Т.: Гулистон, 2000. – 63 бет.
2. Амир Темур ўгитлари. – Т.: Наврўз, 1992. – 63 б. (Амир Темур васияти. – Т.: Ғафур Ғулом, 1991.– 140 б.
3. Навоий А. Ҳайрат ул-аброр. – Т.: Ғ.Ғулом, 2006. – 389 б.

BOSHLANG`ICH VA MAKTABGACHA TA'LIM



Nigora RUZIQULOVA
Nizomiy nomidagi Toshkent davlat pedagogika universiteti tayanch doktoranti

BOSHLANG'ICH SINFLARDA MATEMATIKA FANIDAN DAVLAT TA'LIM STANDARTLARINING MALAKA TALABLARI BO'YICHA AXBOROTLAR BILAN ISHLASH KOMPETENSIYASINI SHAKLLANTIRISH

Maqolada boshlang'ich sinflarda matematika fanidan malaka talablarining tuzilishi bo'yicha Davlat ta'lim standartlariga tavsif berilgan. Shuningdek, axborotlar bilan ishlash tayanch kompetensiyasiga qo'yilgan malaka talablari va ularning o'zlashtirilishiga oid metodik tavsiyalar berilgan.

Tayanch tushunchalar: *matematika, Davlat ta'lim standarti, axborotlar bilan ishlash kompetensiyasi, daraja, malaka talablari.*

Данная статья даёт характеристику системам практического требования квалификации по математике в начальных классах по государственному стандарту образования. Также данная статья включает в себя вспомогательную компетенцию практического требования работы с информацией и методические рекомендации по усваемости предмета.

Опорные понятия: *Государственный стандарт образования, компетенция работы с информацией, уровень, проктические требования.*

In this article, state educational standards abaut structure of math requirements in primary classes are precisely laid out. Furthermore, practice demands for working with information support competency and systematic recommendations about their realization are exactly clarified.

Supporting concepts: *mathematics, State educational standard, competence of working with informations, level, requirements of practice.*

Ta'lim sohasida amalga oshirilayotgan islohotlar ta'lim oluvchilarning hayotiy va kasbiy faoliyati uchun zarur bo'lgan tayyorgarlik darajalariga ega kadrlar bo'lib yetishishini nazarda tutadi. Xususan, O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2017-yil 6-apreldagi 187-son "Umumiy o'rta ta'lim va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limining davlat ta'lim standartlarini tasdiqlash to'g'risida"gi qarori bilan tasdiqlangan umumiy o'rta ta'limning davlat ta'lim standarti [1] hamda umumiy o'rta ta'limning boshlang'ich sinflari uchun matematika fani bo'yicha malaka talablari asosida boshlang'ich sinf o'quvchilarini o'qitish va ko'zda tutilgan malaka talablarini tarkib toptirishga qaratilgan. Ushbu DTS umumiy o'rta ta'lim maktablarining 1-4-sinflari uchun bosqichma-bosqich amaliyotga joriy etilmoqda.

Ushbu Davlat ta'lim standartining muhim xususiyatlaridan biri kompetensiyaviy yondashuvga asoslangan ta'limni joriy etishdir. *Kompetensiyaviy yondashuvga asoslangan ta'lim* – o'quvchilarda egallagan bilim, ko'nikma va malakalarini o'z shaxsiy, kasbiy va ijtimoiy faoliyatlarida amaliy qo'llay olish kompetensiyalarini shakllantirishga yo'naltirilgan ta'limdir [2].

Matematik ta'lim standarti deganda o'quvchilarning matematik tayyorgarliklariga qo'yiladigan talablar tizimini aks ettiruvchi hujjat tushuniladi [3].

Umumiy o'rta ta'limning Davlat ta'lim standarti quyidagi tarkibiy qismlardan iborat:

- umumiy o'rta ta'limning tayanch o'quv rejasi;
- umumiy o'rta ta'limning o'quv dasturi;
- umumiy o'rta ta'limning malaka talablari;
- baholash tizimi.

Umumiy o'rta ta'limning *tayanch o'quv rejasi* umumiy o'rta ta'lim muassasalarida o'qitiladigan o'quv fanlari nomi, o'quv yuklamasining minimal hajmi hamda ularning sinflar bo'yicha taqsimoti belgilangan hujjat hisoblanadi.

Umumiy o‘rta ta’limning tayanch o‘quv rejasiga muvofiq boshlang‘ich sinflarda matematika fani bo‘yicha belgilangan ta’lim mazmunini o‘quvchiga yetkazish uchun ajratilgan o‘quv soatlari**:**

O‘quv fani	**Sinflar**				**Haftalik umumiy soat**
	1-sinf	2-sinf	3-sinf	4-sinf	
Matematika	5 soat	5 soat	5 soat	5 soat	20

O‘quv dasturi tayanch o‘quv rejaga muvofiq o‘quv fanlarining sinflar va mavzular bo‘yicha hajmi, mazmuni, o‘rganish ketma-ketligi va shakllantiriladigan kompetensiyalari belgilangan hujjat hisoblanadi.

Umumiy o‘rta ta’limning malaka talablari umumta’lim fanlari bo‘yicha ta’lim mazmunining majburiy minimumi va yakuniy maqsadlariga, o‘quv yuklamalari hajmiga hamda ta’lim sifatiga qo‘yiladigan talablardan iborat bo‘lib, u quyidagilardan tashkil topadi:

– bilim – o‘rganilgan ma’lumotlarni eslab qolish va qayta tushuntirib berish;
– ko‘nikma – o‘rganilgan bilimlarni tanish vaziyatlarda qo‘llay olish;
– malaka – o‘rganilgan bilim va shakllangan ko‘nikmalarni notanish vaziyatlarda qo‘llay olish va yangi bilimlar hosil qilish;
– kompetensiya – mavjud bilim, ko‘nikma va malakalarni kundalik faoliyatda qo‘llay olish qobiliyati.

Baholash tizimi – davlat ta’lim standarti bo‘yicha umumiy o‘rta ta’limning malaka talablarini o‘quvchilar tomonidan o‘zlashtirilishi darajasini hamda umumiy o‘rta ta’lim muassasasining faoliyati samaradorligini aniqlaydigan mezonlar majmuidan iborat.

Boshlang‘ich ta’limda matematika fani bo‘yicha malaka talablari barcha umumta’lim fanlari bo‘yicha malaka talablari tuzilishi singari:

- o‘quv fanini o‘rganishning bosqichlarini;
- tayanch va fanga oid umumiy kompetensiyalarni;
- o‘quv fanining maqsad va vazifalarini;
- umumta’lim fanlarini o‘rganishning mazmunini;
- boshlang‘ich sinf bitiruvchilarining matematika fani bo‘yicha majburiy tayyorgarlik darajalarini hamda ta’lim muassasalarini bitiruvchilariga nisbatan qo‘yiladigan talablarni belgilab beradi.

Boshlang‘ich sinflarda matematika fanini o‘rganish bosqichlari:

Bitiruvchilar	**Standart darajasi**	**Daraja nomlanishi**
Umumta’lim maktablarining boshlang‘ich 4-sinf bitiruvchilari	**A1**	Matematika fanini o‘rganishning boshlang‘ich darajasi
Matematika fani chuqur o‘rganiladigan ixtisoslashtirilgan umumta’lim muassasalarining boshlang‘ich 4-sinf bitiruvchilari	**A1+**	Matematika fanini o‘rganishning kuchaytirilgan boshlang‘ich darajasi

DTS da bitiruvchilarda O‘zbekiston Respublikasida ta’limning uzluksizligi, uzviyligi, o‘quvchi shaxsi va qiziqishlari ustuvorligidan kelib chiqib, ularning yosh xususiyatlariga mos ravishda tayanch kompetensiyalar shakllantiriladi.

Tayanch kompetensiyalar deganda ta’lim oluvchi uchun dolzarb hisoblangan muammolarni yechishdagi noaniq vaziyatlarda mustaqil harakat qila olish qobiliyati tushuniladi [3]. Bundan tashqari, har bir o‘quv fani mazmunidan kelib chiqqan holda fanga oid umumiy kompetensiyalar shakllantiriladi.

Boshlang‘ich ta’limda matematika fanini *o‘qitishning asosiy maqsadi* o‘quvchilarda hayotiy va kasbiy faoliyatda qo‘llash, fanlarni o‘rganish va ta’lim olishni davom ettirish uchun zarur bo‘lgan matematik bilim va ko‘nikmalar tizimini shakllantirish va rivojlantirish. O‘z navbatida, maqsadlardan kelib chiqib vazifalar belgilab olinadi.

Ushbu DTSda 1-4-sinflarda matematika fanini o‘qitish mazmuniga dasturlashning ilk tushunchalari kiritilgani o‘quvchilarda axborot texnologiyalari faniga oid boshlang‘ich bilimlarni shakllantiradi. Ana shu talablardan kelib o‘quvchilarda hayotiy faoliyati davomida zarur bo‘lgan axborotlar bilan ishlash kompetensiyasi shakllantiriladi.

Axborotlar bilan ishlash kompetensiyasi — mediamanbalardan zarur ma'lumotlarni izlab topa olishni, saralashni, qayta ishlashni, saqlashni, ulardan samarali foydalana olishni, ularning xavfsizligini ta'minlashni, media madaniyatga ega bo'lish layoqatlarini shakllantirishni nazarda tutadi [1].

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2017-yil 6-apreldagi 187-son "Umumiy o'rta ta'lim va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limining davlat ta'lim standartlarini tasdiqlash to'g'risida"gi qarori bilan tasdiqlangan umumiy o'rta ta'limning davlat ta'lim standarti hamda umumiy o'rta ta'limning boshlang'ich sinflari uchun matematika fani bo'yicha malaka talablari asosida tuzilgan Matematika fanidan (1-4-sinflar) *O'quv dasturi* bo'yicha:

Matematika darslarida shakllantiriladigan axborotlar bilan ishlash kompetensiyasi:

1-sinf o'quvchilarda shakllantiriladigan axborotlar bilan ishlash kompetensiyasi:

-darslik va boshqa manbalardan foydalana olish;

-ustunli, chiziqli va doiraviy diagrammalar, jadvallar, chizmalar ko'rinishida berilgan statistik ma'lumotlarni o'qiy olish, tushunish va foydalana olish.

2-sinf o'quvchilarda shakllantiriladigan axborotlar bilan ishlash kompetensiyasi:

A1 daraja: tavsiya etilgan manbalardan axborotni izlab topa olish, zarur bo'lsa uni boshqa ko'rinishlarga (matn, jadval, sxema va h.k.) o'tkaza olish;

-diagrammalar, jadvallar, chizmalar ko'rinishida berilgan statistik ma'lumotlarga asoslanib turli obekt va hodisalarni taqqoslay olish;

-statistik ma'lumotlar ko'rinishlarining bir turidan boshqa ko'rinishga o'tkaza olish.

A1+ daraja: manbalardan axborotni izlab topa olish, uni boshqa ko'rinishlarga (matn, jadval, sxema va h.k.) o'tkaza olish.

3-sinf o'quvchilarida shakllantiriladigan axborotlar bilan ishlash kompetensiyasi:

A1 daraja: tavsiya etilgan media manbalardan axborotni izlab topa olish, zarur bo'lsa uni boshqa ko'rinishlarga (matn, jadval, sxema va h.k.) o'tkaza olish;

-axborotlarni statistik ma'lumotlarning ko'rinishlarning bir turidan (ustunli, chiziqli va doiraviy diagrammalar, jadvallar, chizmalar) boshqa ko'rinishga o'tkaza olish;

-uchta sonning o'rta arifmetigini topish.

A1+ daraja: mustaqil ravishda turli media manbalardan axborotni izlab topa olish, dastlabki tahlil qila olish.

4-sinf o'quvchilarda shakllantiriladigan axborotlar bilan ishlash kompetensiyasi:

A1 daraja: tavsiya etilgan media manbalardan axborotni izlab topa olish, zarur bo'lsa uni boshqa ko'rinishlarga (matn, jadval, sxema va h.k.) o'tkaza olish;

-ustunli, chiziqli va doiraviy diagrammalar, jadvallar, chizmalar ko'rinishida berilgan statistik ma'lumotlarga asoslanib, turli obyekt va hodisalarni taqqoslay olish;

-axborotlarni statistik ma'lumotlarning ko'rinishlarning bir turidan (ustunli, chiziqli va doiraviy diagrammalar, jadvallar, chizmalar) boshqa ko'rinishga o'tkaza olish;

-uchta sonning o'rta arifmetigini topish.

A1+ daraja: mustaqil ravishda turli media manbalardan axborotni izlab topa olish, dastlabki tahlil qila olish;

-DTS ta'lim va uning pirovard natijalari, o'quvchilarning malaka talablarini egallaganlik darajasini tizimli baholash tartibini ham belgilab beradi.

Boshlang'ich (4-sinf) sinf bitiruvchilarida shakllangan axborotlar bilan ishlash kompetensiyasi:

A1 daraja: tavsiya etilgan media manbalardan axborotni izlab topa oladi, zarur bo'lsa uni boshqa ko'rinishlarga (matn, jadval, sxema va h.k.) o'tkaza oladi;

-ustunli, chiziqli va doiraviy diagrammalar, jadvallar, chizmalar ko'rinishida berilgan statistik ma'lumotlarga asoslanib, turli obyekt va hodisalarni taqqoslay oladi;

-axborotlarni statistik ma'lumotlarning ko'rinishlarini bir turidan (ustunli, chiziqli va doiraviy diagrammalar, jadvallar, chizmalar) boshqa ko'rinishga o'tkaza oladi;

-uchta sonning o'rta arifmetigini topadi.

A1+ daraja: mustaqil ravishda turli media manbalardan axborotni izlab topa oladi, dastlabki tahlil qila oladi.

Axborotlar bilan ishlash tayanch kompetensiyasi shakllantirish va malaka talablarini o'zlashtirilishi jarayonida quyudagilarga ahamiyat berish lozim:

1. Boshlang'ich sinf o'quvchilarida axborot tushunchasini shakllantirish jarayoni to'g'ri tashkil qilish.

Aytish mumkinki, axborotlardan samarali foydalanish asosini axborotlarning mazmun – mohiyatini tushunish tashkil etadi. O‘quvchilar axborotlarning mazmuni va funksiyasini ongli ravishda o‘zlashtirib borishi, ularni hayotiy faoliyat davomida o‘rinli qo‘llay olish imkoniyatini yaratadi.

2. Boshlang‘ich sinf o‘quvchilarida axborotlar bilan ishlash kompetentsiyasini shakllantirish jarayonini zarur bo‘lgan axborotlar bilan ta’minlash. Axborotlarni muntazam (uzluksiz) ravishda qabul qilish yoki uzatish jarayoni ta’lim mazmunini tashkil qiladi. Boshlang‘ich sinf o‘quvchilarida axborotlar bilan ishlash kompetentsiyasini shakllantirish jarayonini zarur bo‘lgan axborotlar bilan ta’minlash ushbu jarayonning samaraliligini ta’minlaydi. Olingan axborotlarni tizimlarga (qism tizimlarga) ajratish va qayta ishlash hamda kerakli maqsadlar bo‘yicha uzatish algoritmlarini amalga joriy etishga keng imkoniyatlar yaratadi.

3. Boshlang‘ish sinf o‘quvchilarining axborot bilan ishlash kompetentligini shakllantirish jarayonida mediata’limdan foydalanish.

Mediata’limni samarali tashkil etish orqali o‘quvchining o‘z o‘quv faoliyatida tavsiya etilgan media manbalardan yoki mustaqil ravishda turli media manbalardan axborotlarni izlab topish, qabul qilish va axborotlarga ijodiy yondosha olish bilan dastlabki tahlil qilish kompetentligi shakllantiriladi.

4. Bo‘lajak o‘qituvchi shaxsining shakllanishida axborot texnologiyalarining ta’limiy va tarbiyaviy ta’sirini oshirish.

Axborot texnologiyalari mukammallashgan sari uning inson ma’naviyatiga ta’siri ham, shu darajada oshib bormoqda. Shu sababli, hozirgi kunda axborot texnologiyalarining ijobiy tomonlari bilan birga ularning yoshlar onggiga salbiy ta’siri ham namoyon bo‘lmoqda. Bu, ayniqsa, mustaqil ta’limni tashkil etishda axborot texnologiyalaridan foydalanish jarayonida yaqqol namoyon bo‘lmoqda. O‘quvchi shaxsining shakllanishida axborot texnologiyalarining ta’limiy va tarbiyaviy vazifalari:

- axborot texnologiyalarining ta’lim targ‘iboti jarayonida faol ishtiroki;
- axborot texnologiyalari vositasida o‘quvchilarning o‘quv-biluv motivlarini shakllantirishi;
- axborot texnologiyalarining imkoniyatlari yordamida o‘quv mashg‘ulotlarini zamon talablari darajasida tashkil etish;
- axborot texnologiyalari vositasida o‘quv materiallarining mazmunini takomillashtirish;
- teskari aloqa taqdim etish: ta’lim oluvchilarning o‘zini-o‘zi nazorat qilish va tuzatib borishiga imkoniyat yaratish.

5. Uzluksiz ta’lim jarayonida ta’lim oluvchilarning axborotlar bilan ishlash kompetensiyasini shakllantirish jarayonini uzluksiz va uzviy tashkil etish:

Uzluksiz ta’lim jarayonining asosiy vazifasi ta’lim oluvchilarga zarur axborot yetkazish, ularning o‘zlashtirilishiga erishish va shu bilan birga, o‘zlashtirilgan axborotlarni qo‘llay olishga o‘rgatishdir.

Ta’lim sohasida davlat bosh buyurtmachi bo‘lib, u bitiruvchilarga talabni jamiyatning ehtiyojiga qarab belgilaydi. Demak, Matematika fanini o‘qitish jamiyat ehtiyojlaridan kelib chiqib, uning talablariga javob beruvchi matematik tayyorgarlik darajasiga ega bo`lgan bitiruvchilarni tarbiyalashni maqsad qilib qo‘yadi.

Adabiyotlar

1. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining "Umumiy o‘rta va o‘rta maxsus, kasb-hunar ta’limining davlat ta’lim standartlarini tasdiqlash to‘g‘risida” Qarori/ O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2017-y., 14-son, 230-modda.

2. Bikbayeva N., Yangabayeva E., Girfanova K. Kichik yoshdagi maktab o‘quvchilarini boshlang‘ich matematik ta’limning davlat ta’lim standartlari asosida o‘qitish. –Toshkent: “Turon-Iqbol”, 2008. – 88 bet.

3. Djurayev R.X. va boshqalar. Pedagogik atamalar lug‘ati. – T.: “Fan”, 2008. – 196 bet.

4. Vahobov M.M. Kompetensiyaviy yondashuvga asoslangan davlat ta’lim standartlari hamda ta’lim sifati monitoringi modelini amaliyotga joriy etish – intellektual rivojlangan avlodni tarbiyalashning muhim omili. Maktab va hayot. №3 (119), 2016-yil.

5. www.lex.uz



Nodirabegim RAJABOVA
Buxoro davlat universiteti boshlang'ich ta'lim
kafedrasi o'qituvchisi

BOSHLANG`ICH SINF "O`QISH" KITOBLARIDA ISTIQLOL VA VATAN TUSHUNCHASINING POETIK TALQINI

Maqolada boshlang'ich sinf "O`qish" darsliklarida istiqlol va vatan tushunchasining talqini haqida fikr yuritilgan. O'qish kitoblariga o'zgarishlar kiritishda o'qituvchi va o'quvchilarning imkoniyatlari ham hisobga olinmoqda.

Tayanch tushunchalar: *boshlang'ich sinf, o`qish kitobi, o`qish malakasi, yangi avlod darsliklari, she'r, vatanparvarlik, buyuk zotlar, maktab.*

В статье размышляется об интерпретации понятий родина и независимость в учебниках «Чтение» для начальных классов. При вводе изменений в книгах для чтения учитываются возможности учеников и учителей.

Опорные понятия: *начальный класс, книга для чтения, навыки чтения, учебники нового поколения, стихотворение, патриотизм, великие личности, школа.*

In article the homeland and independence in textbooks "Reading" for initial classes is reflected on interpretation of concepts. At input of changes in books for reading possibilities of pupils and teachers are considered.

Supporting concepts: *an initial class, the book for reading, skills of reading, textbooks of new generation, the poem, patriotism, great persons, school.*

Mamlakatimizda ta'lim tizimi keskin yangilanib, umumiy o`rta ta'lim maktablari uchun yangi avlod darsliklarini yaratish jadal davom etmoqda. Mustaqillik davrida boshlang'ich ta'limning hamma sinflari uchun dastur va darsliklar yaratilib, har yili to'ldirilib, qayta nashr etib borilayotgani tahsinga sazovor. Hozirgi darsliklar tuzilish va mazmuniga ko'ra mavjud ijtimoiy hayotdagi o'zgarishlarni o'ziga singdirib olganligi ham e'tirofga loyiq hodisa. Jumladan, "O'qish kitobi" darsliklari ham to`ldirilgan yangi nashrlarida tobora dolzarb mavzularni, bo`limlarni qamrab olayotir. Bu jihat 1-sinf o`qish kitobida alohida ko`zga tashlanadi.

Mustaqillikdan so'ng mamlakatimizda ro'y berayotgan ijtimoiy-iqtisodiy o'zgarishlar, o'zbek tiliga davlat tili maqomining berilishi, milliy qadriyatlarimizning tiklanishi mazkur darslikdan ham keng o`rin olayotir. Endilikda shu narsa tobora yaqqolroq anglashilayotirki, boshlang`ich sinf darsliklari kelajagimiz ravnaqiga ma'naviy ko'makdoshdir. 1-sinf o`qish kitobidagi yetakchi bo`limlar va mavzularda ham shu ma'noda yangi zamon, yangicha hayot shodliklari, xalqimizning haqiqiy quvonchi, millatimiz o'tmishi va bugunidan faxrlanish tuyg'usi o'z ifodasini topayotir. Jumladan, 1-sinf o`qish kitobidagi "O`zbekiston–mening Vatanim", "Biz – buyuklar avlodi", "Odob – insonga husn" bo`limlari o`z ahamiyati va salmog`iga ega. Avvalo, bo`limda chinakam madaniyatimiz, tariximizdagi buyuk shaxslar – Amir Temur, Alisher Navoiy, Abu Ali ibn Sino, Mirzo Ulug`bek, Bobur Mirzo kabi mutafakkirlar to`g`risida she'rlar o`z ifodasini topgan. Shuningdek, Vatan, inson qadr-qimmati va xotira, ona-yurt haqidagi tushunchalar mustaqillik g`oyasiga hamohang. Masalan: darslikning ilk sabog`i Po`lat Mo`minning "Vatan-bu…" she'ri bilan boshlanadi. Shoirning mazkur she'rida Vatanning nima ekanligi soda va eng muhim g`oya orqali ifodalanadi. Shoir Vatanni yurakka o`xshatadi. Yurakka Vatanning kerakligini, ularning har ikkalasi bir-biriga kerakligi ta'kidlanadi. Chindan ham jajji 1-sinf o`quvchisi hali Vatanning va yurakning o`xshatilish sababini anglab yetmaydi. Ammo yurakning inson a'zosi uchun eng muhimligini tushunadi. Vatan ham har bir kishiga yurakdek kerakligi shu kabi she'rlar orqali anglab boriladi. P.Mo`min she'rning xulosaviy qismini yanada lo`nda xulosalaydi:

Aslida Vatan bu –
Tug`ilgan joyim,
Birinchi qadamim

Yetgan qo`rg`onim [1].

Istiqlolgacha bo`lgan davr she'riyatida Vatanning tug`ilgan joy, birinchi qadami yetgan qo`rg`on bilan belgilanishi ko`zga tashlanmagan. Aksincha bunday fikr yurituvchilar millatchi tamg`asi ostida qatag`on qilingan. Nafaqat bolalar, balki kattalarning ham umrida bir bor ko`rmagan poytaxt shaharni, markazni Vatan deb aytishardi. Shu sababli, Vatan tuyg`usini teran anglab yetish dushvor bo`lgan. Endilikda 1-sinf o`quvchisi o`zi tug`ilgan uyi, tarbiya olgan bog`chasi, qadam qo`ygan maktabini o`z Vatani deb biladi, ulg`aygani sari bu tushuncha O`zbekiston bilan baravar kengayib, yaxlit tasavvur paydo bo`la boradi. O`quvchi ham Vatan deganda nimani tushunasiz,– degan savolga aniq javob bera oladi.

Darslikdagi "Yurt qalqonlari" she'ri ham bolalar shoiri Dilshod Rajab qalamiga mansub. Shoirning istiqlol davri ijodkori ekanligi yuqoridagi faslda ko`rilgan edi. Binobarin, uning she'ri ham shu davr ruhiyati, mavzu va g`oyasiga ega:

O`zbekiston – hur Vatan,
Baxtimiz ayvonidir.
Armiyamiz mustahkam,
Ona yurt qalqonidir (8-bet).

Bu she'rda esa O`zbekistonning hur va ozod-istiqlolga erishgani, shu munosabat bilan uning o`z armiyasi, askarlari borligi madh etilgan jajji o`quvchilar harbiy xizmat mardlarning ishi ekanligini, jasur askar akalarining ona yurt ucun qalqon-qo`riqchiligini tushunib boradilar. Mustaqil yurtning kelajagi, tinchligida shu kasb egalarining xizmati kattaligi ayonlashadi. Bu esa, o`z navbatida, kichkintoy yigitlarning ko`ksida g`urur paydo qilib, harbiy bo`lishlarida ishtiyoq uyg`otadi.

1-sinf O`qish kitobidagi "Ota rozi – Vatan rozi" (Eson Rahimov) she'rida ham vatanparvarlik ulug`langan bo`lib, istiqlol davri bolalar she'riyatining namunasi bo`la oladi. Bu mavzu 2-sinf O`qish kitobida Muqim Qodirning "Biz Vatanning ertasi" deb nomlangan she'ri ham qay jihatdandir shunday g`oyani singdirishga xizmat qiladi. Zero, she'rdagi:

Temurning avlodimiz,
To`maris zurriyotimiz,
Tinchlikdir murodimiz,
Biz–Vatanning ertasi.
El-yurt sha'ni–orimiz,
Pok saqlash shiorimiz,
Yashasin diyorimiz,

Biz –Vatanning ertasi [2] satrlari fikrimizga asos bo`la oladi. "Poeziya ta`kidlaydi, – T. Boboyev,– murakkab va g`oyaga boy san`at, u inson qalbining nozik his-tuyg`ularini hissiyotlar va harakatlarni ehtiroslar kurashi va rivojini emotsional tarzda ifodalaydi. Lirikaning qahramoni inson deb ta'kidlaydi olim,– ko`pincha shoirning o`zi bo`lib lirik qahramon sifatida namoyon bo`ladi. Voqelik lirik qahramon kechinmalari orqali aks ettirilishi lirikaning bosh xususiyatidir." Bundan bolalar she'rlari ham mustasno emas. Kichkintoy qahramonlar tilidan aytilgan so`z va ifodalar, hayajon va ehtiroslar aslida shoir kechinmalaridir. Binobarin, yurt, Vatanmiz tarixi haqida bitilgan yuqoridagi kabi she'rlar ham ana shu jajji yuraklar nidosi kabi yangrashi bejiz emas. Tarixiy shaxslar mavzusida bitilgan she'rlar boshlang`ich sinf o`quvchilari uchun serqirra ma'no kasb etibgina qolmay, tarbiyaviy ahamiyatga ham ega. Chunki tarixning muayyan davrlarida xalq taqdirida beqiyos o`rin tutgan buyuk zotlar ham ezgulik ramziga, ibratli fazilatlar timsoliga aylanib qoladi. Masalan: Najmiddin Kubro, Sulton Jaloliddin Manguberdi, Sohibqiron Amir Temur, Zahiriddin Muhammad Bobur kabi ajdodlarimiz mardlik, botirlik, davlatni adolat bilan boshqarish borasida; Ibn Sino, Mirzo Ulug`bek, Alisher Navoiy kabi mutafakkirlarimiz donishmandlik, ilm-ma'rifat, xalqning qalbini, inson falsafasini so`z san'ati vositasida ifoda etish borasida barchamiz uchun komillik timsoliga aylanib qolgan. Bu buyuk zotlarning har biri haqida, ularning betakror fazilathlari to`g`risida Birinchi Prezidentimiz I.A. Karimovning "Yuksak ma'naviyat–yengilmas kuch" kitobida so`z yuritilgan. Zotan, boshlang`ich sinf o`qish kitoblarida buyuk allomalarning bolaligi to`g`risida bierilgan ma'lumotlar, adabiy matnlar bugungi yosh avlod qalbini ham ezgulikka yo`g`rishga xizmat qiladi. Negaki, har bir inson yoshligida pokiza orzu-umidlar bilan yashaydi, xalqiga, Vataniga foydasi tegadigan kishi bo`lib yetishishini o`ylaydi. Bu jarayon buyuk mutafakkirlar asarlarida hayotiy misollar, afsona va rivoyatlar asosida ko`rsatib berilgani shundan. Shu ma'noda, ezgulik, komillik sari intilish odamzodning azaliy orzusi ekanligi ayon bo`ladi. Milliy istiqlol xalqqa ana shunday an'analarni davom ettirish yo`lini ochdi. Va bu g`oyani o`quvchilarga singdirishda yuqorida zikr etilgan matn va hikoyalar vosita bo`lib xizmat qilishiga shubha yo`q.

Yoki, M. A'zamning "Vatan" she'rida ham "Vatan – bizning uyimiz, Vatan – bizning ko`chamiz, soylardagi suv, tog`, olma-anorli bog`, bug`doy, arpa, dala, Vatan – maktab-onamiz "singari tashbehlari bilan tushunchaning kichkintoy o`quvchilar tasavvuriga muvofiq gavdalantirilishi kuzatiladi.

3-sinf O`qish kitobida Miraziz A'zamning "O`zbekiston posbonlari" she'ri ko`zga tashlanadi. Bu she'r o`quvchilar tilidan aytilgani, harbiy bilimlarni qunt bilan o`rganishga ahd qilgan yosh avlod timsolining yorqin ko`zgusi sufatida ahamiyatga molik. She'rda harbiyga oid so`z va tushunchalar, masalan, avtomat, chegara, zirhli moshin, tank, reaktiv uchoq, desantchi kabilar tilga olingan bo`lib, Ona-Vatan tinchligini orzu qilgan o`quvchilarga milliy armiya mohiyati tushuntirilishi ko`zda tutilgan.

She'rda bugungi kun ruhi yaqqol seziladi. Chunki, harbiy bilim olishga ahd qilgan yigitlarga juda katta imtiyozlar, imkoniyatlar mavjud. Shu sababli, she'r qahramonlari ham bugunning bolalari:

Bir sinfdan uch bola
Harbiylikka ahd qildik.
Turli harbiy fanlarni
O`rganmoqqa shahd qildik.

Men yangi qurollar-u
Avtomatni sinayman.
Qo`limda durbin bilan
Chegarani saqlayman [3].

M. A'zam she'rning birinchi misrasidayoq bu sohaning alohida mavqega egaligini, bir sinfda uch bolaning harbiy bo`lishga ahd qilgani bilan dalillaydi. Bunda turli harbiy fanlarni, albatta, o`qish joizligiga ham ishora qilmoqda. Bo`lajak harbiylar esa kelajakda yangi qurollar-u avtomatlarni sinash, qo`liga durbin bilan chegarani saqlash vazifasi ekanligini ham to`g`ri anglagan. Ular orasidan Elbek ismli bola esa zirhli moshin, tanklarni haydab yurmoqchi ekani, Botir reaktiv samolyotdan sakrab, kelajakda desantchi sifatida yurtning tog`li hududlarida Vatan himoyasida turishi ma'lum bo`ladi.

O`qish darslari uchun tanlangan mavzular o`quvchilarga kundalik hayot, mustaqillikni mustahkamlash va insoniy munosabatlar bo`yicha ham bilim va tarbiya berishni ko`zda tutadi. Bular ichida ISTIQLOL, VATAN, ma'naviyat va tabiat haqidagi mavzular alohida ajralib turadi. Ulardan ko`zlangan maqsad o`zlikni anglash, istiqlol, vatan va tabiat bilan bog`liq tuyg`ularini uyg`otishdir.

Adabiyotlar

1. G`afforova T., Shodmonov E., Eshturdiyeva G. O`qish kitobi. 1-sinf uchun darslik. – Toshkent, "Sharq", 2015. – B.15.

2. G`afforova T., Nurullayeva Sh., Mirzahakimova Z. O`qish kitobi. 2-sinf uchun darslik. – Toshkent, "Sharq", 2012. – B.8.

3. Umarova M., Hamroqulova X., Tojiboyeva R. O`qish kitobi. 3-sinf uchun darslik. Toshkent, "O`zbekiston", 2016. – B.103.



Орзигул АСЛОНОВА
Қарши давлат университети мактабгача ва бошланғич таълим методикаси кафедраси ўқитувчиси

БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИДА ТАФАККУР ТЕЗЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ

Мақолада ижтимоий тараққиёт жараёни ҳар бир давр учун ўзига хос ва ўзига мос замонавий тафаккурга эга бўлган инсонларни тарбиялаб, янгича дунёқараш асосида жамият ривожига туртки берувчи ёшларни вояга етказиб бериш, ўқувчининг янгича тафаккурини тарбиялашнинг ижтимоий моҳияти ҳақида фикр юритилган.

***Таянч тушунчалар**: тафаккур, фикрлаш, креатив фикрлаш, ижодий фикрлаш, мантиқий фикрлаш, фикрлаш усуллари.*

Мышление в процессе познания определяет не только качественные результаты обучения, но и влияет на становление личности и формирование безопасного поведения как в обществе, так и в индивидуальной жизни. В работе осуществлена попытка установления взаимосвязей между развитием мышления обучающихся и формированием безопасного поведения.

***Опорные понятия**: личность, мышление, безопасное поведение, средства познания, дидактическая система.*

Intellectual activity in the process of perception and gaining knowledge defines not only the qualitative results of learning, but also affects the formation of personality and the formation of safe behavior in social and private life. The authors made an attempt to establish connection between the development of students' intellectual activity and the formation of their safe behavior.

***Supporting concepts**: personality, knowledge, intellectual activity, thinking, tools, didactic system, safe behavior.*

"Тафаккур – бу инсоннинг асосий имконият манбаидир.
Келажагимизнинг қандай бўлиши бизнинг тафаккуримизга бутунлай боғлиқ".
Эдвард де Боно, британиялик психолог ва ёзувчи

Тафаккур руҳий ҳаётимизнинг энг мураккаб шаклларидан биридир. Тафаккур орқали биз сезги аъзоларимиз билан бевосита акс эттириб бўлмайдиган нарса ва ҳодисаларни онгимизда акс эттирамиз. Соддароқ қилиб айтганда, қулоқ билан эшитиб бўлмайдиган ички муносабатлар ҳамда қонуниятлар бор. Ана шу ички боғланиш ҳамда қонуниятларни биз тафаккур орқали билиб оламиз. Демак, тафаккур деб, нарса ва ҳодисалар ўртасидаги энг муҳим боғланишлар ва муносабатларнинг онгимизда акс эттирилишига айтилади. Масалан: бизга маълум бўлган қуёшнинг етти хил (спектрдаги) нуридан ташқари яна бир неча хил кўринмайдиган нурлар бор. Бу кўринмайдиган нурларни одатда ультрабинафша, инфрақизил нурлар деб юритилади. Бундай нурларнинг борлигини биз тафаккур қилиш орқали биламиз. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, нарса ва ҳодисалар ўртасидаги сабаб – натижа боғланишларни ҳамда ўзгариш ва тараққиёт қонуниятларини билганлигимиз сабабли биз ҳозирги пайтда бўлмаган, лекин келажакда бўлиши мумкин бўлган нарса ва ҳодисаларни олдиндан айтиб бера оламиз. Бунга ҳам фақатгина тафаккур воситаси орқали эришиш мумкин. Масалан: астрономлар осмон жисмлари ҳаракат қонунларини билганлари учун қуёш ёки ой тутилишини жуда аниқ қилиб олдиндан айтиб бера оладилар.

Тафаккур қилиш пайтида биз, юқорида айтиб ўтганимиздек, нарса ва ҳодисаларни атрофлича тўла ва чуқур акс эттирамиз. Ана шунинг учун тафаккур қилиш бир қанча процесслардан, яъни таққослаш, анализ ва синтез, абстракциялаш ҳамда умумлаштириш процессларидан ташкил топади.

Таққослаш шундай бир ақлий процессдирки, бунда биз фикрдан иккита нарсани таққослаб, улар ўртасида ўхшашлик ёки фарқ борлигини аниқлаймиз. Масалан: бола машғулот пайтида ёки эркин ўйин пайтида айрим ўйинчоқларни худди ўзининг ўйинчоқларига ўхшатиши мумкин. Бунда бола ўз

қўли остидаги ўйинчоқни тасаввуридаги ўйинчоқ билан таққослаб кўради. Воқеликни чуқурроқ ва атрофлича акс эттириш учун бир-бирига жуда ўхшаш нарсаларнинг фарқини топа билиш ва шунинг билан бирга бир-биридан кескин фарқ қиладиган нарсалар ўртасида ўхшашликни топа билиш қобилияти жуда ҳам катта аҳамиятга эгадир.

Бу давр одатда кичик мактаб даври ёки бошланғич мактаб даврига тўғри келади. Бу даврнинг аҳамиятли томони шундаки, боланинг боғча ёши даврида тўплаган шахсий тажрибаси, тил бойлиги, билиш имкониятлари энди тартибга туша бошлайди, у ҳам интеллектуал, ҳам ахлоқан, ҳам ижтимоий томондан ривожланиб, улғая бошлайди. Женевалик психолог Жан Пиаженинг маълумотларига кўра, 6 – 7 ёшли боланинг интеллектуал салоҳиятида кескин бурилишлар рўй беради. Унинг хотира-си анча яхши бўлиб, маълум тизимга, тартибга тушади, энди у кўпроқ ўзи хоҳлаган нарсаларни эсда сақлаб қоладиган бўлиб боради. Шунинг учун улар баъзан ота-оналари ўйланиб қоладиган мавҳум математик вазифаларни ҳам ўқитувчи ўргатгандай тезда ечадиган бўлиб қолади, ҳар хил эртакларни эшитиб юрган бола энди реал ташқи оламни, унинг қандай бор бўлса, шундай мавжуд хусусиятлари доирасида идрок қилиб, англай бошлайди.

Бошланғич мактабда ўқиётган бола учун шахсий ютуқлари – ўқишда, спортда, болалар орасидаги нуфузи ва обрўси катта аҳамият касб эта боради. Бу даврда болалар ўзларининг қайси жинсга тааллуқли эканлигини теран англаб, мактабда “ўғил болалар” ва “қиз болалар” гуруҳи шаклланади.

Энг муҳими, айнан бу давр ахлоқий меъёрларнинг маъносини тушуниш, ахлоқий қадриятларни ўзлаштириш ва маънавий тасаввурларнинг шаклланиши учун ўта сезгир ва қулай ҳисобланади. Шунинг учун катталарга ҳурмат, кичикларни эъзозлаш, ота-онага эҳтиром кўрсатиш, Ватанни севиш, шахсий ва ижтимоий мулкка тўғри муносабат ҳислари тарбияланади. Бола жазо билан рағбатлантириш ўртасидаги фарқни ажрата бошлайди ва нима қилиб бўлса ҳам жазоланмасдан, кўпчиликнинг назаридан қолмасликка ҳаракат қилади. Шу боис, оила ва таълим масканида боланинг аҳлоқий ва маънавий тарбияси учун яратилган яхши шарт-шароит айни бу даврда ўзининг сезиларли самарасини беради.

Болалик ёшида тафаккурнинг ривожланиши бир қанча кетма-кет босқичлардан ўтади, бу босқичлар бир-бири билан маҳкам боғланган бўлади ва шунинг учун уларни қатъий чегаралаб қўйиш мумкин эмас.

Ривожланишнинг кейинги босқичида яққол – образли ва нутқий тафаккур ҳукмронлик, устунлик қила бошлайди. Бу вақтда предметлар ёки уларнинг образлари сўз билан боғланади. Фикрлаш фаолиятининг ана шу тури мактабгача бўлган ёш учун характерлидир; бу вақтда бола образлар билан фикрлайди, у ўзлаштириб олган сўз эса унинг умумлашмалар қилиши учун ёрдам беради. Болада муҳокама юритиш қобилияти унинг ўз тажрибаси доирасида пайдо бўлади.

Мактаб таълимининг бошланиши билан болаларда тушунчали тафаккур мактабга қадар бўлгандан тезроқ ривожлана бошлайди, бу тафаккур жараёнида бола тушунчалар ёрдамида иш кўради. Аввалига тушунчали тафаккур конкрет предметлар ва ҳодисалар билан мустаҳкам боғланган бўлади. Лекин секин-аста кичик ёшдаги ўқувчиларда конкрет нарсадан абстрактлашиш, умумлашмалар қилиш ва маълум даражада мавҳум хулосалар чиқариш кўникмаси вужудга келади.

6–7 ёшли боланинг тафаккур қилиш жараёнида фаолият билан боғланган конкрет вазифаларни ўйин, расм чизиш, майда-чуйда буюмлар ясаш, энг оддий меҳнат жараёнлари ҳал қилишга қаратилган йўл устунлик қилади. Мана шу ёшдаги болаларда умумлаштириш кўпинча предметлардан амалий равишда фойдаланишга тааллуқли бўлган ташқи белгиларни ўз ичига олади. Бу ҳол боланинг нарсаларга берган таърифида кўриниб туради. Масалан: у “уй – одамлар яшайдиган жой”, “белкурак – ер чопиш учун керак”, дейди ва ҳоказо.

Ўқишнинг бошларида болага кўпгина ҳодисаларнинг сабабли боғланишлари тушунарли бўлади, бироқ бу тушуниш баъзан унинг унчалик кўп бўлмаган шахсий тажрибаси доирасидан ташқарига чиқади.

Ўқитувчи болаларни янги билимлардан хабардор қилиш, уларнинг билим доираларини кенгайтириш, нутқларини такомиллаштириб бориш орқали уларда тафаккурни ўстиради. Лекин бу ҳали кам. Қуйи синфлардаёқ болаларни ўқув материалини тушуниб ва ўзлаштириб олишгагина ўргатмасдан, балки уларни қизиққан саволларига жавоб топишга ҳам ўргатиш керак. Болалар дастлаб бу ишни ўқитувчининг бевосита раҳбарлигида, сўнгра эса мустақил равишда ҳам бажарадилар. Таълимнинг дастлабки кунларидан бошлаб ўқитувчининг болани фикрлашга ўргатиш; тушунтиришга шошилмаслиги, балки ўқувчига ўзи ўйлаб кўришни таклиф этиши жуда муҳим. Бироқ ўқувчининг ўзи тушуна олмаган, битта ҳам тушунтирилмаган масалани қолдириб бўлмайди.

Қийинчиликларнинг ортиб боришидаги тадрижийликка риоя қилиш ниҳоятда муҳимдир. Тафаккурни тараққий эттириш учун таълимнинг дастлабки йиллариданоқ амалга оширилиши лозим бўлган ижобий ишлар: берилган мавзуда ёки эркин мавзуда иншо ёзиш, масалалар тузиш ва уларни энг рационал усулларда ечиш кабилар муҳим аҳамиятга эга.

Ҳозирги пайтда болалар мактабдан ташқарида, яъни радио, телевидение, кино, оиладаги суҳбатлар ва китоблар орқали ниҳоятда кўп янгиликлардан хабардор бўладилар. Шунинг учун ўқитувчи ҳатто кичик ёшдаги ўқувчилар билан олиб борадиган ишида ҳам дарсликлардаги материалнинг ўзи билангина чекланиб қолмаслиги керак. Баъзан болалар билан барқ уриб ривожланаётган фан ва техниканинг турмушимизга кираётган янгиликлари ҳақида оммабоп суҳбатлар ҳам ўтказиб туриш керакки, улар бу ҳақда ўзлари тушуна оладиган тўғри тасаввурларга эга бўлсинлар. Шуни унутмаслик лозимки, билимларни кенгайтириш одамнинг ақлий камолотига йўл очиб беради.

Тафаккурнинг фикрлаш фаолияти жараёнидагина тараққий этишини ҳамда болаларни мантиқан ва танқидий фикрлашга ўргатиш лозимлигини ҳам унутмаслик керак. Уларни ўзлари бажарган ишга мустақил баҳо беришга ва уни назорат қилишга ўргатиш зарур. Ўқитувчи нима учун? нимага? деган саволларга жавоб талаб қилар экан, болаларнинг ўз мулоҳазаларини асослаб беришларига, уларни амалда текшириб кўришларига, ўз фикрларининг тўғрилигини исботлашларига ёки хатоларини тан ола бошлашларига эришишга интилади. Бошланғич синфлардаёқ мактаб ўқувчилари ўқитувчигагина эмас, балки ўзларига ҳам савол беришга ўрганишлари керак. Уларнинг бу саволларга мустақил равишда жавоб топишга интилишлари, сўнгра эса ўз фикрларининг тўғрилигини амалда ёки ўқитувчи билан бўладиган суҳбатда текшириб кўришлари ниҳоятда муҳимдир.

Кичик ёшдаги ўқувчилар етарли даражада кўп тушунчаларга эга бўладилар, лекин улар кўпинча илмий тушунчалар эмас, балки ҳаётий тушунчалар бўлади. Шунинг учун ҳам кичик ёшдаги ўқувчилар мавҳум, абстракт тушунчаларни англаб олишда қийналадилар. 1-синфда болалар кўпинча мажозларни, сўз ёки иборанинг кўчма маъносини тушунмайдилар. Шунинг учун улар масал ва мақолларни ҳамиша ҳам тўғри тушунавермайдилар. Иккинчи синф ўқувчиси бўлган бир қиз бола Криловнинг “Ниначи ва чумоли” деган масалини ўқир экан, “бечора” ниначининг қорнини тўйдиришни ва унга иссиқ жой беришни истамаган чумолининг хасислигидан ғазабга келади. Биринчи синф ўқувчиси “Бири боғдан келса, бири тоғдан келади”, деган матални эшитиб: “Тоғ узоқда-ку, нега у ердан келади?” – дейди. Ўқувчи “Қор – ернинг кўрпаси, ёмғир – ернинг шўрваси” деган мақолнинг маъноси ҳақида бош қотириб: “Ернинг ҳам шўрваси бўладими?” – дейди.

Кичик ёшдаги ўқувчилар ўз нутқларида тур хил тушунчаларни ишлатадилар. Ҳолбуки, ана шу терминларнинг таърифи уларга ҳали таниш бўлмайди. Болалар суратларда тасвирланган ҳайвонларнинг номини тўғри атасалар ҳам, уларни кўпинча бирор умумий тур тушунчасига кирита олмайдилар. Қарағай, ўт, гул ва йўсин деган савол биринчи синф ўқувчиларини қийнаб қўйди, II ва III синф ўқувчилари эса бу сўз – ўсимлик, деб жавоб берадилар.

Шундай қилиб, болаларда умумлаштириш, предмет ва ҳодисаларнинг муҳим белгиларини ажратиб кўрсатиш қобилияти йил сайин ривожланиб боради. Фикримиз якунида Абдулла Авлонийнинг қуйидаги фикрларини келтириб ўтмоқчимиз: “Фикр тарбияси кўп замонлардан бери тақдир қилинуб келадурғон энг керакли масаладир”.

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т., 1997.

2. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т., 2008.

3. Воҳидов М. Болалар психологияси. – Т.,1982.

4. Ғозиев Э. Ўқувчиларда умумлаштириш усулларини шакллантириш ва уларнинг ақлий тараққиёти. – Тошкент, 2001.

5. Ғозиев Э. Ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини бошқариш. – Т., 2002.

6. Ғозиев Э. Тафаккур психологияси. – Тошкент, 2002.



Гўзал ЮНУСОВА
Фарғона давлат университети ҳузуридаги
халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва
уларни малакасини ошириш ҳудудий маркази
ўқитувчиси, Ўзбекистон халқ таълими аълочиси

МАКТАБГАЧА ВА БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМНИНГ УЗВИЙЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ

Мақолада мактабгача ва бошланғич таълимнинг узвийлигини таъминлашнинг педагогик асослари ҳақида фикр юритилган.

Таянч тушунчалар: *мактабгача таълим, бошланғич таълим, оила ҳамкорлиги, болани мактабга тайёрлаш, савод ўргатиш, одоб-ахлоқ, машғулот.*

В статье размышляются о педагогических основах обеспечения органичности дошкольного и начального образования.

Опорные понятия: *дошкольное образование, начальное образование, сотрудничество семьи, подготовка ребенка к школе, обучение грамотности, мораль, занятие.*

In article are reflected about pedagogical bases of ensuring harmony of preschool and primary education.

Supporting concepts: *preschool education, primary education, cooperation of family, training of the child for school, training of literacy, morals, occupation.*

Болаларни мактабга тайёрлаш оиладан ва боғчадан бошланади. Оилада ҳам, боғчада ҳам болаларни фақат мактабга тайёрлаш ишлари билан чегараланиб қолмаймиз, балки болаларни оилада, боғчада, мактабда савод ўргатиш (энг оддий ўқиш, босма ёки ёзма матнни синф тезлигида ўқий олиш ва энг оддий ёзиш, эшитганини, кўрганини ёза олиш, кўчириш, тиниш белгига риоя қилиш)га ҳам бир талай вақт ва меҳнат сарфланади. Англашиладики, оилада болани савод ўргатишга тайёрлашнинг ҳам ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Савод ўргатишга тайёрлашнинг боғчадаги ўзига хос хусусиятлари ҳам алоҳида ўрганишни, тадқиқотни ва таҳлиллар ўтказишни талаб қилади. Бироқ бу ишларнинг мақсади битта бўлса ҳам оилада ва боғчада турлича йўналишлар, методларда ва турли савияда ўтказилади.

Биз ушбу мақоламизда савод ўргатишга тайёрлашнинг мактаб босқичи масалаларига алоҳида тўхталмоқчимиз. Чунки бу тадбир мактабга илк қадам қўйган ҳар бир мурғак қалбнинг, жажжи болажонларни, ширидан-шакар ўғил ва қизалоқларнинг ҳаётида ўчмас из қолдирадиган даражада уюшқоқлик ва юқори савияда ўтказилиши лозим. Болаларни мактабга қабул қилиш, мактаб контингенти бўйича умумий рўйхат ва боғчадан келган болалар ҳисобига бажарилади. Боғчадан келган бола мактабга, унинг кун тартибига, ёзиш ва чизишга, суҳбат ва муҳокамага осон ва тез мослаша олади. Чунки улар боғчада маълум даражада тартиб-интизомга, гуруҳга, жамоага, ўзини тутишга, муомалага, одоб-ахлоққа одатланган бўладилар. Шунинг учун уларни бошқариш осон бўлади. Бу боғчадаги оғир меҳнатнинг самараси натижасидир.

Оиладан мактабга қабул қилинган болаларни тартиб-интизомга, мактабнинг қонун-қоидаларига мослаштириш осон кечмайди. Бироқ шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳамма оиладан келган болалар ҳам бирдай (интизомли, тартибсиз, ўйинқароқ, шўх, эрка ёки одамови) бўлавермайди. Бу эса болаларга индивидуал, яъни алоҳида-алоҳида ёндашишни, алоҳида муносабатда (эркалатиш, дўқ-пўписа ва ширин сўзлик кабилар) бўлишни талаб этади. Боланинг қалбига йўл топа олмас экансиз, у билан бўладиган таълим-тарбия соҳасида муваффақиятга эриша олмайсиз. Болалар билан бўладиган алоқани ижобий хал этиш учун педагог, аввало, билимга, тажрибага, маҳоратга (вазиятдан чиқиб кетиш, соғлом муҳит яратиш) эга бўлиш руҳшунос ва педагоглик сирларидан огоҳ бўлиши лозим. Бу дегани мактабга ўзгача умид ва иштиёқ билан қадам қўйган болага эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишни, яъни хушмуомала, ширинсўзлик ва меҳрибонликни талаб этади.

Ўзбек халқи болажон халқдир. Бу зўр қадриятдир. Ҳар бир мактаб ходими болаларни худди ўз боласидек кўриши керак. Чунки улар мактабда турли одамларга дуч келадилар, ҳар хил жойларда

бўладилар. Хоҳ у мактаб раҳбари бўлсин, хоҳ фан ўқитувчиси, хоҳ фаррошми, қоровулми болага ҳурмат билан, меҳмондай эътибор билан қарашлари зарур. У мактаб ҳовлисидами, спорт майдонидами, ошхонадами ўзига хос иззат-икром билан кутиб олиниши, ҳурсандчилик билан, кулиб, жилмайиб, табассум билан қарши олиниши лозим. Бу орқали болаларга кўп нарсада ибрат бўламизгина эмас, уларнинг мактабга, ўқишга бўлган қизиқишларини, ихлосларини ошиб боришга сабабчи ҳам бўламиз. Қисқаси, болаларни тергайвермаслик, бўлар-бўлмасга уларни таъқиқлайвермаслик керак. Демак, таълим-тарбияда кўп нарсада ибрат кўрсатишнинг ижобий томонларини сўзлаб ўтиришга ҳожат йўқ.

Ҳозирги кунда туғилиш маълум даражада режалаштирилганлиги сабабли 1-синфга қабул қилиш суҳбатдан ташқари қатъий равишда тиббий кўрик хулосалари асосида амалга оширилмоқда. Бу тадбир май ойи бошларида олиб борилиши белгилаб қўйилган. Чунки мактабга қабул қилинган барча болалар келгуси ўқув йилида 1-синфни ўқитадиган ўқитувчи томонидан май ва июнь ойларида болаларни савод ўргатишга тайёрлашга ҳозирлик кўради. Бу қуйидагича бўлиши лозим:

Болаларни мактабга қабул қилиш (ҳужжатларни текшириб кўриш) орқали хомаки рўйхатга олиш. Умумий ҳолати.

Рўйхатга олиш учун суҳбат:

а) боланинг бўй-басти, кийинишини кузатиш;

б) ҳар хил мавзуда суҳбат;

в) нутқига, фикрига, сўзларнинг талаффузига эътибор бериш, ўзини тутиши, жавобнинг аниқлиги, узун-қисқалигини кузатиш.

Боланинг тайёргарлик даражаси бўйича йўналишлар:

а) ручка, қалам ушлаши, дафтарни тўғри қўйиши, ўнг қўл ёки чап қўл билан ишлаши;

б) ёзиш, чизиш, бўяшни билиши (билмайди, билади, яхши билади);

в) ҳарфларни таниши (босма ёки ёзма, бош ёки кичик, 5-6 ҳарфларни билади, тўлиқ билади, билмайди);

г) сўзларни ўқий олиши, исмини ўқий олиши (ўқий олмайди, ҳарфлаб ўқийди, бўғинлаб ўқийди, нотўғри ўқийди);

д) сўзларни бўғинга бўла олиши (бўла олмайди, нотўғри бўлади, тўғри бўлади).

Ҳарфларни ёза олиш (5-6 та ҳарфни ёзишни билади, ҳамма ҳарфни ёзишни билади, лекин босма-ёзма, бош-кичик ҳарфларни аралаш ёзади.

а) айтган (эшитган) сўзни босма-ёзма ҳарфларда аралаш ёза олади;

б) кўрганини кўчира олади, лекин ёзув талаб даражасида эмас (боғча савиясида).

Санашни билади, ўнгача... юзгача санашни билмайди, яхши билади, билмайди, адашиб кетади.

Рақамларни ажрата олади. Номини билади, билмайди, чала билади.

Рақамларни ёзиши: ёза олади, айримларини алоҳида-алоҳида ёзади, танийди.

Рақамларни ҳисоблаш. Икки ёки уч рақамини ҳисоблай олмайди. Иккита уч (33), иккита олти, битта бир (66, 1) каби...

Расм солиш, чизиш: Билади, чала билади, билмайди.

Рангни ажрата билиши: ажрата олади.

Шеър айтиш: 1 ёки 2 та шеърни билади. Яхши айтади, кўп шеърни билади – айтади, билмайди, билади – айтмайди.

Эртакни айтиши: кўп эртакни билади, айтади. 5-6 та эртакни билади – яхши айтмайди, билмайди. Билади – айтмайди.

Ҳар хил мавзуда суҳбат: фасллар, унинг белгиларини билади, билмайди, чала билади.

Вақтни билиши: сутка, соат, дақиқа.

Болалар ўйинлари: номларини билиш.

Турли мавзуларда суҳбат. “Бизнинг оила”, “Менинг дугонам”, “Бизнинг кўча”... ва ҳ.к.

Ҳар бир синф ўқитувчиси ҳар куни 5-6 нафар ўқувчи билан юқоридаги йўналишларда суҳбатлашади, суҳбат ўтказади. Суҳбат тугагач (у бир ҳафта давом этади, ҳар куни 5-6 та болани савод ўргатишга тайёр, тайёр эмаслигини билиши лозим), суҳбат учун юритилган дафтардаги маълумотларни юқоридаги йўналишлар асосида:

Умумий ҳолат (1-2 бандлар).

Ҳарфларни билиш, уларни турли шаклда ёза олиш, ўқиш ва ёзиш нутқи (3-4 бандлар).

Сонларни, рақамларни ёза олиш, таниш (5-8 бандлар).

Расм чизиш (9-10 бандлар).

Оғзаки нутқи (11-12 бандлар).

6) Ҳар хил мавзуда суҳбат (13-16 бандлар) бўйича маълумотларни умумлаштиради ва болаларнинг берган маълумотлари, савиялари бўйича гуруҳларга ажратиб олади.

Болалар оиладан боғчадан келганликлари туфайли уларнинг берган жавобларини турли савияларга бўлиб, уларни бир-биридан фарқлаш мумкин.

Бизнингча, болалар 4-5 хил савияда жавоблар берган бўлишлари эҳтимол. Уни қайта ўтказиш керакми, йўқми? Ўқитувчига ҳавола этилади.

Савод ўргатишга тайёрлаш ва болаларни савод ўргатишга тайёргарлигини билиш 1-синфга янги қабул қилинган болалар билан қандай ишлаш лозимлигини маълум даражада белгилаб беради. Бунда савод ўргатишга тайёр бўлмаган, тайёргарлиги паст болалар аниқланади, улар билан юқоридаги йўналишларда савол-жавоблар қилиниб, бола ҳақида, билими, савияси ҳақида маълумотларга эга бўлгандан кейин, у бола билан ишлаш осон бўлиши мумкин. Чунки бу суҳбат ва савол-жавоблардан маълум бўладики, боланинг савод ўргатишга тайёрлиги юзасидан камчилик томонларини ҳисобга олиб, унга топшириқлар бериб, уни мактабда, оилада бажартириб, болани савод ўргатишга тайёрлаб борамиз.

Савод ўргатишга болаларнинг тайёр ёки тайёр эмаслигини билишнинг илмий, илмий-методик, психологик, педагогик ва маънавий-ахлоқий томонлари мавжуддир. Болаларни савод ўргатишга тайёрлигини билиш, агарда болалар савод ўргатишга тайёр бўлмасалар уларни савод ўргатишга тайёрлаш чора-тадбирини белгилаш ҳамда таълим-тарбия самара даражасини оширишнинг, савод ўргатишни қулай методларини аниқлаб олиш имкониятини аниқлаб беради. Сабаби савод ўргатиш учун болаларнинг савияси тенг ва бир текисда бўлиши керак. Бунда бир-бир берилган сабоқ ҳамма ўқувчига баб-баравар етиб бориши билан бирга, улар сабоқни (топшириқни) бирдай тушунадилар, бирдай бажаришга киришадилар. Айтилган ҳар бир сўзни, гапни, топшириқни бирдай, бир хил англайдилар, бирдай тафаккур қиладилар, чунки уларнинг ёши, савияси ҳам бирдай.

Демак, савод ўргатишни муваффақиятли ташкил қилиш ва уни ўтказиш учун ўқувчиларнинг ёши, савияси, тайёргарлик даражаси иложи борича бир-бирига яқин ва тенг бўлса, савод ўргатиш пухта ва самарали бўлади. Ўйлаб кўринг: турли ёшдаги, касбдаги одамларга айтилган битта фикр уларда турлича тушунчалар ҳосил қилиши мумкин. Демак, битта фикрни ҳаммага баравар таъсир этиши учун уларнинг ёши, касби, савияси бир хил, бирдай бўлса мақсадга эришиш осон бўлади. Демак, болаларни савод ўргатишга тайёрлашни билишдан асосий мақсад савод ўргатиш жараёнини тўғри ташкил қилиш ва уни сифатли ва самарали ўтказишдан иборатдир. Савод ўргатишга тайёрлаш машғулотлари мактабда ўтказилса, айни муддаодир.

Саводга ўргатиш даври *(алифбегача, алифбе ва алифбедан сўнгги)*да ёзув кўникма ва малакаларини шакллантириш ва уни ривожлантириш, такомиллаштириш учун турли хил чизиқли дафтарлардан фойдаланилади. Аввалари ҳозиргидек такомиллаштирилган ёзув дафтари бўлмаган. Шундай бўлса ҳам савод ўргатиш қисқа муддатда *(сентябрь-декабрь ойлари)* муваффақиятли амалга оширилган.

Англашиладики, савод ўргатиш даври ёзув дарсларида 1-синф ўқувчиларини ёзувга ўргатиш, ёзув кўникма ва малакаларини такомиллаштиришда турли хил чизиқли дафтарлардан фойдаланиш мумкин экан, аслида савод ўргатиш нима? Ёзув *(элементар, энг оддий, оддий)*га ўргатиш қандай жараён? Буни аниқ билиб олишимиз, унинг моҳиятини тушуниб етишимиз лозим бўлади.

Савод ўргатиш ўқувчиларни энг оддий, элементар ва оддий ўқиш ва энг оддий, элементар ва оддий ёзувга ўргатиш демакдир. Қисқаси савод ўргатиш элементар ўқиш ва элементар ёзув малакаларини эгаллашдан иборатдир. Энг оддий ўқиш нима? Энг оддий ўқиш босма, ёзма матнни ўқий олиш, ўқиганларига ўзи *(ўқитаётган ўқувчи)* тушунмаса ҳам тинглаётганлар тушуна оладиган даражада ўқий олишдир. Тўғри, бу ўқиш адабий талаффуз меъёрларига мос келмайди. Чўзиб, айрим бўғин ва ҳарфларни дудуқланиб ўқийди. Оддий ўқиш шундай экан, энг оддий ёзув деганда нимани тушуниш лозим? Қандай ҳаракатни ва эгалланган қандай кўникма ва малакани ёки элементар ёзувни тушуниш керак? Энг оддий ёзувни билиш, эгаллаш малакаси шундай ҳолатки: ўқувчи эшитганини тўғри ёза олса, манбадан тўғри кўчира олса, сатрга сиғмаган бўғин ёки сўзни кейинги сатрга кўчиришни билса, тиниш белгиларидан сўнг тегишли ҳарфни қўллай олса, энг оддий ёзувни эгаллаб олганлигидан дарак беради. Тўғри, ёзув ҳам жуда чиройли *(ҳуснихат)* бўлмаслиги ҳарфлар, унинг қисмлари, унсурлари, элементлари талаб даражасида бўлмаслиги ҳам мумкин. Лекин бу ёзув элементар ёзув қоидаларини эгаллангандан дарак бериб туради.

1-синфда савод ўргатиш жараёни ўқувчиларга дастлабки таълим-тарбия беришнинг муҳим босқичи ҳисобланади. Қисқа давр ичида уч ярим, тўрт ойда 1-синф ўқувчилари юз фоиз элементар ўқиш ва элементар ёзишга – саводга ўргатиб бўлинади. Савод ўргатиш дарсларининг ўқиш ва ёзиш машғулотларидан иборат эканлигини ҳамма педагог ҳам билавермайди. Бу жараёнларни фақат бошланғич таълим ўқитувчилари, мутахассислари билиши мумкин холос. Таълим тарбиядаги бу босқични ҳамма билиш лозим. Айниқса ёшларнинг бу ҳақда етарлича маълумотга эга бўлишлари фақат фойда. Чунки ҳар бир ёш оила қуради, фарзандли бўлади. Шундай экан, ҳаётнинг, таълим-тарбиянинг, билим олишнинг асоси, фундаменти бўлган савод ўргатиш жараёни, савод ўрганиш саводини ҳар бир ота-онанинг билиши шартдир. Бола ўқишни ва ёзишни оиладан бошлайди. Айниқса, боланинг таълим-тарбиясига эътибор қилувчи оилаларда бу иш тартибсиз бўлса ҳам самарали амалга оширилади. Айрим болалар оилада, баъзилари боғчада ўқиш ва ёзиш (чизиш)ни самарали ўрганадилар. Боғчада болалар асосан ёзиш (ҳарф қисмлари, турли хил шакллар, расмлар, нақшсимон чизиқлар, бино, манзара, буюм, ўсимлик, дарахт, гул, идиш-товоқ, ҳайвон, қуш ва бошқа расмларни) маълум ўхшашликда чиза оладилар. Уларнинг қўл ҳаракатидан асосий мақсад ёзаётганда ва чизаётганда маълум даражада қўлни эркин ҳаракатлантириш кўникма ва малакасини эгаллай олишидан иборатдир. Бироқ улар элементар ўқишни ҳам, элементар ёзишни ҳам билмайдилар. Чунки бунга боғчада ўргатилмайди – боғчанинг вазифаси эмас. Шунинг учун ёзма матнни ҳам, босма матнни ҳам ўқий олмайдилар. Улар ўз номларини ёки фамилияларини ёзиб беришлари мумкин. Бу ёзув босма ҳарфларда ёки босма ёзма ҳарфлар аралаш ёхуд бош ва кичик ҳарфлардан тузилган бўлиши ҳамда ҳарфларни бир-бирига улаб ёзишдан асар ҳам бўлмаслиги мумкин. Чунки боғчада ва оилада бола элементар ёзишга ўргатилмайди. Ҳарф унсурларини, қисмларини, алоҳида-алоҳида ёзилиши, босма ёки ёзма нусхасини ёзишга, бир неча сўзларни пала-партиш, мазмунсиз ёзишни билишлари мумкин. Ўқишда эса вазият умуман бошқача. Улар элементар ўқиш уёқда турсин, ҳарфларнинг айримларини товушга айлантира оладилар, холос.

Болани боғчада савод ўргатишга тайёрлаш қандай бўлади? Шу ҳақда фикр-мулоҳазалар билдирамиз. Боғчада қандай машғулотлар ўтказилмасин, унинг ҳеч бири савод ўргатиш бўла олмайди, у савод ўргатишга тенглаштирилмайди. Савод ўргатиш фақат мактаб таълим тарбиясига хос жараёндир. Боғчада неча хил машғулот, қанча ёзиш, чизиш ишлари, бўяш ишлари олиб борилмасин уларнинг ҳеч қайсиси ўқиш ва ёзишни ўргатиш бўла олмайди. Бундай машғулотлар ўқиш ва ёзувга ўргатиш масъулиятини ўз зиммасига олмайди. Бундай машғулотларнинг барчаси болалар нутқининг ўсиши, қўлларининг эркин ҳаракатини таъминлаши ва болаларни ўқишга, ёзишга тайёрлай олиш мумкин, холос.

Болаларни савод ўргатишга тайёрлашни боғчанинг ҳар бир гуруҳида у ёки бу даражада амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Дархақиқат, шундай, ҳар бир катта, ўрта, ёки кичик гуруҳларда савод ўргатишга тайёрлашда маълум ҳисса қўшилади. Биз бунга ишонамиз. Бироқ боғчаларнинг катта гуруҳларида болаларни савод ўргатишга тайёрлаш ишлари мақсадли, мақсадсиз бўлса-да амалга оширилади. Савод ўргатишга тайёрлаш ишлари қанчалик режали, лойиҳали, дастурли бўлмасин, боғчанинг мактаб билан мустаҳкам алоқаси бўлгандагина самара ва муваффақиятли чиқиши мумкин. Гуруҳ мураббийси, тарбиячиси мана шу ўз қарамоғидаги, тасарруфидаги 1-синфга қабул қилиб олиниши лозим бўлган синф ўқувчиси билан ҳамкорликда ишласа, алоқада бўлса, ҳар иккисининг иши муваффақиятли чиқиши мумкин.

Адабиётлар

1. Қосимова К.ва бошқалар. Она тили ўқитиш методикаси. – Тошкент, 2009. – 316 б.



Nargiza MAMATXANOVA
Namangan davlat universiteti o'qituvchisi

BOSHLANG'ICH SINF O'QUVCHILARIDA INTIZOMLILIKNI TARBIYALASHNING O'ZIGA XOS XUSUSISYATLARI

Maqolada intizomlilik tushunchasi asosida belgilangan tartib-intizomlarga aniq rioya qilish, o'z burchiga sadoqatli bo'lish bilan birga bergan va'dalarini vijdonan bajarish masalalari ifodalanadi. Intizomli odamga mustaqillik, tashabbuskorlik, ishchanlik va shu bilan bir vaqtda jamiyat manfaatiga va axloq tamoyillariga bo'ysuna bilishlik xosdir.

Tayanch tushunchalar: *intizomlilik, motiv, motivatsiya, burch, ongli intizom, iroda, idrok, sezgi.*

В статье выражены вопросы дисциплированности на основе добросовестного выполнения обещания, соблюдение распорядка и преданности своим обязанностям. Порядочному человеку свойственна независимость, инициативность, деловитость, вместе с тем умение подчинятся нравственным принципам во благо общества.

Опорные понятия: *дисциплинированность, мотив, мотивация, долг, сознательная дисциплина, воля, восприятие, ощущение.*

In article discipline questions on the basis of conscientious implementation of promises, observance to the schedule and devotion to the duties are expressed. Independence, initiative, efficiency is peculiar to the decent person, at the same time ability will obey to the moral principles and for the good of society.

Supporting concepts: *discipline, motive, motivation, debt, conscious discipline, will, perception, feeling.*

Shaxs tarbiyasi, uning ijtimoiy-psixologik kamoloti har qanday davlatning bosh strategik masalalaridan biridir. Chunki shaxsni ma'lum ezgu g'oyalar, intellektual talablar asosida tarbiyalamay turib, har jihatdan kamol topishga qodir jamiyatni qurib bo'lmaydi. Zero, bu jarayonda, eng avvalo, ta'lim-tarbiya tizimi, uning mazmun-mohiyati, ayni paytda ta'lim tizimini takomillashtirishga xizmat qiluvchi psixologik tamoyillar muhim ahamiyat kasb etadi. Binobarin, barkamol avlod tarbiyasi va uning mukammal ta'lim olishi masalalari davlat siyosati maqomi darajasida hal qilinayotganligi bugungi yoshlarimizning hech kimdan kam bo'lmagan porloq kelajagiga jiddiy e'tibor qaratilayotganligidan dalolatdir. Buni respublikamiz Prezidenti Sh. Mirziyoyevning quyidagi fikridan ham yaqqol anglash mumkin: "Yoshlarimiz haqli ravishda Vatanimizning kelajagi uchun javobgarlikni zimmasiga olishga qodir bo'lgan, bugungi va ertangi kunimizning hal etuvchi kuchiga aylanib borayotgani barchamizga g'urur va iftixor bag'ishlaydi [1]."

Kishining intizomlilik tariqasida namoyon bo'ladigan xarakter xislati jamiyat talablariga ongli va ixtiyoriy ravishda bo'ysunishda ifodalanadi. Jumladan, intizomlilik belgilangan tartib-intizomlarga aniq rioya qilishda, o'z burchiga sadoqatli bo'lish bilan birga bergan va'dalarini vijdonan bajarishda ifodalanadi. Intizomli odamga mustaqillik, tashabbuskorlik, ishchanlik va shu bilan bir vaqtda jamiyat manfaatiga va axloq tamoyillariga bo'ysuna bilishlik xosdir. Belgilangan qoida va axloqiy tamoyillarga bo'ysunmaydigan mustaqillik esa shaxsning o'zboshimchalik, o'zbilarmonlik, adabsizlik va ba'zan axloqiy jihatdan chetga chiqib ketish singari salbiy sifatlarida namoyon bo'ladi.

Psixolog E. G'oziyev fikricha, boshlang'ich sinf o'quvchilarining shaxsiy fazilatlari beqaror, dunyoqarashi sodda, tashqi taassurotlarga tez beriluvchandir. Buyuk allomalar ta'kidlaganidek, kishining xarakteri hammadan ko'ra ko'proq uning hayotining dastlabki bilimlarida tashkil topadi va mazkur xislatlarida namoyon bo'lgan sifat juda mustahkam o'rnashadi va bolaning ikkinchi tabiatiga aylanadi.

Bolaning ikkinchi tabiatida ijobiy his-tuyg'ularni, shaxs fazilatlarini tarkib toptirishda, yuksak axloqiy sifatlarni ularda shakllantirishda barcha mas'uliyat boshlang'ich sinf o'qituvchilarining zimmasiga tushadi. O'quvchining ushbu yosh davrida o'qituvchining har bir aytgan so'zi, har bir xatti – harakati, ta'sir o'tkazish uslubi uning uchun haqiqat mezoni rolini o'taydi. Bu yoshidagi bola maktab qoidalariga rioya qilishi, dars mashg'ulotlariga kechikmay o'z vaqtida yetib kelishi, darsda o'qituvchining tushuntirayotgan

materiallarini tinglab uqib olish, topshiriqlarni o'zi bajarishi lozim. Darsda o'zini qanday tutishi, gigiyena va tozalikka rioya qilishi o'qituvchi va kattalar tomonidan berilgan buyruq va ko'rsatmalarni so'zsiz bajarish, jamiyat orasida o'zini qanday tutishi, lozimligini bilishi kerak. Yashash sharoitidagi bunday o'zgarishlar bola psixikasining o'sishiga, xulq-atvoriga, shaxsning tarkib topishiga ta'sir ko'rsatadi. Maktabga kirish bolaning hayotida uning faoliyatida burilish davri hisoblanadi.

Z. To'laganova bola maktabga kirishi bilan uning butun hayot tartibi, ijtimoiy holati, jamoadagi, oiladagi ahvoli keskin o'zgarib ketadi deb ta'kidlaydi. Maktabga kirgan davridan boshlab uning asosiy faoliyati o'qish bo'lib qoladi, muhim ijtimoiy vazifa – o'qish, bilim orttirish vazifasidan iborat bo'lib qoladi. O'qish bo'lsa boladan ma'lum uyushqoqlikni, intizomlilikni, anchagina irodaviy zo'r berishlikni talab qiladigan jiddiy mehnatdir. Tobora tez-tez va hadeb xohlagan ishingni emas, balki kerakli ishni qilishga to'g'ri kela-di. Maktab o'quvchisi o'zi uchun yangi bo'lgan jamoaga qo'shiladi. Bu jamoada u butun 10 yil davomida yashaydi, taraqqiy etadi va katta odam bo'lib yetishadi. Sinf jamoasi bo'lsa – shunchaki tengqurlar guruhi emas. Jamoa o'z a'zosidan jamoa manfaatlari bilan yashay olishni, shaxsiy xohishlarini umumiy intilishlar-ga bo'ysundirishni talab qiladi hamda o'zaro talabchanlikni, o'zaro yordamlashishni, jamoa javobgarlikni, yuksak darajadagi tashkilotchilik va intizomlilikni talab qiladi. Kichik maktab yoshidagi o'quvchi boshlan-g'ich maktabda bilimlarni o'zlashtirish uchun kuzatuvchanlik, ixtiyoriy esda olib qolish, tashkiliy diqqat, analiz qilish, umumlashtirish va mulohaza yurita bilishning nisbatan yuksak taraqqiyot darajasiga ega bo'lishi kerak.

Har qanday ishining muvaffaqiyati ko'p jihatdan motivlarga bog'liq bo'lib, odam ana shu motivlar yordamida ish bilan shug'ullanadi. O'qish motivlari har xil bo'ladi. Kichik maktab yoshidagi o'quvchilar o'zlarini bo'lajak mehnat faoliyatiga tayyorlashida motivlarga kamroq amal qiladilar. Bola hali motiv haqida o'ylab ko'rishdan ancha uzoqda. Kichik maktab yoshidagi bola o'z bilim doirasini kengaytirish, foydali bilimlar olish, shuningdak, jamiyat oldidagi o'z burchini bajarish haqida ham uncha bosh qotirmaydi. Barcha mana shu motivlar unda ikkinchi darajali narsaga aylanadi. Ammo, yuqorida aytib o'tganidek, uning o'zi nima qilayotgan va maktabda bilib olayotgan narsaga bevosita qiziqishi, shuningdek, o'qituvchi, ota-onalar talablarini bajarishga intilishi, maqtov eshitishi, qilgan ishining ma'qul topilishi, yaxshi baholar olishi va hakozolar o'qishga nisbatan qiziqish uyg'otishning eng muhim vositalariga aylanib qoladi.

O'qituvchining kichik maktab yoshidagi bolalarga tarbiyaviy ta'sir ko'rsatish imkoniyati juda katta, chunki o'qituvchi dastlabki paytdan boshlab birinchi sinf o'quvchilari uchun shak-shubhasiz obro'li kishi bo'lib taniladi, o'quvchilar nazarida u o'ylab ish tutadigan aqlli rahbar, sezgir va mehribon murabbiy sifatida gavdalanadi. O'qituvchi siymosida bolalar o'zlari orziqib intilgan va o'z hayotlarida juda ko'p o'zgarishlar vujudga keltiradigan maktabni ko'radilar. O'qituvchining obro'si oldida ota-onalar, oiladagi katta odamlarning obro'lari kuchsiz bo'lib qoladi. Kichik maktab yoshidagi o'quvchilar o'qituvchi harakatlarining to'g'riligiga hech qanday shubha qilmaydilar, o'qituvchining harakatlarini muhokama qilishga yo'l qo'ymaydilar. **Tarbiyalashdan maqsad bolani ko'r-ko'rona bo'ysunuvchi emas, balki ongli intizomli kishi qilishdir.**

O'qituvchining o'quvchilar bilan mazmunli suhbatlar o'tkazishi, ularni g'aroyibotlar olamiga olib kirishi, faollik sari yetaklashi alohida ahamiyat kasb etadi. Kichik maktab yoshidagi o'quvchilarning axloqiy sifatlarini rivojlantirishda ko'zlangan maqsadga erishish uchun ularning yoshi va psixologik xususiyatlarini hisobga olish shart.

Garchi kichik maktab yoshidagi davr shaxsning taraqqiyotida hal qiluvchi siljishlar davri bo'lmasa-da, bu davrda shaxsning tarkib topishi yetarli darajada sezilarli yuz beradi. Yuqorida qayd qilib o'tilganidek, maktabga kirish bolaning hayotida burilish momenti hisoblanadi. Kattalar (o'qituvchilar) va tengdoshlari (sinfdoshlari) bilan yangi munosabatlar maydonga keladi. O'quvchi oldiga bir qator jiddiy talablarni qo'yadigan o'qishga – yangi faoliyat turiga qo'shilish o'quvchini o'z hayotini qat'iy tarzda tashkil qilishga, qonun-qoida va tartibga bo'ysunishga majbur qiladi. Bularning barchasi tevarak-atrofdagi voqelikka, boshqa kishilarga, jamoaga, ta'limga va uning bilan bog'liq bo'lgan majburiyatlarga nisbatan yangicha munosabatlar tizimini tarkib topshirishga va mustahkamlashga qat'iy ravishda ta'sir qiladi, xarakterni, irodani tarkib toptiradi, qiziqishlar doirasini kengaytiradi, qobiliyatlar taraqqiyotini belgilaydi.

Kichik maktab yoshidagi o'quvchilarning muhim xususiyatlaridan yana bittasi – bu o'qituvchi shaxsiga nisbatan ishonch hissi va yuksak obro' tuyg'usining mavjudligi. Shuning uchun o'qituvchi bolaga tarbiyaviy, ta'limiy ta'sir ko'rsatish imkoniyati shunday kattaki, uning siymosida aql idrok, ziyrak, sezgir, mehribon, hatto donishmand inson gavdalanadi. O'qituvchi siymosida o'quvchilar ezgu niyati, orzu istagi, istiqboli, ajoyib va g'aroyib his-tuyg'ularini ro'yobga chiqaruvchi kamolot cho'qqisidagi shaxsni tasavvur qiladilar.

Ta’lim jarayonida o’qituvchi obro’sidan oqilona foydalanib, o’quvchida uyushqoqlik, mehnatsevarlik, o’qishga nisbatan ijobiy munosabat, diqqatni boshqarish, xulqni iroda qilish, o’z-o’zini qo’lga olish, o’z-o’ziga tasalli berish fazilatlarini shakllantirish va intilish, faollik tuyg’ularini vujudga keltirish ta’lim jarayonida yuqori samara beradi.

Xulosa sifatida quyidagilarni keltirib o’tish maqsadga muvofiq deb o’ylaymiz: o’quvchilarda intizomlilikni tarbiyalashda sinf rahbarining o’zi yuksak insoniy sifatlarga ega bo’lishi nazarda tutiladi. Ma’lumki, boshlang’ich sinf o’quvchilarining axloq-odobi, intizomi bilan oila, mahalla, ta’lim muassasalari, ommaviy axborot vositalari, ilmiy-pedagogik kadrlar shug’ullanadilar. Tarbiya jarayonida barcha ishtirokchilarning hamjihatlik bilan olib boradigan ishlarigina o’zining ijobiy natijalarini berishi mumkin.

Adabiyotlar

1. Do’stmuhammedova Z.T., To’laganova Sh.T. Pedagogik psixologiya. – Toshkent, 2011.
2. G’oziyev E., Jabborov A. Faoliyat va xulq – atvor motivatsiyasi. – Toshkent, 2003.

ANIQ VA TABIIY FANLAR



Ҳамза АРТИКОВ
Навоий давлат педагогика институти
физика ва астрономия ўқитиш методикаси
кафедраси ўқитувчиси

БЎЛАЖАК ФИЗИК МУТАХАССИСЛАРНИ ЎҚИТИШДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Мақолада физика фанини ўқитишда компетентли ёндашув имкониятларидан фойдаланиш услубиёти ёритилган бўлиб, компетентли ёндашув, калит ва предмет компетентцияларининг ўзаро боғлиқлиги таҳлил этилган.

Таянч тушунчалар: *компетентлик, компетентция, компетентли ёндашув, ўқитувчи, калит, технология, жамият, шакллантириш.*

В статье излагаются преимущества грамотного подхода к преподаванию физики, а также проанализирована взаимосвязь между конкурентоспособностью ключевых и приоритетных компетенций.

Опорные понятия: *компетенция, компетентность, компетентный подход, учитель, ключ, технология, общество, образование*

The article outlines the advantages of a competent approach to teaching physics, and also analyzes the relationship between the competitiveness of key and priority competencies.

Supporting concepts: *competence, competent approach, teacher, key, technology, society, education.*

Олий ўқув юртларида ташкил этиладиган таълим жараёни самарадорлигини ошириш омилларини аниқлаш ва амалиётга жорий этиш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан бири саналади. Таълим соҳасида амалга оширилаётган кенг қамровли тадқиқотларнинг самарадорлиги ўқитиш жараёнида таълим мазмуни, ўқитиш методлари ва воситалари уйғунлиги муаммосини олий ўқув юртида ўқитиладиган фаннинг ўз хусусиятидан келиб чиққан ҳолда хусусий методик даражада ўрганиш ва самарадорликни ошириш омилларини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга.

Физика ўқитиш методикаси бўйича талабалар томонидан ДТС билан меъёрланган билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштиришда фан ва техника ривожи натижасида такомиллаштирилган ўқитиш воситалари, педагогик технологияларни қўллаш, мазкур жараёнда таълим мазмунининг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олган ҳолда физик экспериментнинг тутган ўрни ва уларнинг дидактик функцияларини аниқлаш ўз ечимини кутаётган долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Маълумки, физикани ўқитишда анъанавий ўқитиш воситаларидан фойдаланилганда талабалар томонидан билимларни ўзлаштириш босқичларидан абстракт ҳолда мушоҳада юритиш босқичини амалга ошириш жуда қийинчилик билан амалга ошади. Барча табиий фанлар каби физика ҳам микро, ҳам макро, мего оламдаги физик жараёнларни ўрганади. Шу боис, микрооламда юз берадиган кўз илғамас жараёнларни компьютер воситасида моделлаштириш, улар устида экспериментал тажрибалар ўтказиш талабаларнинг назарий билимларини мустаҳкамлаш ва билимларни ўзлаштириш босқичларини тўлиқ амалга ошириш имконини беради. Шу жиҳатдан физикани ўқитишда ўрганиладиган мавзу мазмунидан келиб чиққан ҳолда экспериментал тажрибаларни моделлаштириш ва таълим жараёнида фойдаланиш имконини берадиган кўргазмали мажмуалар яратиш зарурати вужудга келди.

Физикани ўқитиш жараёнида назарий масалаларни физик экспериментлар воситасида ёритиш, бу жараёнда физик экспериментларнинг барча функцияларидан фойдаланган ҳолда талабаларнинг би-

лиш фаолиятини фаоллаштириш нуқтаи назаридан педагогик технологиялардан фойдаланиш ўқитиш самарадорлигини оширишга замин яратади.

Бўлажак физик ўқитувчиларнинг методик билим, кўникма, малака ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар қўйидаги тизимда ўз аксини топган:



Бўлажак физик ўқитувчини касбий компетенциясини шакллантиришда уларнинг билим даражасини оширишда мустақил ишлари ва таълимини ташкил этиш, уларни илмий-тадқиқотларга йўналтириш, замонавий физиканинг, энг сўнгги ютуқларини билиш ва ўз фаолиятида улардан фойдалана билиш, мутахассисларни ўз педагогик фаолиятини таҳлил қилишга ўргатиш, таҳлилий–танқидий, ижодий ва мустақил фикр юритиш кўникмаларини ривожлантириш, физика ўқитишнинг услубияти ва назариясини, амалий масалаларини ўзлаштириш, физика машғулотларига қўйиладиган талаблар, физикадан ташкил этиладиган маъруза, эксперементларнинг типлари ва турларини билиши, физика ўқитувчисининг касбий ва илмий-методик тайёргарлигининг таркибий қисмлари ҳақида билимларга эга бўлиши, физика таълим мазмуни, воситалари, методлари ва шаклларининг узвийлиги, таълимнинг узвийлиги ва изчиллигини таъминлаш муаммоларини англаши, педагогик олий таълим муассасаларида физика ўқитиш олдидаги долзарб муаммолар ва уларни ҳал этиш йўлларини билиши, физикани ўқитишга тизимли ёндашув, машғулотлар ва аудиториядан ташқари машғулотларни ташкил этиш ва ўтказиш йўлларини билиши ҳамда физика ўқитиш бўйича маъруза, амалий ва семинар машғулотларида талабаларнинг билиш фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш кўникма ва малакаларини эгаллаши зарурдир.

Мураккаб, машаққатли, кутилмаган ҳолатларга бой, аммо жамиятнинг зарурий эҳтиёжи ҳисобланган таълим-тарбия тизимини янгича кўриниш ва янгича мазмунда амалга ошириш, дарс жараёнида инновацион педагогик ва ахборот технологияларни самарали қўллаш орқали таълим самарадорлигига эришиш давр талабидир. Бўлажак физик ўқитувчисини ўз ҳаётида шахсий, ижтимоий, иқтисодий ва касбий муносабатларга киришиши, жамиятда ўз ўрнини эгаллаши, дуч келадиган муаммоларнинг ечимини ҳал этиши, энг муҳими ўз соҳаси, касби бўйича рақобатбардош бўлишини таъминлашда бўлажак педагог кадрлар салоҳияти ҳал қилувчи омил ҳисобланади. Демак, жамиятдаги барча янгиланишларни уйғунлаштириш учун шахсий етуклик билан бирга касбий компетентлик муҳим аҳамият касб этади.

1. Мавжуд физика фани хоналари, ўқув лаборатория асбоб-ускуналар, жиҳозлар ва компьютер техникасидан, умуман олганда, барча шарт-шароитлардан самарали фойдаланишга.

2. Сифатли таълим-тарбия жараёнини ташкил этишда, олий таълим муассасалари, малака ошириш институтлари ва умумтаълим мактаблари ҳамкорлигида илғор иш тажрибаларини амалиётга жорий этишга.

Замонавий ўқитувчи ўзининг билим, кўникма ва малакаларини амалиётда, яъни таълим-тарбия жараёнини сифатли ташкил этишда самарали қўллай олиши – касбий компетентлигининг энг асосий компонентидир. Жумладан:

– дунё ва мамлакатда таълим тараққиёти босқичларини билиши, халқ таълими тизимида ўқув-тарбия жараёни мазмунини таъминлашга, узвийлик ва узлуксизлигига амал қилиш;

– компьютер, ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланиш ва педагогик фаолиятида қўллай олиш кўникмаларига эга бўлиш;

– ўқувчиларнинг руҳий, жисмоний ривожланиши ва ёш хусусиятлари қонуниятларини билиши, таълим-тарбияда педагогик-психологик ёндашувга асосланиш;

– ўқув-тарбия жараёнини сифатли ташкил этишда дарснинг аниқ босқичи учун самарали замонавий педагогик ва ахборот технологиялари ҳамда методларни тўғри танлаш ва қўллай олиш кўникмасига эга бўлиш;

– ўқув-тарбия ва дарсдан ташқари машғулотлар жараёнида болалар ҳаёти ва соғлиги, техник ҳамда ахборот хавфсизлигини таъминлашга тайёр бўлиш;

– дарс жараёнида медиа ресурслар ва электрон тармоқ имкониятларидан самарали фойдаланиш ҳамда медиа хавфсизлик меъёрларига амал қилиш.

Бўлажак физик ўқитувчисини ахборот билан ишлаш компетенциясини шакллантиришда қуйидагиларни инобатга олган ҳолда ривожлантириш мақсадга мувофиқ:

– ўқувчиларда ахборот технологияларининг ҳаёт ва жамиятдаги роли, имкониятлари ва қўллаш доираси, шунингдек, унинг салбий оқибатлари ва улардан ҳимояланиш ҳақидаги тушунчаларни шакллантириш;

– таълим олиш ва шахс сифатида ривожланиш жараёнида электрон ресурслар, ўқув дастурлари ва бошқа ўқув-методик маҳсулотларнинг афзалликларини англаш ва қўллашни ўргатиш;

– масофадан маълумот алмашиш локал ва глобал тармоқда маълумот қидиришни ва бу жараёнда юзага келиши мумкин бўлган хавф-хатардан сақланиш ҳамда медиа маданият қоидаларига риоя қилиш.

Таълим тизимида бўлажак физик ўқитувчилар компетентлигини шакллантиришда АКТлардан ва такомиллаштирилган физик дастурлардан фойдаланилса, ўқитиш сифати янада ошиб, таълим самарадорлиги таъминланган бўлади.

Адабиётлар

1. Иноятова М. ва бошқалар. Бошланғич таълим сифатини оширишда замонавий педагогик ва ахборот технологияларни қўллаш. – Тошкент, ЎзРПФИТИ нашриёти, 2014.

2. Кучукбаев Ф.М. ва бошқалар. Телекоммуникация тизимининг глобаллашуви шароитида болалар ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича ота-оналар учун тавсия. – Тошкент, ЎПФИТИ нашриёти, 2014.

3. Андриянова В. И. Стратегия формирования у обучаемых способностей и самовыражения и самореализации. – Ташкент: “Fan va texnologiya”, 2014.



Xolida TAJIBOYEVA
Nizomiy nomidagi Toshkent davlat pedagogika universiteti



Shoira USMANOVA
Nizomiy nomidagi Toshkent davlat pedagogika universiteti

KUNDALIK TURMUSHDA FIZIK HODISALARNING AHAMIYATI VA ULARNI HIS QILISHDA NAMOYISH TAJRIBALARNING O'RNI

Maqolada kundalik turmushda fizik hodisalarning ahamiyati va ularni his qilishda namoyish tajribalarning o'rni ochib berilgan.

Tayanch tushunchalar: *fizik hodisalar, o'quv tajribasi, tebranishlar, to'lqinlar, akustika.*

В предлагаемой статье освящены физические процессы в повседневной жизни, значение демонстрационных опытов в объяснении этих процессов.

Опорные понятия: *физические процессы, учебный опыт, колебания, волны, акустика.*

The significance of physical phenomena in everyday life and the role of demonstrative experiments in their perception are revealed in the paper.

Supporting concepts: *physical phenomena, educational experiment, oscillations, waves, acoustics.*

Jamiyatda yuz berayotgan yangilanishlarning tezkorligi, ta'lim muassasalariga qo'yilayotgan yangi, yanada yuqori talablarga tezroq moslashish bilan bog'liq dolzarb vazifalarni ilgari surmoqda. Mamlakatimizda ta'lim sohasida erishilayotgan qator ijobiy o'zgarishlarga mos ravishda ta'lim sifati va samaradorligi rivojlanishi dinamikasini yanada jadallashtirish, bunda yaratilgan shart-sharoitlar hamda imkoniyatlardan unumli foydalanish bugungi kunda muhim masala hisoblanadi. Shu bois, fizika nisbatan o'zlashtirilishi qiyin fan bo'lgani uchun uni o'qitishga alohida e'tibor qaratishimiz lozim. Fizika nazariy va amaliy jihatdan o'qitilishini nazarga olsak, amaliy jihati bevosita namoyish tajriba hisoblanadi va u o'quvchilarni ma'lum bir kasbga yo'naltirishda muhim o'ringa ega. Namoyish tajriba o'z ichiga chuqur ma'lumotlarni qamrab olgan manba hisoblanib, fanni o'zlashtirishga xizmat qiladi. Fizik tajribalar insonni fikriy faoliyatini to'g'ri tomonga yo'naltiradi. Tadqiqiotlar va manbalar tahlili shuni ko'rsatadiki, fizikaning ba'zi bo'limlari bo'yicha ilmiy tadqiqotlar qilinganiga qaramay bu bo'limlar nisbatan murakkab. Jumladan: "Atom va yadro", "Elektromagnitizm", "Kvant fizikasi" o'quvchilarning nazariyadan olgan bilimlarini amaliyotda qo'llay bilish ko'nikmalarida biroz yetarli emasdek.

Yuqoridagi muammolarni nisbatan bartaraf etishda namoyish tajribasidan foydalanish oquvchilarni yo'naltiruvchi vosita sifatida foydalanish imkonini beradi.

1. Tinglovchi e'tiborini o'rganilayotgan mavzuga yo'naltiradi, yangi mazmunga qaratadi.
2. Uning yuqori ruhiy pedagogik xususiyati berilayotgan axborotni xotirada saqlashni kuchaytiradi.
3. O'qituvchiga uzatilayotgan axborotning eng muhim o'rinlarini ochib berish imkonini beradi.
4. Oldindan o'zlashtirilgan nazariy tushunchalarni, izchilligini oshiradi.
5. Yangi axborotni izlashga yo'naltiradi.
6. Mavzu bayonini tartiblashda, bilim darajasini baholashda hamda o'zini-o'zi baholashda qo'llash mumkin. Quyida biz fizika o'qitish jarayonida namoyish tajribalari va ularning imkoniyatlari haqida bir necha mavzular misolida ko'rib o'tamiz. Masalan: biz kundalik turmushda har kuni almashinayotgan ma'lumot-larning ko'pchiligi eshitish va ko'rish sezgi a'zolari orqali bizga yetib keladi. Ikkala holda ham

biz jismlarga tegmagan holda ma'lumotlarni qabul qilamiz. Bizga yetib kelgan ma'lumotlar birinchi navbatda tovush va so'ngra yorug'lik orqali yetib keladi. Bu ikki holatni ham fizik hodisa ekanini va u fizika fanining "Akustika" va "Yorug'lik hodisalari" bo'limi orqali tushuntirilishi insonlarni hech ham xayoliga kelmagan. Mana shu jarayonning o'zi ham namoyish tajriba ekanini insonlar o'ylab ko'rmaganlar. Tovush va yorug'lik turli xil hodisa bo'lishiga qaramasdan, ikkalasi ham to'lqin hisoblanadi, ular hayotimizni eng katta bo'lagiga aylanishga ulgurganini his qilishimiz uchun fizika o'qituvchisi mavzuni tushuntirish jarayonida eslatishi lozim.

Tovush bu muhit zarrachalarining tebranishi natijasida yuzaga keladigan to'lqin hisoblanadi. Masalan: bo'rining uvillashi yoki odamlarning vokal ovozi chiqqanda ular vibratsion harakatga aylanadi va ularni o'rab turgan havo molekulalarini ovozni taqib qilishga undaydi. Tebranayotgan molekulalar esa tebranma harakatga sabab bo'layotgan molekulalarga uzatadi. Qachonki, havo tebranmalari quloqqa yetib borganda ular quloq nog'orasini tebranishiga sabab bo'ladi; bu esa miyadagi nerv impulslarini ishlab chiqaradi.

Har qanday holda ham tovush o'tkazilishi mumkin, ammo chiqaruvchi va qabul qiluvchi o'rtasida tovushni uzatish uchun vositachi bo'lishi kerak. Bunga mashhur bankani jiringlatish tajribasini misol keltirishimiz mumkin. Qachonki, u jiringlatilganda tovush aniq eshitarli bo'ladi. Qachonki, banka ichidan havo chiqarib tashlanganda jiringlagan tovush kamayadi va oxirida umuman eshitilmay qoladi. Bu tajriba tebranish va to'lqinlar mavzusini orgatayotgan jarayonda qo'l keladi. Buning uchun havo qalpog'i, nasos va ovoz chiqaruvchi biror asbob (telefon, budilnik…) bo'lishi talab qilinadi. Nasosni havo qalpog'iga ulab havo qalpog'ini ichiga talefonni ovozini baland qilib joylaymiz va nasos yordamida havo qalpog'idan havo so'rib olinadi. Havo kamayib borgan sari ovoz pasayib boradi, hattoki batamom eshitilmay qoladi. Muammoli savol tug'iladi. Nima uchun ovoz eshitilmay qoldi? Bu holat har qanday odamni jalb qiladi.

Yuqqoridagi holatni tushuntirish uchun fizikaning tovush hodisalariga murojaat qilamiz. Bu bo'lim "Akustika" deb ataladi. Bu bo'lim bizga insonlar qanday qilib bir-biri bilan muloqot qilishlarini fizikasini ochib beradi. Insonlar qanday qilib ovozlarni qabul qilishlari tahlil qilinadi. Inson qachon tovushni eshitadi?

Quyidagi to'rtta shart bajarilganda inson tovushni eshitadi:

- tovush manbai mavjud bo'lishi;
- tovush manbai va quloq orasida elastik muhitning bo'lishi;
- tovush manbaining tebranish chastotasi 20 Gs bilan 20 kGs orasida bo'lishi;
- tovush to'lqinlarining quvvati eshitish organida tovush sezgisini hosil qilishga yetarli bo'lishi kerak.

Bizning tajribada yuqorida keltirilgan shartlardan biri kuzatilmayapti. Har qanday holda ham tovush o'tkazilishi mumkin, ammo chiqaruvchi va qabul qiluvchi o'rtasida tovushni uzatish uchun vositachi bo'lishi kerak. Qachonki, u jiringlatilganda tovush aniq eshitarli bo'ladi. Qachonki, havo qalpog'i ichidan havo chiqarib tashlanganda jiringlagan tovush kamayadi va oxirida umuman eshitilmay qoladi. Bu hodisani tibbiyot va fizika hamkorlikda tushuntirsa yanada maqsadga muvofiq bo'ladi.

Quloqning eshitish sezgisi, quloqdagi nervlarning tovush to'lqini variatsiyasiga javobi natijasida yuzaga keladi. Bu quloqdagi nervlar bosimga javob qaytaruvchi yagona nervi emas, balki quloq terisidagi ko'plab nervlar ham bosimga ta'sirchan hisoblanadi.

Bizga tovush hodisalarining barcha xususiyatlarini to'lqin xossalaridan foydalanib o'rganish qulaylik tug'diradi:

- tovush to'lqinlari superpozitsiya prinsipiga bo'ysunadi. Tovush to'lqinlari o'zaro bir-biri bilan to'qnashganda ham o'z tebranish yo'lida davom etadi va biz bir tovushni boshqasidan farqlab eshitishimiz mumkin, har ikkala tovush ham qulog'imizga sinxron tovush bo'lib kiradi.
- aloqa vositalari tovush bilan harakatlanmaydi. Muntazam baland tovush chiqaradigan qurilmalarning musiqani ajarata olish qobiliyati tufayli biz juda ham past shabada tovushlarini sezmaymiz.

Yuqoridagilardan ko'rinib turibdiki, keltirilgan kundalik turmushda fizik hodisalarning ahamiyati va ularni his qilishda namoyish tajribalarning o'rni beqiyosdir, chunki biz har bir qadamimizda ularni uchratamiz va ulardan foydalanamiz. Ularsiz hayotimizni tasavvur qila olmaymiz. O'qituvchi esa, fanni tushuntirish jarayonida ulardan unumli foydalaninshi, mavzuni yanada tez va tushunarli o'zlashtirilishiga sabab bo'ladi. Zamonaviy o'qituvchiga qo'yilgan talab ham shuni taqozo etmoqda.

Zamonaviy ta'limni tashkil etishga qo'yiladigan talablardan biri bu qisqa vaqt davomida yuqori natijalarga erishish bo'lib, bunda ta'lim oluvchi va ta'lim beruvchi faoliyatida ortiqcha ruhiy hamda jismoniy zo'riqish kuzatilmasligi lozim. Ana shu qisqa vaqt davomida nazariy bilimlar o'quvchiga yetkazib berilishi muayyan ko'nikma va malakalarni shakllantirish, jarayon davomida faoliyatni nazorat qilish, o'quvchilar

egallagan nazariy va amaliy bilimlar darajasini baholash o‘qituvchidan yuksak mahoratni – ta’lim jarayoniga yangicha yondashuvni talab qiladi.

Fizika ta’limi mazmunini takomillashtirish uchun, avvalo, o’quvchilarning mashg’ulotlarda erkin va mustaqil fikrlashlari, mantiqiy mushohada qilishlari, faollik va ijodkorlik kabi qobiliyatlarini rivojlantirish, nazariy bilim, amaliy ko‘nikma va malakalarini shakllantirish zarur.

Adabiyotlar

1. Mirzaahmedov B. va b. Fizika o‘qitish metodikasi. I qism. Toshkent: “O‘qituvchi”, 2010. – 190 bet.
2. Azizxo‘jayeva N.N. Pedagogik texnologiyalar va pedagogik mahorat. – Toshkent. O‘zbekiston Yozuvchilar uyushmasi Adabiyot jamg‘armasi nashriyoti, 2006. – 160 b.



Эхтиёр АТОЕВ
доцент кафедры естественных наук
Бухарского инженерно-технологического института,
кандидат педагогических наук



Хаким ГАЙБУЛЛАЕВ
старший преподаватель кафедры естественных наук
Бухарского инженерно-технологического института

МЕТОДИКА ОПРЕДЕЛЕНИЯ КОЛИЧЕСТВА ТЕСТОВЫХ ЗАДАНИЙ В СУБТЕСТЕ

Мазкур мақолада талабалар билим даражасини аниқлашда қўлланиладиган субтестлардаги тест топшириқлари сонини белгилаш масалалари келтирилади.

Таянч тушунчалар: *субтест, дидактик тест, индикатор, эмпирик индикатор, қийинлик даражаси, ишончлилик, солиштирма оғирлик.*

В данной статье обсуждается методика определения количества тестовых заданий в субтестах, используемые при определении уровня знаний тестируемых.

Опорные понятия: *субтест, дидактический тест, понятийный индикатор, эмпирический индикатор, степень трудности, надежность, удельный вес,*

In given article is discussed methods of the determination amount test tasks in sub test, used at determination of the level of the knowledges testable

Supporting concepts: *subtest, didactic test, notional indicator, empirical indicator, degree to difficulties, reliability, specific gravity.*

Современный дидактический подход предполагает, с одной стороны, дополнение тестов другими методами контроля в тех случаях, когда другие методы оказываются более диагностичными и экономичными (с точки зрение затрат времени и средств на их реализацию).

С другой стороны, сами тесты должны органично вписываться в структуру педагогического процесса и строиться таким образом, чтобы на их основе повышалось качество контроля, облегчался труд педагога и саморегуляция учебной деятельности обследуемых. оптимальный дидактический тест – это тест, "включенный в структуру диагностико – коррекционной программы" и построенный в расчете на стимулирование саморегуляции учащимися своей учебной деятельности.

В современной педагогической диагностике доминирующим подходом становится не создание отдельных тестов или их батарей, а разработки контролирующе-корректирующих диагностических программ (в том числе компьютерных). Составители таких программ должны стремиться к тому , чтобы тестирование позволяло не только определить правильность ответов студентов на тестовые задания, но и выявить ПРИЧИНЫ ошибочных ответов. Затем, возвратив обучаемого к диагностируемому учебному материалу, ликвидировать выявленные пробелы в их подготовке.

При существующей системе преподавания химических дисциплин, преподаватель тратит значительную часть учебного времени на опрос студентов с целью выявления их степени готовности к выполнению лабораторно – практических занятий. Поэтому разработка контролирующе-тестирующих программ (КТП), позволяющих за считанные минуты проводить текущий контроль знаний студента и определить возможность его допуска к выполнению лабораторно-практических работ, является важным компонентом дидактических систем, ориентированных на использование ПЭВМ в учебном процессе..

Методически разработанные особенности КТП позволяют использовать дидактические возможности ПЭВМ в формировании мотивации обучения (приобретение знаний и навыков работы на пер-

сональных компьютерах, аттестация и самоаттестация, моделирование ситуационных задач в разрезе будущей профессиональной деятельности и т.п.), повышение частотности и качества обратной связи с обучаемым, регистрировать динамику обучения и выработать соответствующие коррекционные меры педагогического воздействия.

Контролирующим и измерительным инструментом в подобных программах являются предметные дидактические тесты различного уровня сложности, типа (нормативные, критериально-ориентировочные, успешности или "достижения", комбинированные и др.), формы (открытые, закрытые, с подстановкой ответа, соответствия множеств, с недостаточной или избыточной информацией) и назначения (входной, текущий, рубежный и итоговый контроль).

Более совершенным в методическом плане является разработка группы Щербакова В.В. из того же института: "Обучающая программа по неорганической химии – БОР "и" Окислительно-восстановительные реакции в курсе неорганической химии", в которых имеются блоки контроля знаний и глубины усвоения учебного материала [1].

Как отмечают ведущие теоретики педагогической психологии эффективность компьютерного и компьютеризованного обучения в настоящее время характеризуется деятельностным подходом к познавательной деятельности личности обучаемых.

В технологии разработки и конструировании дидактических тестов (субтестов) важное место занимает определение необходимого минимума тестовых высказываний [2].

Теоретически планируемое число тестовых высказываний (тест-заданий) в социологических тестах определяется произведением количества понятийных (K) и эмпирических (n) индикаторов, раскрывающие сущность основного понятия, т.е. **N = K * n**. При этом значения этих величин меняются в интервале: **K** = 2 – 6 и **n** = 8 -10.

Предлагаем определить количество тестовых заданий в зависимости от их назначения, удельного веса (значимости) темы (для субтеста) в учебном курсе и формы их предъявления, т.е. допускать широкий диапазон от 10 до 150.

При оценки обучаемости студентов считается достаточным 10 заданий для самоконтроля (тест I уровня) и 10 заданий, отличающиеся степенью сложности для тестов II уровня ("открытого типа") количеством операций.

Более подробно данный вопрос рассмотрен Фарберманом Б.Л. [4], который предлагает при определении количество заданий исходить от объема учебных часов, целей диагностирования, уровня усвоения дидактического материала. Причем, он считает целесообразным увеличить количество заданий в 2–3 раза больше их запланированного числа, объясняя это необходимостью иметь несколько параллельные формы теста по одной и той же учебной дисциплине.

Как показывает опыт работы по разработки и апробации дидактических тестов для многоэтапного контроля знаний студентов по химическим дисциплинам, оптимальное число тест-заданий целесообразно определить в виде произведения эмпирических величин:

$$\mathbf{N = n * m * УЭ}$$

где, **УЭ** – учебные элементы, выступающие в качестве понятийных индикаторов и **m** – поправочный коэффициент, характеризующий их удельный вес (значимость) относительно изучаемой темы, и следовательно, в этом случае **K = m * УЭ.**

Необходимость введения величины m – диктуется тем, что в дидактической тестологии пока еще отсутствуют методы количественной оценки значимости понятийного индикатора, да и само понятие "учебный элемент" несет различные смысловые нагрузки. Например, Беспалько В.П. в качестве учебного элемента предлагает принимать законы, категории, и основные понятия учебного курса [2].

На наш взгляд, желательно оценить значимость каждого учебного элемента, т.к. нельзя воспринимать равнозначными, например, основной закон светопоглощения и толщину поглощающего слоя (**L**), хотя сама по себе величина **L** имеет весьма важную практическую и теоретическую значимость.

Поэтому, нами предложен весовой коэффициент (**m**), учитывающий удельный вес данного учебного элемента в изучаемой теме. Введение **m** – позволяет дифференцировать учебные элементы по их значимости, оценить их % -ный удельный вес и более точно определить количество тестовых высказываний, необходимые для полного раскрытия сущности понятийного индикатора. **m** – определяется в виде множителя, численно равного количеству терминов, параметров или понятий, которые входят в конструкцию (логическую структуру) понятийного индикатора.

При отборе тестовых заданий, по нашему мнению, необходимо учитывать:

- содержательную валидность;
- логическую структуру и формы предъявления заданий, допускающих компьютерную обработку ответов тестируемых;
- качество тестовых заданий по нескольким параметрам.

Первые два пункта требований, как было показано выше, выполняются, т.к. использованные в **РК1** тестовые задания были отредактированы, подвергнуты предварительной экспертизе, одобрены методической комиссией и утверждены на заседании кафедры.

Последний пункт требований является решаюшим при окончательной отборке заданий, т.к. уже имеются определенные результаты их апробации в учебном процессе, получены результаты по отдельным качественным параметрам теста.

Разработанная нами методика отбора тестовых заданий основана на дифференцировании нормативных характеристик по их значимости для оценки диагностичности заданий.

При конструировании дидактических предметных тестов необходимое число тестовых заданий и их представительность определяется в зависимости от содержания учебного курса, количество дидактически значимых учебных элементов и их удельного (%- ного) веса. Хотя еще определение значение весового коэффициента (**m**) остается уделом опытных педагогов, использующие при экспертизе метод групповых экспертных оценок.

В пользу экспертного подхода высказывается и Аванесов В.С., один из ведущих тестологов СНГ, "только опытный педагог может сказать, можно ли посредством того или иного набора вопросов (заданий) валидно проверить знание учащихся" [2].

Большинство тестологи считают, что чем больше тестовых высказываний, скоррелированных по степени трудности, тем выше надежность теста. Большинство тестологи [3,5,6] отмечают, что опытные разработчики тестов школьной успеваемости создают 50% или 100% (т.е. 1,5–2 раз) больше тест-заданий, чем требуется в окончательной форме теста.

На определение количество заданий могут влиять следующие факторы: цели и задачи диагностирования, назначение тестов (входной, текущий, рубежный или итоговый контроль), тип и уровень сложности, их направленность (теоретические вопросы, лабораторные или семинарские занятия, расчетные задачи или моделирование производственных ситуаций, задачи, **СРС**, и др.), процедура тестирования (компьютерные, компьютеризованные, бланковые), гетерогенность и гомогенность теста, программно-методическое и техническое обеспечение процедуры тестирования и способы обработки полученных результатов.

В гетерогенном тесте, состоящим из нескольких гомогенных тестов (субтестов) число заданий увеличивается в кратном размере, но их должно быть не менее 20 в гетерогенных и 10 в гомогенных тестах.

Как свидетельствует накопленный опыт апробации дидактических тестов, оптимальное количество заданий в субтесте должно быть в пределах 25–40. Использование функции **RND** при автоматическом режиме подготовки информационных файлов **УБД** позволяет варьировать количеством заданий в достаточно широком диапазоне.

Оптимальное количество тест-заданий в контрольном варианте должен уточняться по мере апробации и стандартизации теста при соблюдении главного условия – **не уменьшить валидность** и **надежность** предметного дидактического теста.

Литература

1. Информационно-аналит. сборник НИИВО. / Высшая школа России: Науч. иссл.и передовой опыт. – М., 2009. – 55 с.

2. Беспалько В.П. Слагаемые педагогической технологии. – М: Педагогика, 1989. – 192 с.

3. Ингенкамп К.Х. Педагогическая диагностика./ Пер. с нем. Н.М. Рассказовой. – М.: Педагогика, 1991. – 240 с.

4. Фарберман Б.Л., Асомов Д.К. Педагогик тестлар ва талабалар билимини назорат килиш ва баҳолашнинг рейтинг системаси. – Т.: РУМЦ, 1995. – 101 с.

5. Зияходжаев М.З., Бокиев Р.Р., Кодиров Р.Х. Тестлар тузиш ва улардан фойдаланиш. – Т., 1992. – 36 с.

6. Кувандиков О.К., Ким В.С. Методические указания по составлению тестовых заданий. – Самарканд.: СамГУ, 1992. — 47 с.



Abdimo`min KARIMOV
Navoiy davlat pedagogika institi fizika va astronomiya o`qitish metodikasi kafedrasi dotsenti, fizika-matematika fanlari nomzodi



Baxriddin IZBOSAROV
Navoiy davlat pedagogika instituti fizika va astronomiya o`qitish metodikasi kafedrasi dotsenti, fizika-matematika fanlari nomzodi



Oynisa KARIMOVA
Navoiy davlat pedagogika instituti fizika va astronomiya o`qitish metodikasi kafedrasi o'qituvchisi

ELEKTROMAGNIT VA MEXANIK TEBRANISHLARNING O'XSHASHLIGINI TUSHUNTIRISHDA INTERFAOL METODLARDAN FOYDALANISH

Ushbu maqolada energiyaning saqlanish va aylanish qonuni nuqtayi nazaridan kombinatsion (aralash) dars yordamida elektromagnit tebranishlarni o'rganishda mexanik tebranishlarning o'xshashligidan foydalanib, darsning didaktik maqsadi bayon etilgan

Tayanch tushunchalar: *koordinata, tezlik, tezlanish, massa, prujinaning bikrligi, potensial va kinetik energiya, zaryad, tok kuchi, induktivlik, kondensator.*

В данной статье изложена цель дидактического занятия с точки зрения сохранения и превращения энергии и использование с аналогии механического колебания в изучении электромагнитного колебания с помощью комбинационного урока.

Опорные понятия: *координата, скорость, ускорение, масса, пружина, потенциальная и кинетическая энергия, заряд, сила тока, индуктивность, конденсатор.*

In this article expounded physical value of some biological and chemical phenomena by means of basic concepts and fundamental conformities to law of physics.

Supporting concepts: *quantum properties of light, mass of photon, impulse of photon, photo the showy phenomenon, actinic reaction, a photo is the sintez'sphenomenon, photon, frequency of luminescence, wavelength, electromagnetic energy, velocity of light.*

O`qitish metodikasi – bu o`qituvchi faoliyatining maqsadli yo`naltirilgan tizimli (sistemali) harakatidir. U o`quvchining pedagogik-psixologik xarakterini o`rganish va amaliy faoliyatini rivojlantirishni tashkillashtiradi. Bu esa ta`lim mazmunini o`zgartirishga yordam beradi. Ma`lumki, bir fizik tabiatli tebranish va to`lqinlarni o`rganishda ilgari o`tilgan boshqa bir fizik tabiatli tebranish va to`lqinlar bilan taqqoslash uslubiyat jihatidan ancha samarali bo`ladi. Elektromagnit hodisani chuqur tahlil qilgan ingliz fizigi J. Maksvell o`zining tadqiqot usuli sifatida fizik o`xshashlikni tanlagan. Jumladan, u fizik o`xshashlikda –"*men fanning qandaydir ikki sohasidagi qonunlarning o`zaro xususiy o`xshashligini va biri ikkinchisi uchun aks tasvirdan iboratligini tushunaman*" – deb hisobla-gan [1]. Shu maqsadda ushbu maqolada tebranish konturida elektr tebranishlar qanday paydo bo`lishi va ularni aniq tassavur qilish uchun prujinaga bog`langan sharchaning tebranishlari bilan qiyoslashimiz uchun darsning quyidagi umumiy didaktik maqsadiga e`tibor qaratamiz:

**Ta`limiy:** *elektromagnit tebranishlarni energetik nuqtayi nazaridan mexanik tebranishlarning o`xshashligidan foydalanib tushuntirish.*

Tarbiyaviy: *energiyaning saqlanish va aylanish qonuni hamda elektromagnit maydon materiyaning ayrim ko`rinishi ekanligi, dunyoning moddiyligi to`g`risida tasavvurlarni kengaytirish bilan o`quvchilarning ilmiy dunyoqarashini shakllantirish.*

Rivojlantiruvchi: *bu mavzu amaliy yo`nalishga ega bo`lganligi uchun o`quvchilarga faqat nazariy bilim beribgina qolmasdan, ularning amaliy malakalarini oshirishga yo`naltirish.*

Dars tipi: *kombinatsion (aralash) dars.*

Ta`limning usuli va yo`li: *demonstratsion tajribalar, hodisalarni taqqoslash, interfaol metoddan foydalanish.*

Dars jihozi: *tebranish konturi mavzusiga oid jihozlar, prujinaga osilgan jism, shtativ, mavzuga oid slaydlar va videoproyektor, ekran.*

Uslubiy tavsiyalar: *elektromagnit tebranishlar mavzusidagi elektr hodisalarini o'rganish ancha murakkab. Bu murakkablikni bartaraf etishda zaruriyatga qarab mexanik tebranishlarning o`xshashligini qo`llash mumkin.*

Darhaqiqat, erkin mexanik tebranishlar, prujinaga bog`langan sharchaning tebranishlari bilan tebranishlar konturidagi elektr tebranishlar o`rtasida o`xshashlik mavjud. Bu o`xshashlik davriy ravishda o`zgaruvchan kattaliklar o`zlarining tabiatiga bog`liq emas, balki kattaliklarning davriy o`zgarish jarayoniga taalluqlidir. Shuning uchun bu o`xshashlikning chegarasini oqilona, to`g`ri aniqlab qo`llash esa hodisani tasavvurlashni shakllantirishga yordam beradi. Natijada o`quvchilar mexanik tebranishlar o`xshashligini elektr tebranishlarning real jarayoni kabi juda tez qabul qiladilar. Shuning uchun bu yerda gap faqat jarayonlarning o`xshashligi to`g`risida borayapti, ammo ularning aynan emasligini tajribada ko`rsatish zarur. Aks holda o`quvchilar mexanik va elektromagnit tebranishlarni aynan bir xil deb xato tasavvurga ega bo`lishlariga yo`l qo`yilishi mumkin.

Tayanch bilim va malakani oshirish – muvozanatlik holatidan tortib, qo`yib yuborsak, yani siljitsak $x = A$, $x = -A$ bo`lsa, uning potensial energiyasi

$E_k = \frac{kx_0^2}{2} = \frac{kA^2}{2} = 0$ ko`rinishida maksimal bo`ladi. Bu holda yukning kinetik energiyasi *esa* $E_k = \frac{m\vartheta^2}{2} = 0$ bo`ladi. Chunki tebranishlar to`xtaydi, ya`ni tezlik nol bo`ladi. Yuk muvozanat vaziyatidan ($y = 0$) o`tganda $E_k = \frac{kx_0^2}{2} = \frac{kA^2}{2} = 0$ ga teng bo`ladi. Kinetik energiya esa eng katta qiymatiga erishadi. Demak, prujinaga bog`langan sharning to`la energiyasi $E_T = E_k + E_p$ dan iborat bo`ladi [2,3]. Xuddi shuningdek, bizga ma'lumki, tebranishlar konturini $q$ zaryadli, sig`imi C bo`lgan kondensatorni induktivligi $L$ bo`lgan g`altakka ulasak, u holda elektr toki hosil bo`ladi va g`altakda magnit maydoni vujudga keladi. Energiyaning saqlanish qonuniga ko`ra kondensatorda elektr energiyasi

$W_{эл} = \frac{qU}{2} = \frac{CU^2}{2} = \frac{q^2}{2C}$ kamayib boradi. Shuning hisobiga g`altakdagi magnit maydon energiyasi $W_{маг} = \frac{LI^2}{2}$ shunchalik ortib boradi.

Mexanik tebranishlarda jismning koordinatasi x va uning tezligining proyeksiyasi υ_x davriy ravishda o`zgaradi. Elektromagnit tebranishlarda esa davriy ravishda kondensatorning $q$ zaryadi va zanjirdagi $i$ tok kuchi o`zgaradi. Demak, mexanik va elektromagnit tebranishlardagi o`xshashlik kattaliklarning davriy o`zgarishlari jarayonida ekan.

Agar energiyalarga tegishli formulalarni taqqoslasak :

$E_k = \frac{m\vartheta^2}{2}$ (1) $W_{маг} = \frac{LI^2}{2}$ (2)

(1), (2) formulalardan ko`rinadiki, mexanik tebranishlarda jism massasi $m$ qanday rol o`ynasa, elektromagnit tebranishlarda induktivlik L ham shunday rol o`ynaydi. Xuddi shuningdek, formulalardagi tok kuchi $I$ ning o`xshashligi jismning tezligi υ kabi bo`ladi [4].

1-jadval

Mexanik tebranishlarni tavsiflovchi kattaliklar	Elektromagnit tebranishlarni tavsiflovchi kattaliklar
koordinata, x Tezlik, υ_x Tezlanish, $a_x = d\upsilon_x/dt$ Massa, m Prujinaning bikrligi, k Potensial energiya, $kx^2/2$ Kinetik energiya, $m\vartheta_x^2/2$	Zaryad, q Tok kuchi, i Tok kuchi tezligining o'zgarishi, di/dt Induktivlik, L Sig'im kattaligi, $1/C$ Elektr maydon energiyasi, $q^2/2C$ Magnit maydon energiyasi, $Li^2/2$

2-jadval

Tortishish maydonida tebranishlar	Elastik tebranishlar	Elektromagnit tebra-nishlar
$x = x_m \text{Sin}\ \omega_0 t$ $\upsilon = \upsilon_m \text{ Cos}\ \omega_0 t$ $\omega_0 = \sqrt{g/l}$ $T = 2\pi\sqrt{l/g}$	$x = x_m \text{Sin}\ \omega_0 t$ $\upsilon = \upsilon_m \text{ Cos}\ \omega_0 t$ $\omega_0 = \sqrt{k/m}$ $T = 2\pi\sqrt{m/k}$	$q = q_m \text{Sin}\ \omega_0 t$ $i = I_m \text{ Cos}\ \omega_0 t$ $\omega_0 = \sqrt{LC}$ $T = 2\pi\sqrt{LC}$

O'tilgan mavzuni o'zlashtirishda yaxshi natija berishi uchun darsni mustahkamlashda kubik interfaol metoddan foydalanamiz [5]. Chunki mavzu o`tilgandan so`ng o`quvchilarda biror tushuncha shakllanadi. Bu shakllangan tushunchalarni quyidagicha yozish taklif etiladi.

1. Tasvirlang.
2. Taqqoslang.
3. O`xshating.
4. Tahlil qiling.
5. Ishlating.
6. Foydali va zararli tomonlari.

Bu interfaol metodni qo`llasak o`quvchilar mavzuni taxminan quyidagicha izohlaydilar.



1.**Tasvirlang** – *mexanik va elektr tebranishlarning o'xshashlik chegarasini oqilona to`g`ri aniqlab, qo`llash hodisasini tasvirlashni shakllantirishga yordam beradi. Bularsiz bu mavzuga oid qator hodisalarni tushunish va qonuniyatlarni tasvirlash o`quvchilar uchun qiyin bo`ladi.*

2. **Taqqoslang** – *mexanik tebranishlarda jism massasi m qanday rol o`ynasa elektromagnit tebranishlardagi induktivlik L ham, xuddi shuningdek, mexanik tebranishlarda jismning tezligi $\upsilon$ qanday rol o`ynasa elektromagnit tebranishlardagi tok kuchi I ham shunday rol o`ynaydi, deb taqqoslash.*

3. **O`xshating** – *mexanik tebranishlarda jismning koordinatasi x va uning tezligining proyeksiyasi $\upsilon_x$ ning davriy ravishda o`zgarishini elektromagnit tebranishlardagi kondensatorning q zaryadi va zanjirdagi i tok kuchining davriy ravishda o`zgarishiga o`xshatish.*

4. **Tahlil qiling** – *bir fizik tabiatli hodisa (Elektromagnit tebranish)ni o'rganishda ilgari o'rganilgan boshqa bir fizik tabiatli tebranish (mexanik tebranish) bilan taqqoslash o'rganish uslubiyati samarali bo'ladi.*

5. **Ishlating** – *tebranish texnik jarayonlaridan foydalanish sohasi xilma-xildir. Masalan, materiallarni mayda jismlarga ajratish, aralashtirish, muhitning zichligini oshirish, yumshatish, jipslashtirib mustahkamlash, yaxlit jism holiga keltirish va hokozo.*

6. **Foydali va zararli tomomlari:**

a) ***foydali tomonlari*** – yaratilgan tebranish texnikalarini xalq xujaligining barcha tarmoqlariga joriy etilishi imkoniyatlarini cheksizligi va uni amalda oqilona foydalanilishi;

b) ***zararli tomonlari*** – tashqi kuchlar (zilzila, rezonans hodisasi)ning ta'sir etishi va bu ta'sirda jismni bir qismi yoki butun konstruksiyasini larzaga kelishi (ko'briklar, inshootlar).

Shunday qilib, energiyaning saqlanish va aylanish qonuni nuqtayi nazaridan kombinatsion (aralash) dars yordamida elektromagnit tebranishlarni o'rganishda ilgari o'tilgan mexanik tebranishlar bilan o'xshashligini taqqoslab, o'quvchilarning ilmiy dunyoqarashlari yanada kengroq shakllantirildi.

Adabiyotlar

1. Valiyev X.A. Maktabda elektromagnit tebranishlar va to'lqinlarni o'rganish. – T., 1994. – B. 20-25.
2. Izbosarov A.M., Kamolov I.R. Mexanika. – T., 2009. – B. 230-239.
3. Стрелков С. П. Механика. – T., 1977. – B. 430-437.
4. Izbosarov A.M., Kamolov I.R. Elektromagnitizm. – T., 2006. – B. 266-286.
5. Karimov A.M., Toshpo`latova Sh.O. Fizikani o'qitishda innovatsion texnologiyalardan foydalanish. – T., 2017. – 255 b.



Hilola SUYAROVA
Navoiy davlat pedagogika instituti
kimyo o'qitish metodikasi kafedrasi katta o'qituvchisi

KIMYO FANI BO'YICHA EKSKURSIYA MASHG'ULOTLARINI TASHKIL QILISH VA O'QUVCHILARNING EKOLOGIK MADANIYATINI SHAKLLANTIRISHDAGI AHAMIYATI

Maqolada kimyo ta'limida ekskursiya mashg'ulotlarini tashkil qilish va bu mashg'ulotlarning o'quvchilar ekologik madaniyatini oshirishdagi ahamiyati haqida fikrlar bayon qilingan.

Tayanch tushunchalar: *ekologik madaniyat, ekologik tarbiya, ekskrsiya mashg'uloti.*

В статье изложены мысли об организации экскурсионных занятий в химическом образовании и в значении этих занятий в повышении экологической культуры учеников.

Опорные понятия*: экологическая культура, экологическое воспитание, экскурсионное занятие.*

This article talks about the ideas of the organization of excursional studies in chemical education and its importance in the increasing of ecologic education, excursional studies

Supporting concepts: *ecologic culfure, ecologic education, excursional studies.*

Ekologik madaniyat umumiy madaniyatning muhim tarkibiy qismi sanalib, shaxsning ma'naviy hayoti va kundalik hayotida xatti-harakat shaklida namoyon bo'ladigan, hayotning va tabiatning bebaho ahamiyatini anglash, ularni asrab-avaylash, muhofaza qilishda faollik ko'rsatish kabi sifatlarni o'z ichiga oladi. Ushbu madaniyat albatta o'quvchilarning ekologik ta'lim va tarbiyasi asosida vujudga keladi. Ekologik ta'lim-tarbiyaning asosiy vazifasi o'quvchilarda tabiatga nisbatan burch va ma'suliyat, ongli munosabatni tarkib toptirish, sharqona odob-axloq me'yorlariga mos xulq-atvorni shakllantirish sanaladi.

O'qituvchi har bir darsda, sinfdan tashqari mashg'ulotlar va ekskursiyalarda o'quvchilarda ekologik madaniyatni shakllantirish bo'yicha rejali va muntazam ish olib borishi zarur. Ekologik tarbiya dastlab bolaning o'z uyini, o'qiydigan joyi, ko'chani toza saqlashga o'rgatishdan boshlanadi. Chiqindini ko'chaga tashlamasdan maxsus chiqindi tashlanadigan joylarga tashlash, o'quvchining tabiatga va yashab turgan joyiga hurmat bilan qarashga o'rgatish ekologik tarbiyaning boshlang'ich elementlaridir.

O'quvchilarda ekologik madaniyatni tarkib toptirishda quyidagi vazifalar amalga oshirilishi lozim: o'quvchilar tomonidan tabiatning yaxlitligi, jamiyat va tabiatning o'zaro aloqadorligi haqidagi ilmiy bilimlarni o'zlashtirish, tabiatga nisbatan ongli munosabatni tarkib toptirishga asos bo'ladigan ekologik bilim, ko'nikma va malakalarni egalashga erishish; tabiat va uning tarkibiy qismlarining keng ma'nodagi ahamiyatini tushunish, tiklanadigan va tiklanmaydigan boyliklarning farqiga yetish; tabiiy boyliklardan tejamkorlik bilan foydalanish, atrof-muhitning tozaligini asrash, ko'kalamzorlashtirish va tabiiy boyliklarni ko'paytirish uchun amalga oshiriladigan tadbirlar, ijtimoiy foydali mehnatda faol ishtirok etish motivlarini shakllantirish; kimyo sanoatida chiqindisiz texnologiyalardan foydalanish.

Ekologik ta'lim-tarbiyani amalga oshirishda quyidagi ko'rsatmalarga amal qilish zarur:

-tabiat va atrof-muhitni o'rganish va o'zlashtirish insonning bilish va amaliy faoliyati birligi asosida tashkil etiladi. Shu sababli, o'qituvchi kimyoni o'qitishda tabiatning har bir tarkibiy qismi, shu jumladan, foydali qazilmalar va minerallarning tarkibi o'rganilganda o'quvchilarga ilmiy bilimlar berish bilan birga, mazkur bilimlarni amaliyotga tatbig'i haqida ham ma'lumot berishi;

-insonning jonsiz va jonli tabiatga, o'simliklar olami va hayvonot dunyosiga ko'rsatgan ijobiy va salbiy ta'sirini yoritish asosida, tabiat, inson va jamiyat munosabatlari tushuntirilishi, fan sohalari bo'yicha to'plangan ilmiy bilimlar integratsiyasi va fanlararo bog'lanishlar amalga oshirilishi;

-sayyoramizda vujudga kelgan lokal va global ekologik muammolarni hal etishda dunyo hamjamiyati, davlat va nodavlat tashkilotlarining faoliyati, ya'ni ushbu ekologik muammolarning hal etilishida davlatlararo umumiy aloqadorlik masalalari haqida ma'lumot berilishi;

-o'quvchilarda ekologik madaniyatni shakllantirish barkamol shaxsni kamolga yetkazish borasida olib borilayotgan ta'lim-tarbiyaviy ishlarning asosiy tarkibiy qismi ekanligini nazarda tutish zarur.

Kimyo fanini o'qitishda kimyo sanoatida chiqindisiz texnologiyadan foydalanish, qishloq xo'jaligi dalalarida zaharli pestitsid va gerbitsidlardan foydalanishni to'g'ri yo'lga qo'yish misollar keitirish orqali o'quvchilarga ekologik tarbiya beriladi. Masalan: ammiak ishlab chiqarishda texnologyaning eskiligi va qurilmalarning nosozligi tufayli atmosferaga azot gazlari chiqarib yuboriladi. Buning oldini olish uchun yangi chiqindisiz texnologiyalardan foydalanish maqsadga muvofiqdir.

Akademik litsey, kasb-hunar kollejlari va umumta'lim maktablarida kimyo fanini yanada kengroq o'qitish, o'quvchi va talabalarning kimyo fani bo'yicha olgan bilimlarini mustahkamlash, ularni ekologik, mehnatsevarlik, vatanga muhabbat ruhida tarbiyalash, kasbga yo'naltirish uchun eng muhim vositalardan biri bu kimyo laboratoriyalari va ishlab chiqarishlarda o'tkaziladigan ekskursiyalardir. Bunday ekskursiyalar ta'lim-tarbiya jihatidan katta ahamiyatga ega.

Ekskursiyalar o'quvchilarning amaliy bilim olishlariga katta yordam beradi. Darsda olgan nazariy bilimlarini ular amaliyotda o'z ko'zlari bilan ko'radilar va kimyoviy jarayonlarning qanday borishi, reaksiyalarning amalga osish shart-sharoitlari haqidagi bilimlarini rivojlantiradilar.

Ekskursiyalar o'quvchilarda mehnatga bo'lgan va kasbga moyillik bor-yo'qligini aniqlashda yordam beradi. Ekskursiya uchun obyekt sifatida faqat yirik va kimyoviy ishlab chiqarishlardan emas, balki kimyoviy bo'lmagan kichikroq ishlab chiqarishlardan ham foydalanish mumkin.

Ekskursiya o'tkaziladigan bu ishlab chiqarishlarda o'quv dasturida ko'rsatilgan jarayonlar bo'lishi kerak. O'tilgan va o'tiladigan o'quv materiali unda qo'llanilgan ko'p ko'rgazmali va kimyoviy tajribalar yordamida kimyoviy moddalar va kimyoviy jarayonlar sanoatda qo'llanishini faqatgina ekskursiya vaqtida o'quvchilarga aniq dalillar bilan tushuntirish mumkin. Ekskursiya davomida o'quvchilar sanoatdagi xom ashyo va undan olingan mahsulotlar, asosiy va qo'shimcha apparatlarning ishi va tuzilishi, texnologik jarayonlar bilan tanishib kimyoviy sanoat haqida aniq tushunchaga ega bo'ladi. Bunda dars davomida ko'rilmagan ayrim tajribalarni, muhandislik inshootlarni o'z ko'zi bilan ko'radi. Bu ekskursiyalar davomida aniq misollarda xom-ashyoni kompleks qayta ishlash yo'llari, qo'shimcha mahsulotlardan to'g'ri foydalanish hamda sanoat texnologiyasini yanada mukammallashtirish yo'llarini hozirgi zamon fan yutuqlari orqali tushuntirish mumkin. Ekskursiya davomida o'quvchilar kuchi bilan kimyodan ko'rgazmali qurollar, kolleksiyalar, sxema, maketlar, modellar yasash, shu davr ichida ularni grafik ma'lumotini oshirish, apparatlarni sxemasini chizishni o'rgatish mumkin. O'quv ekskursiyalarni o'tkazishga tayyorgarlik ekskursiya obyektini tanlashdan boshlanadi.

Kimyo, fizika, biologiya va geografiya kabi fan o'qituvchilari birgalikda kompleks ekskursiya o'tkazishlari yanada yaxshi natija beradi. Bunda o'quvchi ishlab chiqarish korxonasini har tomonlama to'liq o'rganish imkoniyatiga ega bo'ladi va fanlar orasidagi uzluksiz bog'liqlikni yaxshiroq his qiladi.

Navoiy kimyogarlar shahri bo'lib, kimyo sanoati keng rivojlangan. Bu esa shahrimizda kimyo fani bo'yicha ekskursiya darslarini tashkil qilishga katta imkoniyat yaratadi. Masalan: ko'pgina kimyoviy ishlab chiqarish korxonalarini o'z ichiga olgan "Navoiyazot" aksiyadorlik jamiyati, "Elektrokimyo" zavodi, "Qizilqumsement" zavodi va boshqa korxonalarga o'quv ekskursiyalarini tashkil qilish mumkin. Bunday ekskursiya darslarini tashkil qilishdan maqsad o'quvchilarga amaliy bilim berish bilan bir qatorda ularni insonparvarlik, Vatanga, Ona tabiatga muhabbat ruhida tarbiyalashdir. Yosh avlodning ekologik ongini va dunyoqarashni shakllantirish va rivojlantirish, ekologik madaniyatini oshirish kimyo ta'limi oldiga qo'yiladigan asosiy vazifalardan biridir. Ekskursiya davomida ishlab chiqarish jarayonida amalga oshadigan kimyoviy jarayonlar, qo'llaniladigan xom ashyo, olinadigan mahsulotlar va ularning ahamiyati haqida ma'lumot berish bilan birga, ishlab chiqarishlardagi chiqindilar, ularning tabiatga salbiy ta'siri haqida tushuncha beriladi. Shuningdek, bu chiqindilarni qayta ishlash, oqava suvlarni tozalash, yangi chiqindisiz texnologiyalardan foydalanish borasida qilinayotgan chora tadbirlar haqida ma'lumot beriladi.

Kimyo fani bo'yicha Navoiy shahridagi Tabiatni muhofaza qilish qo`mitasi laboratoriyasiga ekskursiya tashkil qilish mumkin. Ekskursiya quyidagi reja asosida o'tkaziladi:

1. Tabiatni muhoza qilish qumitasining faoliyati va vazifalari bilan tanishish.
2. Tabiatni muhofaza qilish qumitasidagi kimyo laboratoriyalari, jihozlar va reaktivlar bilan tanishish.
3. Qo`mita xodimlari bilan ekologik muhitni yaxshilash va tabiatni asrash borasida qilinayotgan ishlari haqida suhbatlashish.

O'qituvchi rejani o'zgartirishi mumkin. U oldindan o'tkazgan suhbatda ekskursiyaning ahamiyati va maqsadini aytib beradi, o'quvchilarni ekskursiya marshruti bilan tanishtiradi. Ekskursiya yakun topgach o'quvchi yoki talabalar hisobot yozadilar. Ba'zan maktabda maxsus kecha o'tkazib yakunlanadi. Ekskursiyadan so'ng maxsus konferensiyalar o'tkazish mumkin. Ekskursiya vaqtida to'plangan barcha masalalar

ko'rgazmasi konferenziyaga tayyorlab qo'yiladi. Konferenziyaga tashkilot vakillari, shahar yoki tumandagi maktablarning kimyo o'qituvchilari va metodistlari qatnashadilar.

Ushbu mavzudagi ekskursiya darsi umumiy o`rta ta'lim maktablarining 9-sinflarida "Ammiak" mavzusi bo'yicha tashkil qilinadi. Ekskursiya darsi shahrimizdagi "Navoiyazot" aksiadorlik jamiyatiga qarashli "Ammiak ishlab chiqarish" sexida o'tkaziladi. Ekskursiyani maktab ta'til kunlari o'tkazish ham mumkin. Ekskursiya ham dars kabi ma'lum bosqichlarga ega, dars kabi muayyan reja asosida o'tkaziladi. O'quvchi ekskursiyadan oldin sanoatda ishlatiladigan moddalarning tarkibini, tuzilishini va sanoatda olinishini bilishlari zarur. O'qituvchi o'zi ushbu sexda ishlab chiqarish jarayonini o'rganishi zarur. Buning uchun quyidagilarni bajariladi:

a) o'qituvchi tegishli adabiyotni o'qiydi;

b) ekskursiya ob'ekti bilan oldindan mutaxassis yordamida tanishadi,

d) mutaxassis bilan o'quvchilar qiladigan ishni kelishadi;

e) ekskursiya rejasini chizadi.

Ekskursiya ikki soatdan oshmasligi kerak. (bunga maktabdan zavodga borish vaqti kirmaydi). O'quvchilar bilan yo'l harakati va texnika xavfsizligi to'g'risida oldindan suhbatlashish kerak. Ekskursavodga ko'proq nimaga e'tibor berishni va apparatlarning ishlashini tushuntirishda o'quvchilarga o'rqasini o'girib gapirmasligini tayinlashi va iloji boricha ekskursavod sifatida kimyo laboratoriyasini xodimi bo'lishiga erishishi kerak. Ekskursiyadan oldin esa o'qituvchi maxsus kirish mashg'uloti o'tkazadi. O'qituvchi kirish mashg'ulotida quyidagi vazifalarni hal qiladi:

a) ekskursiyadan ko'zda tutilgan maqsadni aniqlab beradi;

b) ammiak ishlab chiqarishning kimyoviy mohiyatini umumiy tarzda tasvirlab beradi;

d) o'quvchilarni ekskursiya rejasi bilan tanishtiradi;

e) o'quvchilarni kichikroq guruhlarga bo'ladi;

f) har bir guruhga aniq topshiriq beradi, har bir guruh nimalarni alohida kuzatishi, nimalarning rasmini solishi, tayyor mahsulotlardan namuna olish ishlarini tayinlaydi.

Ammiak ishlab chiqarishga boriladigan ekskursiya taxminan quyidagi reja asosida o'tkaziladi:

1. Ammiak ishlab chiqarishning tavsifi (uning tarixi, rivojlanishi, vazifalari).
2. Ammiak ishlab chiqarish uchun xomashyo va uni tayyorlash.
3. Ishlab chiqarish bosqichlari.
4. Ishlab chiqarish mahsulotlari.
5. Ishning uyushtirilishi, mexanizatsiya, avtomatizatsiya.
6. Tayyor mahsulotlarni iste'molchiga yetkazish.
7. Ishchi kasblari haqida suhbat.

Yuqorida aytilgan fikrlardan shunday xulosaga kelish mumkinki, kimyo fani bo'yicha tashkil qilinadigan ekskursiya mashg'ulotlari o'quvchilarni kimyo fani bo'yicha olgan bilim va ko'nikmalarini mustahkamlash, ularning fanga qiziqishini oshirish bilan bir qatorda ularning ekologik madaniyatini rivoglantiradi.

Adabiyotlar

1. Rahmatullayev N.G., Omonov H.T., Mirkomilov Sh.M. Kimyo o'qitish metodikasi. – Toshkent: «Iqtisod-Moliya», 2013.

2. Aliyeva M.B. Kimyo o'qitish metodikasi. Ma'ruzalar matni. – T., 2011.



Ahat AHMEDOV
Navoiy davlat pedagogika instituti
fizika-astronomiya o'qitish metodikasi
kafedrasi dotsenti, fizika-matematika
fanlari nomzodi



Ahliddin SATTOROV
Navoiy davlat pedagogika instituti
fizika-astronomiya o'qitish metodikasi
kafedrasi o'qituvchisi

ASTRONOMIYA KURSINI O`QITISH USLUBIYOTINI TAKOMILLASHTIRISH OMILLARI

Ushbu maqolada pedagogika oliy o'quv yurtlarida astronomiya kursini o'qitishda milliy qaqriyatlarni saqlagan holda uzviylikni ta'minlashning zamonaviy imkoniyatlaridan foydalanish ta'lim samaradorligini oshirishda muhim qadam hisoblanishi uslubiy jihatlari yoritib berilgan.

Tayanch tushunchalar: *astronomiya, milliy mafkura, metod, eksperiment, ma`ruza, seminar, amaliyot, ko`rgazmali qurol, namoyish, koinot, texnologiya, milliy qadriyat, matematik modellashtirish, eksperimental fakt, qonun, kuzatish, hodisa, bilim, qobiliyat, jarayon.*

В данной статье авторами работ рассмотрено преподавание астрономии в педагогических вузах, сохраняя национальные традиции преподавания, воспользуя непрерывность образования можно достичь качества и эффективность обучения.

Опорные понятия: *Астрономия, национальная идеология, метод, эксперимент, лекция, семинар, практика, наглядное пособие, показ, вселенная, технология, национальное достоинство, математическое моделирование, экспериментальный факт, закон, наблюдение, явление, знание, способность, процесс.*

This article outlines the methodological aspects of increasing the effectiveness of education by utilizing the modern capabilities of the provision of intercultural communication while preserving the national identity while teaching astronomy in pedagogy higher education institutions.

Supporting concepts: *Astronomy, national ideology, method, experiment, lecture, seminar, practice, visual aid, show, universe, technology, national dignity, mathematical modeling, experimental fact, law, observations, phenomenon, knowledge, ability, process.*

Jamiyatimizda iqtisodiy-ijtimoiy, ta'lim sohalarda olib borilayotgan islohatlar natijasida yurtimizda yashayotgan barcha fuqarolar uchun munosib turmush tarzini yaratish bilan birga, jismoniy va ma'naviy jihatdan mukamma lrivojlangan insonni tarbiyalash, ta'limni yuksaltirish, milliy mafkurani yaratish va uni ro'yobga chiqarishda faol ishtirok eta oladigan raqobatbardosh, barkamol avlodni tarbiyalab voyaga yetkazishdan iboratdir. Yangilanayotgan ijtimoiy-iqtisodiy yo'nalishlardagi ijobiy o'zgarishlar O'zbekistonni jahonga tanitmoqda, ya'ni o'ziga xos "O'zbek modeli"ni butun jahon tan olmoqda. Bunday o'zgarishlar va yangilanishlar pedagogika va uning tarmog'i bo'lgan fizika va astronomiyani o'qitish uslubiyoti (xususiy pedagogika) fanlari oldiga hal etilishi lozim bo'lgan yangi, dolzarbmuammolarni qo'yadi.

Davlat ta'lim standartlarida belgilab qo`yilganidek, umumta'lim fanlaridan (jumladan astronomiya fanidan ham) ta'lim mazmunining o'rnatilgan minimumiga erishish barcha o'quvchilar uchun majburiydir. O'quvchining umumta'lim fanlaridan olgan bilimlari akademik litsey yoki kasb-hunar kollejini tugatgandan so'nggi amaliy faoliyatida hamda uning oliy ta'lim muassasasida davom ettiradigan keyingi o'qish faoliyatida ham ishonchli vosita bo'lib xizmat qilmog'i lozim.


Astronomiya o`qitish metodikasi
Ta'limiy
Tabiatning universal qonunlari
O`quvchilarga fanning yangi tushunchalarini o`rgatish
Tarbiyaviy
O`zaro hamkorlik, bir-biriga yordam
Qadriyat va an'analarga hurmat
Rivojlantiruvchi
Ilmiy dunyoqarashlar
Olamning bir butunligini anglash
Kasbiy ta'lim
Pedagogik faoliyat
Koinot sirlarini o`rganish sohasi
Milliy
Milliy qadriyatlarni e'zozlash
Milliy g`urur tushunchalarining shakllanishi

Ushbu talablardan kelib chiqqan holda astronomiya o'qitish uslubiyoti fani oldida quyidagi dolzarb-muammolarni hal etish vazifasi turadi:

- milliylik ruhi bilan boyitilgan, xalq rivoyatlariga asoslangan, zamonaviy pedagogik texnologiyalarni qamrab olgan o'quv qo'llanmalar va darsliklar yaratish;

-astronomiya o'qitishning umumiy masalalarini tahlil qilish va ularni hal etishda o'quv fanini takomil-lashtirish;

-ilg'or pedagogik tajribalarni o'rganish, umumlashtirish hamda o'quv jarayoniga tadbiq etish;

-astronomiyadan egallangan bilim va ko'nikmalarni amaliyotda qo'llay olishni o'rgatish;

-yoshlar psixologiyasining o'ziga xosligini e'tiborga olgan holda astronomiya o'qitish jarayonining tah-lili, darsliklar, o'qitish vositalari va metodik qo'llanmalardan foydalanishning didaktik talablarini ishlab chiqish;

-astronomiya o'qitish tarixini tahlil etishda milliy merosining boy namunalaridan foydalanish asosida astronomiya o'qitish uslubiyoti rivojlanishining qonuniyatlarini aniqlash;

-o'quvchilarni astronomiya fanining asosiy bilimlaridan: eksperimental faktlardan, tushunchalardan, qonunlardan, nazariya va ularning amaliy qo'llanilishidan xabardor qilish;

-astronomiya o'qitishning asosiy uslubiyotlari bilan tanishtirish;

-eksperimental qobiliyatlarni shakllantirish-asbob va uskunalardan foydalanish, o'lchash natijalarini olish, matematik modellashtirish, qayta ishlash;

-mustaqil bilim olish, kuzatish va astronomik hodisalarni fizika qonunlari asosida tushuntirish qobiliyat-larini shakllantirish;

-astronomiya faniga mehr va hurmat uyg'otish, o'quvchilarning bilim va ijodiy qobiliyatlarini o'stirish hamda rivojlantirish;

Ushbu muammolarni hal etish, eng avvalo, milliy model talablari asosida ta'lim tizimini yangilash va yangi ijtimoiy muhit sharoitida uni yanada rivojlantirish, takomillashtirish zarurligini ko'rsatadi. Ta'lim sohasida yuzaga kelgan bunday dolzarb muammolarni hal etish asosan quyidagi tamoyillarga tayanadi.

Ijtimoiy-iqtisodiy islohatlarni amalga oshirishda o'tmishni teran his etib, xalqimiz ruhiyatini, uning ta-rixiy va milliy o'ziga xos jihatlarini, an'ana va urf-odatlarini hisobga olib, tarixiy taraqqiyot davomida to'plangan ma'naviy merosi va milliy qadriyatlaridan oqilona foydalanish orqali amalga oshirilsa, ikkin-chidan, jahon ilmiy tafakkuri va ijtimoiy foydalanish asosida ro'yobga chiqarish mumkin bo'ladi.

Astronomiyani o'qitish uslubiyotida bo'lajak o'qituvchining kompetentligini shakillantirishda muhim jihat milliy qadriyatlarga tayangan ta'lim bilan hamohang tarbiyani shakllantirish muhim masalalardan hi-soblanadi. Ta'limni rivojlantirishda uni zamonaviy texnologiyalar bilan boyitish asosida tarixiy an'analarni saqlagan holda milly modelga o'tishdek dolzarb masala hal etilmog'i lozim. Astronomiya o'qitish uslubi-yotida aynan xalq rivoyatlaridan foydalanish o'quvchilarga milliy qadriyatlarni shakllantirish bilan birga il-miy, axloqiy, mehr-sadoqat, ota-onaga hurmat g'oyalarni singdiradi.

O'quv jarayonida boy ilmiy-milliy merosdan o'quvchi va talabalarni bahramand qilish ta'lim va tarbiya uyg'unligiga erishishda muhim ahamiyatga ega ekanligi hech kimga sir emas. Biz bilamizki, o'quv jarayo-nining ajralmas qismi bo'lgan tarbiya ham hech kimni befarq qoldirmaydi.

Adabiyotlar

1. Mamadazimov M. Ulug`bek ва uning rasadxonasi. – T., "O`zbekiston", 1994.
2. Axmedov B. Tarixdan saboqlar. – T., "O`qituvchi", 1994.
3. Mamadazimov M. Astronomiya tarixi (ma'ruza matni). – T., 2000.



Xurshida HASANOVA
Navoiy davlat pedagogika instituti huzuridagi XTXQTMOM
aniq va tabiiy fanlar metodikasi kafedrasi o'qituvchisi

BARKAMOL AVLODNI TARBIYALASHDA HOZIRGI ZAMON O'QITUVCHISINING O'RNI

Maqolada o'quv jarayoni samaradorligini oshirish usullari, ta'lim jarayonidagi ba'zi bir muammolar va ularning yechimlari bayon etilgan. Ushbu maqolada kimyo o'qitish metodikasi bo'yicha kimyo darslarida ilg'or pedagogik texnologiyalarni qo'llash, oksidlar mavzusini o'qitishda bir qator didaktik o'yinlardan foydalanish haqida ma'lumot berigan. Unda kimyo darslarini samarali tashkil etishga yordam beradigan yangicha usullar keltirilgan.

Tayanch tushunchalar: *pedagogik texnologiya, didaktik o'yin, ta'lim-tarbiya, darsning samaradorligi.*

В статье описываются некоторые проблемы и их решение в сфере обучения, и способы повышения их результативности. В данной статье даются сведения о методике обучения использования современных педагогических технологий на уроках химии, применение некоторых дидактических игр в проведении темы органической химии. В ней приведены новые методы качественной организации урока химии.

Опорные понятия: *педагогические технологии, дидактические игры, образование и воспитание, качество урока.*

In this article some problems and their decision in the sphere of training and ways of increase in effectiveness are described. This article about about a training technique, use of modern pedagogical technologies in chemistry lessons helping to organize qualitatively are given in him.

Supporting concepts*: pedagogical technologies, didactic games, education, quality of the lesson.*

Taraqqiyotning tez sur'atlar bilan ildamlab borishi natijasida ko'plab mamlakatlarda yosh avlodga ta'lim-tarbiya berishga jiddiy e'tibor qaratilmoqda. Jumladan, O'zbekistonda mustaqillikdan so'ng ta'lim tizimiga e'tibor davlat siyosati darajasiga ko'tarildi. Bugungi kunda zamonaviy pedagog oldida turgan eng katta muammo – o'quvchi qalbiga yo'l topish, uni fanga qiziqtirish, mustaqil bilim olishga o'rgatishdan iborat. Bu vazifani amalga oshira olgan pedagog o'z kasbining ustasi sanaladi. Zamonaviy pedagog o'quvchida majburiy itoatkorlikni emas, balki ongli intizomni rivojlantirishi, yangi pedagogik texnologiyalarni chuqur tushunib yetishi, amalda qo'llashi va bular orqali bolalarni mustaqil fikrlashga o'rgatishi lozim. Amerikalik olimlar D. Brofi va T. Gudlar o'zlarining "O'qituvchi va o'quvchi munosabati'' asarida quyidagicha yozgan: "O'qituvchi uchun muloqot tabiiy va xursandchilik bo'lmasa – o'qituvchi maktabdan ketishga tayyor turaversin".

Maktablarda o'qitiladigan har bir o'quv fanining mazmuni, o'quvchilar bilishi lozim bo'lgan bilimlar, o'zlashtirilishi kerak bo'lgan o'quv ko'nikmalari va malakalarini bir soatlik dars davomida to'laqonli tushuntirish, o'quvchi onggiga yetkazib bera olish birmuncha murakkab vazifa sanaladi. Har bir bola o'z xulq-atvoriga, xarakteriga ega. Tarbiyada ana shu xususiyatlarni hisobga olish zarur. Bunda odamlar orasidagi ijtimoiy munosabatlarning murakkabligini o'zida aks ettiruvchi maxsus usullardan foydalaniladi. Pedagogik faoliyatga qadam qo'yayotgan yoshlar bu singari xususiyatlarni bilishi lozim.

Ustoz va murabbiylar har bir o'quvchining ko'ngliga yo'l topish uchun aynan uning xarakteriga mos muomala qilishi lozim. O'qituvchida nafaqat bilim, balki pedagogik qobiliyat ham bo'lishi kerak. Ba'zi o'qituvchilarda tug'ma iste'dod, layoqat bo'ladi. Ba'zilar esa yillar davomida qilinadigan mehnat evaziga bunday qobiliyatlarga ega bo'ladilar. Shuni ta'kidlash joizki, hatto yetuk, ko'p yillik ish tajribasiga ega bo'lgan pedagog ham o'z ustida ishlashi, mashaqqatli mehnat qilmog'i lozim bo'ladi.

Bugungi intellektual bilimlar va axborot texnologiyalari asrida kundan-kunga fanning yangi jabhalari ochilmoqda, darslarni o'qitishda qo'llaniladigan yangicha usul va uslublar yaratilmoqda. Darslarda ilg'or pedagogik texnologiyalarni qo'llash, rolli o'yinlardan foydalanish ko'pchilik o'quvchilar bilimini nazorat qilish va o'quvchilarni darsga qiziqishlariga imkoniyat yaratadi. Noan'anaviy darsning ahamiyati shundaki,

bunda darsning tashkiliy qismi o‘tgach, o‘qituvchi o‘tilgan darsni mustahkamlash uchun turli pedagogik texnologiyalardan: tezkor savol-javob, blits-so‘rov, krossvordlar, klaster, guruhlarga bo‘lish, raqamlar so‘zlaganda kabi usullardan foydalanadi. O‘quvchilar guruhlarga bo‘linadi, faol o‘quvchilar uchun boshqa, bo‘sh o‘zlashtiruvchilar uchun alohida metodlardan foydalaniladi. Yangi mavzuni bayon qilishda ma‘ruza yoki hikoya metodidan tashqari mavzu mohiyatini to‘la ochib bera oladigan videorolikdan foydalanish maqsadga muvofiqdir. Chunki yuz marta eshitgandan ko‘ra bir marta ko‘rgan afzaldir.

Tadqiqotchilar tomonidan o‘qitish piramidasi tashkil etilgan. Bu piramidada o‘qitish samaradorligi quyidagi tartibda o’zgaradi:

1. Ma‘ruza usulida – 5%.
2. O‘ zicha o’qish – 10%.
3. Audio-video orqali o‘qish – 20%.
4. Ko‘rgazma namoyishlar orqali o‘qish – 30%.
5. Bahs – munozara orqali o‘qish – 50%.
6. Kichik guruhlarga bo‘linib o‘qish – 60 %.
7. O‘quv jarayonini amaliyot bilan bog‘lash – 75%.
8. Bir-birini, bola bolani yakka tartibda o‘qitish – 90%.

Masalan: kimyo darslarida o‘quvchilarga bir necha didaktik o‘yinlarni qo’llash mumkin. Dars mobaynida o‘quvchilar uch guruhga bo‘linadi, har bir guruh alohida nomlanadi. 9-sinflarda “Alkanlar” mavzusini o’qitishda quyidagicha interfaol o’yinlarni qo’llab, darsni qiziqarli tashkil qilish mumkin.

“**Kim chaqqon**?” o‘yinini qo’llash uchun alkanlarlar mavzusini mustahkamlash darslarida, har bir guruhdan vakillar chiqadilar va tegishli alkanlarning gomologik qatorini vakillari nomlarini birin-ketin aytadilar. Masalan: metan, etan, propan, butan va hokazo. Mobodo kimda-kim tegishli alkanning nomini noto‘g‘ri aytsa, yoki ayta olmay qolsa, o‘sha o‘quvchi o‘yindan chiqib ketadi. Oxirgi qolgan o‘quvchilar g‘olib sanaladi.

“**Klaster**” metodidan foydalanib, uch guruhga “Metan”, “Etan”, “Propan” deb yozilgan kartochkalar tarqatiladi. O‘quvchilarda shu oksidlarga misollar, shu oksidlarning xossalarini xarakterlovchi beshtadan jihatlarni yozishni so‘raymiz va vazifani bajargan o‘quvchilar baholanadi.

“**Jumlani tugallang**” usulida uchta guruhga ham 10 tadan jumlalar yozilgan varaqalar tarqatiladi. Har bir jumladan bittadan so‘z tushib qolgan bo‘ladi. Uch daqiqa mobaynida ana shu tushib qolgan so‘zni topib, yozadilar. Eng ko‘p to‘g‘ri javoblarni yozgan guruh g‘olib sanaladi. Masalan:…tabiiy gaz tarkibida 92-96% uchraydi. (Metan)

“Raqamlar so’zlaganda” usulida guruhlarga 10 tadan raqamlar yozilgan varaqalar tarqatiladi. Shu raqam bilan bog‘liq bo‘lgan kimyoviy tushunchalarni o‘quvchilar yozadilar. Bunda ham g‘oliblar aniqlanib, rag‘batlantiriladi. Masalan: alkanlarning to’rtinchi vakili bu butan.

“**Birikmani aniqla”** o‘yinida o‘qituvchi uchta guruhga 5,4,3 raqamlari yozilgan kartochkalarni tarqatadilar. O‘quvchilar esa uch daqiqaning ichida alkanlarning 5-,4-,3-vakillarini va ularni xossalarini yozadilar va g’oliblar aniqlanadi.

“**Sherigini top”** o’yinida o’quvchilarga ikkitadan kartochkalar tarqatiladi. Bunda birinchi kartochkada moddalarning nomi, ikkinchisiga esa uning formulasi yozilgan bo’ladi. Ba’zida bu o’yinni yana boshqa xil ko’rinisjda ham bajarishimiz mumkin. O’quvchilar qisqa vaqt oralig‘ida formulaga mos keladigan nomni aniqlab, juftlashlari kerak.

Masalan:

CH_4	**30**
C_2H_6	**16**
C_3H_8	**44**

Ushbu birikmalarning dastlab molekulyar massalari aniqlanadi va to’g’ri javob marker bilan juftlanadi.

Xulosa qilib aytganda, darslarda didaktik o‘yinlardan foydalanishning quyidagi foydali jihatlari bor:

- ushbu o‘yinlarni kimyo darslarida qo‘llash dars samaradorligining yuqori bo‘lishiga xizmat qiladi;
- har bir usulning qisqa vaqt ichida qo’llanilishi dars uchun ketadigan vaqtni tejashga imkon beradi;
- o‘quvchilarning guruh bo‘lib ishlashlari esa ular orasida o‘zaro hamkorlik va do‘stona munosabatni shakllantiradi;
- dars mobaynida ko‘pchilik o‘quvchilar baholanib borishlari ularning uyga vazifani bajarishlari va har bir darsga qiziqish bilan tayyorgarlik ko‘rishlariga olib keladi;

- didaktik o‘yinlar maktab o‘quvchilarining bilim samaradorligini, savodxonligini, jismoniy va psixologik ko‘nikmalarini rivojlantirishga imkoniyat beradi;
- butun sinfning diqqati jamlanadi, o‘qituvchi o‘tilgan mavzuni mustahkamlash asnosida birdaniga 10-15 o‘quvchini baholash imkoniga ega bo‘ladi;
- noan‘anaviy darslarning e‘tiborli tomoni shundaki, o‘qituvchi o‘quvchilarni qiziqtirish uchun har bir darsga alohida tayyorgarlik ko‘radi, tarqatma materiallar, ko‘rgazmali qurollar tayyorlaydi, o‘quvchilarni zeriktirmaslik uchun o‘z ustida ishlaydi va izlanadi, yangilik axtaradi;
- kimyo darslarida yuqoridagi didaktik o’yinlarni qo’llash pedagoglardan mehnat va harakat talab etar ekan, ularda quyidagi sifatlarni shakllanishiga olib keladi: bilish qobiliyati, kuzatuvchanlik qobiliyati, nutq qobiliyati, tashkilotchilik qobiliyati, obro‘ orttira olish qobiliyati, to‘g‘ri muomala qilish qobiliyati, kelajakni ko‘ra bilish qobiliyati, diqqatni taqsimlay olish qobiliyati. Natijada, bu sifatlarning hammasi bir-biri bilan o‘zaro bog‘langan bo‘lib, bir - biriga ta‘sir etadi va bir butunlikni hosil qiladi.

Respublikamizda yuqori malakali, izlanuvchan, iqtidorli yoshlarga keng imkoniyatlar yaratilmoqda va samarali mehnat o‘z rag‘batini topmoqda. Respublikamizning Birinchi Prezidenti Islom Karimov o‘z nutqlarida yoshlarga katta ishonch bildirib, O‘zbekiston kelajagi yoshlar qo’lida ekanligini ta‘kidlagan edilar, avvalo yoshlarni shunday ishonchga javob bera oladigan insonlar qilib yetishtirish o‘qituvchi va tarbiyachilarning fidokorona mehnati bilan bog‘liqligini nazarda tutadi. Jamiyatimiz talab etayotgandek har tomonlama yetuk, komil insonni tarbiyalab yetishtirishda o‘qituvchining o‘rni beqiyosdir.

Adabiyotlar

1. Ijtimoiy hukumat portal: www. Ziyonet. uz.
2. http://www.school.edu.ru – Umumta’lim portali (rus tilida),
3. http://www.alledu.ru – Internetdan ta’lim portali (rus tilida),
4. http://www.rostest.runnet.ru – Test olish markazi serveri (rus tilida),
5. http://www.allbest.ru – Internet resurslari elektron kutubxonasi (rus tilida),
6. http://www.mathtype.narod.ru – Online-darsliklar (rus tilida)
7. Ishmuhamedov R. va b. Ta’limda innovatsion texnologiyalar. – T.:Iste’dod, 2008.
8. Abdullayeva X.A. Mashg’ulotlarda faol ta’lim usullaridan foydalanish. – Farg’ona, 2008.

TIL VA ADABIYOT, XORIJIY TILLAR



Shavkat HAYITOV
Buxoro davlat universiteti
o‘zbek adabiyoti kafedrasi dotsenti,
filologiya fanlari nomzodi



Xurshida BAROTOVA
Buxoro davlat universiteti
filologiya va tillarni o`qitish (o`zbek tili)
ta`lim yo`nalishi 4-bosqich talabasi

"BOBURNOMA" DA TARIXIY, ILMIY VA BADIIY TALQIN UYG'UNLIGI

Maqolada Zahiriddin Muhammad Bobur qalamiga mansub "Boburnoma"ning g'oyaviy-badiiy xususiyatlari haqida mulohaza yuritilgan. Muallif shaxsiga xos oliyhimmatlik, adolat, mardlik va shijoat, shafqat, kamtarlik kabi ezgu fazilatlar tahlillar jarayonida ko'rsatilgan.

Tayanch tushunchalar: *Badiuzzamon, Xisravshoh, saxovat, insoniylik, mard, tarixiylik, ilmiylik, badiiylik, adolat, Qosimbek, Shayboniyxon, Xo'jand, Axsi, saxovat, sadoqat.*

В этой статье идет речь о идейно-художественных свойствах произведений Захириддина Мухаммада Бабура «Бабурнома». Выделены добрые и положительные качества автора как великодушие, справедливость, смелость, храбрость и скромность.

Опорные понятия: *Бадьиззаман, Хисравшах, щедрость, гуманность, мужественность, историчность, научность, художественность, справедливость, Касымбек, Шайбанийхан, Хожанд, Ахси, щедрость, верность.*

In this article given idea of the idealogical and artistic features of the "Baburnama" written by Zakhiridden Muhamad Babur. The qualities of author such as nobility, justice, courage and bravery, mercy and humility are reflected in analysis.

Supporting concepts: *Badiuzaman, Khisravshakh, boundry, humanity, mannishness, historical, scientific, artistry, equity, Kasimbek, Shaybonikhan, Khojand, Akhsi, loyalty.*

Zahriddin Muhammad Boburning avlodlarga qoldirgan boy va bebaho ilmiy-adabiy merosida buyuk ajdodimizga jahoniy shuhrat keltirgan asari “Boburnoma”dir. Bunday asar muallifning o'tmish zamonga, tarixga oid xotiralarini, ko‘rgan va eshitganlarini ma’lum tartibga solib ifoda etishi natijasida vujudga keladi. Bunday asarlarda bo‘lib o‘tgan voqealarni birmuncha keng tasvirlovchi muayyan darajadagi badiiy chizgilarni, tarixiy voqealarni bevosita aks ettirish bilan birga, umumlashtirib tasvirlash xususiyatini ham ko‘rish mumkin. “Boburnoma” ana shunday murakkab tarkibli memuar asarlar qatoriga kiradi. Muallif uzoq muddat orasida yuz bergan ijtimoiy-siyosiy va tarixiy voqealarga ma’lum bir nuqtayi nazardan qaraydi va baho beradi. U tasodifiy hodisalarni mumkin qadar qalamga olmaslikka, asosiy voqealarni tanlash, o'sha davrga xos xususiyatlarni badiiy bo'yoqlarda aks ettirishga katta ahamiyat beradi, asarning badiiy ifoda kuchini oshirishga harakat qiladi. Lekin asarda voqealar ma'lum xronologik tartibda bayon qilingani va unda XV asr oxiri –XVI asr boshlaridagi O‘rta Osiyo, Xuroson, Afg‘oniston va Hindistonda yuz bergan ijtimoiy-siyosiy hodisalar tasvirlangani uchun u boshdan-oyoq tarixiy xususiyat kasb etadi. Shu bilan birga, Bobur o'ziga xos yo'nalishdan boradi. Bu boburona yo'nalishdir. Asarda tarixiylik, ilmiylik bir xil chizgilarda borsa, badiiylik ham ulardan chetda qolmagan holatda hamohang yuradi. Biror-bir tarixiy voqeani asoslashda, asosan, ilmiylikka murojaat etsa, shu keltirgan tarixiy haqiqatning yanada ishonchli chiqishida badiiy unsurlardan mohirona foydalanadi. Asarning boshlanishida sof tarixiy voqealarni yodga oladi. O'sha

davr ijtimoiy muhiti, toj-u taxt uchun kurashlar birma-bir bayon qilinadi. Jumladan, asarda temuriy hukmdorlarning o‘zaro urush-talashlar oqibatida birin-ketin mag‘lubiyatga uchrashi, shuningdek, Abusaid mirzo vafotidan keyin uning o‘g‘illari (Umarshayx, Sulton Ahmad, Sulton Mahmud va boshqalar) o‘rtasida kechgan janjallar, Bobur va uning amakivachchalari, beklarning o‘g‘illari orasidagi nizolar, temuriylar bilan Shayboniyxon o‘rtasida Movarounnahr uchun olib borilgan qonli kurashlar, ayrim noqobil hukmdorlarning xiyonati, saroyidagi aysh-ishrat, fitnalar, shuningdek, buyuk sarkardaning o'zi tomonidan Afg‘oniston va Hindistonning egallanishi, hind, afg‘on qabilalarining qarshiligi va ularning bostirilishi-barchasi haqqoniy tarzda, o‘sha zamonga xos jimjimador va balandparvoz tasvir uslubidan farqli o‘laroq, g‘oyat go‘zal, jonli tarzda hikoya qilinadi. Muallifning o‘zi bu haqda shunday deydi: “Chun bu tarixda andoq iltizom qilibturkim, har so‘zning rostini bitilgay va har ishning bayoni voqeini tahrir etilgay” [2, 331].

Ma’lumotlarning ko‘pligi, aniq va to‘laligi, tarixiy voqealarning rostgo‘ylik bilan bayon etilishi, ifodaning soddaligi va ravonligi ”Boburnoma”ning tarixiy va adabiy manba sifatidagi afzalliklari va jozibasini yanada oshiradi. Bu jihatdan u ko‘pgina tarixiy kitoblaridan ustun turadi.

Ma’lumki, Sharq tarixchilarining ko'pgina kitoblarida tarixiy dalillar afsona va rivoyatlar bilan bog‘lanib ketadi, qalamga olinayotgan voqealar muarrixning podshoh va hukmdorlarga bo‘lgan munosabatidan kelib chiqib tasvirlanadi. ”Boburnoma” g'oyaviy- badiiy jihatdan yuqori mazmunga ega tarixiy asardir. Undagi qimmatli xususiyat shundan iboratki, ijtimoiy-siyosiy voqealar xolis va izchil tasvirlangani tufayli o‘sha davrdagi hukmron tabaqalarning fazilat va kamchiliklari ham aniq-ravshan aks etadi va o'rta asrlarning o‘ziga xos ayrim xususiyatlari yaqqol namoyon bo‘ladi. Bularning barchasi ”Boburnoma”ni aniq tarixiy dalillarga boy bo‘lgan beqiyos bir tarixiy asar deb aytishga asos bo'ladi, uning muallifi esa bilim va tafakkur doirasi juda keng bo‘lgan yetuk alloma shaxs sifatida gavdalanadi.

"Boburnoma" boshdan oyoq bir xil uslubda yozilmaydi. Ilmiy va badiiy uslub o'zaro hamohang tarzda boradi.Avval tasvirlanayotgan voqealarga xos ilmiy dalillarni, so'ngra shu fikrning isboti sifatida turli badiiy unsurlardan mohirona foydalanadi. Bobur "Boburnoma"dagi ba'zi voqealarni tasvirlar ekan, albatta, biror misra g'azal yoki o'sha ta'riflanayotgan kishining ijodidan bir misra, yoki biror xalq og'zaki ijodining nodir namunalarini, yoinki o'sha muhitda yashayotgan xalqning biror udumlarini misol keltiradi. Bu bilan yozilajak asarning badiiy qimmatini oshirishga urinadi. Vatandan ayrilgandan so'ng chekkan iztiroblari, yor-u do'stlar xiyonatlari aks etgan sahnalarda o'z ijodidan namunalar keltiradi. Jumladan, "Boburnoma"da keltirilgan 1500-1501-yil voqealarida Samarqandning qo'ldan ketishi bilan bog'liq voqealar , beklarning xiyonati quyidagi baytda o’z ifodasini topadi:

"Kim ko'rubtur, ey ko'ngul, ahli jahondin yaxshiliq,
Kimki andin yaxshi yo'q, ko'z tutma ondin yaxshiliq" [2, 135].

Bu she'riy iqtibosdan ko'rininib turibdiki, o'z yurtidan, ona tuprog'idan ayrilgan shoh ishonchli beklar tomonidan qilingan xiyonatni aslo kechira olmaydi. Boshiga musibat tushganida hatto o'z ishonchli do'stlaridan ham yaxshilik kutmaslikni anglaydi. Xuddi shu yerda ilojsiz shoh Samarqandni tark etishi bilan, yaqin mulozim-do'stlarining o'g'ir damlarda unga qilgan muomalasidan ularning asl yuzini ko'radi. Yo'lda panoh istab borgan Fon begi haqida aytilgan quyidagi jumlalarda gap nima haqida borayotganligini fahmlaymiz: "...Fon maliki karam va saxovat va xizmatkorliq va insoniyat bila mashhur va ma'ruf edi... Bizg'a yetganda saxovat bila mashhur bo'lg'on malik xasis bo'lur, muruvvat bila mazkur bo'lg'on elning muruvvati unutular. Xisravshoh kim, saxovat va karam bila ma'ruf va mashhur edi. Badiuzzamon mirzog'a ne nav’ xizmatkorliqlar qilg'oni mazkur bo'ldi. Yana Boqi tarxong'a va o'zga beklarga asru ko'p insoniyat va baxshishlar ko'rsatti. Ikki navbat aning viloyatidin uburumiz (orqali o'tishga) voqe bo'ldi. Bizning abnoyi jinsimiz (xonadonimiz ahli) demayki, adno (eng past) navkarlarimizga qilg'on insoniyatni (odamgarchilikni) bizga qilmadi, balki navkarimizcha bizni ko'zga ilmadi" [2, 135].

O'z yurtidan ayrilgan shoh endi Kobul sari yo'lga tushadi. Yo'lda uni qanchalik xavf-xatarlar kutishini bilib, tayyor turadi. Bobur mard. U ayni damda taqdirning berayotgan zarbalarini kulib qarshilaydi. Orqasidan ergashgan sodiq navkarlari bilan Qandahordan o'tib Kobul sari otlanadi. Bobur 1506-1507-yil voqealarini bayon qilar ekan, tarixiylik nuqtai nazaridan yondoshib, badiiylikka ham keng urg'u berib o'tadi. Qandahordan o'tish paytlarida kuchli qor yog'ib, yo'lni to'sganligi sababli yo'lboshlovchining yo'lni yo'qotib qo'yishi, havoning naqadar izg'irinligi, Boburning o'zi beligacha keladigan qorni tepib yo'l ochishida naqadar mashaqqatlar chekkanini o'ylab, "muddatul-umr muncha mashaqqat kamroq tortilib edi" [2, 328], deya charx-u falakka murojaat etishi quyidagi o'tli misralar orqali tasvirlangan:

"Charxning men ko'rmagan javr-u jafosi qoldimu?
Xasta ko'nglim chekmagan dard-u balosi qoldimi?" [2, 329].

Bundan ko'rinadiki, uch marta Samarqandning qo'ldan ketishi, nafaqat Samarqand, balki Temur bunyod etgan Turon elidan batamom chiqib ketib, o'zga yurtlardan panoh topish o'g'irligi buyuk shohning qaddini bukadi. Bu holat "zolim" falakka qarab qilgan murojaatida aks etadi.

Mirzo Bobur Kobulni fath etgandan so'ng, Kobulning jamiki geografik iqlimini, tog'u-adirlarini, viloyat-u tumanlarini, hayvonot-nabotot olamini o'zgacha chizgilarda batafsil bayon etadi. Mamlakatdagi aholining turmush tarzi haqida ham ma'lumot beradi. O'lkadagi Gulbahor, Boron, Choshtuba tog' etaklari haqida ilmiy faktlarni keltiradi. Bu geografik obyektning o'ziga xosligini alohida qayd etib o'tadi. Bahor oyida mulozimlari bilan shu hududlarga aylanishga chiqadi. Gulbahor tog'i etagida ochilgan qip-qizil lolalarni ko'rib hayratlanadi. Shu o'rinda bu lolalar haqida qisqacha ilmiy dalillar keltiradi: "... Bahorlar Boron yozisi va Choshtuba dashti va Gulbahor domanasi bisyor xo'b bo'lur. Sabzasi Kobul viloyatining o'zga yerlarig'a boqa, xeyli yaxshi bo'lur, turluk-turluk lolalar ochilur, bir qatla anvoyini buyurdimkim, sanadilar, o'ttiz to'rt nav' lola chiqti" [2, 343] hamda xalq tomonidan bu vodiy haqida berilgan ta'rifiy baytni keltiradi:

Sabza-u gullar bila jannat bo'lur Kobul bahor,
Xossa bu mavsumda Boron yozisi-yu Gulbahor [2, 343].

Bu turfa gullardan ilhomlangan nozik qalb egasi " ushbu sayr kelganda bu g'azalni tugatdim" [2, 343] deya, o'z g'azalidan bir bayt keltiradi:

Mening ko'nglumki gulning g'unchasidek tah-batah qondur,
Agar yuz ming bahor o'lsa ochilmog'i ne imkondur? [2, 343].

Shoir Bobur bu baytida tashbeh san'atidan mohirona foydalanadi. Ko'nglini adirda ochilgan qip-qizil lolalarning g'unchasiga o'xshatadi. Ammo g'azalda gulning rangini tilga olmaydi. Gulning qizilligini qonga o'xshatadi. O'xshatilayotgan qip-qizil qon yanglig' g'unchani ijodkor o'z ko'ngliga qiyos qiladi. Sababi, ijodkor o'zini g'arib sezadi. Tug'ilib o'sgan ona tuprog'ini tashlab, o'zga ellarda firoq chekib yurishi, yaqinlarining xiyonati, musofirlik, muhojirlik shoir Bobur qaddini bukadi. Uni ich-ichidan g'am chekishga mahkum etadi. Butun umr Vatan sog'inchi bilan yashash kabi qismat uni aslo tark etmaydi. Ikkinchi misraga e'tibor bersak, shoh va shoir Bobur nima deyayotganini tezda anglaymiz. Agar yuz ming bahorlar qaytib kelsada ochilmog'i gumondir, chunki u yurtidan olisda. Taqdirida yana Andijonga borish nasib qiladimi, yo'qmi?, buni bilmaydi. Kitobxonga shu narsa ayon bo'ladiki, ko'ngil qachon xotirjam bo'ladi? Inson ko'ngli Vatanida tinch-xotirjamlikda, yaqinlari bag'rida, tani-joni sog'-salomatlikda yashasagina shunda o'zini baxtiyor his qiladi. Ammo bu kabi tuyg'u Boburga bir umrlik armon bo'ldi. Chorasizlik dardiga mubtalo bo'ldi. Boburning vataniga qaytish orzusi ushalmadi. Davlati va saltanati uni umr bo'yi chet elga bog'lab qo'ydi. Binobarin u quyidagi misralarda yurt sog'inchi, Andijonga qaytib bora olmaslik armonini yurak qoni ila qog'ozga tushiradi.

Keldim bu sori o'z ixtiyorim birla,
Lekin borurimda ixtiyorim yo'qdur.

Ushbu misrada shohning yurtida mustahkam davlati yo'qligi, katta, mustahkam davlatga ega bo'lganda esa yurti yo'qligini o'zining ixtiyori va ixtiyorsizligiga buradi, shu sababli uni qayg'u va hasrat chulg'ab oladi. O'z orzusidagi buyuk davlatni o'z yurtida emas, begona yurtlarda qurganining alam nadomatlari uning qator mungli she'rlarida, ruboiylarida o'z ifodasini topadi. Yaxshiyamki, Boburga taskin beradigan ijodi va doimiy suyanadigan yaqinlari uning g'arib ko'nglini biroz bo'lsada ko'tarishadi.

O'zga yurtda hukmdorlik qilganida ham doimo o'z yaqinlari, volidasi Qutlug' Nigorxonim va sadoqatli navkari Qosimbekning foydali maslahatlariga quloq tutib yurtni boshqardi. Mamlakatda adolat tamal-toshini o'rnatdi. Har ishni qilishda bobosi Temur singari yo'l tutdi. Zero Temur o'z tuzuklarida shunday degan edi: "Har mamlakatda adolat eshigini ochdim, zulmu-sitam yo'lini to'sdim" [1,19]. Mirzo Bobur ham doimo bobosi pand-nasihatlariga amal qildi. Har bir ishni qilishdan oldin ishonchli navkarlari bilan mashvarat o'tkazdi. Yoshi ulug' vazir-u navkarlarining gaplariga quloq tutdi. O'zining "Vaqoe"sida har bir navkarining fe'l-atvori, sadoqati, alohida xislati haqida to'xtalib o'tdi. 1507-1508-yil voqealarini tasvirlar ekan , tadbirli va siyosatli kishilar haqida o'z fikrlarini bayon etadi. Ya'ni Samarqanddan Boburning iziga tushib, Hirotdan uni ta'qib etib, Qandahorda fath etmoqchi bo'lgan Shayboniyxon istagini, uzoqni ko'ra biladigan, ko'p yillik tajribaga ega Qosimbek tezda fahmlaydi. Natijada hukmdori Boburni zudlik bilan bu xavfli yerdan ko'chirtiradi. Bu haqida muarrix quyidagi tarixiy faktlarni keltiradi: ".... Shayboqxon Hiriydin tog' yo'li bila meni Qandahorda xayol qilib, Qandahor ustiga ilg'ar (yuradi), ushmuni (shuni) mulohaza qilib, Qosimbek tajribaliq kishi muhassilliqlar (o'ljalar) bila Qandahordin bizni ko'churdi" [2, 362]. Yana yaxshi tadbirli Qosimbekka Boburning quyidagicha ta'rifi keltirilgan: "Qosimbek chun hisob bilur (uzoqni ko'ra oladigan, ehtiyotkor) kishi erdi. Qandahor navohisida ko'p turarimizni saloh (ma'qul) ko'rmay, ayta-

ayta muhassilliqlari bila ko'chturdi" [2, 362]. Buyuk muarrix Qosimbek haqida tarixiy faktlarni keltirish bilan birga ozgina badiiylikka ham urg'u berib o'tgan. Ehtiyotkor Qosimbek haqida bildirgan fikrlaridan tashqari xalq tomonidan bildirilgan quyidagi baytni ham keltiradi:

Har chi dar oyina javon binad,
Pir dar xishti puxta on binad [2, 363].

Mazmuni: Yosh kishi oynaga qarab ko'rgan narsani keksa odam pishiq g'ishtga qarab ko'ra oladi [3, 208]. Bundan ko'rinadiki Bobur nafaqat muarrix balki, juda kuchli ijodkorhamdir. Sababi, yozilayotgan "Voqeanoma"da faqat tarixiy-ilmiy fikrlarni keltiribgina qolmay, asarning yanada ishonchli chiqishida, mutolaa qilayotgan kitobxonni zeriktirmaslik maqsadida badiiylikka ham keng o'rin beradi. Boshiga tushgan mushkul kunlarni, turli harbiy yurishlarni tasvirlashda xalq og'zaki ijodi namunalariga ham bir muncha tayanadi. Masalan, muarrix 1499-1500-yil voqealarini qalamga olar ekan, avvalo, shu paytda bo'layotgan harbiy to'qnashuv haqida gapirib o'tadi. Ya'ni shu paytda Bobur boshliq qo'shinga uning ishongan navkarlari: Qosimbek, Alido'st, Sayyidqosimlar o'z qo'shinlari bilan kelib qo'shiladilar. Ular birgalashib Ahmad Tanbal ustiga yurishga qaror qiladilar. Xo'jand hokimi Qambarali Tanbalga ishonib, unga ko'makka Axsi viloyatiga boradi. Ming afsuski, Tanbal dushmanlik yo'liga kirib, va'daga vafosizlik qiladi. Axsiga Qambaralini qo'lga olib, viloyatining ustiga qo'shin tortadi. Bobur bu haqda avval tarixiy haqiqatni keltirib so'ng gapining isboti sifatida turkiy maqoldan namuna keltiradi: "Qambar Ali o'z viloyati Xo'jantdin Tanbalg'a e'timod (ishonib) qilib cherik maslahatini so'zlasha Axsig'a kelur. Bu voqea bo'lg'och, Tanbal ani band qilib (qo'lga olib) olib viloyatlarining ustiga yurur. Ul bir turkiy masal bordurkim, "Inonmag'il do'stungg'a, somon tiqar po'stungg'a" [2, 129]. Ahmad Tanbal ham vafosizlik qildi. Mirzo Bobur turkiylarda uchraydigan "Ishonmagil do'stingga, samon tiqar po'stingga" [3, 100] maqolini shu sababli keltirdi.

Haqiqatdan ham vafo, sadoqat tushunchalari eng oliyjanob, insoniy xislatlar sirasiga kiradi. Zero, Hazrat Navoiy ta'biri bilan aytganda: "Bas, kishigina hayotning lazzati yor ekan, umr degan yori vafodor ekan. Vafo odatidin uzoq odam ziyosi yo'q shamning o'zginasidir. Ziyodan ozuqasi bo'lmagan sham esa go'yoki o'tsiz ziyo, nuri bo'lmag'on bir muz parchasidir. Vafosi bo'lg'on kishinigina yor desa bo'ladi. U xuddi umr kibi vafodordur" [6, 45]. Buyuk sarkarda Bobur ham insonlarni sadoqatiga qarab tanlagan. Unga xiyonat qilganlarni aslo kechirmagan. Ularni taqdir hukmiga topshirgan. Yuqorida aytganimizdek, 1499-1500-yil voqealarini bayon etar ekan, Tanbalni ochiqchasiga o'ziga dushman bilib uni vafosizligini aytadi. Ammo yaqin navkarlarining xiyonatini, ikkiyuzlamachiligini kutmagan Bobur bu voqealardan lol qoladi. Xususan bu haqda quyidagi tarixiy haqiqatni bayon etadi. "Ali Do'st zaif bo'lur edi...Tanbalni orqalanib manga va mening davlatxonalarimg'a jafo va azoblar qilur edi....Ali Do'st va Muhammad Do'st o'shul ruxsat olg'on bila Tanbal qoshig'a bordilar. Tanbalg'a muqarrab (yaqin) bo'lub, g'alaba yog'iyliqlar va yamonliqlar bu otaliq (ota), o'g'ulliqdin (o'g'il) zuhrga keldi. Bir-ikki yildin so'ng Ali Do'stning ilgiga qort (kuydirgi) chiqib o'ldi....Muhammad Do'st qochib, Andijonning ko'h poyalarig'a borib yog'iyliqlar va fitnalar angiz qildi. Oxir o'zbak iligiga tushti. Ko'zlarini ko'r qildilar: "Ko'zlarini tuz tutti"ning bu ma'nisi bor emish" [2, 131]. Bundan ayon bo'ladiki, Ali Do'st va Muhammad Do'st ota-bola o'z qo'shinlari bilan Bobur qo'shini safida yurishgan. Undan ruxsat so'rab, Tanbalga borib qo'shilishgan. Boburning qilgan yaxshiliklariga yarasha yomonliklar bilan javob qaytargan bu ikki ojiz bandaning umri zavolga yuz tutgan. Bobur bu ikki manfurni o'ldirsa ham bo'lardi. Ammo bu gumrohlarni falakning ilkiga topshirgan. Qarangki, Ali Do'st qo'liga kuydirgi chiqarib vafot etgan bo'lsa, Muhammad Do'st o'zbeklar tomonidan ko'zlari ko'r qilinadi. Shu o'rinda muarrix Mirzo Bobur bu voqeaga dahldor xalq naqlidan iqtibos keltiradi. "Ko'zlarini tuz tutdi" maqolini eslatib o'tadi. Do'stning qilgan ishlariga javoban dushmanlarning holi ne bo'lganini ochiqchasiga bayon etadi.

Ko'ngli yurti firoqida o'ksik Bobur, hamisha Olloh inoyatidan ega bo'lgan davlatlarini obod qildi. Shu eldagi insonlarni doimo bir ko'z bilan ko'rdi. Mehmon va musofir beklarni , shu davlat yigitlarini andijonliklardan ortiq ko'rib avayladi. Boburning bunday oliyhimmatliligini quyidagi jumladan bilib olamiz: "... tengri taolo davlate berdi, mehmon va g'arib beklarni va yigitlarni boyrilardin (tarbiyalaganlarim) va Andijoniylardin ortuqroq va yaxshiroq ko'rdum. Bovujud ajab baloyedurkim, hamisha el meni g'aybat qilurlarkim, boyiridin va Andijoniydin o'zgani rioyat qilmas. Masal borkim: "Dushman ne demas, tushga ne kirmas", "Darvozayi shahrro tavon bast, notavon dahani muxolifon bast" [2, 243]. Yuqoridagi jumlalardan shunday xulosa kelib chiqadiki, Bobur nafaqat jismonan baquvvat, aqlan yetuk, keng mulohazakor bo'lishi bilan birga u ,ayni paytda, oliyjanob, karam va saxovat egasidir. Fikri xayoli egallagan davlat aholisi va o'zi bilan ergashgan andijonliklarni doimo bir ko'zda ko'rish va ular o'rtasida muxolifat keltirib chiqarmaslik. Har bir ishni adolat tamoyili asosida bajaradi. Boburning maqsadi

zulm va sitam bilan ezilgan xalqni to'g'ri yo'lga boshlashdir. U egallagan o'lkalarini talash, mamlakat xazinasidagi dur-u javohirlarni o'z hisobiga undirishni niyat qilmaydi. Mamlakat mustahkamligi, sarhadlarining daxlsizligi uchun astoydil kurashadi. Ot chiqarish, nom qoldirish, ismini ulug'lash uchun qo'l bilan etaklab gavhar sochmaydi. Yig'ilgan mablag'larni xalq turmushi, obodligi yo'lida sarflaydi. U chinakamiga odil podshoh. Hazrati Navoiy asarlaridagi odil podshoh siyrati Bobur faoliyatida o'z su'ratini ko'rsatadi. Zero Navoiy: "...Odil podshoh haqdin xaloyiqqa rahmatdur va mamolikka mujibi amniyat va rafohiyatdur", – deya ta'kidlaydi. [5, 10]. Ming afsuski, Bobur hammaning ham ko'ngliga birdek yo'l topa olmadi. Ayrim o'rinlarda uni noto'g'ri angladilar. Egallangan yurt aholisi Boburga o'zi va andijonliklardan tashqari boshqani o'ylamaydi, deb g'iybat gaplarni aytib, ta'na-malomat toshlarini yog'dirigan vaqtlar ham bo'ldi. Shu sababli Bobur achinish, o'ksinish bilan tarixiy haqiqatni aytib, o'z asarida turkiy va forsiy maqollardan ham namuna keltiradi. Dastlabki maqol turkiy xalq og'zaki ijodidan "Dushman ne demas, tushga ne kirmas" bo'lsa, keyingi maqol fors ijodidan olingan bo'lib "Shahar darvozasini yopib bo'ladi, dushman og'zini yopib bo'lmaydi". Bu ikki maqolning zamirida bir xil ma'no yotadi. Ya'ni shoh qanchalik urinmasin, dushman baribir dushman. Yot elni egallab, u yerda oltin sochsa ham baribir o'sha yer aholisi unga begona. Shohni esa ana shu "begonalik" hissi qiynaydi. Sababi, o'z eli turib, o'zga elda sulton u. Shuning uchun ham, ba'zi bir insonlar tomonidan o'ylamay aytilgan gaplar buyuk shoh, nozikta'b shoirning qalbini yaralaydi. Nima bo'lganda ham uning butun fikri xayoli o'zi bilan birga bir safda turib ne-ne mashaqqatlarga bardosh bergan, o'limni bo'yniga olib, yurt kezib, jon chekib kurashlarga kirgan safdoshlarida, sodiq do'stlarida. Doimo ularni o'ylaydi. Jumladan: buyuk sarkarda 1506-1507-yil voqealarini qalamga olar ekan, avvalo, o'sha davrdagi tarixiy voqealarni bayon etadi. Ya'ni, yuqorida zikr etganimizdek, Bobur va uning safdoshlari izg'irin qishda Qandahor orqali Kobulga yo'lga otlanishadi. Havo chunonan sovuq ediki, odamni ko'z ochirishga qo'ymas edi. Qor shunaqangi ko'p yog'gan ediki, kishini yarim beligacha g'arq qilardi. Aksiga olib yo'lboshlovchi izini yo'qotib qo'yadi. Bobur oldinda, orqada boshqa safdoshlari qor tepib yo'l ochishardi. Shu paytda, qor tepishdan horigan Boburga safdoshlari g'orga kirib, isinib turing deyishadi. Bobur esa bularga rad javobini beradi. Muallif tilidan aytilgan quyidagi jumladan buyuk sarkarda Boburning naqadar oriyatli ekanligi, xalq dardi bilan yonishi, insonparvarligiga yana bir-bor amin bo'lamiz. "... Har necha dedilarkim, havolg'a (g'orga) boring, bormadim. Ko'ngulga kechtikim, borcha el qorda va chopqunda (bo'ronda), men issiq uyda va istirohat bila munda borcha ulus tashvish bila mashaqqatta, men munda uyqu bila farog'atda. Muruvvattin yiroq va hamjihatliqdin qiroq (yiroq) ishdur. Men ham har tashvish va mashaqqat bo'lsa ko'rayin, har nechuk el toqat qilib tursa turayin, bir forsi masal bor: "Marg bo yoron surast" ("Do'stlar bilan birgalikdagi o'lim to'ydir") " [2, 330]. Bu fikrlardan shuni bilib olish mumkinki, Bobur haqiqiy oliyhimmat inson. U hech qachon o'zi jonining rohat-farog'ati uchun kurashmaydi. Garchi temuriyzoda shoh bo'lsa ham doimo o'zini oddiy xalq bilan barobar ko'radi. "Boburnoma"da tarixiy haqiqatni bayon etishi bilan birga, xuddi shu jaronni ifodalash uchun keltirgan forsiy maqoli, " Do'stlar bilan birgalikdagi o'lim to'ydir " asarning yanada badiiy qimmatini oshirgan va Boburning naqadar rahm-shafqatli inson ekanligini yana bir marotaba ko'rsatishga xizmat qilgan.

"Boburnoma" matni ustida samarali ijod qilgan olim Natan Malllayev bu asarning g'oyat yetuk badiiy xususiyati to'g'risida quyidagi mulohazalarni bayon etadi: "Bobirnoma"ning asosiy tasvir obyekti tarixiy voqealardir. Biroq Bobir tarixiy voqealarni sanab o'tish yoki ular haqida ma'lumot berish bilan cheklanmaydi, balki u tarixiy voqealarning manzarasini, tarixiy shaxslarning portreti va xarakterini, tabiat lavhalarini chizib beradi, maroqli va jozibali badiiy uslub bilan turli xil sarguzashtlarni, rivoyat va latifalarni hikoyat qiladi. Xalq yumori, xalq maqollari va ta'birlari bilan, she'riy parchalar bilan o'z asarini bezaydi, turli xildagi badiiy uslub va til vositalaridan foydalanadi. "Bobirnoma"dagi voqealar turli situatsiya va konfliktlar bilan rivojlanib boradi, voqealar bir butun kompozitsiya: ekspozitsiya, kluminatsiyava yechim atrofiga uyushadi, voqealar ularning ko'pida bevosita yoki bilvosita ishtirok etgan Bobirning o'z obrazi orqali bir-biri bilan ulanadi, o'ziga xos sujet chizig'ini yaratadi. Shuning uchun ham "Bobirnoma" juda yengil o'qiladi, kitobxonni o'ziga jalb va maftun etadi " [4,596].

Haqiqatdan ham Bobur buyuk iste'dod sohibi, yuksak ijodkor. U qomusiy asari "Boburnoma"da tarixiylik, ilmiylik nuqtai-nazaridan yondoshishi bilan birga, badiiylikka ham katta e'tibor qaratdi. Asarda turli ilmiy faktlar bilan bir qatorda nazmning kichik-kichik namunalarini ham istifoda etdi. "Voqeanoma"da ham ana shunday to'rtliklardan namuna keltirdi. Asarda obrazlarning samimiyligi va tabiiyligi bilan kishini hayratga qoldiruvchi, badiiy sodda, ravon, musiqiy, tili boy, rangdor jumlalar yaratdi. "Boburnoma"da keltirilgan g'azallarda o'y va fikr, his va tuyg'u, tasvir va tavsif, so'z va musiqiylik bir-biri bilan uzviy bog'lanib boradi. Tasvirlanayotgan har bir voqea-hodisaga nisbatan o'z munosabatini

ifoda etish maqsadida ijodidan nozik namunalar keltirdi. Asarda nomi tilga olingan har bir shaxslarga xolis baho berdi. Ularning xilma-xil ichki kechinmalarini, shodligi va qayg'usini, orzu va armonini, tolei va taqdirini o'ziga xos badiiy bo'yoqlar bilan tasvirladi. Kitobxonning ko'z o'ngida jonli obrazlar yaratdi, tabiat lavhalari va turli manzaralarni xuddi bir rassomday chizdi. Umuman olganda, "Boburnoma" ni turkcha prozaning eng yaxshi asarlaridan biri" [4,596] deb aytsak hech yanglishmaymiz . Asar, shubhasiz, tarixiy, ilmiy, badiiy qimmatga ega bo'lgan nodir adabiy manbaa sifatida tarixchi, adabiyotshunos, tilshunos, etnograf, tibbiyot, jug'rofiya va boshqa bir qator soha mutaxasislarga qimmatli ma'lumotlar bera oladigan bebaho ma'naviy xazinadir.

Adabiyotlar

1. Аҳмедов Б. Амир Темур ўгитлари. – Тошкент: "Ўзбекистон", 2007. – Б. 29.
2. Bobur Z.M. Boburnoma. – Toshkent: "Yangi asr avlodi", 2015. – 699 bet.
3. Bobur. Z.M. Boburnoma (V. Rahmonov, K. Mullaxo`jayeva tabdili ). – Toshkent: "O`qituvchi" nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2017. – 366 bet.
4. Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи. – Тошкент: "Ўқитувчи", 1976. – 663 б.
5. Навоий А. Асарлар. 15 томлик, 13-том. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1966. – 242 бет.
6. Navoiy A. Xamsa. – Toshkent: Yangi asr avlodi, 2015. – 493 bet.



Zebiniso AHMADOVA
Buxoro davlat universiteti
tarix ta'lim yo`nalishi 3-bosqich talabasi

ODAM ALAYHISSALOM TARIXI

Maqolada muallif Alisher Navoiy, qalamiga mansub "Tarixi anbiyo va hukamo" asari tarkibidagi Odam alayhissalom qissasining tarixiy, ilmiy, axloqiy-tarbiyaviy, ma'naviy-ma'rifiy qimmatini yoritishga harakat qilingan.

Tayanch tushunchalar: *Bulbashar, Safiyulloh, Jabroil, Isrofil, Azroil, tuproq, ezgulik, yovuzlik, bug`doy, Odam, Havo, Iblis, Arafot, dehqon, dehqonchilik, Qobil, Iqlimo, Hobil, Jinoyat, Shis, Sharafiddin Ali Yazdiy, nafs, riyozat, sabr, jism, ruh, xalq, Vatan, tarixshunoslik.*

В статье автор старается освятить исторические, научные, нравственно-воспитательные, политически-образовательные ценности повести «Одам алайхиссалям» входящие в структуру произведения Алишера Наваи «Тарихи анбиё и хукамо».

Опорные понятия: *Булбашар, Сафиуллах, Жабраил, Исрафил, Азраил, земля, доброта, злодейства, пшеница, человек, воздух, чёрт, Арафат, дехканин, дехканство, Кабыл, Иклима, Хабил, преступление, Шис, Шарафиддин Али Язди, страсть, терпение, тело, дух, народ, Родина, историк.*

In this article the author tried to cover the historical, scientific, educational, ethical, moral, spiritual values of the story Adam in the book "Tarikhi anbiyo and khukamo" by Alisher Navoi.

Supporting concepts: *Bulbashar, Safiyulloh, Jabroil, Isrofil, Azroil, soil, good, deed, evil deed, wheat, Adam, Air, Devil, peasant, agriculture, Kobil, Iklimo, Khobil, crime, Sharafiddin Ali Yazdi, soul, patience, body, spirit, folt, motherland, historiography.*

Hazrat Alisher Navoiyning umumiy tarixga oid asari olimlar tomonidan "Tarixi anbiyo va hukamo" deb yuritiladi. Muallifning o'zi asarning tarkibi va tuzilishi haqida quyidagicha ixcham ma'lumot bergan.

Chun mo'tabar anbiyo so'zi topti savod,
Ubbod ila hikmat ahlin ettuk bunyod [2, 186].

Asar matni mamlakatimiz mustaqillikka yuz tutishi munosabati bilangina to'liq chop etildi. Istiqlol yillariga qadar adabiyotshunos olima Tamilla G'afurjonova "Tarixi anbiyo va hukamo" haqida maxsus maqola e'lon qildi, xolos. Ushbu maqola 5 jildlik "O'zbek adabiyoti tarixi" kitobining 2-jildida, 453-457-sahifalarida chop etilgan. Istiqlol yillarida akademik Aziz Qayumov va professor Rahim Vohidovlarning kitoblarida "Tarixi anbiyo va hukamo" adabiyotshunoslik yo'nalishida o'rganilgan. Biroq hozirga qadar mazkur asar tarixshunoslik nuqtai nazaridan tadqiq qilingan emas.

"Tarixi anbiyo va hukamo"ni Alisher Navoiy "Odamning yaratilishi haqidagi hikoyadan boshlaydi. Shuning uchun ham asar "Bismilloh…"dan keyin "Odam salavatulloh alayh xilqati" degan sarlavha vazifasidagi ifoda bilan ochiladi. Navoiy yozishlaricha, Odamning kunyati Bulbashar, ya'ni butun insoniyatning otasi, laqabi esa Safiyullohdir. Haq subhonahu va taolo uni tuproqdan paydo qilishni iroda qiladi. Makka bunyod etiladigan yerdan tuproq olib kelish uchun Jabroil farishtani yo'llaydi. "Agar yaratiladigan odam noshoyista ish qilsa, men qanday javob beraman", - degan hadik bilan yer o'z bag'ridan tuproq bermasdan, ont ichirib Jabroilni ortiga qaytaradi. Alloh tomonidan birin-ketin yuborilgan Jabroil va Isrofil ham quruq qaytadilar. Faqat Azroil bu topshiriqni ado etadi: "Azroilg'a buyruq bo'ldikim, yerdin tufroq kelturgay. Yer Azroilg'a ont bergandan so'ngra Azroil ayttikim, Haq subhonahu va taoloning amri sening ontingdan yuqoriroqdur" [2, 99].

Yer yuzidan olib kelingan bir hovuch tuproq yaratuvchining amri bilan jannatga qo'yiladi va uning ustiga qirq kun rahmat yomg'iri yog'diriladi. Alisher Navoiy shundan so'ng Haq subhonahu va taolo birinchi insonning loyini qirq kun o'z qudratli qo'li bilan qorib, Odamni yaratganini va barcha farishtalar Alloh hukmi bilan Odamga sajda qilganini Qur'oni karimdan keltirilgan oyati karimalar orqali asoslaydilar. Faqat asli jinlardan bo'lib, ko'p toat qilib maloika maqomiga erishgan Iblis Haq amriga itoat qilmaydi. Ulug' muarrix Odam va Shayton o'rtasidagi ziddiyat ana shu nuqtadan boshlanganligi, ezgulik bilan yovuzlik , odamiylik

bilan makr orasidagi bu ayovsiz qarama-qarshilik abadiy ekanligi, qiyomatga qadar davom etishiga o'quvchi e'tiborini tortadi.

Havoni Odamning so'l tomonidan yaratgan Parvardigor "Odam o'z jufti bilan behishtda sokin bo'lsin", – deb amr qilar ekan, ularga bug'doy yemoqni man qiladi. Alisher Navoiy yemak ta'qiqlangan mevalar ba'zi manbaalarda uzum, ba'zisida anjir ekanligini qayd qilib o'tadilar. Odamga nisbatan g'ayirligi sababli abadiy tavqi la'natga mahkum qilingan Shayton ilon vositasi bilan jannatga kirib, uning qalbiga bug'doy yemak vasvasasini soladi. Iblisning ana shunday xusumati tufayli Odam va Havo jannatdan chiqarilib, yer yuziga tushiriladi. Alisher Navoiy talqinicha, odamning behishtdan chiqarilishi faqat Iblisning makri bilan bog'liq emas: "… chun irodatulloh munga joriy bo'lub erdikim, olam yuzin Odam avlodi tutqay" [2, 100]. Odam avlodlari yerda yoyilishi, ko'payishi zarur edi, shuning uchun ham yaratuvchining o'zi bu ishni iroda qildi, – deya ta'kidlaydi, ulug' mutafakkir.

"Tarixi anbiyo va hukamo" da yozilishicha, Odam va Havo dastlab Hindiston yeriga bir-birlaridan ayru tushdilar. Odam Makkaga kelgach, Arafot vodiysida Havo bilan uchrashadi. Odam va Havo yerda ilk marta uchrashgandan so'ng bu joy Arafot nomini oladi. Odam alayhissalom shu yerda Ka'bani bunyod qiladi. Voqealarning davomini asardan o'qiymiz: "Dag'i Hindiston sari azimat qildilar. Va Jabroil a.s. hubobot keltturub, Odamg'a qo'sh surub, ekin ekmak qoidasin o'rgatti" [2, 100]. Ko'rinadiki, o'nlab kasblar bor, biroq dehqonchilik Inson zoti o'rgangan eng dastlabki hunar. Dehqonchilik – ilohiy hunar, chunki qo'sh surib, ekin ekmakni Odamga Allohning amri bilan Jabroil farishta o'rgatdi.

Alisher Navoiy ixcham bir jumlada dehqonchilik kasbini ilohlashtiradilar. Ulug' mutafakkir dahosidan so'nggi yodgorlik "Mahbubul – qulub " tarkibidan o'rin olgan "Dehqonlik zikri" dagi 31-fasl "Tarixi anbiyo va hukamo"dan keltirilgan ixcham jumlaga sharh vazifasini o'tay oladi. Alisher Navoiy mazkur faslda butun olamning ma'murligi, nafaqat inson, balki nafas olib turgan barcha jonzotlarning tirikligi dehqon mehnati tufayli ekanligini chuqur asoslaganlar. Eslatganimiz fasl "O'z kasbini halollik bilan ado etgan dehqon Odamning farzandi, chin ma'nodagi o'rinbosaridir, yo'q-yo'q aslida dehqon mehnatidan bahramand bo'lganlar unga farzand, u esa Odami Safiullohdir," – mazmunidagi jumla bilan xotima topgan. Xullas, "Tarixi anbiyo va hukamo"da hikoya qilinishicha, Odam qo'sh surib, ekin ekadi, Havo esa olam yuzini Odam avlodi tutishi uchun har safar Odamdan homilador bo'lganida ikki farzand keltiradi: bir o'g'il, bir qiz. Bu o'g'ilga yana bir qorindan keyin tug'ilgan qizni berar edilar, orada farq bo'lishi va yana qiz o'g'ildan yoshroq bo'lishi uchun.

Qobil bilan Iqlimo bir vaqtda tug'ilgan edilar. Qat'i qoidaga binoan Iqlimoni undan oldin tug'ilgan o'g'il Hobilga bermoqchi bo'ladilar. Ammo Qobil bunga ko'nmaydi. Iqlimoni o'zi olmoqchi bo'ladi. Odam alayhissalom muammoni adolatli hal qilish uchun ikkoviga qurbonlik qilishni buyuradilar. Hobilning qurbonligi qabul tushib, Iqlimo unga nikohlanadi. Voqealarning davomini asardan o'qiymiz: "Qobil xusumat jihatidin Hobildek qarindoshkim, saburi jamol va ma'naviy kamol ila orasta erdi va Odam a.s ani bag'oyat sevar erdi, halok qilib, Odamni aning firoqida mubtalo qildi. Avval kishikim, nohaq qon qildi, Qobil erdi. Chun andin burun hech kishi o'likni ko'rmaydur erdi" [2, 100]. Yer yuzida birinchi jinoyat yuz beradi; odam o'ldiriladi. Qilib qo'ygan ishidan qattiq ta'sirlangan Qobil nima qilishini bilmas, akasining jasadini qo'lida ko'tarib yurar edi. Haq subhonahu va taolo ikki farishtani qarg'a suratida Qobilning qoshiga yuboradi. Qarg'alar bir-biri bilan urishib, biri hamrohini o'ldiradi. Qotil qarg'a yerni tirnab, tumshug'i bilan qazib maqtulni dafn qiladi. Qobil ham buni ko'rgach, go'r qazib Hobilni ko'madi. Shu bilan o'likni ko'mmoq rasm bo'ladi. Odamning suyukli farzandi Hobil hajrida tortgan musibati cheksiz edi. Haq taollo unga Shis a. s ni yetkazadi. Shisga bo'lgan mehr Odamning Hobil dardida tortayotgan iztiroblarini biroz yengillashtiradi. Iqlimoni Shisga nikohlab beradi va o'rniga uni valiaxd qilib tayinlaydi. O'zi vafot etadi. Odam vafotidan so'ng ba'zi manbaalarda uch kun, ba'zi kitoblarda yetti kundan keyin Havoga ajal yetkanligi qayd qilinadi, deydilar Navoiy. Shu o'rinda "Mavlono sharaful millativaddin" deya Sharafiddin Ali Yazdiy nomini ehtirom bilan tilga olar ekanlar, "Zafarnoma" muqaddimasida Odamni Shis Hindistonda dafn qildi, deb yozilganligini qayd qiladilar.

Alisher Navoiyning umumiy tarixga oid asari "Tarixi anbiyo va hukamo"ning "Odamning yaratilishi" qismidan hozircha quyidagi dastlabki xulosalarga kelish mumkin:

1. Inson hali yaratilmasdan turib, yaratilishi uchun tayyorgarlik boshlangan lahzadayoq qattiq qarshilikka uchradi. Yer o'z tuprog'ini bermadi. O'zidan yaratilajak mavjudoddan nomaqbul ish sodir bo'lsa, xatoning sababchisi bo'lib qolishdan qo'rqdi. Shunday bo'lsa – da, Alloh uning tuprog'i ustiga qirq kun rahmat yomg'irini yog'dirib, loyini o'z qo'li bilan qorib, Odamni yaratdi. Inson zotining asli shunday Ilohiy Izzatga loyiq ko'rilgan ekan, Odam Ato farzandlari Yer yuzida nomunosib ishlar qilishdan saqlanishi, o'z sharif zotiga dog' qo'ndirmasligi, faqat ezgu amallar bilan band bo'lishi zarur.

2. Ming yillar davomida farishtalarga peshvolik qilgan Iblis inson tufayli oliy dargohdan quvildi. Manguga tavqi la'natga duchor qilindi. Shuning uchun ham insonning abadiy va azaliy dushmaniga aylandi. U o'z g'ayirligi yo'lida dastlabki qadamni tashladi. U maqsadini amalga oshirish uchun , eng avvalo, inson tabiatidagi eng ojiz nuqtani bexato topdi. Bu nafs. U odam qalbiga iste'mol qilinishi ta'qiqlab qo'yilgan ne'matni yemak vasvasini soldi. Ana shu lahzadan boshlab nafs Iblisning eng yaqin yordamchisi va xizmatkoriga aylandi. Odam avlodi o'z jismidan mustahkam makon tutgan, Shaytonning yaqin hamkori nafs istaklaridan g'olib kelsagina risoladagidek yashay oladi. Hazrat Alisher Navoiy nasriy asarlarining birida "Odam bila shayton muxolifatin unutma, ota dushmanin o'zungga do'st tutma," – deya ogohlikka da'vat etar ekanlar, inson shayton makrining qurboniga aylanmasligi uchun , eng avvalo, o'z nafsini riyozat bilan zeridast qilishi, ya'ni o'ziga bo'ysundira olishi zarur, deya uqtiradilar [1, 122].

3. Nafsni yengib, shaytonni mag'lub etish g'oyatda mushkul ish. U insondan ulkan sabr-u bardosh, uzluksiz riyozat chekishni talab qiladi. Zero, shayton yo'rig'idagi nafs turli qiyofalarda namoyon bo'lib, insonning dimog'ini qitig'lab, hirsini qo'zg'ayveradi. Bu "odamning yaratilishi" hikoyasida Qobil hayoti misolida ko'rsatilgan. Qobil o'z nafsini idora qila olmadi. Husni tufayli o'z singlisi Iqlimoga moyil bo'ldi. O'rnatilgan qat'i qonunni buzdi. Bu yo'lda otasi nasihatlariga ham quloq solmadi. Og'ir jinoyatni sodir qildi. O'z akasini o'ldirdi.

"Tarixi anbiyo va hukamo" sahifalarida ishora qilinganidek, Qur'oni karim mag'zidagi o'nlab oyati-karimalar insonning asli tuproq, ruhi ilohiy ekanligidan saboq beradi. Jumladan, "Sod" surasining 71-72- oyati karimalaridan o'qiymiz: "Eslang, Parvardigoringiz farishtalarga degan edi: "Albatta, men loydan bir odam yaratuvchidirman. Bas, qachon uni rostlab, unga o'z ruhimdan puflab kirgizganimdan so'ng, unga sajda qilgan hollaringizda yiqilinglar". Millatimiz va Vatanimiz tarixida yorqin iz qoldirgan biron ulug' shaxs yo'qki, uning ruhi-shuurini tuproq o'ziga tortmagan bo'lsa. U tuproqqa intiqlik bilan intilmagan, muqaddas ma'vo sifatida e'zozlamagan bo'lsa. Shayx Ahmad Yassaviyning:

Boshim tufroq, o'zim tufroq, jismim tufroq,
Haq vasliga yetarman deb ruhim mushtoq.

misralari "Odamning yaratilishi" haqidagi tarixga yuksak ishonch namunasi emasmi?! Nega faylasuf shoir Oshiq Vaysal "Tufroqdan ayrilsam qayda qolurman" – deb nido qiladi. Xalqimizning suyukli farzandi G'afur G'ulom ikkinchi jahon urushi janggohlarida otasi shahid bo'lgan go'dakni "Istagan narsangni tayyorlaguvchi, zaminday vazminu, mehnatkash, mushfiq xalq bor, otang bor, cho'chima jigarim" deb yupatadilar. Akademik shoir mas'um bolaning jarohatli qalbiga malham bo'la oladigan buyuk xalqqa yerni, tuproqni eng munosib tashbih sifatida tanlaydi. Ne-ne ulug' farzandlarni bag'riga olib, ardoqlab kelayotgan zamin (tuproq) bilan yetim go'dakni quchog'iga bosib, e'zozlashga qodir mushfiq xalqini dialektik birlikda ko'radi. Ulug' ajdodlarimiz tili va dilida tuproq – Ona tuproq – Vatan , tuproq – Ota, tuproq – Xalq timsolida necha asrlar davomida ulug'lanib kelingan ekan, nega endi biz "Odamning yaratilishi" haqidagi tarixga bir afsona sifatida qarashimiz kerak. Haliyam shunday yo'nalishdagi asarlarni o'rganishda qandaydir hadik bor. "Avliyolarning avliyosi, mutafakkirlarning mutafakkiri" (I.A. Karimov) qalami hadya etgan har bir asar, har bir jumla emas, balki har bir so'z muqaddas ekanligi haqidagi aqidaga amal qilib, biz "Tarixi anbiyo va hukamo"ni qurbimiz yetguncha tarixshunoslik yo'nalishida o'rganishga ahd qildik.

Mamlakatimizda islom svilizatsiyasi markazining ochilishi, Imom al-Buxoriy, Imom Termiziy xalqaro ilmiy tadqiqot markazlari, O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzurida O'zbekiston Islom madaniyati markazi faoliyatining tashkil etilishi, Samarqandda Kalom va Hadis, Qashqadaryoda "Abu Muin an-Nasafiy" nomidagi aqida ilmi maktabi, Buxoroda Mir Arab madrasasi huzurida Bahouddin Naqshband tasavvuf ilmiy maktabining ochilishi kabi o'nlab diniy-ma'rifiy sohadagi islohotlar "Tarixi anbiyo va hukamoni" erkin, mafkuraviy cheklanishlarsiz tahlil qilish uchun oydin yo'l ochadi.

Adabiyotlar

1. Alisher Navoiy. Mahbubul-qulub. – Mukammal asarlar to'plami. 20 jildlik, 14-jild. – Toshkent: "Fan", 1998-304 bet.

2. Alisher Navoiy. Tarixi anbiyo va hukamo. – Mukammal asarlar to'plami. 20 jildlik, 16-jild. – Toshkent: "Fan", 2000-336 bet.



Азиз РАХМОНОВ
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари
университети докторанти

НУТҚ МАДАНИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ – ДОЛЗАРБ УСЛУБИЙ МУАММО СИФАТИДА

Мазкур илмий мақолада нутқ маданиятини ошириш, бўлажак ўқитувчиларда чет тилларида мулоқот қилиш кўникмаларини шакллантириш омиллари тадқиқ этилган. Бундан ташқари, нутқ, мулоқот, маданият тушунчаларига изоҳ берилиб, тил ўрганувчиларда луғатлардан фойдаланиш каби феноменларга алоҳида урғу берилади.

Таянч тушунчалар: *нутқ, нутқ маданияти, мулоқот, нотиқлик, коммуникатив кўникма, этник норма.*

В данной статье рассматриваются развитие культуры речи, факторы развития коммуникативных навыков иностранного языка будущих учителей. Кроме этого, описываются такие понятия как речь, коммуникация, культура и делается акцент на феномен использования словарей в изучении иностранного языка.

Опорные понятия: *речь, культура речи, коммуникация, ораторство, коммуникативный навык, этническая норма.*

This article discusses the development of speech culture, factors of communication skills of foreign language in future teachers. In addition, such concepts as speech, communication, culture are described and emphasis is placed on the phenomenon of the use of dictionaries in the study of a foreign language

Supporting concepts: *speech, culture of speech, communication, public speaking, communication skills, ethnic norm.*

Бугунги кунда таълим соҳасида бир талай ислоҳотлар амалга оширилмоқдаки, бу, ўз навбатида, барқарор қарашларни қайта ўрганиб чиқиш эҳтиёжи пайдо бўлди. Тилни услубий жиҳатдан такомиллаштириш жамият аъзоларининг мулоқот маданияти тўла қонли амалга ошишига замин яратмоқда. Хусусан, тилларни ўқитиш борасида функционал-прагматик ёндашув устунлик қилиб келмоқда.

Бу борада умумий ўрта таълим ва олий ўқув юртларида ўзининг табиий миллий келиб чиқишига асосланган фанларнинг анъанавий номланиши (“Ўзбек тили”, “Рус тили”, “Инглиз тили” ва ҳ.к.) таълим назариясида акс этмайди. Чунки сўнгги йилларда тилларни ўқитиш тамойилларининг ўзи ҳам кескин ўзгаришларни бошидан кечирмоқда, яъни тилни бир тизим сифатида ўргатишдан кўра (масалан, тил ҳақидаги фан асослари), кўпроқ бу тилдан малакали фойдаланиш кўникмаларини шакллантиришга, ўрганилаётган тилдаги матнни муаллиф томонидан мўлжалланган аслий маънода тушуниб етиш ҳамда оғзаки ва ёзма нутқ орқали ўз фикрини тўлиқ, тўғри ва аниқ баён қилишни ўргатишга айланиб бормоқда. Бошқача қилиб айтганда, ўрганилаётган тил кўпроқ “нутқ” маъносида ишлатилиб келинмоқда. Бундай ўзгаришларга бир тарафдан жамиятнинг эҳтиёжи, иккинчи томондан эса мавжуд илмий қарашларнинг ривожланиши (баъзи ҳолларда қайта кўриб чиқилиши) сабаб бўлиб келмоқда.

Шу билан биргаликда, тил ўрганиш компептентлигига эга бўлиш, маълум бир маънода нутқ маданияти даражасини аниқлаб берувчи мулоқот-нутқ малакаси ва қобилиятини шакллантириш ва такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган таълим воситалари ва усуллари тобора долзарб бўлиб бораётганлигидан далолат беради. Ушбу вазифаларни амалга ошириш учун нутқ маданиятини такомиллаштириш зарурлиги кўриниб турибди.

Нутқ маданияти турли жиҳатлардан ўрганилади. Лингвистиканинг алоҳида бир бўлаги сифатида, филологиянинг бўлими сифатида ҳаттоки таълим бериш борасидаги фан сифатида ҳам ўрганиб чиқилади. Бу ҳолатда улар бир-бири билан қарама-қаршилик келтириб чиқармайди. Лекин бу борадаги энг муҳим услубий масалалар – нутқ маданиятини такомиллаштиришда мавжуд бўлган муаммо-

ни аниқлаш ва ўрганувчи (талаба)ни айнан нималарга ўқитиш кераклигини кўра билишдан иборатдир.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, нутқ маданияти Г.О. Винокурнинг "Нутқ маданияти" номли китоби чоп этилган даврда – 1924 йилда (кенгайтирилган нашр – 1929 йилда) алоҳида йўналиш сифатида ўрганилиб келишига қарамай, нутқ маданияти атамасининг туб мазмун-моҳияти қандай эканлиги, унинг зарурий минимал даражаси, уни эгаллаш усул ва услублари, бу жараёнда таълим муассасаларининг, атроф-муҳитнинг, таълим олувчи шахснинг ўрни ва бошқа жиҳатлар ҳақида замонавий илмий доирадаги ягона умумлашган қарашлар мавжуд бўлмаган.

Бунинг исботи сифатида бир қатор нашр ва изоҳли луғатлардаги мақолаларнинг қарама-қаршиликларини мисол қилиб келтиришимиз мумкин. Масалан, сўнги даврнинг энг эътиборга лойиқ ва услуб жиҳатдан анча мукаммал ҳисобланган – Л.Ю. Иванов: А.П. Сковородников, Е.Н. Ширяев ва бошқалар муҳаррирлиги остида чоп этилган "Рус тили нутқ маданияти" энциклопедик луғатини ҳам кўрсатиш мумкин [1].

Нутқ маданиятини кенг маънода тушуниш бизни риторик (яъни, асосини этос, логос ва пафос ташкил қилган) англашга яқинлаштиради. Айнан яқинлаштиради, лекин тенглаштирмайди, чунки бир тарафдан нутқий фаолият назариясига таяниб, бошқа тарафдан эса нутқий маҳорат даражаларини ҳар бир маданиятли (яъни нутқий маданиятга эга бўлган) шахсга зарур бўлган ва фақатгина иқтидорли шахсларгагина тегишли бўлган нутқ санъати (риторика даражаси) даражасини ажрата олиш имконини беради.

Умумий маданиятнинг бир қисми ҳисобланган нутқ маданияти, мулоқот жараёнидаги фаолият сифатида маданиятнинг барча жиҳатларини акс этади ва унинг қоидаларига бўйсунади. Шу вақтнинг ўзида нутқ маданияти ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, уларни ажратиб олиш учун замонавий фанда нутқ тушунчаси остида нималар тушунилиши ва унинг тилдан фарқларини кўриб чиқиш лозим бўлади.

"Нутқ" инсоннинг ўзига хос махсус фаолиятини белгилайди ва унинг жиҳатларини тавсифлаш учун лозим бўлган восита. Бу сўз лингвистикада икки хил маънода ишлатилади: гапириш (оғзаки шаклда) ёки ёзиш (ёзма шаклда) жараёнининг номи ҳамда мана шу жараённинг овозли ёки тасвирий натижаси бўлган нутқий асарлардир (оғзаки, ёзма матнлар). Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, нутқ маданияти нафақат нутқий фаолиятнинг натижали кўринишларига, балки тинглаш ва ўқишга (унинг ўзига хослигини ҳисобга олган ҳолда) нисбатан ҳам қўланила олиниши зарур.

Нутқ ҳар доим бошқа бир ташаббусга (ички ёки ташқи) жавоб сифатида намоён бўлади ва, ўз навбатида, фаолият (жараён сифатида ҳам, натижа сифатида ҳам) у ёки бу жавоб (сўзли ёки сўзсиз, сукунат орқали ёки жисмоний ҳаракат орқали баён қилинадиган)ни талаб қилади.

Демак, нутқ маданиятини баҳолаш нафақат нутқ жараёни ва шу жараёнда пайдо бўладиган матн орқалигина эмас, балки айнан мана шу нутқ орқали етказиладиган таъсир режасига нисбатан эришилган (ёки эришилмаган) натижалар билан ҳам баҳоланиши мумкин.

Нутқ фақат тил воситалари билан чегараланиб қолмайди. Балки нутқий воситалар таркибида тил воситаси бўлмаган (сўзсиз ёки новербал) воситалар ҳам қиради: овоз, оҳанг, хатти-ҳаракатлар, юз ҳаракатлари, тана ҳолати (мимика) ва бошқалар. Бундан ташқари, нутқ жараёнида бир нечта миллат тилларидан ҳам (ёки исталган бошқа сўзли ва сўзсиз шартли белгилардан) бир вақтнинг ўзида фойдаланиш мумкин.

Шунингдек, нутқ – фаолият сифатида ҳам, матн (ибора) сифатида ҳам тилга нисбатан қўлланилиб бўлмайдиган мезонлар орқали баҳоланади. Мисол учун, нутқ матн сингари воқеликни акс эттириб, ўзининг хақиқатлиги ёки ёлғонлиги нуқтаи назаридан ҳам ўрганилиши мумкин. Матнни – нутққа нисбатан эстетик (чиройли, бемаъни) ва этик (яхши, ёмон) баҳолаш ҳам мумкин. Айнан мана шундай ҳолатда тил нутқнинг асосий, лекин ягона бўлмаган воситаси эканлигини кўришимиз мумкин. У доим бирор шахснинг ижодий фаолияти натижаси сифатида намоён бўлади, шунинг учун ҳам, уни таҳлил қилиш ва нутқнинг яралиш услубларини умуман бошқача баҳолаш керак. Нутқ маданиятини ўрганишда бу жуда муҳим ҳисобланади.

Нутқ, мулоқот, маданият – буларнинг барчаси фаолият эканлигидан келиб чиқадиган бўлсак, нутқ маданиятининг предмети – нутқий фаолият маданияти эканлигини кўриш мумкин. Бошқача қилиб айтганда, нутқ маданияти онгли, мақсадга йўналтирилган ва ижодий характердаги нутқий фаолият жараёнида амалга оширилади. Маданиятли нутққа эга бўлиш фақатгина нутқий фаолият жараёнида акс этиши мумкин, шунинг учун ҳам, нутқ маданияти фаолият ҳисобланади. Нутқий

маданиятга эга бўлиш учун нутқнинг ҳосил бўлиш ва қабул қилинишнинг барча қоидаларини билишнинг ўзи кифоя бўлмайди.

Кўриниб турибдики, нутқни тор маънода тушуниш, айтиб ўтилган устувор тавсифларни акс эттира олмайди ёки қисман, умумий кўринишда, бошқа нормаларнинг аҳамиятини орттириш нуқтаи назаридан қараш орқалигина акс эттириши мумкин, холос.

Шундай қилиб, этик ва коммуникатив нормалар шахснинг ва жамиятнинг маънавий камолоти даражасини акс эттиради, маънавий ва этик принципларнинг шаклланганлик даражасини аниқлайди ҳамда умумий маданият даражасининг кўрсаткичи сифатида баҳоланади.

Нутқ маданиятининг лозим бўлган даражасини таъминлаш учун етарли ҳисобланган юқорида айтиб ўтилган барча шартларнинг бажарилиши, тил воситаларини танлаш механизмини ишга туширади ва ўринлилик, софлик, аниқлик, мантиқийлик, таъсирчанлик ва оммабоплиги кабиларнинг амалга оширилишини таъминлайди. Бунинг натижасида нутқнинг коммуникатив сифати очиб берилади. Адабий тил нормаларига риоя қилишнинг тўғри эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Шу билан бирга, нутқнинг бу сифатларини фақатгина гап даражасида, яъни тил миқёсида ўрганиш одат тусига кирган. Матн даражасида эса одатда, мантиқийлик ва таъсирчанлик ишлатилади, холос. Лекин айнан мана шу сифатларни нутқ даражасида ҳам қўллаш жуда муҳим. Мисол учун, тилнинг бойлигини шартли равишда фонетик, сўз шаклланишига кўра ва ҳ.к. бўлакларга бўлиш мумкин. Бу бўлаклар тилнинг барча даражалари учун хос бўлади, лекин нутқ бойлиги эса интонацион, мазмунли (мавзуга доир), семантик ва шу кабиларни ўз ичига олади.

Нутқ коммуникатив сифатларидан бири – бу тўғри нутқдир. Нутқ маданиятига бағишланган нашрларнинг кўпгина қисмида айнан мана шу нутқнинг коммуникатив сифатига алоҳида урғу берилади. Лекин шуни унутмаслик керакки, умум тан олган нутқ маданиятидаги калит сўзи “танлов”дир. Бунда у ёки бу шароитда, айнан тенг даражадаги тўғри жавоблардан қайси бирини, яхшироқ ёки чиройлироқ эканлигини солиштирган ҳолда танлаш назарга тутилади. Тўғри вариантни танлаш ёки нотўғри вариантдан фойдаланмаслик бошқа асосларга кўра – тилнинг бирламчи даражасини эгаллаш асосида амалга оширилади. Айнан мана шу жиҳат билан, нутқ маданияти тилнинг императив нормаларини эмас, фақат диспозитив нормаларини ўрганади ва бунинг устига улар билан алмашиниши мумкин эмас.

Нутқ маданиятида ҳар бир норма (этик, коммуникатив, тил ва нутқ) умумий мулоқот ва хусусан унинг аниқ бир томонларини (нутқ ҳусусиятини) баҳолаш учун ҳар бири алоҳида мезонга эга. Этик нормалар яхши-ёмон, маъқул-номаъқул мезонлар билан баҳоланади. Коммуникатив нормалар эса самарали-самарасиз, яхши топилма-эзмалик кабидир, этикет нормалари эса (этик ва коммуникатив нормалар доирасида) одатий-ғайри оддий, тил нормаларида тўғри-нотўғри ва ҳ.к.

Нутқий нормалар сифатларнинг ҳар бири орқали баҳоланади – мантиқий-номантиқий, аниқ-ноаниқ, лозим топилган-ортиқча, тушунарли-тушунарсиз, хилма хил-бир хил, таъсирчан-таъсирчанмас ва шу кабилардир.

Шундай қилиб, нутқ маданияти нутқнинг назарий ва амалий жиҳатларини баҳолашнинг турли аспектлари бўлиб, умумий маданият хусусиятлари ва шу билан бирга нутқнинг ўзига хослигини белгилайди.

Демак, нутқ маданияти нутқий фаолиятнинг барча тўрт кўринишида, яъни нафақат гаплашиш маданияти, балки тинглаш, ёзиш, ўқиш ҳамда тилга хос бўлмаган воситалардан фойдаланиш маданияти кўринишида ҳам илмий асосланган таҳлил асосида амалга оширишга ёрдам беришини инобатга олиш зарур.

Адабиётлар

1. Иванова Л.Ю., Скороводникова А.П., Ширяева Е.Н. Культура русской речи: Энциклопедический уровень справочник / под. Ред. Л.Ю. Иванова, А.П. Скороводникова, Е.Н. Ширяева и др. – Флинтина: Наука, 2003. – С. 840.

2. Ипполитова Н.А., Князева О.Ю., Савова М.Р. Русский язык и культура речи в вопросах и ответах. Учебное пособие. – М.: «Проспект», 2015.

3. Ипполитова Н.А., Князева О.Ю., Савова М.Р. Русский язык и культура речи. Учебник. – “Издательство Проспект”, 2014.



Зайнаб ҚОДИРОВА
Бухоро давлат университети
факультетлараро чет тиллар
кафедраси ўқитувчиси



Наргиза РАҲИМОВА
Бухоро давлат университети
педагогика факультети талабаси

ЧЕТ ТИЛЛАРИНИ ЎҚИТИШДА МУЛОҚОТ МАДАНИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Мақолада замонавий педагогик ва ахборот-коммуникацион технологияларидан фойдаланган ҳолда ўқитишнинг илғор услубларини жорий этиш йўли билан, ўсиб келаётган ёш авлодни чет тилларга ўқитиш, шу тилларда эркин сўзлаша оладиган мутахассисларни тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ҳамда бунинг негизида, уларнинг жаҳон цивилизацияси ютуқлари ҳамда дунё ахборот ресурсларидан кенг кўламда фойдаланишлари, халқаро ҳамкорлик ва мулоқотни ривожлантиришлари учун шарт-шароит ва кенг имкониятлари ҳақида фикр юритилган.

Таянч тушунчалар: *педагогик технология, чет тилини ўқитиш, цивилизация, мулоқот, оғзаки нутқ, ёзма нутқ, грамматика.*

В статье излагаются размышления об усовершенствовании системы подготовки кадров свободно говорящих на иностранном языке, обучения молодого поколения иностранному языку путем применения информационно-коммуникационных и современных педагогических технологий, о широкой возможности и условий для развития общения, международное сотрудничество, использование мировых информационных ресурсов и достижения мировой цивилизации.

Опорные понятия: *педагогическая технология, обучение иностранных языков, цивилизация, общение, устная речь, письменная речь, грамматика.*

In article reflections about improvement of system of training freely speaking a foreign language are stated, to train the younger generation in a foreign language by use of information and communication and modern pedagogical technologies, about ample opportunities and conditions for communication development, the international cooperation, use of world information resources and achievement of a world civilization.

Supporting concepts: *pedagogical technology, training of foreign languages, civilization, communication, oral speech, written language, grammar.*

Бугунги кунда ер юзида истиқомат қилаётган барча инсонлар кўп қутбли, серқирра дунёнинг жуда тез ўзгариб бораётганини нафақат гувоҳлари, балки жаҳон маданияти фани ва техниканинг ривожланиб, тараққий этиб бориши каби мураккаб ва узлуксиз жараёнларнинг ҳам бевосита иштирокчилари саналади. Республиканинг барча ҳудудида чет тилларни, асосан, инглиз тилини ўрганиш умумтаълим мактабларининг биринчи синфларидан ўйин тарзидаги дарслар ва оғзаки нутқ дарслари шаклида, иккинчи синфдан бошлаб эса босқичма-босқич алифбо, ўқиш ва грамматикани ўзлаштириш бошланади.

Олий ўқув юртларида айрим махсус фанларни, хусусан, техник ва халқаро мутахассисликлар бўйича ўқитиш чет тилларда олиб борилмоқда.

Халқ таълими ўзига хос ривожланиш даврини бошидан кечирмоқда. Бу ўзига хослик энг, аввало, таълим-тарбия мазмунини миллийлаштириш, яъни ўзимизнинг жуда бой ўтмиш тарихимиз, маданиятимиз, фанимиз, тилимиз ўз моҳияти билан жуда чиройли, юксак инсоний ахлоқий мазмунга эга бўлган миллий урф-одатларимиз асосида жамиятимиз келажаги бўлган ёш авлодни ўқитиш бахтига муяссар бўлдик. Мана шу шароитда ҳаммамиз жуда катта кўтаринкилик билан жамиятимизнинг ёш

авлодини юксак ватанпарварлик, халқпарварлик, миллий ғурур руҳида тарбиялашимизни талаб этади. Бу эса таълим-тарбия жараёнига янгича ёндашишни, янгича услуб ва мазмун, шакл ва воситалардан ҳам фойдаланишимизни тақозо этади. Эски услуб билан янги вазифаларни амалга ошириб бўлмайди. Кейинги пайтларда "Илғор педагог", "Илғор ўқитувчи", "Новатор педагог" тушунчалари матбуот саҳифаларида, педагогларнинг ўзаро суҳбатларида, услубий кенгаш, семинар ва конференцияларда кўп тилга олинмоқда.

"Илғор педагог", аввало, бошқа ўқитувчиларга қараганда ўз ишига масъулият билан қарайди. Шу соҳадаги ижобий тажрибаларни ўрганиб, ўз дарсларида, мактабда ва синфдан ташқари тарбиявий тадбирларда қўллайди. Шу орқали ўқувчиларни таълим ва тарбиясида муайян ютуқларни қўлга киритади.

"Новатор педагог" бизнингча, ўзининг яхлит педагогик восита ва усулларининг мавжудлиги билан фарқланиб туради. Шу билан бирга, новатор ўқитувчиларда илмий таҳлил, ўзига танқидий кўз билан қарай билиш хусусиятлари ҳам бўлади. Уларнинг кўпчилигида ғоят мураккаб бошқалар ўзига ишонмайдиган шароитларда ҳам ўз ишларининг тўғри эканлигига ишонч бўлади.

"Ижодкор ўқитувчи"да ҳам "Илғор педагог"даги хусусиятлар бўлиши мумкин. Уларнинг назарий манбаларни ўрганиб шулар асосида иш олиб борса, ижодкор ўқитувчи бор манбаларга танқидий кўз билан қарай билади. Кўп ҳолларда мавжуд услубий йўл-йўриқларга ўз муносабатини билдириб, шароит ва вазият тақозосига ўзининг имкониятларига қараб мавжуд тартиблардан фарқли методик усуллардан фойдаланади.

Илғор педагогик тажрибаларни аниқлашда маълум мезонларга асосланиши керак. Бунда энг муҳим мезон ўқитувчи ўз педагогик фаолиятида қўллайдиган таълим-тарбиянинг янги шакл, метод ва усулидир. Бу мезон илғор ўқитувчини оддий ўқитувчилардан ажратадиган энг муҳим белгисидир. Илғор педагогик тажрибани ифодаловчи яна бир мезон унинг юқори натижаларга эришиши учун замин ҳозирлашидир. Бунда ўқувчиларнинг билим ва тарбияланганлик даражаси ҳисобга олиниши зарур. Қўйилган баҳога, ўтказилган тарбиявий тадбирларнинг сони эмас, уларнинг ўқувчиларни инсон сифатида шаклланишига таъсирининг мезони сифатида қараш лозим.

Шунингдек, чет тилларини ўрганиш жараёнида нутқ фаолияти турларининг ҳар бирига хос қийинчиликлар мавжуд. Тинглаб тушунишда содир бўладиган қийинчиликлар бир талай. Уларни билиш чет тили ўргатишда ҳал қилувчи шартлардандир. Идрок этиш, жумладан, нутқни идрок этиб тушуниш муаммолари жаҳон руҳшунослигида анча муфассал ишлаб чиқилган. Чет тили ўқитиш методикаси фани мавжуд назарий мулоҳазалардан самарали фойдаланади. Мактаб шароитида ўқувчиларнинг тинглаб тушуниш соҳасидаги қийинчиликлар қуйидагилардан иборат:

-тилга оид шаклий қийинчиликлар. Маъноси ҳар – хил, товуш шакли эса ўхшаш сўзларни (омофонларни) ёки чет тили феълининг мажҳул даражасини тинглаш ва тушуниш мураккаблик касб этади. Омофон ва мажҳул феъл бир қарашда танишга ўхшайди, бироқ аудиоматннинг мазмунини пайқашда ҳийла қийинчилик туғдиради.

-мазмунга доир қийинчиликлар. Олинаётган ахборот қамровидаги нима, қаерда, ким билан, қачон бўлиши каби далилларни идрок этиш бобида ёки улар орасидаги боғланишни илғаб олиш, шунингдек, умумий ғояга тааллуқли қийинчиликлар мавжуддир.

-нутқий идрок қилишнинг шарт-шароитидаги қийинчиликлар. Булардан нутқ тезлиги, оҳанги ва механик ёзилган аудио матннинг мураккаблигини эслатиш кифоя. Шу билан бирга, аудиоматнни бир марта идрок қилиш, нотаниш одамни тинглаш, овоздаги ўзига хослик кабилар ҳам тушунишда ғов бўлиши табиий.

-нутқ шаклига оид қийинчиликлар. Диалог нутқда жавоб қайтариш, монологни тинглашда эса жумлаларни эшитиши хотирасида сақлаш ўқувчи учун муайян қийинчилик келтириб чиқаради.

-тилшунослик нуқтаи назаридан содир бўладиган қийинчиликлар. Уларни лисоний – лексик, грамматик ва фонетик қийинчиликлар деб аталади. Лексикада жуфт тушунчалар (масалан: дунё томонларини ифодаловчи сўзлар, кўп маънолилик (полисемия) турғун бирикмалардаги сўз маъноси, ёрдамчи сўзлар, грамматик жиҳатдан она тилида йўқ ҳодисалар ёки фонетик тарафдан сўзнинг ёзувда ва талаффузда кескин тафовути, урғу ва оҳангнинг ўхшамаслиги тегишли қийинчиликларга сабаб бўлди.

-аудиоматн тузилишига оид қийинчиликлар. Аудиоматннинг тузилиши (композицион – мазмуний тузилиши) ҳам қийинчиликларга олиб келиши аниқланган. Чунки баён этилаётган ахборотни илғаб олишга унинг бевосита дахли бор. Гапнинг ёки сатр бошининг бир-бирига мантиқан ёпишиши, матннинг юзаки ёки чуқурлиги, нотаниш лексик бирликлар иштироки ва қатор ўхшаш

композицион – мазмуний ҳолатлар аудиоматннинг тушунилиши даражасини белгиловчи омиллардир.

Ўқувчи тинглаб тушунишда дуч келадиган қийинчиликларни эътироф этишдан мақсад уларнинг олдини олиш чораларини кўришдир. Қийинчиликлар меҳнат ва вақт талаб қилади, махсус машқларни бажариш заруриятини туғдиради. Қийинчиликларни ўз вақтида бартараф қилиш (нейтраллаш) йўли билан таълим жараёнини жадаллаштириш ва ўқитишнинг энг мақбул (оптимал) методикасини ишлаб чиқаришга муваффақ бўлинади.

Тил ўрганишда ёки умуман ҳаётда воқеа бўладиган қийинчиликлар сабаб ва оқибатнинг бир-бири билан боғлиқ равишда аниқланади. Қийинчиликларни олдиндан аниқлаш, унинг сабабларини билиш мумкин. Қийинчиликнинг юзага чиқиши турли хатолар ва кўзланган натижага эришиш даражаси билан белгиланади. Ўқувчиларнинг ўзгалар нутқини идрок этиб, унинг мазмунини фаҳмлай олишларидан қийинчиликларни бартараф этиш йўлида тинглаб тушунишнинг психофизиологик механизмларини тўғри шакллантириш катта аҳамият касб этади.

Оғзаки нутқни ўргатиш ўрта мактабда чет тили ўқитишнинг асосий амалий мақсадларидан биридир. Ўрта мактабнинг битирувчилари чет тилида оғзаки ахборот бера олишлари ва суҳбатлаша олишлари, ўрганилган тематикага боғлик бўлган чет тилидан нутқни эшитиб тушунишлари керак. Биринчи навбатда оғзаки нутқни ўрганишнинг бирлиги муаммосини эслатиб ўтиш лозим бўлади.

Авваллари, лексик ва грамматик элементлар, оғзаки нутқ материали сифатида алоҳида олиб қаралган бўлса эндиликда, ҳозирги тилшунослик ютуқларига асосланиб, нутқнинг грамматик, лексик ва фонетик компонентлари бирлигидан иборат комплекс бирликлар ҳақидаги масалани қўйиш имконияти туғилди. Сўнгра шундай комплекс бирликларини билиб олишга қаратилган тайёрлов машқлари, бу машқларнинг турлари, уларнинг оғзаки нутқни ўқитиши умумий системасидаги салмоғи каби масалалар. Нутқ вазиятида ўрганилган тил материалидан фойдаланиш малакаларини ўстиришни таъминловчи нутқ машқлари ҳақидаги масала янада мураккаброқдир. Дарсда табиий нутқ муаммоси муҳитни яратишга интилиш диалогик ва монологик оғзаки нутқ муаммосини бир-биридан ажратиб қўйишга, шунингдек, ўқитишни ва оғзаки нутқнинг бошқа бир томони суҳбатдошн нутқини махсус топшириқ сифатида идрок этишни алоҳида ажратишга олиб боради. Ўрта мактабда чет тилларини ўқитишнинг ҳозирги замон амалиётида оғзаки нутқ муносиб ўринни эгаллайди. Ўқитувчиларнинг диққат-эътибори, асосан, бу машқларнинг турини кўпайтиришга, уларнинг қизиқарли бўлишига, дарс олиб боришнинг муносиб тезлигини таъминлашга, дарсга ўқитувчиларни жуда кўпчилигини жалб этишга қаратилган. Дарсда ўйинлар, ашулалар ва ҳар хил турдаги мусобақалар кўп ўрин эгаллайди.

Адабиётлар

1. Жалолов Ж. Чет тили ўқитиш методикаси. – Тошкент, 1996.
2. Фарберман Б. Илғор педагогик технологиялар. – Тошкент, 2000.



Нигора АВЕЗОВА
Бухоро давлат университети факультетлараро
чет тиллар кафедраси ўқитувчиси

ИНГЛИЗ ТИЛИ ДАРСЛАРИДА ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИ

Мақолада инглиз тили машғулотларида фойдаланиладиган ўқитиш методлари тавсифи келтирилган. Муаллиф томонидан улардан фойдаланиш самарадорлиги баҳоланган.

Таянч тушунчалар: *метод, чет тиллари, инглиз тили, ўқув фаолияти, ўрганувчи, самарадорлик.*

В статье приведена характеристика учебных методов применяемых на занятиях английского языка. Автором оценивается эффективность их использования.

Опорные понятия: *метод, иностранные языки, английский язык, учебная деятельность, ученик, эффективность.*

Are provided in article the characteristic of the educational methods applied on English occupations. The author estimates efficiency of their use.

Supporting concepts: *method, foreign languages, English, educational activity, pupil, efficiency.*

Ўқитувчининг ўқувчилар ўқув фаолиятини ташкил қилиш ва бошқаришдаги фаолияти дарс жараёнида нутқ фаолиятининг барча турлари бўйича кўникма ва малакаларни шакллан-тиришга йўналтириган турли туман метод, усул, воситалардан фойдаланиш орқали амалга оширилади. Чет тилларни ўргатишнинг ривожланиш босқичларида турли методлар қўлланилган. Жумладан, қуйидаги ўргатиш методларини кўрамиз:

1. Грамматик-таржима методи.
2. Лексик-таржима методи.
3. Тўғри метод.
4. Пальмер методи.
4. Уэст методи.
5. Аудио-лингвал метод ва бошқалар.

Бу методларнинг вужудга келишига, шубҳасиз, педагогика, психология, шахс психологияси, лингвистика, психолингвистика фанларининг ривожланиши ва таъсири катта бўлади. Фикримизча, чет тилини ўргатиш методлари ҳақидаги бундай турли туманлик методист олимлар орасида ҳамон ягона фикр йўқлигидан далолат беради. Масалан: И. В. Раҳмонов ва М. В. Ляховицкийларнинг фикрича чет тилини учта умумий метод орқали ўргатиш мумкин:

1. Намойиш қилиш (демонстрация) методи.
2. Тушунтириш методи.
3. Машқ ишлатиш ёки амалий ишларни ташкил қилиш методи.

Р. К. Миньяр-Белоручев эса, бу уч методни бошкача атамалар орқали номлашни таклиф килади.

1. Тушунтириш методи.
2. Кўрсатиш методи.
3. Мустаҳкамлаш методи.

И. Л. Бим эса, ўргатиш методларини таснифлар экан, уларни:

1. Кўрсатиш.
2. Тушунтириш.
3. Машқ бажартириш.
4. Малакаларни амалда қўллаш каби турларга бўлади.

Е. И. Пассов, И. М. Махмудовларнинг асарларида уларнинг сони янада кўпайтирилади:

1. Тушунтириш методи (рецептив метод ёки кўргазмали тушунтириш методи).
2. Репродуктив метод.

3. Муаммоли ўқитиш методи.
4. Эвристик суҳбат методи.
5. Илмий изланиш ёки илмий тадқиқот ўтказиш орқали ўргатиш методи.

Тушунтириш методи. Тушунтириш методи таълим жараёнида энг кенг қўлланиладиган методлардан бири ҳисобланиб, ўқувчи ўқув дастурида белгиланган фонетик, лексик, грамматик материални оғзаки усулда ўқувчиларга тақдим қилади. Ўқитувчи хилма-хил кўргазмали қуроллардан, таълимнинг техник воситаларидан фойдаланган ҳолда ўқув материалининг мазмунини баён қилади, бу орқали ўқувчиларда дастлабки фонетик, лексик, грамматик кўникмаларни шакллантиради ва бу кўникмаларни амалда қўллаш йўлларини кўрсатади.

Бу метод ўқув материалини мантиқий изчилликда баён қилиш, турли маълумотлардан фойдаланиш, фанлараро боғлиқликни таъминлаш, ўзбек ва инглиз тилларини қиёслаб тушунтириш имкониятини беради. Бу методнинг самарадор бўлишлиги ўқитувчининг методик маҳоратига, яъни ўқув материалини қизиқарли баён қила олишига, нутқининг жозибадорлигига ва ўзига жалб қила олишлигига, ифода усулининг кундалигига, мантиқийлигига ва образлилига боғлиқ.

Тушунтириш методи ўқитувчидан ўқувчиларнинг доимий равишда барқарор диққатларини сақлаб туришни, ўқув материалига нисбатан муносабат уйғота олишни ва шу жараёнда уни идрок қилиш ва тушуниш, хотирада сақлаш йўлларидан, усулларидан фойдаланишни талаб қилади. Бу жуда ҳам мураккаб жараён бўлиб, унта ўқувчиларнинг фикрлаш крбилиятларини фаоллаштирадиган, хотираларини ривожлантирадиган усуллардан фойдаланиш орқалигина эришиш мумкин. Тушунтириш эвристик суҳбат, материални муаммоли баён қилиш, она тили билан таққослаш орқали ҳам ташкил қилиниши мумкин. Тушунтиришга ажратиладиган вақт ўқув материалининг осон-қийинлигига, ўқувчиларнинг ёш ва индивидуал хусусиятларига, таълим босқичига кўра турлича бўлиши мумкин.

Маълумот олиш тинглаб тушуниш ва ўқиш орқали амалга ошса, маълумот бериш гапириш ва фикрни ёзма баён қилиш орқали амалга ошади. Нутқ фаолияти шакли 2 та: оғзаки ва ёзма нутқ. Ҳозирда инглиз тилини ўргатишда таржима (қилиш) ҳам фаолият ҳисобланади.

Оғзаки нутқнинг нутқ фаолиятимизда муҳимлилиги ҳаммамизга аён. Оғзаки нутқ, нутқни тинглаб тушуниш ва гапириш шаклларида бўлиши мумкин. Ёзма нутқни ўргатишга эса ўқиш ва ёзувни ўргатиш киради.

Тинглаб тушуниш ҳам нутқ фаолиятининг туридир. У рецептив нутқ фаолиятига киради. Тинглаб тушунишни сўзловчининг нутқини радиодан, магнитофондан, пластинкадан ва мулоқот пайтида тинглаб – тушуниб, маълумот олишдир. Уни баъзи адабиётларда “аудирование” деб ҳам юритилади. У мураккаб нутқ фаолиятидир, чунки тингловчи тезда шаклни қабул қила олиши, тезда мазмунни тушуна олиши, хотирада сақлаб қолиши зарур, акс ҳолда уни қайтадан кўриб, ўқиб тушуна олиши учун манба, шароит восита йўқ.

Текширишлар шуни кўрсатдики, ўқувчилар ва талабаларда тинглаб тушуниш гапиришга қараганда кам тараққий этган. Ўқувчи ўқиганда, кўрганда тинглаб тушунишга қараганда олти марта кўп маълумот оларкан, сабаби уни устида кам ишлаганидадир, мураккаблигидир. Тинглаб тушуниш бошқа нутқ фаолиятларига ҳам ёрдам беради. У гапиришнинг ажралмас қисмидир. Тинглаб тушуниш билан гапириш иккаласи оғзаки нутқни ташкил қилади. У гапиришнинг бир қисмидир. Тажрибалар кўрсатадики, тинглаб тушунишни ривожланганига қараб, гапириш ҳам ривожланади, ўқувчи, айниқса, диалогда яхши қатнаша олади.

Масалан: инглиз тилидаги унли товушнинг қисқа чўзиқлиги, сўз охиридаги ундош товушнинг жарангли-жарангсизлашувида юксак тақрибийликка интилиш зарурдир, акс ҳолда мазмунга путур етади.

Талаффуздаги тақрибийлик ўрта мактаб шароити, яъни чет тил ўрганишнинг сунъий му-ҳити билан белгиланса, талаффуз лексика ва грамматикага нисбатан мураккабдир.

Тинглаб тушуниш орқали ҳам, ўқиш орқали ҳам маълумот қабул қилинади, шу сабабдан иккаласи ҳам рецептив нутқлардир. Ўқувчи тўғри ўқиган, талаффуз қилган сўзларни тезда қабул қилиб танийди ва тушуна олади. У ўзи тўғри ўқий олмаса, талаффуз қила олмаса, сўзларни тинглаганда таний олмайди, мазмунни тушунмайди. Ўқувчи ва талаба ёзганда ҳам сўзларни, гапларни тўғри ўқий олса, талаффуз қила олса, ёза олади, бу ҳам тинглаб тушунишга ёрдам беради. Ҳамма ўқув юртларида тинглаб тушунишни ўргатиш ҳам воситадан ҳам материалини оғзаки ўргатиш, тушунишда бошқа нутқ фаолиятларини ўргатишда воситачилик қилади, мақсад бўлганда эса, нутқни тинглаб маълумот олиш кўзда тутилади. Тинглаб тушунишнинг энг асосий мақсади, вазифаси, таниш тил

материаллари асосида тузилган нотаниш мазмунли матнни, нутқни тинглаб тушунишдир. Ўрта мактаб чет тил дастурида тинглаб тушуниш бўйича ҳар бир синф учун талаблар белгиланган.

Кузатиш методи. Чет тили ўргатишнинг муҳим методларидан бири кузатиш методи бўлиб, у ўқувчиларда тилдаги фонетик, лексик, грамматик ҳодисалар ҳақида онгли тасаввур ва малакалар ҳосил қилишни, уларни амалда қўллай олишни кўзда тутади. Кузатиш ўқувчилар томонидан янги мавзу тушунтирилаётганда, синфда, уйда, мустақил ишларни бажараётганида амалга оширилади. Кузатиш ўқувчидан фаол фаолиятни талаб қилади. Ўқувчилар тил материали тушунтирилаётганида ёки мустақил ишлаётганларида уни таҳлил қилишлари, мантиқий хулосаларга келишлари, фикрлашлари, она тили билан қиёслашлари лозим. Бу уларда қиёслаш, таҳлил қилиш, фикрлаш каби дастлабки кўникмалар шаклланишига олиб келади. Фикрлаш, муносабат билдириш ўқув материалини англашга ёрдам бериб, ўқувчини фаолликка йўналтиради. Кузатиш ва фикрлаш орқали шаклланти-рилган дастлабки кўникмалар мустақил ишлар жараёнида, малакаларни амалда қўллаш орқали мустаҳкамланади.

Малакаларни амалда мустаҳкамлаш методлари. Мазкур метод, асосан, дарснинг мустаҳкамлаш босқичида дастлабки кўникмаларни шакллантиришда, дарс жараёнида ёки уйда, лабораторияда оғзаки ва ёзма машқларни бажаришда, мавзу бўйича билимларни текшириш ва баҳолаш жараёнида амалга оширилади. Малакаларни амалда қўллашдан асосий мақсад эгалланган фонетик, лексик, грамматик малакаларни эркин мулоқот, фикр алмашув жараёнида ишлатишга ўргатишдир. Малакаларни амалда қўллаш табиий ёки сунъий нутқ вазиятларида ташкил қилинади. Маълумки, сунъий равишда яратилган нутқ, ўқувчини ўраб турган атроф-муҳитга, вазиятга мос келмаслиги туфайли ўқувчида уни ўрганиб олиш учун етарли даражада рағбат уйғотмайди. Масалан: ўқитувчи бир ўқувчига: “Сен дўкондасан. Сотувчидан битта дафтар ва иккита ручка неча сўм турганлигини сўра!” қабилида коммуникатив топшириқ берса, иккинчи ўқувчига “сотувчи” сифатида унга тегишли жавоб беришни топширса, бу сунъий равишда яратилган нутқ вазияти ҳисобланади. Агар ўқувчи турмуш эҳтиёжлари туфайли сотувчидан инглиз тилида юқоридаги гапларни сўрашга мажбур бўлса, бу табиий равишда яратилган нутқ вазияти хисобланади. Буни ҳисобга олиб ўқувчилар ўзларининг турмуш шароитида мактабда, кўчада, дўконда, учрашув ва ҳоказоларда дуч келадиган танишув, фикр билдириш, фикрни рад қилиш, фикрни қўллаб-қувватлаш савол бериш, саволга жавоб беришга оид турли мавзулардаги нутқ вазиятларига мос келадиган нутқ намуналарини ҳақиқий нутқ вазиятларида амалда қўллашга ўрганадилар. Ўтган асрнинг 80-йилларида шаклланган коммуникатив метод ўқувчиларни айнан ана шундай нутқ вазиятлари орқали мулоқотга ўргатишни кўзда тутади.

Малакаларни амалиётда қўллаш вазифаси анъанавий чет тили ўқитиш методикасида дидактик ўйинлар ташкил қилиш (бошланғич синфларда), турли мавзуларда эркин суҳбатлар уюштириш, синфдан ташқари ишларни ташкил қилиш, байналминал дўстлик клублари ишида иштирок этиш, хорижий меҳмонлар билан учрашувлар ташкил қилиш, хорижий ўқувчилар билан хат ёзишувлар ташкил қилиш каби шаклларда уюштирилади. Кейинги йилларда илгари сурилган муаммоли ўқитиш, лойиҳа тузиш орқали нутқ вазиятлари яратиш, компьютер ва интернет маълумотларидан фойдаланиш каби иш усуллари ўқувчиларга табиий яратилган нутқ вазиятлари орқали чет тили ўргатишга кенг имкониятлар очмоқда.

Ўқитиш жараёни ўқитувчининг турли метод ва усуллардан, воситалардан фойдаланган ҳолда ташкил қилинган ўргатувчи фаолиятидан ва ўқувчиларнинг ўрганувчи фаолиятидан ташкил топади. Ўқитувчининг ўргатувчи ва ўқувчиларнинг урганувчи фаолиятлари уз навбатида бир неча турларга бўлинади. Ўқувчи ўқув материалини тушунтиради, кўрсатади, турли усул ва воситалардан фойдаланиб ўқувчиларда кўникма ва малакаларни шакллантиради, уларни амалда, оғзаки нутқда қўллаш йўлларини ўргатади ўқитувчининг бундай фаолияти ўргатувчи ёки таълим берувчи фаолият деб юритилади. Бундан ташқари, ўқитувчининг ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини ташкил қилишга йўналтирадиган, уни рағбатлантирадиган, назорат қиладиган фаолияти ҳам мавжудки, уни ўқитувчининг бошқарувчи фаолияти деб аташ мумкин.Ўқитувчининг бундай аввалдан режалаштирилган фаолияти турли метод, усул ва воситалардан фойдаланишда ўз ифодасини топади.

Энди ўқувчиларнинг ўрганувчи фаолиятининг мазмуни билан танишамиз. Биринчидан, ўқувчи ўқитувчининг ўқув материалини тушунтириши, кўрсатиши жараёнида янги тил материали билан танишади. Иккинчидан, уни эшитиш жараёнида фикрлайди, она тилиси билан қиёслайди, уни идрок қилишга, англашга уринади. Учинчидан, ўқитувчи бошқарувида турли хил машқлар бажариб, ўқув материали юзасидан дастлабки кўникмаларини шакллантиради. Тўртинчидан, шаклланган бу кўникмаларни амалий фаолиятда қўллаб, уларни малакаларга айлантиради.

3. Инглиз тили дарсини ташкил қилишнинг технологик харитаси.

Theme: Consonant “C” (таллафуз)

Дарснинг мақсади.

1. Амалий мақсад

Сўз материаллари орқали ўқувчиларда малака, кўникма ҳосил қилиш, сўзларни мустақил нутқда қўллай олиши, уларнинг маъносини тушуниш каби кўникмаларни ўқувчиларда шакллантириш.

2. Таълимий мақсад.

Ўқувчиларда мавзу юзасидан умумий таълим бериш, янги сўзлар орқали ўқувчилар луғат бойлигини янада бойитиш, уларнинг дунёқарашини шакллантириш.

3. Тарбиявий мақсад.

“C” харфини ўқувчиларга тушунтира олиш, матн ва гапларда, сўзларда “C” ҳарфини топа олиши ва ўқувчилар руҳини шакллантириш, уларга ахлоқий, эстетик тарбия бериш.

4. Ривожлантирувчи мақсад.

Ўргатилган “C” ҳарфини ўқувчилар сўзлар орқали мустаҳкамлаши, ўрганган сўзларини нутқда мустақил қўллай олишлари, ўша сўзлар ёрдамида сўзлар тузиши, сўз товуши иштирок этган гаплардан “C” ҳарфини топа олиши, луғат, қўлланмалардан фойдалана олишини ривожлантириш мақсади.

Дарс жиҳозлари: “Fly high 5” дарслиги, ҳар хил ҳарфли расмлар, ҳарфлар иштирок этган кўргазмали қуроллар ва бошқа дарслик қуроллари.

РЕЖА:

I. Ташкилий қисм:

Date report

T: Good morning (Good afternoon).

P: Good morning teacher.

T: Who is on duty today?

P: I am on duty today. My full name is . . .

T: Who is absent today?

P: Lola is absent today

T: Why? Do you know?

P: She is ill. She has a high temperature.

T: Oh! That’s too bad.

T: What date is it today?

P: Today is the 21 st of February.

T: Please, come to the black board and write down the date.

T: What is the weather like today?

P: The weather is cold but the sunny.

T: O.K. thank you for your report. Sit down, please.

II. Checking home up the work.

The aim: to control the degree of knowledge of the pupil last lesson.

T: What was the homework for today? (Бугунги кунга вазифамиз нима эди)?

P: “Alphabet” даги 2 ҳарф “B” га оид 10 та сўзни ёдлашга бергандингиз.

T: Are you ready?

P: Ҳа.

T: Not “Ҳа”, Ye. or Yes. Are you understand me?

How are the English consonants formed? If the air stream which comes out from she lung meets and some obstruction in the mouth or nasal cavity the English consonants are formed.

There are 20 consonant letters in English alphabet and the some consonants make two sounds.

There are c [s.k], g [g, dz], s [s, z] x [ks, gz] деб ўзбек тилида хам тушунтирилади.

I. Presentation of new theme: биз сизлар билан бугун “C” ҳарфини ўтамиз, у инглиз алфавитида 3-ўринда туради ва “C” ва “к” ўқилади деб айтилади, ва қайси ҳолатларда “C” харфи [s] ва [к] ўқилиши тушунтирилиб, ўқувчилар диққатини жалб қилади.

II.

C → [k] 1) before: a,o,u: cake, come, cut
2) before all consonants: clock, clever

C → [s] ўзбек тилида:
1) a, o, u харфларидан олдин

2) Барча ундошлардан олдин

[s] before: e,i,y centre, city, cycke, e,i,y харфлардан олдин “s” деб ўқиймиз деб ўргатилади ва хор бўлиб биргаликда айтамиз.

III. Нутқий вазиятда қўллаш.

Юқорида кўрсатилган “c” харфини ўрганиб доскада ёзилгач, барча ўқувчилардан бирма-бир “c” товушининг ўқилиши сўралади ва ўқувчилардан “c” харфи қатнашган доскада сўзларни ўқиттиради.

For ex: cat, cook, capital.

Ўқувчиларни гуруҳга бўлиб, уларга 1 тадан “C” харфи қатнашган расмли сўзлар берилади ва қайси гуруҳ биринчи ва тўғри ўқилишини айтиб берса, ўша гуруҳ аъло баҳоланишини айтиш лозим.

Уйга топшириқ бериш.

To learn new words by the lesson.

Ўрганилган ҳар бир сўзларни ёд олиш.

Нотаниш сўзларни топиб ёзиб келиш ва луғатлардан фойдаланиш.

Кейинги дарс номини айтиб, тайёрланиб келишларини айтиш ва янги мавзу ҳақида қисқача тўхталиш.

Рағбатлантириш.

Дарсда ютқазган гуруҳга рағбатлантириш тарзида қўшимча баҳо қўйиш. Фаол ўқувчиларни “аъло” баҳо билан баҳолаш. Қолган ўқувчилар нима сабаблардан “яхши” баҳо олганларни тушунтириш, келгуси дарсларда фаол қатнашсалар, “аъло” баҳо қўйишини тушунтириш керак.

Дарсни якунлаш:

Good bye children / see you!

Ҳозирги кунда республикамизда чет тилларини мукаммал эгаллаган мутахассисларга талаб ортиб бораётгани учун инглиз тили дарсликлари ва қўлланмалари қайтадан кўриб чиқилди. Улар илмий жиҳатдан кенгайтирилди, интенсив курслар ташкил этилди, ўрта мактаблардан ташқари олий ўқув юртларида ҳам инглиз тилини ўргатиш методикаси билан таништириш орқали кенг инглиз тилини ўрганиш имконияти оширилмоқда.

Адабиётлар

1. Жалолов Ж. Чет тили ўқитиш методикаси. – Тошкент, 1996 йил.
2. Саттаров Т. Бўлажак инглиз тили ўқитувчисининг услубий технологияси. – Тошкент, 2003 йил.
3. Сиддикова И.А. Методика преподавания английского языка. – Т., 2002.
4. Сайдалиев С. Чет тил ўқитиш методикасидан очерклар. – Н. 2004.
5. Фарберман Б.Л. Передовые педагогические технологии. – Т.: Фан, 2000.



Mohigul KAHHAROVA
The teacher from Interforeign faculty's department
of the Philological faculty of Bukhara state university

APPRECIATED GOOD MANNERS IN FOREIGN AND IN OUR COUNTRY

Мақолада инглиз ва ўзбек халқига хос олий, ижобий хислатлар ёритиб берилган. Иккала халққа хос умумийлик ва тафовутлар тасвирланган.

Таянч тушунчалар: *хушхулқлилик, олийҳиммматлилик, ҳурмат-эҳтиром.*

В статье освящаются благородные и хорошие манеры узбекских и английских народов. Описываются отличия и общность обоих народов.

Опорные понятия: *благородные манеры, уважительное обращение, доброта, гостеприимство, почтительное уважение.*

In article noble and good manners of the Uzbek and English people are consecrated. Differences and community of both people are described.

Supporting concepts: *noble manners to handle respect, kindness, hospitality, respectful respect.*

When you are in a foreign country, don't forget that your behavior will be taken as typical of that of your native land. We should study and respect local customs. Good manners are sure to be appreciated everywhere, so we don't fail to be polite. English people say: "Life is short but there is always time for courtesy."

A real gentleman never forgets to rise when a lady comes up to him and speaks to him. He will never remain seated when a lady is standing. The golden rule of every gentleman is "Ladies first". Entering or leaving a room with ladies and gentleman should not rush before them except when he is showing the way. In this case he should apologize by saying, "Excuse me going first. I'll lead the way."

To whisper in company is bad manners. If what you wish to say cannot be said aloud, reserve it for a suitable occasion. No matter where you are, loud laughter and talking are signs of bad manners. Gentlemen, whatever their rank or age, should be introduced to ladies. Young men should be introduced to elderly men. The usual formula to use when introduced is "How do you do". If you know the person who is being introduced to you, say «We met before."

Foreigners don't offer to shake hands with a woman. The initiative must always come from her. In England it is not customary to shake hands. Englishmen shake hands when they first meet somebody when they part for a long time.

It is important that one should be punctual. Coming on time is essential when keeping an appointment whether one is meeting friends for a drink or whether one is having a business talk. If you had an appointment with an Englishman, he would be surprised if you came fifteen minutes before your time and annoyed if you were five minutes late.

When at work, don't be 'a clock-watcher'. It's also bad manners to keep looking at the watch when in company as if you were impatient for the time to pass. Interrupting others is a bad habit. If anybody wishes to be popular, they ought to avoid to talking about themselves and their affairs. One should talk to people about what interests them. To touch upon personal subjects in general conversation is considered to be bad manners. The best topics for light social conversation are art, sports, weather and the hobby of the person you are speaking with.

Talking to others unless they are your intimate friends keep to general subjects and avoid arguing and quarrelling. In parliaments and debating clubs heated argument is welcome. In general everyday conversation is out of place.

When in company, one doesn't open a book or a newspaper and begin reading to oneself. If a person is tired of the company, he leaves it, if not; he honors it with our attention. It is not a crime to be bored in company, but it is bad manners to show that a person is bored.

When a person has a story to tell, he doesn't go into details. They should be direct, clear and get to the point at once.

Good manners begin at home. Englishmen don't neglect their relatives and neighbors. If they treat them with respect and consideration, they are sure to appreciate it and give us the same kind of treatment in return. They avoid borrowing things from their neighbors, but if they can't help it, they return the things borrowed [1].

When using a public telephone, people keep conversation brief to the point. If they want a really long talk, it is far better to arrange a meeting with your friend.

English life is full of traditions and the English are known to be conservative. They accept things which are familiar and they are suspicious of anything that is strange and foreign. Many English people do not like displaying their emotions even in dangerous and tragic circumstances. They master in their own house which they call their castle.

Englishmen are rather conservative, they love familiar things. Most of them in the case of heating remain strongly attached to the open coal fire, although it causes much work and adds pollution of the air, sometimes pours smoke into the room which it is heating.

British people are the world's greatest tea drinkers. Many of them drink it at least 8 different occasions during the day [3].

The English are great lovers of sport; and when they are neither nor watching games, they like to talk about them or when they cannot do that to think about them.

One of appreciated manners to end many conversations with the phrase "Have a nice day" Have a good day." Store clerks, especially, say this to customers after purchasing is made. Though, at first, it might sound insincere, studies have shown that it actually makes many people feel better. It gives people a sense that others care about them, rather than ignoring them. English greeting "How are you" has a similar effect. Even though questioner does not really care about the answer, simply asking the question often raises the other person's spirit.

Appreciated manners of the Uzbek family are traditionally reverential respect for elders. Uzbeks usually lives in large families consisting of several generations, therefore, preference is given to a large houses on the land. Significant manner in family life as element of the hospitality is tea ceremony. Moreover, tea making and pouring it to the guests is exclusive prerogative of the host.

It is common to receive invitations to lunch or dinner and be on time. When planning a visit it is advisable to take souvenirs or sweets for children of the owner of the house. Hand shaking is usually only for the men folk.

Women and people sitting in the background, greeted by putting right hand to one's heart, and accompanying this gesture with slight tilt of the head. During hand shaking it is common to ask about health, family, and state of affairs at work and at home. In rural areas in case of the guests, women usually do not sit at same table with the men in order not to interfere their conversation.

It is not polite to admire the beauty of the women and pay close attention to them. When entering the living quarters shoes are taken off. The guest must take place which is indicated by the host. Moreover, the farther it is form the entrance the more honorable this place is.

Rites of Uzbek people have formed over the centuries as the result of merging cultural habits and traditions of all tribes and nations that participated in the ontogenesis of the Uzbeks.

Good manners in English and Uzbek people can be given by the following ways:

Ҳикоя ва суҳбат усулларининг мақсад ва вазифаларини амалга оширишда ёрдам берувчи воситалардан яна бири амалий машғулот ҳисобланади. Амалий машғулотнинг хусусиятли томони шундаки, у мусиқа дарсининг ҳар томонлама самарали бўлишини таъминлайди. Зеро, буларга кирувчи усуллар турлича бўлиб, мусиқа таълимининг маълум бир жиҳатини, жумладан, мусиқа асарини чиройли ижро ҳамда пухта ва тушунарли бўлишини белгилайди. Масалан: ўқувчида вокал-хор малакаларини шакллантириш, чолғу асбоби жўрлигида куйлаш ҳамда ижро техникасини мукаммал бўлишида бу усул асос бўлиб хизмат қилади. Чунки вокал–хор ижролиги ҳамжиҳатликдаги мусиқий туйғуда, сезгирликни талаб қилади. Бу эса, ўқувчилар томонидан қўшиқни ижро этиш жараёнида бир-бирларини тушуниб, сезиб туришликни ва шу билан бирга ўқитувчи ижросини ҳам эшитиб боргаликда куйлашни тақозо этади. Шунинг учун ҳар бир ўқувчининг ифодали бадиий, ижросини мукаммал бўлиши, уларнинг вокал-хор малакаларини пухта эгаллашини талаб қилинади. Ўз навбатида ўқитувчи ўқувчининг мусиқа сезгисини ҳар томонлама ривожлантириб бориши ва унинг қўшиқ

куйлашида овозини тўғри тарбиялашни ҳам унутмаслиги керак. Ўқитувчи мусиқа маданияти дарслари давомида ҳар бир ўқувчи билан амалий ижро орқали мумкин қадар иш олиб бориб, овоз тарбиясини тўғри йўлга қўйса, жамоавий ижрочилик сифатини яхшилашга эришади.

Мусиқа асарларининг шакли ва ифода воситаларини таҳлил қилишга оид ишлар ҳам амалий методлар ёрдамида амалга оширилади. Бунда мусиқа асарларининг тузилиши, характери ва бир-биридан фарқ қилиш томонлари ўрганилади, (масалан: мусиқа асарининг жанр ва шаклларини, жумладан, қўшиқчилик, чолғучилик, симфония, опера, балет, достон ва бошқалар). Шунингдек, нота ёзувини ўргатиш ва мусиқа саводхонлигига оид турли малакаларни шакллантиришда амалий методлар кенг кўлланилади. Чунки нота шакли, уларнинг бўлиниши, чўзимлари, ўлчови, нота чизиқлари, чизиқларда ноталарнинг ёзилиши, калит, альтерация белгилари, октаваларни сўз орқали ифодалаб ўқувчига тушунтириш мақсадга мувофиқ.

Масалан: биринчи синф ўқувчиларига мусиқа товушларининг юқорилашиб ёки пастлашиб бориши тўғрисида тушунча беришда нота чизиқлари, калит ва товушларнинг чизиқларда ёзилишини кўрсатувчи кўргазмали қуроллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Мисол учун калит белгисини кўрсатиш учун:

Чизиқ бошида калит
Ноталарни ўрнатар,
У иккинчи чизиқда
“Соль” товушин кўрсатар.



ёки ноталарнинг чизиқларда жойлашиш тартиби:

пастдан юқорига қараб:



юқоридан пастга қараб:



шунингдек, ноталар бўлиниши:
Нота чўзимларини
Дарсларда билиб олдик,
Бутун, ярим, бир чорак
Нимчорак, ўн олтиталик.



Бутун нотада бордир
Иккита яримталик,
Ярим нотада эса
Иккита чорактлик.



Чорак нота бўлинар
Иккита саккизталикка,
Нимчорак нота бўлса
Иккита ўн олтиталикка.



Демак, амалий усуллар таркибига кирувчи ҳар қандай кичик усулнинг дарс жараёнида қўлланилиши ўқувчининг тегишли мавзу бўйича олган билимларини тўғри шакллантиришга ва амалий жиҳатдан ўзи бажара олишликка ундайди. Шунинг учун ҳам бу усулларга алоҳида эътибор қаратилишини ўқитувчи унутмаслиги лозим.

Маълумки, мусиқа маданияти дарсларининг самарадорлигини оширишда турли кўринишга эга бўлган кўргазмали қуроллардан фойдаланилади. Ҳар бир кўргазмали қурол ўтиладиган мавзу мазмунига хос бўлиши дарсда қўйиладиган вазифаларни пухта ва чуқурроқ тушунтиришга имкон яратади. Шу боис, ўқитувчи ўқув материали юзасидан кўргазмали қуроллар ҳам тайёрлаши керак. Чунки мусиқа ҳаракатланувчи мелодик ва гармоник товушлардан иборат бўлган санъатдир. Уни фақат эшитиш аъзолари орқали тинглаб, идроқ этиш мумкин. Бунда кўриш асосий роль ўйнамайди албатта, лекин доскада ифодаланган нота ёзуви, плакат ва жадваллар, ўқитувчининг дирижёрлик ишоралари, рақс ҳаракатлари ҳамда жонли ижроси ўқувчига мусиқани идроқ этиш учун ёрдам беради. Чунки мусиқа фанининг бошқа санъат турларидан фарқи шундан иборатки, дарсда кўргазмали материаллардан иккинчи даражали восита сифатида фойдаланилади. Шунинг учун ҳам мусиқашунос Н.А. Гроздинская “Мусиқанинг жонли янграши дарсда асосий кўргазма бўлиб хизмат қилади” – деб ёзади. Бу жиҳат кўпроқ юқори синф ўқувчилари учун асосий омил бўлиб хизмат қилади. Лекин иккинчи даражали деб номланувчи кўргазмали қуроллар бошланғич синфлар учун мусиқа дарсларини ўтишда ўзгача самара беради. Ўқувчилар, айниқса, биринчи синф ўқувчилари мусиқий ўқув материали билан боғлиқ масалаларни кўз билан кўриб маълум бир тасаввурга эга бўлиши осон кечади ва асарни ўрганишни енгиллаштиради.

Адабиётлар

1. Омонуллаева Д. Нота билан куйлаймиз. – Т.: “Ўқитувчи”, 1977.
2. Шарипова Г., Нажмитдинова Ф. Ўрта (V–VII) синфларда мусиқа маданияти дарслари учун методик қўлланма. – ТДПУ, 2001.
3. Нурматов Ҳ., Норходжаев Н., Миррахимов А. Мусиқа: 2-синф учун дарслик. 3-нашр. Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт–матбаа ижодий уйи, 2003. – 128 б.



Олимхўжа КАРИМОВ
Бухоро давлат университети
мусиқа таълими кафедраси ўқитувчиси

БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ МУСИҚИЙ БИЛИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

Мақолада мусиқа таълими орқали бошланғич синф ўқувчиларининг бадиий-эстетик диди, мусиқий билим ва кўникмалари шакллантирилиши, мусиқий қобилиятлари ривожлантирилиши, мусиқий билим ва тасаввурлар уларни қизиқтириш орқали амалга оширилиши ҳақида фикр юритилган.

Таянч тушунчалар: *мусиқий билим, таълим-тарбия, мусиқий қизиқиш, миллий мерос, баркамол авлод, ўқитувчи, ўқувчи.*

В статье размышляется о формировании музыкальных знаний и навыков, художественно-эстетический вкус учеников начального класса посредством музыкального обучения, развитие музыкальных способностей, музыкальные представления и знания осуществляется согласно их интересам.

Опорные понятия: *музыкальное знание, образование, воспитание, музыкальный интерес, национальное наследие, совершенное поколение, учитель, ученик.*

In article the art and esthetic taste of pupils of an initial class by means of musical training, development of musical abilities is reflected on formation of musical knowledge and skills, musical representations and knowledge it is carried out with their interest.

Supporting concepts: *musical knowledge, education, education, musical interest, national heritage, perfect generation, teacher, pupil.*

Халқ мусиқасида миллий қадриятлар кенг акс этгани боис, болалар учун кучли тарбиявий таъсир воситасига айланади. Шу муносабат билан кичик ёшдаги мактаб ўқувчиларида мусиқий қизиқишларни изчил ривожлантириб бориш орқали уларни эстетик тарбиялаш давр талабига айланмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёев айтганларидек: “Ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун давлатимиз жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз” [1] – деган сўзлари барчамизни тўлқинлантириб юборди ва Ўзбекистонимизнинг барча талаба–ёшлари қалбига ғайрат, шижоат, чинакам билим олиш ҳамда Ватанга садоқатли ва керакли инсон бўлиш ҳиссини ўйғотди.

Мазкур йўналишда қўлланилаётган ва янги жорий этилаётган педагогик иш усуллари таълим мақсадларини, яъни ўқувчиларни мусиқий фаолиятларга қизиқишларини муваффақиятли шакллантиришда муҳимдир.

Ўқув машғулотларида мусиқий қизиқишларни шакллантириб бориш учун болаларда ушбу фаолиятга нисбатан эҳтиёжлар мавжудлиги муҳим аҳамият касб этади. Шу боис, мактаб ўқувчиларида мусиқага нисбатан қизиқишларни мунтазам, узлуксиз тарзда шакллантириб боришга ҳаракат қилиш мақсадга мувофиқ. Бу эса, ўқувчиларда мусиқий билимлар билан бирга, миллий анъана ва қадриятларимизга нисбатан ҳурмат ва эҳтиромни ҳам тарбиялашнинг муҳим омилидир.

Бошланғич синф ўқувчилари мусиқа асарларини тўғри идрок эта олиш, хотира, улар ҳақида таҳлилий фикр ва мулоҳазалар билдириш имкониятларига эга бўладилар. Шунингдек, ўқувчиларда амалий куйлаш овози маълум диапазон чегараларида мавжуд бўлиб, тиниқ интонация, куйлаш имкониятларини ўзида намоён этади. Бироқ болаларда жамоавий куйлаш бўйича билим, кўникма ва малакалар ҳали етарли шаклланмаган, жамоавий ижро бўйича маълум тажриба уларда мавжуд бўлмаганлиги сабабли, куйлашда кўп ҳолларда қийналишлари кузатилади. Шунинг учун айнан кичик мактаб ёшидан бошлаб болаларда куйлаш малакаларини самарали шакллантириб бориш учун уларда қизиқишларни тарбиялаб бориш талаб қилинади. Зеро, ушбу иш усули ўқувчилар билимларини мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутади.

Ўқувчилар онгида мусиқий қизиқишларнинг шаклланиши уларда юксак бадиий савиядаги мусиқа асарларига нисбатан кўникма ва малакаларнинг вужудга келишига имкон яратади.

Чунки куйлаш - мусиқани идрок этишни ривожлантириш учун муҳим методлардан биридир. Шунга асосан, ўқувчилар мусиқани идрок этганини кўрсатадиган ҳаракатлар орасида: куйлаш, қўшиқ нотасини ёзиш муҳим ўрин эгаллайди. Буларнинг барчаси мусиқани тез ва онгли идрок этишга, асар муаллифининг бадиий мақсадини аниқ англашга, уни тез ўзлаштиришга кўмаклашади.

Ушбу фаолиятларни амалга ошириш жараёнида қизиқишларни тарбиялашга асосий урғу берилиши зарур. Агар биринчи синфдан бошлаб ўқувчиларга мусиқа ҳақида ҳикоя, расмлар, чолғу созлари суратлари, унли ва ундош товушларни жамоа бўлиб куйлаш, ноталар номларини турли иш усуллари орқали ўрганиш, марш ва рақс сингари дастлабки мусиқа жанрлари борасида маълумотлар берилса ҳамда бир нечта болалар қўшиқлари жамоа бўлиб куйланса, иккинчи синфда кейинги босқичга ўтилади.

Иккинчи синфда “Дўлонча”, “Қашқарча”, “Дутор баёти”, “Қари Наво” сингари халқ куйлари, шунингдек, Ф. Назаровнинг “Мактабим”, “Пахтаой”, “Пахтаойнинг байрами”, Н. Норхўжаевнинг “Китобим қўлимда”, Ил. Акбаровнинг “Ўйнайлик” сингари қўшиқлари куйланади ва болалар ушбу қўшиқларни ижро этишни ўрганиб оладилар. Бу қўшиқларнинг миллий негиз ва асосларда яратилганлигини назарда тутиладиган бўлса, ушбу қўшиқлар болаларда мусиқий қизиқишларни шакллантириш ишига муҳим ҳисса қўшиши мумкин. Бундан ташқари, дарсда ўқувчиларни таниқли композиторлар ва мусиқа ижодкорларининг ҳаёти ҳамда ижодий фаолияти билан, мазкур ижодкорларнинг яратган йирик асарлари билан таништириш ўқувчиларда мусиқий қизиқишларни шакллантиришга хизмат қилади.

Жумладан, биринчи синфдан еттинчи синфгача ўқувчилар “Мусиқа” дарсларида мамлакатимизнинг, шунингдек, қардош халқларнинг мумтоз ҳамда замонавий композиторлари асарларини ўрганадилар. Уларнинг ижоди билан танишиш баробарида, асарларидан парчалар ижро этишни ўрганадилар, асарларни бир-бири билан қиёслайдилар ҳамда уларга нисбатан ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирадилар.

Мактаб мусиқа таълими биринчи навбатда ўқувчиларнинг ёши ва ақлий имкониятлари жиҳатидан йўлга қўйилади ва уларда мусиқий қизиқишларни изчил шакллантириб бориш жараёнида эътиборга олиниши зарур.

Мусиқа таълими пастки синфларда кўп қиррали тарзда амалга оширилиши жараёнида, учинчи синф ўқувчиларининг куйлаш малакаларини изчил сингдириб бориш орқали уларда мусиқий қизиқишлар ва бадиий-эстетик дид шакллантириб борилади.

Ўқувчилар бир хил товуш баландлигида куйлаб, ижронинг хусусиятларини, ансамблга эришишнинг нақадар қизиқарли ва ўзига жалб этувчи бадиий жараён эканлигини билиб оладилар. Болалардаги вокал овоз мавжудлиги ёки паст даражада эканлигидан қатъий назар, ҳар бир болада куйлаш малакаларини маълум даражада шакллантириш мумкин.

Боладаги ёш хусусиятлари ва товушни тўғри ривожлантириш қонуниятларига таянган ҳолда мусиқий қизиқишларни тарбиялаш уларнинг тўғри ривожланишига имконият яратади ҳамда мусиқани тўлақонли идрок этишига замин ҳозирлайди.

Ўқитувчининг дарс жараёнида маълум педагогик ютуққа эришиши унинг бадиий ижро аҳамиятини қанчалик чуқур тушунишига, ўқувчиларда мусиқий қизиқишларни, куйлаш малакаларини шакллантириш усуллари, болалар овозининг хусусиятларини билишига, қўшиқ материалини ўзлаштириш ишини қанчалик самарали ташкил эта билишига кўп жиҳатдан боғлиқ.

Шунга биноан, ўқитувчининг қўшиқлар воситасида мусиқий қизиқишларни изчил шакллантириб бориш имконияти айнан ўқувчиларда вокал фаолиятга нисбатан муносабатни шакллантириб боришига боғлиқдир.

Ўқувчиларнинг куйлаш имкониятларини кенгайтириш мақсадида ўқитувчи болаларнинг вокал имкониятларини билиши мақсадга мувофиқ. Жумладан, 6, 7 ёшли болаларда бу имкониятлар унча кенг эмас. Чунки, болаларнинг овоз аппарати ҳали тўлиқ шаклланмаган. Бу эса дарсда инобатга олиниши мақсадга мувофиқ.

Биринчи синф ўқувчисининг овоз диапазони биринчи октава **ми – соль, фа – ля** диапазони оралиғида кузатилади. Шунинг учун танланадиган репертуар айнан ушбу ижро диапазони чегарасида бўлиши талаб этилади.

Иккинчи синф ўқувчиларининг куйлаш диапазони анча кенгайиб, ижро жараёнида уларнинг овози асосан биринчи октава **ми – си** товушлари оралиғида ёрқин жаранглайди. Бу товуш диапазони

айниқса, тинглаш идроки учун ҳам қулай диапазон бўлиб ҳисобланади. Бундан ташқари, у товуш бойламларининг имкониятлари орқали белгиланади, яъни, товуш бойламлари ҳали анча ингичка, юпқа ва қисқа бўлади. Бу эса мусиқа машғулотларида, дарс жараёнида ўқувчиларнинг овозини зўриқтирмасдан, мусиқий қизиқишларни изчил шакллантириб, енгил ва ёрқин ижро этишига эришиш билан боғлиқдир.

Иккинчи синф охирида ўқувчилар куйлаш диапазонининг ўрта чегараси мустаҳкамланади ва такомиллашади. Товуш тембри ижро этиладиган қўшиқ характерига кўра жилоланиб, ўзгариб боради. Куйлаш диапазони эса биринчи октава **ре** дан иккинчи октава **ре** га тенглашади. Баъзи болаларда кичик октаванинг **си, ля** товушлари, баъзиларида эса иккинчи октава **ми** ҳам чиройли янграйдиган бўлади.

Учинчи синфда деярли барча ўқувчиларнинг овози биринчи октава **до** дан иккинчи октава **ре** диапазонига тенглашиб қолади, баъзиларда юқори овоз иккинчи октава **ми** гача чиқиб қолади. Айрим ўқувчилардаги тез жисмоний ўсиш улардаги мусиқий қизиқишларнинг ёрқин ифодаланишига, куйлаш овозининг ҳам тез етилишига шарт-шароит яратади.

Етти - ўн ёшдаги болаларнинг овози кичик амплитудага эга бўлади. Улар ижросида асосан ***mp*** ва ***mf*** сингари динамик белгиларни кенг қўллаш самарали натижаларга олиб келади.

Овоз диапазонининг барча чегараларида ўқувчилардан ёрқин овоз тембрини, ёқимли ва чиройли ижрони талаб қилиш қийин. Бунга мисол тариқасида айтиш мумкинки, овоз диапазонининг пастки чегарасида баланд куйлаш ва аксинча юқори нуқталарда паст куйлашни талаб қилиш болалар овозининг маълум даражада хасталанишига олиб келиши мумкин. Овознинг сифатли жаранглаши фақат овоз диапазонининг ўрта чегараларида юзага келади.

Масалан: учинчи синф дарслигида келтирилган Д. Омонуллаева мусиқасига мансуб “Ватанжоним-ватаним” қўшиғида ватанпарварлик мавзуси илгари сурилган. Қўшиқни куйлаш орқали болалар онгида Ватанга, эл-юртга нисбатан меҳр муҳаббат, миллий ғурур туйғулари шаклланиб боради. Бу эса ўқувчиларнинг мусиқий қизиқишлари намоён бўлиб, асарни равон ва эркин ижро этишига йўл очиб беради. Мазкур қўшиқни ижро этишда нафасни тўғри олишга эришилса, ижро юқори савияда бўлишига эришиш мумкин.

Бошланғич синф ўқувчиларининг вокал ижросида овоз тембрининг шаклланиши жараёни жадал кечади. Шунинг учун болалар овози тембри ўқитувчининг доимий диққат марказида бўлиши мақсадга мувофиқ. Ушбу ёшда болалар овозининг тембри айниқса унли товушларни куйлашда нотекис намоён бўлади. Шу боис, улар овоз диапазонидаги барча товушларда текис ва равон, ёрқин жарангдорликка эришишга ҳаракат қилиш зарур.

Тўртинчи синф ўқувчилари ижросида пастки ва юқори диапазонда овозларнинг характерли жиҳатлари сезила бошлайди. Бу кўкракдан нафас олиш орқали куйлашда айниқса яққол намоён бўлади. Улар овози устида мунтазам, режали тарзда иш олиб борилса, болалар овози мустаҳкамланади ва ривожланади. Натижада болалар юқори савияли ижрога эришиш имкониятига эга бўладилар.

Адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017.
2. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017.
3. 4-7-синф Мусиқа дарсликлари. – Т., 2004- 2005.
4. Стулова Г.П. Хоровой класс. – М., 1988.
5. “Мусиқа маданияти” фани бўйича дастур. – Т., 2000.
6. Йўлдошев Ж., Усмонов С. Педагогик технология асослари. – Т., 2004.
7. Шарипова Г.М. Мусиқа ўқитиш методикаси. Маърузалар матни. – Т., 2005.
8. Шарипова Г.М. Методик қўлланма. 1-2, 3-4, 5-7-синфлар учун. – Т., 2001, 2002.
9. Каримова Д.А. Мусиқий педагогик маҳорат асослари. – Тошкент, 2007.



Jo`rabek YARASHEV
Buxoro davlat universiteti
musiqa ta'limi kafedrasi o`qituvchisi

MUSIQIY TA`LIMDA AKSIOLOGIK YONDASHUV

Maqolada Buxoro musiqasini o`rganishda aksiologik yondashuv va Buxoro musiqa merosiga o`zining munosib hissasini qo`shgan ustoz-shogird san`atkorlarning hayoti va ijodi, ularning kuy-qo`shiqlari orqali yosh avlodni estetik, ma`naviy-ma`rifiy qadriyat va milliy ruhda tarbiyalash aks ettirilgan.

Tayanch tushunchalar: *musiqiy ta'lim, aksiologik yondashuv, qadriyatlar, milliy qadriyatlar, umuminsoniy qadriyatlar, Buxoro musiqa maktabi.*

В статье отображается аксиологический подход изучения музыки в Бухаре, а также жизнь и творчество мастеров, их достойный вклад в музыкальное наследие Бухары. Посредством песни мастеров молодое поколение воспитывается в эстетическом и национальном духе.

Опорные понятия: *музыкальное образование, аксиологический подход, ценности, национальные ценности, общечеловеческие ценности, Бухарская школа музыки.*

In article axiological approach to studying of music in Bukhara and also life and creativity of masters, their worthy contribution to musical heritage of Bukhara, by means of songs of masters is displayed, the younger generation are brought up in esthetic and national spirit.

Supporting concepts: *music education, axiological approach, values, national values, universal values, Bukhara school of music.*

Musiqiy ta`lim tizimida aksiologik yondashuv o`ziga xos muammo bo`lib, uni amalga oshirish va leksik tarjimasi hamda musiqiy ta`lim tizimiga tadbiq qilishning falsafiy, pedagogik va psixologik asoslarini tahlil etish bugungi kunning dolzarb muammolaridan biridir.

"Aksiologiya" – yunoncha "axio" – "qadriyat", "logos" – "fan, ta`limot" so`zlaridan olingan bo`lib, u "qadriyatshunoslik, qadriyatlar" haqidagi fandir. "Aksiologiya"ni qadriyatlar to`g'risidagi fan yoki to`g'ridan-to`g'ri qadriyatshunoslik deb atash mumkin.

Taniqli qadriyatshunos (aksiolog) olim Q. Nazarov tomonidan chop etilgan "Pedagogika fanidan izohli lug'at"da qadriyatlar atamasiga shunday ta`rif beriladi. "Qadriyat – tevarak-atrofdagi narsalarning, kishining jamiyat uchun ijobiy yoki salbiy ahamiyatini ko`rsatuvchi tushuncha bo`lib, axloqiy tamoyillar, g'oyalar, yo`l-yo`riqlar va maqsadlarda ifodalangan ana shu tushunchaga baho berish mezoni va usullari hisoblanadi".

Qadriyat – bu qadr-qimmat ma`nosini anglatib, unson uchun qadrli bo`lgan barcha narsa va hodisalar (predmet va jarayonlar) majmuasidir.

Qadriyat – voqelikdagi muayyan hodisalarning umuminsoniy, ijtimoiy, axloqiy, ma`naviy-madaniy ahamiyatini ko`rsatish uchun qo`llaniladigan tushuncha.

Qadriyatlar faqat o`tmish uchun qadrli bo`lmasdan, balki hozirda ham, kelajak taraqqiyotida ham qadrli bo`lib, ular jamiyat rivojiga ijobiy ta`sir qiladi hamda kishilar ongiga singib, ijtimoiy ahamiyat kasb etadigan moddiy, ma`naviy, tabiiy, diniy, axloqiy, falsafiy merosimizdir.

Aksiologik tushunchalar o`zida xalqimizga xos eng nodir, eng noyob fazilatlarni mujassamlashtirgan. (1-rasm). Bu tushunchalar insonlarni doimiy tarzda ezgu ishlarga da`vat etib kelgan hamda ularning orzu-umidlariga erishishlarida muhim omil bo`lgan.

Qadriyatlar shaklan milliy va umuminsoniy qadriyatlarga bo`linadi:

1. **Milliy qadriyatlar.** U yoki bu millatning asrlar davomida yaratgan qadriyatlari bo`lib, unda millatga xos belgilar, fazilatlar, tuyg'ular, yaratilgan moddiy va ma`naviy qadriyatlar asosiy o`rinni egallaydi. Bu qadriyatlar biror millat vakillari uchun umumiy hisoblanadi. Milliy qadriyatlar jamiyatning rivojlanishi jarayonida o`zidagi va o`zga millatlardagi eng yaxshi belgilarni uyg'unlashtirib, umumiy insoniy qadriyatlar bilan bir butunlikni tashkil etadi. Ayni paytda milliy qadriyatlar dunyodagi xalqlar qatorida mazkur millatning mavjudligini, o`ziga xosligini namoyon etadiki, bundan har bir millat kishisida o`ziga xos faxr

tuyg'usi vujudga keladi. Har bir millat o`z qadriyatlarini yillar, asrlar davomida yangi-yangi qirralar bilan boyitib boradi. Millat bor ekan, millat qadriyatlari ham mavjud bo`ladi, u rivojlanib, boyib umuminsoniy qadriyatlar tarkibiga qo`shilib, uning boyishida o`z o`rniga ega bo`lib boraveradi.



1-rasm. Aksiologik tushunchalar.

2. Qadriyatlarning muhim shakllaridan yana biri – **umuminsoniy qadriyatlar** bo`lib, u dunyo hamjamiyati tomonidan tan olingan barcha axloqiy me`yorlarga amal qilishni talab etadi. Masalan: ota-onaning qadriga yetish, qarindosh-urug'chilikka amal qilish, inson zotiga yaxshilik qilish, bolalarga mehribonlik, keksalarga hurmat ko`rsatish, yomonlikni qoralash, hayotda adolatli bo`lish, birovlarning mulkiga xiyonat qilmaslik, tinchlikni asrash, ekologik muammolarni hal etishda mehr ko`rsatish, o`simliklarni payhon qilmaslik, suvni tejash va ifloslantirmaslik kabi axloqiy xislatlar umuminsoniyqadriyatlar hisoblanadi. Shunga ko`ra, qadriyatlar shajarasini rasmda quyidagicha ifodalayman (2-rasm).



2-rasm. Qadriyatlar shajarasi.

Yuqoridagi bayon etilganlardan kelib chiqqan holda Buxoro musiqa namoyandalari merosiga, qadriyatlariga aksiologik yondashuvga quyidagicha ta`rif berish va yo`nalishlarni tavsiflash mumkin.

Musiqa merosiga aksiologik yondashuv ajdodlarimiz, hozirgi kundagi xalqimiz va kelajak avlodlarimizning madaniy taraqqiyoti uchun qadrli bo`lgan, ijtimoiy ahamiyat kasb etadigan ma`naviy qadriyatlar majmuasiga bo`lgan ijobiy munosabat hisoblanadi. Bu qadriyatlar, eng avvalo, ma`naviy qadriyatlar bo`lib, u xalqimizning, xususan, allomalarimizning siyosiy-axloqiy, madaniy-ma`rifiy, badiiy-diniy, huquqiy ham-da estetik qarashlarini o`zida ifoda etadi.

Musiqa ta`limi jarayonida aksiologik yondashuv o`z mohiyatiga ko`ra voqelikni atroflicha o`rganish hamda chuqur idrok etishda muhim o`rin tutadi.

Musiqa ta`limi samaradorligini oshirishda bo`lajak musiqa mutaxassislarini Buxoro musiqa namoyandalari ijodiga aksiologik yondashish orqali umumiy ta`lim maktablarida o`tiladigan "Musiqa madaniyati" darslarining sifati va samaradorligiga ham erishishlari mumkin.

Ayni paytda bo`lajak musiqa o`qituvchilari – bakalavrlarni Buxoro musiqa namoyandalari ijodi misolida tarbiyalab borish ushbu qadriyatlar va boy musiqiy bilim manbalaridan chuqur va atroflicha foydalanish ularning musiqiy bilimlarining boyishi va mahoratlarining ortishida muhim omil hisoblanadi.

Musiqiy merosga ijodkorlik bilan yondashish, uning boy an`analarini davom ettirish, yanada yangilash va imkon boricha uning boy an`analarini davom ettirish, kamchiliklarini to`ldirib, boyitib, kelajak avlodga yetkazish muhim vazifadir. Shu o`rinda ta`kidlash lozimki, Buxoro boy musiqa madaniyati tarixiga ega bo`lgan hudud hisoblanadi. Buxoroda tug'ilib, umrining salmoqli qismini shu hududda o`tkazgan va ijodiy faoliyat olib borgan mashhur musiqa namoyandalari ko`pchilikni tashkil etadi. Ular ijodini alohida o`rganish va faoliyatiga aksiologik yondashish yosh avlod tarbiyasida ham salmoqli o`rin tutadi. Abu Ali ibn Sinoning musiqa haqidagi risolalari, Buxoroda faoliyat ko`rsatgan mashhur hofiz, shoir Abu Abdullo Ro`dakiy, Abdurahmon Jomiy, buyuk "Shashmaqom" namoyandalari, mashhur hofiz va sozandalar Ota Jalol Nosirov va boshqalar ijodini sinchiklab o`rganish muhim ahamiyatga ega. O`tgan asrda sobiq Sho`ro davrida yashab ijod etgan musiqa san`ati va madaniyatining betakror namoyandalari MuxtorAshrafiy, Tolibjon Sodiqov, Mutal Burxonov, Fayzulla Karomatov, Botir Umidjonov va ularning izdoshlari Mustafo Bafoyev, Rustam Abdullayev, mohir cholg'uchilar tanburchi Toshpo`latov, Moshe Boboxonov, Sulaymon Toxanov va boshqalar ijodiga aksiologik yondashuv Buxoro hududi san`at darg'alarining o`zbek musiqasi rivojiga qo`shgan hissasini yaqqol tasavvur qilish imkonini beradi. Bu ijodkorlarning musiqiy merosi o`z hududi, o`z Vatani, o`z xalqi uchun qanday xizmat qilish kerakligini namoyish etuvchi muhim vositadir.

Shu o`rinda musiqiy qadriyatlarning pedagogik vosita ekanligini ham alohida ta`kidlab o`tish o`rinlidir. Cholg'u ijrochiligi, hofizlik san`atini namoyish etish ham yosh avlodni tarbiyalashning muhim vositasi bo`lib, uning pedagogik jihatlariga – ta`lim va tarbiyadagi ahamiyatiga alohida e`tiborni qaratish muhim sanaladi.

Xulosa qilib aytganda, qadriyatlar, jumladan, estetik qadriyatlar ham xalqimiz musiqiy faoliyatining barcha jihatlarini musiqa ijodkorligi, cholg'u ijrochiligi, kuylash madaniyatiga xos barcha go`zalliklarni o`zida jamul-jam etadi.

Musiqiy qadriyatlar Buxoro xalqining turmush tarzi, til madaniyati, turli an`analari, urf-odatlari, mahalliy xalqqa xos xususiyatlari bilan milliy qadriyatlar hisoblanadi. Unda o`zbek xalqining shu hududga xos bo`lgan musiqiy bezaklari, qochirimlari, cholg'u ijrosi hofizlik an`analari, kuylash uslublari va o`ziga xos ijro maktabini o`zida mujassam etadi.

Mazkur qadriyatlar musiqiy-nazariy bilimlar, og'zaki ijro an`analari, "Shashmaqom"dagi ustoz-shogirdlik an`analari, cholg'u turlari, ijrochilik mahoratlari, bastakorlik maktablari, jahon andazasidagi turli janrlardan tarkib topgan asarlarni bastalay olinishi va ularni mahorat bilan ijro eta olinishi bilan dunyo sivilizatsiyasiga munosib hissa bo`lib qo`shilgan holda, umuminsoniy qadriyatlarning tarkibiy qismi sifatida milliy madaniyatimizni yanada boyitib boradi.

Adabiyotlar

1. Nazarov Q. Qadriyatlar falsafasi (Aksiologiya). – T.: O`zbekiston faylasuflari milliy jamiyati, 2004.
2. Hasanboyev J. va boshqalar. Pedagogika fanidan izohli lug'at. – T.: Fan va texnologiya, 2009.
3. Matyoqubov O. Maqomat. – T.: Musiqa, 2004.



Азиза МУСИНОВА
Бухоро давлат университети тасвирий санъат
ва муҳандислик графикаси кафедраси ўқитувчиси

МИС КАНДАКОРЛИГИ САНЪАТИНИ ЎРГАТИШ ОРҚАЛИ ЎҚУВЧИ-ЁШЛАРНИ АХЛОҚИЙ-ЭСТЕТИК ТАРБИЯЛАШ

Ушбу мақолада амалий санъатнинг бир тури бўлган мис кандакорлиги дарсларида ўқувчи-ёшларни ахлоқий-эстетик тарбиялаш имкониятлари ҳақида фикр юритилган.

Таянч тушунчалар: *амалий санъат, назарий ва амалий билим, кўникма, малака, мис кандакорлиги, маҳорат, ривожлантириш, анъанавий таълим, технология, таълим жараёни, тарбия, ижодий тасаввур, бадиий дид, эстетик ҳис-туйғу.*

В данной статье определяются возможности нравственно-эстетического воспитания среди молодёжи школьного возраста на уроках медной чеканки, как одного из видов прикладного искусства.

Опорные понятия: *прикладное искусство, теоретическое и практическое знание, навык, квалификация, медная чеканка, высокое мастерство, развивать, традиционное образование, технология, процесс образования,воспитание, творческое воображение, художественный вкус, эстетическое восприятие.*

This article identifies morally-aesthetic education amongschoolchildren,at copper mintage lessons, as it is of the types of the applied art.

Keywords: *applied art, theoretical and practical knowledge, skill, qualification, copper mintage, high skill, develop, traditional education, technology, process ofeducation, upbringing, creative imagination, artistic taste, aesthetic perception.*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони, 2017 йил 28 июлдаги “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида”ги ПҚ-3160-сонли Қарорининг қабул қилиниши олий таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнининг самарадорлигини янада оширишга қаратилган бир қатор вазифаларни долзарб қилиб қўйди. Айниқса, бўлажак олий маълумотли мутахассисларни ихтисосликлари бўйича чуқур билим, кўникма ва малакаларини ҳосил қилиш билан биргаликда уларни ахлоқий-эстетик жиҳатдан баркамол қилиб тарбиялаш зарурлигини жамият ривожи тақозо қилмоқда. Шу жиҳатдан олий ўқув юртларида мис кандакорлиги санъати дарслари ахлоқий-эстетик тарбиянинг асосий воситаларидан бири сифатида қаралиб, талабаларни миллий ва ғоявий тарбиялашда катта аҳамиятга касб этади. Мис кандакорлиги дарсларида талаба-ёшлар назарий ва амалий билим асосларини эгаллайдилар. Халқ амалий санъатининг муҳим таркибий қисми ҳисобланган кандакорликнинг сиру-асрорларини ўзлаштирадилар. Бу эса уларни ғоявий, ақлий, ахлоқий-эстетик жиҳатдан тарбиялашда самарали таъсир кўрсатади.

Мис кандакорлиги дарслари талаба-ёшларда эстетик дунёқарашни, ғоявий эътиқодни шакллантиришда ўзининг алоҳида ўрнига эга. У фикрлаш қобилиятини, кўриш хотирасини, ижодий тасаввурини, бадиий дидни, эстетик ҳис-туйғуларини ўстиради.

Олий ўқув юртида ўқитиладиган ушбу санъат ҳар бир метал буюм тури учун нақш композициясини тузиш, мавзу асосида расм чизиш, кандакорлик, темирчилик ва рихтагарлик санъати ҳақида маълумот берилиб, талаба-ёшларнинг ижодий қобилияти ўсишига дунёқарашининг шаклланишига ёрдам беради, яъни шахсни ҳар томонлама камол топтиради.

Мис кандакорлик санъатининг асосий вазифаларидан бири талаба-ёшларга эстетик тарбия беришдир.

Эстетик тарбия бу талаба-ёшларнинг табиат, жамият ва санъатдаги гўзалликларини тўлиқ идрок этиш қобилиятини тарбиялашдир. Гўзаллик кишиларнинг ақли, қалби, идрокига таъсир этиб, маънавий-ахлоқий дунёқарашини бойитишга хизмат қилади.

Ҳозирги вақтда таълим тизимида асосий вазифалардан бири талаба-ёшларга борлиқни фақат ижодий ўзлаштиришга бўлган эҳтиёж ва қобилиятни шакллантиришгагина эмас, балки уларни гўзаллик қонунлари асосида борлиқни қайтадан қуриш ҳиссини тарбиялаш ҳамдир.

Жамиятимизнинг ҳар бир кишиси қайси соҳада иш олиб бораётганлигидан қатъий назар, гўзаллик ва нафисликни кўра билиш ва тушуна билиши лозим. Шу жиҳатдан касб таълими амалий санъат таълим йўналишида таҳсил оладиган ёшларни эстетик жиҳатдан тарбиялаш мақсадида ўқитувчи уларга қўлда бажариладиган ҳар бир буюм, санъат асари даражасигача келтириш мумкинлигини ва бундай ишларнинг қадр-қиммати ҳар доим юқори ўринни эгаллашини, шаклларнинг турли туманлигини ва гўзаллигини кўрсатади. Ҳар бир шакл ўз маъносига эгалигини ўргатиб боради. Шу йўсиндагина талаба-ёшларга мис кандакорлиги санъатига нисбатан қизиқиш ва меҳр уйғотиш мумкин.

Талабаларга қувонч, ҳаяжон бахш этган санъат асарларининг гўзаллигини сўз билан тасвирлаб бўлмайди, нақшларнинг бетакрорлиги узоқ вақтларгача уларнинг хотирасида сақланади.

Нақш композицияларини тузишда кандакор усталарнинг эскизларига қараб чизиш улардаги ўзига хос хусусиятларни ўрганиш орқали дарслар талабаларга дунёни кенг ва атрофлича кўра олишга, шунингдек, кўриш орқали олган таассуротлари доирасини кенгайтиришга, бу санъат ҳақида аниқ ва тўлиқ тушунчалар ҳосил қилишга ёрдам беради. Мис буюм учун композиция тузиш жараёнида болалар нарсаларнинг шакли, пропорциялари, буюмнинг қандай мақсадда ишлатилиши, қайси металдан тайёрланганлигини диққат билан ўрганадилар.

Мис кандакорлиги машғулотлари талаба-ёшларнинг кўриш орқали миллий ғояларни идрок қилишини ривожлантиради. Кўз орқали идрок этишни ривожлантириш деганда, биз мақсадга мувофиқ кузатиш қобилиятларини тушунамиз, яъни шакл ва ўлчамларни солиштириш, уларнинг фарқи ва умумий томонларини аниқлаш, буюмларнинг шакли ва ташқи кўриниши таснифлашни англаймиз.

Инсоннинг ташқаридан олаётган ҳар қандай маълумот ҳаётида кўзнинг роли беқиёс эканлигини кўрсатиб турибди ва у кўзнинг имкониятлар, қобилиятларини ривожлантиришда тасвирий санъати предмети устун туради. Шу нуқтаи назардан қараганда, амалий санъатнинг кишилар ҳаётида роли янада ойдинлашади.

Олий таълимда, жумладан, касб таълими амалий санъат таълим йўналишида учинчи босқичда мис кандакорлик санъатини ўқитиш орқали қатор таълим-тарбиявий вазифалар амалга оширилади. Бу вазифаларни амалга ошириш жараёнида талабалар билимини умумлаштиради ва чуқурлаштиради. Шулар асосида ёшларда миллий эстетик дунёқараш шакллантирилади.

Олий таълим муассасасида кандакорлик санъати тарихини, кандакорлик буюмлари, нақшларини чизиш ва металда нақш ўйишни ўрганиш кишиларга қандай имкониятлар яратилишини атрофлича кўрсатишни мақсад қилиб қўяди. Ўқитувчи машғулот жараёнида нақш чиза билиш ҳар қандай халқ амалий безак санъатида, мутахассисликда қўл келишини тушунтириб беради. Буни у ҳаётдан олинган мисоллар асосида олимлар ва қахрамонлар, маданият ва санъат арбобларининг фикрлари баён қилинади.

Олий ўқув юртларида кандакорлик санъатининг асосий амалий вазифаларидан бири талаба-ёшларни мис кандакорлик санъати техникаси билан қуроллантиришдир. Бунинг учун ўқитувчи талаба-ёшларга композиция чизиш, буюмга эскиз нақшларини ўтказиш, иш қуролларини ишлатиш, буюмни ўйишдан кейинги тозалаш ва тайёр ҳолатга келтириш йўлларини ўргатади. Ўқитувчи талабаларнинг ижодий қобилиятларини ўстиришни ўз олдига вазифа қилиб қўяр экан, у талабалар билан ишлашнинг мақбул методикасини ишлаб чиқиши лозим бўлади. Мис кандакорлиги дарсларида санъат асарлари ва уларнинг ижодкорлари билан таништирадилар. Машғулот давомида ўқитувчи кандакорлик санъати мактаблари, бу санъатнинг ривожланиш тарихи, мис кандакорлиги турлари, кандакорлик асбоб-ускуналари, хомашёлари, таниқли кандакор усталарнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида сўзлаб беради.

Халқ амалий санъатининг тури бўлмиш кандакорлик билан танишиш ҳаётдаги ва санъатдаги гўзалликни тушуна билишга йўналтирилган, табиат ва ватанга бўлган муҳаббатни ривожлантиришга қаратилган бўлиши лозим.

Машғулотларни ўтказиш жараёнида ўқитувчи асосий эътиборни кандакорлик асарларидаги гўзалликни идрок қилишга, яъни уларнинг ҳар бир гуллардаги маънони ўқий олишга қаратиши керак. Мис кандакорлик санъатининг жуда мураккаб ва сабр-тоқатлиликни талаб қилишига қарамай, қан-

чалик бетакрор ва ажойиб санъат асарларини яратиш мумкинлигини ёшларга етказиб билиш ўқитувчининг асосий мақсади бўлиб ҳисобланади.

Фикрларимизнинг исботи сифатида олий ўқув юрти касб таълими амалий санъат таълим йўналишида мис кандакорлиги дарсларидан намуна келтиришни лозим топдик.

Дарс мавзуси: "Мис кандакорликда нақш турлари. Зеб ва Зебиш нақшларини чизиш".

Таълимий: талабаларда кандакорлик нақшлари ҳақида тушунча ҳосил қилиш. Зеб ва Зебиш нақшлари ва уларнинг чизилиши ҳақида маълумот бериш.

Тарбиявий: талабаларнинг мис кандакорлик санъатига хос гўзалликни ҳис қила билишга ўргатиш, эстетик тарбиялаш. Мис кандакорлиги назарияси ва амалий кўникмалари билан қуроллантириш, ижодий қобилиятини ўстириш, талабаларни диққат-эътиборли ва сабр-тоқатли бўлишга ўргатиш.

Ривожлантирувчи: талабаларнинг нақш чизиш соҳасидаги билимларини ривожланти-риш, мантиқий фикр юритиш кўникмаларини ривожлантириш. Талабаларни кўз хотирасини ва би-лиш фаоллигини ошириш, ижодий тафаккур ва тасаввур, фантазиясини, қалам билан ишлаш малакаларни ривожлантириш.

Дарс жиҳози: проектор, чизмали плакатлар, мавзуга оид адабиётлар, мис кандакорлик санъати намуналари (лали, патнис ва ҳ.к.).

Дарсда фойдаланиладиган технологиялар: муаммоли, дидактик ўйин технологияси**.**

Асосий тушунчалар ва таянч билимлар: нақш, канора чизиғи, Зеб ва Зебиш нақшлари.

Дарснинг бориши:

1.Ташкилий қисм.

2. Талабаларни дарс мавзуси, мақсади билан таништириш.

Доскага кун, ой ва йил қайд этилади. Дарсни самарали ўтиш мақсадида компьютер технологияси асосида проектордан фойдаланилади. Ўқитувчи мис кандакорлигида ишлатиладиган нақшлар ҳақида янги маълумот беради. Нақшларнинг ишлатилиши ҳақида маълумот беради. Мавзуга оид кандакорлар томонидан бажарилган нақш эскизлари кўрсатиб борилади. Мавзуга оид тақдимот қилинади.

3.Янги мавзуни ўрганиш: талабаларнинг эътиборини доскага қаратиб ўқитувчи бўр ёрдамида Зеб ва Зебиш нақшини чизиш қоидасини тушунтиради ва кўрсатиб беради.



Талабалар дафтарларида ўқитувчи бажарган ишни ўзлари машқ қиладилар. Дарс давомида ўқитувчи ҳар бир боланинг олдига бориб, амалий ёрдам кўрсатади ва маслаҳат беради.

Дарс давомида кандакорлик мактаблари ҳақидаги видеолавҳани намойиш қилади ва шу мавзу юзасидан суҳбат олиб боради. Амалий ишни бажараётганда талабалар билан доскада "Нима учун?" усулида сўров ўтказилади.

БИЛАМАН	**БИЛИШНИ ХОҲЛАЙМАН**	**БИЛДИМ**
Нақш турларини	Мис кандакорлик нақшларининг чизилишини	Зеб ва Зебиш нақшларининг чизилишини ўрганиб олдим



Ушбу сўров муаммонинг ечимини топишга ёрдам беради ва “Нима учун” интерфаол методи орқали муаммо ҳал қилинади.

Янги мавзу бўйича талабаларнинг билимини назорат қилиш ва баҳолаш берилган топшириқни, яъни нақшларни чизиш жараёни ва дарсда фаол қатнашганлар орқали амалга оширилади.

Ўқитувчи янги мавзуни тушунтиргандан сўнг талабалар билимини мустаҳкамлаш учун интерактив методлардан бири ҳисобланган Б/Б/Б методидан фойдаланади. Жадвални доскага ёзади. Талабалар эса тўплаган билимлари асосида нимани билишни хоҳлаганини, нимани билиб олганлигини ёзади. Сўнгра ўқитувчи ушбу тўлдирилган жадвални талабалар билан биргаликда умумлаштиради.

Ушбу жадвални тўлдириш орқали талабалар янги мавзу бўйича олган билимларини мустаҳкамлайдилар.

4. Уйга вазифа бериш.

5. Дарсни умумий якунлаш.

Келтирилган дарс машғулотидан аёнлашадики, талабаларда ихтисосликка оид билимлар билан қуроллантириш ҳамда ахлоқий-эстетик дунёқарашни тарбиялашда мис кандакорлиги фани катта аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади. Чунки ахлоқий-эстетик дунёқараши ривожланган шахс мамлакатда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини қуришда фаол иштирок этади, ўзининг интеллектуал, маънавий, маданий, жисмоний кучини юксалтиради, ахлоқий-ҳуқуқий билим ва хатти-ҳаракатларини жамият талаб ҳамда эҳтиёжига мос ҳолда йўналтира олади. Бу эса биз ташкил қилаётган ўқув-тарбия жараёнининг бош мақсадидир.

Адабиётлар

1. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси.// http://lex.uz/docs/3516847
2. Халимова Д. А., Мусинов С.И. Мис ўймакорлиги. – Бухоро, 1992.
3. Авлиякулов М.М., Мусинова А.С. Мис кандакорлиги фан дастури. – Бухоро, 2016.

IQTISODIY TA'LIM VA TURIZM





Носир МАХМУДОВ
Тошкент давлат иқтисодиёт университети макроиқтисодиёт кафедраси профессори, иқтисод фанлари доктори

Махаммаджон БЎТАБОЕВ
Тошкент ахборот технологиялари университети Фарғона филиали гуманитар ва ижтимоий фанлар кафедраси профессори, иқтисод фанлари доктори

БИЗНЕС ЖАРАЁНЛАРИДА МОЛИЯВИЙ МЕНЕЖМЕНТ

Мақолада молия тушунчаси, молиявий менежмент ва уларнинг бизнес жараёнларида қўлланилиш масалалари таҳлил қилинади. Молиявий менежментда турли шароитларда ва усулларда фойданиш, меъёрлаштириш, олдиндан белгилаш тўғрисида ҳар бир бизнес субъектларининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқадиган мулоҳазалар илгари сурилади.

Таянч тушунчалар: *молия, молиявий менежмент, бизнес, хўжалик фаолияти, ишлаб чиқариш, бизнес субъектлари, молиявий ресурслар, ссуда, фьючерс шартномалари.*

В статье анализируются понятия о финансах, финансового менеджмента и вопросы применения их в процессе бизнеса. Выдвигаются размышления, что в финансовом менеджменте в разных обстоятельствах нормализовать прибыль, заранее намечать ее, впоследствии своеобразности свойств каждого субъекта бизнеса.

Опорные понятия: *финансы, финансовый менеджмент, бизнес, хозяйственная деятельность, производство, субъекты бизнеса, финансовые ресурсы, ссуда, фьючерсные контракты.*

In article are analyzed a concept about finance, financial management and questions of their application in the course of business. Reflections move forward that in financial management in different circumstances to normalize profit, in advance to plan it, originality of properties of each subjects of business subsequently.

Supporting concepts: *finance, financial management, business, economic activity, production, subjects of business, financial resources, loan, future contracts.*

Бизнес жараёнининг субъектлари пул муносабатларига киришганида молия пайдо бўлади. Молия – бизнес жараёни субъектларининг даромад ва харажат борасидаги иқтисодий муносабатларидир. Ҳар бир бизнес эгалари ўз ресурсларини қанчалик яхши ишлатса, шунчалик кўп даромад олади. Даромад бизнес субъектнинг ихтиёрига келган тушумдир. Бу ерда бир субъектнинг даромад топиши, бошқа бир субъектнинг харажат қилишини билдиради. Бизнес эгалари хонадонларга товар ва хизмат сотганда даромад олади, хонадонлар эса харажат килишади. Худди шу йўсинда, давлат ҳам, харажат-даромад ишида иштирок этади. Давлат ижтимоий хизматларни кўрсатгани учун даромадлар ва солиқ шаклида пул олади ва бу фирмалардан товар ва хизматлар, хонадонлардан ресурслар сотиб олган чоғида уни харажат қилади. Молия муносабатлари – бу бизнес жараёнида субъектларнинг молия ресурслари хусусидаги ўзаро алоқаларидир. Бу алоқалар ялпи ички маҳсулот ва миллий бойликни тақсимлаб ишлатиш борасида юзага келади. Молия механизми – бу турли молия воситалари бўлиб, солиқ, субсидия, субвенция, жарима, дотация, молиявий меъёрлар ва бошқалардан иборат. Бизнес жараёнида яратилган даромадлар тақсимланади: биринчидан, қилинган даромад фойда сифатида фирма ихтиёрида колади; иккинчидан, фирмада ишловчи ходимларга тегади; учинчидан, солиқ шаклида давлат олади. Молиялаштириш бизнес фаолиятининг пул билан таъминланишидир.

Молиявий менежмент мутахассиси тилларни билиши, тарих, география, халқлар маданияти, урф-одатлари, валюталар курси, солиқ, кредит, ссуда, суғурта ва бир қатор бошқа илмлардан хабардор бўлиши талаб қилинади. Шу ерда битта мисолни эслатиб ўтмоқчимиз. 1971 йилда Англия бош вазири Маргарет Тетчер хоним, давлат ташрифи билан, Европа тарихида биринчи аёл раҳбар Саудия Арабистонига боришига тўғри келган. Европалик аёл подшоҳ қабулига кириши керак эди. Хонимнинг тутган йўлига бутун дунё қойил қолиб, бош эгган ва Саудия Арабистони билан Буюк Британия ўртасидаги савдо алоқалари ва ўзаро ҳамкорлик ҳозиргача давом этиб, кенгайиб боряпти. М.Тетчер хоним Ислом дини қоидаларини ҳурмат қилиб, узун кўйлак кийиб, узун енгли кўйлак устидан тўр ёпинчиқ тутиб, юзини ҳам беркитиб олган. Самолётдан тушаётган Бош вазир хонимнинг мусулмон халқига бўлган ҳурмати тўғрисидаги ахборот подшоҳга етказилган. Подшоҳ яхши кайфиятда Англия ҳукумати бошлиғини қабул қилиб, ҳурмат кўрсатган. Бизнес жараёни барча билимлар, ҳатто миллий урф-одатлар билан ҳам боғлиқ бўлади.

Молия – француз тилидан finances – пул маблағлари деб таржима қилинади. Марказлашган ва марказлашмаган пул жамғармаларини барпо қилиш ва улардан фойдаланишда қўлланиладиган иқтисодий муносабатлар йғиндисидир. Давлатнинг пайдо бўлиши билан доимий тавар-пул муносабатларининг ривожланиши ва давлатларнинг пул маблағларига бўлган эҳтиёжлари натижасида келиб чиққан давлат молия тизими (давлат бюджети, махсус ҳукумат жамғармалари, маҳаллий молия, давлат корхона ва ташкилотлари молияси) орқали миллий даромаднинг сезиларли қисмини қайта тақсимлайди. Иқтисодиётни тартибга солади, мудофаа ва бошқарувни маблағ билан таъминлайди.

Хусусий корхона, ташкилот ва муассасалар ҳам молия ёрдамида ўз даромадларини тақсимлайди ва қайта тақсимлайди. Амортизация (эскириш) жамғармаси, заҳира, режалаштириш, рағбатлантириш жамғармалари барпо қилади. Суғуртани йўлга қўяди. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлайди. Дивидендлар, фоизлар тўлайди. Қимматли қоғозлар сотиб олади. Молия ўзининг тақсимлаш ва назорат функция(вазифа)ларини бажариб, ижтимоий пул маблағлари барпо қилади. Хўжалик юритувчи субъектлар молияси, мамлакат молия тузимининг таркибий қисми ҳисобланади.

Молия тизими – мазкур мамлакатнинг молия соҳасига кирадиган турли пул муносабатларни ўз ичига қамраб олади. Яьни, давлат корхоналари молияси, хусусий ва акционерлик ташкилотлар молияси, мамлакат молия муассасаларидан – бюджет, ижтимоий суғурта, суғурта, солиқ ва бошқалар, кенг маънода кредит тизими ҳам, молия тизимининг таркибий қисми ҳисобланади. Шунингдек, давлат кредитини ҳам қамраб олади. Давлат кредитида давлат қарз олувчи, фуқаролар ва жамғармалар, ташкилотлар, хорижий ва халқаро ташкилотлар қарз берувчи вазифасини бажаради. Қимматли қоғозлар, қарз мажбуриятларини, чиқариб сотиш, грантлар, ташқаридан қарзлар олиш ва ҳоказолардир.

Ингилиз тилидаги manager – бошқарувчи сўзидан олинган. Менежмент ибораси бошқарувчиликка оид фаолият маъносини билдиради. Хусусий бизнес эгаси кўпинча ўзи бошқарувчи ҳам, назоратчи ҳам, бозорни ўрганувчи (маркетолог) ҳам ва ҳисоб китоб юритувчи ҳам бўлади. Кўпинча, хусусий бизнесда четдан ишчи ёлланмайди. Бизнес оила азолари кўмагида юритилади.

Менежер – иш бошқарувчи, лекин бизнеснинг эгаси эмас. Хўжайиннинг топшириқларини бажарадиган ёлланма мутахассисдир. Менежер муайян соҳаларда етарли билимларга эга бўлиб, бизнесни ривожлантиришга қўшган ҳиссасига қараб рағбатлантирилади. У хорижий тилларни, ҳужжатлар юритиш, ҳисоботлар тузиш, вазиятлар кўп вариантли бўлганда, энг самарали ечимни топиб, раҳбарият тасдиғига кирита олиши талаб қилинади. Менежмент бир нечта менежер – хизматчилар меҳнати билан олиб борилади.

Бизнес субъектларининг ички молиявий муносабатлари хўжалик фаолияти жараёнидаги хом-ашё етказиб беришга, транспорт таъминот соҳаларидаги ҳамда ишчи хизматчиларга тўланган иш ҳақи, мукофотлар ва солиқларни ушлаб қолиб, бюджетга ўтказиб беришга оид муносабатларни қамраб олади. Бюджет билан бўладиган барча муносабатлар учун солиқ агенти, яъни бизнес эгалари масъул бўлади. Тижорат банклари, суғурта компаниялари, маслаҳат-консалтинг ва аудит хизматлари кўрсатувчи ташкилотлар билан молиявий муносабатлар ҳам молиявий менежмент асосий фаолиятини белгилайди. Харидор, буюртмачи ва турли рухсат берувчи, назорат қилувчи ташкилотлар билан бўладиган муносабатлар ҳам молиявий менежмент фаолиятини ташкил қилади.

Молиявий маркетингнинг асосий вазифалари:

1. Бошқарув яъни ташкил этиш, таҳлил, режалаштириш, рағбатлантириш.

2. Махсус вазифалар, яъни активларни бошқариш, капитални бошқариш, инвестицияларни бошқариш, пул ўтказмаларини бошқариш.

3. Молиявий рискларни бошқариш.

4. Назорат, яъни ҳужжат билан амалдаги ижро бир хиллигини, қарор, буйруқ, кўрсатма, молиявий сирлар сақланишини доимий назорат қилиш.

Актив (хом-ашё, эҳтиёт қисмлар, заҳиралар) ларнинг ҳажми оптимал бўлиб, уларда пул маблағларини узоқ вақт банд бўлиб қолмаслиги, электр, сув, газни тежаб сарфлаш маслалари молиявий маркетингнинг асосий вазифаларидан ҳисобланади.

Капитални бошқариш, яъни бизнес субъектларининг ҳозирги ва келгусидаги фаолиятининг узлуксиз маблағ билан таъминлаш мақсадида тежамкорлик, мақсадлилик, операцияларни таъминлаш орқали умумий талаб, етарлилик, узлуксизликни таъминлашдан иборат.

Инвестицияларни бошқариш, яъни фаолият турларини кенгайтириш ва уларни маблағ билан таъминлашдир. Амортизация ажратмалари заҳира жамғармалари, фойдадан ажратмалар ва четдан акционерлар, банклар ва бошқа иштирокчиларни жалб қилган ҳолда кўзланган вазифаларни тўлиқ молиялаштириш амалиётидир.

Молиявий менежментнинг вазифалари қуйидагилардан иборат: операцион қарорлар қабул қилиш; айланма маблағларни бошқариш, фойда ва бошқа харажатларни бошқариш; бюджетни тузиш ва бошқа харажатларни бошқариш; ва жорий фаолиятни режалаштириш; молиявий ташхис ва назорат килиш; молиявий рискларни бошқариш; инвестицион қарорлар қабул қилиш; узоқ муддатли активларни бошқариш; инвестицион имкониятларни баҳолаш ва ишлаб чиқиш; капитал қўйилма бюджетини ишлаб чиқиш; инвестицион портфельни бошқариш; капиталнинг таркиби ва қийматини аниқлаш, молиялаштириш манбаларини жалб қилиш; қимматли қоғозлар бўйича молиявий қарорлар қабул қилиш; дивиденд сиёсатини бошқариш, молиявий рискларни бошқариш ва ҳоказолар.

Бизнес жараёнларида молиявий менежментни ташкил қилиш қуйидаги ҳолатларга боғлиқ бўлади:

1. Хўжалик фаолиятининг молиявий ресурслар билан таъминланганлиги.
2. Ишлаб чиқариш циклининг босқичларига, бизнес юритишнинг ташкилий, ҳуқуқий шаклига ва бошқа ҳолатларига ҳам боғлиқ.

Бизнес жараёнларини молиявий таъминот менежменти қуйидагиларни ўз ичига олади: ташкилий, ҳуқуқий, ахборот хавфсизлиги, услубий, дастурий, техникавий, таҳлилий ва башорат қилиш. Бунда бошқарувнинг иерархик ва функционал жиҳатларини ҳисобга олиш мумкин. Иерархик бошқарув – масалан, ҳукумат, вазирлик, бошқарма, туман бўлими ёки бошқарув кенгаши, тафтиш ва назорат бўлими. Функционал бошқарув – молия бўлими, ишлаб чиқариш бўлими, реализация, экспорт, инновация ва лойиҳалаш, кадрлар бўлими, малака ошириш ва қайта тайёрлаш, лойиҳа – қидирув, капитал қурилиш, транспорт логистика каби функцияларни тақсимлаш тартибида ташкил этилади.

Халқаро амалиётда, корхоналар молиявий фаолиятининг алоҳида йўналишлари бўйича, жавобгарлик марказлари ташкил қиладилар. Марказга тайинланган раҳбар ўзига юклатилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда, ижро учун жавобгарликни ўз зиммасига олади. Асосий жавобгарлик марказлари қуйидагилар бўлиши мумкин:

1. Харажатлар маркази.
2. Даромадлар маркази.
3. Фойда маркази.
4. Инвестициялар маркази.

Бу марказлар, самара билан ишлаб ўз функцияларини тўлиқ бошқариш учун, ахборот таъминоти зарур. Молиявий менежментнинг ахборот хавфсизлигини – режалаштириш, таҳлил, молиявий фаолиятнинг турли йўналишлари бўйича бошқарув қарорлари қабул қилиш учун керакли, ишончли маълумотларни қайта ишлаб, ахборотга айлантириб, белгиланган шаклда, белгиланган манзилга етказиб беради.

Ахборот тизими:

1. Давлатнинг макроиқтисодий кўрсаткичлари.
2. Тармоқнинг ривожланиш кўрсаткичлари.
3. Молия бозорининг кўрсаткичлари.
4. Бизнес субьектларининг молиявий ва бошқарув кўрсаткичларидан иборат бўлади.

Замонавий бухгалтерия ҳисоби иккита таркибий қисмлар – молиявий ҳисоблар ва бошқарув ҳисобларидан иборатлиги бўлғуси бизнес эгалари учун қўшимча маълумот ҳисобланади.

Молиявий механизм – бу муносабатларни ташкил қилиш, молявий ресурсларни шакллантириш ва улардан фойдаланиш усулларининг йиғиндисидир. Молия механизми ҳам, молия тизими каби иккита йирик соҳаларга ажратиб ўрганилади:

1. Бизнес жараёнларининг молиявий ҳолати.
2. Давлат молиясининг механизми.

Бизларни бизнес субъектларининг – яъни бизнес жараёнларининг молия механизми қизиқтиради. Бизнес субъектларининг молиявий механизми – бу молиявий ресурслардан фойдаланиш усуллари ҳамда бизнес субъектлари молиясини ташкил қилиш шакллари ҳисобланади. Молиявий менежер томонидан ушбу жараён, турли молиявий усулларни, тамойилларни қўллаш орқали амалга оширилади.

Молиявий менежментда турли шароитларда ва усулларда фойдани меъёрлаштириш, олдиндан белгилаш тўғрисида ҳар бир бизнес субъектларининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқадиган мулоҳазалар илгари сурилади. Фойда аниқлангани – бу маҳсулот реализация бўлганлигини билдиради. Яъни товарни сотишгача тайёрлаш учун сарфланган барча харажатлар тўлиқ қопланганлигини билдиради. Ишчи, хизматчи, корхона эгаси ҳам ўзига хос ҳисобланган иш ҳақини, солиқларни тўлаган ҳолда олиши мумкин. Ҳатто бино ижараси учун тўланган маблағ ҳам қайтади. Иш ҳақининг тўланганлиги мамлакатда ишлаб чиқарилаётган ва четдан келтирилган товарларни сотиб олиш учун харид қувватига эга бўлган харидорлар ва буюртмачилар шаклланади. Иш ҳақи тўлангани ягона ижтимоий тўлов пенсия жамғармасига, меҳнат ва бандликка кўмаклашиш жамғармасига, касаба уюшмалари федерациясига пул келиб тушганини, яъни пенсияларни тўлаб истеъмолчиларнинг харид қуввати таъминланганлиги ва бошқа бир қатор ижтимоий қўллаб-қувватлаш ишлари молиялаштирилганлигини билдиради.

Товар реализация бўлиб, янгидан қўшилган қиймат тан олинганлиги давлат бюджети даромадларига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ва носолиқ даромадлар келиб тушганлигини билдиради.

“Одилбек” ёғочни қайта ишлаш хусусий корхонасининг молиявий маълумотлари.

1. Устав жамғармасининг таркиби.

Ўз маблағлари – 275 млн сўм
Банк кредити – 40 млн сўм
Жами – 315 млн сўм

2. Асосий воситалар таркиби.

Бинолар, цех – 169 млн сўм
Дастгоҳлар – 73 млн сўм
Сув ҳовузи, бетон – 16 млн сўм
Омборхона, шит – 18 млн сўм
Юк автомашинаси – 19 млн сўм
Жами – 295 млн сўм

3. Айланма маблағлар (бир айланиш учун)

Ёғоч , тахта , фанера – 40 млн сўм
Мих, бўёқ, елим – 10 млн сўм
Электр энергияси - 8 млн сўм
Газ сарфи, ёғоч қуритиш учун – 2 млн 6 минг сўм
Газ, юк автомашинаси учун – 400 минг сўм
Иш ҳақи ва унга ажратма – 61 минг сўм
Суғурта – 600 минг сўм
Банк хизмати – 200 минг сўм
Солиқлар (ер, мулк, сув) – 400 минг сўм
Бошқа тўловлар (ёнғин хавфсизлиги) – 800 минг сўм
Жами – 127 млн сўм

4. Айланма маблағларни молиялаштириш манбалари:

Банк кредити – 20 млн сўм
Банк ссудаси – 60 млн сўм
Кредиторлик қарзлари – 47 млн сўм

5. 2018 йил 1-ярим йилликда реализация – 2.054 млн сўм
6. 2018 йил 1- ярим йилликда таннарх – 1.539 млн сўм

7. Ялпи фойда 2.054 – 1.539 = 515 млн сўм. Фойдалилик 515/1539*100 = 33,46%
8. Фойда солиғи: 515*14/100 = 72,1 млн сўм
9. Соф фойда 515-72,1 = 442,9 млн сўм
10. Амортизация 315 млн = (9%) 29,25 млн сўм. Бир ойга 29,25/12 ой = 2,437 млн сўм.
11. Айланма маблағлар.

КЕЙСЛАР:

1-кейс.

1. Фирманинг ҳисоб варағида 28 млн.сўм пул маблағлари бор. Хом ашё етказиб берувчиларга 12 млн.сўм., транспорт корхонасига 6 млн.сўм., электр идорасига 11 млн.сўм., солиқлар бўйича муддати келган тўловлар учун 9 млн.сўм., иш ҳақига 22 млн.сўм., иш ҳақи учун пул олинган тақдирда 25 % ягона ижтимоий тўлов учун 5,5 млн. сўм. Муддати бўйича инвестицион кредит тўловига 3,5 млн.сўм. Банк хизматлари ва фоизлари учун 1,5 млн. сўм тўланиши керак. Иқтисодиёт етишмайдиган пул маблағларидан самарали фойдаланиш фаолияти. Тўловларни амалга ошириш учун қандай йўлларни қўллаш мумкин?

Дебиторлар. Харидорлардан тушумлар, Кредит, қарз, ссуда, олдиндан тўлов тушуми, дивиденд, фоиз тушумлари, заҳира жамғармаси, товар билан тўлаш ва ҳоказолар ёрдамида тўланади.

2-кейс.

2. ОАЖда дивиденд тақсимоти ўтказилди. “А” корхона 100 млн.сўм. “Б” корхона 50 млн.сўм. Фуқаролар 200 млн.сўм дивиденд олишлари аниқланди. Тўлов манбаидан 10 % даромад солиғи ушлаб қолиб, қолган суммаларни акционерларга тўланг, тақсимланг.

3-кейс.

3. Корхонага 1-чорак давомида 200 млн.сўм пул реализациядан келиб тушди. Хом ашё ва бошқа моддий харажатларга 140 млн. сўм сарфланган. Иш хақига 40 млн. сўм тўланиши кутилган эди. Лекин хусусий корхона раҳбари ўзига одатдагидан 20 млн.сўм кўп иш хақи ёздирди. Фойдани аниқланг?

4-кейс.

4. Корхона четдан сотиб олинган хом ашё ва хизматлар учун 42 млн.сўм пул тўлаган. Тўланган ҚҚС ва акция солиқларининг жами 8 млн.сўм. Корхона қўшган қиймат 15 млн.сўм. Демак, таннарх 51 млн. сўмга тенг. Маҳсулот сотишдан (тайёр маҳсулот учун) 60 млн.сўм ва ҚҚС 12 млн.сўм. Жами 72 млн. сўм пул тушди. Бухгалтер янги ходим эди. Раҳбарнинг ёнига ташвишли кирди ва ҳисоб китобини кўрсатди. Тўланадиган ҚҚС ва акция солиқлари 12-8=4 млн.сўм. Бироқ, корхона қўшган қиймат 15 млн.сўм ва унга 20% ҚҚС ҳисобланса (15*20:100=3) 3 млн.тўланиши керак эди. Бу ерда 4-3=1 млн.сўм ҚҚС ортиқ тўланаяпти деди. Раҳбар, ҳисоб китобларни кўриб, 4 млн.сўм тўлашга топшириқ берди. Нега? Нима сабабдан корхона 1 млн.сўм кўп ҚҚС тўлаяпти? Ўзининг ҳисобидан тўлаяптими? Бир нарса аниқ. Раҳбар солиқ агенти эканлигини унутмаган. Изоҳланг. Муҳокамага ташланг, сўранг.

Бизнеснинг ишбилармонлик таркибларини кредит билан таъминлаш – бу уларга молиявий пул ёки товар шаклидаги воситаларни маълум мудатга берилишидир. Бу қуйидагича амалга ошади: - бизнес субьектларига пул ссудаларини ёки товарни капитал ўрнида тўғридан-тўғри беришни билдиради; - ҳисоб-китоб турларидан бири кредит муддатини яъни тўлов муҳлатини белгилашдир. Бу ерда кредит, тўлаш ва фоиз тўлаш шарти билан, ссуда кўринишида бўлади. Банк идоралари қарзга берувчилар – кредиторлар, олувчилар – заёмчилар деб аталади. Кредит ўзини, ссуда капитали шаклида намоён қилади. Пул ёки товар шаклидаги ссуда қайтарилиши ва тўлови шарти билан кредитор ва заёмчи ўртасидаги иқтисодий муносабатларни акс этиради.

Молиявий менежерлар ҳам бошқа соҳалар вакилларига ўхшаб ўз касбий терминларни қўллаб фаолият юритишади. Бизнес жараёнларида молиявий таъминот менежменти нима учун керак? Бир томон, сотишга ҳаракат қилади иккинчи томон (айниқса энергия, хом-ашё сотиб олувчилар) сотиб олишга интиладилар.

Хулоса қилиб айтганда, бизнес жараёнида молиявий менежмент соҳасида тайёрланаётган кадрлар сифатига алоҳида эътибор берилса, жаҳон талабларига жавоб берадиган рақобатбардош кадрларни тарбиялаш вазифаси бажарилиши юзасидан дастлабки қадамлар қўйилган бўлади.

Адабиётлар

1. Астахов В. П. Финансовый учет. Тесты: Учебное пособие. – М.: ИДФБКПресс, 2004. – 200 с.

3. Бланк Е.Г. Основы финансового менеджмента. – М.: ИНФРА, 2004 г.

4. Донцова А.В., Никифирова Н.А. Анализ финансовой отчетности. Практикум. – М.: Дело и Сервис, 2004. – 144 с.

5. Миронов М.Г. Финансовый менеджмент (Справочник руководитея). – М.: ГроссМедиа, 2004. – 144 с.

6. Ковалев В.В. Финансовый учет и анализ: концептуальные основы. – М.: Финансы и статистика, 2004. – 720 с.

7. Собиров М.А. Тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишнинг асослари. – Тошкент: Консаудитинформ – Нашриёт, 2003. – 78 б.

8. Ходиев Б.Ю., Самадов А., Юсупов М.С., Мелибоев Ш.А ва бош. Кичик тадбиркорлик фаолияти асослари (ўқув амалий қўлланма). – Тошкент: ЕҲ ТЕМПУС дастури «Матадор-2000» лойиҳаси, 2004. – 144 бет.

9. Ходиев Б.Ю., Самадов А., Юсупов М.С., Мелибоев Ш.А ва бош. Кичик тадбиркорликда молиявий менежмент (ўқув амалий қўлланма). – Тошкент: ЕҲ ТЕМПУС дастури «Матадор-2000» лойиҳаси, 2004. – 144 бет

10. Дементьева А. Г. Корпоративные Финансы: Учеб. пособ. /Часть 1. В 2 ч. – М.: МГИМО,2002. – 250 с.

11.Дон Патинкин. Деньги, процент и цены. – М.: Экономика, 2004. – 375 с.

12. Донцова А.В., Никифирова Н.А. Анализ финансовой отчетности. Практикум. – М.: Дело и Сервис, 2004. – 144 с.

13.Ефимова М.Р. Финансово-экономические расчеты. Пособие для менеджеров: Учеб пос. – М.: ИНФРА-М, 2004. – 185 с.

14. Ковалев В.В. Сборник задач по финансовому анализ: Учеб пособия. – М.: Финансы и статистика, 2003. – 124 с.





Матлуба ЗАРИПОВА
Ғиждувон педагогика коллежи директори

Миржон ҚЎЛДОШЕВ
Ғиждувон педагогика коллежи психологи

Ситора РАХИМОВА
Ғиждувон педагогика коллежи ўқитувчиси

КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ ЎҚУВЧИ-ЁШЛАРИДА ИҚТИСОДИЙ БИЛИМ ВА КЎНИКМАЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ

Мақолада касб-ҳунар коллежи ўқувчи–ёшларида иқтисодий билим ва кўникмаларни ривожлантириш хусусида фикр юритилган.

Таянч тушунчалар: *ўқувчи, иқтисод, тадбиркорлик, меҳнатсеварлик, иқтисодиёт, жамият.*

В статье размышляется о развитие экономических знаний и навыков учащихся в профессиональных колледжей.

Опорные понятия: *ученик, экономика, предпринимательство, трудолюбие, экономика, общество.*

In article it is reflected about development of economic knowledge and skills of pupils in professional colleges.

Supporting concepts: *pupil, economy, business, diligence, economy, society.*

Ҳар бир жамиятнинг келажаги унинг ажралмас қисми бўлган таълим тизимининг қай даражада ривожланганлиги билан белгиланади. Мамлакатимизнинг оғир иқтисодий, ижтимоий-сиёсий қийинчиликларни босиб ўтиб, тараққиёт йўлига кириши таълим тизимини ислоҳ қилиш билан боғлиқ эди. Шу жиҳатдан кадрлар тайёрлаш масаласи энг муҳим вазифа сифатида қўйилиб, уларни таълим сифатини ошириш билан бирга иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишга ҳам тайёрлаш зарур бўлиб қолди. Бу борада педагог кадрларни тайёрлашда уларни иқтисодий билимлар билан қуроллантириш, айниқса, бозор иқтисодиётига ўтилаётган ҳозирги шароитда ғоятда муҳимдир. Зеро, ёш авлодда иқтисодий билим ва кўникмаларни ривожлантириш уларни тежамкорлик, меҳнатсеварлик, ташаббускорлик, ишбилармонлик, тадбиркорлик, иқтисодий ҳисоб-китоблар ҳақида фикрлашга ўргатади. Демак, иқтисодиёт инсон фаолиятининг асосий жиҳати бўлиб, жамиятнинг энг муҳим негизи, унинг пойдевори ҳисобланади. Чунки инсоннинг инсон сифатида талаб-эҳтиёжининг қондирилиши, албатта иқтисодий фаолият билан боғлиқ. Булардан маълум бўладики, инсон ўз ҳаётида иқтисодиёт билан доимий муносабатда бўлади. Лекин бу муносабат оқилона ташкил этилиши лозим.

Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодий билим, иқтисодий кўникма ва малака ҳосил қилиш, иқтисодий тафаккурга эга бўлиш муҳим ва зарурдир. Чунки ҳар бир инсон ўзи учун ҳам, ўзи яшаётган жамият фуқароси сифатида ҳам маълум эҳтиёжларга эга ва бу эҳтиёжларни қондириш учун ҳам фаолият юритади. Бу фаолият жамиятда ўз ўрни ва мавқеига эга бўлиши учун ҳар бир фуқарога масъулият юклайди. Шунинг учун ҳам инсон иқтисодиётнинг маълум сирларини, иқтисодиёт илмини билиши зарур.

Зеро, инсон ўз оиласининг, ўзи яшаб турган юртининг фаровон бўлишини истайди. Бу истак ўз-ўзидан амалга ошмайди. Бунинг учун ҳар бир инсон ўз иқтисодий ва интеллектуал қобилиятини ишга солиши, ўзидаги бор имкониятни юзага чиқариши керак.

Иқтисодий имконият ва заруриятнинг юзага чиқиши эса иқтисодиёт илмини ўрганишдан бошланади.

Ҳақиқатан ҳам ўқувчи-ёшларни иқтисодий фаолиятга тайёрлаш, улар эгаллаган иқтисодий билим ва малакаларни қўллаш орқали самарали меҳнат қилиш, меҳнат маҳсулотларини тежаш, табиий муҳитни асраб-авайлаш, бўш вақтдан унумли фойдаланишдан иборатдир.

Иқтисодий фаолиятга тайёрлаш ўз ичига қуйидагиларни олади: иқтисодий эҳтиёж ва қизиқишларга эга бўлиш, умумий иқтисодий таълим; меҳнатга, меҳнат маҳсулотларига, табиий муҳитга муносабатни англаб етиш.

Иқтисодий таълим, яъни иқтисодий билимлар ва малакалар, фанлар тизими ўқувчи-ёшларни иқтисодий фаолиятга тайёрлашнинг муҳим таркибий қисмидир. Иқтисодий малака ва кўникмаларни ривожлантиришга эса иқтисодий малака ва кўникмани ҳосил қилиш, иқтисодий назорат, иқтисодий ҳисоб-китоб ва иқтисодий таҳлилни билиш киради.

Коллеж ўқувчиларида иқтисодий билим ва кўникмаларни барча ўқув фанлари таркибида ривожлантириш мумкин.

Масалан: география ўқитиш жараёнида мамлакатимизда табиий бойликларнинг, ишлаб чиқариш кучларининг жойлашиши; химия ўқитиш жараёнида турли технологик жараёнларнинг самарадорлиги, меҳнат дарслари жараёнида моддий бойликлар ишлаб чиқаришни режалаштириш каби малака ва кўникмаларни пайдо қилишга йўналтирилади. Чунки иқтисод билан шуғулланишнинг асосий вазифаси ўқувчи-ёшларнинг билим савиясини ошириш бўлса, кейингиси ана шу билим асосида малака ва кўникмалар ҳосил қилишдир. Иқтисод бўйича мутахассис олимлар - А.Ўлмасов, Н.Хўжаевлар иқтисодий билимлар асосида малака ва кўникмалар ҳосил қилишга катта эътибор берадилар [1].

Умуман олганда, иқтисодий билим ва кўникмаларнинг ривожлантириш жараёни қуйидагича кечади:

Билим → кўникма → малака

Бу жараён механизмини қуйидагича амалга ошириш мумкин:

1-жадвал

Иқтисодий билим ва малакаларнинг ривожланиш жараёни



Жамият ҳаётида иқтисодий билимлар ва малакаларнинг аҳамияти ортиб бораётган бир шароитда Ўзбекистонда ҳам иқтисодий соҳа давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Барча таълим тизимида иқтисодий билим ва малакаларни ривожлантириш энг муҳим вазифа қилиб қўйилди. Шунга кўра мамлакатимизда туб ислоҳотлар амалга оширилар экан, узлуксиз иқтисодий таълимни ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида ҳам бозор иқтисодиёти шароитида ишлай оладиган, иқтисодий билимларни чуқур эгаллаган, ҳар томонлама баркамол шахсни тарбиялашга эътибор берилган. Ана шундай кадрлар касб-ҳунар коллежларида тайёрланар экан, бу таълим муассасалари зиммасига катта масъулият юклайди.

“Бозор муносабатларига ўтиш даврида иқтисодий билимларни кўпроқ беришимиз мақсадга мувофиқдир”, – дейди Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А. Каримов бу муаммога алоҳида тўхталиб [3].

Ҳақиқатан ҳам, иқтисодий билимга эга бўлган ҳар бир инсон ҳозирги пайтда мамлакатимизда амалга оширилаётган мулкка эгалик нима эканлигини билиб олиши, боқимандаликдан халос бўлиб, ўз ижтимоий-иқтисодий аҳволига ўзи масъул эканлигини англаб етиши, иқтисодиётда рақобатга бардош бериш кераклигини тушуниб етиши; ўз ҳаёти тадбиркорлигига, эпчиллиги ва ҳушёрлигига боғлиқлигини идрок этиши; ўз қобилиятини қаерда, қандай сарф этишга, ўша фойда ва зарарни ҳисоб-китоб қила олиши иқтисодий билимни талаб этадиган асосий омиллардир. Хуллас, иқтисодий билим иқтисодиётни ривожлантиришнинг муҳим омилидир.

Ўқувчилар иқтисодий билимга ўз-ўзидан эга бўлмайдилар. Уларнинг иқтисодий билим асосларини эгаллаб олишида қуйидаги муҳим вазифаларни ҳал этиш муҳим ҳисобланади:

- ўқувчиларнинг иқтисодий билимларни ўзлаштиришида узвийлик ва узлуксизликка риоя қилиш, унинг асосида иқтисодий тафаккур ва онгни ривожлантириш;
- ўз эҳтиёжини моддий имкониятлари билан таққослай билиш малакасига эга бўлиш; табиат ва жамият бойликларига тежамкорлик билан муносабатда бўлиш; ўз касбини онгли танлай олиш;
- меҳнатни илмий ташкил этиш ва касбга йўналтиришда назарий билимларни шакллантириш;
- ўқувчиларда меҳнат қилишга эҳтиёжни шакллантиришда назарий билимларнинг амалий кўникмаларга айланишига эришиш.

Юқоридаги вазифалардан кўриниб турибдики, иқтисодий билим ва малакаларни ривожлантириш қуйидаги омилларга: тарбия мақсадига, жамиятнинг мазкур даврда олиб бораётган иқтисодий сиёсатига, ўқувчиларга иқтисодий билим беришнинг маълум тизимда амалга оширилишига, коллежнинг моддий базаси, ўқувчиларнинг ёш хусусиятига, ўқитувчиларнинг педагогик маҳоратига ҳамда иқтисодий тарбия жараёнининг ижтимоий ҳаёт билан алоқасига боғлиқ экан.

Иккинчи муҳим омиллардан бири, иқтисодий таълим мазмуни, ташкилий шаклларидир. Бунда иқтисодий таълим иқтисодий тарбия билан ўзаро диалектик бирликни ташкил этади.

Ҳозирги даврда Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А. Каримовнинг иқтисодий концепцияси иқтисодий билим ва кўникмаларни ривожлантиришнинг бош омили сифатида намоён бўлмоқда.

Мазкур бандда биз иқтисодий концепциянинг мазмуни ва моҳиятини ўрганиб, унинг назарий томонларини ёритишга ҳаракат қилдик. Чунки бугун дунёнинг аксарият мамлакатлари, халқлари бозор иқтисодиёти йўлидан бормоқда. Уларнинг ҳар бири ўз тарихий тараққиётининг маълум даврида ана шу йўлга қадам қўйганлар ёки ана шу йўлдан бормоқдалар.

Демак, инсоният тарихи учун “Бозор иқтисодиёти” деб аталаётган иқтисодий тизим умуман янгилик эмас. Бир қанча давлатлар ва халқлар учун бу йўл бир неча асрдан бери давом этиб келмоқда. Бу йўл барқарор тараққиёт, юқори ўсиш суръатлари, ижтимоий-иқтисодий фаровонлик, ҳамжиҳатлик йўли эканлиги сабабли ҳам кўпгина дунё халқлари унга асосланган ҳолда бозор муносабатларини шакллантириш ва ривожлантириш томон тобора интилмоқдалар. Жумладан, бизнинг мамлакатимиз ҳам мустақиллик туфайли бозор иқтисодиётига асосланган фаровон, демократик, фуқаролар жамияти қуриш томон дадил одимламоқда.

Мамлакатимиз бозор иқтисодиёти асос бўлувчи янги жамият қуришга киришар экан, унинг қуйидаги ўзига хос тамойилларини инобатга олиб, уларга риоя қилиб бормоқда. Бозор иқтисодиётининг чуқур моддий асосини товар ишлаб чиқариш, товар-пул муносабатлари ташкил этади. Бунинг маъноси – ишлаб чиқарувчилар, хўжалик юритувчи барча субъектлар фаолияти товар муносабатлари билан белгиланади. Бозор учун ишлаш, бозор талабларига мослашиб ишлаш, пировард мақсад – пулни кўпайтириш, фойда олишдир.

Демак, бозор иқтисодиётида пировард мақсад – фойда олишни олдиндан кўра билиш ёки ана шу ҳисоб-китоб билан ҳаракатни йўлга қўйишдир.

Бозор иқтисодиётининг энг муҳим тамойилларидан яна бири – бутун жамиятни, унинг ҳар бир аъзосини товар ишлаб чиқарувчига айланишидир. Зеро, товар ишлаб чиқарувчи бўлмай туриб, истеъмолчи бўлиш мумкин эмас.

Бошқача айтганда, бозорга "Қуруқ қўл" билан эмас, товар ва хизматлар таклифи билан чиқишдир. Бу ҳол бозорни товар ва хизматлар билан тўйинтиради, демак, мўл-кўлчиликка бозор иқтисодиёти асос солади. Бозор иқтисодиёти – истеъмолчининг ишлаб чиқарувчи устидан ҳукмронлигига олиб келади. Бундай шароитда товар ишлаб чиқарувчилар тақдири тўлалигича истеъмолчилар, яъни халқ тасарруфига ўтади. Даромад (пул) эгаси ўзи истаган, ўзига ёққан товар ёки хизматни танлаб ва истаганича сотиб олиш имкониятига эга бўлади. Худди шу маънода, бозор иқтисодиётида умуминсоний қадриятлардан бири сифатида инсон қадр-қиммати янада улуғланади.

Бозор муносабатларининг яна бир тамойили – рақобат ва рақобатчиликдир. Бу тамойил бозорни шунчаки товарлар ва хизматлар массаси билан тўлдириб қолмай, уларнинг сифати, истеъмол қийматини ҳам устуворликка чақиради. Албатта, бунинг учун рақобатчилик шартини шакллантириш керак. Рақобатбардош товарлар ва хизматлар ишлаб чиқаришнинг иқтисодий, ҳуқуқий, ижтимоий-сиёсий асосларини яратмоқ даркор. Бозор иқтисодиётининг юқорида зикр этилган барча тамойилларининг тўлақонли ишлаши эса чуқур, кенг қамровли ислоҳотларни талаб этди. Бундай ислоҳотлар ўз навбатида пухта ишланган илмий концепцияга асосланиши лозим.

Биз юқорида бозор иқтисодиётига ўтиш йўли обьектив зарурат экани, Ўзбекистон ҳам бундан мустасно бўлиши мумкин эмаслиги ҳақида тўхталган эдик. Ўзбекистон Республикаси касб-ҳунар коллежи ўқувчи-ёшларининг ўтказилган анкета сўровномаларига берган жавоблари ва иқтисодий тарбиянинг амалдаги аҳволини ўрганиш натижасида баъзи бир назарий фикрларга келдик: бозор муносабатларини шакллантириш Ўзбекистонни буюк давлатга айлантиришнинг, ўзбек халқининг тарихий буюклигини тиклашнинг, унинг ўз тарихий, илмий, маънавий, иқтисодий салоҳиятига мувофиқ турмуш тарзини вужудга келтиришнинг бирдан-бир тўғри йўли, деб белгиланган бўлса-да, бундай янги иқтисодий тизимга тарихан қисқа муддатда, қийинчиликларни чеклаб ўтиш муҳим масаладир. Демак, мамлакатни бозор иқтисодига олиб боришнинг илмий асосланган концепциясини ишлаб чиқиш зарурати пайдо бўлди. Бу заруратни англаш, унинг асосларини, тамойиллари, ўтиш воситалари ва асосий йўналишларини белгилаб олиш керак эди. Бу жуда катта илмий салоҳиятни, катта ҳаётий тажрибани, чуқур тафаккурни, тарихий тараққиётни таҳлил эта билишни талаб этар эди. Ана шундай салоҳиятга эга бўлган тарихий шахс – Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А. Каримов бўлди. У янги жамият қуришнинг илмий концепциясини ишлаб чиқди, тарих юклаган ғоят оғир вазифани муваффақиятли уддалади. Бугун бу концепциянинг илмий асосланганлиги, унинг тўғрилиги ва ҳаққонийлигини жаҳон эътироф этмоқда.

Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтиш концепциясини ишлаб чиқишда бозор иқтисодиёти ва ислоҳотларнинг негизини ташкил қилувчи йўлларининг ғояси хилма-хил эканлигига эътибор қаратилди. Бу хилма-хил йўллар чуқур ўрганилиб, таҳлил қилинади, хулосалар чиқарилиб, умумлаштирилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов асарларининг асл моҳияти шундаки, уларнинг барчасида асосий мақсад, Республикамизнинг иқтисодий мустақиллигини таъминлашдир. У ўз асарларида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш – бу ҳар бир кишида янгича фикрлашни шакллантириш, дунёқарашини ўзгартириш, маъмурий буйруқбозлик иллатларидан халос этиш, буюк келажакка ишончни таркиб топтириш, мустақилликни мустаҳкамлаш билан бирга одамларнинг иқтисодий саводхонлигини ва иқтисодий маданиятини ошириш эканлигига алоҳида эътибор қаратилади. Шунингдек, Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятида ўз ўрнига эга бўлишини ҳам алоҳида тушунтириб беради.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А. Каримовнинг юқорида номи келтирилган ва бошқа асарларида иқтисодий ривожланиш омиллари, ижтимоий-иқтисодий билимлар, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва бошқа муҳим масалалар билан бирга ҳукуматимиз олиб бораётган иқтисодий сиёсатдан ҳам хабардор қилиш, иқтисод илмининг "тили" ҳисобланган иқтисодий тушунчаларни ўрганиш ҳам муҳимлиги уқтирилади. Бу тушунчаларга ишлаб чиқариш ҳажми, давлат бюджети, корхоналарнинг молиявий аҳволи, пулнинг қадрсизланиши, тўлов баланси, давлат заҳиралари, ижтимоий жараёнлар кабилар киради.

Шунингдек, жамият ҳаётида иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда давлат бош ислоҳотчи бўлиши уқтирилади. Бу қоида бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида давлат томонидан ишлаб чиқилган дастурлар кенг халқ оммасининг ташаббускорлиги ва фаоллигида, давлатнинг бевосита

раҳбарлигида амалга оширилишини назарда тутади. Бинобарин, фақат давлатгина умумий иқтисодий манфаатларни тўла-тўкис намоён этиш ва аҳолини ҳар томонлама ҳимоя қилиш, унинг барча қатламларини муҳим муаммоларни ҳал этишга сафарбар қилишга қодирдир.

Бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш тамойили иқтисодий ислоҳотлар йўлининг асоси ҳисобланади. Бу борада Ўзбекистон раҳбарияти, шахсан И.А.Каримов ривожланишнинг энг масъулиятли даврида ягона йўлни танлай билиши алоҳида намоён бўлди. Бундай тўғри йўл мамлакатнинг бозор иқтисодиётига қурбонларсиз, намойишларсиз, жамият моддий ва маънавий бойликларини асраб-авайлаб ўтиш билан намоён бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ўзининг мазкур асарида иқтисодий ислоҳотларнинг асосий устуворликлари ҳамда йўналишларини ҳам аниқ белгилаб берди. Айниқса, иқтисодий ислоҳотлар жараёнида аграр соҳадаги ўзгаришларга катта эътибор қаратилади. Қишлоқда ерга бўлган мулкчилик муносабатларини шакллантириш, хўжалик юритишнинг янги шаклларини пайдо қилиш масалалари ҳукуматнинг диққат-эътиборида бўлиши лозимлиги таъкидланади. Қишлоқ хўжалиги корхоналарига давлат томонидан кредитлар бериш, уларни молиявий томондан ҳар томонлама таъминлаш ҳам батафсил баён этилади.

Касб-ҳунар таълими тизимида таълим олаётган ёшлар онгига Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ишлаб чиқилган бозор муносабатларига ўтишга оид беш тамойилни таълим жараёнида ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан пухта сингдириш мамлакатимиз учун малакали кадрлар тайёрлаш дастурини бажаришда муҳим аҳамият касб этади.

Юқоридаги барча масалалар иқтисодий билимларни ривожлантиришга ёрдам бериб, беш тамойил эса иқтисодиётнинг асоси сифатида ўқувчи-ёшларга етказилади. Касб-ҳунар коллежлари, хусусан, педагогика коллежларида “Иқтисодиёт асослари”ни ўқитиш жараёнида юқоридаги фикрларни ўқувчилар онгига етказиш, умумтаълим фанларини ўқитишда мавзулар мазмунига сингдириш, унинг ўзига хос хусусиятларини англаб етишига эришиш тўлақонли кадрлар тайёрлашда ижобий натижалар беради.

Хулоса қилиб айтганда, бозор иқтисодиётига ўтилаётган ҳозирги шароитда ёш авлодда иқтисодий билим ва малакаларни ривожлантириш замон талаби ҳисобланади.

Иқтисодиёт инсон фаолиятининг энг муҳим негизи бўлиб, инсоннинг инсон сифатида унинг талаб-эҳтиёжи иқтисодий фаолият орқали амалга ошади. Инсон ўз ҳаётида иқтисодиёт билан доимий муносабатда бўлади. Бу муносабатнинг оқилона ташкил этилиши учун иқтисодни билиш, иқтисодий малака ва кўникма ҳамда иқтисодий тафаккурни пайдо қилиш муҳим ва зарурдир, шунинг учун ҳам коллеж ўқувчи-ёшларида иқтисодий билим ва кўникмаларни ривожлантириш Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талабларини амалга оширишнинг муҳим бўғинидир.

Адабиётлар

1. Хўжаев Н., Ҳасанбоев Ж. Иқтисодий педагогика: ўқув қўлланма. – Т.: Тошкент Давлат Иқтисодиёт университети, 2002.– 128 б.

INFORMATIKA VA AXBOROT TEXNOLOGIYALARI



Dildora FAYZIYEVA
Buxoro davlat universiteti
axborot texnologiyalari
kafedrasi o'qituvchisi

KOMPYUTER GRAFIKASI FANI BO'YICHA DARS JARAYONINI TASHKIL ETISHDA TA'LIM TEXNOLOGIYALARIDAN FOYDALANISH

Maqolada kompyuter grafikasi fani bo'yicha amaliy va laboratoriya darslarini tashkil etishda ta'lim texnologiyalaridan foydalanish tahlil etilgan. Corel Draw dasturida uskunalar bilan ishlash mavzusidagi topshiriqlar misol sifatida yoritilgan.

Tayanch tushunchalar: *multimedia, grafik dastur, uskunalar paneli, innovatsiya, rastrli grafika, vektorli grafika, fraktal grafika, assesment, portfolio.*

В статье анализируется использование образовательных технологий в организации практических и лабораторных занятий по компьютерной графике. Программное обеспечение Corel Draw является примером инструментов для работы.

Опорные понятия: *мультимедиа, графический дизайн, панель инструментов, инновации, графика, векторная графика, фрактальная графика, ассисмент, портфолио.*

The article analyzes the use of educational technologies in the organization of practical and laboratory classes on computer graphics. Corel Draw software is an example of tools for work.

Supporting concepts: *multimedia, graphic design, toolbar, innovations, graphics, vector graphics, fractal graphics, assisment, portfolio.*

Kompyuter grafikasi tushunchasi hozirda keng qamrovli sohalarni o'zida mujassamlashtirib, oddiy grafik chizishdan to real borliqdagi turli tasvirlarni hosil qilish, ularga zeb berish, dastur vositasi yordamida hatto tasvirga oid yangi loyihalarni yaratish ko'zda tutiladi. U multimedia muhitida ishlash imkoniyatini beradi.

Grafik dasturlarda odatda quyidagi ketma-ketlikda ish olib boriladi:

1. Yangi faylni yaratish yoki mavjud faylni ochish.
2. Obyekt yoki muhitni belgilash. Bu asbob va effektlarni tasvirlarning hammasiga emas, balki zarur, kerakligiga qo'llashni bildiradi.
3. Effektlarni joylashtirish yoki asboblarni grafik shaklda panelda aktivlashtirish.
4. Belgilashni olib tashlash.

Kompyuter grafikasi uch turga bo'linadi: rastrli grafika, vektorli grafika va fraktal grafika. Ular bir-biridan monitor ekranida tasvirlanishi va qog'ozda bosib chiqarilishi bilan farqlanadi.

Kompyuter grafikasi bo'yicha dars jarayonini tashkil etishda ta'lim texnologiyalaridan foydalanish muhim ahamiyat kasb etadi. Talabalar har bir laboratoriya mashg'ulotida topshiriqlarni bajarib, topshiriqning bajarilish tartibini daftarda qayd etib borishlari nazorat qilinadi.

Kompyuter grafikasi dars mashg'ulotlarini tashkil etishda pedagoglar o'quv axborotlarining talabalar bilim, ko'nikma, malaka va tajribalariga tayangan holda ularni qiziqtira oladigan, fikrlashga, ijodiy yondashishga undaydigan imkoniyatga ega bo'lishini ta'minlashga alohida e'tibor qaratishlari zarur.

- turli shakl, metod, vosita va texnologiyalardan samarali, maqsadli foydalanish;
- o'quv topshiriqlarini bajarishda talabalarga usullarni mustaqil tanlash imkonini berish;
- talabani juftlikda, kichik guruhda va jamoada ishlashini ta'minlash;
- mashg'ulotlarning loyihalashtirilishiga e'tiborning qaratilishi nafaqat o'qitish sifatini yaxshilaydi, samaradorligini oshiradi, shu bilan birga, talabalar shaxsning rivojlanishi uchun qulay sharoitni vujudga keltiradi.

Amaliy va laboratoriya mashg'ulotlarini tashkil etishda talabalar uchun oldindan topshiriqlar mazmuni ochib berilishi muhimdir. Unda talabalar asosiy ma'ruza mavzulari bo'yicha olgan bilim va ko'nikmalarini amaliy masalalar, keyslar orqali yanada boyitadilar. Shuningdek, darslik va o'quv qo'llanmalar asosida talabalar bilimlarini mustahkamlashga erishish, tarqatma materiallardan foydalanish, ilmiy maqolalar va tezislar chop etish orqali talabalar bilimini oshirish tavsiya etiladi. Corel Draw grafik muharririning uskunalari bilan ishlar mavzusidagi amaliy dars jarayonini tashkil etishda quyidagicha topshiriqlarni tuzish mumkin:

Talabalar quyidagi topshiriqlarni amaliy bajaradilar va qilingan ishlar bo'yicha ma'lumotlarni daftarga yozadilar.

1.Matnni aylana shaklda yozing. Matn harflari bosh harf bilan va qalin yozilsin va yozuv tipi Times New Roman bo'lsin, yozuv o'lchami 36 bo'lsin.



2. 2 ta shaklni birlashtirib ularning barcha holda ranglar o'zgarishini hosil qiling, shakllarning o'zgarish bosqichlarini soat strelkasi bo'yicha belgilang.



3.Shakl ichida bir nechta shakllar hosil qiling va shakllarni tashqi, ichki, markaz yo'nalishlarida moslang.



4.Ma'lum bir shakldan umuman boshqa shakl hosil qiling.



5.Shaklning har xil holatdagi soyalarini hosil qiling.



6.Obolochka bandidan foydalanib matnni va shaklni turli ko’rinishga keltiring.



7. 2d shaklni 3d ko’rinishda tasvirlang.



8. Shaklda shaffof ranglarini hosil qiling.

Talabalar bu topshiriqlarni bajarishda Corel Draw dasturining xususiyatlar qatoridan va uskunalaridan foydalanadilar. Bu turdagi topshiriqlar to’plami talabalarning o’z ustida mustaqil ishlashlariga imkon yaratadi. Grafik dasturlarda ishlash texnologiyasini o’rganish jarayonini soddalashtiradi.

Eng muhimi pedagoglar o‘quv mashg‘ulotlarining nafaqat axborot berish, balki rivojlantirish xarakteriga ega bo‘lishlariga e’tiborni qaratishlari zarur. Shuningdek, muhokama qilinayotgan masala, muammo, o‘rganilayotgan mavzu yuzasidan talabalarning mustaqil fikr bildirishlari (noto‘g‘ri bo‘lsa-da, fikr bildirishlari)ga imkon berish, nima bo‘lganda ham ularni o‘ylashga, fikrlashga undash shaxsga yo‘natirilgan ta’limga xos muhim belgilardan biri sanaladi.

Shaxsga yo‘naltirilgan ta’limning asosiy turlari:

– ijodiy topshiriqlar;

– kreativ yondashishni taqozo etuvchi vazifalar;

– muammoli vaziyatlar;

– rolli va ishbilarmonlik o‘yinlari;

– bahs-munozara, debat;

– musobaqa ko‘rinishidagi bellashuvlar.

Bugungi kunda pedagoglarning innovatsion faoliyat ko‘nikma, malakalariga ega bo‘lishlari muhim ahamiyatga ega. Pedagoglar tomonidan innovatsion faoliyat ko‘nikma, malakalarini o‘zlashtira olishlarida ularning innovatsion yondashuvga ega bo‘lishlari talab etiladi.

1-bosqich: tayyor metodik tavsiyanoma (mavjud innovatsiya)lardan foydalaniladi.

2-bosqich: mavjud tizimga yangi g‘oyalarni, metodlarni kiritadi.

3-bosqich: yangi g‘oyani amalga oshirish mazmuni, shakl va metodlarini tizimlashtiradi.

4-bosqich: pedagog o‘qitish va tarbiyalashga oid o‘z konsepsiyasi yoki metodikasini yaratadi.

Zamonaviy sharoitda nafaqat ta’lim jarayonini tashkil etishda, shu bilan birga talabalarning o‘quv faoliyatlarini nazorat qilishda ham innovatsion xarakterga ega vositalardan foydalanilmoqda. Ayni o‘rinda ana shunday vositalardan ikkitasi – o‘quv portfoliosi va “Assesment” texnologiyasi to‘g‘risida to‘xtalib o‘tiladi. So‘nggi yillarda zamonaviy ta’limda pedagogning kasbiy, talabaning esa o‘quv faoliyatini mazmunan takomillashtirish, shuningdek, har ikki faoliyat turining sifatini ma’lum ko‘rsatkichlar asosida yetarlicha, xolis baholashga nisbatan ehtiyoj kuchaymoqda. Portfolio pedagog hamda talabaning faoliyatiga bilvosita baho berish, qay darajada sifatli va samarali ekanligini tahlil qilish imkoniyatini ta’minlashga xizmat qiladi. Qolaversa, portfoliolar pedagog va talabalarga ularning shaxsi, faoliyati bilan turli ekspertiza (tekshiruv)lar jarayonida komissiya a’zolarini bilvosita tanishish imkoniyatini beradi.

“Portfolio” (ingl. “portfolio” – “portfel”, “hujjatlar solinadigan sumka”) – avtobiografik xarakterga ega bo’lgan hujjatlar to‘plami. Bugungi kunda xorijiy mamlakatlar tajribasida keng qo‘llanilayotgan nazorat vositasi bo‘lgan o‘quv portfoliosi quyidagi imkoniyatlarga egaligiga ko‘ra amaliy ahamiyat kasb etadi:

- ko‘p funksiyalilik va o‘zining shaxsiy muvafaqqiyatini baholash;
- individual muvafaqqiyatlar monitoringini amalga oshirish;
- imtihonni tashkil etish;
- ta’lim natijalarini xolis baholash;
- ta’limiy muvafaqqiyatlar hamda qo‘shimcha natijalarni aniq ko‘ra olish;
-talabaning mavjud imkoniyat va qobiliyatlarini, uning kuchli va kuchsiz tomonlarini ko‘ra olish, shaxsiy, kasbiy hamda ijodiy salohiyatiga yetarlicha baho berish.

Shunday qilib, kompyuter grafikasi fani bo‘yicha dars jarayonini tashkil etishda, zamonaviy ta’limda innovatsiya, yanada aniqrog‘i, pedagogik hamda ta’lim innovatsiyalari, ta’lim texnologiyalaridan foydalanish muhim ahamiyat kasb etmoqda. Binobarin, globallashuv hamda jamiyatning axborotlashuvi ta’lim jarayonini noan’anaviy shakllarda samarali metod va vositalarni qo‘llashni taqozo etish bilan birga, o‘quv materiallarini shakllantirish va ulardan amalda foydalanishga nisbatan ham innovatsion yondashishni taqozo etmoqda. Pedagogik innovatsiyalar pedagogik tizimning ichki tuzilishini o‘zgartiradi. Ta’lim muassasalari pedagoglarining pedagogik yoki ta’lim innovatsiyalaridan samarali, faol foydalana olishlari muayyan jarayonda kechadi. Pedagoglarning kasbiy faoliyatga innovatsion yondasha olishlari ko‘zlangan maqsadga erishishni kafolatlash bilan birga, ta’lim sifati va samaradorligini oshirishga, talabalarda bilish faolligini kuchaytirishga yordam beradi.

Adabiyotlar

1. Mamarajabov M., Tursunov S. Kompyuter grafikasi va Web-dizayn. Darslik. – T.: “Cho‘lpon”, 2013. – B. 61-67.

2. Yuldashev U., Mamarajabov M., Tursunov S. Pedagogik Web-dizayn. O‘quv qo’llanma. – T.: “Voris”, 2013. – B.42-48

3. Миронов Д. CorelDraw 9: Учебный курс. – Москва, 2000. – 163 с.

4. Ҳамдамов Р. ва бошқалар. Таълимда ахборот технологиялари. Услубий қўлланма. – Тошкент, “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2010. – Б. 57-68.

5. John M. Blain The Complete Guide to ender Graphics: Computer Modeling & Animation. USA, 2016. – Page 123-135.



Шавкат РУСТАМОВ
Магистрант кафедры психологии
Бухарского государственного университета

ПРИМЕНЕНИЕ СТАТИСТИЧЕСКОГО ПАКЕТА АНАЛИЗА ДАННЫХ SPSS STATISTICS В ПСИХОЛОГИЧЕСКИХ ИССЛЕДОВАНИЯХ НА ПРИМЕРЕ ФАКТОРНОГО АНАЛИЗА

Мақолада психологик тадқиқотларда масалаларни ечиш учун SPSS Statistics маълумотлар таҳлили статистик пакетининг қўлланилиши кўриб чиқилади. Тадқиқот мақсади сифатида шахснинг ташқи информацион таъсирларга ҳамда шунга ўхшаш психологик сифатларга: бардошлилик, субъектлилик, ноаниқликларга толерантлик, ўзидан ва ҳаётдан қониқиш кабиларни аниқлаш белгиланган. Ушбу вазифани амалга ошириш учун факторли таҳлилдан фойдаланилади.

Таянч тушунчалар: *маълумотлар таҳлилий статистик пакети, SPSS Statistics, психологик тадқиқот, факторли таҳлил, шахснинг ташқи информацион таъсирларга чидамлилиги, ҳаётий бардошлилик, субъектлилик, ноаниқликларга толерантлик, ҳаётдан қониққанлик.*

В статье рассматривается применение статистического пакета анализа данных SPSS Statistics для решения задач психологического исследования. Целью исследования было выявить взаимосвязь между устойчивостью личности к внешнему информационному воздействию и такими психологическими качествами, как жизнестойкость, субъектность, толерантность к неопределенности, удовлетворенность жизнью и удовлетворенность самореализацией. Для решения этой задачи используется факторный анализ.

Опорные понятия: *статистический пакет анализа данных, SPSS Statistics, психологическое исследование, факторный анализ, устойчивость личности к внешнему информационному воздействию, жизнестойкость, субъектность, толерантность к неопределенности, удовлетворенность жизнью.*

In article application of a statistical package of the analysis of data of SPSS Statistics for the solution of problems of a psychological research is considered. The research objective was to reveal interrelation between resistance of the personality to external information influence and such psychological qualities as resilience, subjectivity, tolerance to uncertainty, satisfaction with life and satisfaction with self-realization. For the solution of this task the factorial analysis is used.

Supporting concepts: *a statistical package of the analysis of data, SPSS Statistics, a psychological research, the factorial analysis, resistance of the personality to external information influence, resilience, subjectivity, tolerance to uncertainty, satisfaction with life.*

SPSS является самой распространённой программой для обработки статистической информации. В настоящем разделе описан путь этой программы к такому выдающемуся успеху. Затем приведен обзор отдельных модулей программы.

Основным достоинством программного комплекса SPSS, как одного из самых существенных достижений в области компьютеризированного анализа данных, является самый широкий охват существующих статистических методов, который удачно сочетается с большим количеством удобных средств визуализации результатов обработки. Программный комплекс SPSS развивается уже на протяжении 35 лет. 11-ая версия, выпущенная в мае 2002 года, предоставляет широкие возможности не только в сфере психологии, социологии, биологии и медицины, но и в области маркетинговых исследований и управлении качеством продукции, что значительно расширяет применимость комплекса.

Предлагаемый материал содержит минимально необходимый объем сведений по теории статистического анализа. Основное внимание сконцентрировано на особенностях использования отдельных методов, возможностях, которые эти методы предоставляют, а также интерпретации результатов применения данных методов. Ну и конечно, описаны презентационные возможности SPSS

10/11, которые значительно превосходят объем функций, обеспечиваемых стандартными бизнес-программами, типа Excel.

Изложенный материал достаточен для того, чтобы студент или молодой ученый сделали свои первые шаги в обобщении статистических данных и поиске скрытых закономерностей, а умудренные опытом профессионалы обрели еще один мощнейший инструмент, повышающий эффективность практической деятельности.

Материал предназначен для широкого круга читателей, специализирующихся на обработке данных в маркетинге, социологии, психологии, биологии и медицине.

Математическая обработка данных является необходимым этапом для причинного объяснения феноменов любой природы, в том числе психологических феноменов.

Существует определенная последовательность действий для получения значимой информации: выборка, предобработка, трансформация, применение метода для получения знаний, интерпретация.



Выборка - подготовка исходного набора данных и формирование некоторого объема, необходимого для дальнейшего применения методов обработки данных.

Предобработка - предварительная обработка с целью выбора метода анализа. Необходимо «сырые» данные обработать, т.е. исключить пропущенные значения, аномальные значения, ложные значения. Иногда некоторые данные необходимо дополнить. Объем выбранных данных зависит от конкретного метода, и в том или ином случае объем выбранных данных может быть избыточен или недостаточен, и тогда либо изменяется набор данных, либо меняется метод анализа.

Трансформация - нормализация, этап приведения данных квиду, удовлетворяющему методу анализа.

Интерпретация - постобработка данных. Это обработка полученных данных к виду, пригодному для конечного пользователя, разработка алгоритмов для использования полученных результатов в реальности.

Из трех групп существующих методов интеллектуального анализа данных-математическая статистика, эволюционное моделирование и машинное обучение ограничимся рассмотрением методов математической статистики, применяемых в психологических исследованиях.

Математическая статистика лежит в основе методов, позволяющих получить оптимальное решение в условиях случайных и непредсказуемых воздействий на объект. Статистические пакеты прикладных программ-математические системы для статистической обработки любых данных. Наиболее распространенные Statistica, SAS и SPSS.

Выбор статистического пакета прикладных программ зависит от предметной области, в которой будут проводиться исследования. Каждый статистический пакет прикладных программ имеет свои плюсы и минусы, многие из которых обусловлены спецификацией системы.

Для пакета Statistica основным направлением является обработка экспериментальных данных.

Пакет SAS нацелен главным образом на анализ финансов. Программа SPSS Statistics применяется при обработке психологических, социальных, маркетинговых и других исследований.

Пакет Statistica для профессионального использования является мощным многофункциональным пакетом, содержащим разные методы анализа: непараметрические, одномерные и многомерные.

Графические возможности пакета Statistica максимальны, так как пакет содержит различные виды графиков и матриц, а также функции настройки отображения графиков, позволяет одновременно работать с несколькими графиками и предоставляет большой набор функций для работы с трехмерной графикой.





В программе возможны практически все описательные статистики, такие как вычисление медианы, моды, среднего значения и среднеквадратичного отклонения и прочие специальные функции. Программа предоставляет возможность группировать данные по множеству заложенных параметров, а также создавать иерархические списки, поддерживает разнообразные методы определения корреляции. Поддержка многих типов распределения неоспоримый плюс пакета Statistica.

Стандартная комплектация пакета содержит модуль, включающий методы линейной и нелинейной регрессии. Данный пакет имеет множество встроенных и подключаемых модулей, что упрощает использование программы.

Пакет SPSS Statistica-система Statistical Package for the Social Sciences - непревзойденный лидер в области обеспечения статистических исследований в гуманитарной сфере. Модульная схема данной системы позволяет проработать все этапы исследований: планирование, сбор данных, анализ, вывод результатов.



Один из модулей Sample Power-обеспечивает этап планирования, позволяя сократить затраты на проведение данного этапа. Множество параметров позволяют находить оптимальную выборку данных для дальнейшего исследования. Для сложной выборки существует модуль ComplexSamples. Этап сбора данных обеспечивается модулем DataEntry. Модуль содержит множество вариантов для сбора данных, в том числе посредством сети Интернет.

Все существующие виды статистического анализа данных заложены в данной системе. Наличие удобного интерфейса позволяет работать с программой независимо от уровня знаний предмета статистики. Покажем использование статистического пакета SPSS Statistics для решения задач психологического исследования. В нашем исследовании наибольший интерес представляет способность личности сохранять устойчивость при возникшем агрессивном влиянии информации на человека. Оптимальному поведению личности в условиях агрессивного информационного воздействия помогает ее психологическая устойчивость.

Литература

1. Наследов А. IBM SPSS Statistics 20 и AMOS: профессиональный статистический анализ данных. – СПб.: Питер, 2013. – 416 с.:

2. Компьютерная программа. SPSS версий 10; 11 (Statistical Package for Social Sience – Статистический Пакет для Общественных Наук). Http: www. khomich.narod.ru.

3. Остапенко Р. И. Математические основы психологии. Учебно-методическое посо-бие. – Воронеж.: ВГПУ, 2010. – 76 с.: ил.

4. Бююл А., Сёфел П. SPSS: искусство обработки информации. Анализ статистиче-ских данных и восстановление скрытых закономерностей. Москва, Санкт-Петер-бург, Киев, 2005. − 603 с.

5. SPSS for Windows Version 19.0: A Basic Tutorial. Linda Fiddler, Laura Hecht, Edward E. Nelson, C. Elizabeth Ness Nelson, Fresno James Ross. http://www.ssric.org.

6. Arbuckle,J. L. Amos 7.0 users guide. Chicago, IL: SPSS, 2006. 583 p.

7. Боровиков В.П. Прогнозирование в системе STATISTICA в среде WINDOWS. – М.: Финансы и статистика, 2006.

8. Личностный потенциал: структура и диагностика / Под ред. Д.А. Леонтьева. – М.: Смысл, 2011.

9. Мохов В.А. Математические методы в психологии: Учеб. пособие для студентов и преподавателей. – М., 2012.



Nazokat SAYIDOVA
Buxoro davlat universiteti axborot texnologiyalari kafedrasi dotsenti, fizika-matematika fanlari nomzodi



Manzura XOLIQOVA
TIQXMMI Buxoro filiali aniq va tabiiy fanlar kafedrasi assistenti

"TUMBLR" IJTIMOIY TARMOG`I VA UNDAN FOYDALANISH TARTIBI

Maqolada Tumblr ijtimoiy tarmog`i, undan ro'yxatdan o'tish usuli va foydalanish tartibi izohlangan hamda ijtimoiy tarmoqga taalluqli terminlar haqida ma`lumot berilgan. Bundan tashqari, Tumblr ijtimoiy tarmoq naqadar qulayligi hamda foydalanuvchilar o`z tadbirkorlik ishlarini rivojlantirishlari va daromadlarini ko`paytirishlari mumkinligi tushuntirib berilgan.

Tayanch tushunchalar: *blog, blogger, brauzer, tarmoq, hashteg, ban, internet, sayt, ijtimoiy tarmoq, adres, elektron pochta, login, parol, ssilka, chat.*

В статье описывается социальная сеть Tumblr, ее методология оптимизации и условия использования, а также термины, которые относятся к социальным сетям. Кроме того, объясняется, как легко создать социальную сеть, а также увеличить профили пользователей и прибыль.

Опорные понятия: *блок, блоггер, браузер, сеть, хаштег, internet, сайт, социальная сеть, адрес, электронная почта, логин, пароль, ссылка, чат.*

This article describes the Tumblr social network, its optimization methodology and terms of use, and terms related to social networks. In addition, this article explains how to easily create a social network, as well as increase user profiles and increase profits.

Supporting concepts: *block, blogger, browser, network, hashtag, internet, site, social network, address, email, login, password, link, chat.*

Blogger – bu internetda shaxsiy blog yaratib va uni boshqaruvchi va o'z blogiga har kuni yangi maqolalar qo'shib boradigan siz va bizga o'xshagan insonlar. Blog har bir insonning shaxsiy kundaligiga o'xshab ketadi. Faqat kundalikning internetda joylashgan turi. Blogni yurituvchi odam blogger hisoblanadi. Barcha odamlar blogger bo'lishi mumkin. Faqat u o'z blogiga odamlarga qiziqarli bo'lgan maqolalarni qo'shib borishi kerak va yaratgan blogi odamlarga foydali bo'lishi kerak. Bloggerlar maqola yozishni yoqtirishadi. Agar siz har kuni maqola yozishga qiynalsangiz, demak sizdan yaxshi blogger chiqmasligi mumkin. Blog yaratildimi unga har kuni yangi, qiziqarli maqolalar qo'shilib borilishi kerak.

Odamlarning blogger bo'lishiga nima sabab bo'ladi? Birinchidan – eng ko'p tarqalgani bu – pul. Bloggerlar juda yaxshi pul topishadi. Agar uning blogi foydali, qiziqarli, har kuni yangi maqola qo'shilib borilsa va u yaratgan blogiga ko'p odamlar kirsagina bu amalga oshadi.

Ikkinchidan – ko'pchilik odamlar maqola yozishga qiziqishadi, internetda taniqli blogger bo'lishni xoxlaydigan insonlar hisoblanadi. Blog yaratish va uni boshqarish, yangi maqolalarni qo'shib borish jurnalistlarga juda mos keladi. Biznesmenlar va katta firmalar, kompaniyalar ham o'z bloglarini yaratadi. Bu esa ularning biznesining, firmalarining, kompaniyalarining rivojlanishiga yordam beradi.

Aslida bloggerlar 3 turga bo'linadi:

1. Video bloggerlar.
2. Maqolachi bloggerlar.
3. Foto bloggerlar.

Video bloggerlar – blogini video shaklida yuritadi. Albatta, bu videolar Youtube saytida joylashtiriladi. Hozirgi kunda ko'pchilik insonlar videobloglari orqali ham mo'maygina pul ishlab topishayapti. Foydali taraflari odamlar videolarni ko'rishga ko'p qiziqishadi. Video blogger bo'lsangiz, tez orada taniqli bo'lishingiz aniq.

Maqola yozuvchi bloggerlar – bu an'anaviy matn formatidagi bloglar hisoblanadi. Bunda bloggerlar maqola yozib borishadi. Foydali taraflari barcha 3 turdagi bloggerlikni o'z ichiga oladi. Matn formatidagi maqolaga ham foto, ham video joylashtirsa bo'ladi.

Foto bloggerlar – bunda odamlar o'z bloglariga foto joylashtirib borishadi. Bunda ular albatta, o'zlari shaxsiy tushirgan fotolarni joylashtirib borishadi. Internetdagi tayyor fotolarni joylashtirish befoyda. Ko'pchilik odamlar foto blog yaratishda instagramdan foydalanishadi. Sotsial tarmoqlarda pul ishlash sal qiyinroq, lekin ishlasa bo'ladi. Instagramchilarni ham foto bloggerchilar desak ham bo'ladi.

Bloglarni shaxsiy domen va xosting sotib olish orqali, tayyor, bepul blog konstruktorlar orqali va sotsial tarmoqlar orqali yaratish mumkin. Blog yaratish va blogger bo'lish uchun, eng avvalo, blogingiz uchun mavzu tanlab olishingiz kerak. Blogingizda aynan bir mavzu asosida maqola qo'shib borish juda foydali. Misol uchun sizning blogingizda bitta O'zbekiston bo'yicha sayohat haqida maqola bor, blogingizga kelgan odam shunga o'xshash boshqa maqolalarni o'qimoqchi bo'lib, boshqa maqolalarga qarasa, u yerda qushlar haqida, velosiped, mashina, kiyimlar, telefonlar haqida maqola bo'lsa u odamni qiziqtirmay qo'yadi va blogingizni tark etadi. Balkim, blogingizga qaytib kelmasligi ham mumkin. Agar bir necha mavzudagi blog yaratmoqchi bo'lsangiz, har bir mavzuga alohida bo'lim ajratishingiz kerak. Blogingizdan foydalanuvchilar uchun qulay hisoblanadi.

Shaxsiy blog yuritishdagi xatoliklar quyidagilardan iborat. Internetda blog, sayt yaratish oson desak ham bo'ladi. Buning uchun bor yog'i blog, sayt haqida qisqacha ma'lumotlarga ega bo'lib olsangiz bo'ldi. Hozirgi paytda barcha xosting provayderlar blog yoki sayt yaratish uchun bir zumda CMS larni o'rnatish imkonini beryapti. Bitta-ikkita klik bosganingizdan so'ng o'z saytingizga, blogingizga ega bo'lasiz. Asosiy ishlar undan keyin boshlanadi.

Blog mavzusini noto'g'ri tanlash nimalarga olib kelishini quyidagi fikrlar orqali bayon qilamiz. Internetda o'zining birinchi shaxsiy blogini yaratmoqchi bo'lganlarning ko'pchiligi blog mavzusini tanlash haqida umuman o'ylamaydi desak adashmagan bo`lamiz. Sababi, internet olamida o'zining blogini yaratish paytida ko'pchilik odamlar asosan bor e'tiborini:

Qanday qilib shaxsiy blog yaratish mumkin?

Qanday qilib internetda pul topish mumkin?

Blog uchun qanday shablon tanlash kerak?

Blogni qayerda yaratish mumkin?

Qanday qilib blogni ommaviylashtirish mumkin? Shunga o'xshash savollarga javob izlagan holda, o'zining blogini yaratishga harakat qiladi. Deylik, blog yaratdi. Endi blogni foydali maqolalar bilan to'ldirishni o'ylashadi. Ana shu yerda ular qiyinchiliklarga duch kelishadi-da, o'ylanib o'tirmasdan xayoliga kelgan, o'ziga qiziqarli ko'ringan har xil mavzularga tegishli bo'lgan maqolalarni blogiga joylashtira boshlaydi. Vaqt o'tishi bilan blog ichidagi maqolalarni o'qiy boshlagan odamlar bir-biriga to'g'ri kelmaydigan mavzulardagi maqolalarni ko'ra boshlaydi. Bu esa blogiga tashrif buyurgan foydalanuvchilarning asosiy maqsadidan yiroqlashtiradi. Aniq qilib aytganda, agar siz blog yaratmoqchi bo'lsangiz, blog mavzusi faqat bitta qilib tanlashingiz kerak. Misol uchun Arman Yesimbayev yaratgan blog mavzusi "Info portal" hisoblanadi. U shu sayt ichida barcha mavzularga oid maqolalar yozib boradi. Demak, agar uning blogiga odamlar tashrif buyursa, ularning maqsadi har xil, ya'ni o'ziga kerakli bo'limga o'tib, shu yerdagi maqolalarni o'qishi mumkin. Agar siz barcha mavzular bo'yicha maqolalar yozishni xohlasangiz, info portal yaratasiz, yoki bitta mavzu tanlaysiz va shu saytingiz mavzusiga oid odamlarga foydali maqolalarni qo'shib borasiz.

Agar siz internet biznes mavzusidagi blogingizga avtomobillarni sozlash, qo'shiq aytish haqidagi maqolalarni joylashtirsangiz, bu saytingiz foydalanuvchilariga qiziq bo'lmasligi mumkin. Shuning uchun blog yaratmasdan oldin, mavzu tanlang. Shunday mavzu tanlangki, siz tanlagan mavzu bo'yicha bor bo'lgan barcha savollarga oydinlik kirita oladigan, odamlarga foydasi tegadigan maqolalarni kiritishingiz zarur. Ana shunda siz o'zingiz yaratgan blogni yaxshi rivojlantirishingiz mumkin.

Blogni rivojlantirish uchun internetdagi barcha saytlarda o'z blogiga yo'naltiradigan link qo'yish. Bir qarashdan bu yaxshi, siz yaratgan blog tomon yo'naltiradigan link qancha ko'p bo'lsa, tashrif buyuruvchilar soni ham ko'payadi. Tanganing ikkinchi tarafi ham borligini unutmang azizlar! Yangi yaratilgan blog uchun ko'plab link qo'yish bu xavfli. Dunyoga mashhur izlash sistemalari bo'lgan Google, Yandex saytlari buni avtomatik tarzda payqashadi. Ularning bunday ishlarni bajaruvchi botlari bor. Agar yangi yaratilgan

blog uchun linklar soni ko'payib ketsa, izlash sistemalari sizning blogingizga vaqtinchalik ban (man qilish) berishadi. Bu esa sizning blogingizning izlash sistemalaridagi reytingi pastlab ketishiga olib keladi. Xullas, link qo'ying faqat har kuni bitta, ikkita sizning blogingizga yo'naltiruvchi link qo'ying.

Endi "Tumblr" orqali mustaqil blog yaratish bilan tanishib chiqamiz.



"Tumblr"da blog yaratish uchu biz, avvalo, ish stolida joylashgan internet brauzerlaridan biri orqali internetga kirishimiz va "tumblr.com" saytiga kirishimiz lozim. Misol uchun quyidagi brauzerlardan foydalanishimiz mumkin.

"Brauzer" inglizcha so'z bo'lib, ko'rinishni ta`minlash, ko'rsatish ma`nosini anglatadi. Dunyoda eng ko'p foydalaniladigan brauzerlar Netscape Communication Navigator va Internet Explorerlar hisoblanadi. Bugungi kunda Netscape hamda Internet Explorerdan tashqari yana ko'plab Opera, FMSD Friada, MSICE, Web celerator, AtGuard, AdWiper kabi brauzerlar mavjud. Brauzerlarga qo'yiladigan asosiy talablardan biri, bu internetning WWW xizmatidagi ma`lumotlar joylashgan web sahifalarini qaysi texnologiya yordamida ishlashidan hamda qaysi dasturlash tilida yozilganidan qat`iy nazar undan to'liq foydalanish imkoniyatlarini yaratib berishdir. Bu talabga hamma brauzerlar ham javob bera olmaydi. Bunga misol qilib Netscape Communicator ning Microsoft kompaniyasining Visual Basic Script tili qo'llanilgan web sahifalarni ekranda aks ettira olmasligini keltirish mumkin.

Internet Explorer brauzeri esa ixtiyoriy web sahifani hech qanday muammolarsiz ko'rish va undan to'liq foydalanish imkoniyatini yaratib beradi. Opera brauzerining muxlislari esa uni juda ixcham hajmda ekanligi uchun yaxshi ko'rishadi. Chunki bu brauzer kompyuter tashqi xotirasidan atigi 2 Mb gina joyni egallaydi, xolos. Uning juda ham tezkor ishlashi va ko'plab Netscape ishlaydigan PlugIn lar Macromedia Flash, Acrobat Reader, Cosmo Player larni o'zida aks ettira olishi unga bo'lgan qiziqishga sabab bo'lmoqda.

Adress bo`limiga "tumblr.com" deb yozamiz va kiramiz. Natijada quyidagi ko`rinish hosil bo`ladi.





"Tumblr"da ro'yxatdan o'tish

Saytga kirgandan so'ng biz, avvalo, ro'yxatdan o'tishimiz kerak.



Ro'yxatdan o'tish uchun biz elektron pochtamizni, parolni va foydalanuvchi nomini kiritishimiz kerak.

Berilgan kataklarda elektron pochtamiz, parolimiz va foydalanuvchi ismini kiritamiz va "зарегистрироваться" tugmasini bosamiz.

Quyidagi so'rovnoma paydo bo'ladi va biz uni to'ldirib chiqamiz



So’ngra “далее” bosiladi
Katakchaga sichqonchaning chap tugmasini bir marta bosib belgilanadi va “Готово” bosiladi.



Quyidagicha ko’rinish hosil bo’lgach rasmlar belgilab olinadi.



So’ngra quyidagi jadval hosil bo’ladi.



Keyingi o’rinda quyidagi jadval paydo bo’ladi.



Tanlagan tematikalar yacheykalari hosil bo’ladi. Bu jadval orqali biz yaratayotgan blogimizning tematikasini tanlaymiz. Unda avtomobillar, ta’lim, arxitektura, Web seriallar, komikslar, talabalar, go’zallik, startup loyihalari, va shu kabi boshqa turli xil mavzulardagi tematikalar jadvalini tanlashimiz va uni yuritishimiz mumkin!



Berilgan tematikalar orasidan misol uchun “talabalar” mavzusini tanlaymiz va quyidagi ko’rinish hosil bo’ladi.



Hosil bo’lgan yacheykalar
Talabalar tematikasi. So`ng esa blogimizning paydo bo’lish jarayoni boshlanadi.



So’ngra elektron pochtamizga maxsus tasdiqlovchi so’rovnoma uzatiladi.





Blogni haqiqatdan ham biz yaratayotganimizni tasdiqlaymiz. Va nihoyat blogimiz tayyor.



Yaratgan blogimizda biz matn tahrir qilishimiz, musiqa yuklashimiz, chat orqali suhbatdoshlar orttirishimiz, audio va video yuklashimiz, sitata va aforizmlarni yozib borishimiz mumkin.



Va nihoyat, blogimizga kirish uchun “tumblr.com” saytiga kirib login va parolimizni kiritamiz va blogimizni yuritishni boshlaymiz! Buning uchun endi saytga kirgach



tugmasini emas, balki



tugmasini bosishimiz kerak bo`ladi.











My Lovely Cat Good bu registratsiya vaqtidagi rasm bo`lib hisoblanadi. Unda 3 ta bo`lim to`ldirilishi kerak.

1. E-mail pochta adresi.
2. Uning paroli.
3. O`zimiz tanlagan saytdagi ismimiz.



Bu blogdagi lenta bo`lib kiritilgan barcha ma`lumotlar jamlanmasidir.



Biz ro`yxatdan o`tganimizdan so`ng chiqadigan tabrik bo`lib hisoblanadi.



Bu esa ulashilgan rasm bo`lib, unda boshqa ro`yxatdan o`tganlar komentariya yozib qoldirishlari, agar rasm yoqqan bo`lsa “like”, ya`ni layk bosishlari mumkin.



Bu ma`lumotlar hashteg deb ataladi, ya`ni bloggerlar har bir rasmni ulashishdan oldin bu rasm qaysi mavzuga tegishli ekanligini bildirish uchun panjara (#) qo`yib yozishadi va boshqa ro`yxatdan o`tganlarga nafaqat bu rasm haqida ma`lumotga ega bo`lishga, balkim hashteg orqali o `sha mavzuga doir rasm qidirishganda hashteg orqali yozilgan rasmlarning ro`yxatini chiqarish imkoniyatini beradi.

Quyida keltirilgan rasmlar jamlanmasi tumblr ijtimoiy tarmog`ining rasmiy akkaunti oqrali yuborilgan rasmlar to`plamidir. Bu akkaunt boshqa bloggerlarga turli xil mavzuga doir rasmlarni taqdim etadi.



Bu gerbariylar rasmlaridir.



Bu yerda sog`lom turmush tarziga ega bo`lish uchun beriladigan maslahatlar to`plamidan keltirilgan rasm.



Bu turli xalqlarning madaniyatiga doir rasmlar.









Bu bir kitobdan lavha



Bu rasmda daromadni hisoblash uchun ishlatiladigan formulalar tasvirlangan.





Bu rasm yuboruvchisi ushbu so`zlarni keltirgan: “Bayramona kayfiyat bo`lib, uni qanday qilib yanada yaxshilash mumkinligi” so`ralmoqda.

Xulosa o`rnida shuni aytishimiz mumkinki, blog shunday internet resurski, insonga o’zini mukammallashtirish, yuksaltirish, onlayn muloqot qilish, yangi do’stlar orttirish, o’z brendini yanada yaxshiroq targ’ib qilishda qo’llaniladigan resursdir. Blog orqali biz hatto tadbirkorlik qilishimiz va o’z iqtisodiy holatimizni yaxshilashimiz ham mumkin. Bloglarning turli xil turlari mavjud. Misol qilib shaxsiy blog, professional blog, brend blog, axborot beruvchi blog va noan’anaviy bloglarni misol keltirishimiz mumkin. Biz o’z maqsadimizga ko’ra blogdan foydalanishimiz mumkin. Bugungi kunda mamlakatimizda ham bloggerlar soni asta-sekinlik bilan ortib bormoqda.

Demak, blog nima va blogger kim ekanligi haqida bilib oldingiz. Siz ham o’z blogingizni yarating va taniqli bloggerlarning biri bo’lishingizga ishonamiz.

Adabiyotlar

1. Богданова Ю.З. Творческий конкурс как форма самостоятельной работы // Современные научные исследования и инновации. – 2015. № 4-5 (48). – С. 94-96.
2. Богданова Ю.З. Использование интернет-ресурсов для повышения эффективности самостоятельной работы студентов // В сборнике: ПРОБЛЕМЫ ФОРМИРОВАНИЯ ЦЕННОСТНЫХ ОРИЕНТИРОВ В ВОСПИТАНИИ СЕЛЬСКОЙ МОЛОДЕЖИ. Сборник материалов Международной научно-практической конференции. – 2014. – С. 69-71.
3. https://kak.uz/blogger-ozi-kim/
4. https://kak.uz/shaxsiy-blog-yuritishdagi-hatoliklar/
5. http://tami.uz/cat2_qarang.php?cat=16
6. https://webology.uz/category/nosite_money/

JISMONIY MADANIYAT VA SPORT



Манучехр ИБРАГИМОВ
Бухоро давлат университети
факультетлараро жисмоний
маданият ва спорт кафедраси доценти

ФУТБОЛЧИЛАР ЖАРОҲАТИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА ПРОФИЛАКТИКАСИ

Мақолада футболчиларда учрайдиган шикастланишларнинг олдини олиш тартиби, уларнинг реабилитацияси ёритилган. Шу билан бирга мушакларнинг шикастланиши ва тиззанинг лат ейиши каби ҳолатлар ҳақида ҳам сўз боради.

Таянч тушунчалар: *футбол, футболчи, профилактика, жароҳат, ўйин майдони, ўйинчи, ҳаракат амплитудаси, эгилувчанлик, мушаклар, шикастланиш, машқ.*

В данной статье освящены порядок профилактики травм у футболистов и их реабилитация. Вместе с этим идет речь о растяжении мышц и ушиба колен.

Опорные понятия: *футбол, футболист, профилактика, рана, игровое поле, игрок, амплитуда движения, гибкость, мышцы, травма, упражнение.*

In this article are consecrated an order of prevention of injuries at football players and their rehabilitation. Together with it there is a speech about a muscle strain and knee bruises.

Supporting concepts: *soccer, football player, prevention, wound, game field, player, amplitude of the movement, flexibility, muscles, trauma, exercise.*

Жароҳатларнинг энг яхши профилактикаси сифатида футболчиларнинг ҳаддан ташқари кўп юкланиши ва ўйин майдонида қўполликни камайтиришга қаратилган ташкилий тадбирларни қабул қилсак бўлади.

-микроцикларнинг рационал тартибланиши;

-ўйин давомида ўйинчиларнинг эркин тарзда алмашиши ҳам ўзини ижобий самарасини кўрсатади;

-ҳакамларнинг кўписи ўйинчини қўпол ўйин учун майдондан чиқаришдан қўрқадилар. Чунки бундай қарор ўйин натижасига таъсир қилади. Ўйинчиларни маълум вақтга ўйиндан чиқариш "қўпол" ўйиндан сақлаши ва шу билан биргаликда жароҳат хавфини камайтириши тасдиқланган. Бироқ реал ҳолатдан келиб чиқиб, жароҳатларнинг профилактика воситалари мушак-бўғим аппаратини мустаҳкамлаш, олинган жароҳатлардан тўлиқ даволаш, оёқ мушакларини мустаҳкамлаш ва координацияга қаратилган машғулотлар ҳисобланади. Жароҳатларни ўртача даволаш муддати 18 кунни ташкил қилади.

1-жадвал

Футбол жароҳатларининг бўлиши мумкин бўлган сабаблари:	
Жароҳатга рағбатли ҳолатлар	42
Бўғимларнинг барқарорсизлиги	12
Бўғимларнинг камҳаракатлилиги	11
Реабилитация камчиликлари	17
Машқларда қатнашмаслик	2
Экипировка	17
Пойафзал	13
Қалқончалар	4
Ўйин майдони, (газон)	24

Ўйин қоидаларини билмаслик	12
Бошқа факторлар (омиллар, ҳолатлар)	29
*факторлар қўшилиб кетиши ҳолатлари ҳам кам эмас.	

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, чигал-ёзди машқлари вақти мазмунларига қараганда бир хил. Футболда жароҳатларнинг 90 % пастки қисмда содир бўлаётганини ҳисобга олиб, машғулотлардан олдин ва кейинги чигал-ёзди машқларда оёқ мушакларини чўзиш, бақувват қилишга доир тадбирларни ўтказишга эътибор бермоқ зарур (тизза ости мушаклар, чандирлар, тиззанинг тўрт ва учбошли мушаклари, бел ва қовурға билан қорин орасидаги мушаклар).

Экстранд ва бошқа мутахассислар (1983) мушакларнинг қисқартирувчи-бўшаштирувчи чўзилишидан иборат бўлган чигал-ёзди машқи (разминкаси)нинг махсус дастурини ишлаб чиқдилар. Меллер ва бошқалар бу дастур ҳаракат амплитудасини 5-20 %га кўпайтиришини таъминлашини аниқладилар. Мавсум олдидан ўтказилган тадқиқотларда мушакларида ҳаракатчанлиги камлиги топилган ўйинчиларга индивидуал тарзда мушакларни чўзиш бўйича машқлар бериш тавсия қилинади. Чигал-ёзди машқигача дарвозага қараб тўпга зарба бериш мумкин эмас, чунки бу ерда пайларнинг шикастланиши бўйича катта хавф мавжуд.

Тадқиқотчи Экстранд ва унинг сафдошлари жароҳатлар миқдори ва машқлар миқдори ўртасида ўзаро алоқа мавжудлигини аниқлаб берганлар. Машқ (тренировка)лари камроқ бўлган жамоаларда машқлар миқдорини кўпайтирганда жароҳатлар сони кўпайиб борган. Машқ машғулотларининг ҳажми ўрта миқдордан кўп бўлган жамоаларда, машқлар сони кўпайтирилганда, шикастланишлар камайган. Бу шундан дарак берадаки, яхши тайёргарликдан ўтган ўйинчиларнинг жароҳатлари кам бўлади. Шу билан бирга, машғулот машқлари ва ўйинлар сони ўртасидаги нисбат ҳам бу ерда муҳим омил бўлиб ҳисобланади.

Олимларнинг фикрича, чигал-ёзди машқи ўзининг ҳозирги кўринишида кўпроқ жисмоний фаоллик даражасини (юқорироқ) кўтаришга қаратилган. Чигал-ёзди машқининг биринчи қисми тананинг ички ҳароратини оширишга қаратилган бўлиши лозим. Иккинчи қисми эса мушакларни чўзишга қаратилган машқлардан иборат бўлиши керак. Антогонистик мушакларнинг нопропорционал ривожланиши, мушак ва бўғимларнинг етарли эластикликка эга бўлмаслиги жароҳатланиш хавфини оширади. Турли мушакларни ҳар томонлама машқ қилдириш, чигал-ёзди машқида мушакларни бўшатиш ва чўзишга қаратилган машқларни бажариш жароҳат хавфини 2-3 баробар камайтиришга қодир. Футболчилар томонидан машғулотлар тугаши билан чигал-ёзди машқининг бажарилиши натижасида жароҳатлар миқдори камайиши аниқланди.

Ҳозирги кунга қадар ўйин давомида футболчиларда жароҳатланишларнинг олдини олишга қаратилган тўғри ва самарали машқлар мажмуаси ишлаб чиқилмаган.

Футболчиларда тос суяги билан сон суягини туташтирувчи бўғимни букиш, оёқни тизза бўғимида букиш каби синовларнинг натижасида эгилувчанлик даражаси паст эканлиги аниқланади.

Жароҳатлар профилактикасида эгилувчанликнинг аҳамиятини ўрганувчи мутахассисларнинг таъкидлашича, эгилувчанликни оширишга мўлжалланган машқлар чигал-ёзди машқлари сифатида қўлланмаслиги лозим. Уларни бажариш лозим бўлган мушак гуруҳларига қаратилган юкланишларни ўз ичига олган умумий аэробик машғулотдан сўнг бажариш лозим.

Чигал-ёзди машқларидан сўнг, спортчиларга қуйидаги 3 усулда бажариладиган мушакларни чўзишга қаратилган эгилувчанликни оширувчи машқлар мажмуаси тақдим этилади:

1. Статик – оёқлар қўлларни секин чўзиб қўзғатмай ушлаб туриш.
2. Баллистик – бўғимлардаги ҳаракатларнинг очиқ амплитудаси охирида антогонистик мушаклар орқали чўзилиши лозим бўлган мушакларга нисбатан қилинадиган тез ва қаттиқ қисқаришлар.
3. Проприцентли – мушак ҳаракатининг иммитацияси, олдин секин, кейинчалик эса тезлик (секин) мунтазам оширилади. Бу усул одатда, “нейромушакли разминка” деб юритилади.

Мавсумдан олдинги тиббий кўрик ва спортчиларни жисмоний тестдан ўтказиш катта аҳамиятга эга. Бу ҳам профилактиканинг бир усулидир, чунки жароҳатга мойил бўлган якка фактор (омил)ларни таҳлил қилиш ва танлаб коррекция қилиш имконини беради. Ҳар қандай тиббий кўрикни суҳбат ва ташхисдан бошлаш лозим: ўйинчи бундан олдин жароҳатга учраганми, қандай жароҳатлар, жароҳат тафсилоти, сабабларини билиш керак. Қайси футболчида бундан олдин шикастланиш содир бўлган бўлса, у ўйинчини ҳар томонлама кўрикдан ўтказиб, аввалги жароҳатларини назорат остида сақлаш зарур.

Футбол ўйинини юқори даражада олиб бориш учун бенуқсон, ҳаракатчан ва жуда бақувват мушаклар керак, чунки улар бўғимларни барқарор ҳолатда сақлаш қобилиятига эга. Шунинг учун фаол ҳаракат бошланишидан бир неча кун олдин махсус тренинг билан шуғулланиш лозим. Мақсад: мушакларни фаолиятга тайёрлаш (масалан, бел-тизза бўғимлари), ҳаракат координациясини тиклаш бўғимлар чаққонлигини ривожлантириш. Машқларни тренажёрларда ўтказиш маъқул. Чунки тренажёр мушакларнинг ҳамма гуруҳларини ишга солади. Машқлар мутахассис раҳбарлигида олиб борилса, жуда яхши бўлади.

Кўп тадқиқотлар натижасида шу нарса аниқландики, куч-қувватни кўпайтирувчи (қувват берувчи) машқлар жароҳатлар миқдорини камайтиради. Бундай машқлар нафақат, мушакларнинг ўзини мустаҳкамлайди, балки ҳаракатлантирувчи-таянч аппаратининг бошқа структураларини ҳам: пай, пайчалар, чандирлар, бўғимларнинг қобиқлари. Жароҳатларни профилактика қилиш учун қувват берувчи машқларни ўтказиш вақтида, асосий нарса – қарама-қарши мушаклар ўртасидаги балансни (масалан, тизза бўғимларининг ростланиши ва букилиши) сақлай билишдир. Мушаклар куч-қувват балансининг бузилиши жароҳатга олиб келиши мумкин. Кўпинча, интенсив тарзда қисқарадиган мушакларга қарама-қарши бўлган мушаклар шикастланадилар. Ушбу жароҳатларнинг олдини олиш йўли куч-қувват берувчи машқларни чўзиш (пай-мушаклар) машқлари билан мослаштириб олиб бориш бўлиб ҳисобланади.

Дастлабки, энг умумий баҳолар учун етарли даражада оддий тестлар мавжуд:

1. Тиззаларни максимал даражада эгиб, чўккалаб ўтиринг. Бу ерда инсоннинг тўлиқ ўтириб билиш имконияти баҳоланади: агар одам оғриқ сезса, демак, унда остеоартроз белгилари бор. Тиззалар бўғимлари биринчи мартанинг ўзида, ноштат тарзда тез эгилганининг ўзида, албатта шикастланади.

2. Чўккалаб “ғоз бўлиб”, тиззаларни букиб, тўлиқ оёқ учи билан юринг. Агар тиззаларга бирор нарса халақит берса, демак, бўғимларнинг ҳаракатчанлиги бузилган ва яна жиддий шикастланиш хавфи бор.

3. Бир оёғингизни стулга қўйинг ва чиқиб олиб, унга қўл билан бирор нарсадан ушлаб туриш мумкин (йиқилиб қолмаслик учун) ва шу оёқда 30 марта ўтириб туринг. Иккинчи оёғингиз иложи борича ерга тегмасин.

Лекин ҳозирги вақтда, “стабилометрия” – “барқарорлик ўлчови” – тананинг пастки қисми тизза ва тизза-кафт-панжа бўғимларининг барқарорлигига комплекс баҳо бериш амалиёти кўп тарқалиб кетган. Бўғимларнинг барқарорсизлиги касаллик эмас, лекин касалликдан олдинги ҳолат, паталогия бошланишидан олдинги вақт ёки функционал танглик, тиғизлик вақти деб тушунилади. Спортчи бир оёғида турибди, иккинчи оёғи кўтарилиб, тизза бўғимларида эгилган. Қўллар кўкракка қовуштирилган, кўзлар ёпиқ. Ўйинчи оёқларини пастга туширмасдан, шу ҳолатда 60 секунд туриши керак. Мазкур тестни бажариш учун уч марта уриниб кўришга рухсат берилади. Учинчи уринишда ҳам спортчи кўрсатилган ҳолатда 60 секунд тура олмайди. Бу ишончли тарзда спортчиларнинг оёқлари бўғимлари барқарорсизлигидан дарак беради. Ушбу ҳолатда спортчига қуйидагилар тавсия этилади:



1-расм. Махсус дискда машқлар ўтказиш

1. Машғулотлар жадвалига мушакларни чўзишга оид машқларни киргизиш (белнинг узатма мушаклари, тизза тагидаги чуқурлик ва тизза учбошли мушакларнинг пай-чандирлари).

2. Оёқ-тизза, умуман баданнинг пастки қисми пайларининг шикастланиши хавфининг олдини олиб, уларни иситмасдан дарвоза томон тўп билан зарба бермаслик.

3. Махсус дискда машқлар ўтказиш.

Дискда машқ қилиш тизза-кафт бўғимлари пай-пайчаларининг қайта шикастланишлари эҳтимолининг олдини олади. Диск

яримсферик асосдан иборат бўлиб, устига диаметри 50 см келадиган думалоқ майдонча жойлашган. Спортчи диск устига текис бир оёғида туриб, иккинчи оёғи тизза бўғимларига букилган. Қўллари кўкрагига қовуштирилган, кўзлари очиқ. Машқ учун тавсия этиладиган муддат – 5 минут ҳар бир оёққа, ҳафтада 5 марта, 10 ҳафта давомида. Бу усул муҳим тарзда функционал барқарорсизликни камайтиради. Бундан ташқари, бу қайта жароҳатлар бўлиши

эҳтимолининг олдини олади. Мазкур технологияни 2004 йилда Москванинг “Спартак” клуби қабул қилганини айтмоқ зарур.

Тиббиёт бинтини нафақат, даволаш балки, жароҳат профилактикаси учун ҳам қўллаш мумкин. Бу усулнинг душманлари ҳам бор, уларнинг асосий асоси: ўйиннинг тахминан 20 минутига келиб боғлам 50% бўшашиб кетади. Бироқ усул тарафдорлари бўғимга қилинадиган камроқ босим ҳам бирлаштирувчи аппаратнинг ҳаддан ташқари кўп ҳаракатланишининг олдини олиш учун етарли, деган ғояни илгари сурадилар. В.Н. Платонов фикрича, бўғимларни рационал боғлаш энг самарали усуллардан биридир. Хорижий тадқиқотларга кўра бўғимларни боғлаган спортчиларда жароҳатлар миқдори 2 баробар паст эди.

Боғлаш учун асосий объект – тизза ва товон бўғими ҳисобланади. Товон бўғимини боғлашдан асосий мақсад оёқнинг силжиши ва айланишини, айниқса, супинацияни чеклаш. Одатда, бинтларнинг 2 хилини тавсия қиладилар:

а) “Қаттиқ” – товон бўғимлари ва бармоқларни боғлаш учун.

б) “Юмшоқ” тизза ва тирсак бўғимларини боғлаш учун.

а – икс кўринишда боғлаш.

б – “тошбақа”ча боғлаш усули.



2-расм. Бинтни қаттиқ ва юмшоқ боғлаш усуллари

Тизза-кафт бўғимларини бинт билан боғлаб қўйиш уларни шикастланишдан сақлашнинг тарқалган усулларидан биридир. Бинт билан боғлаш пай-пайчаларни қўллаб-қувватлаб, ҳаракатлар амплитудасини чеклаб, масалан, супинация тизза-кафт барқарорлигини кўпайтиради. Бундан бошқа (бинт билан боғлашдан бошқа) тизза-кафт бўғимларини фиксация қилувчи, махсус функционал ярим қаттиқ мосламалар ҳам тавсия этилади, улардан бўғимлар супинациясини чегаралаб қўйиш ва жароҳатлар хавфини камайтириш учун самарали фойдаланиш мумкин.

Тизза-кафт жароҳатларидан сўнг, кўпроқ номи чиққан қолдиқ – бу функционал барқарорсизлик. Тадқиқотчи Тропп (1985) аниқлашига қараганда, бузилган доимий назорат ва пронатор мушакларнинг кучсизлиги функционал барқарорсизлик билан корреляция қилади ва салбий ҳолатлар кучаяди. Функционал барқарорсизликка эга бўлган футбол ўйинчиларининг тизза-кафт бўғимлари қайтадан жароҳатга учрашиши эҳтимоли анча баланд. Доимий назоратни яхшилаш ва пронаторлар кучсизлигини йўқотишга махсус дискда координация машқлари имкон беради.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ўйин майдонларида кўполликни ва ўйинчиларнинг вазифаларини, юкламасини камайтирувчи ташкилий тадбирлар жароҳатларнинг энг эзгу профилактикаси бўлар эди.

Адабиётлар

1. Вайнбаум Я. С. Гигиена физического воспитания и спорта. – Москва, 2002.



Салим АКРАМОВ
Бухоро давлат университети факультетлараро
жисмоний маданият ва спорт кафедраси
катта ўқитувчиси

ФУТБОЛЧИНИНГ ПСИХОЛОГИК ТАЙЁРГАРЛИГИ

Мақолада футболчини психологик тайёрлаш - бу мураббийнинг педагогик фаолиятидаги муҳим босқич эканлиги ёритиб берилган. Мураббий спорт фаолиятида юқори натижа кўрсатиши учун спортчига керакли бўлган психик омилларни чуқур билиши, уларни мақсадга мувофиқ ривожлантириши спортчиларнинг юқори даражали маҳоратга эга бўлишларини, мусобақаларда ишонч билан барқарор натижалар кўрсатишларини таъминлайди.

Таянч тушунчалар: *футбол, футболчи, мусобақага тайёргарлик, спортчи, мотив, мотивация.*

В статье освящается о том, что психологическая подготовка футболиста является одним из этапов педагогической деятельности тренера. Для достижения высоких результатов в спортивной деятельности тренер должен знать глубокие психологические факторы, развивать их целесобразно, это обеспечивает стабильных высоких показателей в соревнованиях.

Опорные понятия: *футбол, футболист, подготовка к соревнованиям, спортсмен, мотив, мотивация.*

In article are consecrated the fact that psychological training of the football player is one of stages of pedagogical activity of the trainer. For achievement of good results in sports activity the trainer has to know deep psychological factors, develop them tselesobrazno, it provides stable high rates in competitions.

Supporting concepts: *soccer, the football player, preparation to competitions, the athlete, motive, motivation.*

Спортчининг машқ қилиш фаолиятида юзага келган айрим ҳаракат малакалари, тактик комбинациялар ва ҳоказолар спортчиларда ҳаракат дастурини шакллантиришга олиб келади. Шакллантирилган дастур психика орқали бошқарилади. Спортчининг ҳаракат дастури икки йўл билан ишлаб чиқилади. Хусусан, *эмпирик* – ҳаракатларни кўп марта такрорлаш йўли билан ва *мақсадга йўналтирилган* – бу махсус йўл спортчи ҳаракатини бошқариш учун психиканинг керакли томонини машқ қилдириш, мусобақа жараёнида ривожлантиришга ёрдам беради.

Ҳозирги замон талабига кўра спортчининг мусобақага тайёрлик ҳолати муҳим муаммо бўлиб ҳисобланади. Спорт психологлари психологик тайёрлашнинг икки турини фарқлайдилар:

1. Умумий психологик тайёрлаш.
2. Мусобақага психологик тайёрлаш.

Умумий психологик тайёрлаш ўз ичига қуйидаги вазифаларни олади:

1. Футболчи шахсига *хос* зарур хусусиятларнинг (маънавияти, дунёқараши, турли хил қизиқишлари, футболга бўлган мотивацияси, ахлоқий ва эмоционал-иродавий характер хусусиятлари ва бошқалар) шаклланиши ва такомиллашишига имконият туғдиради.

Психик жараёнларни ривожлантиришга ёрдам беради. Уларга: сезги, идрок, ихтисослаштирилган идрок турлари, диққатнинг шу спрот турига хос хусусиятлари, тафаккур, тезлик, реакция, ҳаракат хотираси, хаёл, иродавий жараёнлар ва бошқалар киради.

Мусобақага психологик тайёрлашнинг вазифаси спорт беллашувларида қатнашиш учун спортчида психик тайёргарлик ҳолатини яратади ва уни спорт кураши жараёнида сақлай билишни таъминлайди.

Биз спортчини психологик тайёрлаш жараёни ҳақида мулоҳаза юритар эканмиз, унда энг аввало футболчи шахсииинг шаклланишини назарда тутишимиз керак. Чунки мусобақадаги ғалабани, аввало, спортчи шахсининг ғалабаси деб тушуниш мумкин. Бунга унинг маънавияти, турли хил қизиқишлари, футбол билан шуғулланиш мотивацияси, ахлоқий ва эмоционал-иродавий характер хусусиятлари киради.

Психологияда *кузатиш* ва *кузатувчанлик* атамалари мавжуд.

Кузатиш – бу оддий идрок этиш. Масалан: ўйинчилар мусобақага келиб матчни кузатаяптилар. Бунда спортчилар қандай комбинациялар ва усуллар ишлатишлари, кимлар ғалабага эришаётгани кузатилади.

Кузатувчанлик эса бу шахсга хос хусусият бўлиб, кам сезиларли предмет ва ҳодисаларнинг жиддий белгиларини пайқашда намоён бўлади. Диққат-эътиборлилик – бу кузатувчанликнинг ажралмас томонидир. Шахсга хос хусусиятлар каби кузатувчанлик нафақат спорт фаолиятида, балки бошқа фаолият соҳалари: меҳнатда, ўқишда, турмушда ва ҳк.да намоён бўлади.

Футболчи шахсининг шаклланишида ҳосил қилинган қизиқишлар катта аҳамиятга эга. Ўз спорт турига қизиқиши доимо спортчининг мунтазам машғулотларга қизиқишини кучайтиради, спорт маҳорати, спорт натижаларининг ўсишини оширади.

Ўз спорт турига қизиқишни қандай ошириш мумкин? Бунинг кўп йўллари мавжуд, масалан:

-машғулотларни бир қолипда ва бир хил олиб бормасдан, уларни ижодий ўтказиш;

-машғулотларни шундай ўтказиш керакки, ўйинчилар тренернинг берган вазифалари, хоҳ у техникани ўрганиш, хоҳ тактик, жисмоний тайёргарлик бўлсин, тўлиқ тушуниб бажаришлари лозим;

-машғулот материалларини ўзлаштиришда спортчиларда ижодий ёндашиш муҳитини яратиш;

-машғулот вақтидан қисман қолдириб, спортчиларни тренерсиз, мустақил тарзда ўз спорт маҳоратларини, яъни техника, тактика ва жисмоний сифатларини такомиллаштиришга ўргатиш;

-мусобақа ва тренировкали ўйинларни кўпроқ спорт маҳоратлари бир-бирига тенг бўлган жамоалар билан ўтказиш;

-ўйин натижаларини ўйинчилар билан муҳокама қилиш;

-спортчилар билан дунё чемпионати ғолиблари, халқаро мусобақалар ғолибларини билиш ҳақида конкурслар ва викториналар ўтказиш;

-ўйинчиларнинг шахсий ҳаёти, уларнинг турмуши ва моддий шароити, ўқиши, ишлари билан қизиқиш.

Спортчиларда футболга қизиқишни уйғотиш жараёнида бошқа фанларга: биомеханика, физиология, психология, овқатланиш гигиенаси ва ҳоказоларга қизиқишлар доираси кенгаяди.

Футболчи шахсини шакллантириш психологик тайёрлашнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Мураббий спортчида ўз-ўзини такомиллаштиришга интилиш ҳиссини ривожлантирса, машғулот ва мусобақаларда рўй берадиган масалаларни мустақил ҳал этишга рағбатлантирсагина, бу амаллар муваффақиятли натижа беради.

Ўз-ўзини такомиллаштиришниш асосини ўз-ўзини билиш ва ўз кучи, имкониятлари, хатти-ҳаракатларини баҳолай билишни ташкил қилади. Аниқ бир йўналишда ўз-ўзига таъсир этиш учун киши ижтимоий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда ўз хулқини танқидий баҳолаши зарур. Ўз-ўзини билиш қуйидаги йўналишларда амалга оширилади:

Атрофдагиларнинг (баҳоси мураббийнинг, жамоадаги ўртоқларнинг, психолог ва бошқаларнинг), спортчини ҳаракат ва усулларини, тактик хусусиятлари ва иродавий сифатларини кузатиш.

Футболчининг муҳим шахсий сифатларидан бири ўз интилиш даражасини аниқлай билиш ҳисобланади. Интилиш даражаси спортчининг олдига қўйилган мақсад унинг имкониятларига мос ёки мос эмаслиги билан. Футболчининг мақсади унинг имкониятига тўғри келмаса, унда ўйинчида салбий эмоционал ҳолат юзага келади, унинг машғулот ва мусобақаларга бўлган қизиқиши сусаяди.

Интилиш даражаси асосида ўз-ўзини баҳолаш ётади. Ўз-ўзини юқори баҳолаш юқори интилиш даражасини, ўз-ўзини паст баҳолаш паст интилиш даражасини туғдиради. Агар ўз-ўзини баҳолаш оптимал ва спортчи имкониятларига мос бўлса, унда интилиш даражаси адекват ҳисобланади. Бу спортчининг субъектив баҳосини объектив натижаларига солиштириш йўли билан аниқланади. Интилиш даражаси шахсга туғма инъом этилмайди, балки у фаолият жараёнида шаклланади ва ўзгарувчан бўлади. Шунинг учун мураббий машғулотларда тестлар ўтказиши, мусобақа жараёнларида эса интилиш даражасини аниқлаши ва керак бўлса хатоларни тузатиши керак.

Машғулот жараёнида футболчиларнинг ёши, уларнинг қизиқиши, спорт машғулотларига бўлган мотивларини ва имкониятини ҳисобга олиш шарт. Мотив – бу инсонни фаолиятга қўзғовчи ички куч ҳисобланади. Агар фаолият мақсади инсоннинг нима хоҳлашини билдирса, мотив унинг нимага, нима учун ушбу фаолият билан шуғулланишни истаётганлигини билдиради. Мотивни спорт фаолиятида ўрганиш уларни кўп қиррали эканини кўрсатади. Булар қуйидагилардан иборат: спорт жамоасига киришиш мотиви, яхши жисмоний тайёргарлик даражасига эга бўлиш ёки уни такомиллаштириш, ижтимоий фойдали фаолиятга онгли равишда интилиш, жамоа эътирофида бўлиш учун интилиш мотивлари ва ҳоказолар.

Мотивлар нотурғун, яъни улар ҳар хил омиллар таъсирида ўзгариши мумкин. Масалан: шахсий, ҳаётий, ижтимоий, мулоқот ва бошқалар. Шунинг учун спортчи-футболчиларнинг мотивларини доимо бошқариб туриш мураббий фаолиятининг ўз ўқувчиларини психологик тайёрлаш билан боғлиқ муҳим бир бўлими ҳисобланади.

Маҳорат ўсгани сайин янги интилишлар (мотивлар) келиб чиқади. Мураббийларнинг спорт билан шуғулланиш мотивларини билиши амалий аҳамиятга эга, чунки бу спортчиларнинг ахлоқий ва иродавий сифатларини такомиллаштиришга, уларнинг фаоллигини кўтаришга, ундан ташқари, энг муҳими, мусобақаларда юқори натижа кўрсатишга имконият туғдиради.

Спорт фаолиятидаги мотивлар 4 гуруҳга бўлинади:

1-гуруҳ – "яккахонлар" (яккахонлик мотивлари), бу шундай спортчиларки, уларда мотив мазмунида тор шахсий манфаатлар устун туради.

2-гуруҳ – "жамаоатчилар" (жамоавий мотивлар). Бундай спортчиларда жамоа, гуруҳ манфаатлари билан боғлиқ мотивлар устун туради, яккахонлик мотивлари бўйсунувчи сифатида намоён бўлади. Спорт фаолияти амалиёти шуни кўрсатадики, қачон спортчида иккала мотив уйғунлашса, ижобий шароит яралади.

3-гуруҳ – "жараёнли мотивлар". Бунда спортчи учун спорт натижаларига эришиш эмас, балки тренировка жараёни: спорт формасини кийиб юриш, жамоада бўлиш ва ҳоказолар устун туради.

4-гуруҳ – "натижали мотив" деб аталади. Бунда спортчилар юқори натижа кўрсатишга қизиқадилар.

Спортчининг мотивация динамикасида мураббийнинг ўз ролини англаши муҳимдир. Мураббий ўйинчиларнинг футболга бўлган мотивацияси ривожланишини кузатиши

зарур. Агар зарурат бўлса, уни тўғрилаши лозим. Бунинг учун мураббий:

-ўз шогирдларини доимо кузатиб, уларга нима ёқиш ёки ёқмаслигини аниқлаши керак;

-шогирдининг мотивлари ҳақида ахборот олиш мақсадида, уни яқиндан билган одамлар, ўқитувчилари, дўстлари, оила аъзолари билан мулоқотда бўлиш керак;

-вақти-вақти билан шуғулланувчиларга нима учун спорт билан шуғулланаётганликлари тўғрисида мулоҳаза юритишни таклиф қилиши.

Футболчини психологик тайёрлаш ва шахсни шакллантиришда жамоа жуда катта аҳамиятга эга. Шунинг учун мураббий олдида турган асосий вазифалардан бири спортчилар гуруҳидан жипслашган жамоани ташкил этишдан иборат. Спортчилар гуруҳи жамоа бўлиши учун бу бирлашув ижтимоий фойдали фаолият вазифаларини ўзида мужассамлаштирмоғи шарт. Масалан: жамоа ўз олдига қуйидаги мақсадларни қўяди: соғломлаштириш масалалари, халқаро мусобақаларда медалларга сазовор бўлиш, спорт жамиятининг обрўсини ошириш ва ватанпарварлик ҳиссини уйғотиш ва ҳоказо.

Спорт амалиёти шуни кўрсатадики, мустаҳкам анъанали, қаттиқ интизомли, юқори онгли жипслашган жамоалардан кўпинча яхши тарбияланган, меҳнатсевар, юқори тоифали спортчилар чиқади.

Спортчи шахсининг шаклланишига жамоа қандай таъсир кўрсатади?

Биринчидан, жамоа алоқалари орқали. Қачонки жамоа алоқалари мустаҳкамлашса, шунда жамоа ичида спортчиларнинг ўзаро таъсири улар ҳаётининг ҳамма томонларини қамраб олади, хулқ-атвори яхшиланади. Машғулот ва мусобақа вақтларида характер хусусиятлари намоён бўлганда, жамоа ичида қийинчиликларни енгиш осонлашади.

Иккинчидан, ўзаро дўстона муносабатларнинг вужудга келиши жараёнида маслаҳат бериш, қўллаб-қувватлаш, машғулот вақтида хатоларни тўғирлаш, мусобақа вақтида психологик жиҳатдан қўллашда амалга ошади.

Учинчидан, ўрнатилган кун тартибига, тартиб-интизомга, гигиеник талаб-қоидаларга риоя қилиш ҳамда мураббий берган вазифа ва кўрсатмаларни бажаришда ўзаро талабчанлик йўли орқали амалга ошади. Қачон ўртоқларга бўлган талабчанлик жамоа аъзоларининг ўз-ўзига юқори талабчанлиги билан мувофиқ келса, жамоада ўзаро талабчанлик қадрланади.

Тўртинчидан, жамоанинг жипслигига эришиш орқали. Бунга эришиш учун тартиб-интизомга риоя қилиш билан ўйинга, спорт турига, машгулотларга қизиқиш орттирилади. Жамоани жипслаштиришда фойдали анъаналарни яратиш жуда катта аҳамиятга эга: бунга мусобақа ғолибларини табриклаш, томошабинларни таклиф қилиб кўргазмали машғулотлар ўтказиш, ўқув-машқ йиғинларини яхши ташкил қилиш, спортчиларни муҳим сана билан табриклаш, жамоа ҳаёти ва фаолияти ҳақида фото-монтаж чиқариш ва бошқалар киради.

Бешинчидан, ўз-ўзини бошқаришни ташкиллаштириш орқали. Бунда жамоанинг барча аъзолари билан ўзаро муносабатни яхшилаш, қўпол муомалага, одобсизликка йўл қўймаслик, ҳар бир ўйинчининг жамоа фикри билан ҳисоблашишига эришиш лозим.

Спорт жамоасига бўлган ҳурматни тарбиялаш, фаол ниятлар билан майдонга чиқиш, унинг қолган аъзолари муваффақиятига кўмаклашиш, спортчиларда ватанпарварлик ҳиссини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш шароитларидан бири бўлиб хизмат қилади. Шундай қилиб, катта мусобақаларда юқори муваффақиятга эришиш ҳар бир спортчининг ватанпарварлик қарзи бўлиб қолади.

Адабиётлар

1. Казаков П.Н. Футбол. – М.,1981.
2. Чанади А. Футбол ўйин қоидалари. – М., 1983.
3. Симонов И. Футбол. – М. ФИС, 1986.
4. Латишев Г. Мусобақа қоидалари. – М., 1976.
5. Гриндлер Г., Полоте Г., Хеммо Х. Футболчиларнинг техник ва тактик тайёргарлиги. – Т., 1990.
6. Акрамов Р.А. Футбол. – Тошкент, 2008.



Малик АҲМЕДОВ
Бухоро муҳандислик технология институти
жисмоний тарбия кафедраси ўқитувчиси

БОЛАЛАР ВА ЎСМИРЛАР СПОРТИНИНГ ИЛМИЙ-МЕТОДИК АСОСЛАРИ

Мақолада болалар ва ўсмирлар спорти назарияси ва услубиятининг вужудга келиши, унинг воситалари ва илмий услубий асослари тўғрисида маълумотлар ёритилган.

Таянч тушунчалар: *ҳаракат, кўникма ва малакани шакллантириш, адаптация, жисмоний юклама, адаптацион реакция меъёрлари, адаптация фазалари, ҳаяжонланиш, қаршилик кўрсатиш, заҳира, камолот.*

В статье освящается осуществление теории и методики детского и подросткового спорта, научно-методические сведения и ее средства.

Опорные понятия: *движение, формирование навыков, адаптация, физическая нагрузка, адаптационная норма реакций, фаза адаптаций, волнение, сопротивлятся, запас, совершенство.*

In article implementation of the theory and a technique of children's and teenage sport, scientific and methodical data and her means are consecrated.

Supporting concepts: *the movement, formation of skills, adaptation, physical activity, adaptation norm of reactions, a phase of adaptations, excitement to resist, a stock, perfection.*

Мактаб ёшидаги болалар билан спорт машғулотлари жараёнида қуйидаги вазифалар ҳал этилади: ўқувчилар соғлигини мустаҳкамлаш, уларни ҳар томонлама ривожлантириш ва жисмоний камолотга етказиш.

Ҳаракат кўникма ва малакасини шакллантириш, турмушда, меҳнат фаолиятида ва кундалик ҳаётда зарур бўлган жисмоний сифатларни ривожлантириш, миллий истиқлол ғоясини таркиб топтириш, ватанпарварлик ва байналминаллик руҳида тарбиялаш; мамлакат терма жамоаси, спорт мактаблари, клублари учун заҳиралар тайёрлаш. Умумтаълим мактаблари ўқув-спорт ташкилотларининг фаолияти бу вазифаларни ҳал этишга йўналтирилган.

Мутахассислар тадқиқотлари болалар-ўсмирлар спорти назарияси ва методикасининг муҳим масалаларини ижодий англаш ва илмий асослаб ишлаб чиқиш имконини берди. Бугунги кунда илм-фан шиддатли темпда ривожланмоқда, доимо янги маълумотлар билан тўлдирилмоқда бу эса кўпроқ амалий аҳамият касб этмоқда. Шу билан бир қаторда, ўсиб келаётган авлоднинг спорт тайёргарлиги тўғрисидаги фан олдига янада масъулиятли вазифалар қўймоқдаки, улардан энг асосийси – спорт заҳиралари тайёрлаш тизимида унинг барча ёш бўғинларида ташкилий методик асосларини мукаммаллаштириш; минглаб ёш спортчилар, спорт мактаблари ва жисмоний маданият секцияларида шуғулланувчилари учун янги, энг самарали воситалар, методлар ва тайёрлашнинг ташкилий шаклларини ишлаб чиқиш.

Спорт мусобақалари – ўқув-машғулот жараёнининг муҳим таркибий қисмидир. Спорт мусобақаларини ташкил этиш ўқувчиларда қуйидаги малакаларнинг таркиб топишида муҳим аҳамият касб этади:

-миллий истиқлол ғоясини жисмоний тарбия ва спорт орқали сингдириш ва тарбиялаш;

-саломатликни мустаҳкамлаш, чиниқтириш, ўсиб келаётган организм функциясини такомиллаштириш, ҳаётий муҳим малака ва жисмоний сифатларни тараққий қилдириш;

-ўқувчи ва ёшларни мунтазам спорт машғулотларига жалб қилиш, умумтаълим мактабларида, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицей тизимида ва маҳаллаларда алоҳида спорт турларини кенг ривожлантириш;

-спорт машғулотларига, ёш спортчиларнинг ютуқларига қизиқиш уйғотиш;

-оммавий спортнинг ривожланиши ва мактаб жисмоний маданият жамоаси ўқув-тренировка машғулотлари ҳамда мамлакатдаги бошқа жисмоний маданият ташкилотлари натижалари, болалар, ўсмирлар, ўспиринлари ва қизлар билан иш олиб борадиганларни умумлаштириб якунлаш.

Мураббийлар ёки ўқитувчилар ўсмир ёшдаги болалар билан ишлаш жараёнида машғулотлардан олдинги ҳолати ва машғулотлардан кейинги ҳолатини инобатга олган ҳолда машғулотларни режалаштириш керак. Сабаби ўсмир ёшдаги болалар ҳаракат темпи юқори бўлади.

Мусобақа муваффақиятли ўтиши учун улар қуйидаги педагогик талабларга жавоб бериши зарур: ўқув-тренировка жараёнининг якуни бўлиши, спорт мактаби (секцияси) тадбирлар режасига кириши ва белгиланган дастур бўйича ўтказилиши, қайсики олдиндан иштирокчиларга маълумот бериш. Барча спорт турлари бўйича мусобақалар ягона қоидага биноан ўтказилади, спорт мактаби (секция) ўқув-тренировка ишлари дастури асосида ва барча қатнашчилар учун мажбурий бўлган. Мусобақага малакали ҳакамлар ва тиббиёт ходимлари хизмат қиладилар.

Спортчиларнинг ёши ва тайёргарлигига мос равишда мусобақа дастури ва юклама меъёри ишлаб чиқилади.

Ёш спортчиларнинг мусобақаларини белгиловчи ҳужжат “Болалар ва ўсмирлар ёшидаги спортчилар учун спорт турлари бўйича мусобақа юкламалари меъёрлари ва мусобақани ўтказиш шарти” ҳисобланади. Юклама меъёрида мусобақа дастури ва мураккаблик даражаси белгиланган, уларнинг миқдори, характери, кўлами, уларга тайёргарлик муддати ва тиклаш даврининг давомийлиги.

Спорт машғулоти бошланғич босқичида мусобақада қатнашиш учун болаларни тайёрлаш давомийлиги (биринчи ёш гурухи) камида бир йил бўлиши керак. Спорт машғулотларида танаффус ҳолати бўлса, ҳар бир ёш гурухида спорт формасини тиклаш учун 10-15 мартадан кам бўлмаган машғулотларини назарда тутиш зарур.

Белгиланган ёш гуруҳларига спорт мусобақасининг ўз даври мос келади. 9-10 ёшли болаларинини мактаб мусобақаларига, 11-12 ёшлилар – туман ва шаҳар мусобақаларига, 13-14 ёшлар – вилоят миқёсидаги мусобақаларга қўйилади. 15-16 ёшли ўсмирлар ва қизларга – республика миқёсидаги мусобақаларида иштирок етишга рухсат берилади.

Ёш спортчилар учун мусобақанинг оптимал миқдорини аниқлаш муҳим аҳамият касб етади. Шундай спорт турларида, мусобақада қатнашиш узоқ давом этмайдиган ва ундан сўнг ёш спортчилар ўз кучларини тез тиклай оладиган мусобақани тез-тез ўтказиш тавсия қилинади. Узоқ вақт давомида катта зўриқиш, чидамликнинг намоён бўлишини талаб қиладиган спорт турлари мусобақаларини камроқ ўтказиш зарур.

Ёш спортчилар умумжисмоний тайёргарлик ва кўпкураш бўйича мусобақаларда мунтазам қатнашишлари лозим. Бундай мусобақалар дарсларда, жисмоний маданият жамоалари секцияларида, шунингдек туманда ёки мазкур мактаб жойлашган жойда ўтказилади. Мусобақалар сони ёш спортчиларнинг индивидуал хусусиятларига боғлиқ. Техник тайёргарлиги етарлича бўлмаган, организмнинг узоқ даврда тикланиши, асаб қўзғалишининг кўтарилганлиги пайтида ёш спортчи мусобақаларда кам қатнашиши зарур. Ва аксинча, аъло техник тайёргарлик, тез тикланиш, асаб тизимининг бир текислиги пайтида ёш спортчи мусобақада тез-тез қатнашиши мумкин.

Тайёргарлик даврида ёш спортчилар, албатта, тарбиявий аҳамиятга эга бўлган синов мусобақаларида қатнашадилар. Негаки, бунинг учун махсус тайёргарлик талаб қилинмайди. Тайёргарлик даврида мусобақа дастурига ёш спортчиларнинг умумий ва махсус тайёргарлигини ошириш учун машқлар киритилади.

Мусобақа даврида машқ қилганликни ошириш учун мусобақа, назорат чамалаб кўриш ва катта юклама билан тренировка машғулотлари ўтказиш муҳим роль ўйнайди. Мусобақа даврининг иккинчи босқичида катта ҳажмдаги тренировка машқлари берилмаслиги лозим. Юклама ҳажмини аста-секин тушириш даркор, жадаллик эса оширилади.

Ёш спортчиларнинг одатий мусобақаларда қатнашиши тренировкани режалаштиришда алоҳида ўзгаришларни талаб этмайди. Фақат тренировка юкламаси ҳажмини бир мунча тушириш керак ва бир вақтда мусобақа олдида охирги ҳафтада унинг жадаллиги оширилади. Ундан ташқари, 1-2 кун дам олиш арафасида чигил ёзиш тавсия қилинади. Масъулиятли мусобақага тайёргарлик ниҳоятда пухта бўлиши лозим. Унга камида 3-4 ҳафта қолганда назорат қилиб кўриш ўтказилади, чунки шу вақтда мусобақа ўтказилади.

Мусобақа куни ёш спортчи ўзи учун энг яхши натижа кўрсатиши учун, тренировка режасига мусобақа цикли киритилади. Мусобақага 24 соат қолганда чигил ёзишни бажариш (ўшанинг ўзи, тре-

нировка машғулоти олдидан бўладиган) тавсия қилинади. Чигил ёзишда хаддан ташқари зўриқмаслик даркор. Бундай чигил ёзиш ёш спортчи иш қобилиятининг ошишига таъсир кўрсатади.

Мактаб ёшидаги болаларнинг мактабдан ташқари жисмоний тарбияси халқ таълими органлари, "Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи" ташкилоти, касаба уюшмаси ва спорт ташкилотларининг бирлаштирилган кучлари, кенг жамотчилик вакилларини жалб қилиш билан ташкиллаштирилади. Бу ишларни ташкиллаштириш қуйидаги асосий ҳолатларда амалга оширишни зарур деб биламиз.

1. Жисмоний тарбия тизимининг мақсади, вазифалари ва принципларига мослиги; "Алпомиш" ва "Барчиной" махсус тест меъёрларини топширишга тайёрлашни ташкиллаштириш; ягона спорт классификацияси ўсмирлар нормативини топширишга тайёрлашни ташкил қилиш.

2. Муассасалар, идоралар, ташкилотлар, жамоатчилик ва оила билан мустаҳкам алоқани сақлаш. Мактаб жисмоний тарбия тизимининг узвийлиги мактабда жисмоний маданият ва спорт соҳасида ўқувчиларда билим, кўникма ва малакаларининг ҳар тарафлама мустаҳкамланиши, чуқурлаштирилиши ва кенгашга ёрдамлашиш, соғлом дам олиш ва кўнгил очишни ташкиллаштириш. Ишларнинг ранг-баранг ташкиллаштириш шаклларидан фойдаланиш.

3. Болалар, ўсмирлар, ўспиринлар ва қизларнинг онгли ташаббусига, фаол қизиқишига таяниш. Жисмоний тарбия бўйича мактабдан ташқари ишларни спорт мактаблари, кўнгилли спорт жамиятлари тизимида, халқ таълим органида, жисмоний тарбия ва спорт бўйича қўмиталар, ўқувчилар уйлари ва саройлари, йирик спорт туристик базалар, дам олиш ва истироҳат боғларида, шунингдек бошқа муассаса ва ташкилотларда жамоатчи фаол бадан тарбиячилар ва ишлаётган ходимлар амалга оширади.

Мамлакатимизда болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари ва Олимпия захиралари коллежлари Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, жамиятлар ва Халқ таълими вазирлиги тизимида ташкил қилинади.

Ихтисослашган Олимпия заҳиралари БЎСМ амалдаги спорт мактаблари базаларида яратилади, малакали, спортчилар тайёрлаш бўйича юқори даражага эришган ва спорт базаси, малакали мураббий-ўқитувчилар билан таъминланган. Ихтисослашган Олимпия захиралари болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари олдига аниқ мақсад қўйилади – мамлакат, КСЖ ва идоралар терма жамоалари учун юқори разрядли спортчилар тайёрлаш, яъни улар фаолияти асосий кўрсаткичи даражаси ҳисобланади.

Олимпия захиралари коллежларида спорт турлари бўйича мамлакат терма жамоаларига номзодлар ва аъзолар, халқаро тоифадаги усталар ва спорт усталари тайёргарлигини олиб боради.

Спорт мактаблари Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Халқ таълими вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги томонидан тасдиқланган намунавий низом асосида фаолият кўрсатади.

Спорт коллежлари ва мактабларида қуйидаги вазифаларни ҳал қилишга қаратилган:

- ҳар томонлама ривожланган юқори малакали ёш спортчиларни тайёрлайди, уларнинг саломатликларини мустаҳкамлайди ва ҳар томонлама жисмоний тараққиётини таъминлайди;

-шуғулланувчилардан жамоатчи-инструкторлар ва спорт ҳакамларини тайёрлашни олиб боради;

-умумтаълим мактабларига синфдан ташқари оммавий-спорт ишларини ташкил қилишда ёрдам кўрсатиши ва услубий марказ бўлиши.

Юқоридаги фикрлар болалар-ўсмирлар жисмоний тарбияси ва унинг илмий-методик асосларини ривожлантиришга хизмат қилади.

Адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. "Жисмоний ва маънавий етук ёшлар – эзгу мақсадларимизга етишда таянчимиз ва суянчимиздир" мавзусида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV қурултойидаги нутқи. //Халқ сўзи, 2017 йил.

2. Ишмуҳамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Тарбияда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Т.: "Истеъдод" жамғармаси, 2009. – 160 б.

3. Educating the Student Body" Taking Physical Activity and Physical Education to School, 2013. – p. 7.



Alisher IBRAGIMOV
Buxoro davlat universiteti fakultetlararo jismoniy madaniyat va sport kafedrasi katta o‘qituvchisi



Shuhrat QURBONOV
Buxoro davlat universiteti jismoniy madaniyat va sport kafedrasi magistranti

OLIY TA’LIM MUASSASALARIDA INNOVATSION TA’LIM JARAYONINI TASHKIL ETISHNING NAZARIY ASOSLARI

Maqolada oliy ta’lim muassasalarida innovatsion ta’lim jarayonini tashkil etishning ilmiy-nazariy asoslari, pedagoglar faoliyatini innovatsion tashkil etish va rivojlantirishning optimal yo‘llari, yechimlari hamda akmeologik, kreativ va refleksiv yondashuvlar talqin qilingan.

***Tayanch tushunchalar**: ta’lim, innovatsiya, innovatsion faoliyat, innovatsion ta’lim, akmeologiya, innovatsion jarayon, kasbiy faoliyat, kreativlik.*

В статье раскрываются научные и практические аспекты внедрения в процесс образования инновационного обучения. Оптимальные пути организации и развития инновационных подходов в деятельности педагога, акмеологические, креативные и рефлекторные подходы.

***Опорные понятия:** Образование, инновация, инновационная деятельность, инновационное обучение, акмеология, инновационный процесс, профессиональная деятельность, креативность.*

This article is demonstrated that to organize the educators activities with new innovations and to develop with way of optimal, acmeology, creativity and reflexive (among) in a high schools.

***Supporting concepts:** education, innovation, innovative activities, innovative education, acmeology, creativity, occupation activity.*

Bugungi kun ta’lim sohasi oldida turgan asosiy vazifalar yangi innovatsion ta’lim texnologiyalari va xorijiy ilg‘or tajribalarga asoslangan mashg‘ulotlarni tashkil etishni taqozo etadi. Zero, O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M. Mirziyoyev ta’kidlaganidek, **“**...yana bir muammoni hal etish ham o‘ta muhim hisoblanadi: bu – pedagoglar va professor-o‘qituvchilar tarkibining professional darajasi, ularning maxsus bilimlaridir. Bu borada ta’lim olish, ma’naviy-ma’rifiy kamolot masalalari va haqiqiy qadriyatlarni shakllantirish jarayonlariga faol ko‘mak beradigan muhitni yaratish zarur” [1].

Hozirgi kunda davlat va jamiyat tomonidan pedagog kadrlarni tayyorlash jarayoniga yangi talablar qo‘yilmoqda. Shunga ko‘ra, bugungi kunda oliy ta’lim tizimi oldida turgan eng muhim vazifa – pedagog-o‘qituvchilarning innovatsion pedagogik faoliyatini rivojlantirish, ilg‘or xorijiy tajribalarni ta’lim jarayoniga tatbiq etish, axborot-kommunikatsiya texnologiyalaridan foydalangan holda zamon talablariga hamohang ravishda ta’lim sifatini ko‘tarish va kadrlar tayyorlashda raqobatbardosh yetuk mutaxassislarni tayyorlash masalalariga alohida etibor berilmoqda.

Innovatsion faoliyat ilm-fan va ishlab chiqarish sohalarini o‘zaro birlashtirib, ularning salohiyatini oshirishga imkon beruvchi o‘ziga xos ishlab chiqarish kuchi bo‘lib, uning ta’sir samarasi o‘laroq, nisbatan mustaqil faoliyat turi hisoblanmish ilm-fan va ishlab chiqarishni integratsiyalashtirish, yangilik sifatida amaliyotga joriy etilishi mumkin bo‘lgan ilmiy kashfiyotlarni iqtisodiy agentlarning joriy faoliyati davomida yuzaga keladigan turli xil muammolarini bartaraf etish, ehtiyojlarini qondirish instrumenti hisoblanadi.

Ta’lim tizimida innovatsiya quyidagi holatlarda vujudga keladi:



Shu nuqtayi nazardan O‘zbekiston Respublikasida innovatsion infratuzilmani shakllantirishning muhim yo‘nalishlaridan biri bu turli xil innovatsion markazlar, texnologik parklar, biznes inkubator va boshqa shu xildagi tuzilmalarni rivojlantirishdan iborat. Aynan, shu kabi tuzilmalar faoliyati orqali ilm-fan yutuqlarini keng ko‘lamda amaliyotga tadbiq etish mumkin bo‘ladi.

Ta’lim tizimidagi jarayonlarni boshqarishni tahlil qilish orqali innovatsion faoliyat tushunchasini ta’-riflash imkoniyati paydo bo‘ldi. Innovatsion faoliyat – pedagogik jamoani harakatga keltiruvchi, olg‘a boshlovchi, taraqqiy ettiruvchi kuchdir.

Yaqin o‘tmishda “Innovatsion ta’lim”, “Innovatsion faoliyat” va “Innovatsion jarayonlar” terminlari respublikamizning pedagogik adabiyotlarida juda kam kuzatilar edi. Innovatsion ta’lim so‘zining zamirida yangilikni tashkil qilish, yangilikni o‘zlashtirish, yangilikdan foydalanish, yangilikni namoyon etish kabi kompleks faoliyat yotadi.

Innovatsion ta’lim - ta’lim oluvchida yangi g‘oya, me’yor, qoidalarni yaratish, o‘zga shaxslar tomonidan yaratilgan ilg‘or g‘oyalar, me’yor, qoidalarni tabiiy qabul qilishga oid sifatlar, malakalarni shakllantirish imkoniyatini yaratadigan ta’lim.

“Innovatsion ta’lim” tushunchasi birinchi bor 1979-yilda “Rim klubi”da qo‘llanilgan. Innovatsion ta’lim jarayonida qo‘llaniladigan texnologiyalar innovatsion ta’lim texnologiyalari yoki ta’lim innovatsiyalari deb nomlanadi.

Ta’lim innovatsiyalari - ta’lim sohasi yoki o‘quv jarayonida mavjud muammoni yangicha yondashuv asosida yechish maqsadida qo‘llanilib, avvalgidan ancha samarali natijani kafolatlay oladigan shakl, metod va texnologiyalar

Ta’lim sohasida innovatsion jarayon – bu ta’lim konsepsiyasidagi, o‘quv dasturlaridagi, usul va uslublardagi, tarbiya va o‘qitish usullaridagi yangilik va o‘zgarishlardir. Ta’lim sohasida innovatsion jarayonlar so‘zining tub ma’nosida pedagogikaning ikkita muhim – o‘rganish, umumlashtirish va ilg‘or pedagogik tajribalarni ommalashtirish muammosi va pedagogika fanlari yutuqlarini amaliyotga tatbiq etish muammosi yotadi. Shunday ekan, innovatsiyaning predmeti va innovatsion jarayonlarning tarkibi, mexanizi bir-biriga o‘zaro bog‘liq bo‘lgan jarayonlar jamlanmasi tarkibida bo‘lishi kerak. Aynan, innovatsion faoliyat xizmat ko‘rsatish bozorida oliy ta’lim muassasalari o‘rtasidagi raqobatbardoshlikning asosini yaratibgina qolmay, professor-o‘qituvchining kasb mahoratining o‘sishini, ijodiy izlanishini, amaliy jihatdan ochib beradi. Shuning uchun ham, innovatsion faoliyat o‘qituvchilarning ilmiy-uslubiy faoliyati va talabalarning o‘quv jarayoniga ijodiy faoliyati bilan uzluksiz bog‘liq.

Innovatsion faoliyat – yangi ijtimoiy talablarning an’anaviy me’yorlarga mos kelmasligi yoki yangi shakllanayotgan g‘oyalarning mavjud g‘oyalarni inkor etishi natijasida vujudga keladigan majmuali muammolarni yechishga qaratilgan faoliyatdir.

Innovatsion faoliyat bu amaliyot va nazariyaning muhim qismi bo‘lib, ijtimoiy-madaniy obyekt sifatlarini yaxshilashga qaratilgan ijtimoiy subyektlarning harakat tizimi bo‘lib, u ma’lum doiradagi muammolarni yechish qobiliyatigina emas, balki har qanday vaziyatdagi muammolarni yechish uchun motivatsion tayyorgarlikka ega bo‘lishdir. O‘qituvchi innovatsion faoliyatining markaziy masalasi o‘quv jarayonini samarali tashkil etishdan iborat.

Innovatsion faoliyat quyidagi asosiy funksiyalar bilan izohlanadi:

- kasbiy faoliyatning ongli tahlili;
- me’yorlarga nisbatan tanqidiy yondashuv;
- kasbiy yangiliklarga nisbatan shaylik;
- dunyoga ijodiy yaratuvchilik munosabatida bo‘lish;
- o‘z imkoniyatlarini ro‘yobga chiqarish, o‘z turmush tarzi va intilishlarini kasbiy faoliyatida mujassam qilish.

Hozirgi kunda o‘qituvchi innovatsion faoliyatiga doir bir qancha yondashuvlar mavjud: **akmeologik yondashuv, kreativ yondashuv, refleksiv yondashuv.**

Akmeologiya (akme– yunoncha: “ oliy nuqta”, yetuk, eng yaxshi davr”) – rivojlanayotgan insonning ijodkorlik, kashfiyotga intilish, kasbiy faoliyatining yetuklik pog‘onasini o‘rganish sohasidir.

Innovatsion faoliyat tuzilmasi tahlilida akmeologik yondashuv pedagogning kasbiy mahorati cho‘qqilariga erishuvida uning shaxsi rivojlanish qonuniyatlarini ochishi mkonini beradi.

Kreativlik (lot., ing. “create ” – yaratish, “creative” – yaratuvchi, ijodkor) – individning yangi g‘oyalarni ishlab chiqarishga tayyorlikni tavsiflovchi va mustaqil omil sifatida iqtidorlilikning tarkibiga kiruvchi ijodiy qobiliyati.

Yuqoridagi fikrlarimizni xulosa qiladigan bo‘lsak, oliy ta’lim muassasalarida innovatsion ta’limni tashkil etish pedagogning innovatsion faoliyati va ta’lim sohasidaga innovatsion jarayonlar bilan bog‘liq.

1. O‘zbekiston Respublikasida innovatsion infratuzilmani shakllantirishning muhim yo‘nalishlaridan biri bu turli xil innovatsion markazlar, texnologik parklar, biznes inkubator va boshqa shu xildagi tuzilmalarni oliy ta’lim muassasasi tarkibida tashkil etish va rivojlantirishdan iborat. Aynan shu kabi tuzilmalar faoliyati orqali ilm-fan yutuqlarini keng ko‘lamda amaliyotga tatbiq etish mumkin bo‘ladi.
2. Ta’lim muassasasida innovatsion ta’lim jarayonini tashkil etishda “Innovatsion muhit” shakllangan bo‘lishi kerak, ya’ni pedagogik jamoda umuman ta’lim muassasasida ijodiy, samimiy do‘stona sharoit, unda pedagog-o‘qituvchi o‘zini erkin his qila olishi va jamoda ichki intilish (motivatsiya) moddiy-ma’naviy qiziqish yuqori darajada bo‘lish kerak.
3. Pedagogning innovatsion faoliyati rivojlanishida akmeologik yondashuv, kreativ yondashuv va refleksiv yondashuv muhim ahamiyat kasb etadi.
4. Innovatsion faoliyat quyidagi asosiy funksiyalar bilan izohlanadi: kasbiy faoliyatning ongli tahlili, me’yorlarga nisbatan tanqidiy yondashuv, kasbiy yangiliklarga nisbatan shaylik, dunyoga ijodiy yaratuvchilik munosabatida bo‘lish, o‘z imkoniyatlarini ro‘yobga chiqarish, o‘z turmush tarzi va intilishlarini kasbiy faoliyatida mujassam qilish.
5. Oliy ta’lim muassasalarida innovatsion ta’limni tashkil etishda inson resurslarini, xususan, intellektual potensialni inobatga olgan holda ta’lim innovatsiyalari aynan shu jihatlarga qaratilishi lozim.

Adabiyotlar

1. Mirziyoev Sh.M. Tanqidiy tahlil, qat’iy tartib-intizom va shaxsiy javobgarlik – har bir rahbar faoliyatining kundalik qoidasi bo‘lishi kerak. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning mamlakatimizni 2016-yilda ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirishning asosiy yakunlari va 2017-yilga mo‘ljallangan iqtisodiy dasturning eng muhim ustuvor yo‘nalishlariga bag‘ishlangan Vazirlar Mahkamasining kengaytirilgan majlisidagi ma’ruzasi. //Xalq so‘zi, 2017-yil 16-yanvar, № 11 (6705) 4-bet.
2. Azizxodjayeva N.N. Pedagogik texnologiyalar va pedagogik mahorat –T.: Moliya, 2003. – 192 b.
3. Begimqulov U.Sh. Pedagogik ta’limda zamonaviy axborot texnologiyalarini joriy etishning ilmiy-nazariy asoslari. – T.: Fan, 2007. – 160 b.
4. Shodmonova Sh.S., Hikmatova Sh. Bo‘lajak o‘qituvchilarni innovatsion faoliyatga tayyorlash. Metodik qo‘llanma. – Toshkent, 2010. – 113 b.
5. Sharipov Sh., Aripov M., Begimqulov U., Yo‘ldoshev U., Muslimov N. Bilim olishning intellektual tizimini ishlab chiqish nazariyasi va amaliyoti. Monografiya.– Toshkent: Fan, 2011. – 240 b.



Олим ФАРМОНОВ
Бухоро давлат университети
факультетлараро жисмоний маданият
ва спорт кафедраси катта ўқитувчиси



Ғайрат САЛИМОВ
Бухоро давлат университети жисмоний маданият назарияси
ва услубиёти кафедраси доценти, педагогика фанлари номзоди

КИЧИК МАКТАБ ЁШИДАГИ БОЛАЛАР ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯСИНИНГ ПЕДАГОГИК ВА ПСИХОЛОГИК АСОСЛАРИ

Мақолада кичик мактаб ёшидаги болалар жисмоний тарбиясининг педагогик ва психологик асослари хусусида фикр баён этилган.

Таянч тушунчалар: *баркамол авлод, ёш даври, жисмоний ривожланиш, ҳаракатли ўйинлар, шахслараро мулоқот, тарбия, болалар руҳияти.*

В статье излагаются размышления о педагогических и психологических основах физического воспитания школьников младшего возраста.

Опорные понятия: *совершенное поколение, возрастной период, физическое развитие, подвижные игры, межличностное общение, воспитание, душевное состояние детей.*

In article reflections about pedagogical and psychological bases of physical training of school students of younger age are stated.

Supporting concepts: *perfect generation, age period, physical development, outdoor games, interpersonal communication, education, state of mind of children.*

Тарбия доимо жамият учун муҳим вазифани бажарган, турли авлодлар ўртасидаги алоқа ва ворисликни амалга ошириб келган. Тарбиянинг ўз мақсади, вазифалари, мазмуни, шакли ва усуллари даврлар оша ўзгариб борган. Бу ўзгаришлар кишилар ўртасидаги муносабатлар билан чамбарчас боғлиқ. Шундан келиб чиқиб, тарбияда Ватан ҳимоясига тайёр, меҳнат, ижтимоий фаолият, умуман, ҳаётда ҳар томонлама ривожланган комил инсонни таркиб топтиришга эътибор бериш керак. Жисмоний тарбия жараёнида бу вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш учун тарбиянинг бир-бири билан ўзаро боғланган ҳар бирининг мазмуни, воситалари, шакл ва усулларининг ўзига хос хусусиятларини тушуниш керак бўлади. Миллий ҳаракатли ўйинларда бошланғич синф ўқувчиларининг жисмоний сифатларини тарбиялашда ҳам ана шу ўзига хосликларни ҳисобга олиш зарур. Педагогикада қабул қилинган ёш даврларидан биз учун энг муҳими кичик мактаб ёшидир. Ҳар бир ёш гуруҳига жисмоний ва руҳий ривожланишнинг муайян даражаси мос келади [1,2,3,].

Кичик мактаб ёшида ўқиш боланинг бутун ҳаёт тарзини ўзгартиради ва унга янги талаблар қўяди. Чунки боғча ёшида болаларда, нутқининг ривожланишига, ахлоқ меъёрларининг шаклланишига асосий эътибор берилади. Уларни тарбиялашда махсус ташкил этиладиган ўйин фаолияти катта ўрин тутади. Боланинг ривожланиши учун дидактик таълим берувчи ва жамоа бўлиб биргаликда ҳаракат қилишга ўргатувчи ўйинлардан фойдаланилади. Кичик мактаб ёшида организмнинг умумий етилиши фонида болаларнинг ҳаракат соҳаси жадал ривожланади. Бу давр жисмоний тарбия билан фаол шуғулланиш учун жуда қулайдир. Мана шу жиҳатдан боланинг айнан шу хусусиятларини ривожлантирувчи миллий халқ ҳаракатли ўйинларидан фойдаланиш тарбияда кўзлаган мақсадга етиш имконини тезлаштиради. Жисмоний ривожланишнинг жадаллиги склетнинг тез ўсиши, умуртқа поғонаси букиклигининг шаклланиши, юрак, томир тизимининг ривожланиш хусусиятлари ва бошқалар боланинг оқилона ташкил этилган бутун ҳаёт режимини талаб этади. Турли ёшдаги ҳар хил жинсдаги болалар руҳиятининг ривожланиши, ўзгаришлари, уларнинг ахлоқий ва жисмоний камол топишига ижобий таъсир қиладиган омиллар, шарт-шароитларни билиш, улардан унумли фойдала-

ниш ҳозирги кунда ўқитувчилар, жисмоний тарбия мутахассислари учун ниҳоятда зарур бўлиб қолди.

Ҳар бир ўқувчи ёш даврининг руҳий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда жисмоний тарбия дарсларини олиб бориш орқали улар онги, руҳига таъсир ўтказиш ўз вақтида ўз-ўзини англашни вужудга келтиради. Болада ўзини англаш туйғуси қанча эрта уйғонса, шахсий нуқтаи назар, ҳуқуқини ҳис этиш, ақлий ва жисмоний имкониятларини баҳолаш шунчалик тез пайдо бўлади.

Боладаги эътиқод, муомала, мулоқот, мустақил хулқ-атворни шакллантириш, улардаги ташаббускорлик ҳамда тўсиқларни енгишга интилиш каби хусусиятларни жисмоний тарбияда миллий халқ ҳаракатли ўйинлари орқали ҳам тарбиялаш мумкин, бунда уларга ёш психологияси хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда руҳий туртки бериш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбек халқ миллий ҳаракатли ўйинларининг болаларни руҳий жиҳатдан камол топтиришда аҳамияти улкан. Умуман, ўйинларнинг аҳамияти ҳақида кўпчилик руҳшунослар ва педагоглар қимматли фикрларни айтиб таъкидлаб ўтишгани маълум. Энг содда руҳий жараёндан энг мураккабигача ҳаммасининг муҳим жиҳатларини шакллантиришда ўйин катта роль ўйнашини жаҳон педагог ва психологлари ҳам турли даврларда турлича йўллар билан исботлаб беришган [4].

Ўйин болалар учун воқеликни акс эттириш воситасидир. Бу воқелик болани қуршаб турган борлиқдан анча қизиқарлидир. Ўйиннинг қизиқарлилиги уни англаб етишнинг осонлигидадир. Катталар ҳаётида фаолият, хизмат қандай аҳамиятга эга бўлса, бола ҳаётида ҳам ўйин худди шундай катта аҳамият касб этиши мумкин.

Ўйин мазмунининг ривожланиши боланинг катталар ҳаёти ва фаолиятининг моҳиятига чуқурроқ кириб боришида, атрофдаги воқеа-ҳодисаларга муносабатининг ўзгаришида, шунингдек, ўйин мазмуни ҳам шарт-шароит, жамият аъзолари турмушининг тобора тўғри акс этишида намоён бўлади. Шунинг учун болаларда ўйин қобилиятининг ўсиши ўз-ўзича юзага келмайди, балки катталар, тарбиячиларнинг таъсири натижаси, атроф-муҳит билан танишиш, сайрлар уюштириш, шахслараро муносабатларнинг моҳиятини тушунтириш ва ҳоказолар натижасида амалга ошади [5].

Катта кишилар ҳаёти ва фаолиятининг ўрнини босувчи нарсалар уларнинг ҳаракатини умумлашган ҳолда ифодалашнинг моддий таянчи ҳисобланади. Шундай экан, ўйин фаолиятида бола ҳаракатининг ривожланиши ўйин мазмунига кўпроқ боғлиқдир. Чунки боланинг ҳатти-ҳаракати қанчалик ихчам ва умумлашган бўлса, улар катталарнинг фаолияти мазмунини акс эттиришдан шунчалик йироқлашади. Бинобарин, у одамнинг нарсаларга ва бир-бирларига муносабатини амалда бажаришга ўтади, шунинг учун нарсалар билан ҳаракат қилишда катталарнинг муносабатини тўғри ифодалашга интилади.

Ҳар қандай ўйиннинг ва ўйин фаолиятининг диққат марказида бола катталар фаолияти, ўзаро муносабатини, муомаласини ўзига хос тарзда акс эттириш, такрорлаши имконияти туради. Шунга кўра ўйин ижтимоий аҳамият касб этиб, болада инсоният томонидан асрлар давомида яратилган қимматли билим, амалий кўникма, малака ва одатларни, халқнинг ижодий бойлигини ўрганишига имкон яратилади, оқибатда уни шахслараро мулоқотнинг моҳиятига олиб киради.

Ўйин фақат билиш жараёнларини такомиллаштириб қолмай, боланинг хулқ-атворига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Мактабгача ёшдаги болалар ҳам, бошланғич синф ўқувчилари ҳам, юқори синф ўқувчиларида ҳам ўз хулқини бошқариш кўникмаларини ўйинлар орқали ҳам таркиб топтириш мумкин. Чунки бирор мақсадга йўналтирилган машғулотга нисбатан миллий ҳаракатли ўйинларда хулқ кўникмаларини олдинроқ ва осонроқ эгаллаш мумкин. Айниқса, бу омил мактабгача ёшдаги болаларда ёш даврининг хусусияти сифатида ўзининг ёркин ифодасини топади. Кичик мактаб ёшидаги болаларда ўз хулқини ўзи бошқариш кўникмаси ўйин фаолиятида ҳам бошқа шароитларда ҳам қарийб бараварлашади. Баъзан улар айрим вазиятларда, масалан: мусобақа пайтида ўйиндагига қараганда юқорироқ кўрсаткичга эришишлари ҳам мумкин.

Миллий ҳаракатли ўйинлардан фойдаланиш, уларни қўллашда шуни ҳисобга олиш керакки, бу ёшдаги болалар аниқликни талаб этадиган майда ҳаракатга қараганда кенг, кучли ҳаракатларга анча мойил бўладилар. Буни болалар ёш даврини ишлаб чиққан буюк педагог Я.А. Коменский ҳам ўз вақтида таъкидлаган эди [1].

Умуман, бу ёшда болалар жуда ҳам ҳаракатчанлиги билан ажралиб туради. Ҳаракатчанлик эса махсус, оқилона ташкил этилишни, ҳаракатга солувчи юриш-туриш шаклларининг тўғрилигини талаб этади. Шу мақсадда тавсиф этилаётган ўзбек халқ миллий ҳаракатли ўйинлари "Кўз юмди", "Тўрт муюш", "Юлдуз", "Тизза остида рўмолча" ва ҳк. айнан болаларнинг ҳаракатчанлигини руҳий ривожлантиришга қаратилган.

Боланинг руҳий ўсишида ўйиннинг аҳамияти болаларда ҳаракатнинг ўсишида ўйиннинг таъсири ҳақида гап борганида, аввало, шуни айтиш керакки, биринчидан, ўйин ташкил қилишнинг ўзиёқ боланинг характерини ўстириш ва такомиллаштириш учун энг қулай шарт-шароитларни яратади. Иккинчидан, ўйиннинг бола ҳаракатига таъсир этишининг сабаби ва хусусияти шуки, ҳаракатнинг мураккаб кўникмаларини субъект айнан ўйин пайтида эмас, балки бевосита машғулотлар орқали ўзлаштиради.

Адабиётлар

1. Лордкипанидзе Д.О. Ян Амос Коменский. – М.: Педагогика, 1992. – 316 с.
2. Немов. Р .С. Психология. – М.: Просвещение, 1990. – 224 с.
3. Педагогика здоровья. – М.: Педагогика, 1990. – 288 с.
4. Мельников Б.М. Психология спорта. – М.: ФиС 1987. – 67 с.
5. Тулегенов. М.Т. Из истории казахских национальных форм и средств физического воспитания. Проблемы организационно–массовой работы по физической культуре и спорту в Казахстане. Алма –Ата, 1980. – С. 65-70





Zilola YADGAROVA
Buxoro viloyati gimnastika bo`yicha
ixtisoslashtirilgan bolalar-o`smirlar
sport maktabi metodisti

Yaxshi FAYZIYEV
Buxoro davlat universiteti
fakultetlararo jismoniy madaniyat va
sport kafedrasi o‘qituvchisi

ISLOM, SPORT VA SALOMATLIK

Maqolada badiiy gimnastikaning nafis, nazokatli rang-barang harakatlari hamda shug’ullanuvchidan san’atkorona mahorat talab etishi uni boshqa sport turlaridan ajratib turishi haqida fikr bayon etilgan.

Tayanch tushunchalar: *gimnastika, nafis harakat, sport, sog’lik, arqon, halqa, koptok.*

В статье излагаются размышления о тонкости и изящности движений в художественной гимнастике, требующее искусное мастерство от занимающихся, отделяющихся от других видов спорта.

Опорные понятия: *гимнастика, тонкое движение, спорт, здоровье, канат, кольцо, мяч.*

In article the reflections about a subtlety and elegance of movements of art gymnastics and demanding skillful skill from engaged, separating from other sports are stated.

Supporting concepts: *concepts: gymnastics, thin movement, sport, health, rope, ring, ball.*

Badiiy gimnastikaning nafis, nazokatli rang-barang harakatlari hamda shug’ullanuvchidan san’atkorona mahorat talab etishi uni boshqa sport turlaridan ajratib turadi. Ushbu sport turi bilan shug‘ullangan qizlarning qaddi-qomati kelishgan o‘zlari esa go`zal, sog‘lom, tetik va kayfiyati doim ko‘tarinki, asosiysi sabrli bo‘ladilar. Shu o‘rinda, gimnastika mashqlari boshqa sport turlaridan farqli ravishda musiqa jo‘rligida, raqs harakatlari uyg‘unligida, arqon, halqa, tasma, cho‘qmorlar hamda koptok yordamida bajarilishini alohida ta’kidlash joiz.

Gilamda nafis harakatlar bilan o‘z mahoratini namoyish etayotgan sportchi, bir asar ichida yashaydi. U bu asarni gilamda ijro eta turib, musiqa nolasi bilan birga harakatlarini uyg’unlashtiradi. Elementlardan foydalanib, harakatlari bilan so‘zlaydi. Sport ixlosmandlariga ijrosi orqali qandaydir ma’nolarni anglatmoqchi bo‘ladi. Bu ajoyib, ammo tanani o‘ziga bo‘ysundirib, uni tebranish, burilish sakrash, siltanish, havoda muallaq qush kabi qisqa muddat parvoz etib so‘ng yerga chiroyli qo`nish va shunga o‘xshash harakatlarni xatosiz bajarish katta mahorat va mehnatni talab etadi.

Ilgarilari sport maktabiga qizaloqlarini badiiy gimnastika sport turiga qo‘yishni istagan ota-onalarning aksariyati shunday savol berishardi.

Agar gimnastika bilan qizim shug‘ullansa sog‘ligiga salbiy ta’sir etmaydimi...?, o‘zbekchilik, hali kichkina, hozir shug‘ullansin keyin, olib boshqa sport turiga yoki hunar o‘rganishga beraman, nima deysiz ...? Bu savollarga faqat tibbiy nuqtayi nazaridan kelib chiqib javob berish mumkin. Yana bir yechim dinimizdadir.

Xo‘sh, Islom dini sportga qanday ta’rif beradi? Hammaga ma’lumki, sport insonni birinchi navbatda sog‘lom, ruhan tetik, irodali va dovyurak etib tarbiyalaydi. Shuningdek, u insonni chidamlilik, shukronalik, kamtarlik va bardoshlilik kabi fazilatlariga ega bo‘lishiga ham yordam beradi.

Dunyoda sport bilan shug‘ullanishga eng ko‘p targ‘ib qilgan din Islom dinidir. Islomda “Sport” deganda yuqorida aytib o‘tilganidek, insoniyatning baxt-saodatiga yetishishi uchun ko‘mak beruvchi, uni har tomonlama sog‘lom qiluvchi jismoniy va ruhiy harakatlar tushuniladi. Aksincha, inson hayotiga, uning ruhiy va jismoniy sog‘ligiga real xavf tug‘dirguvchi nomaqbul harkatlarga esa “sport” deyilmaydi. Insoniyat XXI asrga qadam qo‘yar ekan, bu dunyoda inson va uning manfaatlari ustunligi, shuningdek, qilinayotgan barcha islohot va o`zgarishlar – insoniyat hayotining yaxshi pog‘onalarga ko‘tarilishi uchundir. Islomda inson muborak va mukarram sanaladi. Shuning uchun unga nisbatan qilinishi mumkin bo‘lgan barcha

yovuzlik qoralanib, unga xizmat etuvchi va uni saodatga erishtirguvchi amallar ijobiy deb belgilangan. Jismga sog‘lik va foyda bermaydigan barcha amallar, taomlar, sog‘lom bo‘lmagan o`y-xayollar, odat va unsurlar umuman hamma-hammasiga vaqtni bekor sarflashga qaragandek qarash va har bir lahzaning qadriga yetish muhimligi uqtiriladi.

Payg‘ambarimiz Muhammad sollallohu alayhi vasallamning ot minib chavandozlik musobaqalarini o‘tkazib turganliklari hammmaga ma’lum.

“Yurgan – daryo, o`tirgan – bo‘yra” degan naql bejizga aytilgan emas. Inson hayotining sport bilan chambarchans bog‘liq ekanini idrok etishni odam o‘z organizmiga qarasin. Bir lahza ham to`xtamay harakat qilayotgan yuragiga, tinimsiz aylanib turgan tomirlaridagi qonga, tinmay o‘ylanishda va fikrlashda davom etayotgan aqliga qo‘l , oyoq, til va oshqozon harakatlarini gapirmasa ham bo‘ladi. Modomiki, inson tirik ekan u harakatda.

Hazrat Payg‘ambarimiz Muhammad sollallohu alayhi vasallam ishyoqmaslik, dangasalik va battollik kabi jismoniy va ruhiy harakatlarni susaytiruvchi illatlardan doim panoh tilaganlar.

Islomda barvaqt uxlash va tong otmay turish doim toza yuvingan holatda yurish joiz deyilgan. Alloh taolo har kuni besh vaqt namozni farz qilgan. Bir kunda qilinishi farz bo‘lgan ruku’lar 17 marta, vojib namozlari esa 12 tadir. Kunlik ruku’lar soni 32 ta. Har kuni belini 32 marta bukkan, uni harakatlantirgan odamning belida tuz yig‘ilmasligi mutaxassislar xulosasidir. Shu bois, namozxonlar besh vaqt badantarbiya qilgan hisoblanadilar. Shariatimiz nuqtayi nazari bilan aytganda, namoz o‘qish badantarbiya va gigiyenaning eng foydalisi hisoblanadi.

Sport bu shifoxona, jarrohlar, dori-darmonsiz bo‘lgan sog‘lom hayot deganidir. Sport bilan shug’ullangan ayol jismonan chiniqish bilan birga ruhan yuksaladi. Qizlarimizning sport bilan shug‘ullanishi ularning nafaqat sog‘ligi, ayni paytda qomatining to‘g‘ri shakllanishi, go‘zalligi, yurish-turishda ham muhim ahamiyat kasb etadi. Shuningdek, ularning mana shunday sog‘lom bo‘lib ulg‘ayishlari, sabrli bo‘lishlari ertaga dunyoga keladigan farzandlarining ham sog‘ligini kafolatlaydi.

Ibn Sino sog‘liqni saqlashning eng ustuvor yo‘li sifatida badantarbiya mashqlarini alohida qayd etgan. Barcha mo‘min va mo‘minalarning qiyomatgacha onasi Hazrat Oysha roziyallohu anhu yugurish sporti – poygada ham mohir edilar. Hatto bir marta Rasullullohdan poygada o‘zib ketganlari hadisi shariflarda mashhurdir.

Tarixdan ma’lumki, Islom ta’limotlariga to‘g‘ri amal qilingan davrlarda musulmonlar orasida boshqa sohalar qatori sport sohasida ham ko‘plab yutuqlar qo‘lga kirtilgan. Misol: Amir Temur davrida sportga shu darajada e’tibor berilganki, natijada sog‘lom ota-onalardan sog‘lom farzandlar silsilasi kengayib, dorixonalar savdosi keskin inqirozga uchragan.

“Sog‘lik sog‘lom odamlarning boshlaridagi shunday tojki, uni faqat xastalargina ko‘rur” – deyiladi Hakim ulamolar hikmatlarida.

Darhaqiqat, salomatlik ulug‘ ne’mat. Sog‘lom insonlargina chinakkam tojdor, baxtiyor insonlardir. Shu bois, har bir inson sog’lik uchun sport bilan shug‘ullanishi lozim. Ota-onalarga ham tavsiya shu–bolangizni sportga berishdan cho‘chimang, axir ular bizning kelajagimiz.

Adabiyotlar

1. Pozilov N. Islom va sport. –Toshkent: G.Gulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2016.
2. “Bolalar sporti” gazetasi. 5(35)-son. 31.01.2017-yil.



Зулфизар ЮСУПОВА
Бухоро давлат университети
жисмоний тарбия назарияси ва усулиёти
кафедраси ўқитувчиси

ОНА ВА БОЛА СОҒЛИГИНИ МУКАММАЛЛАШТИРИШДА АЙЛАНМА ҲАРАКАТ МАШҚЛАРИНИНГ ЎРНИ

Мақолада она ва бола соғлигини мукаммаллаштиришда айланма ҳаракат машқларидан мунтазам фойдаланиш устуворлиги тадқиқот натижалари асосида очиб берилган. Жумладан, бундай машқлар мувозанат сақлаш турғунлигини ошириб, соғлиқ захирасини кенгайиши ва ҳаракат аниқлигининг мукаммаллашишига олиб келиши муқаррар эканлиги қайд этилган.

Таянч тушунчалар*: она ва бола, соғлик, мувозанат сақлаш, айланма ҳаракат машқлари, вестибуляр анализатори, матабгача тарбия муассасаси.*

В статье на основании результатов исследования раскрывается приоритетная роль использования вращательных упражнений в оздоровлении матери и ребенка. В частности, приведены данные о том, что подобные упражнения, усиливая устойчивость сохранения равновесия тела, способны развивать резервы здоровья и стабилизировать точность движений.

Опорные понятия: *мать и ребенок, здоровье, сохранение равновесия, вращательные упражнения, вестибулярный анализатор, дошкольное образовательное учреждение.*

In article on the basis of results of research the priority role of use of rotary exercises in improvement of mother and child reveals. In particular, data that similar exercises increasing stability of preservation of balance of a body are provided are capable to develop reserves of health and to stabilize the accuracy of movements.

Supporting concepts: *mother and child, health, balance preservation, rotary exercises, vestibular analyzer, preschool educational institution.*

Она! – сўзи шунчалик улуғ, шунчалик жарангдор, шунчалик чуқур, кенг қамровли, сермаъноли, ниҳоятда эъзозланувчи, қадрланувчи, тилимиз, қалбимиз ва амалимизга сингиб кетган тушунчаки, халқимиз уни “Она тупроқ”, “Она юрт”, “Она ватан”, “Она тили” тимсолида акс эттиради. Лекин “Соғлом она – соғлом бола” тушунчалари бундан-да жарангдор, янада чуқур моҳиятли ва шу билан бирга ўта масъулиятли маънони англатади. Шубҳа йўққи, соғлом оналик ва соғлом болалик ўз-ўзидан юзага келмайди. Соғликни сотиб олиб бўлмайди, уни дори-дармонлар билан мустаҳкамлашнинг иложи йўқ. Буюк олим, тиббиёт султони Абу Али ибн Сино таъбири билан айтганда, соғлик – бу ҳаракат маҳсулидир. Айримлар: “Агар эрталаб уйғонганингда ёки муайян вақтда ҳеч қаерингда оғриқ сезмасанг – демак, сен соғ-саломатсан”, – деган фикрга боришади. Аммо сиҳат-саломатлик фақат бирор фаолиятда, турли ҳаракатларда ўз қимматини ошкор қилади. Соғлик – бу барча қийинчиликлар, турли руҳий ва жисмоний юкламаларга бардош бериш, уларни енгиш, ҳар бир инсон, оила, жамият ва эл-юртни бахтиёр қилиш ҳамда юксак чўққиларга олиб чиқишга қодир олий неъматдир. Ана шунинг учун ҳам Биринчи Президентимиз И.А. Каримов истиқлолга эришган кунимиздан бошлаб ўзининг барча чиқишларида, фармон ва қарорларида ушбу мавзуга урғу бериб келмоқда. Қатор йиллар “Соғлом авлод”, “Соғлом аёл”, “Соғлом бола” ва умуман миллатимиз – халқимиз соғлигию, унинг фаровонлигига бағишланган бўлиб, мазкур йўналишлар бўйича давлат дастурлари қабул қилиниб, амалга жорий этиб келинган. Яна 2016 йил ҳам Биринчи Президентимиз томонидан “Соғлом она ва соғлом бола йили” деб эълон қилиниб, уни амалга оширишга қаратилган давлат дастури ва унга қайд этилган чора-тадбирлар хизмат қила бошлади. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, Биринчи Президентимиз И.А. Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида: “Соғлом бола соғлом ва аҳил оиланинг меваси, фақатгина соғлом онадан соғлом бола туғилади” ҳамда “Она ва бола соғлом бўлса, оила бахтли бўлса, жамият мустаҳкам бўлади”, – деган мезонларини уқтириб ўтган [1].

Маълумки, сиҳат-саломатликни шакллантириш, уни мустаҳкамлаш туғилишдан бошлаб оила, боғча, таълим муассасалари, спорт мактаблари ва бошқа шу каби масканларда илмий асосланган дастурлар, махсус қўлланмалар ёрдамида амалга оширилади. Бу борада, айниқса, республикамизнинг етакчи мутахассис-олимлари муаллифлигида нашрдан чиқарилган ва амалда фойдаланилаётган "Болажон" таянч дастури [2] нафақат мактабгача таълим муассасалари ходимлари, балки ота-оналар учун ҳам алоҳида амалий аҳамиятга лойиқ. Ушбу дастурда болажонлар таълим-тарбиясига доир барча бўлимлар (эстетика, экология, санъат ва ҳ.к.) каби жисмоний тарбия, болалар саломатлиги, руҳий ва жисмоний имкониятларни шакллантириш масалалари атрофлича ёритилган бўлса-да, болаларда эрта ёшликдан бошлаб айланма ҳаракатлар таъсирида мувозанат сақлаш ва ҳаракат аниқлигини барқарорлаштириш мавзулари деярли очиб берилмаган. Ваҳоланки, болаларни "оёққа турган" кунидан бошлаб, уларда мувозанат сақлаш функциясини ривожлантириш асосида турли мақсадга қаратилган ҳаракат аниқлигини мукаммаллаштириш ўта муҳим аҳамият касб этади. Бу жараённи амалга оширишда нафақат боғча тарбиячиси, балки онанинг ҳам саломатлиги, билими, ибрати ва шижоати катта аҳамиятга эга. Чунки мустаҳкам соғлик эгаси, унга эришиш сирларини билувчи шахсгина соғлом болани тарбиялай олиши мумкин. Гап шундаки, бола, ҳатто катта ёшли одам (спортчи) ҳам ички (эндоген) ва ташқи (экзоген) омиллар таъсири бўлмаганда, ҳаракатни аниқ бажаради ва аксинча, бундай омиллар таъсири мавжуд бўлса, ҳаракат аниқлиги кескин тушиб кетади. Ҳаракат аниқлигига ўта кескин таъсир этувчи омиллардан бири – бу айланма ҳаракат тезланишидир [3,4,5]. Тезкор айланма ҳаракатлар (бош ва танани айланма ҳаракатлантириш) биринчи навбатда вестибуляр рецепторларга таъсир этиб, мувозанат сақлашни издан чиқаради, натижада ҳаракат координацияси ва аниқлиги йуқолади. Олимларнинг фикрига қараганда, ҳаракат аниқлигини шакллантириш айланма ҳаракат машқлари таъсирида ташкил қилинса, нафақат барча ҳаракатлар аниқлиги мукаммаллашади, балки вестибуляр, ҳаракат, қуриш ва эшитиш анализаторларининг фаолияти ўзаро интеграллашиб, жисмоний ва руҳий саломатлик заҳираси юзага келар экан.

Мазкур фикрнинг моҳияти шундаки, кўпчилик аёлларимиз, айрим болалар ва катта ёшли эркаклар ҳам турли транспорт воситалари (автомобиль, поезд, самолёт, кема, лифт ва х.к)да тезланишлар, силкиниш, тебраниш, айниқса, бурилиш, айланиш ва кескин тўхташ вазиятларига бардош беролмай, кўнгил айниши, бош айланиши, кўриш ўткирлигининг йўқолиши ва мувозанатни издан чиқишига дучор бўлишади. Ҳар хил ҳолат ва йўналишларда айланма тезланиш ҳаракатлари билан боғлик машқлардан мунтазам фойдаланиш барча анализатор функциясини шаклантириб, уларни юқорида қайд этилган "қўзғатувчи" омиллар таъсирига нисбатан турғун фаолият кўрсатишига имкон яратилади. Бундай машқларга қуйидагиларни мисол тариқасида киритиш мумкин: фақат бошни; танани ўнг ва чап томонларга айлантириш, бошни ўнг ва чап томонларга буриш, юқорига ва пастга кўтариб-тушириш, олдинга ва орқага "умбалоқ ошиш" (қувроқ), айланма йуналишда юриш-югуриш, горизонтал, вертикал ва диагонал йуналишларда ҳаракатланувчи каруселларда учиш ва ҳ.к.

Биз ана шу муаммони боғча ёшига мансуб болалар мисолида ўрганиш учун дастлабки моделлаштирилган изланиш тадқиқотини ўтқазишга қарор қилдик. Тадқиқот давомида тананинг мувозанат сақлаш функциясини бошқарувчи марказ-вестибуляр анализаторининг функционал имконияти қуйидаги тест машқлари ёрдамида баҳоланди:

1. Оёқлар учида тик туриб, кўз юмилган холатда, қўлларни қорнига кўтариб мувозанат сақлаш вақтини аниқлаш.
2. Тик турган ҳолда кўзни юмиб, бошни чап томонга амплитудада тезкор айланма ҳаракатлантириш таъсирида мувозанат сақлаш вақтини аниқлаш.
3. 2-тестдан олдин ва тест тугаган заҳоти гандбол тўпини 6 м оралиқда полга горизонтал жойлаштирилган саватга (диаметри 1 м) пастдан бир қўл билан 5 мартадан аниқ ташлаш.

Тадқиқотга 4,5 ва 6 ёшли ўғил (3 тадан) ва қиз (3 тадан) болалар жалб қилинди. Ўтказилган тадқиқот натижалари 1-ва 2- жадвалларда келтирилган.

1-жадвал

Мактабгача тарбия ёшдаги болаларида танани турли ҳолатларда мувозанат сақлаш қобилиятини ифодоловчи ўртача кўрсаткичлар (Х)

№	Тест машқлари	4 ёшли		5 ёшли		6 ёшли	
		Ў	Қ	Ў	Қ	Ў	Қ
1	Оёқлар учида туриб, кўз юмилган ҳолатда қўлларини	3,8	2,4	4,5	3,2	5,7	4,4

	юқорига кўтариб, мувозанат сақлаш (сек)						
2	Тик турган ҳолатда кўзни юмиб, бошни чап томонга кенг амплитудада тезкор айланма ҳаракатлантириш таъсирида мувозанат сақлаш (сек).	2,1	1,4	3,2	2,6	4,8	3,9

1-жадвалдан кўриниб турибдики, оёқлар учида туриб, кўз юмилган ҳолатда қўлларни юқорига кўтариб, мувозанат сақлаш вақти ўта кичик кўрсаткичлар билан қайд этилди.

Чунончи, 4 ёши ўғил болаларда ушбу кўрсаткич ўртача 3,8 сек.ни, 5 ёшли болаларда 4,5 сек.ни ва 6 ёшли болаларда 5,7 сек.ни ташкил этган бўлса, шу ёшларга мансуб қиз болаларда бу кўрсаткичларга мувофиқ равишда 2,4; 3,2 ва 4,4 сек. билан ифодаланди. Таъкидлаш жоизки, оёқлар учида туриб, кўз назорати бартараф этилган ҳолатда қўлларни юқорига кўтариб, тана мувозанатини сақлаш қобилиятини ўғил болаларда ҳам, қиз болаларда ҳам жуда паст даражада намойиш этилади. Ушбу қобилиятнинг йилдан-йилга ўсиш суръати ҳам суст кўрсаткичлар билан намойиш этилди. Тик турган ҳолатда кўзни юмиб, бошни чап томонга катта амплитудада тезкор айланма ҳаракатлантириш таъсирида тана мувозанатини сақлаш кўрсаткичлари аввалги тест натижаларига нисбатан янада суст даражада қайд этилди.

Мазкур ҳолат тадқиқотда иштирок этган боғча болаларида тананинг мувозанат сақлаш қобилиятини айланма тезланиш ҳаракатлари таъсирига бардош бера олмаганлигидан, бинобарин ушбу қобилият етарли шаклланмаганлигидан дарак беради.

Тадқиқотнинг иккинчи қисмида нисбатан тинч ҳолатда (айланма тезланиш ҳаракатлари таъсири бўлмаганда) ҳаракат аниқлигининг даражаси ва уни айланма тезланиш ҳаракатлари таъсирида ўзгариш динамикаси ўрганилди (2-жадвал).

2-жадвал

Мактабгача тарбия ёшдаги болаларида 2-тестни бажаришдан олдин ва кейин гандбол тўпини саватга ташлаш аниқлиги (5 имкониятдан)

№	Тўпни саватга ташлаш шарти ва аниқлиги	4 ёшли		5 ёшли		6 ёшли	
		Ў	Қ	Ў	Қ	Ў	Қ
1	Тестни бажаришдан олдин (марта)	2,2	2,0	2,8	2,5	3,4	3,1
2	Тестни бажарган заҳоти (марта)	0,6	0,3	0,7	0,5	0,9	0,7

Ушбу тадқиқот натижаларидан кўриниб турибдики, ҳаракат аниқлигининг модели сифатида ўрганилган гандбол тўпини 6 м ораликда жойлаштирилган саватга 6 имкониятдан аниқ ташлаш сони бошни айлантириб, мувозонатни сақлаш тестидан аввал ўғил ва қиз болаларда ёшга қараб, 2,0 – 3,4 марта оралиғида қайд этилди. Шу билан бир қаторда, тўпни саватга ташлаш аниқлиги бошни айлантириш таъсирида (шу тест тугаган заҳоти) ўғил болаларда ҳам, қиз болаларда ҳам кескин тушиб кетганлиги кузатилди. Демак, тадқиқот иштирокчилари – мактабгача таълим муассасалари болаларида қайд этилган кўрсаткичлар, биринчидан, мувозанат сақлаш функциясини бошқарувчи марказ вестибуляр анализаторини суст шаклланганлигидан дарак берса, иккинчидан, бундай ҳолат ҳаракат аниқлигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин эканлигини тасдиқлайди.

Мазкур мақолада қайд этилган мутахассис – олимларнинг фикр-мулоҳазалари ва ўтказилган дастлабки тадқиқот натижаларига асосланган ҳолда хулоса қилиш мумкинки, тананинг мувозанат сақлаш функциясини бошқарувчи марказ – вестибуляр анализаторининг функционал имкониятини шакллантириш ва шу орқали ҳаракат аниқлигини мукаммаллаштириш учун юқорида келтирилган айланма харакат машқларидан мунтазам фойдаланиш айни муддао бўлади. Албатта, оналар ва болалар мактабгача тарбия ёшдаги тарбиячиларининг ёши, жисмоний ва психофункционал имкониятларига қараб бундай машқларни меъёрлаштирилган ҳамда табақалаштирилган ҳолда тавсия этиш учун мувофиқ объектлар устида чуқурлаштирилган тадқиқотлар ўтказиш талаб этилади ва ушбу муаммони ҳал этиш ўта долзарб аҳамиятга лойиқдир.

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. // “Халқ сўзи” газетаси, 2015 йил 6 декабрь. 236-сон.

2. Болажон таянч дастури. Тузувчилар: Миржалилова С.С., Расулова М.Ш., Шарипова Д.Д. – Т., 2001.– 133-б.

3. Пулатов Ш.А. Эффективность совершенствования точности ударов у юных теннисистов с использованием специализированных и неспециализированных упражнений. Автореф. дисс… канд. пед.наук. – Т., 2009. 23-с.

4. Разсолов Н.А. Руководство по авиационной медицине. – М.: Эконинформ, 2006. – 592 с.

5. Яроцкий А.И., Ливицкий А.Н. Проприоцептивная и вестибулярная афферентация как доминирующие звенья эмоционального системогенеза в регуляции пространственной эволюциичеловека. В кн. Эмоции человека и современность. – Т., 1991. – с. 221-231.



Абдулло ИНОЯТОВ
Бухоро давлат университети жисмоний тарбия назарияси ва услубиёти кафедраси таянч докторанти

САЛОМАТЛИК ЖАМҒАРМАСИНИНГ АҲАМИЯТИ ҲАМДА ФИЗИОЛОГИК КЕКСАЙИШ БИЛАН БОҒЛИҚ ИЖТИМОИЙ МУАММОЛАР

Мақолада катта ёшдаги аҳоли саломатлиги ҳамда фаоллиги билан боғлиқ ижтимоий муаммолар, ечимлар таҳлил этилган.

Таянч тушунчалар: *физиологик кексайиш, саломатлик жамғармаси, соғлом кексайиш омиллари, ижтимоий шериклик, маънавий идеал.*

В статье проанализированы социальные проблемы, связанные со здоровьем и активностью старшего поколения и пути их решения.

Опорные понятия: *физиологическое старение, здравохранение, факторы здорового старения, социальное обслуживание, нравственный идеал.*

The paper analyzes the social problems associated with the health and activity of the older generation and their solutions.

Supporting concepts: *senescence, health preservation, health factors of aging, social services, the moral ideal.*

Ўзбекистонда “Кексаларни эъзозлаш йили” орқали эришиладиган энг катта натижалардан бири жамиятнинг маънавий идеалини белгилаш билан боғлиқ. Кексаларга муносабат жамиятимизнинг маънавий идеалини белгилашдаги асосий қадам ҳисобланади. Маънавий идеалимиз ҳисобланган кексалар ижтимоий ривожланишнинг ҳозирги босқичида мамлакат ижтимоий барқарорлигини, миллатлараро тотувликни, ўзаро ҳамкорликни таъминловчи, ўсиб келаётган авлодга руҳий қувват берувчи, ўзига эргаштирувчи, бирлаштирувчи, ягона мақсад – Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон турмуш барпо этишга йўналтирувчи қудратли кучга айланади ва шундай бўлиб қолади (Абдуҳалил Маврулов).

Саломатлик жамғармаси – бу инсонлар фаоллигининг бир кўриниши бўлиб саломатликни сақлаб қолиш ва яхшилаш ҳамда инсон ҳаётий фаолиятининг барча босқичлари бирлиги ва мувофиқлашуви акс этади. Саломатлик жамғармаси махсус ибораси ишлатилганда унинг кўп қиррали мазмуни этиборга олинади:

1. Инсон ҳаётини яхшилаш ва сақлаб қолишга йўналтирилган фаолият, (рекреакция, даволаниш, қайта тиклаш, соғломлаштиришга йўналтирилган маиший шарт-шароит).
2. Мустаҳкам оилани барпо этишга йўналтирилган фаолият.
3. Меҳнат фаолияти, касбий фаоллик.
4. Ижтимоий-маданий фаолият (жамоавий фаоллик).
5. Маънавий ахлоқий фаоллик.

Саломатлик жамғармаси, мазмунан қуйидагилардан таркиб топган:

1. Кейинги авлод саломатлигига салмоқли таъсир кўрсатишга қодир, оилани режалаштириш маданияти.
2. Айнан гигиеник ва жисмоний маданият, жисмоний тарбия ва спорт.
3. Ижтимоий муҳитнинг салбий экстремал омилларидан ҳимояланиш, психологик маданият.
4. Шахсий манфаат устунлигини инкор этган ҳолда ижобий хислатларни шакллантириш, шахсни ижтимоий ривожланишга йўналтирилган маънавият.
5. Болалик ва ёшлик давридан бошлаб соғлом турмуш тарзини тарбиялаш маданияти.
6. Шахснинг маънавий бойлиги сифатида, соғлом турмуш тарзи маданиятини тарбиялашга қаратилган индивидуал маданият. Индивидуал маданият, умумий ва мустақил таълим жараёнида шаклланади ҳамда соғлом турмуш тарзи, соғломлаштириш дастурлари бўйича таълим тизимини замонавий андазаларга мувофиқ ривожлантириш йўналишини белгилайди.

7. Саломатлик маданиятининг ижтимоийлашуви мезони сифатида аҳолининг саломатлик даражаси муҳим вазифа деб қабул қилинади. Ҳар бир жамият аъзосининг мазмунли умр кўриш мезони сифатида жамоавий хавфсизлик ва хотиржамликка йўналтирилган давлат ижтимоий сиёсати самарадорлиги билан таъминланади.

Саломатлик жамғармаси – касалликлар профилактикасининг асосидир. Текширув маълумотларига асосан, турмуш тарзи қатъий белгиланган инсонлар, эҳтимоли мавжуд бўлган барча касалликларнинг олдини олиши мумкин. Шахс даражасида эса бу – саломатликни муҳофазалаш, инсон саломатлигини мустаҳкамлаш ва сақлаб қолишнинг онгли танловидир. Танлов қила билиш эса саломатлик жамғармаси талаблари доирасида ўзлаштира олинган билим, ҳаётий бош мақсад, муайян мажмуавий хулқ-атворни ўзида мужассам этган инсон маданиятининг даражаси билан белгиланади [3].

Биринчи навбатда, бу:

1. Гендер, ёш ва физиологик хусусиятлардан келиб чиқиб, оптимал ҳаракат режимига риоя қилиш.
2. Баланслашган, мунтазам ҳамда рационал овқатланиш.
3. Ўзининг хатти-ҳаракатларига салбий таъсир кўрсатувчи – кашандалик, спиртли ичимлик, психоактив моддаларни қабул қилишдан воз кечиш.
4. Жамоавий ва шахсий гигиена қоидаларига риоя қилиш.
5. Психопрофилактика ва психогигиена қоидаларига риоя қилиш.
6. Саломатлик ҳолати устидан ўзини-ўзи назорат малакаларини эгаллаш.
7. Соғлом сексуал муносабатни шакллантириш.

Айрим давлатларда аҳоли қатламлари ёшининг юқорига қараб ўзгариши (кексайишга қараб), – ушбу жамиятга хусусий таъсири мавжуд. Шунинг учун мазкур жамият – маданият, тиббиёт, иқтисодиёт, административ ва юридик соҳаларда ортга суриб бўлмайдиган мажмуавий дастурларни қабул қилиши керак [4,5].

Саломатлик бу тиббий, биологик, ижтимоий-иқтисодий ва демографик омилларнинг ўзаро мувофиқланиши натижасидир. Аҳоли саломатлиги, моддий таъминлаш, соғлиқни сақлаш тизимининг ривожланиши, ирсий омиллар, меҳнат шароити, турмуш шароити, овқатланиш, турмуш шароити ва бошқа омиллар билан белгиланади. Соғлом (физиологик) кексайиш бу – организмда содир бўладиган инвалютив ёш хусусиятларининг табиий ўзгаришидаги оғишларни (касалликларни) келтириб чиқарадиган, вақтдан олдин ўлимга олиб келадиган муҳитнинг салбий таъсирларини камайтириш ёки йўқотишга қаратилган инсоний шарт-шароитини ҳосил қилишдан иборат [4,6]. Қачонки, инсон ижтимоий иқтисодий, ва психологик имкониятлари анчагина пасайган, турли тоифадаги салбий омилларга қарши ички ва ташқи механизмларнинг заифланиши каби кексалик ёшида соғлом кексайиш омиллари муҳим аҳамият касб этади. Табиий кексайиш жараёни жиддий негативлиги аниқланган, салбий интеграл омиллардан умргузаронлик сифатининг пасайиши бўлиб, тиббий, ижтимоий таъминот, хаётидан, тақдиридан, қониқиш ҳисси, жисмоний, психологик ва маънавий саломатликни ўзида мужассам этган мажмуавий кўрсаткичлар кўринишида намоён бўлади.

Соғлом кексайиш эҳтимоли, ёши улуғ инсонларнинг ҳуқуқий мақоми билан кўп жиҳатлари билан боғлиқ бўлиб, катта ёшдаги аҳоли қатламига тааллуқли ҳуқуқий контекст – биринчи томондан, давлат ва жамият мажбуриятлари эса иккинчи томондан ҳавола этилади. Соғлом кексайишни таъминлашга қаратилган қонуний ҳуқуқларнинг мустаҳкамланиши учун ёши улуғ инсонларнинг комплекс ҳимоялаш, давлат сиёсатининг устувор йўналишлари қаторида ўрин тутмоғи лозим.

Соғлом кексайишни инсон саломатлиги потенциали билан боғлиқ бўлиб ҳомиладорлик (внутриутроб) давридан бошлаб, болалик ва ўсмирлик давригача ривожланиб шаклланади. Баъзи давлатларда мавжуд бўлган ёшлар саломатлигининг потенциали, кенг аҳоли қатламларининг соғлом кексайиш потенциалини прогнозлаштириш имкони бўлмайди. Айрим давлатларда болалар ва ёшларнинг саломатлик даражаси кескин пасаймоқда. Хусусан, ҳомила ва болалар соғломлаштириш имкониятидан маҳрум қилувчи, вақтдан олдин патологик кексайишни вужудга келтирувчи тизимли-деструктив салбий бош омил бўлиб ҳисобланади. Натижада, аҳоли қатламининг навбатдаги кексайиш гуруҳларида ундан-да заиф саломатлик даражасини намоён қилиши мумкин [4].

Баланслашмаган ва меъёрий овқатланиш имкониятларининг чегараланганлиги, соғлом кексайиш олдида турган тўсиқлардан биридир. Қоидага кўра ёмон овқатланиш, касалликлар, етишмовчилик, сунъий чегараланишлар овқат қабул қилиш ва салбий одатларнинг нотекис тақсимланиши ҳолатлари кейинчалик саломатликнинг ёмонлашувига олиб келади [6].

Кексалик ёшидаги инсонлар билан боғлиқ муаммолар ечими сифатида уларнинг истеъмолчилик ҳуқуқларини ҳимоялашдир. Аҳоли қатламининг таъсирчанлик хусусиятларини ўрганиш, ижтимоий чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш орқали давлат бошқарув органлари қуйидагиларга эътибор қаратиши муҳим:

- табобат воситаларини қўллашдаги хавфсизлик. Хавфли асоратлари эҳтимоли бўлган препаратлар тўғрисидаги маълумотлар билан истеъмолчиларни хабардор қилишни ишлаб чиқарувчилардан талаб этиш;
- ўзига-ўзи хизмат кўрсата олиш имкониятидаги ёши улуғ, кекса инсонлар жисмоний ва ижтимоий фаоллигини таъминлашга қаратилган воситалардан дори-дармон, эшитиш аппаратлари, протез, кўзойнак, ва бошқа турдаги маҳсулотлар таъминоти;
- моддий манфаатдорликдан холи бўлган барча реклама ва бошқа тарғибот методларни чеклаш орқали кекса ёшдаги истеъмолчилар учун барча ахборот каналларидан фойдаланган ҳолда маънавий-маърифий мавзулар бўйича дастурларни жорий этиш.

Ташқи муҳит ва турар жой шароитларининг мавжуд аҳволи соғлом кексайишни таъминлайдиган муҳим омил саналади. Аслида, кексалар учун турар жой муҳим аҳамиятга эга. Халқ орасида шундай ибора бор, *“Ўз уйим – ўлан тўшагим”*. Албатта турур жой билан боғлиқ барча шарт-шароитлар ёшларнинг ҳам ҳаёт тарзи сифатига салмоқли таъсири мавжуд, лекин кекса ёшдаги инсонларнинг барча ҳаётий жараёнларининг маркази бўлиши сабабли яшаш жойининг аҳамияти муҳимроқ десак муболаға бўлмайди.

Кекса ёшдаги инсонлар доимий ҳурмат эътибор ва имтиёзлардан анъанавий фойдаланиб келганлар. Лекин баъзи давлатларда бундай одатларга эътибор берилмаяпти ва бузиляпти. Ёшларнинг кексаларга нисбатан эътиборсизлиги, номуносиб муомаласи каби маънавий мезонларнинг жиддий бузилиши, ижтимоий айбловга сабаб бўладиган ахлоқсизлик ва шунга ўхшаш салбий тенденцияларни буткул йўқотиш мақсадида соғлом жамият муҳитини қайта тиклаш муҳим аҳамият касб этади [3].

Кекса ёшдаги инсонлар ўзлари учун одатий тартиб ва давраларда мазмунли ҳаёт кечиришлари ҳамда саломатлик ҳолати имкони даражасида жамиятнинг ижтимоий-маънавий ҳаётига ўзларининг беминнат ҳиссаларини қўша олишларига қаратилган имкониятларни давлат бошқарув органлари яратишлари лозим.

Оила жамият қурилмасининг муҳим таркиби сифатида, соғлом кексайишни таъминлашдаги роли энг аҳамиятлидир. Шунинг учун ҳаммага меҳрибонлик кўрсатиш, оила соғлом муҳитини мустаҳкамлаш ва ҳимоялашга қаратилган барча саъй-ҳаракатларни сафарбар қилиш керак. Шу мақсаддан келиб чиқиб, авлодлар ўртасидаги позитив муомала этикасини шакллантириш, оилавий соғлом муҳитни мустаҳкамлаш ва сақлаб қолиш мақсадида иқтисодий ва тарбиявий чора-тадбирлар муҳим аҳамиятга эга. Жамиятда, муҳим маданий оқартув, маърифат тарқатиш, маънавий ижтимоий функцияларни улуғ ёшга етган инсонлар бажарадилар. Айнан ижтимоий ҳаёт тажрибасига эга бўлган инсонлар, авлоддан-авлодга ўтувчи миллий қадриятлар анъаналар ва бошқа маълумотларни ўтказувчи ҳамда кўз қорачиғидай асраб қолувчилардир. Турмуш синовларида тобланган, катта ҳаётий тажрибага эга бўлган, теран ақлли, улуғ кишилар кўмаги ва маслаҳатига доим эҳтиёж сезилади. Ҳар қандай жамиятнинг ёши улуғ кишиларига иззат-ҳурмати, диққат-эътибори ва меҳрибонлиги, унинг маънавий савиясини белгилайди. Халқимизда “Кексаларга ҳурмат – ёшларга зийнат!” деган доно нақл бор [2].

Жамият тараққиёти ва ахлоқий зийнатини сақлаб қолишда, улуғ ёшдаги инсонлар билими, ҳаётий тажрибалари аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда, ёшларга мўлжалланган махсус дастурларни ишлаб чиқиш зарур бўлиб, бу доирада катта авлод вакиллари ёш авлодга маънавий қадриятлар билан ҳамоҳанг касбий, маданий ва тарихий билим тажрибаларни етказа оладилар.

Ижтимоий хизмат (шериклик) – жамиятда соғлом кексайиш таъминоти тизимининг муҳим таркибий қисмидир. Ижтимоий хизмат йўналишларини шакллантириши, унинг моддий ахборот коммуникацион таъминоти давлат идоралари, маҳаллий хокимиятлар ва нодавлат ташкилотлар ҳисобидан қурилади. Давлат ва нодавлат ташкилотлар фаолиятларининг мувофиқлаштириши, кексалар эҳтиёжини индивидуал таъминлашга имкон беради. Кексалар ҳаёти билан боғлиқ мавжуд бўлган муаммолар, жамият ҳаётида ўзининг кўп қирралиги билан ажралиб туриши сабабли, тўлақонли ҳаётнинг сифат томонларини яхшилашга қаратилган мажмуавий чораларни қабул қилиниши муҳим аҳамиятга эга.

Кексалар ҳаётининг сифатини яхшилашга қаратилган чораларнинг самарадорлигини объектив таҳлил қилишда, ҳар йили камида бир марта ўтказилиши лозим бўлган махсус мониторинг муҳим аҳамиятга эга. Бу масала юзасидан текшириш олиб бориб, қатъий хулоса чиқарувчи малакали мутахассислар, эҳтимоли бўлган салбий демографик оқибатларни аниқлаш, давлат бошқарув органлари томонидан қабул қилиниши, режалаштирилган ёки қабул қилинган қонун ва қарорлар ижроси, барча давлат иқтисодий ва ижтимоий дастурларнинг жорий этилиши, ҳаттоки, ташқи кредит ва инвестицияларнинг кекса ёшдаги инсонлар ҳаёти билан боғлиқ томонларини ўрганишга йўналтирилади.

Саломатлик жамғармаси барча авлод вакиллари учун долзарбдир. Чунки ҳар бир ривожланган давлатларда ва барча замонларда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш устувор вазифадир.

Адабиётлар

1. Маврулов А. Асрий қадриятнинг бугунги талқини. //Маърифат. 2015. №6. 8-9 бет.
2. Ҳамроев С. Кексаларга ҳурмат – ёшларга зийнат! //Бухоронома. 2015. №17, 3-бет.
3. Глоссарий социальной работы. Автор составитель Е. И. Холостова. Издательство торговая корпорация Дашков и К. 2006. – 220 с.
4. Копильевич Л. В. Здоровье и здоровый образ жизни (текст) Учебное пособие. Копильевич Л., В.И. Андреев. – Томск. Издательство Томского Политехнического Университета, 2008. – 102 с.
5. Назарова Е.Н. Здоровый образ жизни и его составляюшие. (текст) Учебное пособие для студентов ВУЗ. Назарова Е. Н., Жилов Ю.Д. Издательский центр Академия, 2007. – 256 с.
6. Холостова Е.И. Социальная работа (текст) Учебное пособие для бакалавров. Издательство торговая корпорация Дашков И.К, 2012. – 612 с.
7. Черносвитов Е. В. Социальная медицина для студентов. (текст) Учебное пособие ВУЗ. Черносвитов Е.В. Гуманитарное издательство центр, 2000. – 304 с.



Rahim SHUKUROV
Buxoro davlat universiteti jismoniy madaniyat
nazariyasi va uslubiyoti kafedrasi dotsenti

TURON YAKKAKURASHI BILAN SHUG‘ULLANUVCHI TALABA QIZLARNI MUSOBAQA OLDI PSIXOLOGIK TAYYORLASHNING AFZALLIKLARI

Maqolada kurash sporti bilan shug‘ullanuvchi talaba qizlarning musobaqa oldi psixologik jihatdan alohida tayyorgarlik ko‘rishi masalalari yoritilgan.

Tayanch tushunchalar: *turon yakkakurashi, jismoniy tarbiya, musabaqa, kurash maydoni, xotin-qizlar sporti.*

В статье освящаются вопросы предсоревновательной психологической подготовки девушек-студентов занимающийся курашом.

Опорные понятия: *единоборство туран, физическое воспитание, соревнование, площадка для кураша, женский спорт.*

In article questions of precompetitive psychological training of girls students engaged kurashy are consecrated.

Supporting concepts: *single combat Turan, physical training, a competition, the platform for a kurash, female sport.*

Bugungi kunda jismoniy tarbiya va sport sohasiga qaratilayotgan e’tibor, yaratilayotgan sharoitlar yosh avlodni har tomonlama sog‘lom, barkamol bo‘lib voyaga yetishida muhim ahamiyat kasb etmoqda. Yosh yigit-qizlar shijoati Vatanga bo‘lgan muhabbati uni sha’nini himoya qilish, mamlakat bayrog‘ini jahon arenalarida baland ko‘tarib g‘oliblik sari intilishi, chuqur his-tuyg‘u bilan ko‘zlaridagi yosh, o‘zbek xalqining kim ekanligi, ularning qonida o‘tmishda dunyoni zabt etgan harbiy sarkardalar, pahlavon, jasur, millat uchun milliy qadriyat uchun kurash maydonlarida hamisha sarbaland bo‘lgan zabardast bobokalonlarining izdoshlari ekanligini yakkakurashlarda sportchilarimizning qo‘lga kiritayotgan natijalari amaliy tasdig‘ini topmoqda.

Jismoniy tarbiya va sport millatning genofondini mustahkamlash, aholi o‘rtasida sog‘lom turmush tarzini shakllantirish, mamlakatlar o‘rtasidagi do‘stona aloqalarni mustahkamlash kabi oliy maqsadlarga xizmat qiluvchi vositadir. Bu borada hukumatimiz tomonidan chiqarilayotgan Qonun va qarorlar, Farmonlar jismoniy tarbiya va sport harakatini har tomonlama qo‘llab-quvvatlashda muhim ahamiyat kasb etmoqda. Binobarin, yigitlar qatori xotin-qizlarning ham kundan-kunga sport bilan oshno bo‘lishi, ular safining kengayib, ayniqsa, sportning milliy, ommaviy va olimpiya turlariga qiziqishlari ortib bormoqda. Bunga sabab mamlakatimizda xotin-qizlarga bo‘lgan e’tibor va ularning jismoniy tarbiya va sportga bo‘lgan qiziqishlarini oshirishda, keng ko‘lamli ishlar olib borilmoqda.

Maqsad xotin-qizlar sog‘ligini mustahkamlash, sog‘lom turmush muhitni shakllantirish, shuningdek, ular orasidan iqtidorlilarini tanlab olish bugungi kunda dolzarbdir. Azaldan xalqimizda xotin-qizlarga, ayolga bo‘lgan munosabat hamda jamiyatda tutgan o‘rniga chuqur hurmat va e’tibor bilan qaralgan. Xotin-qizlarni jismoniy tarbiya va sportga jalb qilish barobarida ular uchun qulay sharoitlar yaratish, iqtidorlilarni tanlab olib, sport musobaqalarida ishtirokini ta’minlash mutaxassislar oldida turgan asosiy vazifadir. 2017-yil 2-oktabrdagi O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Kurash” milliy sportini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to‘g‘risidagi qarori nafaqat Kurash sport turi “Belbog‘li” kurash, Turon, O‘zbek jang san’atlari kabi milliy sport turlarini yanada rivojlanishida dasturilamal bo‘lib xizmat qiladi.

Sportda yuqori natijalarga erishish uchun ma’naviy, mafkuraviy, irodaviy hamda jismoniy tayyorgarligi sport mashg‘ulotining muhim tarkibiy qismlaridan hisoblanadi. Texnik tayyorgarlik esa sportchi tomonidan yuqori sport natijalariga erishishni ta’minlovchi harakatlar tizimining egallaganlik darajasi bilan tavsiflanadi.

Kurashchining taktikasi musobaqalarda eng yaxshi natijaga erishish uchun yuzaga kelgan muayyan sharoitlarda texnik, jismoniy va irodaviy imkoniyatlardan maqsadga muvofiq holda foydalanishdir. Dar-

haqiqat, o‘quv, tarbiyaviy va amaliy faoliyatda kurashchilarni jismoniy mashqlarga, musobaqalarga ruhan tayyorlash, musobaqa bellashuvlarida g‘alaba qozonishida hamda yanada yaxshiroq rekord natija ko‘rsatishiga yo‘llash usullari turli-tumandir. Kurashchilarning musobaqalarda muvaffaqiyatga erishishida, birinchi o‘rinda, ularning ma’naviy, mafkuraviy, irodaviy, jismoniy, texnik, taktik tayyorgarligiga bog‘liq. Biroq shuni alohida ta’kidlash joizki, rejalashtirilgan bo‘lajak musobaqalarda psixologik jihatdan puxta tayyorgarlik ko‘rgan kurashchilarning g‘alaba qozonishi amaliyotda o‘z tasdig‘ini topgan. Murabbiy o‘z shogirdlarini musobaqalarga psixologik tayyorgarligini oshirishga qaratilgan tadbirlarni samarali tashkil etishi hamda doimiy e’tibor qaratishi maqsadga muvofiq bo‘ladi. Shuningdek, sportchilarni musobaqaga ruhan tayyorlashning nazariy va amaliy jihatdan chuqur bilimga ega bo‘lishi, oldiga qo‘yilgan maqsad vazifalarni hal etishida muhim ahamiyat kasb etadi.

N.A. Tastanov (2010) tomonidan taklif qilingan oldinda turgan musobaqalarga psixologik tayyorgarlik umumiy psixologik tayyorgarlik asosida tashkil qilinishini va u quyida ko‘rsatilgan 5 ta aniq vazifalarni hal etishga qaratilgan: ***birinchidan,*** kurashchilar oldida turgan musobaqalarni anglashi; ***ikkinchidan,*** oldinda turgan musobaqalar sharoitlari (o‘tkazish vaqti, joyi) xususiyatlarini o‘rganish; ***uchinchidan,*** raqibning kuchi va bo‘sh tomonlarini o‘rganish, ularni va o‘zining hozirgi paytdagi imkoniyatlarini hisobga olgan holda musobaqalar tayyorgarlik ko‘rish; ***to’rtinchidan,*** oldinda turgan musobaqalarda g‘alabaga erishish uchun o‘z kuchi va imkoniyatlariga qattiq ishonishni shakllantirish; ***beshinchdan,*** musobaqalar tufayli yuzaga kelgan salbiy hayajonlarni yengib o‘tish va tetik emotsional holatni yaratish kabi masalalarga alohida e’tibor qaratilishi va amalga oshirilishini ta’kidlagan.

Y. Masharipov (2010) sportchilarni musobaqaga psixologik tayyorlash juda muhim, inson imkoniyatlari cheksiz, sportchi faqat ko‘zlangan maqsadga erishish uchun o‘zining ruhiy, jismoniy imkoniyatlarini safarbar qilish yo‘llarini bilishi zarur. Sportchilarda bunday bilim, malaka va ko‘nikmalarni shakllantirish, mutaxassislar, o‘qituvchilar diqqat markazida bo‘lishi lozim, sportchilarni jismoniy mashq va sport musobaqalariga psixologik tayyorlashda (1-jadval) ko`rsatib o`tilganlarni inobatga olish, rejalashtirilgan musobaqalarda sportchilarning yaxshi natijaga erishishida muhim ahamiyatga kasb etadi:

1-jadval

1	2	3	4	5
Sportchi diqqatini boshqarish	Hissiy obrazlar vositasida fikrlash	Ta’sirli so‘zlar orqali o‘zini ishontirish	Mushaklar faollik darajasini boshqarish	Nafas olish ritmi (maromi) ni boshqarish

Yuqoridagi ko`rsatib o`tilgan uslublarni inobatga olish natijasida yanada yuqoriroq natijalarga erishish mumkin. Sportchining musobaqa faoliyati xususiyatlarini hisobga olgan holda psixologik tayyorgarlik vositalaridan maqsadli foydalanish, bo‘lajak musobaqalarda yuksak natijalarga erishishning muhim omili hisoblanadi.

Biz Turon yakkakurashi bilan shug‘ullanuvchi talaba-qizlarning bo‘lajak musobaqalarga psixologik tayyorgarlik ko‘rishlari uchun quyida ko‘rsatib o‘tilgan uslublarini amalda joriy etdik. 2017-yilning 22-25-noyabr kunlari Farg‘ona viloyatida 1997-yillarda tug‘ilgan sportchilar o‘rtasida bo‘lib o‘tgan O‘zbekiston chempionatida ishtirok etgan Buxoro xotin-qizlar terma jamoasining musobaqa oldi psixologik tayyorgarlik ko‘rish (2-jadval) rejasi quyidagicha:

2-jadval

1	2	3	4	5	6
Musobaqaning o‘tkazish joyi, vaqti	Muhit, obyektiv, subyektiv munosabatlar	Har bir vaznda raqib jamoasining tarkibi	Asosiy raqib bo‘lishi kutiladigan jamoa vakili	Raqib sportchining individual xususiyatlari. Jismoniy, ruhiy, texnik, taktik, irodaviy tayyorgarligi	Raqib jamoa vakili (lari) qanday imkoniyatlarga ega ekanligi haqida batafsil ma’lumot olish

Kutilayotgan musobaqada sportchi qizlarning har tomonlama tayyorgarligini oshirib, musobaqada o‘ziga, g‘alabaga bo‘lgan ishonchini mustahkamlashda muhim ahamiyat kasb etadi.

Musobaqa oldi psixologik tayyorgarlik ko‘rildi, reja asosida.

Natijalar quyida ko‘rsatilgan:

Talaba – qizlarning chempionatdagi natijalari:

1. 52 kg vaznda BuxDU talabasi F. Fayzieva 5 ta bellashuv o‘tkazdi, barchasida g‘alaba qozonib birinchi o‘rinni qo‘lga kiritdi.
2. Buxoro Soliq kolleji talabasi G. Ramazonova 60 kg vanzda 4 bellashuv o‘tkazdi, 3 g‘alaba va finalda Farg‘ona viloyati vakili M.Odiljonovaga 11\8 hisobida mag‘lubiyatga uchradi 2-o‘rin.
3. BuxDU talabasi M.Baxromova 65 kg vaznda 4 ta bellashuv o‘tkazib barcha raqiblarini taslim etdi 1-o‘rin.
4. Vazni 70 kg bo‘lgan turonchi qizlar orasida BuxDU talabasi Orzu Ramazonovaga teng keladigan raqib topilmadi, musobaqa g‘olibi bo‘ldi.
5. 80 kg vanzda barcha raqiblarini mag‘lubiyatga uchratgan ikki nafar BuxDU talabalari D. Shoimova va S.Saidovalar finalda uchrashib, S.Saidova qo‘li baland keldi hamda Respublika chempioni unvoniga sazovor bo‘ldi.

Musobaqaning yakuniy natijalari shuni ko‘rsatdiki, mashg‘ulotlarda jismoniy, texnik, taktik, irodaviy tayyorgarligi bilan birgalikda yuqori natijalarni qo‘lga kiritishda, musobaqa oldi psixologik tayyorgarlik ko‘rish sportchilarni musobaqa bellashuvlarida g‘alaba qozonishida muhim ahamiyatga ega ekanligi, Turon yakkakurashi bo‘yicha o‘tkazilgan respublika chempionatida talaba sportchi-qizlarning ishtiroki hamda ko‘rsatgan natijalari bilan isbotlandi.

Adabiyotlar

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 2-oktabrdagi “Kurash” milliy sportini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to‘g‘risidagi Qarori.// http://www.uza.uz/
2. Kerimov F.A. Sport sohasidagi ilmiy tadqiqotlar. Darslik. –Toshkent, “Zarqalam”, 2004. – 334 bet.
3. Kerimov F.A. Sport kurashi nazariyasi va usuliyati. Daslik. – Toshkent: O‘zDJTI nashriyot-matbaa bo‘limi, 2005. – 341 bet.
4. Tastanov N.A. Kurash turlari nazariyasi va uslubiyati. Dasrlik. – Toshkent: “Iqtisod-Moliya”, 2015. – 327 bet.



Qahramon ARSLONOV
Buxoro davlat universiteti
jismoniy madaniyat fakulteti dotsenti

MILLIY KURASH TURLARI VA UNI O'QITISH METODIKASI FANINI O'QITISHDA QO'LLANILADIGAN TA'LIM TEXNOLOGIYALARI

Maqolada milliy kurash turlari va uni o'qitishda o'quv mashg'ulotlarida ta'lim texnologiyalarini qo'llashning nazariy va amaliy ahamiyatiga oid ma'lumotlar keltirilgan.

Tayanch tushunchalar: *motivasiya, kompetent, innovatsion-pedagogik texnologiya, muammoli-o'qitish texnologiyasi.*

В статье приведены теоретически и практически значимые сведения об использования образовательных технологий в учебных занятиях национального кураша.

Опорные понятия*: мотивация, компетентный, инновационно-педагогическая технология, технология проблемного обучения.*

In article also almost significant data about uses of educational technologies are provided in studies of a national kurash theoretically.

Supporting concepts: *motivation, competent, innovative and pedagogical technology, technology of problem training.*

Hozirgi davrning turli ilmiy-nazariy va o'quv-metodik manbalarida ijtimoiy-iqtisodiy taraqqiyotning talab va ehtiyojlaridan kelib chiqib, qayta takrorlanadigan, o'quvchi (talaba)ning o'qish-bilish faolligini to'liq ta'minlaydigan, ta'lim shakllarini qulaylashtiradigan, o'qitishda inson salohiyati va texnik vositalarning o'zaro ta'sirini tashkil etadigan, bilim o'zlashtirishda yo'l qo'yilgan xatolarni aniqlab, tuzata oladigan ***"...zamonaviy pedagogik va axborot texnologiyalarini o'z vaqtida ishlab chiqish va joriy etishni ta'minlash"*** *[1]* vaqti yetib kelganligi qayd etiladi. Chunki ta'lim texnologiyalari o'zlashtirish natijalarini kafolatlaydigan, jamiyat talablariga ko'ra oldindan shaxs shakllanishini kafolatlovchi, ta'lim shakllarini qulaylashtiruvchi o'qitishning metod va vositalarining yig'indisidan iboratdir.

"Milliy kurash turlari va uni o'qitish texnologiyalari" o'quv fanini o'qitishda ta'lim jarayonining yo'nali-shini muayyan izchillik va yaxlitlikda qurish, o'quvchi (talaba)larning o'quv-biluv faoliyatini aniqlashtiril-gan maqsadni amalga oshiruvchi ta'limning shakl metod va vositalarini tanlash lozimligini taqozo etadi. Buning uchun didaktikaning muayyan qonuniyatlari, qoidalari va o'ziga xos jihatlarini e'tibordan chiqar-maslik lozim. Chunki ilmiy manbalarda ta'kidlanishicha, "o'qitish texnologiyasi (natija sifatida) – didaktik jarayonning ilmiy loyihasi modeli) bo'lib, faoliyat davomida pedagogik harakatalar muvaffaqiyatini ta'-minlaydi".

Xo'sh, o'qitish texnologiyalari mazmunida nimalar mujassamlashgan?

1. Ta'lim standartlari asosida o'qitish jarayonini loyihalash.
2. Kutilayotgan natijani kafolatlash va kafolatlangan natijaga to'liq erishish.
3. Kafolatlangan natijani qo'lga kiritishda maqsadni aniq belgilash, ya'ni ta'limning umumiy maqsadi va o'quv mavzusining maqsadini hamda o'zlashtirilishi lozim bo'lgan o'quv ma'lumotlarinining maqsadini aniqlashtirish.
4. O'qitishning didaktik vositalarini aniq tanlash va ulardan maksimal (optimal) foydalanish.
5. O'qitishning uzluksizlik, tadrijiylik, ilmiylik, tushunarlilik, ko'rgazmalilik, amaliylik, tamoyillariga asoslanish.
6. O'quv mashg'ulotlarining xaritasini o'zlashtirilishi lozim bo'lgan BKM (bilim, ko'nikma, malakalar) va pedagogik harakatlar (o'qituvchi-talaba faoliyati) asosida ishlab chiqish va rejalarni tuzish.
7. Ta'lim oluvchilarning mustaqilligi, faolligi, ijodiy kamolotining ta'minlanishiga qaratilgan bo'lganligi.
8. Ta'lim jarayonining motivatsiya, ta'lim oluvchining o'qish-bilish faoliyati, o'quvchi faoliyati boshqarilishi komponentlaridan iborat bo'lishi va amalga oshishi.

Qolaversa, “Milliy kurash turlari va o’qitish metodikasi” fanini o’qitishda, fan mazmunini talabalarning o’zlashtirishlari uchun ta’limning ilg’or va zamonaviy usullaridan foydalanish, yangi innovatsion-pedagogik texnologiyalarni tadbiq qilish, ma’ruza, amaliy mashg’ulotlardan ilg’or innovatsion texnologiyalardan foydalanish zarurligi qayd qilingan. Shuni inobatga olib biz mazkur fanni o’qitishda foydalanishi mumkin bo’lgan ta’lim texnologiyalari xususida fikr yuritamiz.

Hozirgi kunda ta’lim maqsadini amalga oshirish ta’lim funktsiyalari, muammoli-modulli xususiyatlari, o’qitish vositalari va ta’lim mazmunini amalga oshirish darajalari, ta’limni jadallashtirish va shaxsga yo’naltirilgan – umumiy pedagogik, xususiy pedagogik, lokal (modul)li ta’lim kabi o’qitishning xususiyatlaridan kelib chiqib, A.Y. Savelev, S.A. Smirnov, M.A. Chashanov, V.P. Bespalko, V.M. Shatalov, E.N. Shiyanov, M.I. Maxmutov, L.A. Yutsyavichene, D.V. Chernilevskiy va boshqalar tomonidan ta’lim texnologiyalari ishlab chiqilgan. Respublikamiz ta’lim muassasalarida esa o’qitishning muammoli, shaxsga yo’naltirilgan, mujassamlashtirilgan, modulli, rivojlantiruvchi, dasturlashtirilgan, differenlashtirilgan, faol, o’yin kabi texnologiyalari N. Avliyoqulov, N. Sayidaxmedov, B. Farberman, O’. Tolipov, M. Usmonboyeva, B. Xo’jayev, Sh.Olimov tomonidan ilmiy nazariy jihatdan asoslanib amalda qo’llanilmoqda.

Xullas, mazkur texnologiyalar mustaqil fikr yuritish, faol o’zlashtirish, ijodiy tafakkurni shakllantirish va rivojlantirish, kafolatli natijaga erishishni yo’lga qo’yishga yordam beradi. Zero, bunda bilish, tushunish, anglash, ajrata olish, o’z-o’zini nazorat qilish, aniqlashtirish o’z faoliyatini baholash kabi amallar doimiy harakatda bo’ladi. Endi qayd etib o’tilgan texnologiyalarning ayrimlari xususida qisqacha tavsif beramiz.

Muammoli o’qitish texnologiyasi – bu muayyan o’quv fanining muhim tomonlarini ijodiy o’zlashtirishga o’quvchilarni muntazam jalb qilishni nazarda tutadigan texnologiyadir. Muammoli o’qitish texnologiyasining o’ziga xos xususiyati shundan iboratki, u ta’lim oluvchilarga ma’lumot, axborotlarni tayyor holda emas, balki muammoli vaziyatlarni yaratish hamda ularni yechishga o’quvchilarni jalb etish orqali bilim o’zlashtirish, ko’nikma malaka hosil qilishga yo’llashni nazarda tutadi. Shuning uchun mazkur texnologiya ta’lim oluvchilarda mustaqil fikrlash, e’tiqodni tarbiyalaydi.

Darhaqiqat, “Muammoli o’qitish, o’qitishning eng tabiiy samarali usulidir, chunki ilmiy bilimlar mantiqi o’zida muammoli vaziyatlar mantiqini namoyish etadi”[2]. Zero, muammoli vaziyat – ta’lim oluvchilar fikrlash jarayonining dastlabki bosqichi bo’lib, unda biror narsani tushunish, anglash mantig’i yotadi va u talabani muammoni yechishga yo’naltiradi, yechimni izlashni tashkillashtiradi. Bunda o’qituvchi o’quvchi-talabalarga bilim, ma’lumot, axborotlarni tayyor holda taqdim etmaydi, u bilim oluvchilar oldiga muammoli topshiriqlarni qo’yib, ularning yechimini topishga o’quvchi-talabalarning o’zlarini yo’naltiradi.

Muammoli topshiriqlar, bilishga yo’llovchi, tadqiqiy topshiriqlar hisoblanib, ularning natijalari ta’lim oluvchiga noma’lum bo’lib, ularni yechish yo’llari, vositalarini ularning o’zlari o’z tayyorgarlik darajalariga tayanib mustaqil hal etishga intiladilar.

Muammoli o’qitish texnologiyasi o’quvchi-talabalarning bilish faolligi va ijodiy fikrlashini rivojlantiradi. Natijada o’quvchilar bilimlarni o’z tayyorgarlik darajalariga tayanib mustaqil o’rganishga odatlanadilar, muammo va topshiriqlarni yechishning yo’l va vositalarini izlab topishga intiladilar.

“Milliy kurash turlari va uni o’qitish texnologiyalari” o’quv fanini o’qitishda muammoli ta’lim texnologiyasi bo’lajak jismoniy tarbiya o’qituvchilariga kurashchilarning jismoniy va psixologik tayyorgarliklarini inobatga olib, vaziyatdan kelib chiqib, texnik, taktik mahoratini namoyish qilishda mustaqil qaror qabul qilish yo’llari hamda vositalari haqida ma’lumot beradi. Shuningdek, kurashchilarga hujum harakatlarini mustaqil tanlash, qo’llash texnikasi bilan tanishtiradi. Bu esa o’z navbatida, jismoniy tarbiya mashg’ulotlari va mashqlarini tashkil etish va o’tkazishga texnologik yondashish uchun amaliy yordam ko’rsatadi. Bunda muammoli vaziyatni vujudga keltirish muhim ahamiyat kasb etadi. Muammoli vaziyat yaratishda:

a) texnik-taktik tayyorgalikda ziddiyatlarni vujudga keltirish va uning yechimini topishga kurashchining o’ziga taklif etish;

b) aynan bir xildagi texnik-taktik tayyorgarlikni turli xil yechimini topish;

d) kurashchilarga holatga turlicha yondashishni o’rgatish;

e) amalga oshirilgan texnik-taktik holatni taqqoslash, umumlashtirish va xulosalar chiqarishga undashga olib keladi va ularni qo’llash ijtimoiy-pedagogik ahamiyat kasb etadi.

Shuning uchun ham “Milliy kurash turlari va uni o’qitish texnologiyalari” o’quv fanini o’qitishda muammoli ta’lim texnologiyasining roli katta.

Dasturlashtirilgan ta’lim texnologiyasi – o’quvchi-talabalarning maxsus ishlab chiqilgan o’quv materiallari ustida mustaqil ishlashlarini yo’lga qo’yish texnologiyasi hisoblanadi. Bunda milliy kurash bo’yicha sport kurashining paydo bo’lishi, ularning turlari, usullari, tamoyillari, kurashning texnik-taktik mahorat tamoyillari, jismoniy tayyorgarligi, ruhiy tayyorgarligi, texnik hamda taktik tayyorgarligi va boshqa o’quv

ma'lumotlarini dozalarga bo'lib, ularni ketma-ketlikda, izchillikda bayon etish bilan tavsiflanadi. Chunki bu ta'limda o'quv ma'lumotlarini muayyan dozalarga ajratish, o'qish tempini individuallashtirishi va asta-sekin aniqdan-noaniqqa, oddiydan-murakkabga qoidasiga ko'ra amalga oshirish, o'quv materialini o'rganish nazoratini izchillik bilan o'tkazish, o'tilgan izchillik bilan o'tkazish, o'tilgan mavzuni kichik ulushlarga bo'lib, ularni to'liq o'zlashtirilishini ta'minlagandan so'ng o'quv materialining keyingi ulushini taqdim etishga o'tishni ta'minlash kabi didaktik talablar yotadi. Bu talabning o'ziga xos tomoni shundan iboratki, talaba fan o'quv materialining oldingisini mukammal o'zlashtirmasa, keyingisini o'zlashtira olmaydi. Aniq va to'g'ri tashkil etilgan individual xarakterdagi talabaning mustaqil ishi o'quv ma'lumotlarini to'liq o'zlashtirishga imkon yaratadi. Yaxshi tashkil etilgan talabaning o'quv-biluv faoliyati, uning ustidan o'rnatilgan doimiy nazorat, talaba bilim olishi va rivojlanishini ta'minlaydi.

Modulli ta'lim texnologiyasi. O'qitishning yangi texnologiyalarini izlab topish borasida olib borilgan tadqiqotlar, ta'lim oluvchilarning mustaqil bilish faoliyatini rivojlantirishga yo'naltirilgan ta'limning modulli o'qitish texnologiyasining yaratilishiga olib keldi. Modulli o'qitish texnologiyasi aniq ta'lim oluvchiga mos keluvchi o'qitish usulini tanlashni, o'quv ma'lumotlarini o'quvchi-talabaning tayyorgarligi, o'quv-biluv ehtiyojiga muvofiqlashtirish, o'quv fani bo'yicha bilim va ko'nikmalarni mustaqil ishlashlari asosida modullar bo'yicha tizimlashtirishni nazarda tutadi.

Professor N.H. Avliyoqulov va p.f.n. N.N.Musayevalar ta'kidlaganidek:

- modulli o'qitish didaktik tizimning har bir tizilmasini (komponentini) so'zsiz ishlanishini ta'minlaydi va ularni modulli dasturda va modullarda ko'rgazmali taqdim etadi;
- modulli o'qitish, o'qitish mazmunini aniq tarkiblash, nazariy materialni ketma-ket bayon etish, o'quv jarayonini uslubiy material bilan ta'minlash, o'qitish jarayoniga tuzatishlar kiritishga imkon beruvchi o'zlashtirilgan bilimlarni baholash va nazorat tizimini taqozo etadi;
- modulli o'qitish o'qitishni o'zgaruvchanligini, o'quv jarayonini o'quvchilarning shaxsiy imkoniyatlari va talablariga moslashni nazarda tutadi [2].

Modulli ta'lim texnologiyasining mazkur o'ziga xos xususiyatlari Milliy kurash turlari va uni o'qitish metodikasi o'quv fanini o'qitishda:

- milliy kurash turlarini tartiblashtirish;
- "milliy kurash turlari va uni o'qitish metodikasi"ni modulli dastur shaklida o'quv ma'lumotlari modullarga (makro-, mikromoddullar tarzida) ketma-ketlikda o'zlashtirishni rejalashtirish;
- tashkiliy shakllarda mustaqil bilim olish asosida olib borishni yo'lga qo'yish kabi masalalarni yechish amalga oshiriladi.

Shunday qilib, modulli o'qitish texnologiyasi fan ma'ruzalarini modullarga ajratishni, o'qitish, o'zlashtirishni nazorat qilish va baholashni yuqori texnologik jarayon asosida olib boruvchi texnologiya deb xulosa chiqarish mumkin.

Differensiallashgan ta'lim texnologiyasi – bu ta'lim oluvchilarning individual (ruhiy va jismoniy) xususiyatlarini inobatga olib tashkil etilgan ta'lim texnologiyasi hisoblanadi. Ma'lumki, didaktika fani ta'lim oluvchilarni bilim darajasi, fikrlashi, xotirasi, qobiliyatini inobatga olib, ularni a'lo, yaxshi, o'rta va bo'sh o'zlashtiruvchilarga ajratib o'qitish maktab amaliyotida keng qo'llaniladi. Bunday mashg'ulotlar mashqlarni tashkil etish odatda **differensial ta'lim** deb yuritiladi.

Sport kurashida esa kurashchilarning jismoniy, ruhiy, texnik, taktik tayyogarliklarini inobatga olgan holda ularni guruhlarga ajratib tashkil etiladigan mashg'ulotlarni differensial ta'lim deb aytish mumkin. Bunday yondashish sportchida taktik-texnik tayyorgarlikni oshishida, jismoniy va ruhiy holatini yaxshilashida muhim o'rin tutadi. Bunday ta'limda sportchi faollashadi, o'zining jismoniy, ruhiy, texnik va taktik tayyorgarligi ustida muntazam shug'ullanadi. Buning uchun jismoniy tarbiya o'qituvchisi yoki murabbiy milliy kurash turlari, milliy kurash mashg'ulotining maqsadi, vazifalari, vositalari, usullari, tamoyillari, kurashchining jismoniy, ruhiy, texnik va taktik tayyorgarligi to'g'risida ham ilmiy-nazariy ham amaliy-usuliy ma'lumotlarni mukammal egallashi talab etiladi.

Shunday qilib, "Milliy kurash turlari va uni o'qitish texnologiyalari" fanini o'qitishda differensial ta'lim texnologiyasidan foydalanish ta'lim oluvchilar yoki bo'lajak jismoniy tarbiya o'qituvchilari hamda murabbiylarni past o'zlashtiruvchidan qoniqarli o'zlashtiruvchi darajasiga, qoniqarli o'zlashtiruvchilarni yaxshi o'zlashtiruvchilar darajasiga, yaxshi o'zlashtiruvchilarni a'lo o'zlashtiruvchilar darajasiga ko'tarish mumkinligi amalda tasdiqlangan. Demak, "Milliy sport kurashi va uni o'qitish texnologiyalari" fani mavzularini o'qitishda differensial ta'lim texnologiyasini qo'llash yaxshi samara beradi.

Mujassamlashtirilgan ta'lim texnologiyasi – ta'lim oluvchilarning his qilish xususiyatlarini, idrok etish faoliyatlarini inobatga olgan mashg'ulotlarni bloklarga biriktirib, egallangan bilimlar samaradorligini

oshirish hamda ularni idrok etish qobiliyati, faolliklari, qiziqishlari, aqliy intellektual imkoniyatlarini orttirishga qaratilgan ta'lim texnologiyasidir. "Milliy kurash turlari va uni o'qitish texnologiyalari" fanini mujassamlashgan ta'lim texnologiyasi asosida o'qitish sport turkumidagi o'quv fanlarining o'qitishni mujassamlashgan holda o'qitishni nazarda tutadi. Bunda kurashga tayyorgarlik jarayonidagi harakatlar, kuch, tezkorlik, chidamlilik, chaqqonlik, vaziyatni to'g'ri tushunish va unga qarab kuchini taqsimlash to'g'ri ta'minlanadi. Zero, inson ongi, sezgisi, ruhiy faoliyati o'zaro mujassamlashgan birliklardan tashkil topgan. "Milliy kurash turlari va uni o'qitish texnologiyalari" fani mazmunidagi mavzularni mujassamlashtirilgan ta'lim asosida o'rganish kurashchilarning bilimdonlik darajasi va jismoniy, ruhiy, texnik-taktik tayyorgarligini rivojlantiradi, mavzularni hayotiy lavhalar bilan bog'lashni ta'minlaydi. Shuningdek, bo'lajak jismoniy tarbiya o'qituvchilari va murabbiylarning bilish faoliyatini mazmunan boyitadi hamda quyidagilarning namoyon bo'lishini ta'minlaydi:

a) o'rganilayotgan fan g'oyalarini chuqurlashtiradi va zukkolik, faollikni oshiradi;

b) kuchlilik, tezkorlik, chaqqonlik, chidamlilik, mustaqillikni tarbiyalaydi;

d) har bir mashg'ulot doirasida faoliyat turlarini almashtirishga yordam beradi;

e) mashg'ulotlarni ko'rgazmali, illyustrativ, axborotli tashkil etish imkoniyatlarini kengaytiradi;

f) mustaqil, ijodiy fikrlash va tadqiqotchilik faoliyatini tashkil etishni yo'lga qo'yadi.

Rivojlantiruvchi ta'lim texnologiyasi – ta'lim oluvchilarning tabiiy rivojlanish qonuniyatlari asosida uning ichki imkoniyatlarini ro'yobga chiqarish va muammoni mustaqil echa oladigan, fan mazmunini anglash uchun kerakli bilimni qidirib topa olish ko'nikmalarini rivojlantiruvchi ta'limdir. Bu ta'lim texnologiyasi "Kadrlar tayyorlash milliy dasturi" talablaridan kelib chiqadi va jahon standarti talabiga javob beradigan, o'ziga, boshqalarga, jamiyatga, davlatga, tabiatga, mehnatga, o'zining shaxsiy faoliyatiga to'g'ri munosabatni bildira oladigan, ijodkor, tadbirkor kadrlarni tayyorlash va o'z-o'zini takomillashtiradigan shaxsni tarbilashga qaratilgan ta'lim texnologiyasidir. Mazkur ta'lim texnologiyasi ta'lim jarayoni ishtirokchilari (subyektlar)ning harakatlarini faollashtiradi, hamda o'zaro faoliyatni jadallashtiradi, interfaollikni vujudga keltiradi. Bu esa faqatgina axborotlarni shunchaki qabul qilishni emas, balki o'rganilayotgan ob'ektlar yoki jarayonlarning o'zaro harakatlarni tezlashtiradi, ma'lumotlar, axborotlar xususiyatlarini faol tadqiq qilish imkoniyatlarini vujudga keltiradi.

Demak, rivojlantiruvchi ta'lim o'qitish jarayonini jadallashtirish, bilim oluvchilar faoliyatini faollashtirish, birgalikdagi harakatlarni uyg'unlashtirishga qaratilgan ta'lim hisoblanib, ta'lim va tarbiya vazifalarini oqilona hal qilishga katta imkoniyatlar yaratadi.

Shunday qilib, nazariy jihatdan ishlab chiqilib, amaliy faoliyatda qo'llanilayotgan o'qitishning zamonaviy texnologiyalari o'zida o'qitishning tashkiliy shakllar tizimi, ta'lim metodlari, majmuasi, vositalari, maqsad, vazifa, ta'lim o'rgatuvchi va ta'lim o'rganuvchining birgalikda, hamkorlikdagi faoliyatlarini tashkil qiluvchi, o'quv ma'lumotlarini o'zlashtirishda imkoniyatlardan to'liq foydalanuvchi texnologiyadir. Shuning uchun ham u produktiv (mahsuldor) hisoblanadi.

Hozirgi zamon ta'lim nazariyasi (didaktikasi)da o'qitishning mazmunini to'ldiruvchi o'qitishning interfaol metodlari mavjud. Bu metodlar o'qitishning samaradorligini oshiradi, o'quvchi-talabalarning ijodiy, mustaqil, tanqidiy fikrlashlarini shakllantiradi va qobiliyatini rivojlantiradi, raqobatbardosh yetuk mutaxassislarni tayyorlashga yordam beradi.

Adabiyotlar

1. Karimov I.A. O'zbekiston XXI asrga intilmoqda. – T.: "O'zbekiston", 1999. – B. 37-38

2. Avliyoqulov N.H., Namozova N.J. Muammoli o'qitish texnologiyalari. – T., 2004. – B. 12.

3. Avliyoqulov N.H., Musayeva N.N.. Modulli o'qitish texnologiyalari. – T.: Fan va texnologiyalar, 2007. – B. 27.

5. Arslonov Q.P. Milliy kurash turlari va uni o'qitish texnologiyalari. – Buxoro, 2014.



Алихан АФРАИМОВ
Бухоро давлат университети
факультетлараро жисмоний маданият
ва спорт кафедраси ўқитувчиси

СПОРТ ГИМНАСТИКАСИ БИЛАН ШУҒУЛЛАНИШНИНГ ОРГАНИЗМГА ТАЪСИРИ

Мақолада спорт гимнастикаси – инсоннинг жисмоний гармоник ривожланишида самарали восита эканлиги хусусида фикр баён этилган. Спорт гимнастикаси машқларини шуғулланувчига яхши таъсир этишини баҳолаш мураккаб. Уларда қўл, гавда, елка камарининг мускул бўғим аппарати яхши ривожланади, янги жисмоний машқларни ўзлаштириш учун шароит яратади, кўпгина машқлар бевосита амалий аҳамиятга эга.

Таянч тушунчалар: *спорт гимнастикаси, мушак, машғулот, машқ, фазода тана ҳаракати, жисмоний тарбия.*

В статье излагаются размышления об эффективности спортивной гимнастики как средства гармонического и физического развития человека. Сложно оценивать воздействие упражнений на занимающегося спортивной гимнастики . У них хорошо развивается мышечно-суставный аппарат плеча, туловище, руки, создает условие для освоение новых физических упражнений, многие упражнения непосредственно имеют практическое значение.

Опорные понятия: *спортивная гимнастика, мышца, занятие, упражнение, движение тела в пространстве, физическое воспитание.*

In article reflection about efficiency of artistic gymnastics as means of harmoniously physical development of the person is stated. Assessment of the best impact of exercises of artistic gymnastics on engaged difficult. At them musculoarticulate the shoulder device, a trunk, hands well develops, creates a condition for development of new physical exercises, many exercises directly have practical value.

Supporting concepts: *artistic gymnastics, a muscle, occupation, exercise, the movement a body in space, physical training.*

Спорт гимнастикаси – энг машҳур спорт турларидан биридир. У ўсиб келаётган авлодни гармоник ривожланишига ёрдам беради ва кўп мамлакатларда жисмоний тарбия миллий тизимининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Спорт гимнастикаси билан шуғулланувчиларнинг жисмоний такомиллаштириш вазифаларини ҳал қилиб, мураккаб координацияли ҳаракат, катта жисмоний куч, иродани сафарбар қилиш, бардошлилик ва жасорат талаб қилувчи гимнастика машқларини бажаришни маҳорат билан ўзлаштиришни кўзда тутади. Юқори малакали гимнастикачиларни тайёрлаш жараёни уларни янги келган даврида халқаро тоифадаги спорт устасигача бўлган кўп йиллик йўлни кўзда тутади. Махсус машғулотнинг бошланишидан то спорт устаси даражасига етгунча энг қулай вақти аёлларда ўртача 5 – 7, эркакларда 7 – 9 ёшни талаб этади.

Агар гимнастика билан шуғулланишдан то фаол машғулотнинг якунигача бўлган вақтни ҳисобласа, гимнастика амалиёти даври анча 15 дан 20 ёшгача давом этиши мумкин.

Жаҳонда кучли гимнастикачиларнинг демонстрация даврида уларнинг энг юқори натижалари, бу ютуқларга эришиш йўлидаги дастурларни ўзлаштириш учун зарур бўлган вақти гимнастикачилар тайёргарлиги муддатини аниқлаш мезони хисобланади.

Спорт гимнастикаси жасорат, қатъият, кутилмаган шароитда мўлжални ола билишни тарбиялайди. У эпчиллик, куч ва чидамлилик каби жисмоний сифатларни такомиллаштиришга ёрдам беради. Гимнастикачи спортда ривожланиш жараёнида борган сари мураккаб машқларни ўзлаштиради. Спорт гимнастикаси билан шуғулланиш фақатгина мушак – бўғим аппаратига, балки ички органларига ҳам яхши таъсир кўрсатади.

Маълумки, машғулот қилмаган одам таянч шароити унинг учун одатдагидай бўлмаганда, горизонтга нисбатан ғайритабиий ҳолатларга тушганда, унинг баъзи ички органлари – юрак, ўпка, ошқозони силжийди, натижада иш фаолияти ёмонлашади.

Спорт гимнастикаси ғайритабиий шароитларда ички органларнинг силжиши билан курашишда ажойиб воситадир. Гимнастика машқларини кўп маротаба такрорлашлар одам организмини борган сари танининг ғайритабиий ҳолатини кам сезадиган бўлади.

Малакали гимнастикачиларнинг ички органлари шуғулланмайдиганларга нисбатан анча кам силжийди.

Одамнинг боши пастга қараб тўнтарилганда диафрагма пастга тушади ва уни қорин бўшлиғи босиб қўяди. Бунинг натижасида малакасиз гимнастикачи деярли қориндан нафас ололмайди, кўкракдан нафас олиш эса қийинлашади. Бошни пастга қилган ҳолатда кўкрак қафаси сиғими камаяди, бунинг натижасида нафас олиш қийинлашади ва нафас чиқариш осонлашади. Бунда ўпканинг тириклик сиғими деярли 1 литрга камаяди.

Машғулот қилиб юрган гимнастикачининг бошини пастга қилган ҳолатдаги нафас чуқурлиги машғулот қилмаган гимнастикачига қараганда кўпроқ. Ўпканинг тириклик сиғими тўғрисида ҳам шуни айтиш мумкин. Маълумотларга кўра, малакали гимнастикачи гимнастика машқларини бажараётганда ўпка вентиляцияси жуда ижобий амалга ошади. Бу вақтда бу ҳолатларни яхши бажара олмайдиган гимнастикачида ҳаддан ташқари зўриқиш, нафаснинг ушланиши ва ўпка вентиляциясининг етишмаслиги кузатилади. Шундай экан, спорт гимнастикаси ғайритабиий таянч ҳолатларда нафас тизими фаолиятини ривожлантиришда яхши восита ҳисобланади.

Маълумки, асбобларда машқ бажаришда нафас олиш ва қон айланиши ўзига хосдир. Агарда кўпгина спорт турлари билан шуғулланганда ўпка вентиляцияси ва газ алмашиш иш жараёнида ишнинг кейингига қараганда кўп бўлса, кўпгина гимнастика машқларини бажаришда бунинг аксидир. Масалан: Лингданнинг маълумотига кўра, турникда қўлларни букиб осилиш вақтида юрак ҳажми дақиқасига 11,3 литр бўлса, бевосита буни бажаргандан сўнг эса 12,3 литр. Худди шу муаллифнинг маълумотига кўра, газ алмашиши худди шу осилишни бажарилаётган вақтдаги бажариб бўлгандагиси кўпроқ (иш пайтида кислородни сингдириш – 542 $см^3$, ишдан кейин эса – 707 $см^3$). Лекин гимнастика машқларининг ҳаммаси тўғрисида буни айтиб бўлмайди. Қўлларда тик туришни яхши бажарувчи гимнастикачида ишдан кейинги ўпка вентиляцияси кислородни сингдириш ва дақиқалик ҳажм уни бажариш пайтидагига қараганда камроқ.

Машқларни яхши ўзлаштирган гимнастикачи нафас фазаси билан ҳаракат фазасини моҳирона мослаштира олади. Натижада снарядда нафасни ушланиши кам бўлади, шу билан бирга қисқа вақт оралиғида нафас ритми бузилмайди, кислород қарзи эса (қачонки, у пайдо бўлганда) тез тикланади. Спорт гимнастикаси билан шуғулланиш турли ациклик фаолиятларда нафас фазаси билан ҳаракат фазасини мослаштира олиш қобилиятини тарбиялашга ижобий таъсир этади.

Спорт гимнастикаси машқлари таъсирида юрак ва қон томирлар функцияси ривожланади. Снарядда машғулот қилиш пайтида қон босим даражаси ўзгаради. Биргина, қўлларда тортилишда қон босими 160 – 170 рт.ст гача кўтарилиши мумкин. Машғулот қилмаган одам бошни пастга қилиб айланиш билан боғлиқ ҳаракатларни бажарганда бошнинг қон томирларида босим кўтарилади, юз бирдан қизариши кузатилади. Машғулотлар таъсирида бундай ҳодисалар йўқолади.

Машғулот қилиб чиниққан гимнастикачининг тана ҳолати ўзгарганда қон томирлар тонуси ўзгаради; бошни пастга қилиб айланиши пайтида қон томир диаметри қисқаради ва шунинг учун юз қизармайди. Гимнастика машқларини бажариш натижасида қон томир функцияси ривожланади ва гимнастикачи танасининг ҳар бир ҳолатдаги ўзгаришларида қонни тақсимлашни таъминловчи шартли рефлекслари шаклланади. Баъзи пайтларда олдинга ёки орқага силтаниб кўтарилишни бажарганда одамнинг марказдан қочувчи кучига таъсир этиш билан боғлиқ бўлган снаряддаги бир қатор ҳаракатларни ва катта айланишларни бажаришда ҳам қон айланиши ўзгаришини кузатиш мумкин.

Юқоридаги кўрсатилган ҳаракатларда, айниқса, юқори тезликда бажариладиган ҳаракатларда марказдан қочувчи куч қон оёққа томонга ҳаракатланади. Ва агар қон айланиш тартиби бузилса, бош миянинг қон билан таъминланиши камаяди.

Машғулот қилган гимнастикачилар фазода тананинг тез ўзгартиришини қон айланишига таъсир этувчи турли тезликдаги ва бошқа омилларни енгил бажара оладилар.

Шунингдек, спорт гимнастикаси машқларининг шуғулланувчилар вестибуляр аппаратига ижобий таъсирини таъкидлаб ўтиш жоиз. Улар вестибуляр аппарат учун ҳам қўзғатувчи, ҳам машғулот қилдирувчи омил ҳисобланади. Уларни бажариш натижасида гимнастикачиларда тана ҳолатининг ўзгаришига, тезкорлик ҳаракатига турғунлиги ривожланади. Вестибуляр аппарат пайдо бўлган кўз-

ғатувчи вегетатив ва рефлекслар спорт билан шуғулланмаганларга ва бошқа спорт билан шуғулланадиганларга нисбатан гимнастикачиларда камроқ бўлади.

Спорт гимнастикаси билан шуғулланувчиларда бошқа спорт турларининг турли ҳаракатлари техникасини шу билан бирга, кўпгина маиший ва меҳнат ҳаракат малакалари техникасини ҳам тез ўзлаштириш қобилияти ривожланади, гимнаст машғулот жараёнида ҳаракатларнинг катта қисмини ўзлаштиради, катта ҳаракат тажрибасини оширади ва шунинг учун ҳар бир ҳаракат малакасини тез ўзлаштиради.

Спорт гимнастикаси шуғулланувчиларда дадиллик ва қатъиятлилик каби сифатларни намоён бўлишига ёрдам беради. Маълумки, гимнастикачилар кўпинча қўрқув, ҳимоя рефлекси тормозланиши енгишга мажбурловчи хавфли элементларни ўзлаштиришга тўғри келади. Улар юқори баландликдан сакраб тушишни, анча юқори қаршиликларни турли усуллар билан енгишни, юқори тезликда айланаётиб снарядни қўйиб юбориши ва яна уни ушлаб олишни, қисқа таянч майдонида мувозанат сақлашни ва бошқаларни бажаришларига тўғри келади. Бу ҳаракат тажрибаси гимнастикачига кўпинча бебаҳо хизмат ҳаракат вазифаларини тенг шароитда кимнинг тажрибаси кўп бўлса, ўша муваффақиятли еча олади.

Спорт гимнастикаси билан шуғулланувчилар қанча кўп машғулот қилса, шунча катта муваффақиятга эришадилар, саломатликлари қанча мустаҳкам бўлса, жисмоний ривожланиш ҳам шунча юқори бўлади.

Умумривожлантирувчи ва эркин машқларга оид атамалар



1 2 3 4

1. Асосий туриш. 2. Оёқларни тор кериб туриш. 3. Оёқларни кериб туриб қўллар белда. 4. Оёқларни кенг кериб туриб қўллар белда.



5 6 7 8

5. Ўнг оёқни чалиштириб туриб, қўллар белда. 6. Ўнг оёқни кериб туриб қўллар белда 7. Ўнг тиззада туриб, қўллар белда. 8. Тиззаларда туриб, қўллар белда.



9 10 11 12

9. Ўнг томонга оёқ учига. 10. Ўнг оёқ ёнга пастга. 11. Ўнг оёқ ёнга. 12. Ўнг оёқ ёнга юқорига.



13 14 15 16

13. Ўнг оёқ олдинга пастга, қўллар белда. 14. Чап оёқ олдинга оёқ учига, қўллар белда. 15. Ўнг оёқ олдинга, қўллар белда. 16. Ўнг оёқ олдинга юқорига, қўллар белда.



17 18 19 20

17. Ўтириш. 18. Бурчак ўтириш. 19. Букилиб ўтириш. 20. Оёқларни қучоқлаб ўтириш.

